

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИММУНИТЕТ: ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ

*Республика илмий-амалий
конференцияси материаллари*

УДК: 172 (045)

ББК: 87.7

М 35

Маънавий-ахлоқий иммунитет: таҳдидлар ва уларнинг манбалари: илмий-амалий конференция материаллари / ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Низомий номидаги Тош. Дав. пед. ун-ти, “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” кафедраси: Таҳрир аъзолари М. Қаҳҳорова, М. Собирова. – Т.: “Muharrir nashriyoti” – 2011 й, 340 бет.

Илмий-амалий конференция “Маънавий-ахлоқий иммунитетга қарши таҳдидлар ва уларнинг манбалари” мавзусида бўлиб, ушбу тўпلامдан Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда республикаимз олий ўқув юртиларининг профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари, аспирантларнинг илмий мақолалари ўрин олган.

Мазкур илмий-амалий анжуманига келиб тушган материаллар “Маънавий-ахлоқий иммунитетни шакллантиришнинг ғоявий манбалари”, “Маънавий-ахлоқий иммунитетга қарши таҳдидлар, уларга қарши қуралишнинг ўзига хос усул ва воситалари”, “Талабанинг маънавий-ахлоқий қиёфаси ва унга эришиш йўллари” масалаларига бағишланган. Келтирилган илмий ахборотлардаги фактик материаллар ва хулосаларнинг аниқлигига муаллифлар жавобгар.

Тўпلامдаги материаллардан олий ва ўрта махсус ўқув юртиларидаги профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва талабалар фойдаланиши мумкин.

Тузувчилар:

М.Қаҳҳорова,
Фалсафа фанлари номзоди, доцент
М.Собирова,
Фалсафа фанлари номзоди,

Таҳририят аъзолари:

Г.Машарипова,
Тарих фанлари номзоди, доцент
Н.Қолқанов, Ўқитувчи

Ушбу тўплам Низомий номидаги ТДПУ Тарих факультетини Илмий Кенгашининг 2011 йил 28 августдаги қарори билан нашрга таясия этилган.

ISBN 978-9943-25-016-1

© “Muharrir nashriyoti”,
Тошкент, 2011.

Ў БОБ

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҒОЯВИЙ МАНБАЛАРИ

ЛУДОМАНИЯ ТАҲДИДИГА ҚАРШИ КУРАШ – ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТ СИФАТИДА

М. Қуронов, Миллий ғоя ва мафкура
илмий-амалий маркази раҳбари

“...Бугунги замон воқеликка очик кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда”.

Ислом Каримов

2010 йилнинг ёзи. Баъзи Интернет клубларида ўсмир болалар Контра, Дота, Жета, “Контр страйк”, “Варкрафт”, “Бой без правил” (Қондасиз жанглар), “Blood Rayne-2” (Қонли ёмғир), “Left-4 Dead” (Ўлимга маҳкум этилган), “Farcry” (Ўзоқдан таралган чинқирик) ўйинларини ўйнашмоқда. Кўпчилигимиз бу беозор манзарага аҳамият бермаймиз. Келинг, бир аҳамият берайлик.

Ҳозир “Бола-бола”, “Команда-команда” эмас, “Бола – компьютер” ўйинлари етакчи. Бунда бола 2-3 соат “шутер” ўйнайди. Шунча вақт ҳаракатсиз ўтиради. Асаблари, кўзлари зўриқади. Бир соат ўзини ёлланма котилдек тутди. Одам “ўлдиради”. Дикциясиз бўлади. Бир соатда 1000 сўминини сарфлаб, жисмонан ва руҳан зўриқиб чиқади. Ғолиб ё мағлуб бўлади.

Мунтазам равишда жангари ўйинларни ўйнаган ёшларимиз қалбида ёвузлик, шафқатсизлик, зўравонлик каби иллатлар илдиз отишни аниқ. Чунки бу ўйинлар “қаҳрамонлари” фақатгина “кучлилар галаба қозониши”, “ҳамма ишни куч билан ҳал қилиш мумкин”лиги, “зўравонлик, тажовузкорлик кучлилиқ белгиси”, деган хулосаларни тарғиб этади. Буни компьютерхоналарда ўйнаётган ёшларимизнинг гап-сўзлари, ўзаро мулоқотларида фойдаланадиган сўзлари, аралаш тиллардаги кўпол сўзлари билдириб қўймоқда. Бу дағал сўзлар эртага ота-оналарига, ўқитувчиларига, синфдошларига қаратилмасмикин?!

Ўйинга (болалар учун фойдалилари бундан мустасно) баҳони халқимизнинг ўзи бериб қўйган: “Ўйин туби – ўт бўлар”, “Ел сўнгги – ёғиш, Ўйин сўнгги – уруш”, “Ўйиндан ўймоқ чиқар, қозондан қўймоқ

(ўймоқ – ангишвона)”, “Ўлимнинг чачвоғи – ўйин”, “Ножўя ўйин – синдирар бўйин”, “Аччиқ ўйин ширин турмушни бузар”.¹

Иудомания. Биз учун янги сўз. Олимлар бу сўзга: “Одамнинг кундалик ҳаётида жазавати ўйинларни кун ўйнагани сабабли унинг ижтимоий, касбий моддий ва оилавий қадриятларининг қадрсизланиши, ушбу соҳалардаги мажбуриятларига эътиборининг пасайиши”, деган маънони бермоқдалар. Дунёда «Homo Ludens» – “Ўйинбоз одам” ибораси истеъмолга кирди.

“Оммавий маданият” одамларнинг иш билан эмас, ўйин билан машғул бўлишидан манфаатдор. Чунки ўйин индустрияси уларга жуда катта даромад келтиради. Шунинг учун кейинги йилларда одамни жазавага туширувчи ўйинлар кўпайиб борапти. Ўйинларни ташкил қилувчи ўз бизнесменлари бор. Ўйин автоматлари, қиморхоналар – Ғарб “оммавий маданият”ининг “кашфиётлари”. Уларда иштирок этувчиларнинг нияти – тез, бир лаҳзада ютиб бўйиб кетиш. Ишлаб эмас, “ютиб олиш”. Ёки югуриб олиб, терлаб, зўр бериб эришиладиган галабага жойида қимирламай, ўтирган жойида “эришиш”.

АҚШлик тадқиқотчи Р.Фолберг (Volberg, 1996)нинг фикрича, АҚШда “муаммоли гемблер” (ўйинбоз)лар АҚШ аҳолисининг 5% ини ташкил қилган. Канадада эса “муаммоли ўйинчилар” сони XX асрнинг биринчи ярмида 75% га ошган (Ladouceur et al, 1999). Юқоридаги далилларга асосланиб, олимлар азартли ўйинларга берилиш ҳолисасини – жамиятнинг бир қисмига таҳдид солаётган ижтимоий муаммо, деб эътироф қилдилар.

Ўйинбозлик касалига чалинган ўсмир қанақа бўлади? Олимлар И.П.Короленко ва Т.А.Донских ўйинбозлик аломатларини шундай таснифлашган:

1. Ўсмирнинг ўйинда ўтказётган вақти миқдорининг ошиб бориши;

2. Олдинги одаглар, қизиқишлар доираси торайиб, ўйин ҳақида кўпроқ ўйлаши;

3. Ютса ҳам, ютқизса ҳам ўйиндан чиқа олмаслиги;

4. Ўйин бошланишини орзиқиб кутиш, ўйинсиз колганда безовта бўлиб, асабийлашиш;

5. Тобора кўпроқ ўйнаш истаги, ўйинга тобора кўпроқ нарса тика бориш;

6. Ўйиндан ўзини тўхта олмай қолиши. “Бўлди, ўйинни ташладим”, – дейди, бироқ олдин бирга ўйнаган шерикларни кўрса, ўйин ҳақида гап очилса, ўйингоҳнинг ёнидан ўтаётганда қароридан тезда айниб қолади;

¹ Шотурсун Ш., Шоаҳмедов Ш. Маънолар маҳзани.-Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашри”, 2001. 448-б, 399-б.

7. Ота-онасидан ўйинга пул олиш учун ёлгон гапириши, ўғирлик қилиши;

8. Оила аъзоларидан, шифокорлардан ва бошқалардан ўзининг ўта ўйинпарастлигини яшириб, ёлгон гапириши кабилар ўсмирнинг ўйинпарастлигидан далолат беради.

Бугунги кунда ёшларнинг каттагина қисми бўш вақтларини интернет клубларда ўтказяпти. Интернет фақат тижорат, иктисодиёт, ҳордиқ, илмий маълумотлар олами эмас, балки ўйинлар ҳақидаги маълумотлар оламига ҳам айланди. “Игры@mail.ru”, “Ўйинлар ҳақида портал”, “Онлайн ўйинлар”, “Катта ўйинлар”, “Енгил онлайн ўйинлар”, “Браузер ўйинлар”, “Мини ўйинлар”, “Менинг олашим ўйинлари”, “Оддий ўйинлар” порталлари бор. Ўйинлар бозорларида миллионлаб дискларда сотилмоқда.

Лудомания – касаллик

“Кибернетик лудомания” тушунчаси жаҳон медицина амалиётига расман киритилган касаллик номи. Киберлудомания – компьютер ўйинбозлиги. Компьютер ўйинларига ҳаддан ортиқ боғланиб қолишнинг асоратлари ёшларнинг ҳаёт тарзида, жисмоний ва маънавий соғлигида намоён бўлади.

Лудомания – худди пиромания каби психик касалликдир. Россиядаги Бехтерев номидаги психиатрия институтида, 7 йил давомида, 16–57 ёшлар орасидаги 200 киши лудоманиядан даволаниб чиққан. Беморларнинг 190 нафари – эркак, 10 нафари – аёллар бўлган.

Медицина фанлари номзоди, Одесса Медицина Институти доценти Константин Аймедов лудоманияни касаллик деб атайди: “Бизда лудомания сўзининг пайдо бўлганига энди икки йил бўлди. Одамлар алкохол, наркотикнинг зарарлигини яхши билишади. Лекин лудоманиянинг касаллик эканлигини ҳам, оқибатларини ҳам сезишмаётир.

Одам ўйнаганда ҳаётда ҳис қила олмайдиган экстремал ҳолат, жазава, завқни ҳис қилади. Мисол учун мотопойга, “осмон жангини” олайлик. Одамнинг ҳаётда бунга эришиши учун кўп вақт, билим, тажриба, маблағ керак. Ўйинда-чи, озгина пулни автоматга ташлаб, кнопкаларни боссанг, бас. Осмонда жанг қилганда ҳосил бўладиган адреналин тошқини рўй беради”, – дейди у (“Репортер” Ахборот Агентлиги, 2008 йил 28 ноябрь).

Италияда лудомания синдромига чалинган беморларга ёрдам кўрсатиш расман йўлга қўйилди.¹ 2005 йил Хитойда ҳам компьютерга боғланган беморларни даволовчи худди шундай клиника очилди. Пекин

¹ Татьяна Нореских. Лудомания. Неуёмная жажда азарта. (Ссылки по теме: психология, мечты и желания, кризис, здоровье и медицина, досуг). 07.08.2009.

ҳарбий госпитали қошида очилган бу клиника, киберлудоманиядан даволовчи энг яхши касалхона ҳисобланади. Унда юзлаб беморлар ҳар кунига 50 АҚШ доллари тўлаб, 14 кунда даволаниб чиқишмоқда. Даволашда беморлар терапия, дорилар билан бирга сузиш ва баскетбол ўйинларига жалб қилинади. Голландия “Smith@ Jones Addiction Consultants” компаниясининг киберлудоманиядан даволовчи касалхонаси очилди. Касалхона бош врач Кит Бэккер 2006 йилнинг январь ойида 13 ёшдан 30 ёнгача бўлган 20 киши даволаниб чиққанлигини айтади. “Улар соғайиб чиқишган, компьютерни кўриб қалтираб, терлаб кетишди”, дейди у.

“Ота-оналар болаларини телевизорда бериладиган ёмон нарсалардан чағитиш учун уларга “Game Boy” ўйин мосламасини олиб беришади. Бизнингча, боғланиш ана шундан бошланади. Киберлудоманиа, ҳатто 8 ёшли болаларда ҳам кузатишмоқда”, дейди у.

Бэккер госпиталига тушган беморлардан бири – 28 ёшли Хан Вандер Хейден: “Мен 8 ёшимдан видео ўйинларига боғланиб қолганман. Бир кунда 14 соатгача ўйнардим. Ўзимни тутиб туриш учун наркотик истеъмол қилардим”.

Маълумотларга қараганда энг “геймерлашган” мамлакатлардан бири – Кореяда ҳар йили ўйинбозликдан 7 киши ҳалок бўлаётир. 38 ёшли бир киши ўн кун узлуксиз ўйнаган. Фақат ухлаб олишга танаффус қилган, холос. Врачлар уни юраги ёрилиб... ўлган ҳолда топнишган.

Екатеринбурглик бир ўсмир 12 соатлик узлуксиз ўйиндан кейин мия инсультидан вафот қилган. “Болаларда миянинг бундай жасороҳатланиши камдан-кам учрайди. Ўйин пайтидаги узлуксиз руҳий зўриқшидан бола миясининг қон билан таъминланиши бузилган. Боши айланган. Бироқ, жазавага тушган ўсмир ўзини ўйиндан тўхтата олмаган. У ўзининг ўлаётганини билиб турса ҳам ўйинни тўхтатмаган. Зўриқшидан мия томирлари ёрилиб кетган. Мияга қон келмай қолган. Ўсмир ўлаётиб ҳам ўйнайвергани кишини ҳайратлантиради. – дейди Екатеринбург болалар касалхонасининг наркология бўлими mudpи Алексей Сулимов.

Энг яхши ўйинлар – миллий ўйинлар

Ҳар бир компьютер ўйини, у “акцион” бўладими, “стратегия” бўладими, компьютерга боғланишни юзага келтириши мумкин. Чунки, лудоман бир ўйинни тугатиб, шу заҳоти иккинчисига киришиб кетади. Айниқса “шутер” ўйинларининг ёш ўсмирлар маънавиятига таъсири хавфли. Чунки, бунда сюжет бўйича биринчи шахс олдида чикқан ҳаммани кириб, ўлдиролсагина ғолиб бўлади. Бу эса, ўйинчидан қанча тажовузкорликни, руҳий бузилишларни талаб қилишни ўз-ўзидан маълум.

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида ушбу муаммонинг ечими кўрсатиб берилди: “Бир қараганда, бу муаммо арзимас нарса бўлиб туюлиши мумкин. Лекин ҳар қайси гўдак илк бор оламни ўз атрофидаги ашё ва буюмлар, жумладан, ўйинчоқлар орқали англашнинг шубҳатга оладиган бўлсак, уларнинг инсон тарбиясидаги ўрни беқиёс экани аён бўлади. Ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болаликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади”.

Компьютер болаларимиз қўлларидаги қўғирчоқ, ўйинчоқлар ўрнини эгаллаб олишга интилаётир. Демак, болаларимиз ўйнаётган компьютер ўйинларидаги образлар, боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болаликда қандай ўйинлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади, дейиш мумкин экан.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобидаги ушбу ҳикматнинг нақадар ҳақлигини тасдиқловчи ўйлаб воқеалар, ҳатто фожиялар ҳақида маълумотлар тарқатмоқда. Жаҳоннинг турли мамлакатларида мактаб ўқувчилари томонидан содир қилинаётган жиноятларни эшитиб, этимиз жунжиқади. Ўз синфдошларини отган ўсмирлар тергов пайтида бу ишни фалон-фалон компьютер ўйинлари таъсирида қилганлигини очик айтганлар.

Нега шундай? Чунки жангари ўйинлар оламига боғланган ўсмирнинг кизикиши доираси тораяди. Уни келажак, ҳаёт, Ватан, ўқиш, спорт, санъатнинг ранго-ранг олами эмас, жангари ўйинларнинг жангари олами “ютиб юборади”. У реал ҳаётга виртуал ҳаётдан олган жангари хулосалари билан қарай бошлайди. Унинг ниятларида асоссиз жинзакчилик, тундлик ҳолиб бўла бошлайди. Бу эса унинг синфдошлари, кўни-кўшнилари, тенгқурлари билан муносабатларини бузади. Ҳеч бўлмаганда у атрофида бўлаётган ўзгаришларга, янгиликларга, ўз халқининг, Ватанининг келажакига лоқайд бўла боради.

Миллий ўйинларимиз – болаларни ҳаётга тайёрловчи беназир мактаб. Болалар 6-7 ёшдан бошлаб тенгқурлари билан ҳаракатли ўйинлар ўйнайди. Ўйинлар давомида инсоний муносабатлар, атроф-муҳит ҳақида маълумот олади. Муносабатларнинг ўзига хос “мактаби”дан ўтади. Каттароқ болалардан ўзларини ўғил болача

тутишни, қизчалар оналаридан у ёки бу вазиятларда ўзларини қандай тутишни ўрганишади. Кўплаб ижобий фазилатлар ҳамда салбий қилиқларга дуч келади. Ёмонликнинг оқибатларини ҳам ўз даражаси ва даврасида кўради. Интизомлилик, уюшқоқлик, иродалилик, қийинчиликларга чидаб, енгиб ўтишни, бошлаган ишни охирига етказишни, мақсадга етиш учун бор кучини ишга солишни ўрганишади. “Команда руҳи”ни ҳис қилишади. Биргалашиб ҳаракат қилишни, курашишни, қийналиб бўлса-да, ғалаба қилишни машқ қилиб, чиниқиб, тобланади.

Булар болаларнинг ақлий, жисмоний, маънавий оламини бойитади. Миллий ўйинларимиз ота-боболаримизни абжир, чидамли, иродали, довюрак қилиб тарбиялаган. Чунки ўйин орқали турли шартли ҳаётий тўсиқларни, “рақиблар”ни ўз кучи билан енгиб ўтишга ўргатган. Чиниқтирган. Ўйинларда мардлик макталиб, гирромлик қораланган. Хуллас, ўйинлар – болаларни катта ҳаётга тайёрлаш, курашишга, енгилшга ўргатишнинг ўзига хос машқлари вазифасини ўтаган. Демак, миллий ўйинлар – болани миллат фарзандига айланишининг ажралмас шартли экан.

Шунинг учун бўлса керак, доно ўзбек халқи болаларнинг ёшига, жинсига мос, ўнлаб ўйин турларини ижод қилган. Олимлар уларни буюмли ўйинлар, буюмсиз ўйинлар, доимий, календарь ўйинларига бўлишади. “Яшин-тополок”, “Пакка”, “Қора кўрдим”, “Қувлашмачок”. “Яшинмачок”, “Тўп отиш”, “Лаппак”, “Беш тош”, “Хола-хола”, “Бобо така”, “Оқ теракми-кўк терак”, “Чори чамбар”, “Шапалак” ва ҳ.к. Хоразм, Фарғона водийси, Самарқанд, Сурхондарё, Қорақалпоқ болаларининг ўзига хос ўйинлари бор. Улар болаларнинг характери, жисмоний ва маънавий шаклланиши учун “машқ майдони” вазифасини бажарган. Болаларимиз дўстлик, мардлик, қийналиб бўлса-да, ғалабага эришишнинг илк нашидаларини туйишган.

Миллий қадриятларимиз каторида болаларимизнинг миллий ўйинларини ҳам собиқ шўролар “эскилик саркити” деб хўрлади. Фақат мустақиллик болаларимиз ўйинларини “оқлади”.

Ўзликка содиқликда гап кўп экан. Мустабид шўролар даврида ҳам ўзбек ўзининг миллий, инсонпарвар болалар ўйинларини сақлаб қолди. Бугун жаҳон уни ўрганишга келаётир! Бир педагог айтиб берган мисол: япон педагоглари ўсмирларининг компьютер лудоманиясига берилиб, ҳаракатсизликдан соғлиқларини, маънавий таҳдидлардан ўзликларини йўқотаётганликларини кўриб, чора қидира бошлашибди. Чунки бу – миллат келажагини хавф остига қўйиши мумкин. Улар ёш японлар авлоди соғлиғини сақлаб қолиш давосини излаб-излаб Ўзбекистондан топишибди. Шаҳару қишлоқларимизни кезиб, болаларимиз “замонавий эмас”, деб ўйнамай қўйган ҳаракатли ўйинларни ўрганиб, тўплаб, олиб

кетиб, ўзларининг суперзамонавий болаларига ўргатишаётган экан. Сабабинини сўрашса: Замонавий болалар ўйинлари ҳаддан ортиқ технократлашиб кетган. Уларда инсоний рух, жозиба, завқ, туйғулари кам. Шунинг учун болалар ҳаракатли ўйинларга қизиқишмаётир. Инсоний рух, жозиба, завқ, туйғуларнинг бариси ўзбек миллий болаларининг ўйинларида бор”, дебди япон педагоги.

Ота-оналар, болаларингизнинг қандай ўйинларга ошно эканлигини биласизми? Ён-атрофингиздаги ука-сингилларингизнинг компьютер қаршисида нималар билан бандлигидан бохабармисиз?

ЁШЛАРДА ҒОЯВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Н.Қ.Жўраев, Сийсий фанлар
доктори, профессор

Инсонда мафкуравий иммунитетни кучайтириш ва ғоявий курашчанлик фазилатларини шакллантириш жамият тубдан янгиланаётган, турмуш тарзини жиддий равишда ўзгараётган бир пайтда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, инсон қалби, ҳиссиети, туйғуси ва руҳияти билан боғлиқ бўлган бу мураккаб жараёнда, энг аввало инсоннинг ўзи ким, у қандай жонзот, инсон феномени нималардан иборат? – деган саволларга жавоб топмоғимиз лозим.

Инсон бугун моҳияти билан ижтимоий ҳодиса. У қанчалик хусусий – алоҳида кадрият бўлмасин, ўз феъл-атвори, қарашлари, жамиятда тутган ўрни ва ижтимоий тараққиётга боғлиқлиги жиҳатидан умумийдир. Ана шу нуқтан назардан қараганда, биз ҳар бир инсонга алоҳида воқелик сифатида унинг жамият тараққиётига қўшадиган ҳиссасини, ўтказадиган таъсирини алоҳида назарда тутмоғимиз лозим.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон макроком ичидаги микрокомдир. Яъни, олам ичра оламдир. Чунки ҳар бир одам алоҳида ва бегакрор, айни пайтда у, умумий манфаатлар доирасида бир-бирига боғлиқ, бир-бирининг тақдирига дахлдор бўлган улкан кадриятдир.

Инсон ижтимоий табиатига кўра ўз турмуш тарзини ўзи йўлга қўяди, ўзини ўзи бошқаради. Ўй-хаёллари, орзу-умидлари ва мақсадларини руёбга чиқариш жараёнлари орқали мавҳум ҳолатларни реал воқеликка айлантиради. Яхшилик ва ёмонлик, сахийлик ва бахиллик, муҳаббат ва нафрат инсон оламининг бутун моҳиятини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда инсон ўзини-ўзи мувофиқлаштириб турадиган, ҳимоя қиладиган, ўзини ўзи тиклайдиган, ўзини-ўзи йўлга соладиган ва, ҳатто, шакллантирадиган мураккаб, олий

даражадаги яхлит тизимдир. Ана шу ҳолатнинг ўзи ҳар бир инсондан маънавий баркамолликка интилиб, руҳий тозалиги ва ахлоқий етуклигини доимий равишда ошириб боришини тақозо этади.

Инсоннинг моҳияти, табиати, жонзот сифатидаги имкониятлари хусусида сўз юритар экан, Имом Ғаззолий ўзининг “Кимёи саодат” китобида “Инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги махлуқдир. Ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йўқ. Фаришта ҳам ривожланмайди, чунки у пок, илоҳий нурдан иборат. Фақат инсонда ривожланиш, руҳий камолот хислати мавжуд” дейди.

Демак, ҳайвонда шаклланишга, ривожланишга, ўзини ўзи бойитишга, ўзини ўзи қадриятга айлантиришга даъват этадиган қувват йўқ. У қандай яшаётганини англамайди. Яшаш моҳиятини тушунишдан бегона. Фаришта эса азалу абад пок бўлганлиги учун унинг шаклланиши ва ривожланишига эҳтиёж йўқ. У шундоқ ҳам тоза, шундоқ ҳам покиза, нур янглиғ безавол. Фақат инсондагина руҳий камолотга интилиш туйғуси, ўзини ўзи ривожлантириш қуввати мавжуд. Унинг комилликка интилишида, етуклик сари ҳаракат қилишида, ҳаёт мазмунини бойитишида, шу аснода яхлит кишилик жамиятини маънавий қиёфасини баркамол этишига имконият бор. Руҳий ва маънавий камолот туйғуси инсон феноменининг таянчи, уни қадриятга айлантирувчи ноёб қудратдир.

Худди ана шу фикрни анча кейинроқ атоқли немис файласуфи К.Ясперс ҳам ўзига хос талқин этади. Жумладан у: “ҳис-туйғу моҳияти сифатида инсон ҳайвондан юқори, маънавий руҳий жиҳатдан эса фариштадан пастда туради. Ўз моҳиятининг ана шу икки томони билан уларга қавмдош бўлса-да, ҳайвон ҳам эмас, фаришта ҳам эмас. Уларнинг ҳар икковидан ҳам устун томонлари бор”, дейди. Демак инсон жисмидаги ривожланиш қуввати, такомиллашишга, шаклланишга руҳий эҳтиёжнинг мавжудлиги барча жонзотлардан уни кескин равишда фарқлантириб турувчи ва жонзотлар оламида алоҳида имкониятлари билан ажралиб турувчи мўъжизадир.

Ҳар бир инсон алоҳида индивид, алоҳида олам сифатида фақат ўзигагина хос бўлган “мен”ига эга. Бироқ, инсон оламининг мураккаблиги, зиддиятлилиги фақат унинг “мен”игагина хос эмас. Чунки ана шу ҳар бир алоҳида, мустақил “мен”нинг ичида бир неча юзлаб “менча”лар яшайдики, улар бир-бири билан доимий равишда курашиб, талашиб, бир-бирини инкор этиб, рад этиб, баъзан манфаатлар доирасида қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб турадиган безовта-ю беором оламини ташкил этади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда инсон табиатидаги яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик туйғулари курашида яхшилик, меҳр-муҳаббат ва эзгулик фазилатларининг кучайтириш замонавий тараққиётнинг муҳим омилига

айланди. Зотан мутлак идеал одам бўлмагани каби мутлак ёмон одам ҳам йўқ. Факат қайси бир инсонда яхшилик, эзгулик туйғулари нисбатан кўпроқ намоён бўлиши ёки, аксинча, бошқа бир одамда ёмонлик, нафрат туйғулари устуворлик қилиши мумкин. Инсоннинг ана шу ҳолатидан келиб чиқиб, маънавий баркамол жамият қуриш йўлида ҳар бир инсоннинг жисмидаги, қалбидаги яхшилик ва эзгулик туйғуларини кучайтиришимиз лозим.

Ҳазрат Алишер Навоий инсон моҳиятини “Сувайдо” ибораси орқали талқин этади. Жумладан, Навоий ҳулосаларига кўра инсон юрагининг ўртасида “Сувайдо” деган нуқта бўлармиш. Ҳар бир киши ана шу нуқта – тўйнуқ орқали оламга қараб, кўз орқали уни кўрар эмиш. Ана шу нуқта инсон феъл-атворини, маънавий қиёфасини кўрсатадиган муҳим ўлчов вазифасини бажарар эмиш. Кимгадир у ғараз, кимгадир ҳавас, яна бошқа бир одамда ҳасад, бошқасида эса меҳр-муҳаббат тўйнуғи ҳисобланармиш.

Бугун қомил инсонни тарбиялаш, баркамол шахсни шакллантириш борасида кенг миқёсли ишларни амалга оширар эканмиз, биз бевосита ҳар бир инсон қалбидаги ана шу нуқтани мўлжалга олмоғимиз лозим. Мафкуравий иммунитет ёки ғоявий қурашчанлик фазилати бизнинг назаримизда, худди ана шу нуқтада жойлашган. У кимгадир уйғоқ, қурашчан, беҳаловату безовта бўлса, кимгадир мудроқ, тамбал, бефарқ ва лоқайддир. Бизнинг вазифамиз ана шу иммунитетни уйғотиш, шакллантириш асосида жамият ишига дахлдор, миллат тақдирига тақдирдош. Ватан истикболи учун жавобгар шахсни шакллантиришдан иборат. Бунинг учун мафкуравий иммунитетнинг вазифасини аниқлаб олмоғимиз лозим. Бизнингча, у қуйидагилардан иборат:

- муносабат билдириш;
- таъсир этиш;
- йўналтириш;
- жавобгарлик ҳиссини уйғотиш;
- дахлдорлик туйғусини ошириш;
- сафарбарликка даъват этиш;

Ана шу йўналишларда мафкуравий иммунитетнинг вазифалари, яъни инсонни маънавий-руҳий мудроқликдан уйғотиш, ҳар қандай воқеликка муносабат билдира олиш, унга таъсир кўрсатиш, жамият ва умуммиллий тараққиёт учун жавобгарлик ҳиссини, дахлдорлик туйғусини намоён этиш орқали ўзини ўзи умуммиллий манфаат йўлида йўналтира олиш, сафарбар эга билиш фазилатларини ёрқин намоён қилишни тақозо этади.

Инсон қалбидаги мафкуравий иммунитет ва ғоявий таъсирчанликни оширишда, албатта, қадриятларнинг ўрни катта. Ҳар

бир шахс ўзининг тасодифий эмаслигини, бу кенг ва серкирра ҳаётда муаллақ мавжудод эмаслигини, унинг аждодлари буюк, улкан ва маҳобатли маданий-тарихий меросга ворис эканлигини англамоғи, истикбол олдида эса, масъул эканлигини чуқур тушуноғи лозим. Бунда, миллий ва умуминсоний қадриятларни старлича ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, қадриятлар тизимига кирган миллий ахлоқ-одоб, урф-одат ва анъаналар, амалий фаолият билан боғлиқ бўлган меъёрлар, ижтимоий ҳамкорлик, кишиларнинг ёши, касби, жинси, иркий хусусиятларини инобатга олиб муносабатда бўлиш, диний ва дунёвий қадриятлар туркумини бир-бирига боғлиқ ҳолда, бир-бирини тўлдириб борадиган шаклда амалга оширишни тақозо этади.

Бунда, албатта, миллий маданият ва санъатни чуқур тушуниш, маросимлар ва байрамлар орқали мафкуравий иммунитетни кучайтириш омилларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Яъни, халқ ижоди намуналари, санъат турлари, миллий кийиниш, миллий байрамлар, жумладан Наврўз, Мустақиллик, Хотира ва қадрлаш куни, Ватан ҳимоячилари куни сингари маънавий-маърифий омиллардан унумли фойдаланишга тўғри келади.

Яна шу нарсага алоҳида эътибор бериш лозимки, бунёдкор, тараккиётга даъват этувчи, миллий ўзликни англашга чакирувчи омиллар билан бирга вайронкор ва бузғунчи ғоялар ҳам мавжуд. Бунга бефарқ қараш мумкин эмас. Хусусан, ахборот хуружи авж олаётган, ахборот-психологик таҳдид глобаллашиб бораётган бир шароитда “ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат” тамойили ҳар бир фуқаронинг фёъл-атворида, турмуш тарзида даъваткор ва таъсирчан воситага айланмоғи лозим. Хусусан, ҳали-ҳамон онгу шуурумизда сақланиб қолган коммунистик мафкура, ижтимоий ҳаётнинг турли босқичларида ўзини намоён этаётган космополитизм, буюк давлатчилик шовинизми, ирқчилик, фашизм, панисломизм, пантуризм, агрессив миллатчилик ва, қолаверса, маҳаллийчилик иллатларига қарши тура оладиган, умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган мафкуравий иммунитетни, ғоявий курашчанлик фазилатларини ривожлантирмоғимиз лозим.

Инсонга ғоявий таъсир этиш омиллари хилма-хилдир. Жумладан, ғоявий таъсирда вақт омили алоҳида аҳамиятга эга. Бу бевосита ўқиш вақти ва бўш вақт билан боғлиқ бўлган воқеликдан иборат. Ғоявий таъсир йўналишлари эса ақлий, рухий, ахлокий, меҳнат ва эстетик омиллардан иборат. Ғоявий таъсир этиш шакллари ҳам таъсири, миқёси ва кўламига қараб индивидуал, жамоавий ва оммавий йўналишларда бўлиши мумкин. Демак, айрим ҳолларда алоҳида-алоҳида одамлар билан яқка тартибда ғоявий таъсир ўтказишга, маънавий-маърифий ишларни олиб боришга тўғри келса, жамоавий

шаклда маълум бир жамоа тўпланган жойда амалга ошириш мумкин. Гоявий таъсир этишнинг оммавий шаклида эса, бевосита оммавий ахборот воситалари орқали тўғридан-тўғри бутун жамиятда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни камраб олади.

Гоявий таъсир этиш тамойиллари, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

- узлуксизлик;
- тизимлилик;
- комплекс ёндошув.

Дарҳақиқат, мафкуравий иммунитетни уйғотиш ва гоявий таъсирчанликни кучайтиришда доимий равишда узлуксиз тарзда иш олиб борилмаса, маънавий-маърифий фаолият шаклланган тизимга эга бўлмаса, аниқ натижага эришиш мушкул. Ҳар бир инсон алоҳида ва тўлақонли гизим экан, унинг ана шу серқирра, ранг-баранг ва зиддиятли оламига мос равишда гоявий таъсир комплекс тарзда, кенг миқёсли, инсон оламини яхлит ҳолда камраб олган шаклда олиб борилмоғи лозим. Бу вазифа биздан яна учта ўзига хос вазифани ҳол этишни тақозо этади.

Биринчиси – таъсирчанлик. Бизнинг ҳар бир сўзимиз таъсирчан, жозибали, тингловчи қалбини жунбушга келтирадиган, унинг онгу шуурида мустаҳкам ўрнашадиган, феъл-атворини яхшилик сари буришга таъсир ўтказадиган бўлмоғи лозим.

Иккинчиси – ҳозиржавоблик. Маълумки, ахборот хуружи авж олаётган бир пайтда тингловчининг ҳайратда қолдириш осон эмас. Хусусан, талаба ёшларнинг, кенг имкониятларини, интернет тизимидан фойдаланишга бўлган катта қизиқишини назарда тутсак, гоявий-тарбиявий ишларда ҳозиржавоблик, бугуннинг гапини айта олиш, бугуннинг муаммосига объектив ёндоша олиш, тингловчининг бунга ишонтира билиш алоҳида тайёргарликни ва қобилиятни, юксак билимлар савиясини тақозо этади.

Учинчиси – конкретлилик. Фикрларимиз аниқ, лўнда, тингловчи онгига тез кира оладиган, қалбини забт эта оладиган бўлмоғи лозим. Сўзамоллик аудиторияни зириктириб қўяди. Ҳозирги тезкор ва шиддатли замон таъсирида шаклланаётган ёшлар руҳиятини эгаллаш учун қисқа, аниқ, лўнда ва исбот талаб қилмайдиган хулосалар билан минбарга чиқиш самара бериши мумкин, холос.

Бу ўз-ўзидан жуда катта билим, замонавий жараёнлардан хабардорлик ва улар моҳиятини чуқур тушунишга, мавжуд фикр ва хулосаларни етарли даражада жозибадор қилиб етказа олиш тажрибасини тақозо этади. Демак, логиклик санъати, сўз жозибаси муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

М.Бекмуродов, Социология
фанлари доктори, профессор

Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда: “Ворисийлик маънавиятнинг ўк илдизи, асосий таянчи, аجدодларимизнинг бебаҳо меросидир”. Биз зиёлиларнинг асосий вазифаси ана шу пурмаъно тушунчалар мазмун-моҳиятини ёш авлод онгига етказиш, сингдириш ҳамда уларнинг ҳаётий дастуриламалига етказишдан иборатдир.

Юртбошимиз томонидан ворисийлик масаласига ижтимоий барқарорликни таъминловчи энг устувор омил ҳамда комил инсон маънавиятини белгиловчи бош мезон сифатидаги ўрни ва аҳамиятига доимий равишда ургу бераётганликлари, жамоатчилик эътиборини мазкур масалага мунтазам қаратиб келаётганликлари бежиз эмас.

Дарҳақиқат, “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида айтилганидек, маънавият комил шахс интеллектуал ва руҳий оламининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлса, тарихий хотирага эгалик, аجدодлар меросини ўзлаштирганлик яъни, бир сўз билан айтганда, ворисийлик маънавиятнинг мустаҳкам пойдеворидир. Демак, комилликнинг асоси маънавият бўлса, маънавият озик оладиган, таянадиган бонн манба ворисийлик ҳисобланади. “Маънавият соҳасидаги ишларимизнинг пировард мақсади, – деб таъкидлайди юртбошимиз. – Имон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни, мустақил дунёқарашга эга, аجدодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат”.

Шундай экан, ворисийлик халқ маънавиятининг қалби, ҳаракатлантирувчи кучи, аجدодлар ва авлодлар ўртасидаги кўприк, кеча ва бутун ўртасидаги диалектик уйғунликдир. Дунё халқлари минг йиллар мобайнида ўз анъана ва урф-одатлари, маросим ва байрамларига содик қолиш уни ҳар қандай таъсир ва тазйиқлардан ҳимоялаш орқали турли даврлар, аجدодлар ўртасидаги маънавий яқдилликни таъминлаганлар ҳамда миллий ўзликни, менталитетни сақлаб келганлар.

Ворисийлик тушунчаси ўз таркибига муайян миллатларга хос бўлган тарихий шаклланиш босқичлари тил, маданият, санъат, урф-одатлар, буюк шахслар мероси, миллий менталитет, темперамент, ҳунармандчилик, кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳамда турмуш тарзидаги ўзига хосликни сақлаш, ўзлаштириш, ўсиб келаётган авлодга сингдириш ва тарғиб этиш элементларини қамраб олади.

Катта авлод йўналтирса...

Ворисийлик туйғусини ёшларнинг онг ва гафаккур тарзида шакллантиришда катта авлоднинг ўрни бекиёс.

Кўпинча, катта ёшли одамлар орасида ёшларга ҳаёт тажрибаларини ўргатиш зарурлиги хусусида фикрлар ўртага қўйилади. Катта авлод ва ёшлар ўртасида дунёни англаш, ҳаётга бўлган муносабат масаласида икки хил ёндошув шаклланаётгани муаммоси баҳс қилинади. Бу масала, айниқса Ғарб дунёсида жуда долзарб бўлиб, ёшлар ва катталар бир-биридан маънавий жиҳатдан бегоналашиб қолаётганликлари, бир халқ турмуш тарзида икки хил ёндошув, икки хил талқин, бир-бирини инкор этувчи, моҳиятан қарама-қарши икки маданий эҳтиёжлар асосида яшаш одатий ҳолга айланганлиги жиддий муаммодир. Бунинг туб илдизларида икки катта ижтимоий асос, яъни бир томондан оммага кўрсатилаётган оммавий мафкуравий таъсирнинг давлат ва жамоатчилик назоратидан тамоман четда эканлиги, оммавий ахборот воситалари, телевидение, реклама ва айниқса интернет орқали ахлоқий бузқлик, космополитизм, гедонизм, маънавий тубанлик, сурбетликнинг ёшлар учун ижтимоий мақбул ҳаётий позиция сифатида кенг тарғиб этилаётганлиги бўлса, иккинчи жиҳати эса кўпгина ривожланган давлатларда катталар ва ёшлар маънавияти ўртасида минг йиллик ворислик анъаналарининг барҳам топиб бораётганлигидир.

Бунинг натижасида катталарнинг ёшларга, ўз фарзандларига айтадиган гаплари, насиҳат ва ўғитлари бесамар бўлиб, ҳеч қандай тарбиявий таъсир кучига эга бўлмай қолмоқда. Энг ёмони интернет ва телевидение орқали олинаяётган мафкуравий таъсир натижасида ёшлар, нафақат жамият анъана ва одатларидан, балки қонунлар асосида яшашдан ҳам четланиб, улардан ҳайикмаслик, қондаларни бузиш, катталар томонидан яратилган моддий ва маънавий турмуш тарзига бегона кўз билан қараш, вайрон этишга мойиллик хусусиятларига эга бўлиб қолмоқдалар. Бундай ижтимоий зарарли ҳислатлар ўз моҳиятига кўра, вайронкор табиатга эга бўлиб, бир қарашда сокин ва барқарор турмуш тарзига эга бўлган анъанавий жамиятларни ҳам, юксак ривожланган йирик ва қудратли давлатлар осойишталигини ҳам бузиб юборишга қодир куч сифатида майдонга чиқмоқда. Мисол учун: Миср, Ливия, Алжир, Тунис, Сурия ва бошқа араб давлатларида кутилмаганда юз берган фуқаролик, қавмлараро урушлар ва ялпи ижтимоий норозиликлар Англия, Францияда юз бераётган ёшлар туполонлари очарчилик ёки сиёсий қарама-қаршиликлар сабабли эмас, балки, айнан бир миллат, бир маданият, бир турмуш тарзи ичидаги ижтимоий бўлиниш, ҳаётга бўлган икки хил ёндошув шаклланиб қолганлиги, дидлар, савиялар, ижтимоий мўлжалларнинг ҳар хил бўлиб

қолланганидандир. Асосий муаммо бир миллат ичидаги ворисийлик анъаналарининг узилганлиги, ёшлар катталарни тушунишни мутлақо истамаётганлиги, ёшларни эса катталар тушунолмай қолганлигида дейишга ҳақлиқмиз.

Ворисийлик анъаналари бузилса ҳар қандай жамият ҳам ичдан нурай бошлайди. Катталар ва ёшлар дунёқарашини ўртасида ижтимоий боғлиқлик даражаси юқори бўлса, яъни консенсус ҳолатида бўлса, жамиятдаги ҳаёт тарзи тинч, осуда ва маромий кечади. Агар катталар ва ёшларнинг сиёсий, маданий, ахлоқий ва моддий қарашлари ўртасида фарқ катта бўлиб, одамлараро ижтимоий боғлиқлик заиф бўлса, яъни компромисс ҳолати шаклланган бўлса, жамият ўзаро қарама-қаршиликлар, конфликтлар арафасида бўлади. Агар жамиятдаги ана шу заиф боғлиқлик, яъни компромисс ҳолати ҳам бузилса, жамиятда ижтимоий зўриқишлар кучаяди, конфликтлар юз бера бошлайди. Шу билан ҳам ҳозирги пайтда дунёнинг кўпгина давлатларида юз бераётган жанжал-тўполонлар сабабларини аҳолининг турли табақалари, катталар ва ёшлар ўртасида ворисийлиكنинг бузилганлиги, бир миллат вакиллари ичида ўзаро тушуниш ҳолатининг барҳам тошганлиги, дунёқарашлар, дидлар, савияларнинг турлича бўлиб шаклланиб қолганлигидан излаш жоиздир.

Яқин ўтмиш сабоғи

Шўролар даврида миллий ўзлик бардавомлигини тўхтатиш учун ворисийлик анъаналарига ҳам кенг қўламли ҳамда тизимли тарзда кураш олиб борилди. Даставвал, миллатни ўз маданий тарихи, миллий меросидан ажратиш учун 2 марта алфавит ўзгартирилди. Кейин, анъанавий мактаб таълими замонавий таълимга ўзгартирилиб, хотирани мустаҳкамлаш, ёдлаш орқали ўзлаштиришдан тушунтириш, баҳс-мунозара уюштириш орқали ўзлаштириш тизимига ўтказилди. Минг йиллар мобайнида яратилган илмий, бадний, ижтимоий манбалар, китоблар, қўлёзмалар ўз даврини ўтаб бўлиб эскирган, ижтимоий қиммати йўқотилган манбалар сифатида тарғиб этилди ва одамлар онгига сингдирилди.

Шўролар давридаги таълимда энг аввало жараён, кейин натижа деган тамойил – формула асосидаги ўзига хос дарс механизми ишлай бошлади. Ўқувчиларнинг дарсларга қатнашишлари қаттиқ назорат этилар, дарс ўтиш тартибига риоя қилинар, соатлар ҳажми режа бўйича бажарилар, аммо дарснинг натижаси, яъни ўқувчилар томонидан фанни ўзлаштирилиш ҳолати қониқарсиз бўлиб қолаверар эди. Бир сўз билан айтганда иш сифати ҳеч қимми қизиқтирмас эди. Ўқувчиларнинг эътибори билим олишга эмас, таълимнинг ташқи жиҳатига кўпроқ

қаратиб келинди. яъни ўқувчининг фанни чуқур ўзлаштириши... балки унинг таълим жараёнларида, умуман жисман иштирок этишига кўпроқ урғу берилди. Уша пайтларда ўқувчига “дарсга келдимиз?”, “кўнғирокдан кеч қолмадимиз”, “доскага чиқдимиз?”, “қўл кўтардимиз?”, “тинч ўтирдимиз?” деган саволларга жавоб орқали баҳо берилар эди.

Ўқувчидан ота-оналари ҳам “бугун нима ўрганиб келдинг?”, “қандай назарияларни ўзлаштирддинг?”, “нималарга қизиқишинг кучайди?” деган саволларни эмас, балки “неча баҳо олдинг?”, “қундалигингни кўрсат”, “дарсда тўполон қилмадингми?”, “кечикмай бордингми?” қабилидаги саволлар беришни одат қилишган эди.

Ўқувчининг аждодлар меросини билиши, мустақил ишлай олиш қобилияти, фан назарияларини ўзлаштирганлиги, билган нарсаларини амалиётга қўллай олиш, олмаслиги, ҳаёт билан билим уйғунлиги, кашфиётлар қилиш қобилиятлари, янгиликлар яратиш имкониятлари умуман ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Бу эса таълимнинг юқори идоралар олдида ҳисобот беришга мослашган ишлаб чиқариш идорасига айлантириб қўйган эди. Ҳеч қайси мактаб ўзининг неча фанз битирувчиси олий таълим муассасаларига қира олганига қараб обрў олмас, аммо ўқувчилар давомати, ўқувчиларнинг ўзини тутишига қараб мактаб директори хатто мукофотланар эди. Бундай ёндошув ўз-ўзидан таълим сифатининг сусайиб кетишига олиб келди. Мисол учун, ўн йиллар мобайнида чет тилини ўрганиш учун ёшларга мунтазам тарзда машғулотлар ўтиб келинган бўлишига қарамай, чет тилида ўқувчилар 2 сўзни қўшиб жумлага айлантира олмай келганлар. Шўролар таълим тизимидаги “ҳамма нарсага ишонмай қара, шубҳалан” деган ёндошув ёшларда аждодлар томонидан яратилган маънавий меросга ҳам ишонмай қараш одатларини таркиб топтирди. Натижада аждодлар ва авлодлар ўртасидаги боғлиқлик ришталари узила бошлади. Миллатнинг маънавий ўзлигини асровчи ворисийлик кўприги бузила бошлади.

Хайриятки, истиқлол туфайли жар ёқасидан қайтдик, шахсга йўналтирилган, билим сифатига мўлжал олинувчи таълим тўғрисидаги қонун ҳаётга жорий этилди. Бугунги кунга келиб қайси мактаб яхши билим беради, қайси лицей ва коллежда ўқилса моҳир касб эгаси бўлиш ёки олий таълимда ўқиш кафолатланади, деган ҳаётий қарашлар шаклланди.

Бинобарин, анъана ва урф-одатлар, турмуш тарзи миллат ўзлигининг миноралари ва бинолари бўлса, ворислик миллатнинг бор бисоти, маънавиятини қўриқловчи асосий қўرғонидир.

Шу билан ҳам қўрғон қуласа, бино ва минораларга, миллатнинг ўзлигига ўт кетади. Миллат менталитети, демакки халқ характери ворисийлик тизимида муҳим ўрин тутди. Ҳозирги пайтда дунё

халқларининг аксариятида миллий характер ўзгариши, менталитет трансформацияси юз бермоқда. Айниқса, миллат ўзлигининг асосий ўқ илдизи, стержени бўлган ватанпарварлик, сиёсий эътиқод фазилатлари жиддий талофат кўрмоқда. Хусусан, ҳозирги пайтда Россия мактабларида мақсадли шакллантирилаётган 12 та ижтимоий фазилат қаторида ватанпарварлик фазилати жамиятдаги жуда паст, яъни аҳамиятига кўра 10-ўринга тушиб кетганлиги хусусида оммавий ахборот воситаларида ёзилмоқда. Худди шундай ҳолат АҚШ, Франция, Бельгия, Италия ва бошқа давлатларда ҳам юз бераётганлиги хорижий сиёсатшунос ва социолог олимлар томонидан қайд этилмоқда. Энг ташвишланарлиси виждон, орият, тўғрилиқ сингари инсоний жиҳатлар шахсининг жамиятда адаптация бўлиши, яъни, муваффақиятли мослашиб, ҳаётга киришиб кетиши учун ёрдам берувчи фазилатлар сифатида эмас, балки ҳалал берувчи хислатлар сифатида баҳоланмоқда.

Жамиятда жамоавий ва инсоний фазилатлар ўрнига эгоистик хислатларнинг мустаҳкам ўрин олиши табиийки, шу мамлакатларда ижтимоий-маънавий муҳит ўзгаришларга олиб келади. Жамиятдаги ёмонлашган ижтимоий-маданий муҳитнинг давлат сиёсати ва амалдаги қонунларга риоя этиш тартибларига зид келиши, шу мамлакатда оммавий норозиликлар юзага келишига йўл очади. Бундай ҳолатдан, табиийки давлатни эгаллаш пайида бўлган норози кучлар фойдаланиб қолишга урина бошлайдилар.

Ҳозирги пайтда дунёнинг турли жойларида юз бераётган ижтимоий тартибсизликлар, ҳокимият учун талашиш ва конфликтларнинг туб илдизлари айнан ана шундай вайронкор гоёлардан куч олмоқда.

Президентимиз И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавий омилларнинг нафақат жамиятчи барқарорлаштириш ва юксалтириш, балки унга етарли эътибор бермаслик жамиятни таназзулга етаклаши, давлат тартиботларининг ичдан нураб кетишига ҳам сабаб бўлиши хусусида такрор-такрор айтилганлиги бежиз эмас.

“Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, – дейди Президентимиз, – дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”.

Авлодлараро боғлиқлик кучи

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ёшлари орасида ворисийлик ҳодисасига муносабатда оила, маҳалла жамоатчилиқ ва давлат муассасаларининг позитив таъсири устувор мавкега эгадир. Республика жамоатчилиқ фикрини ўрганиш “Ижтимоий фикр” Маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқот натижаларига кўра ҳаётини позицияни белгиловчи, инсон маънавиятига жиддий таъсир ўтказиши мумкин бўлган омиллар қаторига ёшлар, даставвал оила, таълим муассасалари, телевидениени қайд этганликлари эътиборга лойиқдир. “Оила муҳитида кимнинг фикри қарор чиқариш учун асос бўлади”, деган саволга 76 фоиздан кўпроқ ёшлар ота-она, бобо-бувилар ундан кейин опа ва акаларининг фикрлари, деб жавоб бердилар. Шу ўринда қайд этиш жоизки, вояга етмаган ўсмир ёшлар бирор бир воқеа юзасидан шахсий ҳулосаларга келиб қолишлари ва муайян ҳатти-ҳаракатларни содир этишга тўртки бериши бўлган омиллар қаторига ўз тенгдошларининг, телевидение, мактабдаги дўстлари даврасининг, мактаб ва қоляжедаги жамоатчилиқ фикрининг ҳам қайд этдилар. Бундай жавоблар ворислик анъаналарининг мустаҳкам, барқарор ва бардавом бўлишини таъминлаш учун ўсмир ёшлар онгига интернет ва хориж телевиденияси кучли таъсир этаётганлигини эътибордан соқит этмаслик, тарбиявий ишларда огоҳлик ва ҳушёрликни қўлдан бермасликка чакиради.

Ворислик анъаналарининг миллат маънавияти ва руҳида барқарорлашувида бадий адабиёт ва тарихий билимларнинг роли каттадир. Ҳозирги пайтда зиёлилар давраида бадий адабиётга қизиқишнинг аҳамияти ҳақида тез-тез мавзу очилади. Интернет ва телевидение ҳозирги мактаб ва коллеж битирувчилари орасида бадий асарлар ўқишга бўлган қизиқишнинг кучайтириш урнига муайян даражада сусайтираётганлиги, ёшларнинг мустақил равишда китоб мутолааси билан шугулланишнинг турмуш тарзига айлантириш зарурлиги хусусида фикрлар ўртага қўйилмоқда. Кузатишлар натижалари шунини кўрсатмоқдаки, аксарият ёшлар мактаб ва коллеж дарсликларида берилган бадий асарлардан парчаларни ўқиб олиш билан чекланаётганликлари, баъзи ўқувчилар эса “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Қутлуг қон”, “Алишер Навоий”, “Уфк”, “Улугбек хазинаси” сингари мумтоз асарлар бўйича яратилган бадий фильмларни кўриш билан қифоланаётганлари маълум бўлди. Бундай ҳол мактаб ва коллеж таълими тизимида синфдан ташқари ташкил этилувчи бадий-эстетик таълимнинг кучайтириш, ўқувчиларда бадий адабиётга қизиқишнинг мақсадли шакллантириш ва ривожлантиришни кун тартибига қўяди.

Истиқлол ва кадриятлар эъзози

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ворисийлик тамойили орқали маънавиятнинг ҳаётбахш кучи билан қуроллантирилган бугунги авлод ҳеч кимдан кам бўлмаган миллатга айланиши, ривожланган давлатлар қаторига кириб, буюк кеслажакка юзланадиган миллат сифатида мураккаб синовлардан зафар билан ўтмоқда.

Табиийки, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш жараёнида одамлар онгида, жамият мафкурасида туб ўзгаришлар содир бўлади. Бироқ, баъзи бировларнинг ҳадиксираб, эркин бозор шароитида маънавий-ахлоқий кадриятларнинг қиммати тушиб кетади, маданият иккинчи даражали нарсага айланиб қолади, деган хавотирлари ўринсиз экани Ўзбекистондаги бугунги ўзгаришлар мисолида яна бир бор яққол аён бўлмоқда.¹

Ўзбекистонда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб, давлат ва жамият манфатлари бирлиги, моддий ва маънавий омиллар уйғунлигини таъминлаш, катталар ва ёшлар дунёқараши ўртасида мустаҳкам боғлиқликни таркиб топтириш, том маънода ворисийликка эришиш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Натижада халқимиз бугунги кун осудалиги, омонлигидан хотиржам, эртанги кунга ишонч руҳи билан умрини безашга, яратувчанлик, бунёдкорлик режаларини амалга ошириш завқидан масрур кайфиятда дориломон ҳаёт макони ва замонида яшаш бахтига муяссар бўлди.

¹ Қаримов И. Юксах маънавият – енгилмас куч. 2008, 109-бет.

АХЛОҚИЙЛИК – МАЪНАВИЙ ИММУНИТЕТ ЎЗАГИ

М.М.Қаххорова, ф.ф.и., доцент, ТДПУ

Ҳозирги замон глобаллашуви шароитида турли маданий анъаналарга эга халқларнинг ўзаро яқинлашуви бир-бирига боғлиқ ҳолда долзарблик касб этиб, икки муаммони ҳал этишни тақозо этади: биринчиси – ҳар бир халқнинг миллий ўзига хослигини муҳофаза қилиш ва сақлаб қолиш йўналишини изчил давом эттириш бўлса; иккинчиси – дунёвий маданият ва умуминсоний қадриятларнинг илгор жиҳатларини ўзлаштириб бориш. Бу масалалар жамиятда шахснинг маънавий-ахлоқий стуклик муаммосини тўғри ҳал қилиб олиш билан бевосита боғлиқ. Ҳар икки тенденция ҳам янгиланиш ва мукамаллашиш жиҳатидан ўзаро уйғунликка эга бўлиб, замонавий ривожланиш жараёнларини ўзида мужассам этади. Ҳозирда муаммоларнинг энг асосийси – жамият маънавий-ахлоқий муҳитини такомиллаштириш масаласи бўлиб, “маънавий муҳит одамларнинг руҳи ва кайфиятига ижобий таъсир”¹ кўрсатади. Жамият маънавий-ахлоқий муҳити бир томондан шахснинг ахлоқий вояга етишида ижтимоий макон ҳисобланади, иккинчи томондан шахснинг ахлоқий фаоллиги натижасида такомиллашиб боради.

“Жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити одамларнинг ўзаро муносабатлари ва ўзаро ҳамкорлигининг натижасидир”². Шу нуқтан назардан, ҳар қандай муҳит кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг мажмуи бўлиб, бевосита халқимизнинг ахлоқий маданиятига дахлдор масаладир.

Маънавий-ахлоқий муҳитнинг шаклланишида шахс ва маслакдош шахсларнинг иттифоқи, аҳиллиги муҳим ўрин тутади. Чунки жамият «шахсларнинг уюшган мажмуидир»³. Шу маънода, маънавий-ахлоқий муҳитнинг шаклланишида шахс компоненти муҳим ўрин тутади. Айни пайтда, маънавий-ахлоқий муҳит жамиятнинг ривожини билан уйғун ҳолда такомиллашиб боради. Шахс ва жамият муносабатлари оралиғида маънавий-ахлоқий муҳит боғловчи ролини ўйнайди. Бу роль шахсга ҳам, жамиятга ҳам баробар таъсир қилиш қонуниятига эга.

Илмий назарий қарашларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, маънавий ахлоқий муҳит шахс ва жамият муносабатларини манфаатларни уйғунлаштириш асосида ташкил қилади. Манфаатлар эса

¹ Каримов И. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустакил тараққиёт йули // Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий тиғизини барқарор ривожлантириш йулида. – Т: Ўзбекистон, 2008. Т.16. – 34 б.

² Алашев Б.Г. Человек как предмет познания. – Л.: Издательство ЛГУ, 1978. – 12 с.

³ Уткин А.И. Векторы глобальных перемен: анализ и оценки основных факторов // Полис. – М, 2000. – № 1. – С. – 64.

хар доим ҳам ижобий бўлавермайди, уларда салбий томонлар ҳам мавжуд.

Салбий омиллар жамиятимиз равнаки учун маънавий-ахлоқий иммунитетни шакллантиришни тақозо этади. Ўзбекистоннинг стратегик мақсади юксак маънавиятли авлодни тарбиялашдир. Ушбу мақсад салбий, деструктив омилларни бартараф этиб, маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш учун зарур ижобий, яратувчанлик омилларини кўпайтиришга ундайди. Чунки, “Инсон айнан ижтимоий муҳитда ўз эҳтиёжларини қондириш ва ўз имкониятларидан фойдаланиш йўлини топади. У айнан шу сўзда ўз ҳис-туйғуларини, табиат ато қилган самимийлик, дўстлик, меҳрибонлик, бағрикенглик ва изтироб чекиш фазилатларини кўрсатади”¹. Жамиятда ижобий ва салбий омилларнинг таркиб топиши ёки одамларни уларнинг таъсирига тушиб қолиши муайян муҳитда бўлиб беради. Уларнинг микро (кичик), макро, мезо (ўрта) ва мего (катта) даражалари мавжуд. Улар ичида муҳим ўрин тутадиган ижтимоий муҳит қисмларидан бири оила муҳитидир.

Оила муҳити ота-она ва фарзандларнинг айнан бир шароитда яшаб, ўзаро иқтисодий, ҳуқуқий, репродуктив ва маънавий-ахлоқий муносабатларга киришишидан шаклланадиган муҳитдир. У умумий ва хусусий жиҳатларга эга. Барча оилаларга ҳос ҳолатлар умумий хусусиятни, айрим оилага ҳос одатлар хусусий хусусиятни ифодалайди. Оила муҳити жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг бирламчи негизидир. Чунки оилаларда маънавий-ахлоқий тарбия асосий масала ҳисобланади. Инсоннинг ҳаёти ва турмуши, айниқса, ёш авлоднинг камол топишида оиланинг ўрни ва вазифаси бекиёс. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: «Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага ҳос анъаналар, кадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади»². Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарм-ҳаё, меҳр-окибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало, оилада шаклланган. Миллатнинг ўзига ҳос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни бекиёс. Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари оилада шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқараши белгиладиган маънавий-ахлоқий тушунча, мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-окибат, ор-номус ва андиша каби мукаддас тушунчаларнинг пойдевори оилада қарор топади. “Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик

¹ История в энциклопедии Дидро и Д.Аламберри. – М.: Наука, 1978. – 63 с.

² Қаранг: Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: Маънавият, 2008. – Б. 52-55.

бурчини чуқур англаш ҳар кайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади¹¹. Бу муҳитнинг ўз худуди, қонун-қондаси бор. Буида кўплаб микро муҳит анъаналари, урф-одатлари, маънавий-ахлоқий меъёрлар сайқал топади. Оилада муайян микро муҳитдаги соғлом турмуш тарзи ва маънавий-ахлоқий муносабатлар муҳим роль ўйнаб қолмай, унда бошқариш, назорат, йўналтириш, жазолаш каби ахлоқий вазифалар ҳам бажарилади. Хуллас, ёш авлоднинг ахлоқий камол топишида оиланинг ўрни ва роли бениҳоя катта.

Иккинчиси, шахснинг келажагини белгиловчи омиллардан бири мактаб муҳитидир. Бу муҳит оқил раҳбар, яхши ўқув жамоаси, маънавий-ахлоқий тарбия, ўқитувчиларнинг одиллиги, билимдонлиги, қатъийлиги, талабчанлиги, масъулиятни теран ҳис қилиши, мактабнинг анъаналари, ўқувчиларнинг тартиб-интизоми, иқтидорли ёшларнинг сони каби мезонларни ўз ичига олади. Ўқувчи мактаб муҳитида шахс сифатида вояга етади. Агар оилада унинг маънавий-ахлоқий шаклланишига пойдевор қўйилса, мактабда бу хусусият янада ривожлантирилади. Шахснинг ахлоқий тасаввурлари билан хатти-ҳаракатлари уйғунлашади. Ўзбекистонда мактаб муҳити орқали маънавий-ахлоқий тарбия жараёнини олиб бориш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Айни пайтда, бу муҳитда ислоҳ қилиниши лозим бўлган жараёнлар ҳам мавжуд. Булар бизнинг назаримизда, қуйидагилардан иборат:

– Биринчидан, мактабда шахснинг ахлоқий онгини мақсадли шакллантиришга жиддий эътибор бериш;

– Иккинчидан, шахсда ижтимоий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда янги таълим-тарбия технология усуллари жорий этиб бориш;

– Учинчидан, назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш;

– Тўртинчидан, индивидуал тарбия жараёнини такомиллаштириш, уни давр талабларига мувофиқлаштириб бориш.

Навбатдаги муҳит иш жойи муҳитидир. Раҳбар, ходимлар ва жамоа аъзоларининг ўзаро муносабати, ҳурмат, ишчанлик, жамоа обрўси учун рақобат, масъулият ҳисси, манфаатдорлик, талабчанлик, ғамхўрлик, рағбатлантириш усуллари, юқори лавозимларга тавсия этиш, жамоа билан фахрланиш кабиларда ишхона муҳити намоён бўлади. Ҳозирги кунда ишхона муҳити катта аҳамият касб этмоқда. Чунки ишхонада

¹¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: Маънавият, 2008. – Б.52-53.

шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфаси тўлиқ намоён бўлади. «Шахс хизмат доирасида ўзига бўйсунувчиларга, раҳбариятга, жамоадoshларга ва мурожаат қилувчиларга ўзига нисбатан яхши муносабат келтирадиган ахлоқий муносабатда бўлиши шарт»¹. Бу қоидага амал қилиш учун шахсга имконият ва шарт-шароит керак. Бундай шароитни иншонанинг маънавий-ахлоқий муҳити яратади.

Халқимиз тарихий-маданий тажрибасига хос муҳит маҳалла муҳитидир. У ўнлаб, юзлаб оилалар уюшмасидан иборат, ижтимоий, иқтисодий ва ахлоқий мақсадлар йўлида бирлашувчи кишилар маконидир. «У турмуш тарзи, қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар, умумийлиги билан боғланган кишилар жамоаси бирлигидир»².

Маҳалла муҳити жамиятнинг жамоатчилик тамойилини рўёбга чиқаради. Жамиятимизда маҳалла муҳити шахс ахлоқий фаолиятининг муҳим макони ҳисобланади. Бу муҳитда шарқона ахлоқ, шарқона тушунчалар реалликка айланади. Микро муҳитнинг мажмуи жамият организмни ташкил қилади. Айни пайтда у «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» тамойилининг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда. «Шу сабабли биз маънавий ҳаётимизни, миллий онг ва қадриятларимиз, эътиқод ва тафаккуримиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, маънавий оламимизни юксалтиришга интилар эканмиз, буларнинг барчаси маҳалла идорасига янада кўпроқ имконият бериш, унинг ҳуқуқий ва амалий ваколатларини кенгайтириш билан бевосита алоқадор эканини яхши тасаввур қиламиз. Шу орқали биз ўзимизнинг эзгу мақсадимиз бўлмиш эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида, ҳеч шубҳасиз, улкан кадам қўйган бўламиз»³.

«Жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити» тушунчаси ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, жамият маънавий-ахлоқий муҳити – шахс, гуруҳ ва жамоанинг ахлоқий фаолиятини белгиловчи мезонларнинг маконда таркиб топиши; иккинчидан, шахс ва жамият муносабатларини тартибга солувчи ва йўналтирувчи омил ҳисобланади; учинчидан, ҳар бир жамият ўз маънавий-ахлоқий муҳитини яратади, бунда тадрижий ривожланишнинг тарихийлик қонуниятига асосланади.

Маънавий-ахлоқий муҳитни таҳлил қилганда, улардаги тарихий-маданий, этносоциал хусусиятларни ҳисобга олиш зарур. Масалан, Фарб фалсафасида ҳар қандай муаммоннинг ечими манфаатлардан изланади. Манфаатлар силсиласида иқтисодий манфаат устувор аҳамиятга эга. Бундай ёндашув инсонийлик, эзгулик сингари ахлоқий

¹ Ботавесина Р.Н. Этика деловых отношений. – М.: Финансы и статистика, 2005. – 5 с.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. Т.5. – 548 б.

³ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: Маънавият, 2008. – 60 б.

тамоийилларнинг сусайишига олиб келган. Натижада «Ғарбий европаликлар инсоннинг ички, ахлоқий, рухий дунёси мавжудлигини эсдан чиқаришди»¹. Рус олимлари Л.П. Мешенникова ҳамда Е.В. Поповлар эса Ғарбий европаликлар эришган цивилизацияда севги фоҳишалик билан, дўстлик ҳисоб-китоб билан, яқин кишиларга ёрдам эса садақа билан алмаштирилди²,— деб таъкидлашган. Бугунги Ғарб дунёсида индивидуализм, эгоизм, конформизм, маргиналлик, шафқатсизлик иллатлари шахс сифатларига айланган. Шарқ халқлари учун эса аҳил, муросада яшаш бош қадриятдир. Инсон шаъни, обрў-эътибори, нафсонияти, орияти, виждони ушбу тарихий-маданий парадигма асосига қурилган. Маънавий талаблар эса ўз-ўзидан қадриятлар қаторини тўлдиришни, мантиқий равишда бирининг кетидан иккинчисини қўйишни тақазо этади. Ота-онага эҳтиром, ака-уканинг ўзаро ҳурмати, қавму қариндошлар тоғувлиги, кўни-кўшнилари аҳиллиги ахлоқий қадрият сифатида муайян кетма-кетликда, қадрланиш даражасига кўра, муайян шаклда ўрин олган. Қадриятлар тартибининг бузилиши жамият ва давлатнинг беқарорлашувига олиб келади. Иерархия шарқона турмуш тарзини белгиловчи мувозанат меъёри ҳисобланади. Иерархик тизим ижтимоий муносабатларнинг эволюцион кечишига, инкирозлар ва инқилоблар рўй бермаслигига кафолат вазифасини ўтаган³. Шундай қилиб, Шарқ халқлари учун инсонпарварликка қурилган пастдан юқорига, босқичма-босқичликка, тадрижийликка рўя қилинувчи муносабатлар тизими-иерархик тенглик мос келади. Иерархик тенглик, Шарқ донишмандлари таъкидлаганидек, сабр-қаноат, инсоф-диёнат, ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб каби фазилатларга таянади. Ижтимоий мавжудод сифатида одамзот тарихан таркиб топган муайян бир жамият бағрида яшаб, ундаги кичик ва катта муҳитдагина ўз қобилиятлари, истеъдодларини намоён этиш имкониятига эга бўлар экан, демак, мана шундай шарт-шароит яратиб берган жамият ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларидаги тарбиянинг умумий мазмунини ташкил этмоғи муҳимдир. «Токи, ўсиб келаётган ёш авлод ўзи яшаши лозим бўлган жамият қонун-қоидалари, одоб-ахлоқ нормалари доирасида яшаш кўникмаларини ҳосил этиш учун астойдил кураш жараёнидагина у комиллик мартабасига эришиши мумкинлигини англаб етсин»⁴.

Юқоридаги таҳлил ва фикр-мулоҳазалардан маълум бўладики, жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити мураккаб ижтимоий воқеликдир.

¹ Каранг: Кавелин К.Д. Наш умственный строй. — М.: 1989. — 7 с.

² Человек в мире культуры: Восток и Запад // Основы философии. — М.: Гуманитар изд. Центр ВЛАДОС, 1997. — 190 с.

³ Ботавсина Р.Н. Этика деловых отношений. — М.: Финансы и статистика, 2005. — С. 13-14.

⁴ Каримова И. Ноосфера: геосинтез ва мафкура. — Т.: Фан, 2007. — 162-163 б.

Ушбу воқелик негизида шахс – гуруҳ (жамоа) – жамият ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ахлоқий муносабатлар ётади. Маънавий-ахлоқий муҳит кенг ижтимоий муҳитнинг таркибий қисми бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга:

- *Биринчидан*, у инсоннинг бутун ҳаёти ва ахлоқий сифатларини ифодалайди;

- *Иккинчидан*, у турли жамоаларда турлича намоён бўлади ва турлича вазифаларни бажаради;

- *Учинчидан*, у шахс ва жамоадаги ижтимоий муносабатларнинг ифодаси сифатида келади;

- *Тўртинчидан*, у жамиятнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини, шунингдек ижтимоий тараққиётнинг йўналишларини белгилаб беради.

Жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш, ислохотларнинг натижалари кишиларнинг маънавий ахлоқий фазилатлари билан ўлчанади. Бу эса, энг аввало, маънавий-ахлоқий муҳитнинг вазифаси ва пировард натижасидир.

Чунки маънавий-ахлоқий муҳитнинг ўзига хос категориялари бўлиб, бу ахлоқий меъёрлар жамиятнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини талаб даражасида шакллантиришда катта таъсирга эга бўлади. Бунда этиканинг яхшилик ва ёмонлиқни фарқлаш, виждон, ор-номус (шаън), адолат, эркинлик, ҳақгўйлик, ҳаёт мазмуни, бахт каби категориялари маънавий-ахлоқий муҳитнинг негизи бўлиб хизмат қилади. Уларда кишиларнинг (гуруҳ ва жамоаларнинг микро ва мезо муҳитидаги) ҳатти-ҳаракати ҳамда ижтимоий ҳодисаларга муайян нуқтаи назардан қараб бериладиган ахлоқий баҳо ифодаланади. Шу ўринда Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириш мақсадга мувофиқ: «Инсон дунёга яхши иш қилиш – яхши из қолдириш учун келади, яхши фарзандларни тарбиялаб, қилган яхши ишлари ва қолдирган яхши сўзларига муносиб ворислар тайёрлайди»¹.

Шахснинг яхшилик ва ёмонлиқни фарқлашида жамият маънавий-ахлоқий муҳити учун зарурий асослар келиб чиқади. Чунки жамиятда яхшиликнинг мезони ва ёмонлиқнинг меъёри аниқ бўлиши керак. Қачонки, инсон ўзига яхшилик қилишларини истаса, ўзгаларга яхшилик қилиши лозимлигини англаши керак. Аксинча, у ўзига нисбатан ёмонлиқни хоҳламас экан, ёмонлик қилишдан тийилиши керак. Жамиятимизда яхшиликка интилиб, ёмонликдан тийилиш қадрият даражасига кўтарилган. Шу маънода, яхшилик қилишнинг турли кўриниш ва шакллари таркиб топган. “Мисол учун, тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, кадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни

¹ Каримов И. Халқимизнинг ота-бобо фарзанди // Ўзбекистон: миллий еттиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т: Ўзбекистон, 1996. Т.1. – 101 б.

олайлик. Қанчалик ғалати туюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга таржима қилишнинг ўзи мушкул бир муаммо”¹. Шу маънода бизнинг ахлоқий маданиятимизда яхшиликнинг асоси “меҳр-оқибат”, “меҳр-шафқат”, “кадр-қиммат” тушунчаларида мужассам. Унга кўра, ўзгага яхшилик қилиш оқибатлилик, шафқатлилик ва кадр-қимматлиликда намоён бўлади. Ҳар бир шахсда яхшилик ёки ёмонлиқни фарқлаш туйғусининг шаклланиши жамиятда муътадил маънавий ҳамкорлик руҳиятини таркиб топтиришга хизмат қилади. Ҳаётда мутлақ даражадаги яхшилик ёки мутлақ даражадаги ёмонлик йўқ. Бир шахсда ҳам яхшилик, ҳам ёмонлик хусусиятлари бўлиши табиий ҳолат. Маънавий ҳамкорлик шахслар ўртасида мазкур икки зиддиятнинг «оралиқ йўли»ни танлаш имконини беради. Бунинг маъноси шуки, шахснинг яхшиликлари қабул қилиниб, ёмонликлари ислоҳ этилади.

Ўзбекистон жамиятида виждонлилик муҳити маънавий-ахлоқий сифат ҳисобланади. У инсоннинг маънавий оламига дахлдор тушунча бўлиб, ахлоқий онгда муҳим аҳамиятга эга. Инсон ўзлигини, яъни ким эканлигини, кимнинг аждодилигини, яшайдан мақсадини англамас экан, унинг виждони уйғонмайди. Ўзлигини англаган инсон ҳаёт воқелигига онгли муносабатда бўла бошлайди, унда жамиятга дахлдорлик туйғуси пайдо бўлади. Бу виждонлиликнинг энг муҳим кўринишидир.

Зеро, виждонли бўлиш тадрижий характерда бўлиб, у англаш, тушуниш, баҳолаш ва фаолият кўрсатиш натижасида таркиб топади. Шу маънода инсон учун виждонсизлик ҳақорат сифатида қабул қилинади. Виждонли бўлиш мард, ҳақгўй, ростгўй ва чин сўзли бўлиш билан боғлиқ ахлоқий сифат. Ҳар бир шахсда виждон туйғуси бўлади. Шахс жамиятда муносабатга киришар экан, виждоний ахлоқ меъёрлари ва қоидаларига риоя қилади. Шахснинг виждонлилиги ўзга шахсда собитликни уйғотади, натижада шахслараро маънавий ҳамкорлик меъёрий асосга қурилади.

«Адолатли бўлиш – адабнинг устуни, инсонийликнинг асоси ҳисобланади. Ҳар бир киши адаб ва инсонийликка стишаман деса адолатли сўз айтувчига ҳам, эшитувчига ҳам манфаат етказди. Тўғри сўзлаб ўлмоқ, ёлғон гапириб кутулмоқдан афзал. Тўғрилиқ яхшилик сари етаклайди, яхшилик эса адолатга етказди»². Адолатнинг қудрати ўзганинг манфаатини рўёбга чиқариш, ой сингари зулматни ёритиш, жоҳилликка барҳам бериш, ва дарё мисоли ерни яшнатиш, ҳар бир ишга адолат кўзи билан қараш бир сўз билан айтганда, ҳақни қарор топтиришдир. Бу маънолар адолатнинг нақадар муҳим ахлоқий

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: Маънавият, 2008. – 86.

² Маҳкамов У. Ахлоқ-адоват сабоқлари. – Т: Фаи, 1994. – 146.

категория эканлигини, адолатпарвар бўлиш кишидан жуда катта маънавий куч талаб қилишини кўрсатади.

Бурчни англаш. Барча кишиларга жорий қилинадиган ахлокий талаб (ахлоқ нормаси) шу вақтда бурч формасига кирадики, бу муайян индивиднинг тутган мавқеи ва бирон-бир конкрет вазиятга татбиқан унинг шахсий вазифасига айланади. Шахс бунда ахлоқнинг фаол субъекти сифатида майдонга чиқади ва унинг ўзи англаб-тушунган ҳолда ўз фаолияти билан ахлокий талабларни амалга оширади, яъни шахснинг жамиятга бўлган муносабатида намоён бўлади.

Бурч – шахснинг ахлокий фаолиятини ифодаловчи масъулият, онглилик, виждон каби фазилатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Ўз бурчига содиқлик ҳар бир кишига обрў, шон-шараф келтиради. Ҳар бир инсон ўз бурчига содиқлиги, ўзига жамиятга, Ватанга, меҳнатга, оилага, фарзандларига бўлган муносабатида намоён бўлади. Бурч муқаддас нарса. Бурчга содиқлик Ватанга содиқликдир¹.

Бурч ўз-ўзидан шаклланимайди, тарбия жараёнида камол топади. Бурчни тарбиялаш жараёнида ўз-ўзига талабчанлик ривожланади. Натижада ҳар бир кишида ўз ишига, билимига, куч-қувватига ишонч қарор топади.

Бурчига содиқ киши бировларни рағбатлантирмайди, дилига озор етказмайди, бошқаларни ҳафа қилмайди, сабр-тоқатли бўлади.

Инсон ўз бурчини тўла англаб етсагина ахлокий етук шахс ҳисобланади.

Ор-номусли бўлиш. Бу ахлокий тушунча инсон шаъни, гурури ва кадр-қимматини ҳимоя қилишни тақозо этади. Ушбу категория мазмун-моҳияти жиҳатидан, мардлик, лафз, вафо, латофат, ҳаё, шаън, иффат, андиша каби ахлоқ меъёрий тушунчаларининг умумий шакли. Унда нафси тийиш, ёмонликни тарк этиш, беҳаёлардан ўзини олиб қочиш ва уларга қарши курашиш, уялиш, номус, шаънини сақлаш, оқиллик ва эътиқодлилиқ, шарм-ҳаё, қатъийлик, меҳр-мурувватлилиқ, инсоф, диёнат каби ахлокий мезонлар камил инсон ҳақидаги фазилатларни мужассамлаштирган. Юртбошимиз И.Каримов: “Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибодат ва иффат каби юксак ахлокий туйғу ва тушунчалар”² шарқона ахлоқ кодексини ташкил қилган деб таъкидлаганлар. Шахсда уят, ҳаё, ибонинг бўлиши унинг ор-номусли киши сифатида фаолият кўрсатишига асос бўлади. Натижада ўзга шахснинг шаънини сақлаш, унинг ҳаёги, эркинлиги ва ҳуқуқларига дахл қилмаслик таркиб топади. Бу ҳол жамият аъзолари ўртасида маънавий ҳамкорлик учун муҳим асос яратди.

¹ Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Т: Фан, 1994. – 28 б.

² Каримов И.К. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т: Маънавият, 2008. – 118 б.

Бахт – ахлоқий онг тушунчаси. Кишилар бошқалар билан ўзаро муносабатларда муваффақиятларга эришганларида, ижодий ишларидан мамнун бўлганларида ўзларини бахтли сезади. Ҳар бир киши бахтга интилиб, келажагини бирон-бир мақсад шаклида олдиндан тасаввур қила олмаса, унинг бунёдкорлик ҳаракати сусаяди, бора-бора ўз қиёфасини йўқотади. Бу ҳақда Абу Наср Форобий куйидагиларни айтган: «Инсоний вужуддан мақсад – энг олий бахт-саодатга эришувдир; аввало у бахт-саодатнинг нима ва нималардан иборат эканлигини билиши, унга эришувни ўзига тоя ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан мафтун бўлиши керак. Кейин бу бахт-саодатга олиб борадиган иш – амал ва воситаларнинг нималардан иборат эканлигини билиб олиши зарур. Сўнгра эса бахт-саодатга эриштирадиган ишларни шахсан бажаришга киришмоғи лозим бўлади»¹. Ҳар бир шахсда бахтли яшаш истаги мавжуд. Бу табиий ҳол. Бутунги инсониятнинг ривожланиш жараёни шахснинг якка ҳолда бахтли яшай олмаслигини кўрсатмоқда. Жамият «робинзонлар»ни эмас, жамоа бўлиб яшовчиларни тақазо этмоқда. Бу ҳол жамиятда шахсларнинг бахтли яшашлари учун маънавий ҳамкорлик қилишларини зарур эҳтиёж даражасида кўради. Ҳар бир шахснинг яшашдан мақсади умрини мазмунли ўтказиш, ўзидан яхши ном қолдиришдир. Бунинг учун ёшлиқдан ҳаракат қилиш лозим. Донишманд халқимиз айтганидек:

Ёшлугингда одатлансанг – қариганда кўникасан.

Қариганда одатлансанг – кўниккунча кўмиласан.

Умрни мазмунли ўтказиш учун ақл билан иш тутиб, ахлоқ қоидаларига риоя қилиш лозим. Ақл йўл, ахлоқ ҳаракат, булар уйғунлашиб, мазмундор ҳаёт кечириш келиб чиқади. Зеро, бу категориялар мажмун шахс ва шахслар гуруҳининг (жамият аъзолари) «маънавий ҳамкорлиги» тушунчасини келтириб чиқаради, чунки, маънавий ҳамкорлик зарурий ахлоқ ходисадир. Бинобарин, маънавий-ахлоқий ҳамкорлик – ижтимоий келишувчанлик бўлиб, у бир мақсад сари бирлашган кишиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан уюштириш, уларни ўзаро ёрдам ва умумманфаат кўришга йўналтиришдир.

Мутахассисларнинг фикрича, маънавий ҳамкорлик маънавий-ахлоқий муҳитнинг умумлашган категорияси бўлиб хизмат қилади².

Фикримизча, маънавий-ахлоқий ҳамкорлик категорияси учта тамойилга асосланади:

1. Инсонпарварлик.
2. Тенглик.
3. Ошқоралик.

¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993. – 189 б.

² Ерасов Б. Социальная культурология. – М.: Аспект - Пресс, 1997. – 65 с.

маънавий-ахлоқий ҳамкорлик категорияси тамойиллар асосида шахслараро муътадил муносабатни шакллантиради. Бунда шахснинг фикр қаншоқлигига қарши курашиш, янгича фикрлаш, миллий маънавий уйғонишни йўлга қўйиш, умумманфаатни рўсбга чиқарувчи мақсад сари ҳаракат қилиш фаолияти таркиб топади.

Маънавий-ахлоқий ҳамкорлик нозик, меҳнатталаб ва инсоний муносабатлар мажмуи бўлиб, у шахсни кўполик, бағригошлик, худбинлик, ахлоқий бузуқлик иллатларидан сақлайди. Натижада жамиятда ватанпарварлик, шу туйғу асосида уюшиш ҳисси таркиб топади. Маънавий-ахлоқий ҳамкорликка эга бўлмаган жамият ахлоқий жиҳатдан таназзулга юз тутади. Бунда қуйидаги салбий оқибатларнинг ҳелиб чиқилиши кузатилган:

- шахс маънавиятига тажовуз қилиш;
- шахс ахлоқини бузиш билан уни жамиятдан ажратиш;
- шахснинг ўзлигини йўқотиш билан жамиятда ноқобил одамларни пайдо қилиш¹. Рус ёзувчиси В. Распутин бундай иллатларга йўл қўйишни «Ватанни жангда бой бериндан кўра, шармандалироқ ва уятлироқдир»², деб агаган. Демак, маънавий-ахлоқий ҳамкорлик нафақат жамиятни маънавий-ахлоқий таназзулдан, балки уни гоявий инқироздан ҳам сақлаб қолувчи омил.

Маънавий-ахлоқий ҳамкорлик жамият маънавий-ахлоқий муҳитида «*homo sapiens*», яъни фикрли ва ахлоқли шахсни таркиб топтиради³. Шу боис, жамият маънавий-ахлоқий муҳитида шахсни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масаласи ҳам муҳим ҳисобланади. Зеро, халқимизнинг қадим-қадимдан амал қилиб келаётган одоб-ахлоқ фазилатлари маънавиятимиз асосидир. Асрлар мобайнида халқимиз умуминсоний, миллий ва маънавий-ахлоқий кадриятларини ривожлантириш, шахс онги ва қалбига сингдириш ахлоқий тарбия воситасида кечган. Чунки ахлоқий тарбия инсоннинг шахс бўлиб етишишида энг асосий омил ҳисобланиб, у орқали индивид ахлоқий кадриятларни англайди, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар асосида яшайди, умуман ахлоқий фазилатлар соҳибига айланади. Ахлоқий тарбия инсон фарзандини комилликка етказиш йўлларида бири бўлиб, унда аъъанавий ва замонавий воситалардан кенг фойдаланилади.

Абдурауф Фитрат ахлоқий тарбияни жисмоний ва ақлий тарбиядан кейинги – учинчи бўғин тарбия сифатида уқтириб, у «Инсонни комил, чиройли хулқ-атвор эгаси ва жамиятга фойдаси тегадиган аъзо қилиб

¹ Голубева Г.А. Этика. – М.: Экзамен, 2005. – 219 с.

² Распутин В. Мамлакат аэропортдан бошланади // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. 1989 йил 6 июль соми.

³ Мур Дж. Принципы этики. – М.: Прогресс, 1984. – 140 с.

шакллантиради»¹ деб уни амалга оширишнинг қуйидаги тизимини таклиф қилади.

1. Болага ҳикоятлар воситасида ахлоқ қондаларини тушунтириш.

2. Тарбиячининг ўзи ибрат бўлиши лозимлиги. Тарбиячининг сўзи билан хатти-ҳаракати уйғун бўлиб, у хатти-ҳаракати билан барчага ибрат, ўрнак намуна бўлмоғи лозим.

3. Ёмонларнинг ёмонлигини кўрсатиб, яхшиларнинг яхшилигини уқтириб бориш. Яъни ахлоқий тарбия реал воқелик ва амалий жиҳатлари билан маънавий-ахлоқий муҳитни муайян даражада барқарорлаштиради.

Айни пайтда олим ахлоқ фазилатларининг акси бўлган салбий хислатларни айтиб, уларни рад қилади. Бу борада у, айниқса, нодонлик, худбинлик, исрофгарчилик, бахиллик, журъатсизлик, манманлик, иккиланиш, қайсарлик, ғазаб, уятсизлик (важохат), нифоқ, хушомадгўйлик (шалоқ), бекорчилик (ихмол), хирс, мунофиқлик (риё), молу дунёга ўчлик (сарват) каби иллатларни изоҳлаб ўтади. Фитрат бу салбий хусусиятлар шахсни ғофиллик ва инқирозга бошлашини алоҳида уқтиради. Бизнингча, шахсни маънавий-ахлоқий тарбиялашда қуйидаги ахлоқий меъёрларга асосланиш кутилган самарани беради:

1. Шахс иродасини шакллантириш.

2. Шахсни ҳақиқатгўй сифатида вояга етказиш.

3. Шахсни инсонпарвар қилиб вояга етказиш.

Зеро, жамиятимиз ривожининг ҳозирги босқичида маънавий-ахлоқий тарбия муҳим ўрин тутди. Чунки жамиятимиз демократик қадриятларни қабул қилиб борган сари унинг аъзоларини «тарбиялаш»га бўлган даъвогарлар купайиб бормокда. Айниқса, турли диний оқимлар ўз мутаассибона, иллюзион хусусиятга бой тарбия йўлларини тикиштиришга уринишмокда. Бундай шароитда маънавий-ахлоқий тарбия йўналишларини аниқ белгилаб олиш долзарб масала ҳисобланади. Шу маънода, маънавий-ахлоқий тарбия қуйидаги тамойилларга асосланади: мақсадлилиқ, онглилик, самарадорлик.

Бу тамойиллар шахсни вояга етказиш билан жамият маънавий-ахлоқий муҳитини такомиллаштиришга хизмат қилади. Бундай тарбияни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

Жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳитига доир ахлоқий категорияларни белгилашда ҳозирги замон глобал этика муаммоларини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Гап шундаки, сўнгги пайтларда

¹ Фитрат А. Раҳбари нажот / Ш.Воҳидов таржимаси. – Т. Шарк. 2001. – 157 б.

жаҳон этикашунос олимлари глобал этика тўғрисида фикрлашмоқда¹. Унга кўра, XXI аср бошидаёқ инсоният ҳаётига наркобизнес, ОИТС, «оммавий маданият» ниқобидаги салбий ҳолатлар, диний экстремизм, терроризм каби иллатларнинг таҳдиди кучайди. Бу умумий иллатларга қарши глобал этика нормаларини ишлаб чиқиш ва умумбашарият онига сингдириш муҳим вазифадир.

Албатта, глобал этика нормалари умуминсоният учун ижобий таъсир воситасига эга. Бу нормалар миллий ахлоқ анъаналарини ҳисобга оладими? Бу муаммо жаҳон олимлари томонидан ҳам ҳал этишга ҳаракат қилинмоқда². Унга кўра, глобал этика нормалари барча миллий ахлоқ анъаналарига хос бўлган Адолат, Мажбурият, Ҳаёт мазмунини англаш каби ахлоқ категорияларига асосланади. Уларни одамлар онги ва қалбига сингдиришда «олтин ўртаҳоллик» – меъёр қоидалари бирламчи ҳисобланади³. Шу маънода, ҳозирги жамият маънавий-ахлоқий муҳитига доир ахлоқий категорияларни белгилашда глобал этика нормалари сифатида белгиланаётган қуйидаги ахлоқий категорияларни ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

1. Шахсда адолат туйғусини шакллантириш.
2. Шахсда мажбурият кўникмасини ҳосил қилиш.
3. Шахсни ҳаётсеварликка ўргатиш.

Мазкур ахлоқий қадриятларни шахснинг онги ва қалбига сингдиришда қуйидаги меъёр тамойилларига асосланилади: инсофлилик, виждонлилик, ақилилик. Жамият маънавий-ахлоқий муҳитига доир бу категорияни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

Ўзбекистон шароитида жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг асослари ва меъёрлари ўзига хос характерда бўлиши билан диққатни тортади. Бу асос ва меъёрларнинг энг муҳимлари сифатида намоён бўлади:

- энг муҳим ахлоқий категорияларнинг кенг қўламли кўриниш ва кўп қирраларда намоён бўлаётганлиги;
- миллий маънавий ҳамкорликнинг устувор даражада эканлиги;
- глобал, яъни умумбашарий этика қадриятларини қабул қилиш мумкинлиги.

Бунинг сабаби шундаки, Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият Шарқ ва Ғарб анъаналарини уйғун қабул қилинишидадир. Ўзбекистон шарқона ҳаёт кечириш тарзига эга. Айни пайтда унинг ҳаёт тарзига

¹ Эфроимсон В.П. Генетика этики и эстетики. – М.: СПб Изд ПГУ, 1995. – 212 с. Гуревич П. Современный гуманитарный словарь. – М.: Республика, 1999. Даллемар Ф. Глобальная этика: Преодоление дихотомии «универсализм» – «партикуляритм» // Вопросы философии. – Москва, 2003. – №3. – С. 13-29.

² Гуссёнов А.А. Общес абсолютной морали // Вопросы философии. – Москва, 2003. – №3. – С. 3-12.

³ Степанянц М. Метафора «золотая середина» как ключ пониманию общего и частного в философии морали // Вопросы философии. – Москва, 2003. – №3. – С. 42-48.

Ғарб маданияти анъаналари ҳам кириб келмоқда. Бундай шароитда, жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити маънавий негизлар, ғоялар, тушунчалар ва воситаларга асосланиши керак. Шундагина маънавий-ахлоқий муҳит кутилган даражада бўлиши мумкин.

Таъкидланган лозимки, миллий жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳитини таъсис этишда энг мақбул йўлни танлаш лозим бўлади. Чунки миллий анъаналар ўта устувор даражада қабул қилинса, жамият маънавий-ахлоқий муҳитида маҳдудлик, худбинлик ва мутаассиблик иллатлари пайдо бўлади. Борди-ю, умумбашарий одатлар кескин устуворлик қилса, жамият маънавий-ахлоқий муҳитида миллий қиёфасизлик, ўзинини йўқотиш ва ҳавойи идеалларга содиқлик таркиб топади. Бу муаммони ҳал қилишда бугунги фалсафий фанлар жумладан, этика олдида муҳим вазифалар турибди.

Биз жамиятимиз маънавий-ахлоқий муҳитида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғун таркиб топиши тарафдоримиз. Бундай қадриятлар энг фойдали ва инсоний кўринишлари яшовчан бўлиб қолиши керак.

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ

М.С.Имомназаров, филология
фанлари доктори, проф.

Ёш авлодда нафакат ўз ҳаёти, онла аъзолари, Ватани ва миллати олдидаги, балки табиат, бутун курран замин ва жами башарият олдидаги масъулият туйғусини шакллантириш бугунги кун таълим-тарбия тизимининг энг муҳим масаласи бўлиб қолмоқда. Ватанимиз келажаги бўлган ёшларга ҳозирги замон талаблари даражасида билим ва тарбия бериш, уларни юксак маънавиятли, онгли, ҳар қандай салбий таъсирларга нисбатан бардошли қилиб вояга етказиш – бугунги кун таълим муассасаларининг асосий вазифасидир, чунки фақат ана шундай инсонларгина келажакда одил жамият пойдеворини ярата оладилар.

Юртбошимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида маънавиятга қарши турли хуружлар ҳақида гапирар экан, таъкидлаб ўтадики: *“Бу ҳақда гапирганда, фақат битта миллат ёки халқ ҳақида фикр юритиш масалани ўта тор тушуниш бўлар эди. Яъни, бу ўринда суз фақат бизнинг маънавиятимизга қарши қаратилган таъжовузлар ҳақида, азатий фазилатларимиз, миллий қадриятларимизни ана шундай хужумлардан асраш хусусидагина бораётгани йўқ. Муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида*

ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир". Масалага бундай кенг камровли ёндошув кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Муаллифнинг ўзи ҳам эслаб ўтганидек, бизнинг улуг аждодларимиз барчаси "ўз ижоди билан нафақат икки дарё оралигидаги халқларни, балки бутун башарият фарзандларини доимо меҳр-оқибатли, дўст-биродар бўлиб яшашига" даъват этиб келганлар.

Инсоннинг қалби ва онгига жо бўлган миллий маънавий-ахлоқий негизлар уни бутун умри давомида ҳалол, пок, билимли, халқ хизматида бўлишга, Ватан равиши ҳамда тараққиётига ҳисса қўшишга, ўзининг онгли ва эркин мушоҳада қилувчи шахс сифатида камол топишига муттасил равишда ундайди. Президентимиз И.Каримовнинг "Ақл-закованили, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсакгина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт камол топади", деган сўzlари айни шу маънони англатади. Бу эса ҳар биримизнинг фарзандларимиз, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий камолоти, ғоявий чиниқишига, ҳар хил бузғунчи ғоя ва мафкураларга қарши муросасиз курашчи руҳида тарбиялашга масъулият билан ёндашишга ундайди. Айнан фарзандларнинг камолоти – эрланги кунда барчамизнинг тинч ҳаётимизни таъминлайди. Бунинг учун биринчи навбатда нима қилиш керак?

Маълумки, Иймон, Илм, Масъулият ва Меҳр шахс маънавиятининг асосий жиҳатларини ташкил қилади. Агар улардан бирортаси етишмай қолса, инсон руҳиятида сезиларли оғишлар юз бера бошлайди. Натижада бундай инсоннинг маънавий камолотида қусурли ҳолатлар пайдо бўлади. Улуг рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой ўзининг "Иқрорнома" асарида ёш йигитлик даврини эслаб шундай ёзади: "Эндиликда ўша вақтларни эслар эканман, шу нарса аниқ-равшан аён бўладикки, менинг эътиқодим, яъни ҳайвоний инстинктлардан ташқари менинг ҳаётимни ҳаракатга келтирган нарса, менинг ўша кезлардаги яккаю ягона иймоним қолди инсон бўлишга ишонч эди. Аммо қомилликнинг мазмунини қанақа, унинг қандай мақсадлари бор – бунини айтиб беролмасдим. Мен ўзимни ақлий жиҳатдан мукаммаллаштиришга ҳаракат қилдим – қўлимдан келган ҳамма нарсани, ҳаёт мени рўпара қилган нарсаларнинг баринини ўрганишга иштилдим; мен иродамини мукаммаллаштиришга ҳаракат қилдим – ўз-ўзимга қондилар яратиб, уларга амал қилишга уриндим; ўзимни жисмонан мукаммаллаштиришга киришдим – ҳар хил машқлар билан кучимни ва чаққонлигимни ўстирдим, ҳар хил муҳтожликларни кўриб, ўзимни бардошга ва сабр-тоқатга ўргатдим. Буларнинг баринини мен мукаммаллашув деб ҳисобладим. Албатта-ки, ҳамма нарсанинг ибтидоси маънавий мукаммаллашувимда эди, аммо орадан кўп ўтмай, унинг ўрнини умуман мукаммаллашув эгаллади, яъни ўз-ўзимнинг

наздида ёхуд Худонинг қаринсида яхшироқ бўлиш истаги эмас, балки бошқа одамлар олдида яхшироқ бўлиш истаги эгаллади. Орадан кўп ўтмай бошқа одамлар қаринсида яхшироқ бўлишга интилиш ўрнини бошқа одамлардан кучлироқ бўлиш, яъни бошқаларга қараганда шўхратлироқ, донгдорроқ, бадавлатроқ бўлиш истаги эгаллади”¹.

Бу инсоният маънавий ҳаётида катта из қолдирган улуғ бир мутафаккир инсоннинг эътирофлари. Демак, илм, масъулият, меҳр бўлса-ю, иймон масаласида аниқ бир йўналиш олинмаган, ёки янглиш йўлга кириб кетилган бўлса, комиллик масаласи тўғри ҳал қилинган бўлмас экан.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида муаллиф “маънавиятнинг юксалиши билан чамбарчас боглиқ бўлган яна бир мезон” – ислом дини ҳақида махсус тўхталиб, шундай дейди: “Кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маънавиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдирилади ва ривожланади”.² Китобда яна шундай дейилади: “... халқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қийслаб бўлмайди”.³ Маълумки, шўролар даврида “дин халқ учун афюндир” деган ҳақоратли тамға остида халқимизнинг иймон-эътиқоди, минг йиллик эзгу қадриятлари топтаб келинди, иймон илмга зид қўйилди. Афсуски, бундай қарашлар бугунги кунда ҳам баъзи ўзини “зиёли” ҳисобловчилар, ҳатто маънавият соҳасига алоқадор кишилар онгини тўлиқ тарк этгани йўқ. Улар бугун ҳам Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Абу Исо Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарий каби бугун жаҳон тан олган зотларнинг эътиқоди, демакки, ислом маърифатига қўшган бекиёс ҳиссаларига беписанд назар билан қарашга, яъни шундай улуғ зотлардан кўра, ўзларини “билимдонроқ”, “онглироқ” ҳисоблашга уялмайдилар. Ҳануз диний билимларни дунёвий билимларга зид қўйишга мойиллик билдирадилар. Президентнинг қуйидаги эътирофлари айни шундай тамойилларга

¹ Толстой Л.Н. Избранные сочинения в 3х тт., т. 3, с.413. (Озод Шарафиддинов таржимаси асосида).

² Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008. Б.36

³ Шу китоб, с. 36-37.

муносиб жавоб сифатида жаранглайди: “Бизнинг қадимий ва гузал динимиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табарруқ заминдан не-не буюк зотлар, олим уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етимиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди.”

Китобда, шунингдек, ислом маърифатининг узвий қисми бўлиш тасаввуф ирфонининг буюк намояндалари Абдуҳолик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Накшбандларнинг муборак сиймоларига чуқур эҳтиром изҳор қилиниб, уларнинг миллатимиз маънавиятини шакллантиришдаги умрбоқий ҳиссалари тилга олинади. Агар биз бу эътирофларни И.Каримовнинг Аҳмад Яссавий, “шайхи валитарош” деб ном таратган Нажмиддин Кубро каби буюк маънавият пирлари ҳақида турли сабаблар билан билдирган мулоҳазалари билан қиссалайдиган бўлсак, Президентимизнинг тасаввуф таълимотига нисбатан бўлган улкан эътибори аниқ-равшан бўлади. Бу беҳуда эмас. Аслида нафақат миллий маънавиятимиз такомилда, балки умумбашарий миқёсда маънавий қадриятлар устиворлигини таъминлашда тасаввуф ирфонининг тарихий хизмати аллақачон ўз исботини топган. Агар Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб сингари ислом маърифатчилиги намояндаларининг ёш авлод тарбиясига онд қарашларида ақлга, билимга таяниш устунлиқ қилган бўлса, тасаввуф таълимоти кўнгилни поклаш, илм ва амал уйғунлиги, умумбашарий меҳр, ҳар ишда ният холислиги масалаларига эътибор қаратдилар. Ғаззолийдан бошлаб “инсон вужудида кўнгил – подшоҳ, ақл – вазир” деган қараш етакчи ўринга ўта бошлади ва Алишер Навоий ижодида бу тамойил ўзининг мукаммал ифодасини топди.

Очиқ айтиш керак, ҳаётда буткул иймонсиз одамлар камдан-кам учрайди. Ҳозирги замон олимлари иймоннинг икки турини ажратишади: диний иймон ва фалсафий иймон. Бугунги Европа зиёли тоифалари ичида диний иймон эгаларидан кўра фалсафий иймон вакиллари кўпроқ учрайди. Сабаби, бугунги Европа ва Америка қитъаларида аксарият аҳоли орасида тарқалган христиан динининг кўп ақидалари Янги давр илғор фикрли зиёлиларини аллақачон қониктирмай қўйган.

Бунинг боиси шуки. Исо (а.с.)дан кейин ўзларини христиан деб атаганлар орасида турли ихтилофли диний қарашлар кўпайиб кетган бўлиб, милодий IV аср бошларида император Константин ташаббуси

билан давлат динига айлантирилган христиан эътиқоди ўша тарихий давр талаби билан моҳиятан чалкаш ақидаларни расмийлаштириб олган эди. Инсонлар ташаббуси билан қонунлаштирилган бу ақидалар тизими минг йил давомида инсонлар онгига мажбуран сингдирилди. Аммо Европа Уйғониши расмий черковнинг бу зугумига қаттиқ зарба берди. Чунки бу даврга келиб расмий христиан ақидалари билан илм соҳасида эришилаётган ютуқларнинг бир-бирига тамомила зидлиги очилиб қола бошлаган эди. Натижада илғор зиёлилар онгини тобора диний эътиқод ўрнига илмий билимларга мойиллик кўпроқ эгаллай бошлади ва кейинги асрларда бу тамойил атеистик (яъни ягона тангрининг мавжудлигини инкор қилиш) ва нигилистик (умуман диний эътиқодларга бенисандлик) қарашларга йўл очди.

Аммо инсон иймонсиз яшай олмайди. Айниқса, Европанинг буюк ақл эгалари тимсолида бунинг ёрқин далиллари кўп. Жумладан, Лев Толстой ҳам. Карл Ясперс ҳам мавжуд христианлик диний иймонини шундайлигича қабул қила олишмайди. Аммо шу билан бирга ҳеч бир ақли расо инсон иймонсиз яшай олмаслигини тап олишади. Шу сабабли XX аср бошларида Толстой христианлиكنинг чалкаш ақидаларидан кўра исломий тавҳид гоёсини кўп жихатдан мақбул топган бўлса, ушбу аср ўрталарида яшаб ижод қилган философ Ясперс ўз асарларида инсон қўли билан таҳрир қилинган мавжуд Библияни ноўрин жойларини ислох қилишга уриниб, буни фалсафий иймон деб атайди. Албатта, ҳар бир файласуф ўзи излаб топган ҳақиқатга астойдил ишонади, уни сўнгги ҳақиқат деб билади. Бироқ ҳар қанча донишманд бўлмасин файласуф ҳам бандайи ожиз, у мутлақ ҳақиқатга даъвогарлик қилгани билан маълум вақт ўтгач, унинг ҳам адашганлиги очилиб қолади, кейинги бир халафи чиқиб унинг хатоларини кўрсатиб беради, ёки буни ҳаёт мантиғи фош қилиб қўяди. Тарихда бунинг исботи кам эмас.

Ислом эътиқодига қайтадиган бўлсак, мен масалага маънавий нуктадан назаридан ёндошган ҳолда бунда бир фаркланишга эътибор қаратишни муҳим билган бўлар эдим: тақлидий иймон ва таҳлилий иймон. Тўғри, ҳаётда юз фоз тақлидий иймон эгаси ҳам, мукамал таҳлилий иймон эгаси ҳам учраши амри маҳол. Чунки, биринчидан, ҳар қандай самимий иймонли одам гирт тақлидчи бўлмайди, иккинчидан, таҳлилий иймон ўз маълосига кўра эътиқод ва илм уйғувлиги сифатида қаралар экан, ҳар қандай инсон илмининг чегарасиз эмаслиги бу масалада ҳам мутлақ ҳақиқатга даъво қилиш имкониятини бермайди. Хўш, нима қилиш керак?

Аввало, ислом ва мусулмончилиكنи моҳиятан фарқ қилиш керак бўлади. Чунки ислом битта: Аллоҳнинг сўзи, ягона Тангрининг китоби бўлмиш Қуръони каримда акс этган илоҳий ҳақиқатлар. Аммо Аллоҳнинг сўзини аслига мувофиқ англаб етиш осон иш эмас. Шу

сабабли минглаб тафсир ва таъвиллар яратилган. турли-туман мазҳаб ва фирқалар шаклланган. Улар Аллохнинг ожиз бандалари, чекли билим эгаси бўлган оддий инсонлар орасида вужудга келган. Айни шулар мусулмончилик. Чунки улар барчаси ўзини мусулмон ҳисоблайди, мен ҳақман деб ишонади. Бундай шароитда энг тўғри йўл фақат улуғ аждодлар меросига таяниш бўлиши мумкин, холос. Бу ҳақда Президент И.Каримовнинг фикрлари юқорида келтирилди. Президент асарларида ислом маърифати ва диний ақидапарастлик жаҳолати буткул икки қарама-қарши қутб эканлигининг жуда ишонарли исботлари келтирилган. Дарҳақиқат, улуғ аждодларимиз доимо тақлидий иймонга, ақидапарастлик жаҳолатига аёвсиз танқидий муносабат билдириб келганлар. Юртимизда 70-80 йиллардан бошлаб коммунистик ақидапарастликдан “нусха кўчириш” асосида юзага келган баъзи оқимларнинг келиб чиқиш маконлари суриштириб борилганда хорижий таъсирларга бориб тақалиши бежиз эмас. бу юртда уларнинг “илдизлари” мутлақо топилмайди.

Биргина мисол. Биз ўзбеклар Марказий Осиё минтақасининг бошқа аксарият аҳолиси сингари мусулмончилиكنинг ханафий мазҳаби мотуридия ақидасини қабул қилганмиз. Шофъий, моликий ёки ханбалий мазҳабига эргашувчи дунё мусулмонлари билан илоҳ-иттифоқчилигимизга шубҳа йўқ, аммо бу мазҳаблар орасидаги баъзи жузъий фарқлар исломни илм сифатида яхши ўзлаштириб олмаган оддий одамларни баъзан довдиратиб қўйиши ҳам мумкин. Тарихда бундай фарқлар баъзи ўта нозик масалаларда жиддий баҳсларни ҳам келтириб чиқарганлик ҳолатлари илм аҳлига сир эмас. Масалан, ханбалия мазҳабининг эътиборли уламоларидан Ибн ал-Жавзий (1116-1201) улуғ сўфий пирларидан Мансур Ҳаллоҷ ва Муҳйиддин Абдулқодир ал-Жийлонийларни, Ибн Таймия (1263-1328) эса Ибн ал-Арабий ва Ибн ал-Фарид сингари жаҳон тан олган ирфоний шеърят ва тасаввуф фалсафасининг буюк намояндаларини кескин қоралаб рисоалар ёзганлар. Ҳолбуки, Мансур Ҳаллоҷ, Абдулқодир ал-Жийлоний, Ибн ал-Арабий каби улуғ мутафаккирлар бизнинг минтақада тасаввуфнинг пири комил бузрукворлари сифатида доим эъзозланиб келган¹. Миллий маънавиятимизнинг ислом минтақа маданиятига ёндошувидаги бу каби ўзига хосликларни эътибордан четда қолдириш жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

¹ Шу уринда қайд этиб ўтиш лозимки, ислом уламоларининг муқаддас китобларга ёзган тафсиру шарҳлари, жумладан, турли мазҳаб намояндаларининг баъзи масалалардаги ихтилофли ёндошувлари мусулмончиликдаги бандаларнинг ожизлиги сифатида қаралиши жоиз. Бундай ихтилофли уринларни Қуръон қаримнинг муҳкам оятлари даражасида талқин қилиб, тарафқашликка берилиш оғир оқибатларга олиб келишини асло унутмаслик зарур. Бундай масалаларга ёндошувда Бурҳониддин Марғиноний каби улуғ ашломаларимиздан ўрнак олиб, бағрикенглик билан иш тутган маъқул.

Барча динлар каби исломда ҳам ботиний ва зоҳирий жиҳатлар мавжуд. Исломнинг зоҳирий жиҳати шариат ва фикҳда ўз ифодасини топган. Булар асосан сиёсат соҳасига, яъни инсонлараро муомалага оид бўлиб, маънавиятга бевосита алоқаси йўқ. Чунки маънавият ҳар бир инсоннинг ўзга инсонларга эмас, балки бевосита борлиқ ҳақиқатига муносабати бўлиб, ботиний ҳодиса бўлганлиги сабабли, ҳеч бир инсон бошқаларнинг маънавиятини назорат қила олмайди. фақат ўзининг маънавий камолоти билан шуғулланиши мумкин. Шариат ва фикҳда исломий амалларнинг кўпроқ ташқи томонлари инобатга олинади, уларнинг инсон руҳиятига оид жиҳати иймон билан боғлиқ бўлиб, бу энди маънавиятга оид масаладир.

Миллий маънавиятимиз анъаналарида шахс маънавиятининг асосий жиҳатлари -- иймон, илм, масъулият, меҳрнинг ўзаро уйғунлиги масаласи устувор йўналиш эканлиги маълум. Муайян тарихий сабабларга кўра Европа ахлоқ илмида айни шу ўзаро мутаносибликка етарли эътибор қаратилмади. Натижада, бугунги кунга келиб, ушбу минтақада маънавий-ахлоқий соҳада жуда огир муаммолар келиб чиқмоқда.

“Ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги” деган ҳикматнинг мазмуни шундаки, инсоннинг маънавий камолот даражаси унинг ахлоқида энг ёрқин шаклда намоён бўлади. Агар инсон фақат тақлидий иймон даражасида қолган бўлса, у Аллоҳнинг борлиги ва бирлигини тан олган бўлади, буюрилган фарзларни бақадри имкон бажаришга уринади, аммо ахлоқи ҳамида (мақтовга лойиқ, гўзал ахлоқ) соҳиби бўлмайди. Аجدодларимиз томонидан маънавий камолот йўли мукаммал ишлаб чиқилган бўлиб, ахлоқи ҳамиданинг шаклланиш йўли ҳам шунга ҳамоҳангдир. Унга кўра, маънавият иймондан бошланади, илм билан мукаммалашади, таҳлилий иймон орқали инсон нафс тарбиясига ўтади ва охири меҳр маърифати орқали маънавий камолотга эришади.

“Бизнинг улуғ аجدодларимиз, – деб ёзади Президент, – ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тил билан айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли деб биламан”.

Биз бу қисқа мақоламизни асосан иймон масаласи билан чегараладик. Айтиш мумкинки, ушбу мавзунинг ўзини ҳам чуқурроқ очадиган бўлсак, камда алоҳида рисола пайдо бўлади. Ваҳоланки, шахс маънавиятининг ўзга муҳим жиҳатлари – илм, масъулият, меҳр, миллий ахлоққа оид категориялар – поклик ва ҳалоллик, адолат ва инсоф, сидқ ва ҳаё, сабр ва шукр, ҳиммат ва шижоат каби қатор улуғ қадриятларимиз борки, уларнинг ҳар бирига алоҳида асарлар бағишласанг кам.

Албатта, барча муаммоларни бир кунда, бир ҳамла билан ечиб бўлмайди. Маънавий баркамол авлодни тарбиялаш бир умрлик иш. Мустақиллигимиз бу саъй-ҳаракатларимиз самарали бўлишининг ишончли кафолатидир. Аммо ёлғон кадамлар, осон ечимлар қидиришдан эҳтиёт бўлмоғимиз жуда муҳим. Ҳар бир ишда қийинчиликни бўйнига олган одам ҳақиқий ютуққа эришади. Айниқса, биз зиёлилар, ёш авлод тарбиячилари ўз вазифамизга масъулият билан ёндошсак, *“фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш”* дан, шу йўл билан улар онгида *“мафкуравий иммунитет”* ҳосил қилишга уринишдан чарчамасак, мизлатимиз яна буюк миллат бўлади, авлодларимиз аجدодларимизга муносиб қудрат касб этади.

Муаллимнинг меҳнати самараси узоқ келажакка уланиб кетадиган эзгу меҳнат. Келинг, авлодни боқийликка элтувчи меҳнатдан эринмайлик, токи Юртбошимизнинг, халқимизнинг ёруғ орзулари ушалсин, *“ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин”*.

ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

М.Зарипов,

ТДПУ профессори

“Инсон қалбига йўл, аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун, қачонки бу ҳақида гап кетса, аجدодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот – ўқитувчи-мураббийларнинг олийжаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз”.

И.Каримов

Самимийлик инсон характеридаги энг гўзал хислатлардан бири бўлиб, у инсоннинг беғуборлигини, беғаразлигини ифодалайди. Лекин самимият билан лақмаликни фарқлаш керак. Ўзни қўйиб юбориб, бўлар-бўлмас гапларни ўйламасдан валдирайвериш кишининг кўнгли очиклигини билдирмайди. Ўзини тутта билмайдиган киши, худди шу лақмалик туфайли кўн хатога йўл қўяди. Зотан, ўзи учун қийин бўлган вазиятда ҳам ўзгалар ҳаётини заҳарламасдан ўзини тия билиш –

«тилини тишлаб туриш» самимият эмасми, ахир?! Бундай кишиларда бегараз севги, холисона ғазаб бўлади, қатъийлигида самимийлик, табассумида ақл бўлади.

Буюк философ Дидро ёзганидек, самимийлик ҳақиқатнинг жони ва ҳалол одамнинг пешонасига ёзилган белгисидир. Улуг кишилар ҳаётига назар ташлар эканмиз, уларнинг нақадар оддий ва самимий, ҳалол ва камтар бўлганликларига эътибор берамиз.

Самимий киши ўзининг хатти-ҳаракатига танқидий кўз билан қарайди. хатоларидан тегиниш хулоса чиқаришга ҳаракат қилади. Ҳамма ҳам айбини бўйнига олмайди, олгиси келиб турса ҳам, бўйни ён бермайди: шароитга ёхуд кимгадир ағдаришга уринади. Шунда инсон тафаккурида ички зиддият пайдо бўлади. Фақат мард кишиларгина хато ва камчиликларни тан олиб, бўйинларига олишга ўзларида жасорат топа оладилар. Хато қилмайдиган инсон бўлмайди. Лекин ана шу хатони такрорламаслик керак. Алишер Навоий бу ҳақда шундай деган: «Саҳви хато башарият лозимидир. Хато ва саҳвин англаб мутанаббих бўлгон саодатманд одамийдир».

Самимий одам очик кўнгил, бағри кенг бўлиши билан бирга, ўзгалар меҳнатини қадрлайдиган, ўзига қилинган ҳурмат-эътиборга миннатдорчилик билдира оладиган киши ҳамдир. Сен билан бирга ишлаб ва яшаб, бирга сен билан пафас оладиган одам сенга бегараз ёрдам берса-ю, бу ёрдам учун миннатдорчилик сўзини эшитмаса, у ҳеч нарсасини йўқотмайди, албатта, аммо, кўнгли совуши мумкин. Аммо, миннатдорчилик билдиришни эп кўрмаган киши эса, кўп нарса йўқотади. Бировга яхшилик қилиб, миннатдорчилик талаб этиш бу миннат қилиш, бошқачароқ айтганда, таъма қилишдек гап. Бу ўринда қилган яхшилигингдан ҳеч нарса қолмайди: бутун кадр-киммати чиппакага чиқади. Гап шундаки, яхшиликни билмайдиган инсон, энг аввало, кишиларга бўлган ишонч, уларга бўлган ҳурматни йўқотади. Бу эса инсонни маънавий қашшоқликка, виждонан тубанликка олиб боради. Чунки, бундай кишидан «менинг ёрдамимга муҳтож бўлган кишига қўлимни чўзсам, ёки чўзмасам бўлаверади, у шундай ҳолатда менга барибир ёрдам бермай ўтади», деган тушунча мавжуд бўлади. Пировард оқибатда бундай кишида «Яхшилик қилсанг – ёмонлик қайтади», деган принцип ҳукмрон бўлиб қолади.

Миннатдорчилик ҳиссини «Биздан бугина, сиздан угина» деган тарзда тушуниш ҳам ярамайди. Самимий киши бундай гап билан виждонини хор қилмайди. Яхшилик қилиш шундай юксак, олижаноб фазилатки, унга заррача ғараз аралашмаслиги зарур.

Бировга яхшилик қиламан дейдиган одам илтимосу илтижоларни кутиб ўтирмайди. Шундай қилишнинг керакки, ёр-биродарларингнинг ёрдамга муҳтож эканлигини билдингми, ўзига билдирмасдан унинг

хожатини чиқар. Шунда у бир умр сендан хурсанд бўлиб юради. Бундай яхшиликни самимийлик дейдилар.

Самимият тўғрилиқ ва ҳақиқатгўйлик билан узвий боғлиқ.

Тўғрилиқ одоблиқ белгиси бўлиб, ҳалол ва самимий одамларгина ана шу фазилатга эга бўла олади. Ҳалоллик эса эзгулик томон қўйилган қадам бўлиб, умри ҳалолликда ўтган одам чинакам бахтлидир. Мутафаккирлардан бири айтганидек, ҳалол одам учун энг оғир ҳақорат уни ноҳақликда гумон қилиндир. Шунинг учун ҳам болани ноҳақдан урушсангиз у йиғлаб юборади. Ҳалол одамлар доимо ҳақиқатгўй бўладилар ва унга интиладилар. Аммо ҳақиқат бутун бўлади, ҳеч қачон у чала намоён бўлмаслиги керак. Ҳақиқатга интилган камолотга эришади. Ўз даврида Абу Райҳон Беруний шундай деган: ҳақиқатни билиш учун, аввал ўз руҳингни кўнчилик кишиларни йўлдан оздирувчи хусусиятлардан ва одамни ҳақиқат олдида кўр қилиб қўювчи сабаблардан тозалаб олишинг лозим.

Софдил, тўғри одамнинг сўзи билан иши бир бўлиб, унинг ҳаёт йўли ҳар доим тўғри ва равондир. Бундай киши учун ҳақиқат қанчалик аччиқ бўлса ҳам, у ҳамма нарсадан юқори. У ҳақиқатни унга топширилган вазифани адолатли ва объектив ҳал қилишнинг, кишилар ўртасида ишонч ва ўртоқликнинг гарови деб билади. Ноҳақлик, виждонсизлик ва ёлгончилик каби қусурларни, улар кичик ва катта бўлишидан қатъий назар уни келтириб чиқарадиган сабабларни аниқлаш, кишиларни уларга нафрат руҳида тарбиялаш ва ниҳоят жамият ҳаётидан бутунлай йўқотиш – ҳар бир инсон учун қонун бўлиб қолиши керак. Чунки алдаш ва ноҳақлик – шундай ярамас иллатки, у жамиятга жуда катта зарар келтиради, энг аввало, кишилар ўртасида ишончсизлик туғдиради.

Самимийлик табиийликни тақозо этади. Табиий бўлмоқ – ҳар қандай ясамалик, сунъийликни инкор этади. Бунинг учун эса оддийлик, ҳақиқатгўйлик, виждонлиқ керак бўлади. Одам ёшлигида қимгадир таассуб қилади, уни ўз идеалига айлантериб, унга эргашади. Оилада болаларга ота-она, мактабда, болалар муассасаларида тарбиячилар, адабиёт, санъат соҳасида йирик санъаткорлар идеал бўлиши мумкин. Болалар олдида идеал бўлишга интилиш ҳам керак. Айтайлик, ёшларнинг идеалига айланган санъаткор қаердадир ўз қилиғи, хатти-ҳаракати билан обрўини туширди. Бу нарсанинг ёшлар қалбига қанчалик салбий таъсир қилишини тасаввур қилиб кўринг-а! У энг қимматбаҳо нарсасини йўқотган одамдек довдираб қолади, тушқунликка тушади.

Жуда кўп болалар мактаб партасидаёқ муаллимга қараб касб танлайдилар. Қайси муаллимнинг одамгарчилиги, ўзини тута билиши, муомаласи, билими яхши бўлса, бола ўша муаллимга ҳавас қилади ва

ҳатто унинг касбини эгаллашга интилади, ҳатто юриш-туришида ҳам унга таклид қилади.

Ҳар нарсанинг табиийси яхши. Табиийлик ҳаётнинг ўзидек содда ва бегубор. Табиийликда киши ўзлигини йўқотмайди. Катталарга таассуб қилган ёшлар улар характеридаги, иш фаолиятидаги яхши томонларнигина ола билиши, уни ижодий ўзлаштира олиши керак.

Шундай кишилар борки, улар ҳақида «бир сўзли», «ваъдасига вафодор», «айтдими – қилади», деб баҳо берадилар. Демак, бундай одамга ишониш мумкин. Сиз дўстингизга фалон гапни телефонда айтиб қўйишни ваъда бергандигиз, лекин иш билан бўлиб, ёдингиздан кўтарилиб қолди. Кейинчалик эсингизга туша-ю, қўл силтасангиз жуда нотўғри иш қилган бўласиз. Ваъда бердигизми, муҳим ёки номуҳим бўлишидан қатъи назар, уни бажаришингиз шарт. Биз кўпинча, ана шундай ишларни майда-чуйда нарсалар деб, уларга катта аҳамият бермай, бир-биримизни кечириб ўтаёмиз. Натижада ўзаро муносабатдаги бу эҳтиётсизлигимиз одат тусига айланиб, турмушимизга субутсизлик оралаб қолади.

Баъзилар «ахир бундай майда-чуйдалар муносабатларга раҳна солмайдику», деб ўйлайдилар. Бундай ўйлаш жиддий хатодир. Ахир, майда-чуйда нарсалардан йириклари вужудга келади. Бугун оддий ваъданингизни бажармасангиз, эртага ишлаб чиқариш режасини бажаришни унутсангиз, дўстларингиз, ҳамкасбларингиз, болачақаларингиз олдида аста-секин бурдингиз кетади. Пировард оқибатда одамларнинг назаридан қоласиз.

Бир сўзли одам бўлиш мумкинми? Бу ерда аниқ бир нарсая дейиш, тайёр андоза бериш анча қийин. Бироқ шундай характерга эга бўлиш учун одам ўз-ўзини тарбиялаши керак, холос. Яъни муҳимни номуҳимдан фарқ қила билиш лозим. Бугун қилинадиган ишни эртага суриб бўлмайди. Халкимиз «бугунги ишни эртага қўйма», – деб бекорга айтмаган.

Ҳаётда аниқ ва пухта бўлиш жуда муҳим. Айтганини қилмайдиган одам кишилар кайфиятини бузади, белгиланган режалари бажарилмай қолади, ҳаётга тартибсизлик олиб киради, меҳнат ва жамоат интизомини издан чиқаради. Вақтининг қадрига етмайдиган, ишга кеч келиб вақтли кетадиган, турли баҳоналар билан ишлаб чиқариш режасини бажармайдиган кишилар ишлаб чиқаришга қанчадан-қанча моддий ва маънавий зарар келтирадилар.

Уддабурон, пухта, саранжом-саришта бўлган киши интизомли бўлади. Кишининг интизомлилиги меҳнат жараёнидагина бўлмасдан, кишилар билан бўлган муносабатда ҳам намоён бўлади. Ҳар бир ишда интизомлилик, саранжомлик – одоблилик бўлиб, тартибсизлик, бебурдлик эса одобсизлик ҳисобланади.

Афсуски, айрим кишилар одобрилиكنинг бу белгиларига амал қилмайдилар. Шундай ҳоллар учраб турадики, маълум вақтга белгиланган йиғилишлар ўз вақтида бошланмайди. Бунга орамизда йиғилишга кечикиб келишни ўзига раво кўрадиган, кечикишни айб деб билмайдиган кишилар сабаб. Йиғилишларни ўз вақтида бошламайдиган раҳбарлар ҳам бор. «Бошлиқлар кечикмайдилар, бироқ ушланиб қоладилар», деб ўзимизни овутиб, бу ҳолатларга чидаб келамиз. Интизомсиз киши ўзгалар вақтига хиёнат қилибгина қолмасдан, ишлаб чиқаришга жиддий зарар келтирадилар.

Масалан: Ёзувчилар уюшмасининг Москва бўлимига раис бўлган машҳур рус ёзувчиси Д.Фурманов кунларнинг бирида соат 5 га мажлис чакиради. Таклиф қилинганлар бир соат кечикиб келадилар. Фурманов билан техник котиба кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб ўтиришарди. Ҳамма жой-жойига ўтиргач, Фурманов жиддий тарзда «шундай қилиб, учинчи масалага ўтамиз», деб сўз бошлаган. Бу вазият ёзувчиларга шунчалик таъсир қилганки, улар шундан кейин йиғилишларга кечикмай келадиган бўлишган экан. Зотан, интизомлилик аниқликда зоҳир бўлади. Интизомлилик – жамиятимизда қабул қилинган норма ва қоидаларни бажариш, ўзининг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати учун жамият олдида, ўртоқлари олдида, ўз виждони олдида жавобгарликни сеза билиш демакдир.

Одобрилиكنинг яна бир муҳим томони озодалик, покизаликдир. Озодалик ва покизалик зарурлигини ҳамма яхши билади. Лекин унга амал қилишга келганда ҳамма бир хил эмас: баъзилар сигарета қолдиқларини, трамвай билетларини, конфет қоғозларини рўпара келган жойга ташлайверадилар. Бунга арзимаган «майда-чуйда» деб қарайдилар ёки уларни йиғиштирадиган кишилар бор-ку, деб ўйлайдилар.

Фақат ўз уйида эмас, балки ишхонада, кўча-кўйда, идорада, паркда, театру кинода, ҳамма жойда озодаликни сақлаш ҳар бир маданий кишининг хислатидир. Иш жойини саранжом-сарипшта сақлайдиган, асбоб-ускуналарни жой-жойига қулай жойлаштирадиган ва ишга бекаму кўст тайёрлаб қўядиган кишиларгина вақтдан унумли фойдалана оладилар. Дарҳақиқат, иш маданиятини жорий этиш – ортиқча ишларни ўзига орттирмаслик демак. Шундай ишлаш лозимки, бирон-бир ҳаракат ҳам бекорга кетмасин.

Корхоналарда, муассаса ва ташкилотларда ходимнинг қандай ишлаётганлигига эътибор берилади-ю, лекин ходим қандай кийинганлигига, унинг иш жойига, қандай шароитда меҳнат қилаётганинга етарли аҳамият берилмайди. Бинобарин, юксак меҳнат маданияти учун кураш ана шу оддий нарсалардан бошланади. Озодалик

ва тартиб бўлмаган жойда бракка йўл қўйиш, авариялар, технология интизомини бузиш ҳоллари вужудга келади.

Одобли киши баданини тоза тутати, кийимлари ва дастурмолини алмаштириб туради, устки кийим ва пойабзални эҳтиёт қилиб кияди. У буларнинг ҳаммасини номигагина қилмасдан, балки гигиена талабларига мувофиқ бажариши лозим. Кунига бир неча марта юз-қўлини ювиш, эрталаб ва кечкурун тишни тозалаш, ҳафтада бир марта ҳаммомга тушиш, уйкуга ётишдан аввал оёқни ювиш ва шу кабиларни кўпчиликлари жуда яхши билади-ю, аммо ҳамма ҳам буларга риоя қилавермайди.

Одобилик вазминликда ҳам кўринади. Одобли бўлиш – ўзгаларнинг кайфиятини сеза билиш, унинг характери ва тушунмоқ ва уни ҳисобга олмоқ, ҳар бир кишининг индивидуал хусусиятларига қараб, унинг ўзига яраша муомала қила билмоқ демакдир.

Ҳамкасбингиз, дўстингиз, ўртоғингиз нотўғри иш қилиб қўйди, хатти-ҳаракати, хулқ-атвори сизга ёқмаяпти, дейлик. Лекин бунга ётиш билан айтиш лозим, зеро ётиш билан айтилмаса, айрим ҳолда тўғри гап ҳам фойда бермайди. Одоб саклаб айтилган ҳақ гаплар, тўғри насихатлар кишида эътироз туғдирмайди, балки унда ўз одатларини тузатиш ниятини уйғотади, ўзига танқидий кўз билан қараш ва ўз хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатига ўзи тўғри баҳо беришига имкон туғдиради.

Одобилик ўзгаларда мавжуд бўлган жисмоний камчиликларни билиб-билмасликка олишда кўринади. Ахир, кишининг жисмоний камчиликлари кўзга тез таъналанади. Бироқ бунга эътибор бериш, синчиклаб қараш унинг кўнглини оғритади, чунки бу қараш шу кишидаги камчиликни янада бўрттириб кўрсатади.

Одобилик яна ўз-ўзини назорат қила олишда намоён бўлади. Кўрс ва жаҳлдор кишигина ўзини ҳам, теварак-атрофдаги кишиларни ҳам таҳқирлайди, қилдан кийик кидириб, ўзгаларга зарда қилади, аччиқланади, ғазабланади, жаҳл устида бошқаларни қийиқди, сиркаси сув кўтармай, одамларнинг дилини хуфтон қилади.

Ҳақиқий одобилик самимийлик ва миннатдорчиликни ҳис қилиш, тўғрилиқ ва ҳақиқатгўйлик, бир сўзлик, аниқ ва пухталиқ, интизомлик ва саранжом-сарипталиқ, озодалиқ ва вазминликни қанчалик тушунишда эмас, балки ана шу хислатларни табиий эҳтиёж, қундалиқ одат қилиб характерга сингдириб юборишда аниқ ва яққол намоён бўлади.

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИБ БОРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТИ

Тўрасев Ш.,
Фалсафа фанлари номзоди

Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан рухий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда tutиш лозим.

Ислом Каримов

Мониторинг барча соҳаларда муҳим истиқболли йўналиш ҳисобланади. Чунки “мониторинг” – бу бўлиши мумкин бўлган ва мавжуд воқелик ҳамда ҳодисаларни илмий кузатиш, таҳлил қилиш ва унинг салбий-ижобий жиҳатлари тўғрисида хулоса чиқаришдир.¹ Мониторингда жамият миллий онгининг даражаси, унда демократик кадриятларнинг таркиб топиши, хотин-кизлар ва ёш авлоднинг фаоллиги каби масалалар муҳим аҳамият касб этади.

Бу ўринда биз *мониторинг* атамасини куйидаги маъноларда қўлаймиз:

1) жамиятга салбий таъсир кўрсатадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларнинг кўринишларини аниқлаш;

2) мазкур таҳдидларнинг таъсир кўлами ва унинг зарарли оқибатларини белгилаш;

3) ниҳоят, уларни ҳал этишнинг мақбул ечимлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш.

Шу маънода биз учун мониторинг – бу маънавий таҳдидларни аниқлаш, белгилаш ва уларга қарши йўналишларни ишлаб чиқишдир.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда Ўзбекистон учун мафкуравий таҳдидларнинг бир неча мақсадлари мавжуд. Уларнинг энг муҳимлари куйидагилардир:

Биринчидан, мамлакатнинг барқарор ривожланишига шубҳа уйғотиш;

Иккинчидан, жамиятдаги мавжуд соғлом эътиқодни издан чиқариш;

Учинчидан, Республикани ён-атрофдаги этник можароларга торғиш.

Мафкуравий таҳдидларнинг бу кўринишларини аниқлаш у қадар мушкул иш эмас. Аввал улар интернет сайтларида пайдо бўлиб, кейин аламзада ва онги саёз кишилар онгида “акс-садо” бермоқда. Аслида интернет воситасида тарқатилаётган бу мафкуравий таҳдидлар уч

¹ Новая философия энциклопедия. Том 4. – М.: “Мысль”. 2002. – с. 108.

хулосани беради: 1) Интернет сайтларида берилаётган ва тарқатилаётган маълумоту хабарлар илмий жихатдан аҳамиятга эга эмас, улар провакацион характерга эга; 2) аммо бундай маълумоту хабарларни онги паст кимсалар ўқиб, "илҳомланмоқда"; 3) мафкуравий таҳдидларнинг бу кўринишлари четдан туриб халқаро интернет сайтлари воситасида тарқатилаётгани кишини ҳушёр торттиради. Зеро, ҳозирги мафкуравий таҳдидларнинг мониторинги қуйидагичадир:

№	Мафкуравий таҳдидлар кўринишлари	Уларнинг зарарли оқибатлари	Уларни бартараф қилиш йўналишлари
1	Барқарор ривожланишга шубҳа уйғотиш	1. Одамлар онгини чалғитиш; 2. Жамият ривожига шубҳа уйғотиш; 3. Ватанпарварлик руҳига барҳам бериш.	1. ОАВда миллий ривожланишнинг аниқ фактлар асосида тарғиб қилиш; 2. Миллий қадриятларни одамлар онига сингдириб бориш; 3. Ошқора баҳс-мунозарага киришиш.
2	Соғлом эътиқодни издан чиқариш	1. Эътиқод эркинлигини ниқоб қилиш; 2. Диний мутаассибликни юзага келтириш; 3. Сунъий муҳолифат гуруҳини шакллантириш.	1. Динлараро бағрикенглик тамойилига қатъий амал қилиб боравериш; 2. Соғлом диний эътиқодни илмий тарғиб қилиш; 3. Соғлом эътиқодли кадрларни тайёрлаш.
3	Ён-атрофдаги этник можароларга тортиш	1. Миллий бирликни бузиш; 2. Оқибати зарарли ёвузликка аралаштириш; 3. Миллий маҳдудликни таркиб топтириш.	1. Миллатлараро тоғувлик тамойилига қатъий амал қилиб боравериш; 2. Минтақавий хавфсизликни сақлаш; 3. Кўпоровчилик ҳаракатларини изчил фойда қилиб бориш.

Диққат қилинса, илмий аҳамиятга эга бўлмаган тарғибот воситасида жамият ҳаёти учун хавфли бўлган мафкуравий таҳдид тарқатилмоқда. Мисол учун, *ён-атрофдаги этник можарога тортиш* кўринишини олайлик. 2010 йил июнь ойида бир гуруҳ ёвуз ниятли кишилар Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод шаҳарларида ўзбек этник гуруҳига нисбатан кўпоровчилик олиб борди. Натижада ўнлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди ва юз мингдан ортиқ одамлар қочқин сифатида Ўзбекистонга ўтишди. Четдан туриб уюштирилган бу ёвузликнинг асосий мақсади – Ўзбекистонни этник можароларга тортиш эди. Шу сабабли Президентимиз Ислам Каримов бу ҳақда шундай оқилона

фикрни билдирди: “Бу воқеалар ҳақида гапиришнинг ўзи оғир. Бегуноҳ одамларни, болаларни, ҳомиладор аёлларни ўлдириш – бу ваҳшийликдан бошқа нарса эмас. Бундай қонли жиноятларнинг тагига етилишига, уларга қонуний баҳо берилишига ишонаман... Фожианинг сабаблари ҳақида гапирганда, мен қонга-қон, жонга-жон, деган қарашга қаршиман. Нафақат қаршиман, балки шундай фикр билан юрадиганларни халқимизнинг душмани, деб биламан. Мен халқимизни оғир-вазмин бўлишга, етти ўлчаб бир кесиш керак, деган нақлга ҳамиша амал қилишга яна бир бор даъват қиламан. Чунки жаҳолат ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган”.¹

Мана шу ўринда мафкуравий таҳдидларни мониторинг қилиб боришнинг ижтимоий аҳамияти маълум бўлади. Унга кўра, мафкуравий таҳдидларни: 1) олдиндан аниқлаш ва бунда ҳар бир фактни эътибордан четда қолдирмаслик; 2) уларга қарши ҳақгўй далилларни қатъий эълон қилиб бориш; 3) юзага келаётган муаммоларни илмий таҳлил қилиб бориш лозим бўлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги хавфли хуружлардан бири **ғоявий таҳдидлар**. Унинг энг муҳим кўринишлари қуйидагилардир:

Биринчидан, жамиятда демократиянинг йўқлигини даъво қилиш;

Иккинчидан, миллий маданиятни инкор этиш руҳини таркиб топтириш;

Учинчидан, умуминсоний қадриятларга амал қилмасликда айблаш.

Бу ғоявий таҳдидлар оммавий усулда – инсон нафсониятига таъсир ўтказиш ва унинг руҳий-маънавий қарашларини айнитиш мақсадида адабиёт, санъат, кино каби соҳалар воситасида тарқатилмоқда. Унинг мониторингига эътибор беринг:

№	Ғоявий таҳдидларнинг кўринишлари	Уларнинг зарарли оқибатлари	Уларни бартараф қилиш йўналишлари
1.	Муайян жамиятда демократия йўқлигини даъво қилиш	1. Миллий демократияни рад этиш. 2. Менталитетга ёт демократик қоидаларни тикиштириш. 3. Демократиядан никоб сифатида фойдаланиш.	1. Менталитетга мос демократия қоидаларига содиқ қолиш. 2. Демократияга тадрижий ўтиш. 3. Шарқона одоб-ахлоққа асосланган демократия қоидаларини ҳимоя қилиш.

¹ Изначл ислохотларнинг амалий натижалари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Бухоро илолатига тапприфи. // “Халқ сўзи”, 2010 йил 19 июль сона.

2.	Миллий маданиятнинг инкор этиш	1. Оммавий маданиятнинг тарғиб қилиш. 2. Миллий кадриятларни камситиш. 3. Умуминсоний кадриятларни ниқоб қилиб олиш.	1. Миллий маданиятнинг ривожлаштириб бориш. 2. Миллий ва умуминсоний кадриятларни ҳимоя қилиш 3. Мазкур йўналишларда илмий-амалий концепцияларга эга бўлиш.
3.	Умуминсоний кадриятларга амал қилмасликда айблан	1. Шахс онгини космополитизм ғояси билан тўлдириш 2. Мақсад-муддаосиз шахсни ғояга етказиш 3. Миллатлар тўқнашувини юзага келтириш	1. Умуминсоний кадриятларни тарғиб қилиш 2. Маданиятлараро мулоқотга содиқ қолиш 3. Миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш

Диққат қилинса, ғоявий таҳдидлар мониторинги кенг қўламли ёндошувни тақозо қилади. Чунки бу таҳдидлар инсоннинг ижтимоий ва маданий онгини издан чиқариши билан нафақат муайян халқ, балки бутун инсониятнинг тамаддунига хавф-хатар солади.

XX асрнинг II жаҳон уруши даврида фашизм ғоясининг оқибатлари туфайли дунё халқлари ўртасида ғоявий бўлиниш хавфи пайдо бўлади. Бу ҳол айниқса, урушнинг ниҳояси кўрина бошлагач, янада кучаяди. Натижада соғлом фикрли кишилар дунё халқларининг дўст ва душман гуруҳларга бўлиниб кетишидан ташвишга туша бошлайди. Шунда соғлом фикрли файласуфлардан бири, ижтимоий антрополог Майк Клайкхон бир гуруҳ шогирдлари билан мазкур ғоявий таҳдидга барҳам беришнинг илмий-амалий йўналишларини излашга киришади.

М. Клайкхон ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўяди:

- 1) инсониятнинг ғоявий бирлаштириб турувчи асосларни топиш;
- 2) ғоявий парокандаликларни ишлаб чиқувчиларга қарши далилларни ишлаб чиқиш;
- 3) инсониятнинг ижтимоий-маданий мудроқликдан уйғотиш.¹

Бу мақсадни амалга ошириш учун XX асрда ўз маданияти ва ғоявий асосларидан бутунлай маҳрум бўлиш палласида турган хиндулар цивилизациясини ўрганишга киришади.

М.Клайкхон хиндуларнинг қадимги маданиятини излаб, археологик қазинмалар олиб боради. Баъзилар унга “хиндулар Клайкхонга ҳайкал қўйиш учун пул йиғишастган эмиш”, дея киноя қилишади. Ниҳоят, олим ўз шогирдлари билан ниҳоятда муҳим бўлган қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келади:

¹ Клайкхон М. Зеркало для человека. – М.: “Евразия” 2004. – с. 16-17.

1) ҳиндулар маданияти ўзига хос миллий маданият бўлган ва унга ташқи босқинчилар ғоявий хуруж уюштирган;

2) бу ғоявий хуруж ҳиндулар миллий маданиятининг асосларини инкор қилиш, камситиш ва рад қилишга асосланган;

3) миллий маданият ўрнига ҳавойи ва заминсиз космополит “маданият” ғоялари онгли ва изчил равишда тиқиштириб борилган.¹

Бу аччиқ ва даҳшатли хулосадир. Чунки миллий маданият куч ишлатишнинг эмас, онгли уюштириладиган ғоявий хуружнинг натижасида инқирозга учрайди. Шу маънода ғоявий таҳдидларнинг мониторинги қуйидагича ижтимоий аҳамиятга эга бўлади:

Биринчидан, ғоявий таҳдидларнинг пайдо бўлиш омилларига барҳам бериб бориш;

Иккинчидан, ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслик ва ғоявий сайқаллашиб бориш;

Учинчидан, миллий ўзликни сақлашда умуминсоний кадриятлардан унумли фойдаланиш.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон учун навбатдаги хавфли ижтимоий хуруж **информацион таҳдид**дир. Бу таҳдиднинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

Биринчидан, жамиятда ахборот эркинлиги йўқлигини иддао қилиш;

Иккинчидан, жамиятнинг ижобий жиҳатларидан кўз юмиб, камчиликларини бўрттириб кўрсатиш;

Учинчидан, жамиятда **информацион тақчиллик** борлиги тўғрисидаги шов-шув тарқатиш.

Информацион таҳдид нафақат маънавий-ғоявий қурол, балки ахлоқий диверсия ҳамдир. Негаки, бу таҳдидлар ўта жозибали восита ва шиорлар асосида иш кўради, шу сабабли у инсон онги ва фаолиятини кўринмас тўсиқ билан ўраб олувчи омил ҳисобланади.² Шу маънода **информацион таҳдидларнинг мониторингига** диққат қилинг:

№	Информацион таҳдидларнинг кўринишлари	Уларнинг зарарли оқибатлари	Уларни бартараф қилиш йўналишлари
1.	Ахборот эркинлиги йўқлигини иддао қилиш	1. Инсон онгини манипуляция қилиш 2. Ёлғон ахборот тарқатиш 3. Барқарор ОАВ тизимини издан чиқариш	1. Тадрижий ривожланишда давом этиш 2. Ошқора муносабатни йўлга қўйиш 3. Миллий қонунчиликни мустаҳкамлаб бориш

¹ Клайхон М. Зеркало для человека. – М.: “Евразия”. 2004. – С. 136 – 137.

² Бохельский Ю. Духовная ситуация времени. // Вопросы философии. – 1993. - № 5. – С. 106-107.

2.	Камчиликларни бурттириб кўрсатиш	1. Ахборотни сохталаштириш 2. Ютуқларни инкор қилиш 3. Жамиятни асоссиз танқид қилиш	1. Ислохотлар шарҳини кучайтириш 2. Миллий сайтларни қўнайтириш 3. Ўз-ўзини танқид руҳини таъсис этиш
3.	Информация тақчиллигини юзага келтириш	1. Давлатга ишончсизлик уйғотиш 2. Ахборот хавфсизлиги кондаларини бузиш 3. Ички ишларга аралаштиш	1. Соҳада қонунчиликка қатъий риоя қилиб бориш 2. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш 3. Ахборот дахлсизлигини сақлаш

Зеро, информация таҳдиди кенг қўламлилиги ва жамиятни “табиий” инкирозга олиб бориши билан хавфли ҳисобланади. Бунда шундай хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан: информация таҳдиди одамлар онгини ёлгон ва асоссиз фактлар асосида манипуляция қилади;

Иккинчидан, жамият ривожини ва мавжуд давлат сиёсатига ишончсизлик уйғотади;

Учинчидан, мустақил давлатнинг ички ишларига аралашади.

1. Мотуридий фикрларига кўра, “Бу дунёда ҳеч ким ўзининг қандай иймон-эътиқодга эгаллигини айта олмайди. Чунки у қандай иймон-эътиқодга эга эканлигини қаердан билади? Инсоннинг иймон-эътиқод даражаси фақат қиёматда маълум бўлади...”. Бу фикр ва қараш бугун учун жуда муҳимдир. Негаки, маънавий таҳдиднинг ўчоқларидан бири бўлган диний ақидапарастлар ҳозирги кунда ўзларини “чинакам эътиқод эгаси” сифатида тақдим қилишга уринмоқда.

2. Ғарб мутафаккири Эрих Фромм Ғарб оламида таркиб топган шафқатсиз индивидуализм инсонни жамиятдан бешишга олиб келганини асослаб беради. Унинг фикрича, “индивидуализм – аслида инсонга мустақиллик беради, аммо у меъёридан ошса инсон қалбини дағаллаштиради ва натижада инсон ён-атрофдагиларга, ҳаётга ва жамиятга бефарқ бўлиб қолади”.¹ Негаки, меъёрсиз индивидуализм кишини эгоист (худбин) ва манфаатпараст қилиб қўяди. Диққат қилинса, баъзиларнинг четдан туриб Интернет ва кинофильмлар воситасида зўр бериб индивидуализмни тарғиб қилаётгани бежиз эмас. Унинг замирида инсонни ўзидан ва жамиятдан бездириш гоёси мавжуд.

Келтирилган бу икки мисолдан маълум бўладикки, маънавий таҳдидларга қарши миллий ва жаҳон маънавий меросини уйғун ўрганиш ва ўзлаштириш зарурат бўлиб турибди.

¹ Фромм Э. Душа человека. – М.: “Республика”. 1992. – С. 21–26.

Миллий ва жаҳон маънавий мероси ғоя, фикр, концепция ва методологик жihatдан бир-бирини тўлдиради. ўзаро уйғунлашиб инсон онги, маънавияти, ва ахлоқини такомиллаштиради. Дикқат қилинса, кимки мутафаккир сифатида ном қозонса, у инсоният маънавий меросини умумий тарзда ўзлаштирган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, миллий ва жаҳон маънавий мероси инсон учун қуйидагиларни беради:

1. *Маънавий мерос*: билим, миллий фикрлаш, миллий анъаналар ва одатлар билан қуроллантириш, миллий руҳият, менталитет ва маданият билан таништиради, миллий тафаккур, асотир ва мифология асосларидан сабоқ беради, миллий маънавий идеалга даъват қилади.

2. *Жаҳон маънавий мероси*: билим, гуманизм, биродарлик ва ҳаётсеварлик билан таништиради, дунё халқларининг урф-одатлари ва ўзига хосликларидан сабоқ беради, ҳаётний позиция, эркин яшаш ва демократик қадриятларга амал қилиш, инсоннинг ўзлигини сақлаб қолиш асослари билан қуроллантиради.

Дикқат қилинса, инсон учун миллий ва жаҳон маънавий мероси сув ва ҳаводек зарурдир. Бунда маънавий таҳдид уюштирувчиларнинг урф-одатлари ва дунёқарашини ўзлаштириб олиш муҳимдир ва бу маънавий таҳдидларга қарши профилактик тадбирларнинг прагматик характер касб этишида муҳим роль ўйнайди. Бу ўринда маънавий таҳдидларни уюштирувчи четдаги кишилар “маданияти”га оид қуйидаги мисолларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

1) Норвегияда жамоат транспортида катта ёшли аёлларга туриб жой берилмайди, бу ҳурматни “сен кекса аёлсан” тарзида ҳақорат деб қабул қилинади.

2) Англияда нотаниш кимсага тикилиб қараш уч ойгача қамок жазоси билан “тақдирланиши” мумкин (чунки бу зотлар барча одамдан шубҳаланишади).

3) Венецияда хиёбонлардаги кабутарларга озуқа бериш маданиятсизлик ҳисобланади.

4) Европада гўдакни опичлаш ахлоқсизлик сифатида қабул қилинади.

5) Лондон, Париж ва Берлинда ҳар йили ялонгочлар парадини ўтказиш одат тусига кирган.

6) Бельгияда 2002 йилдан бошлаб ўз жонига қасд қилувчилар учун махсус таблеткалар ишлаб чиқарила бошлади.¹

Дикқат қилинса, маънавий таҳдидлар ижодкорларининг ўзлари оддий инсонийлик ва маданиятдан бебаҳрадир. Бу каби фактларни таҳлил қилиб бориш у қадар фойдасиз иш эмас.

¹ “Аргументы и факты”, 2010, июнь, № 22. – С. 31.

Мустақил фикр, дунёқараш ва ахлоққа модернизациялашни амалга ошириш маънавий таҳдидлар учун муҳим тўсиқдир. Президентимиз Ислом Каримов бу борада қуйидагиларни таклиф қилади:

- 1) Ҳар қайси инсоннинг ўзлигини англаши;
- 2) Қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз ва аجدодларимиз меросини чуқур ўзлаштириш;
- 3) Тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараш;
- 4) Мустақил фикрлаш;
- 5) Барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаш.¹

Диққат қилинса, бу фикрда маънавий-ахлоқий такомил асослари ўз аксини топган. Уларни Ўзлик, Ўзлаштириш, Онглилик, Фикрлилик ва Дахлдорлик деб талқин қилиш мумкин. Айни шулар асосида бугунги кун кишисини маънавий янгилаш мумкин.

Инсонни ва жамиятни маънавий-ахлоқий жиҳатдан янгилаб бориш барча даврларда реал шароит ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб амалга оширилган. Бундай пайтда замонасининг мутафаккирлари асосли ва мақбул илмий-амалий механизмларни тақдим қилишган. Мисол учун, Шарк ва Ғарб оламида бирдек эътироф этилган *Абу Ҳамид Ғаззолий* (1058–1111) инсонни маънавий-ахлоқий янгилаб бориш механизмларини яратган файласуф-мутафаккирлардан бири ҳисобланади.

Файласуфнинг фикрича, инсонни маънавий-ахлоқий янгилаш учун, аввало унинг *мақсад-муддаосини* тўғрилаш лозим. “Шуни билки, — дейди у, — мақсад-муддао, интилиш ва ҳаракат аслида бир маънога эга. Булар инсон қалбига боғлиқ ҳодисалар бўлиб, унга англаш ва ҳаракат билан етилади”². Шу маънода инсон мақсад-муддаосини англаб, билиб олмасдан маънавий-ахлоқий жиҳатдан янгиланмайди ва у ижтимоий жиҳатдан турғун бўлиб қолади. Негаки, “инсон билмасдан интилишни хоҳламайди, хоҳламасдан ҳаракат қилмайди”³. Демак, мақсад-муддаони аниқлаб олмасдан янгиланиш ва оҳорланиш мумкин эмас. Файласуфнинг қарашига кўра, мақсад-муддао қуйидаги тўрт босқичда аниқлаб олинади:

1) Инсоннинг ўз олдига бирор мақсад қўйиши. Бунда ҳали мақсад-муддао примитив шаклда бўлади.

2) Инсоннинг ўз мақсад-муддаосини конкретлаштириши. Бунда барча орзу-хаваслар ягона мақсад сари бирлаштирилади.

¹ Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият. 2008. — Б. 17.

² Абу Хамид ал-Ғазали. Воскрешение наук о вере. — М.: “Наука”. 1980. — С. 263. Перевод с арабского В. В. Наумкина.

³ Абу Хамид ал-Ғазали. Воскрешение наук о вере. — М.: “Наука”. 1980. — С. 263. Перевод с арабского В. В. Наумкина.

3) Инсоннинг ўз мақсад-муддаоси томон ҳаракат қилиши. Бунда ўз мақсад-муддаосига етиш ягона вазифа ҳисобланади.

4) инсоннинг ўз мақсад-муддаосига етиши учун ўзини ислох қилиши. Бунда мақсад-муддаога тўсик бўлувчи нарсалар бартараф этилади.¹

Демак, аниқ мақсад-муддаога эга бўлмасдан инсон маънавий-ахлоқий янгиланмайди. Чунки мақсад-муддао уни ҳаракатга, ҳаракат эса самарага бошлайди. Савол туғилади: бугунги кун кишиси учун мақсад-муддао борми? Бу саволга ижобий жавоб бериш мумкин. Айни пайтда, унинг икки шаклда намоён бўлаётганини қайд этиш лозим: *биринчиси*, инсоннинг шахсий мақсад-муддаоси; *иккинчиси*, жамиятнинг умумий мақсад-муддаоси. Бироқ, бу ўринда биринчи мақсад-муддао иккинчисига уйғунлашиши лозим. Акс ҳолда, шахсий мақсад-муддао юксаклик касб этмайди ва натижада инсон маънавий-ахлоқий жиҳатдан мўрт бўлиб қолади.

Диққат қилинса, ҳозирги жамиятимизнинг умумий мақсад-муддаоси “озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш”². Шу боис асосий масала инсоннинг шахсий мақсад-муддаосини аниқ белгилаб, уни жамиятнинг умумий мақсад-муддаоси билан уйғунлаштириш ва бунинг натижасида инсонни маънавий-ахлоқий янгилашга эришишдир.

МАЪНАВИЯТ, ШАХС, ТАРИХ

И.Холиқов, профессор, ТДПУ

Халқимиз асрлар бўйи орзу қилиб келган мустақиллигимизга ҳам 20 йил тўлди. Мустақилликни мустаҳкамлаш бугунги ёш авлодга, уларнинг маънавиятига боғлиқ. Чунки турмушимизнинг барча жабҳалари сиёсийми, иқтисодийми, ижтимоийми бундан қатъи назар одамларимизнинг маънавий қиёфасига бориб тақалади.

Хуш, маънавият ўзи нима? Ҳозирги ёшларнинг маънавий камолоти қандай? Бундай саволлар республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун жон куйдирган ҳар бир инсоннинг қалбидан ўрин олаётти, десам хато бўлмас. Маълумки, ҳар бир жамиятнинг ривож, унинг таракқиёт мезонларини таъминловчи муҳим омиллардан бири ўша жамият одамларининг маънавияти билан белгиланади.

“Маънавият” сўзининг ўзаги “маъно”дир. Уни маъни деб ҳам ишлатамиз. Дунёдан маъно излаган киши маънавият сари

¹ Ушба асар. – 264–265-бетлар.

² Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. Б.9.

талпинаверади ва шу тариқа яхшилик ва ёмонликни фарқини англаб етади. Демак, қисқа қилиб айтсак, маънавий яхшиликка мойиллик ва ёмонликдан тийилиш ҳиссидир. Эҳтимол, халқимиз шу боис яхши кишини “бамаъни”, ёмон кишини “бемаъни” деган сифатлар билан атар.

Яхшилик ёки ёмонликнинг миллати бўлмайди. Бирок ҳар бир халқининг ўз маънавияти бор. Демак, маънавий миллий ҳодиса ҳамдир. Шунинг учун Ватанимиз мустақиллигидан кейин миллий маънавий давлат аҳамиятидаги муҳим масалага айланди, истиқлол ва маънавий бир-бирига боғлиқ тушунчалар бўлиб қолди.

Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 12-сессиясида сўзлаган нутқида тоталитар тузумидан мерос қолган, белгилардан бири бўлмиш маънавийтсизликка, мафкурасизликка чек қўйиш лозимлигини алоҳида уқтирди. Шу билан бирга миллий истиқлол мафкурасини яратиш ҳақли равишда жамиятимиз олдида турган энг долзарб, ўта муҳим масала эканлигига эътиборни жалб қилди. Бизнинг маънавиятимиз нималардан иборат? Ўзбекнинг миллий ифтихори нималардан ташкил топган? Биз улуг мақсадларга муносибмизми? Олдиндаги курашларга, машаққатларга тайёрмизми? Янги адолатли жамиятни қуриш учун кучимиз етадими? Халқнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг энг ижобий сифатлари нималарда ўз ифодасини топади? Ўтмишимиз меросининг асосий сабоқлари нимада? Нималар бизни миллат сифатида ўтмишимизга халақит бермоқда ва бошқа шунга ўхшаш саволларга жавоб талаб қилмоқда. Таъкидлаш ўринлики, мустақилликкача бўлган даврдаги ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан йўл қўйилган жиддий хатолардан бири биз моддий ҳаётнинг бирламчилигини, онг, яъни маънавий ҳаётнинг иккиламчилигини таъкидлашдан (бу ҳолни муайян маънода нисбийлигини унутиб), уни мутлақлаштиришдан нарига ўтмадик. Инсон ақл-заковатини маънавий дунёси фаоллигини яратувчилик, бунёдкорлик хислатини етарли тушуниб етмадик. Натижада моддий турмушни, иқтисодни ҳамиша бирламчи, устувор йўналиш деб билиб, уни бирдан-бир асл мақсадга айлантирдик: моддий ишлаб чиқариш соҳасида хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ тизимидан юқори қўйилади; ишлаб чиқариш ижтимоий соҳаларини халқ таълими соғлиқни сақлаш маданият тизимларини иккиламчи деб ҳисобладик. Уларни “қолдик” сиёсатининг қурбони қилдик: ишчини, колхозчини зиёли олимдан “юқори” деб билинди; иқтисоднинг ўзи бундай ёндашувнинг касофатига қолди. Мустабид тузум барчани бараварлаштиришни (“яхши” ходимни “ёмон” билан) бир хил фикр қилишни (аслида, фикр қилмаслигини), халқларни ўз тарихидан маънавиятидан, миллий қадриятларидан маҳрум қилишни аввал кўрди. Бирок, юқоридагилардан биз энди моддийликни аҳамиятини бутунлай инкор

этамиз деган хулоса чикмаслиги керак. Йўк асло ундай эмас биз эндиликда қачон моддийликни у ҳақиқатан арзийдиган даражадан юқорироқ даражага кўтармаймиз.

Донолар ибратидан маълумки, факирона бир кулба қуришига ёғочтоши бўлган киши дабдабали қаср қуришни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Демак, қаср қуриш учун тегишли имкон бўлиши лозим. Мустақиллигимизнинг мухташам биносини барпо этиш ҳам шунга ўхшаш бир ҳодисадир. Умуман олганда, бугунги кунда энг асосий ва муҳим нарса вазифаларимизни чуқур ва ҳар томонлама англаш, гап нимада эканлигини билиб олишидир. Зеро, халқимиз амалга оширилиши кўзда тутилаётган тақдири томон ислохотларнинг улуғвор моҳиятини тушуниб олмаса, қандай қилиб ишларимиз олга олсин. Бунинг учун ўзгаришлардан ислохотлардан қўзланаётган мақсадларнинг миқёси, кўламига монанд маънавият, мафкура, дунёқараш тизими тақозо этилади. Маънавият инсон ҳаётининг истисносиз соҳаларини, биринчи гада меҳнатни ижтимоий-сиёсий фаолиятни, қолаверса бутун жамиятни қамраб олади. Ўзлуксиз таълим тизими кадриятларини англаш, ўзлаштириш орқали мустақил бойиб боради.

И.Каримов “қандайдир ҳис ҳаяжонлар, қайфиятлар таъсири асосида гайри ихтиёрий иш” қилишдан ўзимизни тортишимизни, эришмоқчи бўлаётган мақсадларимизни ақл маънавият тарозисига қўйиб, “етти ўлчаб бир кес” деган ўғитига амал қилишимизни қайта-қайта таъкидламоқда. Бу албатта, фанга таяниб иш қуришни тақозо этувчи ҳолат, илм аҳли учун айни муддаодир.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республика Олий Мажлиси, Вазирлар маҳкамаси ва вазирлар муҳокамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, Республикаимизнинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ва олдимизда турган вазифаларнинг маъно моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз манфаатлар доирасида ҳам кенгайиб боради. Миллий манфаат миллий эҳтиёж билан бевосита алоқадор бўлади, худди шунинг учун ҳам миллий оғининг ўзагини ташкил этади.

Баён қилинган фикр-мулоҳазалардан шундай хулосага келиш мумкинки, миллий истиқлол мафкурасининг асосини ташкил этувчи умуммиллий ғоянинг бўлиши ҳам тарихий заруратдир. Чунки, ҳар қандай жамият ҳам унинг турли миллат ва элатларга маслак ва манфаатларга мансуб фуқаролари учун умумий ғоя зарур. Ягона давлат ҳудудида яшовчи барча миллатлар ва элатлар манфаатига мос тушувчи умуммиллий ғоя бўлмаса, кўпмиллатли давлат шароитида у ёки бу миллат манфаати оёқости бўлиши мумкинчилигига яқин ўтмиш гувоҳ.

Турли миллат ва элатлар яшаётган Ўзбекистон шароитида уларнинг миллий манфаатларига мос тушувчи умуммиллий ғоя уларни нурафшон келажак, инсонпарвар, демократик жамият қуришдек олижаноб мақсад атрофида бирлаштиради. Шунинг учун ҳам озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, инсонпарвар, демократик жамият қуриш ғояси Ўзбекистонда яшовчи барча халқлар учун умуммиллий ғоядир.

Шахс тарбиясининг муҳим йўналиши бу – ғоявий тарбиядир. Ҳар қандай мафкуравий тарбиянинг мақсади жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва улар тимсолида ҳар бир ижтимоий қатлам, гуруҳнинг тарбиявий даражасини таъминлашдир. Бу пировард натижасида ўша жамият ривожига тўртки берувчи илғор ғояларнинг ҳар бир фуқаро томонидан онгли равишда ўзлаштирилишини, унинг тафаккур ва фикрлаш тарзига айлантиришни таъминлайди. Шу маънода миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистонда яшаб, ижод қилаётган ҳар бир фуқаронинг онги ва шуурида асрий миллий қадриятларимиз, халқимизнинг бугунги ва келгусидаги манфаатларини ифодаловчи энг соғлом ғоялар ва фикрлар тарзида, халқ тафаккури тарзида ифодасини топиши лозим. Бу жиҳат мафкуравий тарбиянинг бош хусусиятларидан биридир.

Ёшларни ғоявий тарбиялаш соғлом ғоялар тарбияси – юксак дунёқараш ва эътиқод тарбиясини англатади. Дунёқараш тартибга солинган, яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввур ва ғоялар мажмуи бўлиб, у шахсни жамиятда ўзлигини сақлаган ҳолда муносиб ўрин эгаллашга қўрлайди.

Мустақиллик йилларида шаклланаётган янгича дунёқараш ёшларда Ватанга садоқатни миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббатни, ўз яқинларига меҳрибонликни танлаган йўли, касби, каслиги ва эътиқодига содиқликни назарда тутди. Янгича фикрлаш ва янгича тафаккур айлан мустақиллик мафкураси руҳида тарбия топиб, сайқалланган миллий онг, дунёқараш ва эътиқод маҳсулидир.

Ғоявий тарбия мезонларидан бири бу масъулият туйғуси билан яшаш хусусиятини шакллантиришдир. Масъулият одамнинг ҳар бир амали, фаолияти маҳсулини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда, унинг ўзи ва ўзгалар учун нима наф келтиришини англай олиш қобилиятидир. Масъулиятни ҳис қилган инсон ишни доимо пухта ривожлантириб, унинг оқибатларини олдин тасаввур қила олади ва зурур натижага эришиш учун бугунги кучи ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлади.

Шахсий масъулиятни фуқаролар масъулиятдан фарқлаш лозим. Биринчиси, шахснинг кундалиқ фаолиятидан келадиган шахсий манфаатни назарда тутса, иккинчиси, жамият манфаатларини назарда тутди. Фуқаролик масъулиятини ҳис этган, энг аввало, ўзи меҳнат қилаётган жамоа ёки таълим олаётган ўқув даргоҳи, ўз маҳалласи ва юрти равнақини ўйлайди.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИНИ ФУҚАРОЛАР ОЎНГИГА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАДРИЯТЛАР ОРҚАЛИ СИНГДИРИШ

Э.С.Султонова, профессор, ЖИДУ

Маълумки, бугун биз жуда мураккаб даврда яшамокдамиз. Бир томонлама, дунё ҳамжамияти мафкуравий қарашлардан воз кечиб бирлашмоқда, айниқса Жаҳон молиявий-иқтисодий инкироз олдида, иккинчи томонлама, ҳар бир давлат ўз мустақил йўлини танлашга интиломоқда. Бу борада яққол мисол: йигирма йил олдин мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон давлати. Бугунги кунда у “Ўзбек моделини” беш тамойил асосида ривожлантирмоқда. Сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳаларда серкирра фаолият олиб борилмоқда. Энг муҳимларидан бири сиёсий партиялар, экологик ҳаракат, давлат ва нодавлат ташкилотлар барча фуқаролик институтлари, олимлар ва тадбиркорлар барча фуқаролар ҳамкорлигида парламентда, ривожланишнинг яна бир юкори босқичига ўтганимиз тасдиғи – 2010 йил 10 ноябр куни қабул қилинган “Мамакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” қўйган вазифаларни бажармоқдамиз.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, бизнинг танлаган йўлимиз ўзимизнинг менталитетимиздан келиб чиқади, яъни биз мафкурадан холи бўлган миллий ва умуминсоний маънавий-маърифий қадриятларга асосланган демократик жамиятни барпо этмоқдамиз. Ёш давлатимиз илк қадамлардан ички ва ташқи сиёсатида юрт тинчлиғи, Ватан равақи, халқ манфаатлари ва фаровонлиғи йўлида хизмат қилиш тамойилини муҳим, деб билмоқда.

Мазмунан қаралганда, маънавий-маърифий йўналиш негизида асосий сўз “маънавият”дир. Келинг, унинг мазмун-моҳиятини кўриб чиқсак. “Маънавият” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, “маънолар мажмуи”ни англатади. Жамиятимизнинг фуқароларида керак бўлган муайян фазилатлар тўғрисида Президентимиз Ислам Каримов шундай деган эдилар: “Жамият ҳаётида адолат ва ҳақиқат, меҳр-шафқат”, инсофу диёнат каби тушунчаларни қарор топширишда айнан мана шу омилнинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Виждони уйғок одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ бўлмайди. Айниқса, эл-юрт манфаатига зарар етказадиган ёвуз хатти-ҳаракатларга ҳеч қачон четдан жим қараб туролмайди, ўз юрти ва халқига нисбатан хиёнат ва сотқинликни асло қабул қилолмайди. Бундай ҳолатларни кўрганда

виждони кийналади, донмо сениб-куйиб яшайди, қандай қилиб бўлмасин, уларни бартараф этишга интилади, керак бўлса бу йўлла ҳатто жонини ҳам фидо қилади.

Агар одамзот бу дунёда руҳан пок бўлиб, иродаси бакувват, иймони бутун, виждони уйғок бўлиб яшамас экан, инсон ҳаётининг қандай маъноси қолади?

Дарҳақиқат, халқини халқ қиладиган, миллатни миллат қиладиган куч – бу жамиятнинг маънавиятидир. Маънавияти кучли бўлган халқ барча сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларда онгли равишда қатнашади. Давлатимизнинг сиёсати ҳам мазкур ҳақиқатга таянган ҳолда олиб борилмоқда. 1997 йил “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари” асарида юртбошимиз маънавий кадриятлар ўрнини шундай таърифлаган эдилар: “Бирон бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлокий кадриятларни ривожлантирмай ўз истикболини тасаввур эта олмайди.

Халқнинг маданий кадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий кадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди”² Бу жуда жиқдий ютуқларимиздан биридир.

Маънавиятчи, маърифатчи кишилар одатда руҳан кучли бўладилар. Масалан, Алпомиш, Тўмарис, Сиптамен, Амир Темур бизнинг миллий мафкурамизни озиклантирувчи буюк инсонлар. Уларнинг сўзлари ва ҳаёти бизга ибрат сифатида қандай бўлишимиз лозимлигини ўргатади. Масалан, Амир Темурнинг куйидаги сўзлари маъносига эътибор қаратсак:

*“Биз ким – мулки Турон,
Амири Туркистонмиз,
Биз ким – миллатларнинг
Энг қадими ва энг улуғи
Туркининг бош бўғинимиз”.*

Ёки фарзандларга мурожаат этиб, “Миллатнинг дардларига дармон бўлмок вазифангиздир”, деган маслаҳатлари.

Шу сўзлар орқали биз Амир Темурнинг нақадар ватанпарвар эканлигига, буюк шахс эканлигига амин бўламиз. У ҳақиқатдан ҳам “кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, нотик, руҳшунос бўлиш билан бирга, эл-юртини севган ва уни машҳури

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, 27-28 б.б.

² Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997, 137 б.

жаҳон қилган инсондир". Тарихдаги мисоллар орқали биз миллий ўзлигимизни яна бир бор англаймиз.

Миллий истиклол ғояларни маънавий-маърифий кадриятлар орқали тарбиялашда яна бир муҳим омилни эътиборга олишимиз лозим. Глобализация жараёнининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, мафкуравий таъйиқлар ўткир қуролга айланиб бормокда. Бу таъсир асосан инсоннинг онгини захарлайди. Бу борада маънавият бешиги бўлган оила, оналар ва аёлларнинг жамиятдаги инсонни тарбиялашда асосий кучлигини инобатга олиб, уларнинг ўрнини алоҳида эътироф этиш лозим. Аёлларга нисбатан сиёсат бизнинг жамиятимизда маънавиятимизни белгиловчи кучдир. Инсоният ривожини шуни исботламоқдаки, аёллар, аввало, оналар сифатида, нафақат ўсиб келаётган авлодга ўзини бағишловчи, балки тинчлик ва барқарорликни таъминлашга интилувчи энг муҳим кучлардан биридир. Улар билан биргаликда нафақат давлат миқёсида, балки глобал равишда турли муаммоларни ҳал қилиш мумкин: наркобизнес, аёллар ва болалар траффиги, ОИТС, юқумли касалликлар, йод етишмаслиги натижасида оналик ва болалик хасталиги ва ҳоказо. Ижтимоий масалаларни кўтарган Копенгаген ва Пекинда (1995 й)ги (Бутунжаҳон конференцияси) бўлган анжуманлар ҳам буни тасдиқлади. Европа парламенти ҳам уларга қўшилган ҳолда, 1995 йилда ҳар бир давлат стратегиясида аёлларга алоҳида ўрин ажратиш лозимлигини таклиф этди.

Мамнуният билан айтиш лозимки, Ўзбекистон давлати мустақилликни қўлга киритгач, давлат стратегиясида аёлларга алоҳида эътибор қарата бошлади.

Айтиш лозимки, дунёнинг бирор бир мамлакатада аёллар масаласи давлат сиёсати даражасида шундай кўтарилмаган. Буларни амалга ошириш учун керакли ҳукуқий ҳужжатлар ҳам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, мустақиллик даврида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (46,63,66 моддалар) унга асосланиб, 1995 йил 2 мартдаги "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги фармони, 1999 йили "Аёллар йили" муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури, 2004 йилдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги Президентнинг Фармони ва ҳ.к. Аёллар бугунги кунда демократик жараёнларнинг ривожланиб боришида, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ижтимоий сиёсий барқарорликни таъминлашда катта ҳисса қўшмоқдалар. Ундан ташқари, она сифатида ёш авлодни дунёқарашини, тиббий ва ҳукуқий саводхонлигини, миллий ғурурни, ватанпарварлик

туйғуларини, диний бағрикенгликни ва бошқа умуминсоний фазилатларни тарбиялашда муҳим ўрин эгаллайдилар.

Аёллар, оналарга кўп нарса боғлиқ. Улар фарзандларига нафақат ҳаёт ҳады этадилар, балки маънавий, маърифий, сиёсий, иқтисодий ҳаёт негизларини тушунтирадилар.

Амалий истиқлол ғояларини татбиқ этишда яна бир муҳим омил: бу фуқароларда таҳдид солувчи ғояларга, оқимларга зарба бера олинш қобилиятларини тарбиялаш. Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Н. Каримов қатор нуфузли анжуманларда, асарларида, жумладан: “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Ўзбекистон XXI асрга интиломокда”, “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”, “Юксак маънавият – енгилмас куч” ва бошқа асарларида қайд этган. Хусусан, “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавият тўғрисида қуйидаги фикрлар билдирилди:

“Маънавият дунёсига нисбатан мавжуд бўлган хавф-хатарлардан кўз юмиб бўлмайди... Халқ бамисоли улуг ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан қарвон. Уни қалғитишга уринувчилар бўлиши мумкин...”¹

Ҳақиқатдан, тавикли олим, фалсафа фанлари доктори, профессор К. Назаров ўз “Ғоялар фалсафаси” кўлламасида таъкидлаганидек: “Ҳозирги даврда геосиёсий мақсадлар кўпроқ мафкуравий сиёсат билан ҳамоханчилигини алоҳида таъкидлаш зарур. Буида мафкуравий таъсир кўрсатиш геосиёсатининг энг таъсирчан воситаси сифатида намоён бўлмокда. Яъни қатор йирик давлатларнинг мақсадлари ўзга мамлакатлар аҳолиси турли гуруҳ ва қатламлари, хусусан, ёшлар онги ва қалбига мафкуравий таъсир кўрсатиш орқали, уларнинг фаолиятини ўз таъсир доирасига киритишга, яъни геостратегик манфаатларига хизмат қиладиган мафкуравий муҳитни яратишни кўзлаган ҳолда амалга оширилмокда. Ушбу жараёни олдиндан пайқаш, унинг қандай услуб ва воситалар билан амалга оширилишини аниқ билиш мураккаб масала. Ана шу сабабдан ҳам Президентимиз мафкуравий полигонлар ядро полигопларига қараганда хавфлироқ бўлиб қолганлигини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас”².

Хулоса қилиб, шунни айтиш жоизки, миллий истиқлол ғояларини маънавий-маърифий кадриятлар орқали сингдиришда қуйидаги омилларга диққат қаратиш лозим:

– Миллий истиқлол ғоялари фақат мустақилликни қўлга киритганда муҳим деб ҳисобланади:

¹ Каримов Н. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 172 б

² К. Назаров. Ғоялар фалсафаси. – Т.: Академия, 2011, 274-275 б

- Маданий қадриятлар шарқ халқлари учун қудратли маънавий манбаи бўлиб хизмат қилган;
- Маънавийли-маърифатли кишилар руҳан кучли бўлади;
- Маънавий-маърифий қадриятларни сингдиришда оила муҳим аҳамият касб этадилар;
- Миллий истиқлол ғояларини татбиқ этишда фуқаролардаги таҳдид солувчи ғояларга зарба бера олиш қobiliятини тарбиялаш лозим.

КОМИЛ ИНСОННИ ҒОЯГА ЕТКАЗИШДА ҒОЯВИЙ ТАРБИЯ ОМИЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

М.А.Собирова, ТДПУ

Миллий истиқлол ғояси маънавий жиҳатдан комил инсонни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Аслида комиллик тушунчаси тарихий нуқтаи назардан ҳам, замонавийлик нуқтаи назаридан ҳам инсондаги барча олижаноб фазилатларни ўз ичига камраб олади. Комил инсон ғояси – ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, инсонни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир. Бу ғоя нафақат алоҳида шахсларни балки, мамлакат халқини юксак тараққиёт сари етаклайди, уларни маънавий ва маърифат бобида тенгсиз ютуқлар сари илҳомлантиради.

Комил инсон азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, унинг маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. У ислом фалсафасидан озиқланиб, янада кенгроқ маъно-мазмун касб этган. Баркамол инсон ҳақидаги юксак ғоялар Абу Наср Форобий ва Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг асарларида, айниқса, ўзининг теран ифодасини топган.

Маданий меросимизнинг илк намуналаридан бири «Авесто»да ҳам комиллик ғоясига алоҳида эътибор қаратилганлигини кўрамиз. Асарда «эзгу сўз», «эзгу фикр» ва «эзгу амал» тамойилларини ўз қиёфасида ифодалаган киши комил бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Асарда инсонларга яхшилик қилиш энг эзгу амал сифатида улугланади ва комиллик белгиси сифатида эътироф этилади:

«Амшосияндларни олқишлаймиз, эъзозлаймиз, хушнудлик тилаб, таҳсинлар ўқиймиз, токи ушбу хонадонлар ардоқласинлар; Ашпах-Ҳақиқат хилқатини бошдан-оёқ эъзоз этсинлар ва дуруж хилқатини нобуд айласинлар.

– Эй, Аша!

Бутун мавжудотга яхшилик истовчи Маздани олқишлаймиз!»¹.

Ватанимиз тарихидан маълумки, умуман таълим ва тарбия муаммолари ва хусусан комил инсон масаласига доимо улкан маърифий вазифа сифатида қараб келинган. Бу масала айниқса, тасаввуфнинг бош мавзуларидан бири бўлган ва ўтмиш алломалари ижодида ҳам ўз ифодасини топган. Ўрта асрнинг йирик намоёндалари Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Юғнакий, Маҳмуд Қошғарий, Лутфий, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб алломалар ҳам ўз асарларида комил инсон тарбияси билан боғлиқ қимматли фикрларни баён қилганлар.

Мисол учун Кайковуснинг 44 бобдан иборат бўлган «Қобуснома»сини олайлик. «Эй фарзанд, оғох бўлки, ҳамма махлуқотлардан кўра, одам яхшироқ яралади ва ўзга жониворлардан одам ўн даражада зиёдадир», – дея муаллиф ўз ўглини комиллик сари кадам ташлашга даъват этади.

Аллома Форобий ўзининг «Афлотун қонунларининг моҳияти» асарида комиллик маъносига уйғун бўла оладиган «олийжаноблик» сифатига қуйидагича изох беради: «Олийжаноб киши ўз гузаллиги, кучи, заифлиги, соғломлиги ёки семизлиги учун олийжаноб эмас, балки қонунларга мос ҳаёт тарзи бўйича маъқул кўрилган олатларга риоя қилгани учун олийжанобдир».

Ёки Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраларига эътибор қаратайлик:

*Камол эт касбким, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотаом утмак биайних,
Эрур ҳаммомидин нопок чиқмоқ.*

Бу фикрлар ҳар бир инсон комилликни ўзига шиор қилиб олиши зарур эканлигини англатади. Комилликка билим олиш орқали эришилади:

*Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ургангани илм толиби илм керак.
Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен борман илм толиби илм керак.*

Дарҳақиқат, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз вақтида ёзиб кетганидек, комилликнинг негизи маърифатли бўлиш ва илм эгаллашдир.²

¹ «Авесто»-Т.: «Шарк», 2001 йил. 79 бет.

² Қаранг: «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» (дарслик) –Т.: Ўзбекистон фойласуфлари миллий жамияти, 2003 йил. 119-127 бетлар.

Мустақиллик ғоясини одамлар қалби ва онгига сингдиришда таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади. Миллий истиқлол ғоясини ёшлар қалби ва онгига сингдиришда таълим-тарбияни турли шакллари орқали амалга оширилади. Шулардан айримларига тўхталиб ўтамиз:

1. Таълим даргоҳларида болалар ва талабаларнинг ёшига қараб ғояни сингдиришнинг дифференциал педагогик-психологик дастурини яратиш, ўқувчи-талабалар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш, ўқув дастурлари, дарслик, қўлланмаларда ва кўргазмални қуроолларда ғояларини тегис акс эттириш; педагог кадрларнинг ғоя борасидаги билимларини чуқурлаштириш;

2. Аҳолини турли қатламларини ғоявий қурооллантиришда фан ва илмий муассасалар муҳим ўрин тутди. Улар ғояни шакллантириш ва бойитишдаги ўрни ва таъсирига бағишланган тадқиқот ишларини мунтазам олиб боришлари; ғоялар қурашининг моҳиятини ўрганиш, бу қурашнинг умумбашарий ва минтақавий муаммоларини аниқлаш; ғоявий таҳдидлар ва уларга қарши қураш йўллари ҳақида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишлари зарур;

3. Жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий истиқлол ғоясини халқимиз, аввало ёш авлод онгига сингдиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёсдир. Улар турли хил фикрлар, ранг-баранг қараш ва ёндошувларга кенг йўл очиб бериши, ҳаётимизда юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатларини уйғотишлари, ҳолислик ва ҳаққоният тамойилларига таяниб фаолият олиб боришлари лозим;

4. Адабиёт ва санъат соҳасидаги янгилар, янги асарлар билан доимо ўқувчиларни таништириб бориш;

5. Энг нозик ва мураккаб бўлган дин соҳаси, ўз моҳиятига кўра поклик, меҳр-оқибат каби эзгу туйғулар орқали маънавият ва маданиятнинг устунларидан бири бўлиб келган. Шундай экан, муқаддас динимизга бўлган соғлом муносабатни шакллантириш, ёт исломий ғоялар таъсиридан ҳимояланиш;

6. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасига катта эътибор қаратиш;

7. Миллий анъана ва урф-одатларимизни, миллий кадриятларимизни тиклаш, сақлаш ва уларда миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ва ёшлар онги ва қалбига сингдиришда оқилона фойдаланиш;

8. Маҳалла ва оилага юксак эътибор қаратиш, «Бир болага етти маҳалла ота-она» тамойилининг тегис моҳиятини ёшларга тушунтириб бориш;

9. Сийсий партиялар фаоллигини таъминлаш ва уларнинг миллий истиқлол ғоясини шакллантиришдаги ўрни ва ролини ошириш;

10. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига етказишда «Қамолот» Ёшлар Ижтимоий ҳаракати, Республика Президентининг «Истеъдод» жамғармаси, «Соғлом авлод», «Маҳалла» жамғармаларининг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш зарур.

Ана шундагина чинакам маънода қомил инсонни вояга етказиш сари дадил саъй-ҳаракатларни бошлаган бўламиз.

Ғоявий тарбия замирида ҳар томонлама етук, барқамол инсонни вояга етказиш ҳаракати ётади. Демак, миллий истиқлол ғояси қомил инсонни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, бунинг учун энг аввало ёшларда миллий ғурурни шакллантириб, уларда кучли иммунитет ҳосил қилишимиз зарур. Миллий ғурурни шакллантириш эса қуйидаги тушунчаларни илгари суриш ва уларни ёшларнинг ҳаётий мезонига айлантириш билан чамбарчас боғлиқ:

1. Ватанпарварлик – Она заминга ва халқига бўлган ҳурмат;
2. Миллий ифтихор – шу миллат фарзанди бўлганлигидан фахрланиш;
3. Инсонпарварлик – инсонни улуғлаш ва севиниш;
4. Меҳнатсеварлик – ўзи оиласи ва Ватан равиши учун меҳнат қилиш;
5. Иймон-эътиқодлилик – энг юксак маънавий ва жисмоний барқамолликка эришиш;
6. Ҳалоллик – ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида ҳалоллик ва поклик намуналарини кўрсатиш;
7. Эркинлик – Озод Ватанда Конституциямиз белгилаб берган «Ватан эркинлиги» доирасида иш тутиш;
8. Ахлоқий поклик – одамларни поклик, меҳр-шафқат ва бағрикенгликка даъват этиш ва ўзи намуна бўлиш;
9. Одиллик – ҳаётнинг ҳамма соҳаларида содир бўладиган воқеа ва жараёнларга одилona ёндашиш;
10. Байналминалчилик – турли миллат, элат ва халқларга уларнинг урф-одати, дини ва қадриятларига ҳурмат билан ёндашиш;
11. Тараққийпарварлик – Ватан равиши ҳақида фидойилик қилиш;
12. Билимлилик ва онглилик – Ўз соҳасини чуқур эгаллаш, ҳозирги замон фанлари эришган ютуқларини онгли равишда ўз фаолиятида амалиётга жорий қилиш.

Бу вазифаларни амалга ошира боришда турли усул ва воситалардан фойдаланиш мумкин, яъни, турли тадбирлар, турли анжуманлар, икки авлод учрашувлари, оила ва маҳаллаларда соғлом муҳитни қарор топтириш, ўқув муассасаларида таълим-тарбия жараёнини янада

яхшилаш, оммавий ахборот воситаларидан имкон қадар кенгрок
фойдаланиш ва хоказолар. Ана шундагина биз фуқароларимизда,
хусусан ёшларимизда миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини
шакллантирган, улардаги маънавий-ахлоқий иммунитетни кучайтирган
буламиз.

ТОЛЕРАНТНОСТЬ КАК ГАРАНТ ОБЩЕНАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ И СТАБИЛЬНОСТИ

Л.М.Арутюнова, профессор ТГПУ

Сегодня весь наш народ находится в преддверии празднования
главной даты – 20-летия Независимости Республики Узбекистан.

Оглядываясь назад, мы осознали, сколько преобразований и
изменений произошло за это время в жизни нашей страны. Мы можем
смело сказать, что это были особые годы – годы, равные векам.

Наше понимание веротерпимости как важная составляющая
общенациональной безопасности и международной стабильности
заключается в том, что существует необходимость объединения усилий,
направленных на предотвращение религиозного экстремизма и
терроризма, религиозно-экстремистских идей и взглядов среди
молодежи.

Нам необходимо понять, что для решения этих проблем важное
значение имеют организованные и согласованные действия как со
стороны общества, так и со стороны нашего независимого
демократического государства Узбекистан.

Само слово «толерантность» в переводе с латинского означает
«tolerare» – «терпеть» – «терпимость» или же терпимое отношение
человека к воззрениям других людей.

Говоря о толерантности, мы часто обращаемся к учению Джона
Локка, автора известного «Письма о веротерпимости». Автор этого
письма утверждал: «... что уважение к религиозным верованиям всех
граждан приносит пользу государству и обществу, в результате чего
общество приобретает большую лояльность со стороны граждан
посредством дарования им дополнительных свобод и в то же время
сохраняет за собой власть наказывать преступников» [1].

На возражении о том, что дарование всем группам права на
публичное религиозное поклонение приведет к «разделению, волнениям
и гражданским войнам», Джон Локк ответил, что «Неизбежная разница
во взглядах, а нежелание уважать чужие взгляды привело к волнениям
«войнам», произошедшим в христианском обществе на почве религии»
[1].

Автор считал, что толерантность имеет определенные границы. Например, секты, подрывающие своей деятельностью основы общества, не могут рассчитывать на толерантное отношение к себе.

Мы должны четко осознавать, что терпимость особенно важна в современном обществе. Именно терпимость является главной предпосылкой согласия между людьми относительно признания права на существование других религий и верований, особенно в нашем многонациональном и многоконфессиональном государстве — независимом демократическом Узбекистане.

Изучая вопросы религиозных прав человека, взаимоотношений религии и нетерпимости, можно сделать вывод, что причины и мотивы религиозной нетерпимости могут быть самыми разными и многочисленными.

Важно подчеркнуть, что «религиозная нетерпимость направлена, как правило, на следующие объекты:

- религию, которая отождествляется с чужой политической властью;
- религию, которая считается подрывающей устои общества;
- религию, которая признается чужой той культурной среде, в недрах которой она провозглашается;
- религию, которая признается ложной или опасной для господствующей религиозной общины» и др.

Д.Юм более точно отражает положение дел в ряде опасных для общества религиозных объединений термин «деструктивная религиозная организация», имеющий своими аналогами два других — «деструктивный культ» и «тоталитарная секта». Их интересы не совпадают с интересами общества, их деятельность идет в разрез со светскими законами, их учения призывают к насилию. А это в свою очередь вызывает серьезную озабоченность общества.

Необходимо понять, что любое демократическое общество должно гарантировать своим членам свободу выбора религиозных убеждений, но с другой стороны, государство должно и обязано защищать своих граждан и общество в целом от негативных последствий деятельности экстремистских организаций. Такие ограничения на свободу совести установлены международно-правовыми стандартами.

Нам известно, что международное законодательство не разделяет религиозные объединения на традиционные и нетрадиционные, а также не использует понятий «тоталитарная секта» и «деструктивный культ», т.к. дать правовую оценку критериям, по которым та или иная группа может быть отнесена к «тоталитарной» или «деструктивной» очень сложно. И, тем не менее, такая попытка была предпринята Национальным Собранием Франции, принявшим законопроект,

предусматривающий уголовную ответственность за «манипуляцию сознанием». Манипуляция сознанием – это тяжкое и повторяющееся давление или использование специальных методов с целью добиться от человека, с его согласия или без него, совершения действия или воздержания от действия, в результате чего ему будет нанесен серьезный ущерб.

Выше мы уже говорили, что толерантность это синоним терпимости. Толерантность – это равноправие, предполагающее равное участие представителей всех верований и религий в обсуждении вопросов, касающихся общественного развития, а также во всех сферах общественной жизни.

Исходя из логики, возникает вопрос – что такое *толерантное поведение*? Это деятельность человека в любых сферах жизни, которая характеризуется терпимостью и иного рода взглядам, привычкам, нравам, к особенностям различных народов, наций и религий.

И второй вопрос – что такое *толерантное сознание*? Это совокупность чувственных и умственных образов, для которых характерно отчетливое знание того, что «я терпимо отношусь к образам других индивидуумов, не совпадающим с моими».

Ф.Майор бывший Генеральный директор ЮНЕСКО говорил следующее: «Терпимость в точном смысле означает признание различий и терпеливое отношение к ним. Она является воплощением сопереживания, взаимопонимания и примирения, которое не позволяет противоречиям переродиться в конфликты» [2].

Хотелось бы обратить внимание на Устав ООН, который был принят еще в 1945 г., где четко подчеркивалось, что «проявлять терпимость и жить вместе, в мире друг с другом, как добрые соседи, и объединять наши усилия для поддержания международного мира и безопасности». И еще, 25 ноября 1981 г. Генеральная Ассамблея ООН Резолюцией 36/55 провозгласила Декларацию о ликвидации всех форм нетерпимости и дискриминации на основе религии или убеждений. Она призвала всех членов ООН соблюдать и гарантировать свободу религии или убеждений, содействовать пониманию, терпимости и уважению в вопросах свободы религии.

Наблюдая и анализируя широкое распространение тревожных симптомов нетерпимости, ведущих к крайнему национализму, экстремизму, дискриминации и откровенному попиранию прав человека, ГА ООН в своей Резолюции 48/126 провозгласила 1995 г. Международным годом терпимости. В этом же году ЮНЕСКО была принята Декларация принципов терпимости [3]. В статье 1 данного документа говорится, что терпимость означает уважение, принятие и правильное понимание богатого многообразия культур нашего мира,

форм самовыражения и проявления человеческой индивидуальности. Этому способствуют знания, общение, свобода мысли, совести и убеждений.

Вывод, терпимость – это единство в многообразии. Нам бы хотелось отметить, что это не только моральный долг, но и политическая, и правовая потребность. На наш взгляд, терпимость – это то, что делает возможным достижение мира и ведет от культуры войны к культуре мира.

В последние годы во многих регионах наблюдается нарастание этнических конфликтов, взрыв религиозной нетерпимости, которые влекут за собой обострение социально-экономических диспропорций, представляют угрозу безопасности человечества (например, Израиль, Индия, Пакистан).

Сегодня формируется негативный стереотип образа «нетрадиционных религий», проявление нетерпимости в вопросах религий и убеждений, которые по-прежнему имеют место быть.

После страшных событий, которые произошли в Нью-Йорке 11 сентября 2001 г. религиозные лидеры всего мира заявили о своем потрясении.

Наши наблюдения убеждают нас в том, что учащаются случаи физической агрессии против предприятий, культурных центров и мест отправления культа представителей различных религий, случаи глумления над религиозной символикой. Возникший конфликт вокруг карикатур на пророка Мухаммеда стал новым витком роста напряженности между цивилизациями. Протоиерей В. Чаплин отметил, что «если использовать в таком конфликте религиозные чувства, то конфронтация превратится в мощнейший пожар» [4].

Следовательно, возникает вопрос почему? да потому, что были оскорблены религиозные чувства всех мусульман. Антихристианская волна прокатилась по некоторым мусульманским странам. Естественно, что мусульманским ответом на оскорбление религиозных чувств явилось сожжение датского флага, на котором изображен крест.

И еще, сегодня прочно формируется стереотип отождествления ислама с религиозным экстремизмом и терроризмом. И, тем не менее, в таких непростых условиях международное сообщество развернуло глобальный диалог для поощрения культуры терпимости мира на основе соблюдения прав человека и уважения религиозного многообразия. Оно настоятельно призывает государства, неправительственные и религиозные организации, электронные и печатные средства массовой информации поддерживать и развивать такой диалог. Человечество должно понять, что диалог является мостом к другим культурам. Он не должен призывать следовать за какой-либо

религией. Но вместе с тем, диалог между религиями необходим, как воздух, чтобы через культуру прийти к миру. Диалог не для того, чтобы продвинуть какую-либо религию, изменить ее, а для того, чтобы понять другую религию, ее культуру и учения.

С абсолютной уверенностью можно сказать, что многообразие – это то огромное богатство, которое может обогатить культурное и духовное наследие народов.

Президент Республики Узбекистан И.Каримов, выступая на заключительном заседании 155 сессии Исполнительного Совета ЮНЕСКО 6 ноября 1998 г. сказал, что: «Знаменателен тот факт, что Генеральная Ассамблея ООН провозгласила первый год нового тысячелетия – 2000 год – Международным годом культуры мира. Идея культуры мира служит, на мой взгляд, той основой, на которой и будет строиться философия общечеловеческого развития в 21-м веке. Она и в предыдущем веке служила сердцевинной развития человеческой цивилизации во всем ее многообразии и неповторимости, была ядром духовности и гуманизма. И сегодня она призвана побуждать к солидарности и сотрудничеству во имя сохранения мира и стабильности. Я воспринимаю развитие общечеловеческих ценностей как органический синтез культур и самобытности каждого народа. Именно палитра этих культур создает красоту и значимость общечеловеческой культуры и цивилизации в целом. Ведь общая цивилизация складывается как культура каждого народа. Широкая пропаганда и популяризация лучших образцов национальной и мировой культуры должна стать основой духовного воспитания подрастающего поколения, современной нашей молодежи. Я верю, что культура и образование могут спасти мир от мракобесия и вандализма, религиозного и национального экстремизма, этнического противостояния, религиозных конфликтов и войн» [5, с. 189-190].

Из вышеизложенного, можно сделать вывод, что в интересах международного согласия очень важно, чтобы те или иные люди, нации, общины уважали многоукладный характер человеческого общества. Очень важно понять, что без терпимости и толерантности невозможно укреплять фундамент демократии и уважения прав и свобод человека.

АЖДОДЛАР ИБРАТИ ВА УНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИДАГИ РОЛИ

Н. Султонов, ТерДУ

Инсон зоти пайдо бўлибдики, у ўзини ўраб турган воқелик доирасида ўз ўрнини англашга интилган ва шу аснода такомиллашган. Унинг “худонинг энг севимли махлуқи эканлиги”, “худо муҳаббатининг маҳсули”, “унга хатто фаришталар сажда қилганлиги” илоҳий китоблар Таврот, Забур, Инжил, Қуръони Карим орқали етказилган. Инсониятнинг охириги мукаммал дини бўлмиш ислом дини инсониятнинг яшаш тарзи, тажрибасидан келиб чиқиб, инсон у дунёни деб бу дунёдан, бу дунёни деб у дунёдан воз кечолмаслиги (хадис), ерда ўзини поклаб, комиллик касб этиб, Оллоҳ васийлигига восил бўлиши ғояларини тарғиб қилган. Бизнинг аждодларимиз бу йўлда жон фидо қилиб, умрини бағишлаганлар. Араб суворийлари орқасидан келган ислом дини юртимизда қадимдан урф бўлган илму ҳунар билан чоғишиб, чатишиб нафақат чуқур эътиқодга айланди.

Халқ орасида “Баҳовуддин балогардон” деб ном чиқарган, Нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари яратган таълимот XIV асрда Моворауннаҳр ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-маданий ҳаётига янги мафкура сифатида кириб келди. Мўгуллар зулмидан озод бўлиб, вайрона бўлган мамлакатни тиклашда, янги давлат барпо қилишда халққа, унинг йўлбошчисига маънавий туг лозим эди. Соҳибқирон Амир Темур давлатининг бошқарувида Нақшбандия таълимоти муҳим ўрин тутган. Сабаби бунёдкорлик таркидунёчиликка эмас, меҳнатга, уни мавҳум тушунишга эмас, ҳар бир инсоннинг меҳнатига, тadbиркорлигига асосланади. Баҳовуддин Нақшбанд дейди

*Ёраб! Қалбимнинг дарпардасин оч,
Махлуқ миннатисиз етказ моҳазар¹.
Бир умр кимсага этмагил муҳтож
Бир умр кимсага этма дardисар.*

Жангу жадалда саркарданинг душман тўшига биринчи бўлиб ташланиши сингари, меҳнатда ҳам шаҳсий ибрат етакчидир. Шунинг учун ҳам 1318 йилда қасри Ҳиндувонда, (қасри Орифонда) дунёга келган Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий Баҳовуддин (диннинг нури, шуъласи, равшанлиги) Нақшбанд (нақш солувчи, гул босувчи касб ҳунарига нисбат берилган)дир. Бу аълаи унинг шогирдларига ҳам ўтган, хусусан, асли хоразмлик Муҳаммад ибн Муҳаммад ал Бухорий –

¹ Моҳазар – Аллоҳ томонидан етказиладиган беиниат ризқ.

ибодатлардир”, деган ҳадисни такрорлаганликларини кўрсатади. Хожа Аловуддин Аттор дейди: “Юриш туришимизда ва ахлоқимизда нуқсон бўла туриб, ўзимизни ул (улуғлар) қаторига қўйишимиз дуруст бўлмас”, яна “муршид толибнинг уч ҳолатидан ўтишини, ҳозирги аҳволи ва келажагидан хабардор бўлгандагина уни тарбият қилиш мумкин”.

Баховуддин Нақшбанддан Аловуддин Атторни нега ёнларида олиб юришини сўраганларида, ул зот “ундаги нафс бўриси уни еб қўямасин, деб шундай қиламан”, деган эканлар.

Ҳар бир халқ ўзининг майлига, менталитетига мос келадиган, мувофиқ келадиган ғояларни, расм-русумларни, динларни қабул қилади. Минг йиллар олдин аجدодларимиз қабул қилган ислом дини халқимизнинг нафакат онгига, балки унинг қонига сингиб кетган ислом дини “кун асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол саклашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини” инсонийлик ва меҳр-оқибат манбаи бўлиб қолаётганига бутун аجدодлар гувоҳ.

Бугунги кунда баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида буюкларга интилиш, уларнинг сифат фазилатларига тақлид қилиш, ҳаёт-фаолиятларидан ибрат олиш муҳим тарбия воситасидир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Ш.Шокирова, ТДПУ

Демократик жамият инсон ҳуқуқларини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга, кишилар онгида миллий манфаат ва ижтимоий қадриятларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради.

Ўзбекистон демократик давлат. Бу инсонпарварлик қондаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қаъти назар, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаб берадиган давлатдир. Ўзбекистонда турли демократик принциплар қарор топмоқда.

Конституциямиз ҳам Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, яъни халқнинг ўзи бевосита бошқарадиган жамият ва демократик ҳуқуқий давлат қуришни асосий мақсад қилиб қўяди. Унда жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон эканлиги ёрқин мужассамлаштирилган. Инсонни улуғлаш уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий ғоясига айлантирилган.

Конституция инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида ишлаб чиқилган ва уни янада тўлдирган. Бунга Конституциянинг 13-моддаси далил бўлиши мумкин. Яъни: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”

Ушбу модда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да эълон қилинган умуминсоний ҳуқуқлар олий қадриятлар даражасига кўтарилган.

Маълумки, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” инсонларнинг ажралмас, дахлсиз ҳуқуқларини эълон қилиб, қуйидагиларни белгилайди.

“1-модда. Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилганлар”; 3-модда. “ Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир”; 4-модда. “Ҳеч ким қуллик ёки қарамликда сақланиши мумкин эмас, қулчилик ва қул савдосининг барча турлари тақиқланади” ва ҳоказо.

Глобаллашув жараёни тез суръатлар касб этаётган бугунги кунда меҳнат миграцияси билан боғлиқ қатор ижтимоий ва ҳуқуқий муаммолар юзага келмоқда. Чунончи, одамларни аъло йўли билан чет элга олиб чиқиб, мажбуран ишлатиш яъни одам савдоси каби жиноятлар бугунги кунда кўплаб содир бўлмоқда.

Одам савдоси – инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар, ушбу қоида БМТнинг 1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да, шунингдек, бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда миллий қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Одам савдоси инсоннинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказди, уни турли хўрлик ҳамда камситишларга дучор этади. Одам савдоси деб аталмиш ушбу жинсий фаолият ортида мажбурий меҳнат, қуллик, мажбурий донорлик, ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабих қилмишлар мужассамдир.

Одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, бундай савдонинг қурбонига айланаётганларни имкон қадар ўз назоратида ушлаб туриш ва кўпроқ фойда олиш мақсадида уларнинг шахсига оид ҳужжатларни (паспорт, миграция карточкаси ва ҳ.к) ноқонуний эгаллаб, хорижий давлатда эркин ҳаракатланиш, ҳимояси остида бўлган давлатнинг тегишли ваколатхоналарига мурожат этишга тўсқинлик қиладилар.

Оқибатда бундай шахслар ўзини ҳуқуқий ҳимоялаш имкониятидан маҳрум этилади.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар, ўз хусусиятига кўра, латент характерга эга. Чунки одам савдоси қурбонлари уларга нисбатан жисмоний ёки руҳий тазйик ўтказишганлиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлиши ёки ўзининг ноқонуний хорижга чиққанлиги фош бўлишидан қўриқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожат этмайдилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 млн.700 мингта шахс одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Ҳар йили 600 мингтадан 800 мингтагача аёллар ва болалар алдов йўллари билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, 2008 йилнинг 9 ойида республикамызда 1449 нафар шахс одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган. Уларнинг 1283 нафарини эркеклар, 166 нафарини аёллар, 28 нафарини вояга етмаганлар ташкил этган. Шу ўринда табиий савол туғилади: республикамызда одам савдосининг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида қандай ишлар амалга оширилган ва келгусида қандай вазифалар амалга оширилади? Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг жамиятимизга олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини чуқур англаган ҳолда, ўтган йиллар мобайнида республикамызда бундай жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Аввало, бу даврда одам савдосига барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Давлатимиз одамларнинг яширин трафикага қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди.

2008 йилнинг 17 апрелида эса, Ўзбекистонда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоялашда муҳим босқич бўлди. Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-911-сонли Қарори билан юқоридаги қонун нормалари амалга тадбиқ

этилди. 2008–2010 йилларга муължалланган Миллий Режа тасдиқланиб, тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари олдига аниқ вазифалар қўйилди.

Миллий Дастурга мувофиқ, одам савдосига қарши курашиш борасида қонунчиликни такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Ҳозирда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳ ва бу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят Кодексида илк бор одам савдосига қарши курашиш мақсадида бундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Жумладан, Жиноят Кодексининг 135-моддаси янада такомиллаштирилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларимиз томонидан ноқонуний айлана йўллар, ўтиш-чегара постлари, халқаро темир йўл станциялари ҳамда аэропортларда назорат кучайтирилмоқда, айниқса, бундай масканларда тезкор ишларнинг кучайтирилиши бу тоифадаги жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларимиз томонидан одам савдоси бўйича 436 та жиноят иш қўзғатилиб, 339 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

Одам савдосига қарши курашишда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ушбу иллатнинг хавфи ва оқибатлари ҳақида тушунтириш олиб бориш, фуқароларни бу боралаги вазиятдан огоҳ этиш ҳамда хабардорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Одам савдосига қарши курашиш, бундай жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари комплекс характерга эга эканлиги инобатга олиниб, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг бу борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идоралараро комиссияси тузилди.

Одам савдосининг олдини олиш учун кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ишларини кучайтириш зарур.

Қайд этиш лозимки, республикада фуқароларнинг хорижда меҳнат қилишини ташкил этишга доир ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, улардаги асосий талаблардан бири бу – хорижга юборилиши кўзда тутилаётган фуқароларнинг муайян давлат ҳудудида ижтимоий

ҳимоясининг таъминланиши, барча ижтимоий кафолатлар ва тиббий суғуртанинг мавжудлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли Қарори асосида фуқароларни чет элларга ишга юбориш ва уларнинг меҳнат фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Фуқароларнинг чет эллардаги меҳнат фаолияти ушбу агентлик орқали амалга оширилиши ҳам уларнинг муайян давлат ҳудудида ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланишини, ижтимоий, тиббий муҳофаза этилишини таъминлайди. Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Президентимизнинг Ўзбекистонда “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил қилишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Ташкил этиладиган бундай муассасалар одам савдосидан жабрланганларни нормал турмушга қайтариш, уларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли, эркин аъзоси эканлигини ҳис этиб яшашига эришишда муҳим восита бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг шаъни ҳамда кадр-қиммати ҳурмат ва эъзозга лойиқ. Инсоний қадриятларни топташга уринган ҳар қандай шахсга қонун олдида жавобгарлик муқаррардир.

МИКРОМУҲИТ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАНБАСИ СИФАТИДА

Ш.Р.Алиева, ТДПУ

Шахс бу – ўзи яшайдиган жамиятнинг эҳтиёжлари ва талабларига мос равишда ижтимоий фаоллик билан фаоллик кўрсатадиган етук фуқародир.¹ Шахс жамиятда яшайди ва у ўзининг атрофидагилар билан кенг қўламли ижтимоий муносабатларга киришади.

Илм-фанда қабул қилинганидек, шахс ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва руҳий-маънавий муносабатлар тизимида шаклланади. Шахс бу муносабатларнинг объекти ва субъекти сифатида муаммо тарзида туради. Шахснинг ижтимоий қадрияти унинг халқнинг моддий ва маънавий бойлигини ифодаловчи фаолиятида таркиб топади. Шу маънода инсоннинг шахс сифатида вояга етиши асосий масала

¹ Геарсонс Т. Система современных обществ. – М., 1997. – С.16.

ҳисобланади ва бу жараёнда барча ижтимоий институтлар иштирок этади.

Шахснинг вояга етишидаги асосий омиллардан бири бу – *микромухитдир*. Микромухит – бу шахс атрофидаги кишилар, ўқиш жойи, оила, маҳаллар каби ижтимоий-жамоатчилик жойларидир.² Бу мухит шахснинг маънавий-ахлоқий, ақли ва жисмоний жиҳатдан соғлом вояга етишида муҳим вазифани бажаради. Шу маънода шахс тарбияси ва фаолиятининг кутилган даражада самарали бўлиши учун микромухитнинг ижтимоий табиати муҳим ўрин тугади.

Жамиятимиз ҳаётининг ҳозирги демократлаштириш ва эркинлаштириш босқичида микромухитнинг ижтимоий табиати ҳам сайқаллашиб (трансформация) бўлиб, у шахснинг тўлақонли вояга етиши ва фаолият кўрсатишига эҳтиёж даражасида таъсир кўрсата олади. Мисол учун, оилада ижтимоий тарбия жараёни кучаймоқда ёки ўқишда (таълим муассасарида) ижтимоий билим, кўникма ва малакани шахсда ҳосил қилишга асосий эътибор қаратилмоқда. Демак, микромухитда «халқимизга азалдан хос бўлган ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва саховат каби, инсоний фазилатлар янада ёрқин намоён бўлмоқда».³ Бу инсоний фазилатлар микромухитнинг ижтимоий табиатидаги белгилловчи омил бўлиб юзага келмоқда.

Микромухитнинг ижтимоий табиатига «инсонга ижтимоий ҳаёт кечирishi имконини берувчи билимлар, нормалар ва қадриятлар тизими ҳақида маълумот бериш» хосдир.⁴ Шу маънода микромухитнинг ижтимоий табиати ҳақида сўзлаганда уч масалага диққат қилиш лозим бўлади:

- шахсга ижтимоий билим бериши;
- шахсни ижтимоий нормалар билан таништириши;
- шахсга ижтимоий қадриятларни сингдириши.

Микромухитнинг муҳим ва асосий бўғини бўлган оилани олайлик. Оилада шахсга одамлар билан муносабатга киришиш, улар билан биргаликда яшаш, улардан айро тушмаслик кабилар бўйича дастлабки тушунча, тасаввур ва билим берилади; аста-секин шахс кўпчилиكنинг фикри, қараш ва манфаатлари билан ҳисоблашиш каби нормалар билан таништирилади; шундан кейин унинг онги ва қалбига бағрикенглик, жамоавийлик, инсонийлик адолатпарварлик, ватанпарварлик каби ижтимоий қадриятлар сингдирила боради. Зеро,

² Пашпер К. Открытое общество и его враги. Том I. – М., 1993 – С. 64.

³ Каримов И. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли // «Халқ сўзи», 2007 йил 31 август сопи.

⁴ Фалсафа. Коммуний дугат. – Т.: «Шарк» 2004. – 6.143.

ушбу ижтимоий билим, ижтимоий норма ва ижтимоий кадрият микромуҳит ижтимоий табиатининг негизини ташкил қилади.

Шахс фаолиятида микромуҳитнинг ижтимоий табиати икки жиҳати билан намоён бўлади: *биринчиси*, ижтимоий жиҳатдан шахс тарбия кўради; *иккинчиси*, шахснинг ўзи ижтимоий муҳитнинг такомиллаштишига таъсир кўрсатади. Шахс вояга етгунга қадар микромуҳитда тарбияланувчи бўлади, вояга етгандан кейин тарбияловчига айланади. Демак, микромуҳитнинг ижтимоий табиати динамик ривожланиб боровчи характерга эгадир.

Шундай қилиб шахс ва микромуҳит ўртасида доимий ўзаро ҳамкорлик мавжуд ижтимоий ва маънавий-ахлоқий қиёфани шакллантиради, уни меҳнат ва ижтимоий фаолиятга тайёрлайди. Шаклланган ва вояга етган шахс ўзини жамиятга «бахшида» қилади; агар шахснинг маънавий-ижтимоий етуқлиги қанчалик юкори бўлса, унинг ўсиши шунчалик муваффақиятли бўлади.

Диққат қилинса, бу ҳамкорликнинг талаб даражасида бўлиши учун аввало микромуҳитнинг ижтимоий табиатини талаб даражасида такомиллаштириб бориш лозим бўлади.

Жамиятимизнинг ҳозирги босқичида микромуҳитнинг ижтимоий жиҳатдан такомиллаштириши учун узвийлик ва изчиллик қонуниятини янада чуқурлаштириш лозим бўлади. Бунинг маъноси шуки, микромуҳитда шахсни ижтимоий билим, ижтимоий норма ва ижтимоий кадриятлар билан таништириш босқичма-босқичлик ёки кетма-кетлик тамойилига асосланиши керак. Шу маънода бизнинг фикримизча, микромуҳитнинг ижтимоий табиатини такомиллаштириш учун қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

- оилада шахсга дастлабки ижтимоий кўникмаларни ҳосил қилиш билан уни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш;

- ўқиш жойларида шахсга ижтимоий билимларни бериш билан унинг ижтимоий онгини шакллантириш;

- маҳаллада шахсни ижтимоий муносабатлар билан таништириш воситасида унинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

- меҳнат (иш жойларида шахсда ижтимоий кадриятларга амал қилиш кўникмасини ҳосил қилиш билан унинг ижтимоий тажрибасини ошириб бориш.

Бу узвийлик ва изчиллик қонуниятини микромуҳитда шахснинг *ижтимоий тажрибасини* ҳосил қилиш имконини беради. Шунда микромуҳит имкониятларидан кенг фойдаланиш таркиб топади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, микромуҳитнинг ижтимоий табиати турлича бўлиши мумкин. Бу оиладаги саводхонлик даражаси, ўқув жойларидаги таълим-тарбия йўналиши ва маҳалла, меҳнат муассаларидаги маънавий-ахлоқий муҳитнинг ҳолатига боғлиқ ҳолда

юзага келади. Мутахассисларнинг фикрича, бу турли хилликни бартараф этиш учун микромухит ижтимоий табиатида уч масаланинг уйғун таркиб топишига диққат қилиш керак бўлади:

- мақсадлилиқ;
- йўналишлилик;
- умумий вазифалилик.⁵

Мақсадлилиқ – бу микромухит таркибларида ягона гоё, маслак ва муддаонинг бўлиши, *йўналишлилик* – умумий манфаатларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилиш ва *умумий вазифалилик* жамият ҳаётини фаровонлаштиришга ҳамкорликка асосланишдир. Бу уч масала микромухитнинг ижтимоий табиати жамият эҳтиёжларининг ўзида тўлиқ акс эттиради.

Бизнинг жамиятимизда микромухитнинг ягона мақсад, йўналиш ва вазифага эга бўлишида миллий гоё асосий ўрин тугади.

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ҚАРАШЛАРИДА СИЁСИЙ ЕТАКЧИЛИК ҲОДИСАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

II. Қолқанов, ТДПУ

Сиёсий етакчилик институти анча илгари юзага келган. Унинг пайдо бўлиши мураккаб таъкилий тизимларнинг шаклланиши ва ривожланишига эҳтиёжнинг ошиб бориш жараёни билан белгиланади. У турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, рухий манфаатлар кураши ва уларнинг иштирокчилари (гуруҳлар, индивидлар, таъкилотлар)нинг ўзаро таъсирига асосланган тизимларнинг фаолиятини бошқариш усули ва услубларидан келиб чиқади.

Етакчилик – кўп қиррали ва мураккаб ҳодиса. Сиёсий етакчилик эса ижтимоий вазифа бўлиб, у инсоннинг онгли равишда умумий аҳамиятга эга мақсадларни қўйиш ва уларга эришиш усуллари сиёсий институтлар доирасида белгилаш қобилиятида ифодаланади. Сиёсий етакчилиқни амалга оширишнинг аниқ шакл ва усуллари жамиятнинг маданий етуқлиги, манфаатлари турлича бўлган гуруҳларнинг мустақиллик даражаси, умуман ижтимоий тизимнинг тараққиёти учун жамоа ҳаракатидаги эҳтиёжни англашга боғлиқ. Шунингдек, етакчилик фуқароларнинг уюшган ижтимоий гуруҳи мавжудлигининг хусусияти ҳамдир. У ёки бу гуруҳнинг вужудга келиши табиий равишда етакчига эҳтиёжни келтириб чиқаради. Етакчилар ҳамма ерда бор: спортда, бизнесда, фанда ва, албатта, сиёсатда. “Деярли барча ҳолатларда жамоа фаолияти етакчилиқни назарда тутди бу – ҳар қандай жамоа

⁵ Хабермас Ю. Будущее человеческой природы. -М., 2002.

фаолиятининг устувор механизмидир”¹. Етакчиликнинг жамоавий табиати етакчининг ўзига ижтимоий моҳият бахш этади, унинг ижтимоий мақомини оширади.

Сиёсий етакчиликнинг ахлоқий-афсонавий талкинларида Ўрта асрларда ҳам етакчилар оддий кишилардан фаркли ўлароқ, худо томонидан танланиши ғояси ўз таъсирини сақлаб қолди.

Сиёсий етакчилик ҳодисасини таҳлил этишда Шарқда Абу Наср Форобий, Низомулмулк, Амир Темур, Алишер Навоийларнинг хизматлари диққатга сазовордир. Уларнинг фикрича, сиёсий етакчи – бутун жамиятни жипслаштирувчи, ижтимоий тартибларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ҳар қандай воситаларни қўлловчи ҳукмдордир.

Шарқ Уйғониш даврининг буюк вакили Форобий ўзининг “Фозил одамлар шахри” асарида давлатни яхши фазилатли, маърифатли етакчи бошқариши лозимлигини айтиб ўтади. Давлат етакчиси олдида 12 та талаб қўяди. Булар – бойликка ҳирс қўймаслик, ўз манфаатини кўзламаслик, ҳақиқатни севиш, ҳақиқат учун курашиш, ботир, жасур, мард бўлиш². Форобий мана шу хислатларнинг барчаси бир етакчида бўлиши кийин, бундай туғма қобилият камдан-кам етакчиларда учрайди, дейди ва уларни нодир одамлар деб ҳисоблайди.

Низомулмулк ўзининг “Сиёсатнома” асарида шохнинг (давлат етакчисининг) жасур, доно, тadbиркор ва қатъиятли бўлиши ғоясини илгари сурган. У ҳукмдор, яъни сиёсий етакчи давлат тепасига келиши ва халқни ўз ортидан эргаштириши учун бир қанча сифатларга эга бўлмоғи лозим дейди. Булар: адолатли ва саховатли бўлиш; билимдон бўлиш; иқтисодий билимларни пухта билиш; вазият ва ҳаракатни тўғри баҳолай олиш; текшириш ва тафтиш қила олиш³. Низомулмулк “Сиёсатнома” асарида амалдорларни тарбиялаш, асраш, ҳимоялаш ва зарур бўлса жазолаш билан боғлиқ тавсиялар бергани билан сиёсатчи ва давлат раҳбарлари эътиборини жалб этиб келмоқда.

Амир Темурнинг сиёсатга оид қарашларини “Темур тузуклари” асарида ўқишимиз мумкин. “Темур тузуклари” асари эллик йилдан ортиқ давр тарихи билан биргаликда давлат, давлат бошқаруви тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Шундан билишимиз мумкинки, Амир Темур зукко, тажрибали сиёсатдон ва сиёсий етакчи сифатида ҳар қандай етакчиларга намуна бўла олади.

Сиёсий бошқаришга оид масалаларда Алишер Навоий ҳам қимматли фикрлар билдирган. Алишер Навоий ўзининг “Тарихи мулки аҷам” асарида давлатга раҳбарлик ва етакчилик қилган 65 та шохга ва

¹ Шумпетер Й. Капитализм, социализм и демократия. – М.: 1995. – С.356.

² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: А.Қодирий, 1993. – Б.186-187.

³ Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сиар ул-мулк. – Т.: Адолат, 1997. – Б.19-234.

уларнинг бошқариш соҳасида олиб борган сиёсатига баҳо беради. Улар орасида мамлакат ва салтанатни бошқариш соҳасида адолатли иш тутган етакчилар ҳақида, уларнинг мамлакатни бошқариш ва давлат ишларини йўлга қўйиш соҳасидаги ишлари ҳақида муҳим ҳоёларни илгари суради.

Сиёсий етакчилиكنинг шарқона таҳлилида етакчиға насиҳатгуйлик ёндашуви устуворлик қилади. Унга кўра давлат арбоби сиёсати ҳар қандай вазиятда ҳам ахлоқий тамойиллар: ростгўйлик, ҳалоллик, одамларга хайрихоҳлик ва ҳақозоларга зид бўлмаслиги керак. Бундай шарқона қарашлар ҳозирги замон демократик жамиятларида сиёсатнинг инсонийлашувида, унинг инсон ҳуқуқлари кафолати сифатида танилишида ўз ифодасини топмокда.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Б.Джамиев, тадқиқотчи, ТДПУ

Мана мустақиллигимизни кўлга киритганимизга ҳам 20 йил тўлди. Бу йил истиқлол байрами “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” шиори остида ўтишида чуқур маъно бор. Чунки, миллатимиз, халқимизнинг тарихи буюк, Ўзбекистон деб аталмиш муқаддас Ваганимизнинг келажаги буюк! Давлатимиз раҳбари муҳтарам Ислам Каримов юртимиз ҳақида гапирганда доимо “шу муқаддас замин” деган сўзни алоҳида меҳр, самимий муҳаббат билан тилга оладилар. Ҳақиқатан ҳам юртимиз заминининг ҳар бир қаричи биз учун муқаддасдир.

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий қудратини ошириш, ҳарбий салоҳиятини кучайтириш, юксак маънавиятли ва замонавий билимлар эгаси бўлган баркамол авлодни шакллантириш ҳамда бошқа кўплаб ҳаётий масалаларда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Юрт тинчлиги, Ватан тараққийети, Халқ фаровонлиги умуммиллий ҳолати атрофида жамиятнинг барча қатламларини бирлаштириш ва уни амалга ошириш бўйича салмоқли қадамлар ташланди. Ўзбекистон демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, халқ турмуш даражасини муттасил ошириб бориш йўлида ибрат ва эътиборга сазовор ютуқларни кўлга киритди. Айниқса, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, жамиятимизда қарор топган миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик истиқлол йилларида ўзбек жамияти эришган энг катта ютуқ ва бойликдир.

Мустақиллик туфайли дунё харитасида янги ўзбек давлатининг пайдо бўлиши ва унинг халқаро ҳамжамиятдан муносиб ўрин эгаллаши, халқимиз ва миллатимиз номи жаҳонга танилиши биз учун бекиёс тарихий воқеадир. Истиклол йилларида давлатимиз раҳбари бошчилигида эришилган улкан ютуқларни бугун санаб адоғига етказиш мушкул. Аслида бу муваффақиятлар мевасини ҳар бир фуқаро ўз ҳаётида, oilасида, фарзандлари тақдирида кўриб, билиб турибди.

Ҳозир дунёда геосиёсий ва геостратегик таъсир учун кураш авж олаётган бир паллада Ватанимиз истиқлоли давомида халқимиз ҳаётида содир бўлган кўплаб ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўлмоқдамиз. Шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада чирой очмоқда. Одамлар ўз ҳаётидан рози бўлиб яшамокда. Белгиланган режа ва дастурлар асосида бундай тадбирларни ўтказиш кун сайин кучайиб, унинг кўлами кенгайиб бормокда.

Мамлакатимизда демократик ислохотлар чуқурлашиб боргани сайин, сиёсий партиялар ўртасида ўзаро кураш ва рақобат ҳам кучайиб бормокда. Бу демократик жамиятга хос табиий жараёндир. Шу курашларда партиялар сафида ёшларимизнинг ҳам борлиги ҳаммамизни хурсанд этади. Мисол сифатида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоларига эътибор берадиган бўлсак, партиянинг 120 мингга яқин аъзоси бўлиб, шундан 50 мингга яқини олий маълумотга эга эканлиги ва 55 минг нафари 30 ёшгача бўлган йигит-қизларимиз эканлиги, аъзоларнинг ярмига яқинини эса хотин-қизлар ташкил этиши албатта қувонарли ҳол.

Бугун замон шиддат билан ўзгариб бормокда. Мамлакатимизда барча соҳалардаги ислохотлар чуқурлашиб, демократик янгиланишлар ўзининг сифат жиҳатидан янги поғонасига кўтарилиб бормокда. Энг муҳими фуқароларимиз онг-тафаккурида кечаётган ўзгаришлар силсиласи юртимиз қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Сизу бизни янада масъулиятли, янада ишжонатли, янада ватанпарвар бўлишга даъват қилмоқда. Бундай ўзгаришларнинг туб илдизи эса давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепцияда ва умуман истиқлол йилларида амалга оширилган кенг миқёсли ислохотларда, десак янглишмаймиз.

Мустақиллик инсоннинг жамият ва унинг тараққиёти тўғрисидаги қарашларини тубдан ўзгартирмоқда. Бугунги инсон тафаккури янгича асосда шаклланимоқда. Ўтмишда ягона назарий қолипга солинган жамият тўғрисидаги бир томонлама қарашларни янгича фикрлаш сиқиб чиқармоқда. Инсон тафаккурининг ўзгариши дуёни буткул ўзгача, ҳолисона идрок этишга ундаяпти-ю, жамиятда янгича тафаккурга мос муносабатлар, бошқарув жараёнлари ва томонлари, меъёрлари қарор топмоқда. Бутун мамлакат олдида турган улуғвор мақсадларга эришиш, маънавий баркамол авлодни вояга етказиш ва шу асосда ҳар бир ёшда янгича тафаккур шаклланиши, унинг дунёга муносабати асосида инсонни комилликка элтувчи соғлом фикр, юксак онг ва маданият қарор топиши зарур. Ҳар жиҳатдан етук, баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу йўлда унга ҳалақит бериши мумкин бўлган турли салбий хатти-ҳаракатлар ва иллатлардан инсоннинг сақланиши давр талабидир.

Бу жараёнда маънавий-ахлоқий иммунитетни шакллантиришнинг гоёвий манбаларидан бири бундан уч минг йил аввал Ватанимизда юзага келган зардуштийлик динининг муқаддас манбаси ҳисобланиши “Авесто”дир. Ҳар бир миллат тарихи ва қадриятларини билиш учун, унинг инсоният бағрида қолдирган маънавий жавоҳирларини англамоқ зарур. Ўз маданияти, тарихи ва тақдири узок замонларга бориб тақалувчи Ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданияти зардуштийлик дини билан боғланиши бежиз эмас.

Эрамиздан аввалги минг йилликлар даврида Ўрта Осиё, Эрон ҳамда Ҳиндистонда кенг тарқалган зардуштийлик дини нафақат ўз даври, балки кейинги давр жаҳон маънавий-руҳий тараққиёти тарихида ҳам жуда катта роль ўйнаган.

Айниқса, “Авесто”да инсоннинг руҳий ва жисмоний камолоти эзгуликни кўпроқ ёйиб, ёвузликни бартараф этишга қаратилган ҳаракат сифатида ҳаётнинг бош мақсади эканига урғу берилганлиги диққатга сазовордир. Зардушт фикрича, ўз ҳаёти давомида тўзаллик ва яхшилик, нур ва қувонч йўлида хизмат қилган одам порсо ва ҳақғўй, пок ва адолатли бўлиб, меҳмонларни беғараз кутган, хотинини севиб, ерни, молларни парвариш қилган, одамларнинг мол-мулкига кўз олайтирмаган, табиатни асраб-авайлаб ундан завқ олгани учун у ўлгандан кейин унинг жони ҳам битмас-туганмас роҳат ва фароғатга бурканади.

Гуноҳкорнинг эса жони чикқач, унинг жони боши атрофида тентирайди ва уч кун давомида барча ёмон одамлар тортадиган нохушликни кўради. Уч кундан кейин гуноҳкор жони ўзи бунёд этган ёмонлик ва разолатлар устида учadi. Гуноҳкорни ўлимидан кейин кутаётган нарсa унинг танаси билан жони ўртасидаги ихтилофдир. Қaерда эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу иш уйғунлиги бўлса, ушa ерда олижаноблик ва гўзаллик галаба қозонади, қачонки тана ва жон иифокка учраса, инсон ҳаёти таназзулда, жони эса қилган қилган ёмонликлари жабрини тортиб, азобда қолади. Бундан ташқари, "Авесто"да қадимги бобокалонларимизнинг ҳаёт ва инсон, ахлоқ ва одоб, гўзаллик ва ижод, кишлоқ хўжалиги ва жамиятдаги адолат тўғрисидаги фалсафий мушохадалари ўз ифодасини топган.

Зардуштийликда меҳнат, инсоннинг яратувчилик фаолияти тана ва жондаги барча нопок кучларни қувади. Факат меҳнат туфайли ва яхши амаллар орқали нур ва шодлик оламини қўпайтириш, ҳақиқат, тинчлик ва адолатга эришиш мумкин дейилади.

Ахурамазда одамларни бир-бири билан муроса қилиб яшашни одат қилишлари, гиразгўйлик, ҳасадгўйлик, калондимоглик, шухрастпарастлик, қонунсиз ишлардан ўзларини тийиб юриш учун интилишга чақиради. Берган сўзнинг устидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо-сотиқда шартномаларга амал қилиш қарзни вақтида тўлаш, ёлғончилик ва хиёнатдан ҳоли бўлиш иймонлилик аломатлари эканлиги айтилади. Таналарингизга нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг, яъни аввал маънавий дунёингиз мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукамал бўлиб бораверади, дейилади "Авесто"да.

"Авесто"да наслнинг поклиги, тозаллигига ҳам алоҳида эътибор берилган, қаттиқ назорат қилинган, қариндош-уруғ, ака-уканинг қуданда бўлишига йўл қўйилмаган. Инсоннинг руҳий ва маънавий поклиги зардуштийлик ахлоқининг асосий талабларидан ҳисобланган. Оила ва никоҳ яратувчининг талабига мос келганлиги боис уни бузиш тақиқланган. Агарда оилада эр ёки хотин ахлоқсизлик, яъни бузуқчилик гуноҳини содир этса, ундай кишилар таёқ билан жазоланган. Шу орқали оила мустаҳкамлиги учун курашганлар.

"Авесто"нинг барча қисмлари инсонга ҳурмат туйғулари билан суғорилган. Еру кўкдаги барча ҳаётий нозу нсъматларни севиш ва ардоқлаш инсон учун муқаддас бурч ҳамда вазифа ҳисобланган. Инсон бурчининг бундай юксак қадрланиши, шахсий ахлоқий камолотни бошқаларга хайрихоҳлик туйғуси билан йўғрилиши, ҳақиқий донишмандликка интилиш ҳамда ёлғончилик ва ёмонликка нисбатан нафрат зардуштий ахлоқий таълимоти эришган катта муваффақият эди. Охиратда ҳам ахлоқий пок одамлар разил ва мунофиқларни енгиб, абадий қувонч бағрида яйрайдилар.

Зардуштийлик ривоятларга тўлиб-тошган дунёқарашига қарамай, ҳар нарсада инсонпарварликни, тинчлик ва бунёдкорликни биринчи ўринга қўйиши уни инсоният тарихида, Ўзбекистон халқлари тарихида буюк маънавий мерос сифатида беназир аҳамиятга эгадир.

Хуллас, “Авесто” юқорида таъкидлаганимиздек, аجدодларимизнинг ахлоқий-эстетик қомуси, қадимий урф-одатларимизнинг ўзига хос, абадиятга дахлдор мажмуи сифатида қимматлидир.

Бизнинг ҳозирги кундаги энг долзарб вазифаларимиздан бири аجدодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган бундай маънавий бойликларимизни мазмун-моҳиятини ёшларимиз онгига сиғдириб, улардан ҳолисона хулоса чиқариб, жамиятимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшадиган ҳар томонлама етук комил инсонни тарбиялашдан иборатдир.

Шунинг учун ҳам, шуларни назарда тутиб, Юртбошимиз И.Каримов «Туркистон» газетаси мухбири билан қилган суҳбатида бундай деган эди: «Энди олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача қилиб айтганда, озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир»¹.

Кўринадики, Юртбошимиз етук шахснинг замонавий қиёфасини таърифлаб берган: озод, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, яхши яшаш учун ақлу билимларини ишга сола оладиган, шахсий манфаати билан жамият манфаатини уйғун ҳолда кўрадиган одам.

Демак, етук, баркамол инсон ўз тарихи, ўз халқи, ўтмиши ҳақида ҳақиқатларни билиб олган, иймони бутун, хулқ-атвори намунали шахсдир. Шахс эса жамиятда ибрат бўладиган ишларни амалга оширган онг-шуури, тўғри сўзи, жонкуярлиги билан ажралиб турган обрў-эътиборли одамдир.

Хусусан, юртбошимиз таъкидлаганларидек: “Долзарб вазифалардан бири ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиши масаласи. Нега деганда, ёшлар халқ маънавиятининг муносиб эгаларидир”.

¹ Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-том 304-бет.

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

О.Муҳаммадиева, доц., ЎЗМУ

Мустақил Ўзбекистонимиз босиб ўтган 20 йиллик тарихга назар ташлайдиган бўлсак, жамиятимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар, юксалиш ва тараққиётни кўришимиз мумкин. Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон йўлини тўғри белгиладики, бу йўл бизни ёруғ ва порлок келажак сари етакламоқда. Бу йўлдаги тинчликсеварлик, бағрикенглик, инсонпарварлик, адолатпарварлик тамойиллари тараққиётнинг мезони бўлиб келмоқда. Ушбу мезон ҳаётимизнинг ҳамма соҳасига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бош ғоямиз бўлмиш – озод ва обод Ватан, эркин ва фарвоон ҳаёт қуриш ҳам айнан ана шу мезонлар билан йўғрилган. Биз ўз ғоямиз йўлидан бориб адашмадик. Бугун мустақилликнинг 20 йиллигини нишонлар эканмиз, ўтган йилларни сарҳисоб қилсак, гўё тушга ўхшайди. Қачонлардир, дунё харитасининг бир чеккасида нуктадек бўлган мамлакагимизни 20 йил ичида халқаро миқёсда тап олинди, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин олиши ҳар бир юртдошимизнинг қалбида ифтихор туйғусини уйғотади. Лекин, шу билан бирга, тараққиётимизга тўсик бўлаётган, халқимизни танлаган эзгу йўлидан оғдиришга ҳаракат қилаётган сиёсий кучлар, маънавий-мафкуравий таҳдидлар ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Мустақилликнинг дастлабки йилларида диний экстремизм, терроризм, буюк давлатчилик шовинизми каби мафкуравий таҳдидлар яққол кўзга ташланган бўлса, бугунги кунда улар қаторига “оммавий маданият” ниқоби оситидаги худбинлик, ватапсизлик, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва бошқа шу каби жирканч иллатларни ўз ичига қамраб олган ғоялар маънавий таҳдид сифатида мамлакатимизга хавф тугдирмоқда. Бундай иллатлардан ёшларимизни, юртдошларимизни ҳимоя қилиш ва бу иллатларга қарши курашишда уларнинг маънавий-ахлоқий иммунитетини янада кучайтириш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу ўринда, аввало маънавий-ахлоқий иммунитет тушунчасига тўхталадиган бўлсак, уни қуйидагича таърифлаш мумкин: Маънавий-ахлоқий иммунитет бу инсонларни турли хил маънавий, мафкуравий иллатлар, хавф-хатар ва таҳдидлардан ҳимоя қилишга, уларни ана шундай иллатларга қарши курашишга қаратилган юксак ахлоқий, илмий, сиёсий қадриятларни ўзида ифода этувчи ижтимоий-фалсафий тушунчадир. Ушбу таърифга эътибор берадиган бўлсак, унда ахлоқий, илмий ва сиёсий қадриятлар муҳим элемент эканлигини гувоҳи бўламиз. Ҳар бир юртдошимизнинг қалбида ватанпарварлик, яхшилик, эзгулик, иймон-этикод, виждон, адолат, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, оилапарварлик, меҳр-муҳаббат,

инсоф ва диёнат, ҳаё ва ибо каби туйғуларни чуқур илдиз отиши орқали инсонга хос бўлмаган иллатларга, "Оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдидларга қарши тура оладиган иммунитет ҳосил қилишимиз мумкин. Халқимизнинг инсонпарварлик ва меҳр-оқибатга йўғрилган шундай қадриятлари бор-ки, у қадриятлар бугун милят доирасидан чиқиб, умуминсоний қадрият даражасига кўтарилиб бораётганига дунё гувоҳ бўлмоқда. Айни вақтда маънавий таҳдидларга қарши курашда ахлоқий қадриятлар илмий салоҳият билан уйғунлашганда янада кучлироқ таъсир кучига эга бўлади. Чунки Ватанимизнинг тарихий ютуқлари, давлатимиз танлаган "Ўзбек модели" деб ном олган тараккиёт йўлимизнинг энг тўғри йўл эканлигини, Ўзбекистон дунё тамаддуни бешикларидан бири эканлигини илмий-назарий билиш ҳар бир фуқаро қалбида фахр ва ифтихор туйғусини уйғотадики, бу туйғу Ўзбекистон ва унинг буюк тарихга эга халқи ҳақида ноҳолис ахборотларга қарши курашда, ахлоқсизлик ғояларини оммалашишини олдини олишда муҳим рол ўйнайди. 1997 йил 29 август, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги таҳрирдаги "Таълим тўғрисидаги Қонун ва "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни қабул қилди. Бу таълим-тарбия соҳасида янги босқични бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди. Таълимни узлуқсиз олиб борилиши ёшларимизнинг билим савиясини янада юксалиши учун муҳим омил бўлди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қатор олий ўқув юрғларининг юзага келишида ҳам, айнан ана шу ислохотларнинг таъсири катта бўлди. 1998 йил 24 февралда "Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Бунинг натижасида эса ёш авлоднинг илмий ва касбий салоҳиятини чуқурлаштириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратилишига эътибор янада кучайди. Айни вақтда ана шу ислохотларнинг самараси ўлароқ, ёшларимиз барча соҳаларда етук ва юқори салоҳияти билан ишлаб чиқаришда ўзларининг ҳиссаларини қўшмоқдалар. Мамлакатимизнинг илмий салоҳиятини юксалтиришда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ўзлари шахсий ибрат бўлмоқда, десак муболаға бўлмайди. Бунинг биз дунё халқлари эътирофидан ҳам билишимиз мумкин. Масалан, Президент Ислом Каримовга 1998 йил 6 ноябрь куни Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия кенгаши 155-сессиясининг якуний йиғилишида ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор умуминсоний ва маданий қадриятларни эъзозлаш ҳамда бой илмий меросни ўрганишни рағбатлантиришдаги хизматлари учун Абу Али ибн Сино номидаги олтин медални топширди. 1999 йил 12 апрелда Халқаро фанлар академиясининг Президенти В.Шукунов Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга

мамлакатда фан ва таълимни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун фахрий академик дипломини топширганлиги, 2001 йил 15 январда Ўзбекистон Президенти И.Каримовга М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг илмий кенгаши қарори билан “МДУнинг фахрий профессори” унвони берилди. Президент Ислам Каримовга топширилган юқори мартабали унвон ва илмий даражаларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Буларнинг барчаси фуқароларимиз қалбида юксак салоҳиятли юртбошимиздан фахрланиш туйғусини уйғотиш билан бирга улардан ибрат олишга чақиради. Шунингдек сиёсий қадрият ҳам маънавий-ахлоқий иммунитет таркибида муҳим ўрин тутди. Чунки давлатимизнинг мустақиллиги, қонунинг устуворлиги, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришнинг моҳияти, бир сўз билан айтганда, давлатнинг бош стратегик мақсади бевосита сиёсий ҳаётимиз билан узвий боғлиқдир. Айни вақтда мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида Президентимиз белгилаб берган концепциядаги вазифаларнинг моҳиятида ҳам сиёсий қадриятлар муҳим ўрин тутганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маърузаси қуйидаги соҳаларни ислох қилиш муҳим вазифа сифатида белгиланган:

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш;
2. Суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш;
3. Ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш
4. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш;
5. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш;
6. Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун, аввало ёшларимизнинг, фуқароларимизнинг сиёсий етуклиги, ислохотларга дахлдорлик ва масъулият ҳиссининг юқорилиги, эркинлик, тинчлик, хавфсизлик, барқарорлик, адолат каби сиёсий қадриятларнинг устуворлиги муҳим аҳамият касб этади. Чунки концепцияда белгилаб берилган вазифаларнинг туб моҳиятида инсон омили, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги, олий бахт-саодати ётади. Ўзбекистонни энг ривожланган, кенг тараққий этган давлатлар орасида бўлиши бу – юртнинг тинчлиги, барқарорлиги ва хавфсизлиги, ислохотларнинг изчиллик билан амалга ошиши билан боғлиқ экан, улар ўз навбатида ҳар бир фуқарода маънавий-ахлоқий иммунитетни юксак даражада шаклланганлигини тақозо этади.

АХЛОҚИЙ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ХУСУСИДА

Н. Нишоновна, ф.ф.н., ЎзМУ

Миллий мафкура барча даврларда жамиятни бирлаштириб, ҳаётга тадбиқ қилишда ахлоқий, маънавий асос бўлиб хизмат қилиб келган. Ҳар доим бунёдкор мафкуралар – халқларнинг миллий, ахлоқий анъаналари, умуминсоний қадриятлар, демократик тамойиллар, кучли ахборот технологияларига таянадилар. Лекин жамиятда сиёсий куч ва ҳаракатлар ҳам мавжуд бўлиб, ўз таъсирини мафкуравий воситалар орқали кучайтирмоқчи бўлади.

Ҳозирги даврда “Янги мафкуравий ҳудуд”га эгалик учун кураш фаол ва кўп қиррали бўлиб қолмоқда. Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳолатлар ҳам ушбу жараён туфайли ер кураши бўйлаб тез тарқалади. Натижада маълум давлатлар, сиёсий, молиявий кучлар манфаатларига хизмат қилувчи турли мафкуравий марказлар таъсири кучли сезила бошлайди. Бундай шароитда мустақил эркин фикрга, кучли эътиқодга эга бўлмаган инсон очик ёки яширин мафкуравий таҳдидларга бардош беролмайди.

Шунинг учун ҳам унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Ахлоқий мафкурага бу термин Президент Ислам Каримов томонидан киритилган бўлиб, бошқа ёт ҳолатларни қабул қилмаслик маъносини билдиради. Ахлоқий мафкуравий иммунитетни халқимизнинг бой тарихий мероси, муқаддас динимиз урф-одатларимизга асосланиб шакллантиришни Президентимиз шундай таъкидлайди: “Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур”.¹ Иммунитетнинг шаклланишига ҳаётий ахлоқий ишларнинг барчаси – сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий ва бошқа шакллари таъсир кўрсатади.

Эътиқод мафкуравий иммунитетнинг асосидир. Эътиқод унинг яхлитлиги, бирлиги бўлиб, турли қисмларини бирлаштиради, амалиёт билан боғлаб туради. Ишонтириш жараёни икки босқичдан иборат:

- а) назариянинг мазмуни ва уни амалиётга тадбиқини тушунтириш;
- б) илгари сурилган қоидаларнинг ҳақиқийлигини исботлаш ва уни амалий хатти-ҳаракатларига мос келишига чақириш назарда тутилади.

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият, 2008, 119-бет.

Инсон ишончи дунёкарашнинг асоси сифатида ахлоқий мафкуравий иммунитет орқали инсонни реал ҳаётга муносабатини белгилайди, ижтимоий фаоллигини оширади. Ижтимоий ижод ва фаолликда ишончга асосланган билимлар старли бўлмай, улар ишончни садоқат туйғуси билан бойитишини талаб қилади. Одатда садоқат ғояларга қизиқишдан бошланиб, шахснинг эътиқодига айланиб боради. Садоқат туйғуси ишонч туйғусига нисбатан кучлироқ бўлиб, эътиқод моҳиятига яқиндир. Шу боис ҳам ижтимоий фаолликни ҳаётимиз, жамиятимиз бекалари – хотин-қизлар мисолида кўрсак, Юртбошимиз таъкидлаганидек: “Аёлларни, оналарни асраш керак, дегани – бу фарзандларни асраш, наслни асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир. Ўз умр йўлдоши, аёлини эъзозлаган эркак Ўз зурриёдини, фарзандларини эъзозлаган бўлади”¹ деган ғояни илгари суриши ҳам фикримизнинг далилидир. Демак, улардаги ахлоқий иммунитет наслнинг тозаллигини таъминлайди.

Шу ўринда аёлларнинг соғлиги – фарзандлар камоли эканлигини таъкидлаган ҳолда, мамлакатда улар фаолиятига яна назар ташлайлик.

Ўзбекистон аҳолисининг 52 фоизини, ишчи кучининг 45 фоизини аёллар ташкил этади. Республикамиздаги олий маълумотли мутахассисларнинг 45 фоизи аёллардир. Бугунги кунда Ўзбекистон хотин-қизлари халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида меҳнат қилмоқдалар. Аёлларнинг ҳиссаси тадбиркорлар ва ишбилармонлар орасида ҳам салмоқлидир. Фахр билан айтишимиз мумкинки, “Ўзбекистон қаҳрамони” унвонига сазовор бўлган фуқароларимиз орасида аёлларимиз ҳам муносиб, деб топилган. Шундай буюк унвонга сазовор бўлган аёлларимиздан Бухоро “Зардўз” ҳиссадорлик жамиятининг катта устаси М.Темирова, Наманган вилояти туғруқхонасининг бўлим мудираси О.Қўчқорова, Фарғона вилояти 10-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси М.Мадалиева, Қорақалогистон Республикаси 1-туғруқхона бўлим мудираси О.Саидова, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 273-ўрта мактаб директори М.Исматова, Бухоро вилояти “Бухоротекс” ҳиссадорлик жамияти йигирувчиси М.Раҳматова каби аёлларимиз жамиятимиз равнақиға юксак ҳисса қўшган қаҳрамонлардир.

Аёл оила ва жамиятнинг маънавий раҳнамоси, миллат тарбиячиси бўлиб, у меҳр-муҳаббати, бағрикенглиги билан жамиятдаги мувозанатни, адолат муҳитини сақлаб турган. Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлардан бошлаб хотин-қизларга муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Юртбошимиз Ислон Каримовнинг 1995 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси

¹ Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., Ўзбекистон, 2000, 96-бет.

давлат ва ижтимоий курилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 1998 йилнинг “Оила йили”, 1999 йилнинг “Аёллар йили” деб эълон қилиниши, 1999 йил 17 мартдаги “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шaroитларда ишлаётган аёлларнинг даромадларига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида”ги қарори, 2000 йилнинг “Соғлом авлод йили”, 2001 йилнинг “Onalar ва болалар” йили деб эълон қилиниши, 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2004 йил 30 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори фикримизнинг далилидир.

Шунингдек, сайлов тўғрисидаги мавжуд қонунларимизда Президент ташаббуси билан Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия томонидан хотин-қизларга камида 30 фоиз ўрин ажратиш шарти белгилаб қўйилганлиги ҳам аёлларга бўлган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Аёлларга бўлаётган эътибор уларнинг саъй-ҳаракатига ижобий таъсир кўрсатган ҳолда, жамиятимизнинг янада раванқ топишига кафолатдир. Жамиятда илғор фикрли, маънавий камолот чўққисига эришган аёллар қанча кўп бўлса миллат маънавияти, унинг ахлоқий иммунитети ҳам шунчалик юксак бўлади. Шунинг учун, аввало, аёллар маънавий камолотини таъминлаш ва унинг заминида ёшлар маънавияти пойдеворини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, мафкуравий иммунитетнинг иккинчи қисми қуйидагилардан иборат: а) мафкуравий душман қўллаётган ўзига хос жиҳатларни ўрганиши, тарғибот объекти ҳолатини ўрганиши, тарихий шароитнинг конкрет шароитларини ҳисобга олиши; б) ёт ғояларни кириб келиши ва таъсири даражасини тадқиқ этиш; в) мафкуравий душман хатти-ҳаракатларини фош қилиш эътиборга олинади. Демак, ахлоқий мафкуравий иммунитетни шакллантиришда юқорида санаб ўтилган инсон руҳиятига хос хусусиятларни ҳисобга олиш – вазифаларнинг аниқ бажарилишига хизмат қилади.

Маънавий меросимиздаги тарбиявий ғоялар ривожига бир назар соладиган бўлсак, қанчалик маънавий жавохирларга эга эканлигимизга ишонч ҳосил қиламиз. Улар тубсиз уммон, битмас-туганмас бойликдир. ҳар бир инсон бу уммонга шўнгиганда ўзининг фсъл-атвори, дунёқараши, билим савияси ва бошқа хусусиятларига қараб улуш олиб чиқиши муқаррардир.

Табаррук манбаларимиз бўлиши Қуръон, ҳадислар, аجدодларимиз маънавий мероси ҳисобланган «Қобуснома», «Шоҳнома», «Темурнома», «Бобурнома» каби дурдона асарларни мутолаа қилган ҳар бир инсон тарбиянинг инсон шаклланишидаги муҳим омил эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Тарбиянинг мураккаблиги ҳақида Амир Темур: «Мен фарзанд тарбиялашда давлатни бошқаришдан кўра чуқурроқ мушоҳада, ундан ҳам чуқурроқ донишмандлик кераклигига ишонч ҳосил қилдим», деса. Авлоний: «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида тарбиянинг аҳамиятига «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир», деб катта баҳо беради.

Тарбияни оиладан шакллантириш кераклиги, бунинг учун ота-онанинг ўзи тарбияланган бўлиши кераклиги ҳақида уқтиради.

Инсоният ўзлигини англашга янгича ёндашиши фақат уни ўзига, жамиятга, табиатга муносабатларида эмас, балки унинг фаоллигида илмий амалий, ислоҳий ўзгаришлар содир бўлиб, янгича фикрлаш асосларини эгаллашга қадам қўйди.

Инсон ҳаётида мукамал бўлиб шаклланишида, энг аввало шахс бўлиб шаклланишда тарбиянинг аҳамияти, роли жуда муҳимдир.

Бола тарбияси барча катталарнинг ўз ҳаракати ва ҳаракатсизлиги, гапириши ёки сукут сақлаши ўз ҳиссиётларини намоён этиши ёки уни яшириши орқали бола шахсининг шаклланишига мақсадли ёки беихтиёр таъсир этишидан иборат бўлган ва болада кейинчалик бирор кўринишда акс этиб намоён бўладиган ақлий ва руҳий жараён. Бу жараён гўдак ўз шахсини англашни бошлаган дақиқадан бошланади, ҳаттоки бола ухлаб ётган вақтда ҳам тушида давом этади.

Оила жамиятнинг бир бўлаги. Шундай экан, инсон шахсини шакллантириш оиладан бошланади. Оила мураккаб ижтимоий руҳий муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга келади. Оила тор маиший тушунча эмас, балки у ижтимоий жамоадир. Шу сабабли оилалар бирлашиб жамиятни ташкил этади.

Жамиятдаги ўзгаришлар оилага таъсирини кўрсатганидек, оиладаги ўзгаришлар ҳам жамиятга ўз таъсирини кўрсатади.

Буни биз 1998 йил мамлакатимизда «Оила йили» деб эълон қилиниши мисолида кўришимиз мумкин. Шу муносабат билан ҳукуматимиз ишлаб чиққан тadbирлар оилани ижтимоий муҳофаза қилиш, оилада ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириши, оиланинг ҳукукий таъминларини кучайтириш ва бошқа оилани мустахкамлаш билан боғлиқ масалаларга қаратилди. Президентимиз И.Каримов айтганиларидек: «Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас деб билган. Оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва барқарорлик ҳукм суради. Оила фаровонлиги – миллий фаровонлик асосидир».

Шуни унутмаслик лозимки, фарзандларимизнинг ҳар томонлама камол топиши учун қулай шароитлар яратсаккина оила тарбияси мувоффақиятли бўлиши мумкин. Ёш авлод ҳаётининг кўп қисми қисми оилада ўтади. Шу билан турмушнинг мураккаб муаммолари билан оилада танишадилар. Оиладаги мавжуд анъаналар, урф-одатлар, расм-русумлар ва маросимларнинг ижобий таъсирида йигит-қизлар аста-секин камол топиб борадилар. Анъана ва маросимлар тарбиянинг қудратли куралига айланади.

Келажагимизнинг қандай бўлиши ҳозирги кунда биз тарбияланаётган ёшларга боғлиқ. Бу қонуният оиланинг тарбия борасидаги ҳаракатига ҳам боғлиқ. Оилавий тарбиянинг мураккаблиги шундаки, ҳар бир оила ўзига хос бир олам. У тарбия ишида ҳам ўзига хос хусусиятларни намоён қилади.

Оилавий тарбия ижтимоий тарбия билан узвий алоқада бўлсагина, ўсиб келаётган ёш авлод фаровонлигини таъминлаш мумкин. Оила тарбиясидаги ютуқлар ота-оналарга педагогик билимлар бериш, оилавий тарбия бўйича тажрибалар алмашиши, ота-оналарни тарбиявий қизғин жалб қилишга ҳам боғлиқдир.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандларини тарбиялаш борасидаги бурч ва масъулиятларини чуқур англашларига боғлиқдир. Бундан ташқари нормал оилавий муҳит, ота-онанинг обрўси, тўғри кундалик режим, боланинг китобга ва ўқишга ўз вақтида жалб қилишлари ҳам муваффақият гаровидир.

Кўриниб турибдики, қадимдан ҳам, бугун ва эртага ҳам, бундан кейин ҳам ақилли, фаросатли, тафаккури чуқур, бир сўз билан айтганда камолотли фарзанд тарбиялаш муаммоси долзарбдир. Халқ бундай фазилатли инсонларни севадилар, эъзозлайдилар ва ҳурмат қиладилар.

Бундай тафаккурга бой камолотли фарзанд тарбиясининг сарчашмаси оиладан бошланади. Оила ана шундай табаррук қалъадир.

Оила – вояга етган икки жинснинг севиш, ардоқлаш, хурмат қилиш асосида, ихтиёрий равишда, қалб хоҳиши билан тузилган қонуний иттифоқидир.

Оилани мақсади – икки жинснинг ўзаро қелишуви асосида фарзандни дунёга келтириш ҳамда табиат ва жамиятнинг давомийлигини таъминлаш.

Оилани вазифаси – эр-хотиннинг биргаликда ҳўжалик юритиш асосида оилани таъминлаш ҳамда жамиятга соғлом, ақилли, ҳар томонлама баркамол фарзанд тарбиялаш.

Тарбиянинг асоси оилада шаклланади.

Инсон болаликда олинган тарбияга асосланиб, ўз ҳаётий тарбиясига суянган ҳолда давом этади. Инсон қанча умр кўрса, шунча вақт тарбияланади.

Болани тарбиялаш учун бунга алоҳида вақт ёки жой танлаш ўта шарт эмас. Қуни билан ишда бўлиб, боласи билан ҳаттоки гаплашишга ҳам вақти бўлмаган ота-оналар ҳам фарзандларига жуда яхши тарбия беришлари мумкин ва лозим.

Барча ота-оналар учун фарзандига яхши тарбия беришнинг асосий шартлари қўн эмас. Бунинг учун бола билан муносабатда қуйидагиларга амал қилиш лозим:

- 1) Ўзаро ишонч.
- 2) Ҳолис бўла олиш.
- 3) Унинг мустақил фикрлашига имкон яратиш.
- 4) Салбий ва ёмон нарсаларни қандай бўлса шундайлигича баҳоламаслик.
- 5) Ҳаётдаги ва одамлардаги ёмон кўринишларни болага кўрсатмаслик, ҳеч бўлмаса майин қилиб, текислаб изоҳлаш.
- 6) Унга уддалай олганича эркинлик бериш.
- 7) Ҳуқуқ ва бурч ҳисларини сингдириш.

Ота-она ўз ўрнида ва мавқеи билан қўпинча бола тарбиясига қучли таъсир этади. Бу ҳолатдан жуда оқилона ва эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозим.

Меҳрингиз қанчалик жўш урмасин, болага севимли ўйинчоқ деб қарамаңг.

Инсон, ўз ҳаётида қилиши мумкин бўлган барча ёмонликлар уни ёлғон гапиришни ўрганишдан, иккиюзламачиликдан бошланади.

Болангиз сизнинг гапингизни маъқуллаши, ҳали у ҳам сизнинг гапингизга тўлиқ қўшилади, дегани эмас. Болалар катталар каби мулоҳаза қила олмайдилар.

Барча болалар ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги энг асосий муносабатлар умумлаштирилса қуйидаги шаклларга келади. Бола отасига ёки онасига сирдош. Унга суянчик сифатида ишонади, таянади:

сирдош эмас, лекин суянчик сифатида ишонади, таянади; сирдош, лекин суянчик сифатида ишонмайди, таянмайди. Биринчи тоифадаги фарзандлар ва ота-оналар бир умрга жисмонан ва рухан якин бўлишади, ҳеч қачон ажралиб кетишмайди. Иккинчи тоифадагиларнинг 25 фоизида фарзанд балогатга етиб мустақил ҳаёт кечирishини бошлаганидан кейин ота-оналаридан узоқлашиб кетади.

Учинчи тоифадагиларнинг деярли 100 фоизи фарзанд вояга етиб мустақил ҳаёт кечирishини бошлаганидан сўнг узоқлашиб кетади.

Тарбиянинг самараси режа ва мақсад асосида амалга ошириладиган тарбиявий тадбирлар натижасида яхши хислатлар, хусусиятлар болага нечоғлиқ чуқур ва мустаҳкам пайванд бўлишини аниқлатади. Болага яхши гапларни, яхши ишларни ўргатиш ёки ўргатишга интилиш ҳам бу болани яхши тарбия олди, дегани эмас. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозиргача замонавий педагогика ва психологияда буни аниқ ва ишончли даражада аниқлаш механизми ишлаб чиқилмаган. Буни одатдаги анъанавий усуллар: тестлар, савол-жавоблар ёрдамида барча болаларда ишончли даражада аниқлаш механизми ишлаб чиқилмаган. Буни одатдаги анъанавий усуллар юқорида айтиб ўтилганидек тестлар аниқ билиши жуда мушкул иш. Бунинг асосий сабаби бола ижтимоий мослашишга, атрофдагиларни назарида мақсадга мувофиқ бўлган гапларни гапиришга, намойишкорлик билан шундай ишларни қилишга жуда эрта ўрганиши мумкин.

Тарбия самараси одатда вужудга келган муайян реал шароит ва вазиятда бола ўзини қандай тутиши бирор нарсани қилиши ёки қилмаслиги, бирор гапни айтиши ёки айтмаслиги, бирор хиссиётга берилиб кетиши ёки ўзини тута олиши аниқ ва ишончли даражада аниқланади. Шунинг учун тарбиячининг малакаси, у қим бўлишидан қатъи назар (ўқитувчими, ота-онами, раҳбарми, қариндош ёки шунчаки ганишми), у болага сингдиришга интиладиган хусусият, хислат, қобилиятнинг бола онгида ва дилида ҳақиқатда қанчалик ўрнашиб қолганини аниқлай олишига қараб белгиланади. Эътибор беринг, бу ерда муҳим муайян хислатни болага айттайлик юз фоиз сингдириш эмас, балки, шу ҳаракат ва интилиш йўлида қанчалик мақсадга эриша олди, шунинг ўз вақтида ва ўз ўрнида аниқлай олишда.

Шахс ўзининг эркин амалий ҳаракатларда ва мулоҳазаларида тарғиб этиладиган ҳар қил ахлоқ, тартиб ва этика қоидалари ва меъёрларига жуда қамдан-қам ҳоллардагина эътибор беради, амал қилади. У бундай ҳолларда одатда олган тарбияси ёки тарбиясизлиги натижасида болаликдан онгига, дилига, руҳига сингган қоида ва принципларга суянади. Болани ёмон ёки бефойда нарсалардан ажратиб

муҳофаза қилмаслик керак, аксинча бундай ёмон, зарарли ва кераксиз нарсаларни боладан муҳофаза қилиш лозим.

Дунёда нечта одам бўлса, шунча феъл, ўзининг тарбия даражаси билан фаркланадиган шунча шахс мавжуд.

Умуман олганда, одамларни бир-биридан у ёки бу хусусияти билан фарқлашда амал қилинадиган мезонларнинг тури бениҳоя кўп. Лекин битта хусусият, қобилият борки, у барча замонларда ва барча халқларда инсонларни бир-биридан фарқлашда, уларни ўзаро солиштиришда ва баҳолашда асосий мезон бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бу ҳам бўлса инсонийликдир.

Инсонийлик тушунчасининг таърифи ва унинг мезонлари бўйича инсониятнинг маданий тарихи мобайнида тўпланган қарашлар, фикрлар жуда кўп, бу борада бирор янги гап айтиш бениҳоя қийин. Шундай бўлсада, мазкур эсталикнинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда, инсонийликка бошқа бир муқобил маъно беришга, педагогик тарбия бериш нуқтаи назаридан бу тушунчага бошқача, бир мунча сода, қисқа ва шу билан бирга аниқ ёндашишга ҳаракат қиламиз. Ер юзидаги барча тирик мавжудодлар ҳаётини рефлекслар бошқаради. Рефлекс – бу тирик мавжудодни ташқи ва ички кузатувчиларга жавобан муносабати, реакциясидир. Рефлекслар – шартли ва шартсиз бўлади. Шартли рефлексларга мавжудот ўз ҳаёти мобайнида эгаллаган, ўзлаштирган, ўрганган барча рефлекслар киради. Булар ҳаётини тажриба маҳсулидир.

Мамлакатимизда олий кадрият – инсонни унинг миллати, жинси, иркидан қаъми назар, ҳимоя қилиш, унга ғамхўрлик қилиб қайғуриш, турмушини яхшилаш, қобилиятини намоён этиш учун муносиб шарт-шароитларни яратиш борасида катта ишлар қилинмоқда. Жамият тараққиёти қомил инсонни тарбиялаш нафақат зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш, балки маънавий-маърифий етуклик, ахлоқийликни ҳар бир кишида тарбиялашга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ватанга, ота-онага содиқлик ва фидойилик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Булар заминда ёшларга оилада, таълим масканларида, маҳаллаларда берадиган таълим-тарбия ётади.

Оилада сингдирилган тарбия, Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз И.Каримов бу ҳақда қуйидаги фикрни билдирганлар: «Оила, турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, демократик негизларга асос солинади. Одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва кадриятлари шаклланади... Бу эса энг олий даражада маънавий кадрият, инсон қалбининг гавҳаридир».

Оила ўзида миллий удум ва расм-русумларни, миллий анъаналарни сақлаш, ўрганиш ва наслдан-наслга ўтказиш каби муҳим

вазифани ҳам бажаради. Инсоннинг мустақиллиги, дунёкараши, хулқ-атвори, одоби, ахлоқи, турли миллат вакилларига бўлган қизиқиши ва муҳтожлиги, буларнинг барчаси оилада шаклланади. Ўзбек оилаларда меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, меҳр-оқибат иймонлилик ва руҳий поклик, оилани қуриш ва мустаҳкамлаш, ишга интилиш каби ҳақиқий инсоний фазилатлар ҳар бир одамга она сути билан сингдирилади.

Оила тарбиясида доимий таъсирли куч оилавий тартиб, яъни оила аъзоларининг бир-бирига бўлган муносабати, ота-она ва бошқа катта ёшли қариндошларининг хулқ-атвори, маданий ва сиёсий савияси, муомала маданияти, оиланинг даромади, яшаш шароити каби омиллардир. Оила қанчалик тартибли эканлиги, унинг аъзолари ўртасидаги оммавийлиги кўп жиҳатдан ота-онага боғлиқ. Ота-онага ҳурматда, эътиборда бўлиш халқимизнинг ажойиб қадриятларидан бири деб ҳисобланади. Ота-оналар фарзандларининг хулқ-атвори, ахлоқи, маданияти учун жамоат олдида жавобгардир. Ўз ўрнида фарзанд ҳам ота-онасини намуна деб билиши, ҳурмат қилиши керак. Бола тарбиясида ҳам ўзбекларнинг ўзига хос, ўзига мос бўлган, узок тарих тажрибаси синовидан ўтган ажойиб анъаналари бор. Уларнинг ахлоқ ва одоби ўзбекона тарбиянинг маҳсулидир. Халқимизнинг тарбия борасидаги етук миллий маънавияти ҳамма вақт умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисми бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Ўзбек оилалардаги муҳитни ўзаро меҳр оқибатни шакллантиришда болаларга тўғри тарбия беришда алоҳида ўрни бор. Ўқув масканларида фарзандларимизга тўғри тарбия бериш уларни она-юртига Ватанига фидойилик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бола тарбияси борасида халқимизнинг ўзига хос узок тарихи тажрибаси синовидан ўтган ажойиб анъаналари бор. Ўзидан катталарни, кекса боболар, оталарни, бувиларни ва оналарни ҳурмат қилиш, салом бериш, ёши улуғлар билан одоб-андиша асосида сўзлашиш, бетга чопарлик қилмаслик бунга мисол бўла олади. Негаки ахлоқ маънавиятнинг негизини ташкил қилади. Ахлоқ бўлмаса инсон ижтимоий шахс сифатида шаклланмайди. Етук ахлоқ кишиларда ҳаётнинг мазмуни ва мақсади ҳақидаги тушунчаларни ҳосил қилади.

Ахлоқ инсон ҳаётида ўз-ўзини идора қилиш меъёрларини, бошқалар билан муносабатда бўлиш маданияти ҳалол тўғри турмуш кечириш мезонларини белгилайди. Айнан шу туфайли, таълим-тарбиянинг асосий мақсади ҳар бир шахсда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш ҳамдир.

Жамият маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришда, ахлоқий қадриятларни тиклашда таълим-тарбия соҳаларини аҳамияти бениҳоят каттадир. Одоб-ахлоқ, таълим-тарбия соҳасидаги

кадриятларимиз бизлар учун фақат миллий меросгина эмас, балки инсоний маънавий бойлик ҳамдир.

Оиланинг тарбиявий аҳамияти.

«Оилавий таълим» дастури асосини – болани илк ёшлариданок ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш ташкил этади.

Оиланинг бола тарбиясида роли ниҳоятда бекиёсдир. Доимий келишмовчиликлар, оила ва атроф-муҳит ва норозилик, ишдаги тушунмовчиликлар ва ҳоказолар буларнинг барчаси субъект руҳиятини жароҳатлайди ҳамда у мавжуд вазиятни ўзгартиришга уринади. Бу ўринда ижтимоий институтларда камчиликлар, шу жумладан зиддиятлар ривожланишининг олдини олувчи ва уларга қарши курашувчи ижтимоий назорат тизимлари ҳам мавжуд.

Агар назоратни якка шахс амалга оширса, ижтимоий тавсифга эга бўлади ҳамда ижтимоий назорат дейилади.

Ижтимоий назорат вакиллари инсонлар хулқ-атворини бошқаришнинг энг муҳим воситаси бўлиб, девиант хулқ атворнинг олдини олишда ҳам ушбу жамоаларнинг ўрни катта бўлади.

Инсон тарбиясида энг биринчи ва энг муҳим ижтимоий назорат институт бу – оиладир. Фарзанд тарбиясида ва баркамол авлод тарбиясида соғлом оила муҳитининг ўрни каттадир.

Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, кадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади. Инсон хатти-ҳаракати, хулқ-атвори ва фаолиятини таълим муассасалари, маҳалла, меҳнат жамоаси, умумдават миқёсида эса, қонунни муҳофаза қилиш органлари ҳам назорат қилиб боради ва ушбу шахсга нисбатан ижтимоий назорат институтлари вазифасини бажаришади.

Баркамол авлод тарбиясида кучли фуқаролик жамиятни барпо этишнинг муҳим жиҳатларидан бири соғлом авлод тарбиясидаги алоҳида эътибордир.

Мамлакатимизда ўтган 20 йил давомида бу борада катта тажриба тўплаганини таъкидлаш жоиз. Зеро, мустақиллигимизнинг дастлабки ишлариданок соғлом авлод тарбияси устувор вазифа деб белгиланган. Баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Аслида юксак марраларни кўзлаган ҳар қандай мамлакатнинг ёшлар таълим тарбияси билан боғлиқ масалаларга жиддий ёндашиши табиий. Чунки таълим-тарбия ҳар бир шахснинг аклий, маънавий руҳий ва жисмоний камолотида муҳим аҳамият касб этади. Барча кўзланган мақсад ва вазифаларга таълим-тарбия орқали эришилади. Шундай экан, олдимизда турган эзгу ва улуғ мақсадларимизнинг барчаси, аввало

ўсиб-улгаяётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ.

Жамият таракқиёти узлуксиз равишда моддий ва маънавий бойликлар яратишни тақозо этади. Бунда тарбия, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга. Зеро, тарбия орқали буюк аجدодларимиз қолдирган бой маънавий меросга авлодлар ворислиги таъминланади. Бошқача айтганда, янги авлод ўтмиш тажрибаларини ўзлаштирибгина қолмай, уларни янада бойитади.

Ҳозирда ўтказилаётган таълимни яъни ёшларни савиясини ошириш учун кўп йиллардан буён ҳаракат қилинмоқда. Мамлакатни модернизация қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар халқ руҳияти, унинг маънавий эҳтиёжлари ва кундалик турмуш тарзи талабларидан келиб чиқмоқда. Буларнинг барчаси фуқаролар хизмати. Бошқача айтганда, фуқаролар давлатга ишонч ва ҳурмат билан қарашмоқда. Чунки улар ўз тақдирини, фарзандлари келажагини давлат истикболи билан уйғун ҳолда кўраётир. Давлатимизнинг маънавий қудрати ҳам ана шунда.

Баркамол авлод тарбиясида оиланинг ўрни ниҳоятда катта. Чунки халқимизда бир ажойиб нақл бор: «Қуш уясида кўрганини қилади». Бу нақл тагида бир олам маъно англаш, тўғри фикрлай олиш, жисмонан ва маънан соғлом ва тафаккурли бўлишида оила биринчи мактаб ҳисобланади. Сўнгра болага атроф-муҳит ҳам ўз таъсирини ўтказади. Бунда аввало маҳалла, мактаб, қариндош-уруғ ва бошқалардир.

Баркамол авлод тарбиясига ҳозирда Республикамизда жиддий эътибор берилмоқда. Чунки шу элнинг кейинги тақдири шу етишиб келаётган баркамол авлодга боғлиқ.

Болани ёшлигидан ёлғон гапирмасликка, энг муҳими тўғри фикрлашга, дунёқарашини бойитишга ҳаракат қилиш керак.

Оиланинг роли шундаки, инсон туғиларкан то уни жамиятга йўналтиргунча тарбиялаш ва ундан кейин ҳам доим тўғри йўл кўрсатиб туришидир. Оилада масъулият, албатта ота-она зиммасига тушади.

Жамиятда энг кичик давлат бу оиладир. Ундан туғилган фарзандлар етук шахс бўлиб етишиши учун биринчи галда оила асосий ва муҳим ўрин касб этади.

МАЪНАВИЙ-АХЛОКИЙ ИММУНИТЕТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯНГИ АВЛОД КАДРЛАРИНИНГ ЎРНИ

Р.Халимметова, ТДПУ

Жамиятнинг сиёсий ҳаёти яхлит тизим бўлиб, турли элементлардан ташкил топган. Бу элементлар орасида давлатнинг ўрни алоҳидадир. Зеро, жамиятнинг сиёсий ҳаётини давлатсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки унда айнан турли социал кучлар, айниқса, миллий кадрларнинг ижтимоий-сиёсий манфаатлари туپланиб, бошқарув жараёнида намоён бўлади. Шундай экан, давлатнинг моҳиятини англаш, унда миллий кадрларнинг ўрни ва мавқеини билиш, назарий-методологик ўрганиш сиёсат фалсафаси учун ҳам муҳим сиёсий ва ижтимоий масаладир. Давлат ўзининг демократик тамойилларига асосланган ҳолда, аста-секин фуқаролик жамиятига ўтиши жараёнида туб ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошидан кечиради. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари тамойили, бир томондан, кадрлар давлат сиёсати, иккинчидан, турмуш тарзининг ижтимоий оғига таъсири билан бевосита боғлиқ. Фуқаролик жамияти таъкидлаганимиздек, ҳуқуқ ва демократияга асосланган ижтимоий ҳаётнинг зарур оқилона усули, инсонга унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти шакллариини эркин танлаш кафолатладиган, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари қарор тонадиган, кўншартиявийлик, сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминладиган ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органларининг мавқеи баланд бўлган ижтимоий тузумдир. Тараккий этган Ғарб давлатлари, балки Япония, Жанубий Корея, Малайзия каби ривожланган Шарқ мамлакатлари ҳам эркин ва фаровон ҳаёт қуришга интиломоқда. Улар демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, ўз миллий маданиятини шакллантириш орқали ўз мақсадларига эришмоқдалар. Демак, Ўзбекистон ҳам демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришни ўз олдиға мақсад қилиб қўйганлигининг мазмун ва моҳияти ҳам шуанда. Маънавият билан алоқадор бу масала, аввало, мамлакатда кадрлар масаласини ҳал этишға боғлиқ. «Бошқарув тизимининг асосий, ҳал қилувчи жойларида замонавий фикр юритадиган, ўз халқни, ўз Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, юқори малакали кадрлар ишлаши лозим»¹. Демак, ҳар қандай жамият таракқиёти етук янги авлод кадрларига бориб тақаллини табиий. Президентимиз И.Қ.Каримов сўзлари билан айтганда: «Кадрлар тайёрлаш

¹ Каримов И. Биз келажикимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 3-Т. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б.387.

бўйича Миллий дастурни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш, ҳеч бир муболағасиз, стратегик мақсадларимиз — фаровон, қудратли, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи зарур»¹. Ана шу сабаб кадрлар масаласи миллий камолотимизнинг бош стратегик асослари, мустақил давлатимизнинг XXI аср бошларидаги ривожининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Янги авлод кадрларига доир давлат сиёсати ва унинг амалий ижроси, энг аввало, соҳани тубдан ислоҳ қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларида аниқ белгилаб олишни тақозо этади. Бу Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда унинг асосида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзининг ҳуқуқий мақомига эга бўлди.

Конституцияга кўра, демократик умуминсоний тамойилларга асосланган Ўзбекистонда инсон ҳаёти, эркинлиги, маърифати билан боғлиқ дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланиб, «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга...» (29-модда).

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» алоҳида ўрин тутаяди ва унга миллий истиклол гоёси ва мафкурасининг таркибий қисми сифатида қаралмоқда. Зеро, демократик ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни ҳам шуни тақозо этади. Президент И.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» асарида таълим тизимида доир кўрсатмалар, яъни кадрлар тайёрлаш бўйича берилган ижтимоий буюртма «Таълим тўғрисида»ги қонун билан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ривожлантирилиб, мантикий узвий яхлитликнинг бир бутун муштарак мундарижасини ифода этиб, таълим соҳасидаги давлат сиёсатида ҳам у ўз ифодасини топди. Ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган мазкур қонун ва дастурда фуқаролар, ёшлар, жумладан, бакалавр ва магистрларга таълим-тарбия бериш, уларни касб-хунарга ўргатишнинг ҳуқуқий асослари, кадрлар тайёрлаш миллий моделини руёбга чиқаришнинг асосий тамойиллари белгилаб берилди. «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари мустаҳкамланди: 1) таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги; 2) таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги; 3) давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги; 4) таълим дастурини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув; 5) билимли бўлишни ва

¹ Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қуралиш. — Т. 7. — Т.: Ўзбекистон, 1999. — Б.381-382.

истеъдодни рағбатлантириш; 6) таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш¹.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги қонун қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, бу тамойиллар унда ўз аксини топган. Дастур миллий тажрибанинг таҳлили ва жаҳон таълим тизимидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истикбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган. Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, билим ва касб-хунар соҳаларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутати.

Янги авлод кадрларини тайёрлаш ва таълим тизимини тубдан ислох қилиш борасида қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар юзага келди. Айниқса сўнгги йилларда миллий дастур мақсадларини амалга ошириш учун қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004–2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 19 февралдаги фармойиши, «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги 2004 йил 21 майдаги фармони таълим ривожи миллат, халқ тақдири, келажагига дахлдор эканини кўзда тутди. Кадрларнинг илк ёшлик даврлариданок замонавий таълим-тарбия олиши учун муносиб шарт-шароит яратишга қаратилган бу каби саъй-ҳаракатлар миллатимиз, халқимизнинг буюк келажагини, билимдон, истеъдодли ёш кадрларни ўйлаб, узоқни кўзлаб амалга оширилган ишлардир.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» сингари китобларида кадрлар тайёрлаш масаласи бўйича ўтган йиллар мобайнида республикада қилинган ишлар таҳлил этилиб, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ёшлар тарбиясидаги ўрни чуқур ёритилиб берилди. Ёшлар, айниқса, турли

¹ Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Шарк, 2001. – Б.4.

касбга эга бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш, тарбиялашда Юртбошимизнинг ушбу асарлари бизга дастуруламалдир.

Бугунги бакалавр ва магистрлик даражасидаги замонавий янги авлод кадрлари демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш таълим-тарбия тизими билан боғлиқ эканлигини, юқори технологияга асосланиб, барпо этилаётган постиндустриал жамият республика саноатининг ҳозирги ва эртанги эҳтиёжларига тўла жавоб бера олишини тушуниб етган мутахассислардир. Бу, аввало, «Ўзбекистон- келажаги буюк давлат». Ўзбекистон — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир¹. Миллат, Ватан, халқ истикболи деган тушунчалар, янгича дунёқараш кўплаб янги авлод кадрларининг қалбидан жой олганлигидандир. Ижодий фикрлаш, илмий тадқиқотларни олиб бориш, уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш қобилиятига эга бўлишлик хислатлари ўз мутахассислигини тўлиқ эгаллаган кишиларгагина хос. Янги авлод кадрларининг ташкилотчилик қобилияти, илмий жамоалар фаолияти, ижодий меҳнатни юқори даражада ташкил қилиш илмий тадқиқотларнинг Ватан, миллат, хўжалик равнақи учун зарурлигини тушуниш ва уларни ташкилий, ҳуқуқий-иқтисодий томондан таъминлашни талаб этади. Шу билан бирга, кадрлар иқтисодий билимларга эга бўлиш, моддий, маънавий, интеллектуал ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишни ўзлаштириши ҳамда руҳий тайёргарликка эга бўлиш ўта муҳимдир.

Янги авлод кадрларини тайёрлашнинг сифати, эркин фикрловчи шахс-фуқарони камол топтириш қимлар таълим ва тарбия беришига боғлиқ. Умуман, ислоҳот йилларида Олий Мажлис XIV сессиясида таъкидланганидек, биргина ўрта махсус касб-хунар таълими учун 86 та янги муҳандислик-педагогик йўналишлар бўйича 50 мингдан ортиқ педагог кадрлар тайёрлаш лозим бўлади².

Илмий изланишларимиз шуни кўрсатдики, давлатнинг кадрлар сиёсати жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий жараёнларидаги туб ўзга ришлар билан узвий боғлиқ бўлиб, у қуйидаги жиҳатлари билан характерланади: биринчидан, ҳар бир жамият сиёсий, ижтимоий, иқтисодий тизимга мувофиқ тарзда муайян кадрларни тайёрлаш механизмини яратади; иккинчидан, янги авлод кадрларини тайёрлаш нафакат ижтимоий-иқтисодий, шунингдек, сиёсий, маънавий-маърифий аҳамият касб этади; учинчидан, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши, бозор ислоҳотлари вазифаларини амалга ошириш жараёни доимо юксак малакали кадрларга эҳтиёж сезади. Жамиятнинг ривож ва истикболи кадрлар салоҳиятли билан бевосита

¹ Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. —Т.1. —Т.: Ўзбекистон, 1996. — Б.44.

² Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. —Т.7 —Т.: Ўзбекистон, 1999. — Б.396.

боғлиқ бўлади; тўртинчидан, янги кадрларнинг малака даражаси, ҳаётини позицияси, сиёсий оғиш маданияти, улар фаолиятида амал қилаётган тамойиллар жамият ривожига бевосита таъсир кўрсатади; бешинчидан, жамият ривожини ва асосларининг ўзгариши билан кадрлар олдида қўйиладиган талаблар ҳам янгиланиб боради. Зеро, «одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг қўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда»¹ кадрлар сиёсати масаласи алоҳида ўрин тутади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўйга чиқариш миллий ва умуминсоний кадриятларни уйғунлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга имконият яратди. Фуқаролик жамияти, аввало, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият олдидаги мажбуриятлари тенг ҳамда уйғун бўлишига асосланади. Миллий дастур инсоннинг қурилажак фуқаролик жамиятидаги фундаментал ҳуқуқларидан бирини, яъни билим олиш, ўз интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳуқуқини амалга оширишнинг негизидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин олишига имкон беради. Жумладан, сиёсий соҳада мамлакатимизда қулай халқаро муносабатлар муҳитини шакллантириш, халқаро алоқаларни кучайтириш, чет элликлар билан илмий-техникавий муносабатларни яхшилашда катта роль ўйнайди.

Иқтисодий соҳада эса мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида тенг ҳуқуқли иштирок этишини таъминлаш билан бирга, жаҳон иқтисодиётини асосий тармоқларидан муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашади. Аслида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, унинг ўзаги бўлган миллий модель ҳам очик ривожланиб боровчи тизим бўлиб, халқаро ва республикамиз тажрибасидан кенг фойдаланиш имконини вужудга келтиради.

Миллий кадрлар тайёрлаш сиёсатининг назарий-методологик асосини буюк алломаларимиз, шунингдек, Ўрта Осиёнинг асарлари ташкил этиб, у жаҳон маданияти, маърифати, тафаккури, ахлоқ-одобининг юраги бўлган фикрлар ва ғояларни ўз ичига камраб олади. Зеро, етук кадрлар тайёрлаш, уларнинг таълим ва маънавий тарбиясида сиёсий фанларнинг ўрни, роли бекиёс бўлиб, ишлар, янги авлод кадрларининг ижтимоий-сиёсий онги, назарий қарақчалари ва уларнинг ижтимоий амалиёти билан узвий боғлиқ.

¹ Каримов И. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т.: Ўзбекистон, 2005. — Б.40.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, айниқса, уни амалда рўёбга чиқариш ижтимоий жараёнларга узлуксиз таъсир кўрсатиб боради.

Биринчидан, миллий дастурнинг амалга оширилиши жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муҳитга ижобий таъсир кўрсатади. Бу, ўз навбатида, давлатни бошқариш ва ижтимоий ҳаётда демократик асосларнинг шаклланишига олиб келади.

Иккинчидан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш шахснинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олиш жараёнини тезлаштиради¹.

Учинчидан, таълимнинг миллий моделини амалга ошириш жамиятда эркин фикрлайдиган шахснинг шаклланишига олиб келади.

Тўртинчидан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамиятнинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш омили сифатида катта аҳамиятга эга.

Бешинчидан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури рўёбга чиқариш миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролик жамияти асосларининг шаклланиши ва ривожланишига ёрдам беради.

Олтинчидан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга ошириш Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин олиши ва мавқеининг юксалишига ҳисса қўшади.

Еттинчидан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллий истиқлол ғоясининг таркибий қисми бўлиб, ҳар иккаласи ҳам давлат сиёсати асосида иш юритиб, комил инсон тарбияси, етук, замонавий янги авлод кадрларини тайёрлашга қаратилган муштарак мақсадларни амалга оширади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш сиёсати Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг таркибий қисми бўлиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир шароитда унинг илмий-назарий, яъни ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий жиҳатларини тадқиқ қилиш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир. Чунки янги авлод кадрларини тайёрлаш сиёсатини амалга ошириш натижасида олий таълим тизими ва уни ислоҳ қилиш мамлакатда меҳнат бозорининг алоҳида ўзига хос хусусиятлари ва талабларидан келиб чиқмоқда, олий техника ўқув юртларида давлат таълим стандартлари яратилмоқда, илмий-муҳандис кадрлар тайёрлашнинг кўп босқичли тизими вужудга келтирилмоқда ва унинг узлуксизлиги таъминланмоқда. Шу билан бирга, илмий муҳандис кадрлар тайёрлашда кўп даражали давлат ва нодавлат таълим тизимини ташкил этиш, олий маълумотли мутахассисларни ўқитишда уларнинг фундаментал тайёргарлигига

¹ Курбонов Ш., Сейтхалилов Э. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашулар. –Т.: Академия, 2002. – Б.205-210.

алоҳида эътибор бериш, таълим тизимининг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаш ишларини такомиллаштириш учун имкон даражасида чоралар кўрилмоқда.

Мамлакатимизда маънавий-ахлоқий ва ғоявий-сиёсий тарбияга алоҳида аҳамият берилаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 апрелдаги «Республика маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ марказини ташкил этиш тўғрисида»¹ги, 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»¹ги, 1999 йил 3 сентябрдаги «Республика маънавият-маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»¹ги Фармонлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 июндаги «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»¹ги, 1996 йил 27 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази қошидаги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»¹ги, 1998 йил 24 июлдаги «Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ги қарорларининг ҳаётга татбиқ этилаётганлиги яққол исботлайди.

Хусусан, 1996 йил 27 сентябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан барча ўқув муассасаларида маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар муовинлари лавозимларининг ҳамда мазкур ишларни мувофиқлаштирувчи бўлимларнинг таъсис этилганлиги мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, унинг келажаги бўлган баркамол авлодни, жумладан, ҳар томонлама етук бакалавр ва магистр кадрларни тарбиялаб етиштиришда ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий тарбиянинг ўрни ва роли нақадар юксаклигини кўрсатиб турибди.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг таълим йўналиши мустақил Ўзбекистонимизнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ташқи сиёсат соҳаларида эришаётган ютуқларини талабаларга тушунтириш, уларни шу фаолиятда иштирок этишга тайёрлаш, замонавий назарий билимлар билан қуроллантириб, кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, сиёсий ва ҳукукий маданиятини шакллантириш, мустақиллигимизнинг муқаддас белгилари, тараққиётимиз тамойиллари, уларнинг мазмуни ва моҳияти тарихимиз, маданиятимиз, адабиётимиз, тилимиз, миллий қадриятларимизни сингдириш орқали ўзлигини англаган ҳақиқий ватанпарварларни камол топтиришга қаратилган. Ушбу жараённи янада кучайтириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни

¹ Отамуротов С. ва бошқалар. Маънавият асослари. –Т.: 2000. – Б.38.

ташқил этиш тўғрисида»ги ва 2001 йил 18 январдаги «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича ўқув дастурларини тайёрлаш ва таълим тизимида жорий этиш тўғрисидаги» Фармойишларига¹ кўра бу фанлар ўрта умумтаълим мактаби, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ва олий ўқув юртларига жорий этилди. Бу фанларни ўрганиш жараёнида талаба ёшлар мустақиллигимизни мустаҳкамлашни, бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг муаммоларини, бугунги таракқиётимизга дастуруламал бўлиб хизмат қилаётган Президентимиз асарлари, нутқларидаги гоёларни чуқур ўрганади ва муаммоларни ечишга, гоёларни амалга оширишга тайёрланади. Шу билан ҳам ижтимоий-гуманитар фанлар маънавий ва маърифатли юртимиз келажак авлодини тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш масаласи бугунги куннинг долзарб вазифасидир². Халқаро майдонда мафкуравий, гоёвий ва инфор­мацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташқил этиш кўзда тутилган. Ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ёш-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тиш-осойишта ҳаётимизга ҳавф туғдириш мумкин бўлган таҳдидларга қарши изчил кураш олиб бориш лозим. Мазкур қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат қенгаши ҳузурида икки тузилма: Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази ва Республика Маънавият тарғибот маркази ташқил топди. Бу жараёнлар эса, ўз навбатида, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда белгиланган вазифалар билан чамбарчас боғлиқдир. Шунга эришиш лозимки, ҳар бир фуқаро, талаба ёш мутахассис ўзига савол бериб, «Мен жамият, Ватан учун нима қилдим», деб ўйласин ва мамлакатимиз таракқиёти, юрт равнақи, гуллаб яшнашига ўзининг муносиб улушини қўша оласин. Шундагина «Кучли давлатдан – кучли

¹ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари бошқармасининг жорий архиви материаллари.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори // Халқ суҳби, 2006 йил 26 август.

фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ойдинлашади ва уни амалга ошириш тезлашади.

Миллий истиқлол ғоясини шакллантириш жараёни узок ва мураккаб бўлиб, бир томондан, барча давлат тузилмалари, тармоқ вазириликлари ҳамда ижтимоий-сиёсий жамоат, оммавий ҳамда нодавлат ташкилотларнинг, айниқса, узлуксиз таълим тизими институтларининг сиёсий ва маънавий фаоллигини талаб этса, иккинчидан, ягона тарбия тизимини барпо этиб, уни шакллантиришни тақозо қилади.

Демак, ёшлар, жумладан, талаба ва магистрларнинг маънавий юксалиши натижасида уларнинг ўз кучи, имконияти билан озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, демократик, фуқаролик жамияти қуришга бўлган ишончи кучаяди. Маънавий салоҳияти юксак миллат ва унинг ёшлари буюк давлатни кура олади.

Демак, юксак маънавий-ахлоқий кадриятлар ва миллий анъаналарни ҳаётга жорий этиш масаласининг Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилиши жамиятимизни янгилашга, жаҳон демократик ҳамжамияти билан интеграциялашувга интилаётган мамлакатимизнинг янги кифоаси ва фуқароларимизнинг янгича тафаккурини шакллантиришга хизмат қилмоқда¹.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИНИНГ АҲВОЛИ

А. Эгамбердиев, тадқиқотчи, ГулДУ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, XX аср бошлари ва ўрталарида юртимизда рўй берган қатағонлар натижасида қурбон бўлган халқимиз фарзандларининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган “Шаҳидлар хотираси майдони” меъморий мажмуаси бунёд этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майдаги Фармойишига мувофиқ мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси ташкил этилди ва “Шаҳидлар хотираси хайрия жамғармаси” тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги 2001 йил 1 май фармони ҳам мустабид тузум йилларида қатагон этилган фидойи ватандошларимизнинг хотирасини тиклашга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 8 ноябрдаги Қарорига мувофиқ ЎЗР ФА “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи мустақил илмий-тадқиқот муассасаси сифатида ташкил этилди.

¹ Каримов И. Биз танлаган йул – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йули. –Т.11. –Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б.215.

2000 йилда эркесвар аждодларимиз қатл қилинган Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Бўзсув бўйидаги масканда “Шахидлар хотираси ёдгорлик мажмуаси” қад ростлади. 2002 йилдан бошлаб Президент И.Каримовнинг “Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш ҳақида”ги Фармониға кўра халқимиз ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида эрк учун шахид бўлган аждодларимиз хотирасиға ўз ҳурматини изҳор этиб келмоқда. Мустақил тузум давридаги оммавий қатагонлар туфайли қурбон бўлган, инсонлик шаъни, кадр-қиммати топталган ватандошларимизнинг ҳурмати ва хотирасини эъзозлаш, ёш авлодининг она Ватанға мухаббат, садоқат туйғуларини кучайтириш борасида “Қатагон қурбонлари хотираси” музейининг муҳим аҳамиятға эға эканини назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2008 йил 5 майдаги Қарорига биноан “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи фаолияти янада такомиллаштирилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва унинг рафикаси Саида Зуннуновалар хотирасиға хайкал ўрнатилди. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданок тарихий адолатни тиклаш. Ватан озодлиги ва халқ бахт-саодати йўлида шахид кетган аждодлар хотирасини ёд этиш ишиға катта эътибор берилди.

Тарихимизға назар солсак, иккинчи жаҳон уруши тугагач, орадан кўп ўтмай, Ўзбекистонда яна бир қатагонларнинг янги тўлкини кириб келди. 30 йиллардаги қатагонлар асосан партия, совет, хўжалик ва ҳарбий кадрларға қаратилган бўлса, 40 йиллар охири ва 50 йиллар бошларидаги оммавий қатагонлар маданият ва фан соҳаси ходимларига қаратилди. Бу қатагонлар учун марказнинг 1946-1948 йилларда айрим санъат ва бадний асарларни синфийлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб танқид қилган қарорлари ғоявий асос бўлиб хизмат қилди. Шу вақтдан эътиборан адабиёт ва санъатнинг ижодий, демократик тараққиёти узок йилларгача сусайиб қолди, жойларда ўзгача фикрлашға барҳам берилди бошланди.

1949-1952 йилларда кўнгина машҳур ўзбек ижодий зиёлилари асоссиз равишда айбланиб, қатагон қилинди. Ўзкомпартиянинг 1949 йил 25 июндаги бюро мажлисида бир гуруҳ ёзувчилар миллатчиликда, эски феодал маданияти олдида бош эгини, ўтмишни идеаллаштиришда айбланди. Ойбек, Абдулла Қахҳор, Мамарасул Бобоев, Миртемир, Шайхзода каби ўзбек ёзувчилари бадном қилинди. 1951 йили августда бир гуруҳ атоқли ижодкор зиёлилар “миллатчилар”, деб матбуотда ноҳақ танқид қилинди, “бузғунчиликда” айбланди. Кейинчалик ёзувчилардан Шайхзода, Шукрулло, Шухрат, Саид Аҳмад ва бошқалар узок муддатға озодликдан маҳрум этилди.

Умуман олганда, ўзбек маданияти, илм-фани, санъат ва адабиёт ахлиға муносабат ўзгариб борди. Ўзбек халқининг маънавий мероси,

миллий кадриятлари яна бир бор оёкоти қилинди. Тарихий ўтмиш ҳам, замонавий ҳаёт ҳам коммунистик мафкура, синфийлик нуктан назардан туриб кўпол равишда бузиб баҳоланди. Натижада бу даврда маънавий ҳаётга, фалсафий ва бадий тафаккурга, маданиятга катта зарар етди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ўша замонлардаги катагонларни тилга олиб, шундай ёзади: “Совет мафкуриси ҳукмрон бўлган замонларда бу ҳақда сўз очиб, кўхна ва бой тарихимизга бундай муносабатда бўлиш “тарихни идеаллаштириш” деб танқид қилиниб, тазйик ўтказиб келганини ўша даврларни бошидан кечирган, коммунистик мафкура жабрини тортган ёши улуг адибларимиз, албатта яхши эслайдилар”¹.

Ўзбек халқи учун энг даҳшатлиси миллий, диний, тарихий кадриятлардан жудо бўлганлигида эди. “Ягона совет халқи”, “интернационал тил” тўғрисидаги уйдирма назариялар адабиёт ва санъатдаги “шаклан миллий, мазмунан социалистик” асарларнинг яратилиши халқимизни азалий кадриятларидан маҳрум этди. Миллий адабиёт ва санъатнинг аҳволи қийин ва номутаносиб ҳолатда эди. Шахсга сизинишнинг рутубатли иқлимига қарамай ижодий ҳаёт сўнмади, ёзувчилар ва адабиётшунослар қатори кенгайди.

Марказнинг кўрсатмаларига асосланиб, республиканинг партия органлари ижодий зиёлиларга қарши кураш олиб бордилар. Уларнинг асарларидаги миллий ғоялар уларни айблаш учун фойдаланилди. Ёзувчи ва шоирларнинг асарларида ўрта аср ва ишқилобгача бўлган даврдаги халқ тарихини, маданиятини бадий тасвирлаш – ўтмишни қўмсаб, идеаллаштириш деб айбланди ва уларга “миллатчи” деган тамгалар ёпиштирилди.

1951 йил августда республика матбуотида “қатор шоир ва ёзувчиларнинг ижодида мафкуравий оғишлар” мавзусида мақола чоп этилди. Унда Туроб Тула, Камтар Отабоев, Миртемир, Собир Абдулла, Ҳабибий каби ижодкорлар миллатчиликда ва пантуркчиликда айбланиб, танқид қилиндилар. Шунингдек, Ойбек, Х. Зарифов, Х. Ёкубов, Саид Аҳмад, И. Султонов ва бошқалар “Ўзбек совет адабиёти вазифаларидан четда туриш”да ва “жиддий ғоявий хатоликлар”га йўл қўйганликда айбландилар.

Шахсга сизиниш шароитида ижодий фикр, хурфикрлилик бўғиб қўйилди. Чуқур илмий тадқиқотлар ўрнини Сталин асарларидаги ғоялардан четга чиқмаган, саёз ёзилган илмий рисоалар эгаллади. Тарихий асарларда барчага маълум фактлар, маълумотлар китобдан китобга кўчиб юрди, архив ҳужжатларига асосланган асарлар ёзилмас

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч – Т., Маънавият, 2008. 176 б.

эди. Олимлар ва зиёлиларга эса бўлаётган воқеаларга нисбатан эркин фикр билдириш ҳукуқи берилмаган эди.

Ўша даврда партия МҚ ташаббуси билан фалсафа ва иқтисодий фанлар бўйича мунозаралар уюштирилди, улар ўша давр руҳида ўтди. Партия мафкура муассасаларининг кўрсатмаси билан мунозараларда ўз асарларида “марксизм-ленинизмнинг асосий принципларидан” чекинишга йўл қўйган ижтимоий фанлар вакиллари, уларнинг қарашларидаги субъективизм ва шу қабилар танқид қилинди. Партия МҚнинг “мафкуравий масалаларга доир” бу йўл-йўриқлари ва уларнинг амалда рўёбга чиқарилиши адабиёт, санъат ва ижтимоий фанларни демократик асосда ижодий ривожлантиришга кўп йиллар мобайнида тўсик бўлди. жойларда ижодкор ва илмий зиёлиларнинг бошқача фикрловчи вакиллари йўқ қилишга олиб келди.

Ўзбекистон ва шoirлардан кимда-ким ўз ижодида ўз халқининг тарихий саҳифаларига мурожаат қилган бўлса борми, уни дарҳол феодал ўтмишни “идеаллаштириш”да айблашар, унга “миллатчи” ёрлиғи ёпиштирилар ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатларга дучор қилинардн. Коммунистик мафкура миллий ўзлиқни англашни онгли равишда “миллатчилик” билан аралаштириб, ҳаёсизларча, далил-исботсиз ҳаракат қилиб, уларга қарши курашнинг “қизил империя”да мавжуд бўлган ҳар қандай шакллари ва усулларида кенг фойдаланиб, Ўзбекистоннинг ижодкор зиёлилари орасида пайдо бўлган хурфиқрлиликнинг барча кўринишларини йўқ қилишга интилди.

Айниқса, машъум 1937-1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш қифоя¹.

Бу даҳшатли ҳолатни тарифлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Тошкентдаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқида “Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафкат тузум даврида ўзлигини, миллат кадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга, халқни бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган барча ақл-заковат соҳибларининг...” қанча-қанчалари жисмонан йўқ қилинди. “Мана шулар қаторида сиёсатдан мутлақо узоқ бўлган, минг-минглаб оддий деҳқонлар, хунарманд-қосиблар, ишчи-хизматчиларнинг беғуноҳ қурбон бўлиб кетгани тасаввурга ҳам сиғмайдиган аянчли бир ҳолдир”,

¹ Каримов И. “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқ. / Халқ сўзи. 2000 йил 13 май.

деб коммунистик режим катагонларининг асл мохиятини очиб берган эди¹.

Тугри, асоссиз катагон қилинганларни оклаш Сталин вафотидан кейингина бошланди ва натижада Ўзбекистон бўйича катагон қилинган тириклар ва ҳалок бўлганлардан 40 мингга яқини окланди. Лекин уларни оклаш ҳам коммунистик мафкура андозаси асосида амалга оширилди. Мустабид тузумга маъқул бўлган шахсларгина фақат фуқаро сифатида окланди ёки қисман окланди, холос. Уларнинг эл-юрт, Ватан олдидаги хизматлари, жасорати мустақилликка эришганимиздан кейингина эътироф этилди.

РОЛЬ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ В ПРОЦЕССАХ ДЕМОКРАТИЗАЦИИ ОБЩЕСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ

Юсупова Э.Ф., ТГПУ

Становление и развитие ведущих институтов обусловило процесс формирования политической системы суверенного Узбекистана. В основе этого процесса было решение задач, связанных с укреплением независимости страны, утверждением мира, гражданского согласия, выполнением программы реформирования общества.

Решение этих задач потребовало своих, специфических подходов и к процессу формирования самих институтов политической системы и иного видения их роли и функций. В частности, государство как ведущий институт определялось в национальной модели развития общества как сильное, с сильной исполнительной властью. Именно такое государство сможет выполнить функцию главного реформатора, способного «определять приоритеты, вырабатывать и последовательно осуществлять политику преобразований, устранять сопротивление ретроградов и консерваторов»².

Другие институты – политические партии – почти ровесник молодому независимому Узбекистану. Для них изначально Конституцией страны была исключена возможность встать на путь популизма, экстремизма, национализма, расшатывания конституционного строя.

Многопартийность пришла в политическую новь Узбекистана, стала возможной с провозглашением и утверждением его независимости, с приобретением права определять свою политическую систему, характер политического режима власти и способы своего

¹ Каримов И. Оғол ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: "Ўзбекистон", 2000. Б. 214.

² Каримова П. Ўзбекистан – собственная модель перехода на рыночные отношения. С. Т.1. – Т.: Узбекистон, 1996. С.287.

общественного устройства. Многопартийность родилась как альтернативный феномен политическому монополизму и закрепились в Республике Узбекистан как конституционная норма, гарант политических прав граждан, законности, стабильности и демократии.

Политический плюрализм предстал продуктом целенаправленной деятельности властных органов, которые содействовали её конституционному закреплению в политической системе общества, создав тем самым правовые основы для функционирования многопартийной системы, перекрывали возможность для дестабилизирующей деятельности экстремистской оппозиции.

Именно через партии и избирательные системы в современном обществе происходит реализация прав граждан на участие в политической жизни страны.

Сила любой политической партии в обществе измеряется оказываемым влиянием, эффективностью предлагаемых и реализуемых ею программ в общественно-политической, экономической, культурно-духовной сферах, числом её сторонников, электоратом. А влияние и результативность действующих партий требуют совершенствования законодательства.

Важно отметить, что развитие партийной системы Узбекистана во многом объясняется именно характером законодательного регулирования избирательного процесса и партийной деятельности. При этом совершенствование законодательных основ партийной системы шло по следующим направлениям.

Сначала был принят Закон «Об общественных объединениях» (15 февраля 1991 г.), который определял место и роль общественных организаций в системе государственного и общественного строительства, в том числе и политических партий. То есть, в тот период еще не было четкого разграничения деятельности политических партий от других общественных объединений. Конституция Узбекистана в 1992 году заложила прочную правовую базу функционирования партий и общественных объединений, включая право граждан объединяться в политические партии и общественные движения.

Позже (26 декабря 1996 г.) был принят Закон «О политических партиях», который расширил их полномочия и создал условия для ведения борьбы за власть в рамках закона.

Последовательное совершенствование избирательного законодательства Республики Узбекистан также способствовало расширению полномочий политических партий. Так, согласно Законам «О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан» и «О выборах в областные, районные, городские Кенгаши народных депутатов

Республики Узбекистан» выборы в представительные органы власти осуществляются на многопартийной основе. То есть эти законы позволили политическим партиям структурировать интересы широких слоев избирателей.

Вместе с тем был определен порядок создания и функционирования фракций политических партий, представленных в парламенте, единая дата проведения выборов в представительные органы власти. Эти и ряд других нововведений подтверждают расширение полномочий политических партий и усиление роли партий в модернизации и демократизации общества.

Далее Закон от 30 апреля 2004 г. «О финансировании политических партий» создал возможность правового регулирования различных аспектов финансирования их деятельности.

Принятие и реализация Конституционного закона «О Законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан» и Закона «О Регламенте Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан» способствовали активизации деятельности фракций политических партий, сформированных в Парламенте.

Как видим, поэтапное развитие законодательства способствовало тому, что между политическими партиями активно формируется конкурентная среда и усиливается соперничество в реализации важнейших социально-политических задач развития страны. Все это способствует более успешной работе парламента и политического механизма в целом, а также действительному выражению широкой гаммы социальных и идейных интересов.

Так, в 2005 г. для эффективного продвижения законопроектов, связанных с реализацией своих программных целей, ряд политических партий сформировали Демократический блок, который составил парламентское большинство. В свою очередь, фракция Народно-демократической партии Узбекистана впервые в отечественной парламентской практике объявила себя партией оппозиционного меньшинства в парламенте.

Необходимо отметить важность и своевременность принятых по инициативе Президента Республики Узбекистан Конституционного Закона Республики Узбекистан «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны» и Закона «О внесении поправок в отдельные статьи (статья 89; п. 15 статьи 93; ч. 2 статьи 102) Конституции Республики Узбекистан», которые принципиально изменили роль и место политических партий в организации деятельности Парламента страны, а также в формировании органов

представительной и исполнительной власти, осуществлении контроля над их деятельностью.

Можно сказать, что благодаря законам формируется такая партийная система, которая способствует созданию механизма перевода интересов граждан на уровень государственной политики.

Хотелось бы отметить, что выборы 2009 года прошли в условиях дальнейшей либерализации и демократизации всей избирательной системы. Количество депутатских мест в парламенте увеличилось со 120 до 150. 135 депутатов избирались только от политических партий, был введен институт уполномоченного представителя партии, наделяющийся правом участвовать в подсчете голосов на избирательных участках. Показателем демократизации является также увеличение с 5 до 10 количества доверенных лиц кандидата в депутаты, с 50 до 40 тысяч уменьшено количество подписей избирателей, которое необходимо собрать партиям для того, чтобы иметь право участвовать в выборах; с 6 до 4 месяцев сокращен срок, не позднее которого партия, намеревающаяся участвовать в выборах, должна быть зарегистрирована Министерством юстиции Республики Узбекистан.

Все эти изменения были внесены с целью дальнейшего повышения активности политических партий, а также для обеспечения прозрачности в деятельности избирательных комиссий.

Самое важное, что в этих законах заложены не только принципы и подходы, но и конкретные механизмы их реализации.

Между тем, необходимо подчеркнуть, что сегодня наши партии существенно отличаются от тех, какими они были в недавнем прошлом, и те полномочия, которые им предоставляет закон, являются достаточной правовой основой для их результативной борьбы за власть.

Итак, анализируя правовую регуляцию деятельности политических партий в Узбекистане, можно сказать, что эти законы способствуют последовательному расширению возможностей повышения роли и активного участия политических партий в проводимых реформах.

Так, если в выборах 1999 года в соответствии с выборным законодательством право выдвижения кандидатов в депутаты Парламента страны имели политические партии, представительные органы власти и органы самоуправления граждан, в выборах 2004 года – политические партии и инициативные группы, то в 2009 году – право выдвижения кандидатов в депутаты дано только политическим партиям.

Эти изменения в законодательстве показывают, что от выборов к выборам борьба идет уже на качественно новой основе, политические партии существенно расширили свое поле деятельности в обществе и им оказано большое доверие со стороны народа и государства, а,

следовательно, повышается их ответственность. Сегодня, в условиях сформировавшейся в стране эффективной многопартийной системы, ее динамичного развития, высокой зрелости общественно-политических институтов необходимость в институте выдвижения от инициативных групп отпадает.

Поправки, внесенные в избирательное законодательство накануне выборов 2004 г., послужили действенным стимулом к заинтересованному участию в выборах большинства избирателей. Законодательно было закреплено требование об обязательном выдвижении политическими партиями в числе кандидатов в депутаты не менее 30% женщин. Данная поправка вызвала всплеск женской политической активности в стране. Все политические партии продемонстрировали позитивное отношение к нововведению в законодательство. Об этом свидетельствовало расширение женского крыла партий.

Кроме того, в Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране, предложенной И.А. Каримовым, указано, что кандидатура Премьер-министра Республики Узбекистан предлагается политической партией, набравшей наибольшее количество депутатских мест на выборах в Законодательную палату Олий Мажлиса, или несколькими политическими партиями, получившими равное количество депутатских мест¹. Суть и содержание данной поправки в статью 98 Конституции Республики Узбекистан заключается в том, что вводится новый, отвечающий демократическим принципам порядок выдвижения и утверждения Премьер-министра. А это даст новый толчок для развития законотворческой деятельности политических партий.

Одним словом, задачи, определённые на основе Концепции, требуют, чтобы депутаты по-новому мыслили, по-новому работали. Жизнь не стоит на месте и поэтому не надо останавливаться на достигнутом. Для этого депутаты всех уровней, активисты партий на пути последовательного выполнения задач, определённых в Концепции, должны использовать все силы, жизненный опыт и мастерство. Потому что претворение в жизнь идей Концепции требует увеличения конкретных инициатив политических партий, подготовки практических предложений по их осуществлению.

С обретением независимости меняется статус наших граждан. Процесс демократизации общественно-политической жизни страны обогащается новым содержанием. И все это зависит от каждого

¹ Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. Доклад Президента Республики Узбекистан И. Каримова на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан.

человека. Меняется время. Меняются люди. Меняется их сознание. Сегодня наши граждане – это не инертные слушатели, а глубоко заинтересованные участники общества, которые имеют свою точку зрения, высказывают свои пожелания, предложения, хотят иметь четкое представление о своих правах и обязанностях.

Все политические партии поддерживают принципы поэтапной и последовательной демократизации общественной и государственной жизни, и это их объединяет.

Можно утверждать, что на сегодня политические партии Узбекистана с организационной и политико-правовой точек зрения вполне состоялись. Они заняли достойное место в политической системе Узбекистана.

Однако мы знаем, что демократия – это не состояние, а процесс, и впереди еще много работы, есть большой резерв, который нужно партиям реализовать. В частности, уметь конструктивно оппонировать и одновременно стать партнером в определении стратегии государства, готовить и выдвигать из своей среды кадры, способные компетентно участвовать в управлении делами общества и государства, повышать политическую культуру граждан.

УМУМБАШАРИЙ ГЛОБАЛ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

**Х.Жуманиёзов, с.ф.н., доц
Г.Машарипова т.ф.н., доц. ТДПУ**

Умумбашарий глобал муаммолар моҳиятига кўра, қуйидаги турларга бўлинади:

1. Инсониятни ядро ҳалокати уруши ҳавфидан сақлаш.
2. Ялпи ва умумий тинчликни таъминлаш (ёки оммавий қирғин қуроқларига қарши биргаликда кураш).
3. Халқаро терроризм муаммоси, шу жумладан минтақалардаги террористик ҳаракатларга биргаликда кураш.
4. Гиёҳвандликка қарши биргаликда кураш муаммоси.
5. Аҳолининг сон жихатдан ўсиши муаммоси.
6. Хом-ашё муаммоси.
7. Энергетика муаммоси.
8. Қашшоқлик муаммоси.
9. Очарчиликка қарши кураш ёки озиқ-овқат муаммоси.
10. Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини асраш муаммоси.
11. Коинот ва жаҳон океанлари бойликларини тинчлик мақсадида ўзлаштириш муаммоси.

12. Орол муаммоси.

13. СПИДга қарши биргаликда кураш.

14. Хавфли касалликларни бартараф этиш. Рак ва сил касалликларига қарши кураш муаммоси ва бошқалар.

Мустакилликка эришган мамлакатларнинг иктисодий қолоклигини бартараф этиш ёхуд кам тараққий этган мамлакатларни илғор мамлакатлар турмуш даражасига тенглаштириш ва бошқа муаммолар киради.

Ана шу умумбашарий муаммоларнинг баъзи бирлари ҳақида тўхтанамиз.

1. Хавфсизлик муаммоси. Халқлар ва давлатлар тарихида бу муаммо ҳамisha муҳим аҳамият касб этиб келган. Аммо бу муаммо инсоният тарихининг ҳеч бир даврида XX аср охири ва XXI аср бошидаги сингари маъно ва аҳамият касб этмаган. XX асрда рўй берган иккита даҳшатли жаҳон уруши, ўнлаб маҳалий урушлар инсоният бошига қанчадан-қанча қулфатлар келтирганлиги барчага маълум. Инсоният ҳаётининг 6 минг йили давомида 14 513 та турли даражадаги урушлар содир бўлиб, бунда 3 млрд. 640 млн. киши қурбон бўлган. Ядровий ва бошқа қирғин қуролиларининг ишлаб чиқилганлиги ва улар захираларининг беҳад кўпайиб кетганлиги ҳам XX асрнинг маҳсулидир. Ҳозир мавжуд бўлган оммавий қирғин қуроли: термоядро, нейтрон бомбалари, лазер қуроли, кимёвий бионар снарядлари, радиологик қурол каби турлари инсониятни йўқ қилиб юбориши мумкин. Буларнинг барчаси хавфсизликни таъминлашни умумжаҳон муаммосига айлантиради.

2. Тинчлик учун кураш муаммоси. Тинчлик учун кураш ҳар бир даврнинг долзарб муаммоси бўлиб келган ва ҳозирги кунда ҳам у ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ. Тинчлик учун кураш барча мамлакатлар ва халқлар учун барабар аҳамиятга эга бўлган муаммодир. Гарчи урушлар дунёнинг ҳар ерида рўй бериб турсада, унинг оқибатлари кўпчилик мамлакатлар ва халқлар тақдирига у ёки бу даражада даҳл қилади. БМТ Хавфсизлик Комитети, ЕХХТ томонидан ўтган ўн-йигирма йиллар давомида тинчликни сақлаб қолиш учун Хельсинки, Совет-Америка, Рекавик, Мальта, Вашингтон, Тошкент, Истамбул учрашувлари ўтказилди. Уларда маълум натижаларга эришилди. Шунинг учун ҳам тинчлик учун кураш умумбашарий моҳият касб этади.

3. Терроризм муаммоси.

4. Экологик муаммолар. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши табиат учун ҳам, жамият учун ҳам энг зарарли ҳодисадир. Ҳаво, тупроқ, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот оламига эътиборсиз муносабатда бўлиш бу муаммонинг келиб чиқишига ва кескинлашиб кетишига

сабаб бўлади. Фан-техника тараққиёти ва унинг ютуқларидан самарасиз фойдаланиш сингари субъектив сабаблар ҳам экологик муаммоларнинг келиб чиқиши ва кескинлашишига олиб келади.

Ҳозирги кунда экологик муаммолардан батамом холи бўлган бирон-бир мамлакат йўқ. Шунга қўра, бу муаммо ҳам умумбашарий муаммолардан бири ҳисобланади.

5. Касалликлар муаммоси. Ҳар қандай касаллик ҳам умумбашарий муаммо ҳисобланмайди. Касалликларнинг умумбашарий моҳият касб этиши, аввало, уларни даволаш имкониятларининг мураккабликларидан келиб чиқади. Дунёда шундай касалликлар рўй берадики, улардан қутилиш учун кўпчилик давлатлар биргаликда кураш олиб боришга мажбурдирлар. Бу кураш давлатларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги сиёсатида етакчи ўринни эгаллаши лозим. Ҳозирги кунда рақ ва СПИД касалликларига қарши кураш ана шундай умумбашарий муаммолардан ҳисобланади.

6. Очарчилик муаммоси. Ер юзида инсоният пайдо бўлганидан буён очарчилик энг мураккаб муаммолардан бири бўлиб келган. Айрим мамлакатлар ва минтақаларда бу муаммони ҳал этиш учун бир неча юз йиллар талаб этилсада, мазкур муаммодан инсоният ҳамон қутилгани йўқ. Ҳозирги кунда дунёнинг кам тараққий этган айрим мамлакатларида очарчилик ва қашшоқликдан кўплаб кишилар нобуд бўлмоқда. Бу ҳол шубҳасиз, жаҳондаги кўпчилик давлатларни очарчилик муаммосини ҳал этишга ундамоқда.

7. Гиёҳвандлик муаммоси. Инсоният тарихининг турли даврларда айрим халқлар ва мамлакатларнинг турли гуруҳлари орасида учраб турадиган гиёҳвандлик ҳодисаси XX асрнинг сўнгги йилларига келиб дунёнинг кўпчилик мамлакатларига кенг тарқалди. Унинг даҳшатли оқибатлари жамият учун жуда қимматга тушмоқда. Ундан, айниқса, аҳолининг ёш қатламлари кўпроқ зарар кўрмоқда.

Кейинги йилларда давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳамда тижорат ишларининг кенгайиши гиёҳвандликнинг жаҳон муаммосига айланиб кетишига олиб келди. Натижада давлатлар ўзларининг ички ва ташқи сиёсатида бу муаммога қарши биргаликда кураш олиб боришга мажбур бўлмоқда.

8. Ҳайвонот ва ўсимликлар оламини асраш муаммоси. Атроф муҳитнинг ифлосланиши ҳамда давлатлар олиб бораётган сиёсатдаги айрим хато ва янглишишлар ҳайвонот ва ўсимликлар оламини асраш ишига кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Кейинги ўн ва юз йилликлар давомида кўплаб ҳайвонлар ва ўсимлик турларининг йўқолиб кетаётганлиги, бунинг олдини олиш йўлидаги сусткашликлар табиат ва у билан боғлиқ бўлган жамиятнинг ривожланишига катта хавф солмоқда. Шу сабабли ҳам ҳар бир давлат ўз ички сиёсатида бу

масалага жиддий эътибор бериши зарур. Бир давлатнинг бу соҳадаги амалий ҳаракатлари кўпчилик давлатларнинг шундай ҳаракатлари билан кўшилиши зарур. Акс ҳолда умумбашарий моҳият касб этувчи бу муаммоларни ҳал этиш мумкин эмас.

Умуман, умумбашарий муаммолар қандай турда ёки кўринишда бўлишидан қатъи назар, табиат, халқларнинг осойишта ҳаёт кечириши, давлатларнинг самарали ички ва ташқи сиёсат олиб боришлари учун энг хавфли ҳодисадир. Уларни ҳал этиш давлатларнинг биргаликда қиладиган ҳаракатларига, жаҳон ҷамиятчилигининг қатъий ва изчил фаолият кўрсатишларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Баъзи мамлакатларда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган сиёсий йўлнинг бошқа мамлакатларнинг манфаатларига зид келиши ҳам айрим турдаги умумбашарий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бунга терроризм муаммоси аниқ мисол бўла олади. Масалан, XX аср 70-йилларида АҚШнинг Яқин Шарқдаги баъзи мамлакатларга ва Кубага қаратилган ташқи сиёсатидаги манфаатлар карама-қаршилиги шу мамлакатларда ва АҚШнинг ўзида турли хилдаги бузғунчилик ва кўпуровчилик ҳаракатларининг рўй беришига сабаб бўлди. 1966 йилда Саудия Арабистонида АҚШ элчихонасининг портлатилиши, Атлантика океани ва Кариб ҳавзаси районида АҚШ йўловчи ва ҳарбий самолётларининг уриб туширилиши, 2001 йил 11 сентябрида АҚШдаги баланд биноларнинг портлатилиши терроризмнинг бундай кўринишларига аниқ мисолдир. Исроилнинг Бош Вазири Исҳоқ Рабин, Ҳиндистон ҳукумати раҳбарлари Индира ва Раджив Гандиларга қилинган суиқасдлар ҳам терроризмнинг амалдаги кўринишларидан бўлган эди.

Ҳозирги дунёда урушга қарши икки реал тенденция кўзга ташланмокда:

1. Глобал муаммоларни ҳал қилиш учун инсониятнинг бирлашмаётганлиги.

2. Ядро қуроли мавжудлиги, унга қарши кучларни жипслаштираётганлиги.

Умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан бартараф этиш йўллари. XX аср бўсағасида ижтимоий тараққиёт, айниқса, ишлаб чиқариш ва техника тараққиёти ҳаддан ташқари илгарилаб кетди. Натижада ундан келиб чиқадиган муаммолар шу даражага етдики, уларни ҳал этиш бутун дунё халқлари ва давлатлари олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланди. Бу муаммолар сиёсий моҳиятга эга бўлиб, уларни ҳал этишда давлатлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, халқаро ташкилотлар, ҳамда ҷамоат ташкилотларининг масъулияти тобора ошиб бормокда.

Умумбашарий муаммоларни сиёсий жихатдан ҳам ҳал қилишда халқаро ташкилотлар ва уюшмалар муҳим роль ўйнайди. Уларнинг ҳар бири ўзининг мақсад, вазифаларига кўра атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, очарчиликка қарши кураш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ядро урушининг олдини олиш сингари умумбашарий муаммоларни ҳал қилишда катта ишларни амалга оширмоқдалар. Бу ишда, айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда унинг ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ихтисослашган ташкилотлари амалга ошираётган ишлар эътиборга лойиқдир. Улар уруш ва тинчлик, хавфсизлик, экологик, қашшоқлик ва очарчилик, касалликлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда етакчилик ролини ўйнамоқда. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистон барча манфаатдор мамлакатлар ва ташкилотлар билан умумбашарий муаммоларни ҳал этиш базасида ҳамкорлик қилишга тайёр. Умумбашарий муаммоларга қарши курашда биргаликдаги куч-ғайратларни мувофиқлаштириш учун Марказий Осиёда БМТнинг минтакавий комиссиясининг тузилишини биз қутлаган бўлур эдик».

Ўзбекистон ҳукумати ана шу тамойилларга оғишмай амал қилган ҳолда жаҳон майдонида, хусусан, Марказий Осиёда рўй бераётган кескин муаммоларни ҳал этишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу жонкуярликни Президент Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маърузасида қўйилагича асослаб берган эди: «Ўзбекистон барча минтақаларда ва аввало Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қатъий ва изчиллик билан ҳаракат қилиб келяпти. Минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажралган ҳолда кўриб бўлмайди. Шунга асосланиб, Ўзбекистон ядро қуролининг батамом тугатилиши учун ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномаларнинг самарали ҳаракат қилиши ва унинг ҳеч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат қилади. Бизнинг республикамиз ана шу Шартноманинг ҳаракат қилиш муддатини узайтиришга оид конференцияга тайёргарлик музокараларида фаол қатнашади. Ўзбекистон Марказий Осиё Минтақасининг ядросиз зона деб эълон қилишининг қатъий тарафдоридир».

Ҳозирги пайтда бутун жаҳонда глобаллашув жараёнларининг кучайиб бориши билан Ер юзида тинчлик-барқарорликни сақлаш, аҳоли фаровонлиги, унинг муносиб турмуш даражаси, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш, таълим, тиббиёт ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби умумбашарий вазифалар тобора муҳим аҳамият касб этиб, уларни амалга оширишда халқаро ташкилотларнинг роли кучайиб бормоқда.

ҲОЗИРГИ ДАВРДА МИНТАҚА ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИ ВА КИШИЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ ШАКЛЛАНИШИДА ИСЛОМ ДИНИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Т.Хўжанова, ТДПУ, магистрант

Мустақиллик мамлакатимизни демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, муқаддас динимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашга ўргатди. Биз вақтлар ўтиши билан, янги жамиятни қуриш жараёнида сиёсий, маънавий, руҳий жиҳатдан тобландик. Биз эзгу истак-орзуларимизни амалга ошириш учун мамлакатимиз мавжуд салоҳиятини ва бойликлардан оқилона фойдаланиш, ота-боболаримиздан қолган бебаҳо мерос, миллий урф-одат ва анъаналаримизга суяниш, қадриятларимизни тиклаш, бир-биримизга елкадош бўлиш зарурлигини ҳар томонлама тушуниб етдик.

Юртбошимиз таъкидлаганидек: "...умумбашарий ютуқларни ўзлаштириш, ёш авлодни шу асосда тарбилаш, дўстни ғанимдан ажратиш, бизга қўл узатаётган хайрихоҳ шериклар билан ҳамкорликда эртанги кунимизни кўриш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга қаратилган мақсадларимиз ҳақида бутун ортикча тарғибот олиб боришга ҳожат йўқ..."¹. Ҳозирги вақтда минтақа халқлари ҳаёти ва кишиларнинг маънавий-ахлоқий қарашлари шаклланишида ислом динининг ўрни ва аҳамиятининг ўсиши ҳақида фикр юритилса, ислом фалсафасида маънавий-маърифий, ахлоқий омил жамият ривожига етакчи ўринга қўйилади. Шунинг учун минтақамизда ислом маънавияти ва маърифати миллий қадриятларимиз билан яшайдиган Турон замини халқларининг дунёқараши, эътиқоди, ибодати, маънавий-ахлоқий ҳаёти, ижтимоий ва инсоний муносабатларда ислом тарбияси ижобий инқилоб ясаб, янги даврни бошлаган маънавий омил ҳисобланади. Бу ғоялар Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифда яққол намоён бўлди.

Мустақиллик туфайли ўзлигимизни англаётган, анъанавий қадриятларимизни қайта тиклаётган ҳозирги вақтда гурур билан бемалол айтишимиз мумкинки, ота-боболаримиз дини, ниймони, эътиқоди, виждони бўлиб келган ислом динимиз ўзига хос ўзбекона урф-одатлар билан уйғунлашиб кетгандир.

Шу нуқтан назардан Президент И. Каримов ислом динини халқимиз маънавияти ва маърифатини юксалишига катта ҳисса қўшиб келган, миллий ва умуминсоний қадрият сифатида таърифлаб,

¹ Каримов И. Ўшқандик ва ҳафсидашнинг уз куч-қудратининг ҳазжиҳақлигини ва жамъий иродашнинг бослиқ Т. "Ўзбекистон", 2004. 12-жид. 249-250-бетлар

«Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари» номли асарида ислом дини ота-боболаримиз дини, ахлоқи, диёнати ҳамда маърифати эканлигини унутмайлик. У курук акидалар йигиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўғитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар», деб ёзади. Президентимиз фикрларидан келиб чикиб айтиш мумкинки, илм-маърифат, маданият ва маънавият ривожига ислом тарбиясининг катта рол ўйнаганлигини, миллий ирода ва руҳиятимизга, турмуш тарзимизга сингиб кетганлигини кўзда тутиб, тарбиявий ишларимизда исломий ахлоқ одобдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Юртбошимиз яна таъкидлаб ёзадики, «Биз демократик янгиланиш палласига кирар эканмиз, руҳий покланишни ҳам унутмайлик». Демак, маънавий меросимизнинг бир қисми бўлган ислом дини юксак маданият ва маънавият воситаси экан, уни бугунги шароитда ҳам одамларни диний бағрикенглик асосида инсофга, диёнатга, динлараро ва миллатлараро ҳамжиҳатлилиikka даъват этувчи маънавий-маърифий гоё сифатида тушуниб, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, халқимиздаги хушқайфият, порлок келажакка ишонч каби гоёларнинг заминида халқимизнинг шонли ўтмиши ва ислом динини ҳам тарбиявий роли борлигини эътироф этмок лозим.

Шу боисдан ҳам, ислом динига халқимизнинг маънавияти ва маданияти тарихининг ажралмас таркибий қисми сифатида, унга умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан қараб, уни умуммаънавий тараққиётимиз жараёнининг ажралмас қисми деб ҳисоблаш лозимдир. Ислом дини кишиларда камтарлик, ахлоқийлик каби инсоний фазилатларни шакллантирадиган, кишиларни тўғри йўлга бошқарадиган тарбиявий омил сифатида қараб, бугунги ҳукукий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қурилиши жараёнида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Минг йиллар давомида ер юзидаги турли минтақаларда яшаган халқларнинг ўзаро сиёсий, маданий, ижтимоий алоқалари ҳозирдагидек яқин бўлган эмас. Асрлар мобайнида ер юзида турли маданий минтақалар шаклланган. Европа халқларининг умумминтақа маданияти, жануби-шарқий Осиё халқлари минтақа маданияти, Ҳиндистон яримороли ва унга қўшни ҳудудларда яратилган умумий маданият ва бошқа бир қатор минтақалар маданияти – буларнинг ҳар бири ўзгасидан фарқ қилувчи қатор диний эътиқод, фалсафий мактаблар, санъат ва адабиёт, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хос уйғун бир тизимларини вужудга келтирганки, ахли башарнинг бундай бебаҳо мулкани,

маънавий хазиналарини бифарқлик билан бир-бирига кориштириб юбориш мутлақо ижобий натижалар бермайди.

Бутун дунё халклари бир-бирини тушуниб яшашга интилноғи лозим. Душманлик, гайр кўзи билан қараш эмас, меҳр башариятнинг бирлаштиради. Бу улуг ҳақиқатни бизнинг аждодларимиз аллақачон англаб етганлар. Аммо ўзгани тушуниш учун, ўзгага меҳр кўзи билан боқиш учун, аввало, инсон ўзлигини англаб етмоғи керак. Ўзлигини англамаган зот ҳеч қачон ўзгани тушунмайди, уни холис қабул қилмайди. Асли миллий маънавиятимизга бугунги айрича эътибор ҳам ушбу ўзлигимизни англаб етишга бўлган кучли эҳтиёж натижасидир.

Биз миллий урф-одатларимиз, маросимларимизга баҳо бермокчи бўлсак, бутун инсоният манфаатлари нуқтаи назарини, алоҳида шахс эркинлиги, Ватан ва миллат манфаатларини, миллий қадриятларимиз мажмуини яхлит уйғунликда олиб қарамоғимиз талаб этилади. Агар шу уйғунликка моҳиятан мувофиқ бўлса, ёхуд лоақал унга зид бўлмаса, демак, макбул, аммо инсонлараро зиддият туғдирса, нифок солса, ёки ўзга шахс эркини бўлса, Ватан ва миллат манфаатларига зид бўлса, демак, макбул эмас. Аммо миллий маънавиятимизни қадрлашимиз, уни ривожлантиришга уринишимиз, кимлардир талқин қилмокчи бўлаётганидек, ўзга халқлар маданиятини менсимаслик ёки миллий худбинликка берилишни англабмайди, балки узок йиллик қарамлик асоратидан кутулиб ўзлигимизга қайтиш, ўзлигимизни англаб етишга уринишни билдиради. “Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда шак-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади”¹.

Хулоса қилиб шуни айгиш лозимки, ислом юксак умуминсоний фазилатларни шакллантириш – инсонни диний бағрикенглик асосида юксак маънавиятга чорловчи Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини қўшма йиғилишида қайд этганидек, бугун бағри кенг, маърифатли исломни ниқоб қилиб олган экстремистик ғоялардан ҳимоя қилиш билан бирга, ундан ҳозирги истиқлол олдимишга қўяётган долзарб маънавий-маърифий ва тарбиявий муаммоларни ҳал қилишда устувор омилардан бири сифатида фойдалансак, мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, минг йиллик маънавиятимиз тарихи ҳам шак-шубҳасиз фикримиз туғрилигини тасдиқлайди.

¹ Каримов И. Оғод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 342-бет.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА «ОИЛА ҲУҚУҚИ» ФАНИНИНГ АҲАМИЯТИ

Н.Акаева, ТДПУ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги ёшларга ўз тақдирини ўзи белгилашдек буюк бахтни ато этди. Бугунги кунда халқимиз олдида демократик ҳуқуқий давлат қуриш мақсади турибди. Бунинг учун жамиятда юксак ҳуқуқий тизим, ёшларнинг юксак даражадаги ҳуқуқий билими маданияти бўлмоғи керак. Мамлакатимиз равнақи келажак авлодни янада билимли, ҳуқуқий саводхон қилиб тарбиялашни талаб қилади. Олий ўқув юртлари олдида ёшларга ҳуқуқий давлат тизими ва моҳиятини чуқурроқ англатиш, қонун асосларини ўргатиш, қонунларни ҳурмат қилиш тўғрисида шакллантириш, қонунларни сўзсиз бажариш шарт эканлигини ўқитиш, ўз ҳуқуқи ва бурчларини англатишга ёрдам бериш каби вазифалар туради.

«Ўзбекистон Республикасида ёшлар ва турли ёшдаги баловатга етмаганларнинг ҳуқуқий таълими ҳақида»ги қонунга асосан, ҳуқуқий таълим Республиканинг барча Олий ўқув юртларида олиб бориладиган. Олий ўқув юртларида ҳуқуқий соҳаларини ёшларимизга чуқур ўргатилишидан мақсад келажак эгаси бўлган ёшлар ҳуқуқий билимли, онгли, маданиятли бўлишлари лозим.

«Оила ҳуқуқи» фани талабалари ҳозирги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилади. Оила муносабатлари, она ва бола муҳофазаси, никоҳ, ёшларни никоҳга тайёрлаш масалалари шулар жумласидандир. Айниқса, ёшларни никоҳга тайёрлаш, бугуннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Никоҳ янги оилани вужудга келтиради, оиланинг мустаҳкам бўлиши жамиятнинг мустаҳкамлиги демакдир. Оила – жамият ҳаётининг биринчи бўғини бўлиб, жамият таракқиёти ва шаклланишида муҳим ўрин тутди, яъни оила жамиятга шахсларни етказиб беради ва шу шахслар оилада олган тарбияси ва бошқа хусусиялари билан жамият ҳаётига таъсир ўтказади.

Шу боис «Оила ҳуқуқи» фанида таъкидланганидек, оналик ва болаликни ҳуқуқий иқтисодий, ижтимоий муҳофаза қилиш, оила фаровонлигини ва аёлларнинг ижтимоий ва моддий аҳволини яхшилаш, аёлларнинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилишда фаол иштирок этишлари, болаларнинг фаровонлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Давлат ва ҳомийлик

маблаглари ҳисобидан молиялаштирилган давлат дастурлари ушбу сиёсатни амалга ошириш шаклларидир. Хусусан, мустакилликнинг ўтган даври мобайнида Республикада оналик ва болалик манфаатларини муҳофаза қилишнинг асосларини яратиш ва такомиллаштириш;

Оилани мустаҳкамлаш, оналар ва болалар моддий аҳволини яхшилаш, болалар ва ўсмирлар ўртасида назоратсизлик ҳолатларини олдини олишнинг иқтисодий шароитларини яратиш;

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш унга ватанпарварлик, Ватанга меҳр-муҳаббат туйғусини сингдириш ишидаги алоҳида хизматларини рағбатлантириш мақсадида, шунингдек, болалар манфаатлари йўлида хайрия фаолиятини ривожлантиришда фаол иштирок этганларни мукофатлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти 1993 йил 4 март «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисида Фармон чиқарди. Шу йилнинг ўзида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташкил қилинди.

Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда ёш авлоднинг тарбиялаш муаммоларини ҳал қилишда ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва болаларнинг ҳар томонлама камол топиши мақсадида, 1994 йил 16 июнда «Болали оналарга давлат ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди. Кам таъминланган оилаларга ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. 2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафакалар миқдорини ошириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони Республикамиз аҳолисининг даромадларини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган.

Оилани жамиятнинг раванг топишидаги тутган ўрни ва иштирокини янада ошириш, уларнинг ҳукукий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини ва фаровонлигини яхшилашнинг давлат гомонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳамда изчил таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 9 декабрдаги Фармойиши билан 1998 йил «Оила» йили деб эълон қилинди. Шу йилга бағишланган давлат дастури ҳам ишлаб чиқилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралда қабул қилинган қарори билан Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилди. Бу қонун-ҳужжатларнинг ҳаммаси Республикамиздаги оилаларнинг баркамол бўлиши учун хизмат қилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никохланувчи шахсларни тиббий кўрикдан

ўтказиш ҳақида»ги низомнинг 365-қарорига асосан барча никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишдир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси оила қонучилигида илк бор никоҳ шартномаси туғрисидага маълумотлар берилган. Никоҳланувчилар ўртасида никоҳ шартномаси никоҳга қадар ҳам, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Шартнома эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига қаратилади. «Оила» кодексига Республикамиз фуқароларининг турмушидаги энг муҳим масалалар ўз ечимини топган.

«Давлат ва ҳуқук асослари» кафедрасида «Ҳуқук ўқитиш методикаси», «Оила ҳуқуқи» ва бошқа фанларни ўқитиш борасида илмий методик қўлланмалар ишланмоқда.

Семинар машғулотида даре самарадорлигини ошириш учун талабалар билан турли ечимли масалалар кўриб чиқилади. Жумладан:

1-масала. Эрим «олтин – бу доимий пул», дерди. Шу сабабли биз бор пулимизга ҳар хил олтин тақинчоклар олиб қўйганмиз. Ҳозир эр-хотин никоҳдан ажрашмоқчимиз. Эрим тилла буюмларни тенг бўлишни талаб қилмоқда. Лекин тилла тақинчоклар асосан аёлларга тегишли-ку? Масаланинг ечимини изохланг.

2-масала. Ажрим вақтида, эрим, мени ишламаганимни, у эса оилани таъминлаганлигини юзимга солди. Ҳамма олинган нарсалар унга тегишли эканлигини билдирди. Лекин мен олий маълумотлиман, ишлашим учун маълум даражада билимим бор эди. Фарзанд тарбияси, оила ишлари билан банд бўлиб ўз вақтида ишлай олмадим. Наҳотки, менга ҳеч нарса тегмаса? Масалани қандай ечиш мумкин?

3-масала. ФХДЁга ариза берган келин бўлажак куёвнинг жияни эканлигини билгач, ФХДЁ ходими никоҳни расмийлаштиришдан воз кечди. ФХДЁ ходими ҳақми?

Оиланинг жамиятнинг раванқ топишдаги тутган ўрни ва иштирокини янада ошириш, оилаларнинг ҳуқуқий ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфатларини ва фаровонлигини яхшилашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойиши билан қабул қилинган дастурлар ҳақида мавзуларда баён этилган.

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Ф.Усарова, Сиёсий фанлар номзоди

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши туфайли мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнларда туб ўзгаришлар юзага келди. Давлатнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий мустақиллиги ва демократиялашув жараёнлари бевосита фуқаро онги ва тафаккурини кескин ўзгартирувчи мафкуравий омилилар билан боғлиқ бўлиб, у жамиятнинг барча соҳаларидаги тараққиётга ғоявий йўналиш беради.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок Ўзбекистон Республикаси миллий ғояни шакллантириш, ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди. Шаклланган ва такомиллашган тушунча ва тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январда қабул қилинган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида¹ги Фармойиши билан олий ўқув юртларига фан сифатида киритилди.

Ушбу Фармойишда миллий истиқлол ғоясини халқимиз, аввало, ёшлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган ўқув, илмий-услубий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлаш ва янада такомиллаштириш мақсадида юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш таклиф этилди ва бажарилиши жараёнида концепция даражасига кўтарилди.

Бу концепция эса ўз навбатида дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистон Республикасига қизиқишини янада оширди. Шунинг учун ҳам хорижда мамлакатимизга бағишланган мақолалар мунтазам эълон қилинмоқда, янги китоблар чоп этилмоқда. Жумладан, 2010 йил Париж шаҳрида нашр этилган “Ўзбекистон геосиёсати” китоби Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги тараққиёт йўли ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу китоб муаллифи сиёсатшунос олим, профессор Ж.Барра 2011 йил май ойида мамлакатимизда меҳмон бўлди ва қилинаётган ишларни таҳлил қилиб: “Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан қатъий ишонч билан дадил бормоқда, демократик тамойиллари асосида давлат, жамият ва иқтисодий қурилиш соҳаларида тобора кўпроқ ютуқларга эришилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида // Халқ сўзи. – Тошкент, 2001. 19 январь.

Халқингизининг бу борадаги ютуқлари дунё таракқиётига интилаётган кўплаб давлатлари учун ибратдир”.¹ – дея таъкидлайди.

Дарҳақиқат, миллий ғоя мамлакатимизда барпо этилаётган жамият ва таракқиётнинг ўзбек модели билан узвий боғлиқдир. Президент И.Каримов 1993 йил Швейцарияда “Фонд Форум” халқаро иктисодий таъкилотининг IV-сессиясида қатъи ҳукм қўлади ва ўзининг мамлакатини тубдан ислоҳ қилишга доир беш тамойилини “ўзбек модели”ни дунё минбаридан туриб эълон қилди. Таракқиётнинг “ўзбек модели” халқимизнинг миллий давлатчилик анъаналари, кадриятлари ва менталитетига таянгани, айни вақтда, жамиятнинг ислоҳ этиш борасидаги дунё тажрибасининг илғор ютуқларига асослангани туфайли халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Мустақиллик йилларида бу концепция жаҳон давлатчилиги назарияси ва амалиётининг янги тарихий шароитларда ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилганлиги мутахассислар томонидан ҳам алоҳида таъкидланмоқда. Бу борада Сандор Лезсак: “Ўзбек модели”нинг асосини ташкил қиладиган “Янги уйни қурмасдан, эскисини бузманг” тамойили ўзининг ҳаётийлиги, вақт синовларидан ўтиб келаётган кадрият эканлиги билан дунё давлатчилиги назариясини бойитмоқда”.² – дея мамнуният билан таъкидлайди.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, эътироф этиш мумкинки, мустақиллик йилларида жамиятимиз аъзоларининг дунёқараши, фикрлаш тарзида туб ўзгаришлар рўй берди. Халқимизнинг ўзига ишончи, фикрлар тиниклиги, асосланганлиги, ижобий ва ижодий ғоялар юқори поғонага кўтарилганлиги ва эволюция шу тартика амалга ошаётгани алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки миллий ғоя мустақилликнинг 20 йиллиги давомида тобланиб, чархланиб, ривожланиб келди ва олий кадриятга айланаётган олий ҳодиса даражасига кўтарилди олди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарларида шаклланган ривожланиш концепцияси: “Ғоя-мафкура-тизим-сиёсат” каби структура асосида ҳосил бўлиши билан уйғундир. “Олдин ғоя пайдо бўлади, кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади”.³ Бу концепция мустақиллик йилларида айнан миллий истиқлол ғояси эволюциясини яққол намоён қилади.

Бунинг биргина миллатлараро тотувлик ғояси мисолида кўриш мумкин.

¹ Барра Жан. Улкан ютуқларга эришадиган Ўзбекистон буюк келажакни сари ишонч билан одимламоқда // Халқ сўзи. – Тошкент, 2011 йил 18 май, №97, (5264).

² Ўзбекистон таракқиёт йўлининг халқаро эътирофи // Халқ сўзи. – Тошкент, №80 (5247), 2011 йил 23 апрель, - Б.3.

³ Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир // Озод ва обод Ватан, эркин ва фароғат ҳаёти – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 465.

Мустақиллик йилларида миллатлараро тотувлик гоёси илгари сурилгани ва амалда унга эришилгани Ўзбекистон Республикаси ривожига кўлга киритилган энг катта ютуқлардан биридир. Чунки Ўзбекистон Республикаси кўпмиллатли мамлакатда миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш борасида ўзига хос тажриба орттирди. Бунга фақат миллий ўзликни англаш, миллий гуруҳ ва ифтихор туйғуларини тарбиялаш, миллатларнинг тили, маданияти, урф-одатларини тиклаб, асраб-авайлаш билан чекланмасдан, мамлакатдаги барча миллатларнинг умумий бирдамлигига эришиш тамойилига амал қилинди.

Масалан, 1991 йил мамлакатимизда 12 та миллий-маданий марказ фаолият кўрсатган бўлса¹, 2004 йил февралда уларнинг сони 137² тага етди. Бугунги кунда 150 га яқин миллий-маданий марказлар ўз фаолиятини олиб бормоқда.³ Бу маълумотлар мустақиллик йилларида миллий гоё доимо ҳаракатда бўлганини исботлайди.

Миллий гоё эволюцияси жараёнида ҳаётнинг ҳамма жабҳалари билан узвий боғлиқ экан, у ўзининг юксак ифодасини сиёсий партиялар фаолиятида ҳам кўрди. Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда тўртта партия ўз фаолиятини эркин олиб бормоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат ношароат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 миңдан ортиқни ташкил этади.⁴

20 йиллик даврнинг сарҳисоби ва келажакдаги вазифалар Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган концепцияси⁵да ўз аксини топган. Ушбу концепция ўз навбатида келажакда миллий истиқлол гоёси олдида янада муҳим ва масъулиятли вазифаларни қўйди. Бу мақсадларга эса, бутун халқ бир тану жон бўлиб, миллий истиқлол гоёси атрофида бирлашган ҳолда эришиш мумкин. Бу борада хорижий ижтимоий-сиёсий доира вакиллари, олимлар, экспертлар томонидан ижобий фикр ва мулоҳазалар берилмоқда. Индонезиялик етакчи иқтисодчи олим Муҳаммад Фадхил Ҳасан концепциянинг аҳамияти ҳақида: "Давлатингиз раҳбари Ислам Каримовнинг демократик ислохотларини

¹ Иващенко С. В интересах межнационального согласия и сотрудничества // Единство-Бирлик. - Ташкент. 1997. 18 март.

² Очилов А. Миллий гоё ва миллатлараро муносабатлар. - Т.: Ўзбекистон. 2004. - Б. 79.

³ <http://www.rv.uz/news-3636>.

⁴ Каримов И. Мамлакатни демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 12.11.2010.

⁵ Уша манба.

янада чуқрлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси нафақат Ўзбекистон, балки бошқа давлатлар учун ҳам муҳим ва фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилишга ишонаман”¹, - дея таъкидлайди.

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, мустакиллик йилларида миллий истиқлол ғояси эволюцияси жараёнида Озод ва Обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишда Ватанимиз 20 йиллик, яъни асрларга татигулик тажрибага эга бўлди. Буни дунё ҳамжамияти ҳам тан олмоқда. Масалан, Исроилнинг нуфузли нашрларидан бири “Менора” бош муҳаррири Эстал Сегалнинг “Ўзбекистон – гузал мамлакат” сарлавхали мақоласини чоп этди. Унда Ўзбекистоннинг 20 йиллик давр давомида иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий ютуқларини сарҳисоб қилиб, қуйидаги хулоса берилади: “Ўзбекистон мустакилликнинг 20 йили давомида асрларга татигулик йўлини босиб ўтди”.²

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТ УЙҒУНЛИГИ

М.Ҳамдамова, н.ф.н., доцент

Истиқлолнинг илк йилларида ҳаётий кузатишлар, баъзан зиёлиларимиз ўртасида ҳам бизга миллий ғоя, миллий мафкура нима учун, қим учун керак, унинг маъно-моҳияти нимадан иборат, деган муҳим масалага яна бир бор ойдинлик киритиш зарурати мавжудлигини кўрсатди. Бунда, яъни миллий ғояда Ўзбекистон халқининг мамлакатимиз ривожига белгилаб олган асосий мақсад ва муддаоларининг ифодаси мужассамлашган бўлиши зарур эди.

Биринчидан, ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши зарурлиги билан боглик. Президент Ислам Каримов таъбири билан айтганда, «давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат, аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозим. Яъни, олдин давлат қурилиши ва ундан кейин мафкура пайдо бўлиши ўзи ғайритабиий ҳол. Буни яхши англаб олишимиз лозим. Яъни, олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо

¹ Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни мустаҳкамланиб, нуфузи ошиб бормоқда // Халқ сўзи. – Тошкент, 2011 йил 27 апрель. – Б. 7.

² Ўзбекистон мустакиллик йилларида асрларга татигулик йўлини босиб ўтди // Халқ сўзи. – Тошкент, №39 (5206) 24 февраль 2011. – Б. 4.

булади»¹. Демак, ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инкирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши мукаррар.

Иккинчидан, миллий ғоя Ўзбекистон халқининг асосий мақсад ва муддаоларининг ифодаси сифатида шунинг учун ҳам зарурки, одамлар онгини, тафаккурини ўзгартирмасдан туриб, кўзланган олий мақсад – озод ва обод жамиятни, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиб бўлмайди. Бунинг учун эса, одамлар муайян ғояга ишониши ва таяниши зарур. Бу жараён ўз-ўзидан ҳаракатга келмайди, албатта. Негаки, кенг халқ оммасини бирон-бир ғоянинг илғор ва инсонпарвар эканига ишонтирмоқ учун, аввало, мазкур ғоянинг тўғри, ҳаётий ва илғор эканлигига ишонтириш зарур. Ишонтирмоқ учун унинг илмий ва ҳаётийлигига алоҳида эътибор қаратиш билан бирга миллий ғоянинг ўзи мамлакатимиз халқининг асосий мақсад ва муддаolari ҳамда манфаатларини ифодалайди.

Учинчидан, миллий ғоянинг зарурлиги миллатнинг ўзлигини тўла англаш жараёни билан боғлиқ. Негаки, миллат ўзлигини тўла англамас экан, бирон-бир буёқ ўзгаришлар қилиб бўлмайди. Миллий ўз-ўзини англаш у ёки бу миллатни ўзга миллатлардан ажралиб кетишига эмас, балки ўзлигини англаган миллатларнинг маърифатлашган ҳамкорликларининг мустаҳкамланиб боришига хизмат қилади. Ана шундай ўта мураккаб вазиятда миллий ўзликни англашда миллий ғояга асосий таянч куч, илмий-назарий ва амалий дастур сифатида ҳар бир инсоннинг руҳи, кайфияти, ҳиссий кечинмаларига кириб бориш орқали унинг қалби ҳамда онига таъсир кўрсатади.

Тўртинчидан, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғоянинг зарурлиги яна бир муҳим ҳолат билан яъни бугун бизнинг тарихий ўзгаришлар даврида тоталитар тузумдан эркин демократик бозор муносабатларига асосланган демократик тузумга ўтиш шароитида яшаётганлигимиздан келиб чиқмоқда. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур таҳлил қилган мамлакатимиз Президенти И.Каримов шундай хулосага келганди:

«Бу ўтиш даври ўзига хос, жуда катта ғов ва тўсиқларга дуч келиши, каттиқ курашлар орқали кечини барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. Халқимиз ва жамиятимизни мана шу даврда янги уфқлар сари бошлаш, даъват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак. Бундай мақсадларга эса аввало чуқур ўйланган ва пухта ишланган мафкура асосида етишиш мумкин»². Демак, миллий ғоя мустақилликни мустаҳкамлаш ғоясининг ўзаги бўлган – танлаган

¹ Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2000. 464-465-бетлар.

² Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2000. 465-бетлар.

тараққиёт йўлимизнинг тўғри адолатли ва ҳаққоний эканлигига, умана шу заминда истиқомат қиладиган ҳар бир инсоннинг ҳаётий манфаатларига мос тушишига кенг оммали ишонириш орқали уларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш учун хизмат қилади.

Миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига миллий-маънавий қадриятимизга мос инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олийжаноб ишларимизда мададкор бўла олади. Миллий ғоя Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажagini узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аجدодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга мутғасил даъват қиладиган ғоядир.

Миллий маънавий қадриятлар эса, ижобий ахлоқий сифатларни такомиллаштириш, давлат ва миллат ривожига тўғанок бўладиган салбий иллатларни бартараф этиш омилидир. Миллий ғоя ва маънавий қадриятлар орасида узвий алоқадорлик, ўзаро таъсир мавжуд бўлиб, бу қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

Биринчидан, миллий қадриятлар миллий ғоя учун маънавий негиз, манба бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, миллий ғоя қадриятларни бойитиш, янада юксак босқичга кўтариш, одамлар онги ва қалбига миллий қадриятларни сингдириш омили бўлиб ҳисобланади. Учинчидан, миллий ғоя халқнинг туб манфаатлари нуктаи назардан мавжуд маънавий қадриятларга баҳо беради, ижобий жиҳатларни ривожлантириш, салбий ҳолатларни инкор этишнинг маънавий мезони бўлиб майдонга чиқади.

Маънавият, қадриятлар ва миллий ғоя – жамият ҳаётининг жуда мураккаб ва серқирра, ўзаро узвий алоқадорликда бўлган соҳаларидир. Бинобарин, маънавият, қадрият ва миллий ғоя – халқнинг бугунги ҳаёти учун ҳам, эртанги истиқболи учун беқиёс аҳамиятга эга бўлган маънавий-ижтимоий соҳалардир. Миллий ўзликни англаш айнан маънавий қадриятларни ўзлаштириш, ўз халқининг тарихи, маданий меросини ўрганиш, бугунги ҳолати ва эртанги истиқболини аниқ тасаввур этишдан бошланади. Ҳар бир инсоннинг меҳнати, фаолияти, ҳаётий мақсадлари маълум бир қадриятларга эришиш, моддий ва маънавий бойликларга эга бўлишга йўналтирилган бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, миллий ғоя ва маънавий ҳаёт уйғурилиги эркин ҳаёт демакдир. Эркин ҳаёт – бу инсоннинг ўзи ихтиёри, қобилиятини эркин намоён этиш ва эта олишидир. Ҳаёт эркин бўлган жойда тараққиёт бўлади. Шунда инсон ўз салоҳиятини юзага чиқара олади. Унинг салоҳияти тараққиётнинг муҳим омилига айланади.



ҒОЯВИЙ ТАРБИЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЖАДИДЛАР МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ

К.Х.Номозова, ТДПУ

Узоқ йиллар орзиқиб кутилган истиқлол қўлга киритилди. Истиқлолнинг ёқимли шабадалари юртимиз бўйлаб эса бошлади. Асрлар давомида мустамлакачиликнинг оғир юки елкамиздан ағдарилиб, эркинлик нафаси кўксимизни тўлдирди. Бу биз кутган кун, бу халқимизнинг асрий орзуси эди.

Бу кутлуг кунга осонгина эришганимиз йўқ, мустақиллик тўсатдан, тақдир тақозаси билан ғойибдан тушган исъмат ҳам эмас. Мустақиллик узоқ йиллар, керак бўлса печа асрлар давомида жафокан халқимизнинг матонатли курашлари, фидойилик ва жасорат билан йўғрилган ҳаракати, ота-боболаримизнинг шу она юрт учун неча босқинчилар билан тинимсиз олишиб қўлга киритган ютуғи, халқимизнинг ҳеч бир нарса билан тенглаштириб бўлмас бойлигидир.

Мустақиллик юртимизга, халқимизга, ҳар биримизга ўзлигимизни англаш имкониятини, иймон ва эътиқодимизни қайтариб берди. Биз ҳам энди ер юзида яшаётган бошқа халқлар катори ўзлигимизни англаш, уни кўз қорачиғидай асрашимиз ва миллий ўзлигимизни келгуси авлодларга улашиб яшаш бахтига муяссармиз.

Босиб ўтган кунимизнинг ҳар бир дақиқаси тарих, турли-туман воқеа-ҳодисаларга бой. Агар юртимизнинг яқин ўтмишга назар ташлаб кўрсак, буюк ижтимоий-маданий, катта бир тарихий даврга тенг келадиган воқеа-ҳодисалар кўп.

XIX аср охири XX аср бошларидаги жараёнлар ҳам мамлакатимиз тарихида ўзининг ўчмас изини қолдирган. Бу даврда Туркистон заминида бир томондан мустамлакачилик зулми ҳукм сурса, иккинчи томондан шу зулмга қарши халқ курашидан иборат қучли бир тўлқин пайдо бўлаётган давр эди. Туркистон тарихида ўзининг ёрқин изини қолдирган жадиждчилик ҳаракатининг ўзи шу даврнинг энг залворли воқеаси сифатида юртимиз тарихида ўчмас из қолдирди.

Жадиждлар ўз маърифатпарварлик фаолиятлари орқали мамлакатимиз тарихида муайян ўзгаришлар қилишга, юртни замонга мос тараққий эттиришга интилдилар, шу йўлда фидойилик намуналарини кўрсатган, Ватан истиқлоли ва истиқболи учун фидойилик намуналарини кўрсатган шахслардир. Улар советлар мафкурасига қарши ўз эзгу ғояларини илғари сурдилар, даврнинг бешафқат тазйиқларига қарамай юрт тақдири, мамлакат келажагининг порлоқ бўлиши учун тинимсиз кураш олиб бориб, халқни ўз ортидан эргаштиришга, Туркистонни тараққий этган мамлакатлар каторига олиб

чиқиншга интилдилар. Уларнинг кўрсатган жасоратлари, ўз мафкураси ва мақсади йўлидаги собитлиги, иймон-эътиқодига садоқати, Ватан, юрт учун фидойиликларини намуна сифатида кўрсатиш орқали ёшларда ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғусини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

Жадидчилик советлар талқин этганидек, фақат маърифатпарварлик ҳаракатидан иборатгина ҳаракат эмас, гарчи бу ҳаракат маърифатпарварлик фаолияти билан бошланган бўлса-да, ўзининг тараққиёти, ривожидавомида маърифатпарварликдан ўсиб, миллий истиқлолчилик ҳаракатига айланди. Унинг негизини юртни озод этиш, ҳар тамонлама фаровон мамлакатга айлантириш, дунёнинг ўша даврдаги тараққий этган давлатлари қаторига олиб чиқиншдек буюк бир гоё, буюк бир мақсад ташкил этганди. Жадидлар шу мақсадда фаолият юритишди, шу мақсадни амалга ошириш учун мавжуд шарт-шароитдан келиб чиқиб, халқни аста-секин, босқичма-босқич, ислохотлар жараёни орқали курашга тортишга киришдилар. Улар аввал маърифатни тарғиб этиш, халқни саводли, маърифатли, маданиятли қилиш, сўнгра эса уни миллий истиқлол курашига етаклашни режалаштирдилар ва шу дастурни амалга оширмоқ учун қанчадан-қанча қийинчиликларга қарамай жасорат ва матонат билан фаолият юритдилар.

Туркистон тарихида жадидлар ҳаракати билан кўплаб эзгу ишлар амалга ошган. Халқни улуғ ишлар сари етаклашга қаратилган бу эзгу гоёлар халқни олий мақсад йўлида бирлашишга, жипслашишга ва йиллар давомида мамлакат бойликларини талаб, Ватан тупроғини топтаб келаётган босқинчиларга қарши курашга чорлаган.

Ўзликни англаш тарихни ўрганишдан бошланади, деган эди мамлакатимиз президенти И. Каримов. Ўз халқи тарихини билмаслик, авлод-аждоди ўтмишидан беҳабарлик – манкуртликнинг нишонасидир. Тарихдан маълумки, тупроғимизга бостириб кирган ҳар босқинчи борки, юртни эгаллаб оларкан, аввало, халқнинг асрлар давомида миққоллаб йикқан моддий ва маънавий бойликларини, айниқса, унинг маънавий меросини йўқотишга, шу билан уни ўзлигидан айириниш орқали ўз мафкураси, манфур гоёларини сингдиришга ҳаракат қилган ва афсуски, кўп ҳолларда бунинг уддасидан чиқа олган ҳам. Бугун гарчи мустақилликка эришган, ўз миллий давлатчилигимизни тиклаб, миллий-маънавий тикланиш боқичига кирган бўлсак ҳам, ташқи таҳдид ва турли ёт, бузгунчи таъсирлардан қутула олганимиз йўқ. Бундай таҳдидлар эса ҳар кун, ҳар қадамда бизни таъқиб этиб турибди. Айниқса, ҳали дунёқараши тулиқ шаклланиб улгурмаган, ҳаётнинг пасту баландини кўрмаган, соддарок қилиб айтадиган бўлсак, оқ-қорани таниб улгурмаган мурғак қалбларни ўз измига солишга уринаётган ва бу йўлда ҳеч нарсани аямаётган кучлар узлуксиз ҳаракатда. Инсон онги ва қалби

учун кураш кетаётган ҳозирги кунда алоҳида кучлар одамларни ўзлигида, миллий кифасидан айириш йўлида миллионлаб маблағларни сарфлаётгани сир эмас. Уларнинг мақсади маълум, одамлар қалби ва онгини эгаллаш орқали дунёнинг муайян ҳудудидаги моддий бойликларни эгаллаш, ўз таъсир доирасига олиш. Шунинг учун И.Каримов мафкура полигонларининг ядро полигонларидан устун қўйганида, албатта, ҳақ эди.

Бугунги глобаллашув шаронти, ахборот асрида яшар эканмиз, кириб келаётган турмушимизга, миллий кифамизга ёт, бегона ҳар турли кўринишдаги, бир-биридан бежирим, силлик гоя, мафкураларга қарши ёшлар онг ва қалбида Ватан тарихида ўчмас из қолдирган аجدодларимиз кифасини жонлантириш, улар тамонидан амалга оширилган ишлар ҳақида чуқур ва кенг билим бериш, бу эзгу ишларга, ёшларда тарих, ота-боболаримиз руҳига ҳурмат, улар олға сурган гояларга садоқат туйғуларини тарбияламоқ керак ва шу орқали уларнинг онги ва қалбида ҳар қандай ёт, бегона гояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтирмоқ керак.

Мафкуравий иммунитет миллий гоя, эзгу гоялар асосида шаклланади. Эзгу гояларга асосланган мафкурагина халқни ўзлигини асраб қолишга қодир. Бу ҳақиқат неча бор исботланган. Айниқса, юртимизда етминчи йилдан ортиқ вақт ҳукм сурган большевиклар даврида халқ ва миллат манфаатлари оёқ ости қилиш, халқнинг миллий ўзлигини йўқ қилиш йўлида нима ишлар қилинмади...

Большевикларни фақат бир нарса, у ҳам бўлса, Туркистон ўлкасининг ер ости ва ер усти бойликлари, кўп минг сонли халқи, уларнинг меҳнатидан келаётган улкан фойдагина кизиқтирган ҳолос, асосий мақсади бойлик орттириш бўлган большевиклар ўйлаб топган коммунистик партия ҳам, социализм ва коммунизм гоялари ҳам аслида турган битгани сохта, ичи бўм-бўш, ҳеч бир келажаги йўқ сафсатадан бошқа нарса эмасди.

Афсуски шу сохта гоялар, бўм-бўш сафсаталар ўз вақтида ўта дабадаба, аюҳаннослик билан халқ онгига қўйиб келинди, бутун бир халқларни ўз домига тортиб, ўз таъсирида олиб юрди. Ҳатто халқ орасида шу сохта гояларнинг неча-неча фидойилари, жонкуярлари етишиб чиқди ва уларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб борди. Гўёки захарли ўт экнизорни қоплагандек социализм мафкураси тобора илдиз отиб, мамлакат бўйлиб мустаҳкамланиб борди.

Бугун мустақиллик қарор топган мамлакатда яшар эканмиз, шу кунларни орзу қилиб тинимсиз машаққату ранж топган минглаб ватандошларимизни изламоқ, улар ҳаёти ва фаолиятини ўрганишни давом эттирмоқ, ўрганганда эса, албатта ҳолислик, ватанпарварлик

пукгаи пазаридан ёндошмок биз учун инсоний бир бурч, авлодларга хос муносабатдир.

“Мозий – истикболнинг торозисидур”, деган эди Туркистон жадидчилигининг йирик раҳбарларидан бири Маҳмудхўжа Бехбудий. Дарҳақиқат, тарих – халқ ўтмишининг кўзгуси, у миллат келажаги ва тақдирини белгиловчи мезондир. Ҳар бир тараққиёт сари интилаётган халқ борки, ўз тарихи орқали тараққиёт йўлини белгилаб олади. Ҳар бир келажагини ўйлаган мамлакат борки, ўз фарзандларини тарихи билан ошино этиб боради, ўз тарихи орқали келажак авлод онгида она тупрокка бўлган меҳру муҳаббатни тарбиялайди. Шундай экан, яқин ўтмишимизда содир бўлган жадидчилик ҳаракатини кенгрок ўрганишимиз, ҳаракат қатнашчиларининг ҳаётини яхширок тасаввур қилиш керак. Советлар мафкураси, сиёсатини янада яхширок тасаввур қилиш учун ҳам жадид ота-боболаримиз ҳаёти ва фаолиятини кенгрок ўрганишимиз зарур. Булар тарихимизнинг яқин ўтган кунлари, ота-боболаримиз, улар босиб ўтган йўл шонли ва шарафли, уларни ўргансак, улар ҳақида илмий, адабий, санъат асарлари яратсак келгуси авлод тафаккури, дунёқарашининг теранлашувига, уларнинг тарихимиз ҳақидаги тасаввурлари янада ёрқин бўлиши ва юртимизда гоявий тарбияни кучайтиришга ҳисса қўшган бўламиз.

Бугун мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, миллий-маданий тараққиёт жараёни давом этмоқда. Мамлакатимиз миллий кино санъати ҳам ўзининг ривожига эга. Миллий кино санъатимиз саҳифаларида Алломиш, Гўрўғли, Амир Темур каби афсонавий ва халқ қаҳромонлари образи яратилган. Аммо булар назаримизда ҳали кам. Ажабмаски, вақти келиб, бизнинг бугунги истиклол кунимиз учун кураш олиб борган Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Чўлпон, Фитрат ва бошқа тарихий шахслар фаолияти, уларнинг аянчли тақдирни ёритилган асарлар, ваган тараққиёти йўлидаги заҳматли курашлари, зиддиятга тўла ҳаётлари талқини миллий санъатимизнинг театр саҳналаридан, кино ленталарида ўз ифодасини топса. Ахир улар бегона эмас, ўз юртдошларимиз, ватандошларимиздир, Ислом Кармиов фикри билан айтсак, “эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишдаги ёпик саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга оғли қарашни шакллантириш, бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз...”,¹ дир.

Биз энди хурмиз, озод халқмиз. Юртимизда миллат шаъни, унинг манфаатини топташга қаратилган ҳар қандай гоя, қараш, мафкурага

¹“Юксак маънавият – енгилмас куч”, –Т., “Маънавият”, 2008 й. 98- бет.

бархам берилган. Озод, мустақил халқ сифатида шу озодлик ва мустақилликни абадий сақлаб қолиш ниятида яшаймиз. Бу эса осон эмас, бу биздан шижоатни, жасоратни, фидойиликни талаб этади, яъни, юртбошимиз И.Каримов таъбири билан айтганда, "...ота-боболаримизга ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган давр моҳиятини тўғри тушунишимиз лозим".¹ Миллат сифатида ўз тарихимизни чуқур билмоқ, ота-боболаримиз олға сурган ғоялар моҳиятини терең хис этмоқ, ҳар биримиз ўз қалбимизда бугунги турли ёт ва бузғунчи таъсирларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантирмоқ, энг муҳими, миллат шаъни, унинг ўзлигини сақлаб яшаш ҳар биримиз учун муқаддас бурч, масъулият. Ота-боболаримиз номи, шону шавкати кўтармоқ, улар босиб ўтган йўл – тарихни ўрганмоқ, уни тарғиб-ташвиқ этиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Зеро, жамият тарақиёти, миллатнинг бардавомийлигини таъминловчи куч – бу унинг маънавий баркамол инсонларидир, маънавий баркамол инсонларни эса тарих, аجدодлар олға сурган эзгу ғоялар тарбиялайди.

РАЦИОНАЛЬНАЯ МЫСЛЬ, ИСТИНА НАУКИ, ИРРАЦИОНАЛЬНАЯ ИДЕЯ, ИСТИНЫ БЫТИЯ И МЕТАФОРА РЕЧИ

У. Керимов

В истине науки невозможно знать, что есть творчество, так как творчество есть единственная добродетель, которая ниспослана свыше для человека. Добродетель – это вера, которая описана во всех священных писаниях, а вера – это поиск не внешнего признака материального начала вещи, а поиск в неограниченных возможностях собственного сознания. В сути истинной веры исчезают субъектно-объектные отношения чувственного восприятия, так как сознание как субъект познания становится одновременно и объектом познания – вещью в себя для себя¹ и для истин бытия. «Обобщения и выводы, полученные на основе поиска, часто выглядят в глазах специалистов похожими на ошибочные. Выпады почти всегда начинаются с того, что новые мнения рассматриваются как грубое, невежественное, уродливое заблуждение. Если исследователь бывает вынужден вносить поправки в "азы" науки, то упреки в невежестве, а подчас и в слабоумии, почти неизбежны. Не так просто отбивать атаки сторонников традиционных

¹ Каримов И. "Ўз келажатимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз", "Туркистон", 1999 й., 2 февраль сони.
² См.: Гегель Ф. Энциклопедия философских наук. В 3-томах. – М.: Мысль, 1974, 1975, 1977.

взглядов, выступающих с общепринятых позиций, особенно когда они сами не имеют опыта в научном поиске или вообще его не признают»¹. Когда рациональная мысль, совершенствуясь, обращается в иррациональную идею разума от духа, самопознание обращается в самосознание. Самосознание – это пребывание сознания в себе для себя и для истин бытия. То, что открыли в своём собственном сознании, мудрые люди прошлого, невозможно передать абсолютному большинству лишних людей для истин бытия. Каждый человек в собственном сознании должен открыть путь вертикального продвижения по ступеням совершенства собственного сознания. Этот путь берёт своё начало в рациональной мысли от чувств, продолжает своё существование в иррациональных идеях разума от духа и заканчивается в абсолютно открытом духе как сущности сознания. Этот путь скрыт в сознании каждого человека. Однако противоположные явления дают одинаковые результаты. Этот путь не существует у абсолютного большинства лишних людей для истин бытия, которые не открыли его в своём сознании и у тех немногих людей, которые прошли его. Те, кто прошли этот путь, побеждают истину внутренних изменений бытия с той целью, чтобы открыть для себя абсолютную истину бытия. Дух как сущность сознания того, кто прошёл этот путь сливается с Богом как сущностью бытия. На языке индуистов и буддистов – личностный атман сливается с брахманом. В этом случае дух как абсолютный элемент истины внутренних изменений бытия выполняет свои задачи о смысле своего существования в бытии, так как он обретает вечную жизнь, которой обладает Бог как сущность бытия. Эта главная метаморфоза, которую каждый человек в собственном сознании должен совершить самостоятельно. Только в этом случае будет понятно всё: от сотворения бытия и до его уничтожения. Всё, что происходит в истине внутренних изменений бытия – это его существование. Существование бытия – это метаморфозы. Статичных явлений в существовании бытия и в существовании вещей как онтологических явлений, которые являются элементами истины внутренних изменений бытия, быть не может. Если истина внутренних изменений бытия обратится в статичное явление, то произойдёт уничтожение бытия как абсолютного онтологического явления. В таком случае бытие свернётся и вернётся к своей исходной точке – к сущности бытия или к Богу как сущности бытия. «Только к Нему будет ваше всех возвращение (в День Суда), согласно истинному обещанию Аллаха. Поистине, Он начинает сотворение [создаёт впервые из небытия], потом повторяет его (по Своему могуществу) [создаёт ещё

¹ Мороз В.П. Обратные высказывания. – Ташкент: ТашГУ, 1974, С. 6. – 212 с.

раз], чтобы воздать тем, которые уверовали и совершали праведные деяния [совершали только ради Аллаха то, что повелел Он Сам непосредственно и через Своего Посланника] по справедливости. А те, которые стали неверующими, им уготованы питье из кипятка и мучительное наказание за то, что совершали неверие»¹. Вера в неограниченные возможности собственного сознания каждым отдельным человеком – это одновременно суть истинной любви, счастья и жизни человека. Вера, в которой сливается всё, позволяет открыть за пределами истины науки истины бытия – истину внутренних изменений и абсолютную истину бытия. Однако эти две истины бытия для истины науки есть миф, а для рациональной философии – обыкновенный факт. «Почему нужно говорить об истинах бытия?». Ответа на этот вопрос в рациональной философии не существует, так как нужно подчиниться стадному инстинкту и говорить о том, что все так говорят, а, следовательно, необходимо говорить об истинах бытия как о фактах, а факт есть удел истины науки. Открыть истины бытия в вере собственного сознания – это обрести самодостаточность в своём сердце, так как истина внутренних изменений бытия – это главное свойство Бога как сущности бытия, а абсолютная истина есть сам Бог как сущность бытия. Однако истина науки максимально отдалена от истин бытия, вернее сказать о том, что истины бытия и истина науки находятся в разных измерениях сознания и бытия как абсолютного онтологического явления. Главная цель истины науки – понять и объяснить все явления со своей бессильной позиции – невыполнима. В истине науки невозможно понимание и объяснение, так как главный инструмент познания, которым является сознание человека, не вмещается в ней. Для истины науки достаточно иметь прекрасную память, с помощью которой можно выдавать факты. Те, кто имеет право учить других людей, боятся учить. Они – мудрые люди. Мудрый человек боится Бога как сущность бытия, чтобы он не покинул его сознание. «Венец мудрых – богатство их, а глупость невежд глупость и есть»². Мудрый человек боится и абсолютное большинство лишних людей для истин бытия, которые могут обозлиться и растерзать его. Не земной смерти боится мудрый человек, а то, что не успеет выполнить задачи о смысле своего существования в истине внутренних изменений бытия, что позволяет пребывать в абсолютной истине – в Боге как сущности бытия. Главная сила истины науки – вовлекать в тайну, которую она не способна открыть. Мудрый человек выдаёт эти тайны так, как можно описать любые другие явления рациональной мысли от чувств, но никто этого не замечает. «Как Нострадамус мог предвидеть

¹ Коран: Сура 10 Йунус, аят 4.

² Книга притчей Соломоновых: 14, 24.

события, которые произойдут в будущем?», — хотел я приоткрыть тайну для себя, когда был человеком первой молодости, прибегая к помощи других. «Нострадамус знал одну формулу, о которой он никому не говорил. С помощью этой формулы он вычислял будущее», — с большой уверенностью и удивительной серьёзностью ответил мне рационалист. Если бы кто знал, как мне хотелось знать эту формулу. Это сейчас я понимаю, что абсолютный рационализм математики есть её бессилие. Главное свойство мудрого человека — видеть будущее. Идеи от духа как сущности сознания находятся за пределами протяжённости, за пределами пространства и времени, за пределами количественного измерения материальных начал вещей как онтологических явлений и материального начала бытия. Идеи от духа как сущности сознания пребывают в едином качественном измерении разума сознания человека, которые открывают идеальные начала всех вещей как онтологических явления и бытия как абсолютного онтологического явления. Идеи проливают свет понимания на решение любой проблемы. Для идей всё в настоящем — и прошлое, и будущее, так как идея приближена к вершине пирамиды сознания, которой является божественный дух как сущность сознания. Он является аналогом Бога как сущности бытия. С этой вершины обзревается и прошлое, и будущее в едином настоящем. Самые лучшие образцы философских знаний открыли нам математики, которые не хотели оставаться в тесных рамках голых чисел. «Та часть человеческого ума, которая более всего помогает математике, а именно воображение, более вредит, чем способствует метафизическим умозрениям»¹. В противном случае лопнули бы их сердца, устремлённые в бесконечность. Математика до сих пор считается царицей всех наук. Её запустили и в философию, где она изуродовала основание философии — формальную логику Аристотеля как фундамент для открытия речи как онтологического явления. Необходимость возвыситься к единой сущности речи как онтологического явления от формальной логики Аристотеля невозможно в истине науки. Она, не ведая о своих заблуждениях, опускается ниже от неё — в математизацию и символизацию. Языковые формы слов — сами по себе есть символы. Символизировать символы — это самое бестолковое явление в логике, но серьёзнее логиков встретить людей невозможно. Таких учёных можно вылечить духом творчества великих писателей. «Все глупости на земле сделаны с серьёзным выражением лица»², — говорит Мюнхгаузен. Тожество, на котором построено, добрая половина математики, не существует. Карисон,

¹ Соколов В.В. Философия духа и материи Рене Декарта // Декарт Р. Сочинения в 2-х т. — М.: Мысль, 1989. Т.1. — С.21—654.

² www.peoples.ru/munchhausen/childrecords.km.ru/munhausen.html

который живёт на крыше, спрашивает у Малыша: «Ой, что это у тебя?». «Торт и восемь свечек. У меня сегодня день рождения», – поясняет Малыш. «Лучше бы у тебя было восемь тортов и одна свечка»¹, – заявляет Карлсон. Он заявляет не только Малышу, но и всем нам учёным рационалистам, что мы никогда не сумеем ему объяснить то, что от перемены мест слагаемых сумма не изменяется, так как мы и предположить не смеем в своих заблуждениях, что тождества не существует. Тождество может иметь место для вещей как онтологических явлений в отдельных их свойствах. Например, по весу или по цвету. Но нет в бытии двух вещей как онтологических явлений, которые могли быть тождественными друг другу. Мне могут сказать есть. Это близнецы. Однако они занимают разные места в протяжённости. «Мы, улыбаясь, предвидим теперь смешное положение учёных, когда они хорошенько поймут современную науку: её истинные результаты до такой степени просты и ясны, что они будут скандализированы. Как! Неужели мы бились и мучились целую жизнь, а ларчик так просто открывался?»². Если истина науки пребывает в прямых значениях, то истины бытия материализуются метафорическими значениями слов в речи. Истина науки, отрицая метафору, закрывает себе путь к открытию истин бытия, а вместе с тем и понимание сознания как вещи в себе для себя и для истин бытия.

¹ Линдгрен Астрид и Милн Алан Александр. «Три повести о Малыше и Карлсоне», «Вини-Пух и все, все, все...». – Т.: Юлдузча, 1988.

² Герцен А.И. Дилетантизм в науке // А.И. Герцен. Избранные философские произведения. Т.1. – М.: ОГИЗ: Государственное издательство политической литературы, 1948. – С. 12-90. Многое хотелось бы сказать об учёных, но всё сказал Герцен в указанном выше своём труде. Современная наука ничем не отличается от науки времён Герцена, который родился двести лет назад.

II БОБ

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИММУНИТЕТГА ҚАРШИ ТАҲДИДЛАР, УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ УСУЛИ ВА ВОСИТАЛАРИ

О НРАВСТВЕННЫХ ПРИНЦИПАХ УЧЕНОГО

Туленова К., Расулев Э.

В своем выступлении посвященном 18-летию Конституции Республики Узбекистан Президент И.Каримов отмечает: «Сегодня нет необходимости говорить много о том, что самый решающий фактор нашего продвижения вперед, обеспечения реализации наших самых заветных целей – это человеческий капитал, это растущее и вступающее в жизнь поколение молодых людей, обладающих современными знаниями и востребованными профессиями, способных взять на себя ответственность за будущее страны».¹

Так, подготовка молодых ученых и специалистов представляет собой не просто передачу новичкам определенной суммы знаний и умений. Это усвоение ими норм и ценностей научной деятельности, которая в первую очередь должна иметь в виду процветание Родины и благополучие общества, развитие прежде тех сторон личности, которые позволяют быть в первую очередь образцом гармонично развитого поколения современного Узбекистана.

Самые разнообразные проблемы науки, так или иначе, связаны с нравственными аспектами, и не могут быть полноценно разработаны без учета преемственности и традиций в науке.

Конечно, научные исследования выполняются индивидуальными усилиями ученого, и все же научные исследования это сфера интенсивного сотрудничества, где те или иные принципы науки приобретают социальный характер в первую очередь через общество. Остановимся на наиболее существенных принципах и нормах, определяющих преемственность и традиции науки.

Одним из таких принципов является универсальность. Научное открытие должно получить всеобщее признание в науке и найти всеобщее распространение. На эту черту науки обратил внимание еще В.И.Вернадский. Он писал: «Идеал научной проблемы – безличная

¹ Каримов И. Последовательное продолжение курса на модернизацию страны – решающий фактор нашего развития. Т. 2010. С.

истина, в которой всякое проявление личности по возможности удалено»¹. Истина не может быть присвоена, приоритет касается только факта кем совершенно открытие.

Другим принципом является критицизм, или иными словами в науке нет авторитетов. В науке не допустимо совершать ошибку, доверяя мнению признанного научного авторитета. Все, что провозглашается истиной должно быть проверено. Такая строгость в высказывании научных школ, составляет важную черту ученого. Эта черта и отличает, в первую очередь, ученого от представителей религии, идеологии или власти, которые в большинстве своем хотели бы обладать системой правил, не подлежащих обсуждению.

Следующим принципом является бескорыстие. Познавательный интерес по своей сущности бескорыстен. Этот бескорыстный интерес овладевает исследователя под влиянием крупных ученых.

Этот бескорыстный интерес является заразительным, хотя он и представляет собой чисто духовную ценность. К сожалению, жизнь иногда дает примеры, где в той или иной среде научная жизнь извращена, когда амбиции и материальные интересы преобладают над познавательными интересами. Так, что очень часто научные учреждения не всегда служат целям познания. Иногда они возникают для того, чтобы создать некоторым людям привилегированное положение и научная конкуренция сводится к борьбе не за правду, а за привилегии и выгоды.

Наиболее важным принципом является — рационализм. Ничто нельзя исключить из области познавательных интересов человека. И в то же время мы утверждаем ясность, точность (компактность), лаконичность и нейтральность изложения текста, логичность и эмпирическая обоснованность выводов и предложений — вот что составляет рационализм.

Все эти принципы неизменно воспроизводятся в нашей национальной науке, являются тем золотым фондом, который передается из поколения в поколение.

Очень часто в научной среде находит распространение тенденциозность, кастовость, зависть, коррупция, карьеризм и т. д. Неустойчивость ученых и их податливость этим отрицательным чертам человеческой природы вызывает различное толкование среди людей далеких от науки. При более близком и тщательном анализе такого ряда явлений в научной среде, можно отметить, что сама структура научной деятельности приводит к нескольким вариантам патологии:

¹ Вернадский В.И. Философские мысли натуралиста. М. 1988. С. 308.

1. Достаточно сильная оторванность большой науки от реальной жизни. Ученые очень часто работают в тепличных условиях и не имеют достаточно реального представления о заботах и трудностях рядового человека. К этому можно добавить узкую специализацию и отрешенность ученого, узкую направленность его интересов.

2. Постоянный поиск альтернативных решений проблем, относительность выдвигаемых гипотез, требование объективности и нейтральности в процессе исследования накладывают, отпечаток на решение и проблем жизненных, повседневных. Отсюда мнение, что в жизни как в научном исследовании все можно менять и делать ставку на нечто рискованное, но способное принести побочные выгоды.

3. Жажда заниматься научным исследованием и отсюда желание успеха нередко вынуждает ученого служить любому, кто берет его под финансовую опеку и оплачивает расходы по исследованиям.

Наука становится профессией и способом заработать на жизнь, а отсюда и выводы. Например, зависимость ученого от уровня жизни в конкретной стране и необоснованные надежды, возлагаемые обществом на ученых, без учета отклонений ученых от предписанных им этических норм не всегда оправдываются.

К ученому всегда предъявляются завышенные требования, в отличие от людей других профессий.

Конечно, образцы правильного мышления формирует логика и методология науки. Однако как видно из вышперечисленного этого не достаточно. Ученый с искаженной системой нравственных ценностей и мыслить начинает недобросовестно.

Ученый любого возраста, прежде всего молодой ученый, должен быть достойным гражданином своей страны. Он не только должен иметь высокий уровень профессионализма, но и активно участвовать и как ученый, и как гражданин в укреплении независимости, проникнуться духом национальной идеологии. И формирование такой жизненной позиции ученого в очень большой степени зависит от научной школы, в которую он попадает, от его учителей и товарищей в науке, от глубины их знаний, от их культуры, их национального самосознания и нравственного облика.

КОМИЛЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИАТИ

Х.Кодирова, Б.Алимбаева, ТДПУ

Инсоннинг комиллик даражасига ета олиши бу шунчаки орзу эмас, балки унинг эзгуликка хизмат қилиш, илмларни ўзлаштириш ва ривожлантириши, эзгу ишлар қилиш жараёнида эришиш мумкин бўлган аниқ ходиса ёки олий даражадаги маънавий юксаклик ҳисобланади. Шундай экан, узлуксиз таълим бериш ва мақсадли тарбиялаш орқали комиллик сифатларига эга бўлган баркамол инсонларни вояга етказиш мумкин. Бу олий мақсад бўлиб, у мамлакатимиздаги маънавий ўзгаришларнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади. Шу маънода, мустақил Ўзбекистонда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» янги асрнинг баркамол авлодини етиштиришдек мураккаб ва олжаноб вазифаларни ҳал этишга қаратилган. Мазкур дастур режалари мамлакатимизда нафакат таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, балки жамиятда маърифий онгнинг шаклланиши ва такомилланиши, илмий салоҳият ва интеллектуал қадриятларнинг ривожлантиришига ҳам хизмат қилади.

Эркин фуқароник жамиятини маънавий баркамол, эзгу гоялар ҳаётий эътиқоди бўлган инсонларгина бунёд эта олади. Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали баркамол инсонларни вояга етказишга муҳим эътибор берилмоқда. «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» маърузасида Президентимиз Ислам Каримовнинг қуйидаги сўзларини ўқиймиз: «Маънавий жихатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маърифатни юксалтириш, миллий уйғониш гоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади». Ушбу фикр республикамиз таълим муассасаларида меҳнат қилаётган муаллим ва ўқитувчилар, шу соҳадан изланишлар олиб бораётган илмий ходимларга катта масъулият юклайди. У илмий педагогик кадрлар фаолиятини янги ўзганга солиш миллий истиклол гоясини ёшлар ва умуман аҳоли онгига сингдиришда омилкор бўлиш заруратини таъкидлайди. Бунда айни пайтда жамият ва шахс муносабатларининг долзарб муаммоларини аниқлаш, шахс камолати билан комил инсон тушунчаларини замонавий талқин этиш мақсадга мувофиқдир. Ундан кейинги вазифа комил инсонни тарбиялаш хусусиятларининг ўзгариб бораётган йўналишларини чуқур илмий таҳлил қилиш масаласи. Бу ўринда ана шу хусусиятларга таъсир этувчи объектив ва субъектив

фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуг. керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади¹, деб таъкидлади. Бинобарин, ҳукуматимиз ёшлар билан ишлашда асосий эътиборни, энг аввало, уларни табиатимизга бегона бўлган ғаразли оқимлардан асраб, замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга, маънавий юксак, комил инсонлар этиб вояга етказиш, ёшларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб ўрин эгаллашига қаратади.

Миллат ўзлигини қанчалик чуқур англаса, ўзининг иззатини, қадр-қимматини жойига қўйса, уни бошқалар ҳам улуғлайди, ҳурмат қилади. Ислом динига ҳос қондалар, қадимий анъана ва қадриятларга содиқ ўзбек миллати ўзининг инсонпарварлик ғоялари билан асрлар оша ном қозониб келмоқда. Ўзбек миллатнинг бутунги кунда яққол намоён бўлаётган инсонпарварлиги кекса ёшдаги улуг кишиларга ҳурмат, кичикларга меҳр-шафқат, иззат, мухтожларга хайр-саховат қилиш, ота-она измида туриш, қариндош-уруғнинг, қўни-қўшинининг оғирини енгил қилиб, ташвишу қувончларига шерик бўлиш каби инсонийлик фазилатлари беҳисобдир. Ана шу эзгу хислатларга зид қарашларни ўзида шакллантирган худбинлар, миллатфурушлар, ҳонлар, қораниятли кишилар оз бўлса-да, учрайди. Шу нуқтан назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли ҳуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўхтонлардан ҳимоя қилиш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб қилиш бутунги кундаги энг долзарб масаладир.

Ҳозирги кунда ана шу ноёб ва муътабар мероснинг қай даражада сақланиб, авайланиб келинаётгани, уни ҳар томонлама ўрганиш, кенг омма, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, жаҳон жамоатчилигига тарғиб этиш борасида амалий ишлар фаол олиб боришмоқда. Ватанимиз келажаги бўлган баркамол авлодни етиштириш учун миллатимизнинг ҳар бир вакили ўз фарзандини миллий ғоямиз, қадриятларимиз, тилимиз, муқаддас динимиз, маданий бой ўтмишимизда чуқур из қолдирган буюк сиймоларимизга муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш билан бирга инсонпарварлик, байналминаллик ва самимийлик ва бағрикенглик руҳида ҳам тарбиялашимиз, бутунги кунда ҳар қачонгидан ҳам зарурроқдир.

Янги ҳаёт барпо этишнинг илк кунлариданок мамлакатимизни юксалтиришнинг асосий тамойилларидан бири – бу халқимизнинг маънавий меросини ўрганишни кучайтиришдан иборат эканлиги, шу

¹ Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик гаракист йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган таътанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

мақсадда диний-маърифий кадриятларимизни ўрганиш, асраш ва ҳимоя қилиш орқали ёш авлод қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Президент Ислом Каримов сўзлари билан айтганда, "...биз она заминимиз бағридаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачигидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилаётган бу ишларимизни кимгадир намоён қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажагимизни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз. Токи, эртага бизнинг ўрнимизга келадиган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб етсин"¹. Шу билан бирга Президент, "Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетақрор ўлкада туғилиш, унинг бағрида қамол топиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди"², деб уқтирди. Шундай экан, бундай юртнинг қадрига етиш, уни севиш ва ардоқлаш, мустақиллигимиз абадийлигини таъминлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини ҳамиша ёдда сақлаш лозим.

Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигида бўлиб, инсонийлик, меҳр-окибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, саховат ва мурувват, бағрикенглик сингари халқимизга хос бўлган фазилатларнинг юзасига қўйилган қадриятларнинг асрлар бўйи асраб-авайлаб, келажак авлодларга безавол етказишни мақсад қилиб келмоқда.

Жаннатмакон юртимизга бутун дунёнинг нигоҳи қадалган, қадимий маданиятимиз ва маънавий қадриятларимизни жаҳон аҳли таълим-тарбияси билан бир даврда муқаддас динимиз ва миллий қадриятларимизни авайлаб-асраш ва ривожлантириш ёшларни маънавий тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга. Буюк аجدодларимизни тереғи англаш, чуқур ўрганиш асосида миллий қадриятларимизни, қадимий анъаналаримизни, жаҳон цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган аجدодларимизни янги шароитда янгидан яна бир бор кашф этамиз, қайтадан дунёга танитиш имкониятига эга бўламиз ҳамда келажакда порлоқ бўлган ёшларга ибрат ва намуна сифатида кўрсатамиз, уларнинг иймон-этикодларини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, тафаккурида ўзлигини унутмаслик, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш ҳамда буюк зотларга муносиб бўлишга астойдил ундаймиз. Асрлар оша, довлар оша

¹ Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўйган бекиёс хиссасининг юксак эътирофи. Президент Ислом Каримовнинг "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюси. Ўзбекистон овози, 2007 йил 24 февраль.

² Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги таъриқ сўзи // Халқ сўзи. 2011, 1 сентябрь.

келаётган бу маънавий бойликнинг умри боқийдир. Бағрикенг мукаддас динимиз, қадриятларимиз – тинчлик, маърифат, юксак ахлоқ-одоб ифодачиси сифатида вақтлар ўтган сайин, замонлар кечган сайин юлдуздек яркираб, чирой очаверади, келажаги буюк бўлган ёш авлодни мафкуравий таҳдидларга қарши курашиш учун маънавий жихатдан тарбиялашда, ота-боболарининг мукаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтиришда муҳим омил сифатида хизмат қилаверади.

ТАЛАБА ЁШЛАР ФАЗИЛАТЛАРИ ТУРКУМИ ҲАҚИДА

З. Азимова, п.ф.н.,
Андижон ДУ

“Юксак маънавият – снгилмас куч” китоби Президент Ислон Каримовнинг “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунин, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг унйб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”, деган сўзлари билан очилади.

Китоб баркамол шахс ҳақидаги шу пайтгача мавжуд бўлган илмий мавҳумлик пардасини олиб ташлади. Энди баркамоллик биз учун фазодаги, тарихдаги ёки келажақдаги марра эмас. Талабаларимизда комил инсонга ҳос фазилатларни “ҳозир ва шу ерда”, маънавий тарбиявий ишларни илмий асосга қуриб етиштириш имкониятига ва тизимига эгамиз. Бунинг учун китобда шахсни камолотга элтувчи:

- *фазилатлар маъносини англаш;*
- *уларга эга бўлиш;*
- *уларга амал қилиб яшаш*

деган уч методологик мезони асослаб берилди. Зеро: “...мухтасар қилиб айтганда, Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечирини каби олийжаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чўқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш (таъкид бизники. – З.А.) — одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”.

Айниқса, дунёда глобаллашув, ахлоқсизлик гоёлари кенг тарқалаётган ҳозирги даврда бунинг аҳамияти катта. Шу сабабли Президент ислон Каримовнинг “...Баъзи бир сиёсатчи ва

назарнётчиларнинг, олдин моддий ҳаётни, кейин маънавий масалаларни ўйлаш керак, деган мазмундаги фикрлари мутлақо ҳато бўлиб, янги жамият, янги ҳаёт куриш жараёнида факат зарар етказиши мумкинлигини бугун ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқлаб бермоқда”, деган фикрлари биз танлаган “Ўзбек модели”нинг нақадар тўғрилигини тасдиқламоқда.

Чунки “Олдин моддий ҳаёт, кейин маънавият” йўлини тутганлар бўлди. Уларнинг бу хатоси “бой берилган авлод” – *“Lost generation”* иборасини пайдо қилди. Тарбияда бой берилган имкониятлар бегона сиёсий-молиявий гуруҳлар фаолиятини кучайтирди. Уларга қўшилиб Интернетнинг “Одноклассники”, “Фейсбук”, Wi-Fi, “В контакте” ижтимоий тармоқлари ёшларга идеал “улашмоқда”. Оқибатда улар ўз ватанига эмас, хориж ҳаётига кўпроқ дахлдор бўлиб қолишаётир.

Мустақиллик маънавияти фарзандларимизни баркамол этувчи фазилатлар туркумини белгилаб берди. Бу туркум аجدодларимиз ўғитларидан, Президент Ислам Каримовнинг замон талаблари, иқтисод, сиёсат, таракқиёт, миллий тарбия ҳақидаги фикрларидан терилган. Жумладан, “Юксак маънавият – енгилмас куч” асариди: “...бизнинг улуг аجدодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. ...Ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибодат ва ифбат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, ҳато қилмаган бўламиз”, – дейилади.

Ўртабшимиз асарларида бугунги замоннинг комил инсонларига хос бўлган 200 дан ортиқ фазилатлар баён қилинган. Контент таҳлил натижасида биз уларни XXI асрда Ўзбекистон ёшларида шакллантирилиши зарур бўлган энг муҳим фазилатлар деб атадик. Бу туркуми: юксак салоҳиятли, маънавий уйғок, ор-номусли, уят ва андишали, шарму ҳаёли, ибодат ва ифбатли, собитқадам, шижоатли, диний қадриятларни билувчи, савоб ишларни кўп қиладиган, тарихимиз, маданиятимиз, буюк аجدодларимиз меросини чуқур билувчи, ватанга содиқ, миллий ғурурли, юксак маънавиятли, янгича фикрловчи, Амир Темур бобомизнинг шижоат, азму қарор ва ўқтамлигига эга, фидойи, юксак ҳуқуқий маданиятли, жаҳон тарихи ва маданияти ютуқларини чуқур ўрганган, мард, ташаббускор, эл-юрт ташвишини зиммасига оладиган, дахлдор, иймонли-эътиқодли, ўз ҳақ-ҳуқуқини билиб, ҳимоя қила олувчи, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай ҳимояловчи, саҳий, ўз мустақил фикрига эга, меҳр-оқибатли, ғоявий ва мафкуравий таъсирларга қарши тура оладиган, ўтганларни хотирлаб, тирикларни қадрловчи, 20 йилда эришган

ютукларимизни давом эттиришга кодир, билимли ва истеъдодли, меҳнатсевар, тадбиркор ва янгиликни тез илғайдиган, ғайрат-шижоатли, иродали, қатъиятли, сабот-матонатли, жасур, фаол, замонавий, юксак технологияларни ўзлаштирган, соғлом турмуш тарзига интилувчи, миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида камол топган, огоҳ, ҳушёр, мўпосиб даромад топувчи, юқори малакали, масъулиятли, етук мутахассис каби фазилатлар ташкил этди.

Шундай қилиб, баркамол авлодни кўриш Соҳибкирон Амир Темур тузукларидан, Алпомиш, Гўруғли дostonларидан, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Алишер Навоий девонларидан “чикиб”, тарбиявий иш дастуримизга айланди. Бунга эришиш ўз-ўзидан кечмади. Аввало конунлар шу буюк мақсадга йўналтирилди. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Бюджет маблағларининг энг катта қисми энг яхши инвестиция – Комил инсонларни етиштиришга ажратилмоқда.

Бир неча йилларимиз номи ёшларимизнинг маънавий ва жисмоний саломатлигига бағишланди. Бу йиллар ўзларидан улкан натижалар қолдириб ўтди. 2008 йил “Ёшлар йили”, 2010 йил “Баркамол авлод йили”... Янги қурилган мактаблар, лицей, коллеж, мусиқа мактаблари, таълим инфраструктурасини тубдан ислоҳ қилиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, ўқув-методик таъминот деган оддий одамларга сезилмайдиган, лекин самараси бебаҳо юзлаб тадбирлар амалга оширилди.

“Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати – исми жисмига мос нодавлат ташкилоти ишламоқда. Дунёнинг энг зўр институт, университетлари Ўзбекистонга келди. 20 йил илгари уларнинг борлигини ҳам билмасдик.

Юзлаб танлов, кўрик, соврин, имтиёзлар тизими, кредит линиялари, имкониятлар, моддий ва маънавий рағбат шакллари, олимпиадалар, кўкрак нишонлари, барча-барчаси ёшларимиздаги иқтидорни кучайтириш, ривожлантириш, уларни комил инсонларга айлантиришга қаратилди.

Ўнлаб давлат ва жамоатчилик ташкилотлари бу ишга камарбаста. Кўчаларимиздаги шиорларимиз ҳам “Ўғил-қизнинг қомили – тараққиёт қомили” деб даъват қилаётир. Истеъдодли ёшларни рағбатлантириш тизимини айтмайсизми. “Келажак овози” кўрик танловининг архитектура ва дизайн, ландшафт дизайн, либослар дизайни, ахборот технологиялари ва техник ишланмалари, Веб ишланмалар, менежментни яхшилаш, дастурий таъминот, рационализаторлик таклифлари, миллий ва амалий санъат, тасвирий санъат, рақс йўналишлари; “Навкирон Ўзбекистон – 2010” республика анъанавий ва замонавий санъат фестивали ғолибларинининг инсталляция,

архитектура лойиҳалари, “Ab OVO” лойиҳалари, видеоарт жанридаги тасвирлари, дизайн, кулолчилик, каштачилик бўйича ижодий ишлари ёшларимиздаги баркамоллик натижаларидир. Шундай экан, бугун биз Ўзбекистонда комил инсонларни тарбиялаш учун ҳам шундай тизим, технологик шарт-шароит муҳайё этилди, дея оламиз.

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

А.Мўминова, ТДПУ

Мустақиллик ҳалқимиз ва мамлакатимиз учун юксалиш, таракқий этган мамлакатлар сафига қўшилиш имкониятини яратиб берди. Мустақиллигимизнинг илк кунлариданок мамлакатимизнинг барча соҳаларида ўзгаришлар ва янгиланишларни амалга оширишни тарихий заруриятга айлантириб қўйди, чунки мустамлакачиларни олиб борган сиёсати ҳалқимизни нафақат моддий жиҳатдан шу билан бирга маънавий жиҳатдан ҳам қашшоқлашиб қолишига сабабчи бўлган маънавият соҳасида ҳам янгиланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бирига айланган эди. Мана шу тарихий заруриятдан келиб чикган ҳолда Президентимиз томонидан миллий-маънавий тикланиш концепцияси ишлаб чиқилди. Ушбу концепциянинг асосий мақсади жамиятнинг маънавий ҳаётини юксалтириш, жамият аъзоларини маънавий жиҳатдан камолотга етказиш эди. Президентимиз И.Каримов маънавий ҳаётни юксалтириш давлатимиз сиёсатида қандай ўрин тутганлиги ҳақида гапириб ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: “Ўтган давр мобайнида эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган ана шундай иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш, кўхна кадриятларимиз, динудиёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият қуриш йўлида ҳалқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезон дёб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим.”¹

Жамият аъзоларини биринчи галда мамлакатимиз аҳолисини ярмидан кўпини ташкил этган ёшларни маънавий жиҳатдан тарбиялаб бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки маънавий жиҳатдан баркамол

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. 6-7 бетлар.

инсонларгина жамият ҳаётида ўз ўрнини топиб уни юксалтириб боришда катта роль ўйнайди. Ўзбекистоннинг келажаги бугунги кун ёшларининг қўлидадир. Маънавий жиҳатдан камолотга етишиб бораётган ёшлар жамиятимизда амалга оширилаётган янгиланишларнинг муҳим субъектларидан ҳисобланиб, улар ҳаётимизда рўй бераётган жараёнларга ўз таъсирларини ўтказадилар. Инсоният тарихи шунини асослаб бердики, ёшларнинг маънавий камолотига катта эътибор берган халқлар доимо ўз олдиларига қўйган мақсадларга эришиб келганлар. Аجدодларимиз ҳам асрлар мобайнида ёш авлодни маънавий жиҳатдан камолотга етказиб боришга катта эътибор бериб келганлар. Мавжуд бўлган барча имконият ва омиллардан унумли фойдаланишган ва унинг оқибатида ҳаётда ўз ўрнини мустақил ҳолда топишга интиладиган авлод шаклланиб келган. Мустақиллик йилларида ёшларнинг маънавий жиҳатдан тарбиялаб вояга етказиб бериш энг муҳим вазифалардан бирига айланди.

XXI аср бошларига келиб ёшларимиз дунёқарабини, уларнинг турмуш тарзини бузишга қаратилган маънавий таҳдидлар кучайиб борди. Бундай таҳдидларни хавф-хатарини сезмаслик, уларни ўз вақтида олдини олинмаслиги жамият учун жиддий хавф-хатарларни келтириб чиқаради. Ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган бундай таҳдидларни олдини олиш бугунги кунга келиб тарихий заруриятга айланди.

Дунёнинг кўплаб давлатлари сингари мамлакатимизнинг эртанги келажагини қандай бўлиши уларга берилаётган маънавий тарбиянинг, уларнинг қалби ва онгига сингиб бораётган бунёдкор гояларнинг ва шу билан бирга ёшларимизнинг ҳар томонлама салоҳияти ва етуклигига боғлиқдир.

Мамлакат раҳбари таъкидлагандек, “Улғайиб келаётган ёш авлод маданиятимиз ва маънавиятимизни, тараққиётнинг интеллектуал кадриятларини келажакда жамият аъзоларининг онгига етказадилар. Мамлакатимизда ёшларнинг бундай масъулияли вазифаларини бажариши учун қулай имкониятни ва шарт-шароитларни яратиб бериш даркор”. Бугунги кунда мамлакатимизда шундай амалий ишлар қилинмоқда.

Келажагимиз бўлган ёшларни маънавий ва ғоявий жиҳатдан тарбиялаш эртанги кун учун қандай аҳамиятга эга эканлигини гапирар экан, Президент И.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар, биз бу

масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз холига, ўзибўларчилиikka ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охи-роқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин¹.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган миллий тикланиш сиёсати жамиятимиз ҳаётида турли соҳалар сингари маънавий мафкуравий муҳитнинг соғламлашуви, жамият аъзоларининг турмуши ва фикрлаш тарзини юксалтиришга самарали таъсир кўрсатмоқда. Ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар ёшларимизнинг янги маънавий қиёфасини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Ёшларни маънавий жиҳатдан тарбиялаб бориш, қисқа муддатда ва осонлик билан амалга ошмайди, у оқилона ва ижтимоий адолат асосида ташкил этиладиган муҳим тарбиявий жараёндр.

Маънавияти юксак, одоб-ахлоқли, маданиятли маърифатли кишилар элим-юртим деб яшайди, уларда миллий ғурур, ифтихор, орият кучли бўлади, ўз юрти, миллат манфаати ва шарафини ҳимоя қилишни ўзи учун бахт деб билади. Миллий ғоямиздаги Ватанга мухаббат, инсонпарварлик руҳидаги ғоялар, уларни ҳаётлари давомида амалга ошириб бориш бугунги баркамол авлоднинг асосий мақсадларидан биридир.

Президентимиз атрофига бирлашиш, ҳамма масалада унга кўмак бериш, миллий истиқлол ғоясининг меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонийлик, ҳақлолик, поклик, камтарлик, оилавий тотувлик, миллий аҳиллик, дўстлик, биродарлик ҳақидаги буюк ғояларни миллий ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз онгига сингдириш, уларни маънавий етук, баркамол, комил инсон бўлишлари биз устозларнинг шарафли бурчимиз ва мақсадимиздир.

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ

Х.Қодирова, А.Махмудова, ТДПУ

Мустақиллигимизнинг пойдеворини мустахкамлаш, мамлакатимиз ривожланиши ва Ўзбекистоннинг буюк давлатга айланишида ёшлар интеллектуал салоҳиятини такомиллаштириш, таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, шунингдек, ёшларни замонавий илм-фан, маданият, техника ва технология ютуқлари билан мунтазам равишда таништириб бориш бениҳоя катта аҳамиятга эга. Чунки тараққиёт

¹ Каримов И. Юксак маънавият – сиғилмас куч. Т.: Маънавият, 2008 й. 4-бет.

технологияни эгаллаган иродаси бақувват, иймони бутун, замонавий фикрлайдиган юксак салоҳиятли, истеъдодли ёшлар ҳал этади. Ватанимизнинг келажак тақдирига ҳал қилувчи таъсир қўсатадиган асосий омил фан, техника, маданият, маърифат, таълим-тарбия, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар борасидаги янгиликлар ва ютуқларни жаҳон мамлакатлари тажрибаларининг кенг қўламда ўрганиш, ривожлантириш ва ҳаётга жорий этиш ҳамда истеъдодли ёшлар интеллектуал салоҳиятини ўрганишдан ҳам иборатдир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётининг турли жабҳаларида туб ислохотлар кенг тус олмоқда. Шулар қатори таълим тизимида ҳам ислохотлар самарали тарзда амалга оширилмоқда. Мамлакатда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим соҳасини тубдан ислох қилиш ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Кадрлар тайёрлашнинг бош мақсади – қонин инсон ва етук малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборат. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва бунда қўйилаётган талаблар мустақил, эркин фикрловчи шахсни шакллантириш, унинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш ҳамда иқтидорли ва истеъдодли ёшларни излаб топишни таъминлашга қаратилгандир. «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболагасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажакимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга қим қилишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ»¹, дейди Президентимиз. Янгича дунёқарашга, замонавий дунёқарашга, замонавий билимларга эга бўлган барқамол, ташкилотчи ва зукко кадрлар ва мутахассисларга эга бўлиш учун, биринчи навбатда, таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, истеъдодли ёшлар интеллектуал салоҳиятини ҳозирги давр талаби даражасига кўтариш зарур ва ўта муҳимлигини ҳаёт тақозо этмоқда.

Бугунги кунда ҳаётимизда таълим-тарбия жараёнларини муҳимлиги жамиятда юз бераётган, атрофимизда кечаётган воқеалар моҳиятини чуқурроқ англашга ундамоқда. Шу боис ҳам мамлакатимиз фаровонлиги, юрт, тинчлиги, умумий хавфсизликни таъминлаш таълим-тарбия ҳолатига ҳам бевосита боғлиқдир.

Зероки, оламдаги ҳар бир ижтимоий ҳодиса таълим-тарбия соҳасидаги инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларидан қелиб чиқади. Ҳар бир халқ тараққий этишида миллийлик, миллий онг ва

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999 йил. 18-бет.

таълим-тарбия жараёни муҳим аҳамият касб этади. Миллат мавжуд экан, у таълимни, халқни тарбияси ва маънавиятини юксалтиришга ҳаракат қилади. Айнан таълим бизнинг келажагимиз учун «масъул», айнан таълим «ҳозирги даврда келажакнинг ўзига ҳос «агенти» бўлиб ҳисобланади. Бу шуни англатадики, таълим «жамиятда нима бўлаётгани»да ва «келажакда нима содир бўлиши»да нафақат роль ўйнайди, балки масъулдир.

Сўзсиз, таълим тизими жамиятдан ташқарида мавжуд эмас ва мавжуд бўлиши мумкин ҳам эмас, у ўзига ҳос жамият кўзгуси, унинг давоми ва ажралмас қисми ва шу вақтнинг ўзида «тараккиёт ва гуллаб яшашнинг пойдевори»дир. Шунинг учун, жамиятда содир бўлган ҳар бир аҳамиятга молик муаммо, сўзсиз, таълим макони ҳолатига таъсир кўрсатади. Давлат ва жамият таълим тизими ривожланишининг кафолатидир, улар таълим маконидаги сиёсатни амалга оширади, унинг мақсад ва вазифаларини белгилайди, устувор йўналишларини аниқлайди. Бу таълим жамият тизимидаги ўзаро ҳаракатлар оқимининг биринчи йўналишидир.

Иккинчи, ҳар томонлама ривожланган, ҳозирги замон талабларига мослаша оладиган, жамият олдида турган ўз масъулиятини онгли ҳис қиладиган ёшларни тарбиялаш узлуксиз таълим тизимида, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиши, ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятни барпо этишга қодир ҳар томонлама ривожланган ёшларни шакллантиришдир. Таълим тизимида қомил инсонни шакллантириш, жамият тараккиётига таълим тизими соҳаси орқали эришиш бу давлат, жамият, шахснинг бугунги ва келажак олдида турган бош вазифасидир. Бошқача айтганда, ҳозирги вақтда миллий мустақиллик ғояси ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида таълимни ривожлантириш, уни такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларнинг долзарб йўналишларини белгилаб олиш жуда ҳам зарур. Зеро, «Таълим тўғрисида»ги қонун «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра, замонга мослиги ва ҳар қандай талабга жавоб бера олиш билан характерланади. Чунки у нафақат ҳозирги даврни, балки келажакни ҳам ўзида чуқур ифодалаган қудратли стратегик ҳужжатдир.

Жамият ҳаёти иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларга ажралса-да, улар бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ диалектик жараёнда акс этади.

Ҳар бир тарихий даврда жамиятнинг интеллектуал салоҳияти, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига мувофиқ равишда бошқариш усуллари шаклланади ва амал қилади. Ҳуқуқий давлат ва демократик, очик фуқаролик жамияти иқтисодиёт билан бирга инсон маънавий ҳаётини

такомиллаштириш, жамиятнинг интеллектуал салохиятини ривожлантириш, таълим, илм-фанни тараккий эттириш ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилади. Юксак даражадаги истеъдод алоҳида ўрин тутadi. Жамият истеъдоднинг мавқеини белгилаганидек, ўз навбатида истеъдод ҳам жамият таракқиётида муҳим ўрин тутadi. Истеъдод ва жамият ўзаро қонуний боғланган ижтимоий жараёндир. Истеъдод инсоннинг маълум фаолияти турида ўзини намоён этади. Билим, кўникма, малака, тажрибалар истеъдод ривожланишида катта роль ўйнайди. Шу боисдан ҳам жамиятимизда истеъдод эгалари миллий бойлигимизнинг ўзига хос кўринишларидан биридир. Жамият маънавий юксалиш учун ана шу подир қобилиятли, истеъдодли, ақлли, зукко, мустақил тафаккурга эга бўлган ёшларга алоҳида эътибор бериш, кўнчилик орасидан ажратиб олиб, махсус тарбия ва таълим даргоҳларида тайёрлашни тақазо этади. Бу жиҳатдан қараганда ана шу истеъдод эгаларини аниқлаш, излаб топиш, тайёрлаш, тарбиялаб ўқитиш, рағбатлантиришда назарий методалогик асослари, манбалари ва воситаларини чуқур илмий таҳлил этиш, ўрганиш, ўз навбатида ижтимоий таракқиётга хизмат қилади.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакат фуқаролари онгида янгича тафаккурни, миллий онгни шакллантириш, истеъдод эгаларини айниқса иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларни тарбиялашдек олижаноб вазифаларга алоҳида эътибор берила бошланди.

Истеъдодни тарбиялаш – соғлом авлодни вояга етказишдир. Бу гоё «аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилиш» асрлар давомида халқимизнинг кўнгил мулки сифатида ривожланиб, бойитиб келинмоқда, у эса ўз самарасини бермоқда.

Истеъдодни авайлаб-асраш қомил инсонни шакллантириш демакдир. Қомилликка интилиш – ҳар бир инсоннинг муқаддас орзусидир.

Демак, зукколик фазилатлари қуйидаги ҳолатларда сезилади: зеҳнлилик, бамаънилик, хотиржамлик, лўндалик, потиқлик, танкидийлик, дадиллик, омилқорлик, саводхонлик, кизиқувчанлик, ишқибозлик қабилардир.

Халқимиз тақдири ва тарихида бутунлай янги давр бошланди. Бу давр шаклланаётган миллий истиқлол мафқураси миллатимизнинг асрий анъана ва урф-одатларини, ўзлигимизнинг асосий хусусиятларини мужассалаштириб, жамиятимиз, мамлакатимиз ўз олдига қўйган ва инсон манфаатларига хизмат қиладиган гоёлар даври сифатида дунёга келмоқда.

Буюк аждодларимизнинг бекиёс маънавий мероси, минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизни тиклай

бошладик. Ана шу миллий истиқлол, миллий ғоя, миллий мафкура бутун ўтмишимизни янгича назар билан баҳолаш, уни қайтадан кўриб чиқиш, шу асосда тарихий тафаккурни шакллантиришни кучли бир ички эҳтиёж даражасига кўтармоқда. Янги асрда дунё тараққиётининг, инсониятнинг қай йўлдан боришини қомил инсонлар белгиламоқда. Инсоният ўз ижтимоий тараққиётининг бутунги лаҳзаларига келиб интеллект, зеҳн ёки ижод маҳсули бўлган ғоя ҳам мулк эканлигини аниқ ва равшан белгилаб олди. Зеро, истеъдод – тафаккур маҳсулидир.

АХЛОҚИЙ МУҲИТГА САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТАЎТГАН ОМИЛЛАР

А.Мансуров доц., Л.Таджиназарова, ўқитувчи,
Ў.Шакаров, тадқиқотчи, ТДПУ

Аждодларимиз сабъ-ҳаракатлари, берган қурбонликлари, тортган жабру жафолари юрт озодлиги йўлидаги чеккан заҳматлари натижасиз қолмади. Ниҳоят XX асрнинг охириларига келиб халқимизнинг озодлиги ҳақидаги асрий эзгу орзулари рўёбга чиқди. Аммо озод юрт эркин ҳаётни қўлга киритиш масъулияти ва машаққати нақадар қийин бўлган бўлса, уни саклаб қолиш масъулияти ҳам кам аҳамият касб этмайдди.

Маълумки, босқинчилар ва халқимизни қарамликда тутиш иштиёқида бўлган тажавузкор кучлар энг аввало халқимизнинг маънавиятидан, маданиятидан, тарихидан, шу жумладан аждодларимиз маънавий меросидан ҳам маҳрум қилишга ҳаракат қилган эдилар. Бу ҳол яъни, турли никоблар остидаги, турли кўринишдаги ва турли йўналишдаги тазйик ва тажовузлар ҳалли-ҳануз тўхтагани йўқ. Жумладан, собиқ Шўро тузуми даврида атеистик тарғиботга зўр берилиш ва бу фаолият ўз давридаги сиёсий партиянинг етакчи сиёсатида айлантирилишни оқибатида, халқнинг эътиқод эркинлиги чеклаб қўйилганлиги натижасида халқ оғида диний таълимотларга қанқоқлик туйғуси шакллانганлигини англаб етган маънавий душманларимиз турли диний никоблар воситасида экстремизм, прозелитизм ва ҳаказо воситалар ва усуллар билан, аввало юртимиздаги конституцион тузумга қарши халқни оёқлантириш, улар оғига жангарилик руҳини сингдириш, ахлоқсизлик чоҳига йўналтиришга астойдил уриниб келмоқдалар.

Мамлакатимиздаги ахлоқий муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган бир қанча омилларни санаб ўтишимиз мумкин. Хусусан, ўз вақтида гўё халқни сеф диний эътиқодга бошламоқчи бўлган экстремистик ташкилотлардан бири бўлмиш “Ҳизбут-таҳрир”чиларнинг айрим гуруҳлари кенг тарқалганлиги фикримиз далилидир. Кейинги вақтларда

пайдо бўлган ва ёшларимиз онгини заҳарлаётган “салафчилар ҳаракати” ҳам ҳозирги кунда ахлоқий муҳитга озмунча зарар келтираётгани йўқ. Айниқса, ёрқин келажакни кўзлаган, ўз устида ишлаб маълумотини оширмоқчи бўлган, етук мутахассис бўлиб халқ саодати йўлида жавлон уришга бел боғлаган ёшларнинг йўлдан урилиши ахлоқий муҳитга берилаётган зарба дейишимиз мумкин.

Маълумки, башарият томонидан қўлга киритилган ҳар қандай ютуқ ва кашфиётлар кишиларнинг эзгу орзу мақсадларига хизмат қилиши лозим. Аммо афеуслар бўлсинки, барча кашфиётлар натижаси биз ўйлагандек фақат эзгулик йўлида хизмат қилмай, аксинча вайронкорлик, бузғунчилик, разолат мақсадларида ҳам фойдаланилмоқда. Хусусан, табиатшунослик фанларидаги кашфиётлар, жумладан, занжирли реакциянинг кашф этилишини ва унинг ижобий, салбий оқибатларини эслаб кўрайлик. Атомлар устида содир этилувчи бу реакция битмас-туганмас энергия олиш имкониятини бериш билан бир қаторда у нафақат инсониятга, балки бутун сайёрамизга таҳдид солувчи куч-қудрат манбаи эканлиги маълум бўлиб қолди. Албатта, жаҳоннинг илгор фикрловчи кучлари ва воқеликка объектив баҳо бера олувчи кишиларнинг жонбозлиги билан бу таҳдид жаҳон бўйлаб кенг тарқалишига чек қўйилишига қарамай қуроқланиш пойғаси секинлик билан бўлсада ҳали-ҳануз давом этиб келмоқда. Бу жараён нафақат маънавий-ахлоқий муҳитга, балки бутун жонзотга қарши қаратилган таҳдиддир.

XXI асрда ахборот технологиялари, хусусан интернет тармоқларининг кенг оммалашаётганлигини кўрсатиш мумкин. Интернет, бизнинг фикримизча, жаҳондаги илмий янгиликлар, қўлга киритилаётган маънавий-маданий соҳалардаги ютуқлар, турли миллатларга ҳос адабиёт, санъат соҳасидаги ўзига жалб этувчи янгиликлардан бизни хабардор қилиш керак. Аммо бу соҳада ҳам маънавий-ахлоқий муҳитга қарши тажовузлар содир бўлмоқда. Бизку одам савдосига қарши курашни давлат сиёсати даражасига кўтарилишига муваффақ бўлдик ва халқни бундай иллатларга қарши доимо огоҳ бўлиб туришга даъват қилаётганимизга қарамай, кўпчилик компьютер техникасидан фойдаланишни ўрганиб олганлиги туфайли маънавий қашшоқ кимсалар, мафкуравий иммунитети ожиз бўлган “зиёлилар” интернетда берилаётган ахборотларнинг фойда зарарини тушуна олмай турли ахборотларни ўзлаштириб, кўр-кўрона уларнинг таъсирига берилиб қолмоқдалар.

Асрлар давомида ота-боболаримиз томонидан шакллантириб амалий ҳаётга татбиқ этиб келинаётган маънавий ва ахлоқий қадриятлардан бебаҳралик ёки уларга белисандлик билан муносабатда бўлиш янада даҳшатлироқ ва аянчлироқ оқибатларга олиб келиши

шубҳасиздир. Шундай экан буюк аллома аждодларимиз маънавий меросларидан фойдаланиб, исломий покиза ғояларни тарғиб қилиб, мустақиллик шарофати билан таъмирланган ва қайта тикланган зиёратгоҳларнинг аҳамиятини тарғиб этиб, биз қандай аждодларнинг ворислари эканлигимизни тушунтириб бебаҳо маънавий-ахлоқий бойликларимизни ижодий ривожлантириш бурчимиз эканлигини ёшлар онгига сингдира олишимиз олдимизда турган энг долзарб вазифалардандир.

УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В РАМКАХ МИРОВОГО СООБЩЕСТВА КАК ДОСТИЖЕНИЕ НЕЗАВИСИМОСТИ

И.С.Машурян, ТГПУ

В основу современной концепции человеческого развития (human development concept), которая сформировалась в конце 80-х годов XX столетия, легло положение о том, что люди являются не только средством, но и основной целью экономического развития. Кроме того, само человеческое развитие рассматривается как процесс предоставления людям более широкого выбора.

«Человеческое развитие... – это создание окружающей среды, в которой люди могут полностью развивать свой потенциал и вести продуктивную, творческую жизнь в соответствии со своими потребностями и интересами. ...Принципиально важным для расширения возможностей выбора является создание возможностей для человека – всего того, что люди могут делать, или кем они могут быть в жизни. Самым основным условием человеческого развития является возможность вести долгую и здоровую жизнь, быть хорошо информированным, иметь средства, необходимые для достойного существования, принимать участие в жизни общества. Без всего этого многие возможности выбора просто не доступны и множество жизненных перспектив остаются недостижимыми»¹.

Однако без обеспечения прав и соблюдения основных свобод нельзя достигнуть расширения выбора и возможностей человека. Первым международным документом, провозгласившим универсальный статус прав человека, стала Всеобщая Декларация прав человека, принятая Генеральной Ассамблеей ООН 10 декабря 1948 года².

В 1990 г. ПРООН – ведущее агентство ООН – в первом ежегодном докладе о человеческом развитии, выступило с еще более активной и

¹ См. Доклад о человеческом развитии за 2001 г. – С. 9.

² Человеческое развитие. Учебник Ташкент 2008 С.10

всесторонней стратегией, которая была предложена Махбубом уль-Хаком¹. Последующие доклады расширили сферу процессов развития, анализируя значимость человеческого развития в таких областях, как измерение развития, финансирование развития, глобальное распределение доходов, человеческая безопасность, гендерное равенство, экономический рост, бедность, потребление, глобализация, права человека и культурное разнообразие.

Таким образом, главной целью и движущей силой построения современного демократического правового государства и открытого гражданского общества, обеспечивающих соблюдение прав и свобод человека, духовное обновление общества, формирование социально-ориентированной рыночной экономики, интеграции в мировое сообщество, является человек.

После обретения государственной независимости в 1991 году и вступления в ООН Узбекистан принял на себя все ключевые обязательства, вытекающие из членства в международном сообществе. В том числе – обязательство участвовать в реализации концепции человеческого развития, приверженцем которой международное сообщество является на протяжении почти двух последних десятилетий.

В основу реализации «узбекской модели» построения демократического общества положены, пять разработанных Президентом Республики Узбекистан И.А. Каримовым ключевых принципов²:

- полная дендеологизация экономики;
- сохранение роли государства как главного реформатора;
- во всех сферах жизни должен главенствовать закон;
- должна реализовываться сильная социальная политика;
- эволюционный путь перехода к рыночной экономике без «революционных скачков», «шоковой терапии», без ущерба для уровня жизни народа.

Принцип сильной социальной политики провозглашает, что создание условий, обеспечивающих достойную жизнь и свободное развитие человека, в условиях демократического государства, не является личным делом самого человека, а возводится в ранг общегосударственной политики. Узбекистан – государство социальной справедливости. В связи с этим государство как главный реформатор социально поддерживает граждан, непригодных к трудовой деятельности, инвалидов, сирот, многодетные семьи. В условиях

¹ Desmond "Human Development: The Power of the Idea", Journal of Human Development, V 8, No. 1, March 2007.

² Каримов И. «Узбекистан: свой путь обновления и прогресса» Т., 2006.

перехода к цивилизованному рынку государство избирает основные направления деятельности, способствующие коренному изменению общества. Осуществление этой работы, основывается на заботе о самых насущных интересах народа, с избеганием резких перемен в экономике и проводя политику эволюционного развития.

Начиная с 1995 г., по инициативе Программы Развития ООН в Узбекистане выпускаются Национальные доклады о человеческом развитии (НДЧР).

Основной темой Национального доклада о человеческом развитии за 2005 г. стали изменения, произошедшие в человеческом развитии в 2001-2003 годах. Здесь же была дана оценка приверженности страны принципам подписанной

Декларации тысячелетия ООН¹ по искоренению бедности, утверждению человеческого достоинства и равенства, достижению мира, демократии и устойчивого развития.

«Устойчивое человеческое развитие представляет собой такое развитие, которое приводит не только к экономическому росту, но и к справедливому распределению его результатов, которое восстанавливает окружающую среду, а не уничтожает ее, которое повышает ответственность людей, а не превращает их в бездушных исполнителей. Такое развитие уделяет первостепенное внимание бедным, повышая их возможности и обеспечивая им участие в принятии решений, которые влияют на их жизнь. Такое развитие – развитие для людей, для природы, для увеличения количества рабочих мест и улучшения положения женщин в обществе»².

В республике проводится планомерная работа в области гендерной политики и улучшения положения женщин. Недавно в действующее законодательство были внесены изменения, направленные на поощрение участия женщин в политической деятельности и процессе принятия решений, благодаря чему значительно выросло число женщин-парламентариев. В соответствии с нововведённой системой квот, политические партии должны выдвигать в законодательные и представительные органы власти не менее 30% женщин от общего числа кандидатов. В настоящее время 21 женщина (18%) является депутатом Законодательной палаты и 15 женщин (15%) – членами Сената Олий Мажлиса. Представительство женщин в органах исполнительной власти составляет 3,4%, а в судебных – 22,7%³.

¹ В декларации тысячелетия описаны цели развития тысячелетия, которая представляет собой глобальную программу, направленную на обеспечение мира, безопасности и развития во всем мире. В сентябре 2000г. Узбекистан совместно со 191 страной мира принял декларацию тысячелетия.

² Человеческое развитие. Учебник Ташкент 2008 с.16

³ http://www.un.uz/ru/index/goal_3

За годы независимости в Узбекистане были предприняты значительные усилия по улучшению ситуации во всех сферах человеческого развития, в том числе в экономике, здравоохранении и образовании, что позитивно отразилось на ключевых индикаторах человеческого развития. Наибольший прогресс достигнут в экономической сфере: согласно данным национальных докладов только за последнее десятилетие прирост индекса среднедушевого ВВП, втрое превысил прирост общего индекса человеческого развития. Это объясняется, с одной стороны, низким исходным уровнем развития экономики ко времени обретения республикой независимости, весьма динамичным его повышением в последние несколько лет, с другой стороны, достигнутыми к этому времени достаточно высокими значениями средней продолжительности жизни, грамотности населения и невозможностью, в силу объективных причин, их дальнейшего увеличения столь же высокими темпами, как рост ВВП.

Устойчивое развитие республики Узбекистан в течение последних двадцати лет обусловлено продуманной модели реформирования экономики и социальной сферы, грамотной политикой и государственным управлением.

НАЦИОНАЛЬНОЕ САМОСОЗНАНИЕ КАК ФАКТОР ДУХОВНО-ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА

Л.М. Арутюнова, профессор, ТГПУ

«Мы должны однозначно для себя уяснить – не изменив систему образования и воспитания, нельзя изменить сознание людей».

И.Каримов

Сегодня весь наш народ находится в преддверии празднования главной даты – 20-летия Независимости Республики Узбекистан.

Оглядываясь назад, мы осознали, сколько преобразований и изменений произошло за это время в жизни нашей страны. С уверенностью можно сказать, что это действительно были особые, судьбоносные годы – годы, равные векам.

Процесс возрождения духовности проходил совсем не просто после более чем вековой тоталитарной зависимости. Сначала это проходило как отрицание ценностей прежней системы, но такой подход содержит в себе опасность политического и культурного экстремизма. Более того, это могло привести к неприятию современности, отрицанию необходимости модернизации.

Именно на волне этого отрицания появилась опасность возникновения экстремистской оппозиции. Ее политические устремления представляли собой смесь воинствующего национализма, религиозной нетерпимости и патологической ненависти ко всему «не нашему». Это был путь в никуда.

Другой путь возрождения духовности был предложен Президентом Республики Узбекистан. В одной из своих работ он проследил основные вехи этого пути. Здесь, по его мнению, «исключительно важное значение в процессе возрождения и роста национального самосознания, и, если хотите, национальной гордости, занимает историческая память, восстановление объективной и правдивой истории народа, родного края, территории государства».

Говоря о возрождении духовных ценностей, нельзя не обратиться к возрождению духовно-религиозных основ общества. Сразу оговорюсь, это сложная и серьезная тема, которая требует особого и обстоятельного разговора. Думаю, если мы хотим понять этот тезис лучше, вкратце все же следует этой проблеме коснуться.

Известно, что вопросам религии, ее значению для духовного развития в республике с первых дней независимости уделялось большое значение. Выступая перед депутатами Олий Мажлиса, Ислам Каримов неоднократно подчеркивал, что «исламская религия — это религия наших отцов и дедов, для нас она и вера, и нравственность, и совесть, и просвещение».

Это серьезная и сложная проблема еще и потому, что мы в течение многих десятилетий советского периода воспитывались в условиях разрушительного, нигилистического и невежественного атеизма, не зная ценности религии. «Ислам в моем понимании, — пишет Президент И. Каримов, — демократическая религия, которая проповедует терпимость и духовность, любовь к человеку, очищение. Человек верующий не позволит преступать определенные границы. Словом — ценности, которые святы для любого человека любой нации. В этом отношении ислам — религия простая, понятная, если ее не исказить».

Обратим внимание на последние слова «... если ее не исказить». Конечно, сам факт существования на протяжении тысячелетий религии, в том числе и исламской, свидетельствует о том, что она имеет глубокие корни в человеческой природе и является непреходящей ценностью. Зачастую религия является надежной спутницей человека, частью его жизни, отражает общечеловеческие нормы нравственности, способствует преодолению изолированности человека, его отчуждению от других людей.

Но, признавая высокую роль религии, нельзя не считаться с тем фактом, что религиозное мировоззрение не является единственным

способом мышления. Наряду с ним такое же право на существование имеет то, что принято называть светским мировоззрением, светским образом жизни. Конечно, зачастую отношения между людьми не всегда мирные, а уж противоречия в восприятии жизни никто не станет отрицать. Но это не повод для конфронтации. Человечество уже «это проходило» и извлекло горький урок.

У нас в республике в молодежной среде ярко выражено понимание своей значимости в делах общества. Стремление большинства молодых людей самостоятельно решать свои вопросы и строить жизненную перспективу отразилось на ее возросшей тяге к образованию, освоению престижных профессий. Ценность образования, во многом потерявшая свое значение для молодежи в начале 90-х годов, вновь заняла место среди приоритетных жизненных ценностей молодежи.

В основной массе молодежи преобладают настроения и действия, свидетельствующие о ее нацеленности на жизнь и работу в условиях общества с рыночной экономикой. В целом молодое поколение лучше адаптируется к нынешним условиям и глубже входит в современную экономическую систему, чем старшее поколение. Несмотря на все проблемы и трудности, часть молодежи смотрит в будущее уверенно.

Современное молодое поколение в большей своей части настроено весьма патриотично, верит в великое будущее Узбекистана. Оно хочет жить в великой стране, обеспечивающей достойную жизнь своим гражданам, уважающей их права и свободы. В целом наше общество имеет поколение, ориентированное на устойчивое развитие и созидательный труд.

Но значит ли это, что здесь все проблемы решены? Напротив, решение их только начало набирать необходимые обороты. Подтверждением тому может служить тот факт, что 2008 год назван Годом молодежи. Такое решение, по словам Президента Узбекистана, было принято «... для привлечения внимания государства и общества, широкой общественности». В этих целях И.Каримов предложил при участии соответствующих государственных и общественных организаций «разработать и реализовать специальную Государственную программу». Президент Узбекистана счел необходимым определить задачи, решение которых поможет реализовать государственную программу «Год молодежи».

Одной из первых была названа задача «укрепления правовой базы и пересмотр действующих законодательных актов, направленных на обеспечение интересов молодого поколения».

Законодательно для молодежи установлен минимум социальной обеспеченности, гарантирующей: бесплатное медицинское обслуживание, бесплатное образование, посещение спортивно-

оздоровительных и культурно-просветительских учреждений на льготных условиях, льготные кредиты на строительство жилья, обзаведение домашним хозяйством, транспортные льготы, компенсационные выплаты для несовершеннолетних граждан и другие. В словах Президента Ислама Каримова о том, что «наши дети должны быть умнее, сильнее, мудрее и, конечно же, счастливее нас», отражена вся суть государственной политики, направленной на воспитание молодого поколения.

Другой, не менее важной задачей, считает глава нашего государства, является «повышение на новый уровень исполнения общенациональных государственных программ, осуществляемых в стране в сфере образования, ответственности соответствующих ведомств и центров на местах».

Известно, что исходя из этих целей, в 1997 году была принята рассчитанная до 2009 года Национальная программа по подготовке кадров, которая предусматривала переход на 12-летнее образование и представляет собой целостную непрерывную систему обучения. Программа включает в себя 9-летнюю общеобразовательную школу, 3-летнюю средне-специальную, профессиональную подготовку в колледжах и академических лицеях.

Смысл и цель этой системы образования состоит в том, что «академические лицеи, созданные при высших учебных заведениях страны, дают молодым людям возможность овладения более углубленными знаниями для получения высшего образования по избранным специальностям, а колледжи наряду с продолжением обучения по специальным предметам дают возможность получить профессию средней квалификации по 2-3 специальностям для того, чтобы каждый вступающий в жизнь молодой человек мог реализовать способности и найти свое место в будущем».

Однако, нельзя согласиться с утверждением Президента Узбекистана Ислама Каримова, который считает, что «когда речь идет о получении нашими детьми современных знаний в школах, академических лицеях, профессиональных колледжах и высших учебных заведениях, овладении ими профессиями, востребованными в жизни, необходимо отметить, что нам предстоит решение еще многих задач по повышению качества и эффективности осуществляемых дел в это направлении, их конечного результата».

Одной из таких задач, на наш взгляд, является обеспечить духовную составляющую при обучении. Конечно, наша система образования имеет много положительных моментов и, безусловно, соответствует, как говорят, требованиям момента — дать молодому человеку базовый комплекс знаний, достаточно обширный и серьезный,

чтобы реализовать свой потенциал. Однако, воспитать человека мобильного и умелого, способного адаптироваться в стремительно меняющемся мире, владеющего компьютером, иностранными языками, основами современных экономических знаний – этой исключительно прагматической задачи мы посвятили в последние годы достаточно много усилий. Но не забываем ли мы порой о том, что не менее важной целью образования является воспитание человека духовного, о чем неоднократно подчеркивал в своих трудах Президент Узбекистана Ислам Каримов.

На эту тему можно и нужно говорить много. Мне бы хотелось затронуть один, но самый важный, на мой взгляд, аспект духовного воспитания молодежи, который, прежде всего, заключается в воспитании толерантности.

Важность формирования толерантных отношений у молодежи обусловлена тем, что вопрос об уровне толерантности общества в условиях многонационального многоконфессионального государства, каким является Узбекистан, является очень важным.

«Решающее значение в достижении поставленных целей, обеспечении стабильности и реализации широкомасштабных реформ по обновлению страны сыграла с первых же дней независимости огромная целенаправленная работа по укреплению межнационального и межрелигиозного мира и согласия в стране, усилению роли духовного и нравственного воспитания, возвращению к своим корням, повышению политического самосознания и правовой культуры населения.

На умонастроение людей влияет созданный в обществе климат, когда в полной мере проявляются свойственные издревле нашему народу человеческие черты, как взаимопонимание и взаимотерпимость, открытость и толерантность, доброта, гостеприимство и душевная щедрость».

ВЫСОКО РАЗВИТАЯ МОЛОДЕЖЬ КАК ФАКТОР СТАБИЛЬНОСТИ ДУХОВНОГО ИММУНИТЕТА В ПОСТРОЕНИИ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА.

Б. Матназарова, ТГПУ

Молодежь – поколение не только и не столько возрастное, сколько социально – историческое и формирование социального облика современной молодежи Республики Узбекистан – результат непрерывной деятельности молодежной политики страны. В стране молодежь составляет значительную часть населения и играет

определенную роль в решении важных социальных, экономических, политических и нравственных проблем общества. Воспитание гармонично развитого молодого поколения находится в числе важнейших приоритетов общества.

В Республике Узбекистан последовательно реализовывались стратегически важные задачи, сыгравшие важную роль в обеспечении получения молодыми людьми глубоких знаний, формировании у них профессиональных навыков, полном проявлении их талантов.

С целью достижения высоких рубежей в стране была поднята на принципиально новый уровень подготовка кадров нового поколения, способных решать сложные широкомасштабные задачи на пути модернизации страны, построения сильного демократического общества.

Гражданскому обществу Узбекистан необходима образованная, высоконравственная, предприимчивая молодежь, со стойкой гражданской позицией – кадры новой формации. Это особенно важно для молодежи начинающих свою деятельность в условиях рыночной экономики, значительная часть которого вливается в ряды растущего среднего класса, составляющего социальную основу гражданского общества.

Молодежь сегодня должна быть социально и политически грамотна, чтобы лучше знать основы общественных отношений.

Одна из важных задач государства – это воспитание духовно богатой молодежи, подготовка нового в моральном и духовном отношении поколения на основе национального возрождения.¹

Духовная деятельность совершается ради удовлетворения духовных потребностей. Важнейшее среди них – потребность в нравственном совершенствовании, в удовлетворении чувства прекрасного, в сущностном познании окружающего мира. Система духовных ценностей является неотъемлемым элементом духовной культуры. Сама духовная культура представляет собой свособразную целостность искусства, науки, нравственности, религии. Духовная сторона является существенной характеристикой жизни общества и, следовательно, неотделима от человека как социального существа, а уровень ее развития показывает достижения конкретной исторической цивилизации.

Уровень развития общества мы понимаем не только как степень экономического и социального благополучия, но и уровень духовной зрелости молодежи. Духовность – это стремление познать самого себя, найти свое место в обществе. Это повышение уровня сознания людей.

¹ И.А.Каримов Узбекистан свой путь обновления и прогресса. Т.1998

Укрепление в сознании людей, особенно молодежи, незыблемых нравственных и духовных понятий, гуманитарных и демократических ценностей.¹ Каждое общество связывает свое развитие с развитием духовных и нравственных ценностей в сознании людей.

Прогрессивное общественное развитие – это совершенствование общественных отношений во всех сферах жизни, которое дает возможность каждому человеку достичь высот подлинно человеческого существования.

Для молодежи духовные ценности становятся ориентиром, целью, нормой поведения. Духовность общества передается из поколения в поколение и прививается каждому человеку в процессе его воспитания и образования. Духовность проявляется в совокупности его положительных качеств, достоинств, таких подлинно человеческих чертах как душевная чистота, совесть, честь, стремление к знаниям. Она воплощается в поступках.

Новая модель образования постепенно приводит к формированию в обществе свободно мыслящих личностей. Образованность и высокая культура позволяет использовать свободу во имя всеобщего счастья. «Завтрашний день Узбекистана находится в руках молодежи: образованных и культурных, духовно-богатых, способных независимо мыслить и работать, воплощающих профессиональное мастерство, отвечающих требованиям научно-технического прогресса, наделенном чувством высокой гордости, твердыми убеждениями, сильной волей патриотов»– И.Каримов.

Молодежь– основа любого государства, поэтому очень важно вовремя направлять их силы, чтобы они приносили в будущем пользу стране.

Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов отмечает: «Нам не должно быть безразлично, мы не можем стоять в стороне и быть равнодушными наблюдателями, к каким ценностям стремится наша молодежь, что ее волнует, чем она живст. Мы должны воспитать самостоятельно мыслящих молодых людей со своими твердыми убеждениями и взглядами на жизнь, на все, что происходит вокруг них, формировать в них стремление к здоровому образу жизни, уважение, как к национальным, так и общечеловеческим ценностям».

Молодежь Узбекистан является свидетелем грандиозных перемен в обществе: реформирование экономики, создание новой политической системы и развития гражданского общества.

В стране сформирована социальная защита молодежи, которая бесспорно относится, к социально уязвимым слоям населения

¹ И Каримов. Узбекистан устремленный в 21 век. Т.2000

представляет собой систему правовых, финансовых и социальных гарантий, призванных облегчить молодежи вступление в общество.

По сравнению с другими группами молодежь находится в лучшем положении по ряду субъективных и объективных причин. Молодежь не имеет ограничений ни по возрасту, ни по состоянию здоровья, а также имеет больше возможностей для применения и реализации своих сил.

Оказывая социальную поддержку молодому поколению, государство обеспечивает все условия для развития страны, ее потенциала.

Основными направлениями системы социальной защиты молодежи являются следующие моменты: содействие молодежи при трудоустройстве; содействие при социальном самоопределении; содействие при повышении социальной активности.

Одним из важнейших моментов можно выделить содействие молодежи при трудоустройстве, поскольку оно влечет ряд мероприятий, связанных с переходом от системы образования к рынку труда молодежи, с социальной адаптацией молодых людей. В стране ведется большая работа по содействию молодежи при социальном самоопределении, сюда можно отнести организации спортивных, культурных мероприятий, форумов, конкурсов для молодежи.

Под активной жизненной позицией личности понимается сознательная, целенаправленная деятельность человека, ориентированная как на преобразование объективных социальных условий, так и на формирование социальных качеств и возможностей личности, его способности, знания, навыки, стремления, цели и задачи. Социальная защита молодежи строится на принципе оказания большого содействия и предоставления возможностей для повышения социальной активности современной молодежи.

Сегодня переход к новым реалиям жизни одной из стратегических проблем явилось воспитание и подготовка молодого поколения к условиям рынка. Жизнь сама ставит перед молодежью сложнейшие вопросы: как жить в условиях рынка, как планировать карьерный рост, как научиться отстаивать свои права, с помощью кого защищать свои цели и идеи.

Проблема активизации интеллектуального и гражданского потенциала молодежи – практически-политическое, создание реальных экономических, политических, образовательных, социально-психологических предпосылок и условий для более быстрого интеллектуального, нравственного, гражданского созревания молодежи.

Важнейшим показателем молодежи Республики Узбекистан являются социальные ценности. Социальная ценность определяется как отношение субъективно-объективного типа, объективной стороной

выступает свойства предметов, процессов, явлений, а субъективной стороной выступает оценка этих свойств человеком. Основными индикаторами, позволяющими фиксировать количественную и качественную сторону жизненных устремлений молодежи выступили: уровень преданности к стране; приоритетные жизненные ценности; степень социальной зрелости. Молодежь Узбекистана демонстрирует взвешенную позицию по отношению своих жизненных устремлений. Можно утверждать, что социальные ценности постепенно утверждаются в ряду базовых ценностей молодежи.

Таким образом, становление молодого человека как гражданина-процесс сложный. Формирование гражданских позиций происходит практически на протяжении всей жизни, начиная от первичной адаптации и социализации в конкретной социальной среде до формирования устойчивых ценностных ориентаций и гражданских позиций.

ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАЪНАВИЯТНИНГ ТУТГАН ҶУМЛИ

М. Шохайдарова, ТДПУ

Мустақиллигимизнинг илк йиллариданок юртимиз келажаги бўлган ёшлар тарбиясига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Мамлакатимиз тараққиётининг сўнгги 20 йили ўзига хос давр ҳисобланиб, шу йиллар мобайнида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан, маънавий жихатдан баркамол бўлган ёш авлодни вояга етказиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди.

XXI аср мамлакатимизда инсон маънавий камолотига катта аҳамият бериладиган давр бўлиб қолмоғи лозим.

Бугунги кунда ҳар бир ёш авлодда фуқаролик масъулиятини шакллантириш талаб даражасига айланиб бормоқда. Фуқаролик масъулиятини шакллантириш қисқа муддатларда ва осонлик билан амалга оширмайди. Ҳар бир жамият аъзосида фуқаролик масъулиятини шакллантириб боришда маънавиятнинг алоҳида ўз ўрни бордир.

Маънавият доимо ҳар бир инсон камолотида ва жамият тараққиётида катта рол ўйнаш билан бирга ҳар бир фуқарони ўзлигини англаб боришда, ҳамда ижтимоий жихатдан фаоллашишида катта роль ўйнаб келган. Фуқаролик масъулиятини ҳис эта олган ҳар бир киши ижтимоий воқеликдаги жараёнларни англай олади, ҳамда амалга оширилади янгиланиб бориш жараёнида фаол катнаша олади. Маънавий жихатдан баркамол шахслар тарбиясига катта эътибор

берадиган ҳар қандай давлат доимо ўз олдига қўйган мақсадларга эришиб келган.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок Ўзбекистон тараккий этган демократик жамият қуришни асосий мақсад қилиб қўйди. Мана шундай мақсадларга эришиш йўлида ҳар томонлама етук бўлган баркамол шахсларнинг ўрни катта. XXI асрнинг энг долзарб муаммоларини маънавий жиҳатдан баркамол шахсларгина ҳал эта олиши мумкин.

Комил инсонларнинг вояга етказишнинг қатор омиллари мавжуд бўлиб, уларнинг орасида маънавиятнинг алоҳида ўз ўрни бордир. Маънавият инсон комиллигининг туб моҳиятини, инсоннинг ижтимоий жиҳатларини билдирувчи асосий фазилат ҳисобланади.

Инсоннинг маънавий жиҳатдан баркамоллашиб бориши унинг инсоф, ҳалоллик, инсонпарварлик, ижтимоий фаоллиги, ўз бурчи ва масъулиятини ҳис қила олишлик фазилатлари билан боғлиқ. Инсоннинг комиликка эришиб бориши жараёни унинг ўз-ўзига ва жамиятнинг бошқа аъзоларига бўлаётган муносабатларда намоён бўлади.

Маънавий баркамолликка эришиб бораётган инсон жамият аъзолари билан муносабатда ижтимоий муҳитда катта аҳамиятга эга бўлган, ахлоқ, одоб, ҳуқуқ борасидаги тарихий қадриятларга ва уларнинг бугунги кундаги эҳтиёжи ва имкониятлари белгилаб берган мезонларга тўлиқ риоя қилишидир. Инсон тарбиясида катта аҳамиятга эга бўлган маънавият жамият аъзолари ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган фазилатларни шакллантириб боради. Инсон баркамоллигининг асосий фазилатларидан бири инсонийлик ҳисобланиб, у ҳар бир кишига хос бўлиши керак. Инсонийлик шундай фазилатки, у биринчи навбатда инсонпарварликни ўзида акс эттиради.

Инсонпарварликнинг инсон ҳаётига чуқур сингиб бориши, узлуксиз ва чегарасиз ривожланиб бориши керак. Жамият қанчалик такомиллашиб, инсон маънавий жиҳатдан баркамоллашиб борса, унинг ўз атрофидаги одамга нисбатан меҳр-мурувватли, раҳм-шафқатли, иймонли, диёнатли, адолатли, фидойлик, инсофли бўлиш мезонлари ҳам такомиллашиб бораверади. Бундай инсонларни вояга етказиб бориш мамлакатимиз олдига турган асосий мақсаддир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маънавият масалаларини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар, маънавий жиҳатдан баркамол шахсларни вояга етказишлари, маънавий-маърифий тадбирларга берилаётган эътибор шу объектив зарурият билан белгиланади.

Инсоният тарихи шуни асослаб бердики, мамлакатнинг келажагини ва тақдирини, унинг табиий бойликлари эмас балки маънавий жиҳатдан баркамол бўлган аъзоларигина белгилаб беради.

Юксак маънавиятли баркамол шахслар Ўзбекистонни келажаги буюк давлатга айлантира олади. Маънавийт шундай кудратли кучки, у ҳар бир инсонни келажагини ва тақдирини белгилаб беради. Маънавийтнинг комил инсон тарбиясида тутган ўрни тўғрисида гапириб Президентимиз шундай фикрларни билдириб ўтадилар.

“Нега деганда, инсонни инсон қиладиган унинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланган бу тушунча ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутди”.¹

Ёшлар онгига Ватанга фидокорлик руҳини сингдириш ва ривожлантиришда мактабгача болалар муассасалари, умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника, ўрта махсус билим юртлари, олий таълим, шунингдек, кўни-кўшнилар, маҳалла-куй, ҳар хил жамоат ташкилотлари ҳам ўзига хос таъсир кўрсатади. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Ёшларнинг онги ва қалбида мурғаклик кезларидан бошлаб Ўзбекистонга, унинг ери, табиғатига, дарёлари, ўрмонлари, тоғу тошлари, ўсимликларини ҳайвонот дунёсига нисбатан чексиз муҳаббат ва фахрланиш куртак ота бошлаши жуда ҳам зарур. Ўлкамизнинг тарихи ва маданиятини, халқимизнинг анъаналарини қанчалик теран билиб олишса ва уларга катта ҳурмат билан қаралса, Ватанга садоқат ёшларимизда шунчалик кучли ва барқарор бўлади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилариданоқ жамият маънавий ҳаётини юксалтиришга ва ундан ёшларни баркамол авлод сифатида вояга етказиб бориш жараёнларида фойдаланишга катта эътибор қарағиб келинмоқда.

Маънавий баркамоллик ва фуқаролик масъулияти бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, улар ўртасидаги боғлиқлик инсон камолотида катта роль ўйнайди.

Глобализм даврида ёшлар тарбиясига нисбатан кучайиб бораётган тазйиқларни қўплаб ёшларнинг ҳуқ-атвориغا, фаолиятига ва дунёқарашларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Оқибатда фуқаролик масъулиятини шакллантириб боришга тўсик бўлмоқда. Бундай хавф-хатарларни олдини олишда ёшларни фаол фуқаро сифатида шакллантириб боришда маънавийтнинг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Маънавийт ҳар бир кишида ўзлигини англаб бориш ва ижтимоий жиҳатдан фаоллашиб боришнинг муҳим заминларидан бўлиб, у фуқаролик масъулиятини шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

¹ Каримов И. Юксак маънавийт – енгилмас куч. То: Маънавийт. 2008 й. 19-бет.

МУЛОҚОТ ОРҚАЛИ МАФКУРАВІЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШ

Ш.Ибрагимова, ТошДШИ
қошидаги академик лицей

Инсоннинг ҳамма хатти-ҳаракатлари ҳам онгнинг назорати остида бўлавермайди. Хатти-ҳаракатларнинг маълум бир қисми беихтиёр, ўз-ўзидан рухий ҳолатлар натижасида содир бўлади. Кўпгина рухий ҳолатлар, хулқ-атвор сабаблари онг томонидан назорат қилинмайди. Ишонтириш ёрдамида бир кишининг қарашлари, фикрлари бошқа кишига ёки кишилар гуруҳига етказилади. Ишонтириш онгга қаратилган бўлиб, бу суҳбатдоннинг чуқур тушуниши ва розилигини назарда тутди. Ишонтириш бизнинг мафкуравий таълим-тарбия ичимизда, асосий таъсир кўрсатиш усули ҳисобланади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ёш авлодни мафкуравий тарбиялашда инонтиришнинг роли, айниқса каттадир. Чунки болалар ўзларининг ёш хусусиятлари туфайли таъсирга наҳоятда берилувчан бўладилар. Шунинг учун ҳам педагогик тажриба инонтиришдан ганҷари, педагогик инонтириш ҳам қўлланилади, унинг моҳияти тарбиячининг аниқ мақсадга қаратилган таъсир кўрсатилиши сифатида таърифлаш мумкин. Инонтириш кўпроқ тингловчи психикасининг англамаган соҳасига қарагилди ва унда ўз ахлокий-иродали хислатларининг фаол такоммиллаштириб, эҳтиёжлар ва йўл-йўриқларни шакллантиришни мақсад қилиб кўяди. Педагог тажриба бевосита ва бавосита инонтиришнинг ҳархил турлари, шунингдек инонтириш механизмига асосланган психик ўз-ўзини бошқаришнинг махсус техникаси қўлланилади.

Ўзаро фикр алмашиш омиллари системасида инонтириш ва инонтириш билан бир қаторда тақлид қилишда ифодаланадиган намунага, иборатга амал қилиш муайян ўрин эгаллайди. Болалар бошқа кишиларнинг хулқ-атвор намуналарига онгсиз равишда тақлид қилади. Болалар хулқ-атвор андазаларига тақлид қилиш йўли билан улардан ўз муҳитига фойдаланади. Тақлид қилишнинг ўзинга хос хусусияти шундан иборатки, киши муомала жарёнида ўзи кўрган, бошқалар бажарган ҳаракатларни такрорлашга интилади. Тақлид қилишнинг мазмуни хатти-ҳаракатлар, ишлар, имо-ишоралар, нутқ, кийиниш услуби ва ҳоказоларни такрорлашдан иборатдир. Бола шахси шакллантиришнинг илк босқичларида беихтиёр тақлид қилиш катта роль ўйнайди. Бола тақлид қилиш йўли билан нутқни, буюмли ҳаракатларни, хулқ-атвор усулларини эгаллайди. У секин-аста кўр-кўрона нусха кўчиришдан онгли, тасвирий тақлид қилишга ўта боради.

Муомала жараёнида ўзаро фикр алмашиш йўли билан таъсир кўрсатишнинг кўриб чиқилган асосий турлари ишонтириш, инонтириш, таклид қилиш – ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир ва айни вақтда ўзига хос фарқларга эгадир. Ишонтириш ва инонтириш ўзаро боғлиқлиги шундан иборатки, биз таъсир кўрсатиш усулининг унисидан ҳам, бунисидан ҳам фойдаланганда кўпинча сўз ишлатамиз. Сўз одамлар мафкурасига кўп томонлама таъсир кўрсатади. У фақат мазмунга эга бўлиб, онг билан идрок этилиб қолмасдан, шу билан бирга кишига физиологик таъсир ҳам кўрсатади.

Педагогик таъсир кўрсатиш усули бўлган ишонтириш, инонтириш элементларини ҳам ўз ичига олади. Ўқувчи ишонтирар экан, ўқувчининг онгига мурожаат қилади ва айни вақтда ўзининг нутқи орқали инонтиришга ҳаракат қилади. Инонтириш ҳиссиётларга бой бўлади, натижада нутқ фақатгина онгга эмас, балки ҳис-туйғуларга ҳам қаратилган бўлади. Бу билан уларнинг сўзи улкан ишонтирадиган кучга эга бўлади. Ишонтириш билан инонтиришнинг бундай ўзаро боғлиқлиги баъзан бу таъсир воситалари бир-бирига ўхшаш экан, деган фикрни уйғотади.

Лекин кўпгина мафкуравий педагогик вазиятлар борки, улар ишонтириш ёки таъсир қилишни алоҳида ҳолда қўллашни талаб қилади. Бунга асло «ишонтириш фаол онгни ва қатъий иродани шакллантиради», «ишонтириш эса ақлий пассивликка ва иродасизликка олиб келади», деган маънони англатмайди. Ишонтириш тарбиянинг етакчи усули эканлиги шак-шубҳасидир, у оқилона ва ҳиссиётга тааллуқли нарсаларга биргаликда дахлдорлик. Лекин шу билан бирга қилинган таъсир психиканинг англаб бўлмайдиган таркибий қисмларини фаоллаштиради ва тегишли хулқ-атворни такомиллаштиришга олиб келади.

Мафкуравий педагогик жараёнда инонтириш учун таъсирнинг англаб етилмаганлиги ва мавжуд эҳтиёжлар, муносабатлар ёки интилишларга таяниб характерлидир. Ишонтирувчи таъсир, истак, ният пайдо қилиб, ўхшаш шароитларда уларни амалга оширишга олиб келади. Педагогик инонтириш психиканинг англабмайдиغان соҳасига қаратилган бўлиб, тарбиячи билан тарбияланувчининг яқиндан алоқада бўлишини, уларнинг ўзаро ишонишини, ўзаро тушунишини, инонтириш мазмуни шахснинг бир бутун ҳолатига амалий, ижобий таъсир қилишини назарда тутди. Шундай қилиб, инонтириш, истак, ниятни пайдо қилиб, ўқувчиларнинг фаоллигини рағбатлантиради.

Бола, айниқса кичик ёшдаги бола хулқ-атвор қоидалари ва меъёрларининг маъносига ҳамиша ҳам тушуниб етмайди ва уни англамайди. Ҳаёт эса белгиланган тартибга риоя қилишни талаб этади. Бундан кенг фойдаланади, улар болада мавжуд кўникмалар ва ҳаракат

қилиш одатларини шакллантиради. Уларни чуқур англаб етиш ва тушуниш кейинроқ бошланади. Шахс камолга ета борар экан, сингиб қолган одатлар асосида онг ва хулқ-атвор бирлиги осон ва узвий равишда амалга оширилади. Мафкуравий таъсир омиллари сифатидаги ишонтириш ва инонтиришнинг кўриб чиқилган хусусиятлари шундан далолат берадики, педагогик жараёнда улар ўзига хос хусусиятларга эга мураккаб ўзаро алоқалари билан характерланади. Ишонтиришни сўз билан таъсир кўрсатишнинг юқори самара берадиган усули деб эътироф қилар экансиз (чунки у ўқувчининг онгига қаратилган бўлади), таълим-тарбия амалиётида педагогик ишонтиришнинг ҳар хил турларини инкор эта олмаймиз. Таълим-тарбия амалиётида инонтиришнинг салмоғи ишонтириш усулининг салмоғига қараганда камроқ. Шу сабабли педагогик инонтириш ўз хусусиятларига эга бўлади. Энди таклид қилиш ва инонтириш умумий ҳамма хусусий томонларга тўхталиб ўтамиз. Муомала воситаси бўлган таклид қилиш таъсир қилиш билан мустаҳкам боғлиқдир. Гарчи муомаланинг бу шаклларида айрим бир хил хусусиятлар мавжуд бўлиши лозим.

Сўз билан инонтиришда ўз ҳиссиётларини, таъсирланишини бошқариш кўникмаларига ва ўз ҳис-туйғуларини ифодалаш учун аниқ шаклни топа билишга асосланиши лозим. Бу соҳада актёрлар моҳир эканлигини эътироф қилиш керак. У ҳар доим тайёр текст асосида гапиради ва театрда турли ролларни бажаради. Педагог эса ўзининг тил оҳангини ҳар гал такрорланмас вазиятда ижод қилади. Сўз билан таъсир кўрсатишнинг ифодали, шакли ва хусусияти унинг айни шу дақиқага ҳослигидан иборат. Оғзаки таъсир кўрсатишни амалга ошириш эса ўқитувчидан фикрларини ҳам, техникани ҳам, педагогик вазиятга мос ижодкорликни талаб қилади.

Инонтириш учун ўзига хос нарса – гапнинг мазмуни эмас, балки нутқнинг оҳанги ҳамдир. Ҳатто оддий нутқда ҳам агар кучли инонтирувчи таъсир кўрсатиш вазифаси қўйилмаса, фақат ахборотнинг мазмуни эмас, гапирувчининг сўзлаш оҳанги ҳам идрок этилади. Ўз ҳис-туйғулари тарбияланувчиларда айнан ўхшаш ҳиссий ҳолатлар келтириб чиқариш учун уларнинг оҳангини ўзгартириш ўқитувчидаги педагогик техниканинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Оҳанг бўёғининг доираси ниҳоятда кенгдир. Чунончи, «юринг» сўзини буйруқ, зарда, фармойиш, фармон, дўқ, кўрсатма, йўл-йўриқ, тақиқлаш, чакириқ, илтимос, ялғиниш, ижозат, таклиф, такдим қилиш, киноя, мурожаат, таъна, огоҳлантириш, маслаҳат, тавсия тариқасида талаффуз қилиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, инонтириш, ишонтириш, таклид қилиш орқали болаларнинг миллий тарбияланганлик даражалари ўзгара боради. Агар уларнинг гап-сўзи орқали ўзини тутиши, дарсдан бўш

вакатида қиладиган иш фаолиятини мунгазам кузатиб бориlmаса, ота-оналар билан маънавий-маърифий ишлар бўйича иш юритувчи ходимлар ўзаро алоқада бўлмас экан, мафкуравий бўшликка имконият яратилади. Натижада маънавий таҳдидлар олиб борилишига йўл очиб берган бўламиз. Вояга етаётган болаларимизни шундай тарбиялашимиз керакки, улар ўзлари қайси муҳитга кириб бораётганини ақлан хис этиб турсин.

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИНИНГ ЎРНИ

М.Хўжанова, ТерДУ

Ўзбек халқи учун оила энг муқаддас даргоҳдир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: “Бунда ўзаро ҳурмат ва каттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига инсбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас... Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшнларининг эсон-омонлиги тўғрисида гамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса, энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир”.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оила ва унинг муқаддаслигини таъминлаш учун боғлиқ масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Юртбошимиз ташаббуси билан 1998 йил “Оила йили”, 1999 йил эса “Аёллар йили”, унинг узвий давоми сифатида 2000 йил “Соғлом авлод йили”, 2008 йил “Ёшлар йили”, 2010 йил «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинди.

Президент «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида “инсон маънавий оламининг юксалиши” деганда нимани тушуниш керак, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб берилган: “Оллохнинг ўзи бизга буюрган қомил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш”. Аммо яна таъкидлайдики, ушбу қондани тушуниш ва эътироф этишнинг ўзи қифоя эмас, балки айни шу эътикодга амал қилиб яшаш – “одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон”дир.

“Такрор айтишга тўғри келади – ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада хушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур.” Президентнинг хушёрликни йўқотмаслик, бепарво бўлмаслик хусусидаги уқтиришларини тўғри тушунадиган бўлсак, ёш авлодга тўғри таълим бериш билан бирга, ҳар

бир айтган сўзимизга аввало ўзимиз риоя қилишимиз керак бўлади. Масалан, “илм ол” дедикми, ўзимиз умр бўйи илмимизни ошириб, пухталаб боришдан тўхтамаслигимиз керак: “ҳалол ва адолатли бўл” дедикми, ўзимиз фарзандларимизни ҳалол лўқма билан боқаётганимизга, ўз фойдамизни кўзлаб бировга зулм бўладиган ҳатти-ҳаракатдан сакланишга катъий уринмоғимиз лозим бўлади. Ана шундагина болаларимиз келажагидан хотиржам бўлишимиз мумкин.

“Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очик кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда.”

Албатта, барча муаммоларини бир кунда, бир ҳамла билан ечиб бўлмайди. Маънавий баркамол авлодни тарбиялаш бир умрлик иш. Мустақиллигимиз бу саъй-ҳаракатларимиз самарали бўлишининг ишончли қафолатидир. Аммо ҳар бир ишда ёлғон қадамлардан, осон ечимлар кидиришдан эҳтиёт бўлмоғимиз жуда муҳим. Ҳар бир ишда қийинчиликни бўйнига олган одам ҳақиқий ютуққа эришади. Айниқса, биз зиёлилар, ёш авлод тарбиячилари ўз вазифамизга масъулият билан ёндошсак, “фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш”дан, шу йўл билан улар онгида “мафкуравий иммунитет” ҳосил қилишга уринишдан чарчамасак, миллатимиз яна буюк миллат бўлади, авлодларимиз аجدодларимизга муносиб қудрат касб этади. Муаллимнинг меҳнати самараси узоқ келажакка уланиб кетадиган эзгу меҳнат. Келинг, авлодни боқийликка элгувчи меҳнатдан эринмайлик, токи Президентимизнинг, халқимизнинг ёруғ орзулари ушласин, “ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин”.

Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади, дейилади «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида. Шундай экан, юртимизда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз лозим. Токи, ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жохил ақидапарастларнинг ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, бизга мутлақо бегона ғоялари ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Президент И.Каримов ўз китобида бу ҳақиқатларни, бу туйғуларни ёш авлод онгига сингдиришнинг уч табаррук маконига алоҳида эътибор қаратади: уларнинг биринчиси – оила, иккинчиси – маҳалла, учинчиси – таълим-тарбия тизими. Агар шу уч маконда маънавий муҳит кўнгилдагидек бўлса, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлади, агар улар таназзулга қараб кетса, бугун жамият ҳалокатга юз тутди. Афсуски, муайян сабабларга кўра, бугунги кунда ҳар уч маконда ҳам муаммолар анча-мунча йиғилиб қолган. Китобда оила маънавий муҳитига алоҳида эътибор ажратилган. Баъзи ота-оналарнинг ўсиб келаётган ёш фарзандларининг қизиқиш ва интилишларига, уларнинг “онгу тафаккурида ҳар куни бир ўзгариш юз бериб, кўзида янги-янги саволлар пайдо бўлаётганига” жиддий аҳамият бермаслиги, боз устига баъзи ота-оналар бола олдида ўзини тутишни билмай, ахлоқ-одоб бобида фарзандларига ўрнатилган бўлиш ўрнига аҳли оиласига кўпол муомала билан фарзандлари руҳига салбий таъсир кўрсатиши, ҳатто баъзи оилаларда боланинг маънавий оламида оғир асоратлар қолдириши мумкин бўлган ўзгалар бахтини кўролмаслик, фиску фасод, игво муҳити ҳам мавжудлиги таассуф билан қайд этилади ва шундай хулоса қилинади: “Биз ўз фарзандларимизнинг бахту саодатини, иқбол ва камолини кўришни истар эканмиз, нафакат оиладаги, балки маҳалла-қуйдаги одамларнинг хатти-ҳаракати ҳам боланинг шаклланиб келаётган соф қалби ва онгига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз зарур.”¹ Муаллиф ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни яхшилаш ҳақида бош котира экан, яна бадий сўз қудратига мурожаат қилишни маслаҳат беради. Мумтоз адибимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”ида тасвирланган ўзбек оилаларига хос одоб ва ахлоқ намуналарини ибрат қилиб кўрсатади. Ўзбек халқининг азалий болажонлиги, оилапарварлигини ифтихор билан таъкидлар экан, муаллиф бундай эзгу туйғулар фарзандларни “ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш” йўлида сарфланиши лозимлигини алоҳида уқдиради.

Маҳалла – инсонни жамият билан уйғунлаштирадиган ҳамда шу руҳда тарбияладиган энг катта саховатли гуша ва беқиёс Ватан. Донишманд халқимизнинг “Маҳалла – ҳам ота, ҳам она” деган ҳикматли иборасини келтириб, бу сўзларни миллатимиз учун “хаётий ҳақиқатнинг ифодаси” деб таърифлайди ва маҳалла – тарбия мактаби сифатидаги вазифасига алоҳида урғу беради.

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008, 54-55-бетлар.

“Шуни унутмаслик керакки, – деб ёзади Президент, – келажагимиз пойдевори билим даргохларида яратилади, бошқача айтганда, халкимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бутун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало шахсни кўриши зарур. Ана шундай талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим деб қабул қилишимиз керак, – деган эди юртбошимиз. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришини талаб этади”. Шундай экан, бу соҳада юзакни, расмий ёндошувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”¹.

Таълим-тарбия инсон камолоти ва миллат раънакиннинг асосий шарти ва гарови, давлат ва жамият назоратидаги умуммиллий масаладир. Таълим ва тарбия бир-биридан ажратиб бўлмайдиган уйғунликда олиб борилиши лозим. Таълим-тарбиянинг асосий мақсади ва вазифаси комил инсон тарбиясидир.

МАЪНАВИЙ ТАҲДИД ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Д.Мадаминова, С.ф.п.ТошДШИ

Маълумки, халкимиз ислом дини ва маданияти ривожига, миллий қадриятларни авайлаб-асрашга азалдан беқиёс ҳисса қўшиб келади. Ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу қамолини кўриш учун бутун умри давомида курашади, унинг келажаги ҳақида қайғуради, барқамол инсон қилиб етиштиришга интилади, бу йўлда тинмай меҳнат қилади. Бутунги кунда, мустақиллик шарофати билан ана шундай эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун барча шароит, қулай имкониятлар яратиб берилган. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, “барчамиз учун яқкаю ягона бўлган Ватанимизни янада гуллайтиб-яшнатиш, унинг ёруғ ва фаровон келажаги учун бутун борлигимизни бағишлаб, керак бўлса, жонимизни фидо этишга ҳам тайёр бўлиш – ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир”¹. Шу боис, мамлакатимизда янги ҳаёт барпо этишнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳақиқий эркинлик ва истиқлолга эришиш билан – бу фақат мустақилликни қўлга киритиш эмас, балки уни ҳам сиёсий, ҳам

¹ Каримов И. Юсак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият, 2008, 61-бет.

² Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Халқ сўзи. 2011. 1 сентябрь.

иқтисодий жиҳатдан қуриш ва мустаҳкамлаш, халқаро ҳамжамиятда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ва ҳурмат қозониш, шу билан бирга, буюк маънавий қадриятларимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талабларига мос жаҳон андозалари даражасига кўтаришдан иборат эканлигига катта аҳамият бериб келинмоқда.

Ана шундай эзгу мақсадларга эришиш йўлидаги асосий эътибор баркамол авлодни тарбиялаш масаласига қаратилган экан, бу масала тобора давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Зеро, истиклол берган имкониятлар шарофати билан замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, соғлом ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш борасида тўхталиб, Президент И.Каримов "...бугунги шиддатли даврда чипакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин"¹, деб таъкидлади. Мазкур фикрда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий соҳалардаги ислохотлар нафақат аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини янги, юксак босқичга кўтариши, балки маънавияти юксак шахсни шакллантиришга хизмат қиладиган ижтимоий-маънавий муҳитни яратиш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиш, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган инсонларни тарбиялаш назарда тутилган.

Мустақиллик – ўз тақдирига эғалик қилиш ҳукуки бериш билан бирга, маънавий қадриятлар ва миллий анъаналарга таяниб яшаш ва юртимиз бойликларидан халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш имкоияти ҳам эканлиги барчага маълум. Қўлга киритилган юксак марраларнинг илдизи, заминиди мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат турибди. Ўз тақдиримизни қўлга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга халқаро ҳамжамият ҳамкорлигига таянган ҳолда, дунёдаги замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига киришдан иборат эзгу мақсадларга эришиш йўлидан бормоқдамиз. Президент Ислам Каримов ибораси билан айтганда, "Айни шу йўл йигирма йиллик янги тарихимиз

¹ Каримов И. Юксак маънавият – сиғилмас куч. –Т: Маънавият, 2008. –Б.16.

давомида ҳар томонлама ўзини оқлаб, исботлаб берган, жаҳонда “Ўзбек модели” деб ном олган энг тўғри йўл”¹ дир.

Тараккиётнинг ҳозирги босқичида жаҳонда ғоят мураккаб ва таҳликали жараён кечмоқда. Булар дунё харитасида янги давлатларнинг вужудга келиши, тараккиётнинг янги босқичига кўтарилиш, бу тараккиётга ғов бўладиган, демократик ривожланишини издан чиқарадиган, жамият бирлигига раҳна соладиган ғоявий тўсиқларнинг пайдо бўлиши, глобллашув жараёнининг жамият ҳаётига кириб келиши билан изоҳланади. Оқибатда тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, инсоннинг эркин бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзлайдиган мафкуравий, ғоявий хуружни ифодаловчи “маънавий таҳдид” тушунчаси ўзига хос маъно ва мазмун касб этади. Бу тушунча муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, шахс ва жамият ҳавфсизлиги, маънавий, руҳий дунёсига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар йиғиндиси дир. Унинг мазмун-моҳияти, зарарли оқибатлари ва бундай таҳдидларга қарши курашиш кераклигини Президент Ислам Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида ҳар томонлама асослаб, “...ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуг аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштиришни, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаш ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур”², деб таъкидлади. Дарҳақиқат, ана шундай инсоний фазилатларни ўзига мужассамлаштирган ҳар бир маънавиятли шахс, айниқса, ёшлар онги ва қалбига таъсир қилиб, уларнинг қарашларини ўзларига маъқул йўналишда ўзгартириш, экстремизм, вайронкорлик, бузғунчилик, ахлоқсизлик ғояларини зимдан тарғиб-ташвиқ этиб сингдириш каби ғаразли мақсадларни амалга ошириш мумкин эмас. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин³.

Шундай экан, бундай таҳдидларнинг олдини олишда миллий ғоянинг кучи маънавий тарғибот ишларининг самарадорлигига,

¹ Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган таътанали маросимдаги табрик сўзи // Халқ сўзи. 2011. 1 сентябрь.

² Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, Маънавият, 2008. – Б.17.

³ Назаров К. Маънавий қадриятларнинг янгиланиши ва уларни асраб-авайлаш масалалари//Маънавият – жамият тараккиётининг бош мезони. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2011. – Б.7.

шунингдек, ёшларнинг кундалик ҳаётида дуч келаётган муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг фикрга қарши фикр, гоёга қарши гоё билан жавоб бераолишига кўп жihatдан боғлиқ. Бу жараён ёшларда миллий ғурур ва ифтихор туйғусининг баланд бўлишини тақозо этади. Бунинг учун эса, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантирадиган, уларда ўтмиш аждодлари билан фахрланиш ҳиссини уйғотадиган, жаннатмакон юртнинг ягона эканлигини изохлайдиган, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат-эҳтиром фазилатини қарор топтиришдек масъулиятли вазифалар турибди.

Маълумки, ҳар бир жамиятнинг фаровонлиги, давлатнинг раънақи маънавиятга эътиборнинг қай даражада эканлиги билан боғлиқ, айни пайтда шахс, жамият ва давлат муносабатларида ўзини намоён қиладиган ижтимоий ҳодисадир. Маънавиятни юксалтиришдаги асосий мезонлардан бири, қудратли омил бўлиб келаётган ҳам, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзинини, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол саклаб келаётган ҳам муқаддас динимиздир. Шу бонсдан бутун дунёда ислом динига бўлган кизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг тарафдорлари ва хайрихоҳлари тобора кўпайиб бормоқда. “Бунинг асосий сабаби, деб таъкидлади Президенти Ислом Каримов, муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аждодлардан авлодларга етказишдаги бекиёс ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ”¹. Нуфузли халқаро ташкилот бўлиб Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – АЙСЕКСО (SESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши улкан тарихий-маданий ва сиёсий аҳамиятга эга воқеалик бўлди. Президент И.Каримов бунга шундай изох беради: “Бугун биз гувоҳ бўлиб турган юксак эътироф, аввало, ана шу аждодларимизнинг табарруқ номлари ва қолдирган меросига, ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз”². Ана шу юксак эътироф ва ишонч, буюқ қаҳоларимизнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қиладиган, бағрикенг ўзбек миллатининг келажаги буюқ давлат қуришида жаҳон айвонида туриб, ўз иймони, эътиқодлари, маънавий руҳлари билан қўллаб-қувватлаб олға етаклайди.

¹ Каримов И. Юксак маънавият – сиғилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.36.

² Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасининг юксак эътирофи. Президент Ислом Каримовнинг “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси. Ўзбекистон овози, 2007 йил 24 февраль.

Тарихнинг ўтган киска даврида биз эзгу мақсадларга эришишда, миллий кадриятларимиз ва ўзлигимизга садоқат билан ҳаёт кечиришда, ўз ғоямиз, гуруримизни англашда муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Бу туйғунинг илдизи бўлган ўтмиш эса бутунги кунга ҳамоҳанг буюк аجدодлар ғоялари, тафаккури билан маънавий боғлиқдир.

Бутунги кунда ўзбек миллатининг яккол намоён бўлаётган инсонпарварлиги кекса ёшдаги улуг кишиларга ҳурмат, кичикларга меҳр-шафқат, иззат, муҳтожларга хайр-саховат қилиш, кишиларнинг оғирини енгил қилиб, ташвишу қувончларига шерик бўлиш каби инсонийлик фазилатлари қай даражада сақланиб, авайланиб келинаётгани, уни ҳар томонлама ўргатиш, кенг омма, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, жаҳон жамоатчилигига тарғиб этиш борасида амалий ишлар фаол олиб борилмоқда. Маънавий баркамол авлодни етиштириш учун миллатимизнинг ҳар бир вакили ўз фарзандини миллий ғоя, анъаналаримиз, тилимиз, муқаддас динимиз ва бой ўтмишимизда чуқур из қолдирган буюк сиймоларимизга муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш билан бирга жаҳоний ўзигагина хос бўлган инсонпарварлик, байналмилаллик, самимийлик ва бағрикенглик руҳида ҳам тарбиялашимиз, бутунги кунда ҳар қачонгидан ҳам заруррокдир.

Дунёда ўзига яраша юксак салоҳияти, беназир нуфузига мос равишда ўрин эгаллаётган мустақил Ўзбекистон аталмиш давлат бор экан, бу юртда ана шу номга муносиб миллат яшамокда. Бу юртда унинг ота-боболари, авлод-аждодлари, буюк зотлари яшаб ўтган. Жаҳондаги турли миллатлар ичида буюк ўтмишга эга бўлган ўзбек миллати ҳам бор. Улар бизга қараб, миллат сифатидаги кифомизни, муқаддас динимизга хос бўлган бағрикенглигимизни кўради ва ҳавас қилади.

Мустақил мамлакатимизни ривожлантиришнинг асосий тамойилларидан бири — бу халқимизнинг маънавий меросини ўрганишни кучайтиришдан иборат эканлиги таъкидлаб келинмоқда. Шу мақсадда диний-маърифий кадриятларимизни ўрганиш, асраш ва химоя қилиш, шу асосда ёш авлод қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Президент Ислом Каримов сўзлари билан айтганда, "...умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуг алломаларнинг хизматлари бекиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди"¹.

¹ Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008. — Б. 30.

Юртимиздаги ҳар бир маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорлик намунасини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилинаётган ишлар келажакни ўйлаб амалга оширилмоқда. Токи, бошланган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшлар ана шу бебаҳо маънавий қадриятдан баҳраманд бўлсинлар, шу асосда ўзларининг ким ва қандай буюк зотларнинг авлоди эканини чуқурроқ англаб етсинлар. Чунки, Президент таъбири билан айтганда, “Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакрор ўлкада туғилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди”¹. Шундай экан, бундай юртнинг қадрига етиш, уни севиш ва ардоқлаш, мустақиллигимиз абадийлигини таъминлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз даркор.

Башарият тарихидаги энг буюк сиймолардан бири Имом ал-Бухорийдек улуғ зотнинг Ўзбекистон табаррук заминидан етишиб чиқиши ҳам тасодикий ҳол эмас, албатта. Буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорий билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Унинг энг ишончли ҳадислар тўплами – “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китоби нафакат ўз замонаси учун, балки ҳар қандай давр ва ҳар қандай жамият учун ҳам том маънодаги тарихий, маънавий ва тарбиявий аҳамиятга молик асар эканлиги хусусида фикр юритиб, Президентимиз Ислам Каримов “мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва диёнат йўлига қорлаб келмоқда”², дея таъкидлади.

Республикаимизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган беш юзга яқин катта кичик музейларда тарихимизнинг қадимий даврларига оид бир неча минглаб ашёвий буюмлар ва қадриятлар билан бир қаторда муқаддас ислом тарихи, маданияти, санъати, айниқса, меъморчилигига оид бебаҳо моддий бойликлар давлат муҳофазасида бўлиб, уларнинг асраб-авайлаб сақланиши ва келгуси авлодларга етказилиши Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатида киритилган. Шунингдек, ЎзР ФА Шарқшунослик институти ва Адабиёт музейи, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхоналари ва Тошкент ислом университети Манбалар хазинасида қўлёзма манбалари, шунингдек, Қуръоннинг энг қадимий қўлёзма нусхаси “Усмон Мусҳафи” ҳам Тошкентда сақланади.

¹ Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Халқ сўзи. 2011, 1 сентябрь.

² Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – Б. 38.

Буларнинг бари мамлакатимизда муқаддас динимиз ривож, унинг миллат маънавиятини янада юксалтириш, ёшларимизни бой маънавий меросимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш ҳамда маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш ва уларга қарши курашда муҳим аҳамият касб этади.

ҲОЯВИЙ ТАРБИЯНИ КУЧАЙТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Г.Айхаджаева, ТДПУ

Маънавий жиҳатдан баркамол бўлган етук ёшлар ҳар доим ҳар қандай жамиятнинг умиди, унинг эртанги кунининг пойдеворлари бўлиб ҳисобланиб келинган. Ўз раънақи йўлида фидойи инсонлар сифатида тарбиялаб келган миллат ва халқ ўзининг эртанги кунидан ҳавотир олмадан ривожланиб келган, чунки ҳар бир миллатнинг келажаги улғайиб келаётган ёшларга боғлиқ бўлиб келган.

Ҳозирги кунда янгича тафаккурли, ижодий фикрловчи, юксак маданиятли ёшларни тайёрлаш жамиятимиз олдида турган энг долзарб масалалар қаторига киради.

Шу билан бирга, бугунги кунда маънавият, унинг тақдири бутун инсон зотининг муҳим муаммоларига айланиб, глобаллашув даврида инсон онги ва қалби учун кураш авжига чиқаётганлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз даркор.

Аммо бирорта мафкурафий ҳуружни, бирорта бегона ҳоя таъсирини таъқиқ ёки таъйик билан тўхтатиб бўлмайди.

Юртбошимиз айтганларидек: “Фикрга қарши – фикр, ҳояга қарши – ҳоя ва жаҳолатга қарши – маърифат билан баҳсга киришиш мумкин”.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим-тарбия жараёнига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Республикамизда ёшларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашда аجدодларимизнинг маънавий меросидан ва миллий тарбиядан фойдаланишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ёшларни бугунги кун талаблари даражасида тарбиялашда, уларнинг дунёқарашини, тафаккурлаш жараёнларини юксалтиришда қўллаб алломаларимизнинг маънавий меросидан фойдаланишнинг аҳамияти бениҳоя каттадир.

Одамзод яралибдики, ўз умри давомида эзгу ишлар ва амалларни бажариб, ҳаётда яхши ном қолдириш учун тинмай изланади, юксак чўққилар сари интилади. Бундай фаолиятлар қуч-ғайрат ва шижоатга тўла ёшлик даврига тўғри келади. Айниқса, бу хислатлар ҳозирги ривожланган техника-технология ва ахборот алмашинув асрида вояга етаётган ёшларга ҳосдир.

Ўз халқининг буюк тарихини, маънавиятини, миллий кадриятларини, буюк бобокалонларининг нодир меросини чуқур ўрганган, хорижий тиллар, компьютер технологияси билан таниш, ўзлигини англаган ўғил-қизларининг иқтидори, истеъдодига жаҳон тан бормокда. Бундай ёшлар ўзларининг билими, ақлу заковатлари билан дунё аҳлини лол қолдирмокда.

Талаба-ёшларимизнинг халқаро алоқалари йилдан-йилга юксалиб, кенгайиб бормокда.

Талабаларимиз дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида малака оширмокдалар, хорижий мамлакатлар талабалари билан ҳамкорлик қилмокдалар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тарбия ва унга боғлиқ жараёнларга янги ҳамда соғлом педагогик тафаккурга таянган ҳолда ёндошув қарор топа бошлади, тарбиянинг миллийлигига алоҳида эътибор қаратилмокда. Ўзбекистон келажagini таъминлаб беришга хизмат қилувчи омиллар хилма-хил бўлиб, бундай омиллар орасида маънавий, маърифий ва маданий омилларнинг ўрни бениҳоя каттадир. Инсон тарбиясида бундай омилларнинг аҳамияти катта бўлганлиги учун ҳам мамлакатимиз олиб бораётган сиёсатида унга алоҳида эътибор қаратиб келинмокда.

Айни пайтда халқ маънавиятини юксалтиришда ёшларнинг қалби ва онгини миллий ва умумбашарий кадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш, уларни замонавий билим ва ҳунарларни эгаллаган, ҳар томонлама ақлли, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш асосий мақсадлардан бирига айланди.

Албатта, ривожланган давлат бўлишнинг зарурий шартларидан бири бой маънавиятга эга бўлишидир.

Шу сабабдан Президент Ислам Каримов “Маънавият-инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди”, деб таъкидлайди. У инсониятга бутун умри давомида ақл-идрок ва заковатини кенгайтириб, мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугунги воқеликка кенгрок назар билан қараланиган бўлса, кишилиқ жамияти ривожига кучли таъсир кўрсатаётган унга ўзига хослик бахш этаётган ва инсониятнинг яқин истиқболи қандай бўлишлигини белгилаб берадиган ижтимоий омиллар мавжудлигини ҳам куриш мумкин.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, XX аср ажойиб илмий кашфиётлар асри, инсон қоинот сирлари қўйнига кириб бораётган аср, ахборот ва ғоят улкан техникавий имкониятлар асри бўлди.

XXI аср бошларига келиб, дунё миқёсидаги ўзгаришлар, айниқса, глобаллашув жараёнларининг кучайиб бориши дунёнинг кўплаб минтакалари сингари Марказий Осиёда, хусусан Ўзбекистонда жамиятнинг иктисодий, сиёсий соҳалари сингари, маънавий маданий соҳаларда ҳам маънавий-тарбиявий ишларини кучайтиришни тарихий заруриятга айлантириб қўйди. Маърифат тарбиявий ишларнинг инсон камолотида ва унинг эртанги кунда аҳамияти катта эканлиги тўғрисида гапириб, жаҳидчилик ҳаракати намоёндаларидан Абдулла Авлоний “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир” деган фикрни илгари сурган эди. Бу фикрларнинг қарамлик йиларида айтилганлигини ҳисобга олсак, ўша даврларда ҳам миллатимиз вакилари босқинчилар олиб бораётган жаҳолатпарастлик сиёсатига қарши маърифий ва тарбиявий ишларга катта эътибор қаратилганлигидан далолат беради.

ТАЪЛИМ СОҲАСИ ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР

Т.Юсунов ТДПУ

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок мамлакатимизда ўсиб улғайиб келаётган ёш авлод тарбиясига уларни баркамол инсонлар сифатида вояга етказишга катта диққат эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш соҳасидаги сиёсати, айнан шундай моҳиятга эгадир. Ҳар томонлама баркамол, кенг дунёқарашга эга бўлган авлодни тарбиялаб вояга етказиш мамлакатимизнинг таълим-тарбия борасида олиб бораётган сиёсатининг марказида турган асосий мақсадлардан биридир.

Ўзбекистоннинг эртанги кунини, унинг келажагини бутунги кун ёшларининг қандай таълим ва тарбия олишларига, уларнинг етук кадрлар сифатида вояга етиб боришларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Таълим-тарбия жараёни кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ўзини алоҳида ва муҳим ўрнига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “Энг аввало, ишни таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳукуқий асосларини яратиб беришдан бошлади”¹.

Таълим соҳасида янги ланишларни амалга оширмасдан, мустақил фикрлай оладиган янги авлодларни тарбиялаб вояга етказмасдан туриб биз олдимизга қўйган мақсадларга эриша олмаймиз. Бугунги кунда таълим соҳасига қўйилаётган асосий талаб ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, берилаётган дарслар давомида фаоллаштириб

¹ Буюк ва мукаддасан мустақил Ватан. –Т.: Ўқитувчи нашрияти, 2011 й., 151-бет.

борадиган янги инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва шу сингари вазифалар киради.

Мамлакатимизда таълим ва тарбия аниқ мақсадларга қаратилган бўлиб, у ҳар томонлама етук бўлган баркамол авлодни шакллантиришнинг асосини ташкил этади.

Таълим олдида турган вазифаларга эришишда вояга етиб бораётган ёшлар онги ва қалбига бунёдкор ғояларни сингдириб бориш, уларни ҳам маънавий, ҳам ахлокий томонидан тарбиялаб бориш, инсон баркамоллиги учун зарур бўлган фазилатларни сингдириб боришни аҳамияти каттадир.

Ҳар томонлама етук бўлган баркамол авлодни тарбиялаб бориш деганда нафақат ақлий ва ахлокий, шу билан бирга жисмоний ҳамда рухий саломатликни мустаҳкамлаб бориш ҳам тушунилади. Улғайиб бораётган ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида, ижтимоий жиҳатдан фаоллашиб боришларида, уларнинг маънавиятини юксалтиришда мавжуд бўлган барча имкониятлардан кенг фойдалана олишлик зарур.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёни таълим тизимини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Таълим соҳасида ўқувчиларни, талабалар қобилиятини, иқтидорларини намоён эта олишлик, тарбияга катта таъсир кўрсатадиган омилларнинг устуворлигига эриша олишлик, “устоз-шогирд” ўзаро муносабатларини ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган даражага олиб чиқиш зарур.

Талаба ёшларда кенг дунёқарашни, юксак маънавиятни, тафаккур тарзини изчил ошириб бориш, таълим дастурларини замон талаблари даражасида ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.

Таълим соҳаси олдида турган асосий вазифалардан бири глобаллашув шароитида тез ўзгариб бораётган вазиятларни тўғри таҳлил этиб ўз ўрнини вақтида ва тўғри топа оладиган, масъулиятни ҳис эта оладиган шахсни тарбиялаб беришдир. Шундай экан таълим жараёни бугунги кун шароитида талабага зарур йўлланмалар бера оладиган имкониятларни яратиш, уларни янги педагогик технологиялар, илғор тажрибалар билан мустаҳкамлаб бориш лозим.

Таълим соҳасининг олдида муҳим вазифалар қўйилар экан, таълим ва тарбия жараёнида “инновацион” ўқув тарбия воситаларидан фойдаланишни кучайтиришни талаб этмоқда.

Бугунги кунда катта ишонч билдирилаётган инновацион ўқув тарбияда талабанинг етук кадр сифатида вояга етиб бориши билан боғлиқ бўлган мезонларга катта эътибор берилади.

Таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиб боришлик талабада ҳаётни янада чуқурроқ кузатиб бориш, ижтимоий борликда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни тушуна олишлик, талабани ўз қобилиятини ривожлантириши, масъулиятини ҳис этиб, ўз йўлини топиб олишига замин бўлиши керак.

Таълим-тарбия жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдалана олиш шахснинг ижтимоий фаоллашиб боришига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Таълим соҳаси олдида турган вазифаларни амалга оширишда таълим муассасаларининг ота-оналар қўмитаси, маҳаллалар, жамоат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари сингари ташкилотлар билан алоқаларни мустахкамлаб боришининг аҳамияти каттадир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан узлуксиз таълим тизимида ўтказилаётган ислохотлар жараёнида таълимда шундай қоидалар ва механизмлар жорий қилинмоқдаки, улар ҳукукий давлат тамойилларига тўла жавоб беради. Шахсни шакллантиришнинг ҳар бир босқичида аниқ мақсадга йўналтирилган таълим ва тарбия орқали фуқароннинг ҳукукий билими, ҳукукий тафаккури ва ҳукукий маданияти кадам-бакадам чуқурлаштириб борилади.

Жамиятни эркинлаштириш жараёни шахснинг қобилияти ва иқтидорини ҳар жихатдан намоён этиш учун имконият ва шарт-шароитлар яратибгина қолмайди, балки инсондаги руҳий-маънавий ва интеллектуал салоҳиятнинг тўла намоён бўлишини ҳам талаб қилади.

Давлат ва жамият ривожига янги, эркинлаштириш даври ҳар биримизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури имкониятларини янги босқичда намоён этишга, унинг талабларини юзага чиқариш борасида юксак масъулиятли бўлишга ундайди.

Эркинлаштириш, жамиятни маънавий янгилаш – давлат ва жамият ҳаёти иқтисодий, сўсий жабҳаларидаги эркинлаштиришнинг бош омили, кафолатидир. Бу давр талаби, XXI аср синовларига бизнинг муносиб жавобимиз бўлади.

“Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, — дейилади Президентимизнинг “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” номли китобида, — ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожига билан узвий боғлиқдир”.¹

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда, 18-бет.

BARKAMOL AVLOD – JAMIYAT TARAQQIYOTINING YETAKCHI KUCHI

G.Isroilova, TDPU

Davlatimiz rahbari Islom Karimov o'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 17 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimda 2010 yilni mamlakatimizda "Barkamol avlod yili" deb e'lon qildi. Barkamol avlod – jamiyat taraqqiyotining asosidir. Shu bois yurtimizda mustaqillikning ilk yillaridanoq ham jismoniy, ham ma'naviy barkamol avlodni tarbiyalash davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Prezidentimiz Islom Karimovning 1993 yil 4 martda qabul qilingan farmoniga muvofiq ta'sis etilgan mustaqil Vatanimizning ilk ordeni – «Sog'lom avlod uchun» deb nomlanishi ham istiqlolning ilk yillaridan bu masalaga nechog'li ulkan e'tibor qaratilganidan dalolatdir. Zero, sog'lom va barkamol avlodni tarbiyalashdek ezgu niyatni amalga oshirish imkoniyati mustaqillik sharofati bilan paydo bo'ldi. Buyuk davlatni barpo etishga qodir barkamol avlodni – mustaqil insonni tarbiyalash uchun zarur barcha iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy hamda ma'naviy imkoniyatlar tobora kengaymoqda. Yurtboshimiz ta'kidlaganidek, sog'lom avlod deganda, avvalo, sog'lom nasl, jismonan baquvvat, iymon-e'tiqodi butun, bilimli, ma'naviyati yuksak, mard va jasur, vatanparvar avlod tushuniladi. Mantiqan bir-biriga hamohang bo'lgan «Inson manfaatlari yili», «Oila yili», «Sog'lom avlod yili», «Ona va bola yili», «Sihat-salomatlik yili», «Yoshlar yili», «Qishloq taraqqiyoti va farovonligi yili»da ham barkamol avlod tarbiyasi, uning manfaatlarini ta'minlash masalasi ustuvor ahamiyat kasb etdi. O'tgan yillar davomida "Sog'lom ona – sog'lom bola" g'oyasini o'zida mujassam etgan dastur asosida keng ko'lamli chora-tadbirlar ishlab chiqilib, hayotga joriy etildi. Xususan, zamonaviy tibbiy uskunalar bilan jihozlangan diagnostika, skrining va perinatal markazlari, yangi tug'ruqxonalar barpo etish, onalar va bolalar salomatligini himoyalash maqsadida joylarda keng ko'lamli ishlar amalga oshirildi. Yurtimizda yoshlar huquqlarini barcha sohalarda himoya qilish maqsadida tegishli tashkiliy-huquqiy asoslar to'la shakllantirildi. Ayni chog'da ushbu huquqiy asosni yanada takomillashtirish ishlari davom ettirilmoqda. Qabul qilinayotgan barcha qonunlar, normativ-huquqiy hujjatlarning zamirida yagona g'oya mujassam. Bu g'oya, Prezidentimiz ta'biri bilan aytganda, sog'lom zurriyot, ya'ni jismoniy va ma'naviy yetuk avlod shakllanishi va o'z imkoniyatlarini hamda salohiyatini ro'yobga chiqarishi uchun zarur tizimni yaratish, yoshlarimizning huquq va manfaatlarini himoyalash, zamonaviy bilim va kasbga ega bo'lishini, jamiyatimiz hayotida munosib o'rin egallashini ta'minlashdan iborat. Yoshlarimizni jismonan va ma'nan barkamol avlod etib tarbiyalash borasidagi islohotlar hayotimizning boshqa sohalari bilan o'zaro chambarchas bog'langan holda, tizimli va bosqichma-

bosqich amalga oshirilmoqda. Qishloq taraqqiyoti va farovonligi yilida bu boradagi sa'y-harakatlar yangi, yanada yuqori bosqichga ko'tarildi. Yangi ta'lim maskanlari zamonaviy mebel, o'quv-laboratoriya uskunalari bilan jihozlangan, ularda kompyuter sinflari va lingafon xonalari tashkil etilgan. o'quvchi va talabalarning zamonaviy bilim olishini ta'minlash bilan birga, ularning maishiy sharoitini yanada yaxshilash, sport bilan muntazam shug'ullanishi bo'yicha aniq rejalar hayotga keng tatbiq etilmoqda. "Ta'lim to'g'risida"gi qonun, Kadrlar tayyorlash milliy dasturi, Maktab ta'limini rivojlantirish Davlat umummilliy dasturining hayotimizga chuqur tatbiq etilayotgani yoshlarimizga ta'lim-tarbiya berish, kasb-hunar o'rgatish, ularni ish bilan ta'minlash, sog'ligini asrab-avaylash, ma'naviyatini yuksaltirish, qobiliyati va iqtidorini rivojlantirishda muhim omil bo'lmoqda. Shu o'rinda davlatimiz rahbari tashabbusi bilan tashkil etilgan uch bosqichli uzluksiz sport tizimi – "Umid nihollari", "Barkamol avlod", Universiada sport musobaqalari berayotgan yuksak samaralar, bolalar sportini rivojlantirish yo'lida amalga oshirilayotgan keng ko'lamli ishlarni alohida ta'kidlash joiz. Yurtimizda ko'plab zamonaviy sport majmualari, suv sporti saroylari, stadionlar barpo etilib, sport anjomlari va jihozlari bilan ta'minlanmoqda. Yoshlarimizning sport bilan muntazam shug'ullanishiga xizmat qilayotgan bunday zamonaviy inshootlar ommaviy sport rivojida muhim ahamiyat kasb etmoqda. Bir tomondan, bolalarimiz zamonaviy sharoitdan unumli foydalangan holda jismonan chiniqayotgan bo'lsa, boshqa tomondan, xalqaro maydonlarda yurtimiz bayrog'ini baland ko'tarishga qodir yosh sportchilarning yangi avlodlari yetishib chiqmoqda. Bugun yangicha fikrlaydigan, o'z kelajagini mamlakatimizning kelajagi bilan bog'liq holda ko'radigan yangi avlod vakillari hayotga dadil kirib kelmoqda. Yoshlarimiz siymosida muayyan kasb, ba'zan bir necha yo'nalish bo'yicha diplom olgan, bir necha xorijiy tilni o'rgangan, zamonaviy texnika va texnologiyalarni puxta o'zlashtirgan, mustaqil inson sifatida shakllangan, bir so'z bilan aytganda, el-yurt xizmatiga shay, yuragi yonib, ko'zlaridan o't chaqnab turgan navqiron yigit-qizlarni ko'rib, qalbingizda ishonch, g'urur-istixor tuyg'ulari jo'sh uradi.

Xalqimiz o'zining iste'dodli farzandlari bilan, ularning xalqaro fan olimpiadalari, jahon sport maydonlari, madaniyat va san'at olamida erishayotgan katta yutuqlari bilan haqli ravishda faxrlanadi. Yurtimizda yashayotgan har bir bolaning o'ziga xos qobiliyati va iste'dodini o'z vaqtida payqash, tarbiyalash va ro'yobga chiqarish doimiy e'tiborda. «Kelajak ovozi», «Yangi avlod», «Yilning eng yaxshi o'qituvchisi» kabi respublika tanlovlarining yuqori saviyada tashkil etilayotgani yoshlarda chuqur bilim olishga intilishni kuchaytirish, ilg'or o'qituvchilar mehnatini rag'batlantirish, pedagoglar o'rtasida innovatsiya texnologiyalarini joriy etish bo'yicha raqobat muhitini shakllantirishda muhim omil bo'lmoqda. Farzandlarimizning zamon va texnikaviy taraqqiyot bilan baravar

odimlayotgani qalbimizga g'urur bag'ishlasa, ularning ongu tafakkurini dunyoda kuchayib borayotgan turli ma'naviy tahdidlardan, «ommaviy madaniyat»ning zararli ta'siridan himoya qilish mas'uliyati bizni yanada hushyor, sezgir va ogoh bo'lishga undaydi. Yurtimizda iqtidorli yoshlarni moddiy rag'batlantirish va ma'naviy qo'llab-quvvatlashning samarali tizimi yaratilgan. Oliy o'quv yurtlarida bakalavr, magistr va aspirantlar uchun davlat stipendiyalarining turli shakllari joriy etilgan. Shuningdek, akademik litseylar, kasb-hunar kollejlari va umumta'lim maktablari o'quvchilari o'rtasida respublika olimpiadalari, tanlovlar, sport musobaqalari o'tkazish, ana shu tadbirlarda va xalqaro miqyosdagi olimpiada, tanlov va musobaqalarda g'oliblikni qo'lga kiritgan yosh ishtirokchilarni moddiy rag'batlantirish yaxshi yo'lga qo'yilgan. Mamlakatimizda sog'lom oilani shakllantirish va oilada yuksak ma'naviy-axloqiy muhitni qaror toptirish uchun zarur shart-sharoit yaratish, yoshlarni oila qurishga tayyorlash, oilalar mustahkamligini va manfaatlarini ta'minlash, sog'lom farzand o'stirish, tarbiyalash va voyaga yetkazish masalasi davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Bunda, avvalambor, oilaning muqaddasligi hamda nikoh mas'uliyati bo'yicha kelajakda oila quradigan yigit va qizlarimizning tafakkurini, ongini o'zgartirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Qizlarimiz ongida onalik, o'g'illarimizda esa ota bo'lish mas'uliyatini shakllantirish, bunga ularni tayyorlash, yosh oilalarning huquqiy savodxonligini tubdan yaxshilash va oilada bolaning huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilishga qaratilgan tadbirlar ko'lamini kengaytmoqda. Zero, oila farovonligi milliy farovonligimiz asosidir. Hayot, taraqqiyot doimiy yuksalishda, yangi-yangi marralar sari odimlayveradi. Yurtimizning ertangi kuni, taraqqiyoti uchun mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga qodir yetuk mutaxassis yoshlar Vatanimiz rivoji yo'lidagi ezgu sa'y-harakatlarni amalga oshiradigan, ro'yobga chiqaradigan qudratli kuchdir. Yurtboshimiz ta'kidlaganidek, har tomonlama yetuk avlodgina bugun hayot oldimizga qo'yayotgan o'ta murakkab, og'ir sinov va qiyinchiliklarni yengish, biz ko'zlagan yuksak marralarni egallashning eng asosiy shartidir. Xalqimiz hech qachon hech kimdan kam bo'lmagan va hech kimdan kam bo'lmagan avlodni tarbiyalashda, ezgu maqsad-muddaomiz – erkin, ozod va obod hayot bunyod etishda ham hech kimdan kam bo'lmaydi. Shuning uchun bu muhim masalaga doimo davlatimiz, jamiyatimizning asosiy vazifasi sifatida qaralmoqda. Prezidentimiz tomonidan yangi – 2010 yilga Barkamol avlod yili deb nom berilishi ham buning yaqqol tasdig'idir. Barkamol avlod orzusi – eng buyuk orzu. o'zbekistonning kelajagi buyuk ekaniga qat'iy ishonch bilan yashayotgan xalqimizning orzusi bu. Prezidentimiz ta'kidlaganidek, nimaniki o'z oldimizga maqsad qilib qo'ymaylik, qanday buyuk ishlarni amalga oshirishga intilmaylik, barcha olijanob harakatlarimizning negizida, barcha ezgu niyatlarimizning zahirida

farzandlarimizni ham jismonan, ham ma'naviy jihatdan sog'lom qilib o'stirish, ularning baxtu saodati, farovon kelajagini ko'rish, dunyoda hech kimdan kam bo'lmaydigan avlodni tarbiyalash orzusi mujassamdir.

Mustaqillik yillarida ezgu maqsadlarimizni ro'yobga chiqarish borasida ulkan ishlar amalga oshirildi. Uzluksiz ta'limning "o'zbek modeli" sifatida e'tirof etilgan va bugun o'z samarasini berayotgan Kadrlar tayyorlash milliy dasturi o'z vaqtida uzoqni ko'zlab boshlagan olamshumul ishlarimizning asosi bo'lib xizmat qilmoqda. Barkamol avlod deganda avvalo sog'lom naslni tushunamiz. Shu bois o'tgan yillar mobaynida yoshlarimizda nafaqat yuksak intellektual salohiyat, mustaqil fikr, keng dunyoqarashni shakllantirishga, balki ularni jismonan chiniqtirishga, ommaviy sportni rivojlantirishga, mamlakatimizning barcha hududlarida, xususan, chekka qishloqlarida ham zamonaviy sport majmualari bunyod etishga alohida e'tibor qaratildi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2002 yil 24 oktabrdagi "O'zbekiston Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasini tuzish to'g'risida"gi va 2004 yil 29 avgustdagi "o'zbekiston Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmonlari bu borada muhim dasturilamal bo'layotir. Islom Karimov avvalo ushbu jamg'armaning mazmun-mohiyatiga to'xtalib, dunyoning hech bir mamlakatida bunday tashkilot yo'qligini ta'kidladi. Darhaqiqat, O'zbekiston Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi o'ta noyob tuzilma bo'lib, ayni paytda qator mamlakatlar uni qimmatli tajriba sifatida o'rganmoqda.

Bugungi kunga kelib mamlakatimizda milliy ta'lim sohasi tobora integratsiyalashib, hamkorlikni yo'lga qo'ya borib, milliy va umuminsoniy masalalarni hal qilmoqda, xalqimiz va insoniyat oldida turgan yoki yuzaga kelishi mumkin bo'lgan muammolar yechimini topmoqda. Mamlakatimiz ta'lim tizimi xavfsizligimizni ta'minlash borasida muhim ahamiyat kasb etmoqda. Bunga yot g'oyalar va mafkuralarni tanqidiy baholash va zarurat taqozo etsa, ularga zarba berishga qodir ijtimoiy faol shaxsni shakllantirish, yigit-qizlarimizda fuqarolik tayg'usini, Ona yurt taqdiri uchun mas'uliyat hissini tarbiyalash orqali erishilmoqda. Bugun butun dunyoda, jumladan, o'zimizda ham ta'lim xalqning taraqqiyoti va gullab-yashnashi, inson sivilizatsiyasi yo'lida davlatlararo, millatlararo, konfessiyalararo muloqotning, turli madaniyatlar o'rtasidagi hamkorlikning ta'sirchan mexanizmiga, omiliga aylandi. Tizimlilik, keng qamrovlilik ta'lim sohasidagi islohotlarning muhim xususiyatidir. 2010 yilning yurtimizda «Barkamol avlod yili» deb nomlanishi, ushbu dolzarb va o'ta muhim masalaga yana bir bor e'tibor qaratilishi bizdan ta'lim sohasida erishilgan asosiy natijalarni tahlil qilib va oldimizda turgan dolzarb vazifalarimizni yana bir bor tanqidiy ko'rib chiqishimizni talab etadi. Avvalo shuni aytish lozimki, Kadrlar tayyorlash Milliy dasturida belgilangan yaxlit, uzviy va

uzluksiz ta'lim tizimini shakllantirish vazifalari bajarildi. Uning tashkil etilishi va mazmunida milliy, madaniy-tarixiy va ma'naviy-axloqiy meros, xalqimizning udumlari, madaniyat, fan, texnika, texnologiya sohasida mamlakatimiz va xorijda erishilgan yutuqlar, shuningdek, davlat, jamiyat va shaxsning istiqboldagi ehtiyojlari o'z ifodasini topdi. Mamlakatimiz va uning mintaqalarining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi, demografik xususiyatlari hisobga olingan talim muassasalarining yaxlit tarmog'i shakllantirildi. Uzluksiz ta'lim tizimida ixtiyoriy-majburiy umumiy o'rta va o'rta maxsus hamda oliy ta'limning ikki bosqichli turi joriy etildi. Shu o'rinda alohida g'urur bilan ta'kidlash kerakki, o'zbekiston Respublikasida boshqa davlatlardan farqli ravishda, o'z fuqarolariga 12 yillik bepul ta'lim berish kafolatlandi. Milliy model komponentlari va parametrlari, uzluksiz ta'lim tizimining amal qilishi uchun zarur normativ huquqiy baza yaratildi. Ta'lim, fan va ishlab chiqarishning samarali integratsiyalashuvi uchun huquqiy sharoitlar barpo etildi, davlat va jamiyatning tayyorlanayotgan kadrlarning soni va sifatiga bo'lgan ehtiyojlarini shakllantirish mexanizmlari joriy etildi. Milliy dasturni rivojlantirish yo'lida 300 dan ortiq normativ hujjatlar qabul qilindi. Ularga 2004-2009 yillarda maktab ta'limini rivojlantirish Davlat umummilliy dasturini, o'rta-maxsus, kasb-hunar ta'limining moddiy-texnik bazasini rivojlantirish dasturini, Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasini tashkil etish to'g'risidagi ko'pgina hujjatlarni misol keltirish mumkin. Shu bilan birga ta'lim sifatini ko'tarish borasidagi faoliyatimizni yanada takomillashtirish, ta'lim turlari va ta'lim dasturlari o'rtasidagi o'zaro uzviylik va uzluksizlikka erishish masalalarini oqilona hal etilishini ta'minlash lozim. Biz ta'lim tizimini yanada samaraliroq, maqsadli hamda manfaatli (iqtisodiy, ilmiy, axborot texnologiyalari va boshqa yo'nalishlarda) faoliyat ko'rsatishini ta'minlovchi huquqiy imkoniyatlarini bundan keyin ham kengaytirishimiz va takomillashtirishimiz zarur. Kadrlar tayyorlash tizimini tashkil etish va boshqarishning tuzilmaviy hamda funksional islohoti amalga oshirildi: zarur boshqaruv tuzilmalari va xizmatlari, ta'limni rivojlantirishga ko'maklashuvchi tashkilotlar va fondlar tashkil etildi. Ular – o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi markazi, Kadrlar tayyorlash sifati ustidan nazorat qilish, ta'lim muassasalari va pedagogik kadrlarni attestatsiyadan o'tkazish boshqarmasiga ega bo'lgan Davlat test markazi, o'quvchilarning kasb yo'nalishi va psixologik-pedagogik tashxis markazi, «Iste'dod» fondi va boshqa tashkilotlar. Milliy modelda ifodalangan uzluksiz ta'lim, fan, ishlab chiqarish, davlat va jamoat institutlaridan iborat komponentlarning o'zaro hamjihatlikdagi faoliyati ta'minlandi. Uzluksiz ta'lim tizimida uzviylikni ta'minlash borasida – davlat ta'lim standartlari va davlat talablari ishlab chiqildi hamda amalga joriy etildi. Shunday qilib, islohot yillarida Milliy modelning asosiy maqsadi – «Butun hayot davomida ta'lim olish» tamoyili ro'yobga chiqarildi. Milliy

mustaqillik g'oyasi negizida o'quvchi-yoshlarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashning samarali shakllari va uslublari ishlab chiqilib, amalga joriy qilindi. Milliy model va kadrlar tayyorlash Milliy dasturi milliy g'oyaning tarkibiy qismi, uni ro'yobga chiqarishning muhim omili va mexanizmidir. Barkamol avlodni voyaga yetkazishda, uzluksiz ta'lim bosqichlarida uzviylikni, tarbiya jarayonini yanada mustahkamlash maqsadida yoshlarning sport harakati shakllantirildi. Har bir ta'lim turida muvofiq ravishda «Umid nihollari», «Barkamol avlod» va «Universiada» sport musobaqalari o'tkazib kelinmoqda.

Mazkur jarayonga respublikamizning barcha hududlaridan yoshlarni va ayniqsa qizlarimizni jalb etishga erishildi. o'zgarib borayotgan ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlarda ta'lim tizimini samarali ishlashi va barqaror rivojlanishining bosh islohotchisi bo'lgan davlat mazkur tizimning moddiy-texnikaviy, moliyaviy va axborot bazasini mutlaqo yangi darajasini ta'minlamoqda. Bu ta'limning talab etilayotgan darajasi va sifatiga erishish imkonini bermoqda. Islohot yillarida ta'lim tizimini, xususan, ta'lim muassasalarini moliyalash mexanizmlari takomillashtirildi. Ularning mustaqilligi va moliyaviy resurslardan oqilona foydalanishdagi javobgarhgi oshirildi. Davlat byudjetidan ta'lim uchun ajratilayotgan xarajatlar yil sayin ortib borishi ta'minlandi va hozirgi kunda ham (xalqaro ko'rsatkichlarga taqqoslanganda) juda yuqori darajada qolmoqda. Misol tariqasida, faqat 2003-2009 yillarda ta'lim xarajatlari (kapital qurilish xarajatlarini hisobga olganda) yalpi ichki mahsulotning 12 foizigacha ko'paydi. Davlat byudjetining 50 foizdan ko'proq qismi bevosita ta'lim-tarbiya hamda tibbiyot tizimiga qaratilgan. Ta'lim tizimi muassasalarini yuqori malakali pedagoglar bilan ta'minlash, pedagogik faoliyatining nufuzi va ijtimoiy maqomini oshirish mutlaqo yangi talablar bo'yicha amalga oshirilmoqda. Pedagogik kadrlar monitoringi, ularni attestatsiyadan o'tkazish, tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirishning uyg'un tizimi vujudga keltirildi. Ta'lim tizimini malakali o'qituvchi-pedagoglar bilan ta'minlash, ularni moddiy va ma'naviy rag'batlantirish masalalarini to'laqonli hal qilish maqsadida 2008-2009 o'quv yilidan boshlab pedagog-o'qituvchilar uchun ishga haq to'lash yangi tizimi joriy etildi. Malakali pedagogik kadrlar tayyorlash ishlarining ko'lemi kengaydi. Oliy attestatsiya komissiyasi tomonidan olimlar tayyorlashning mutlaqo yangi yo'nalishlarini ochish to'g'risida qaror qabul qilindi: kasb-hunar ta'lim nazariyasi va uslubi, tarbiya nazariyasi va uslubi, ta'limni tashkil etish va boshqarish kabi yangi mutaxassisliklar bo'yicha ixtisoslashtirilgan kengashlar ochildi. Umuman olganda, jahon hamjamiyati nisbatan qisqa vaqt ichida ta'lim sohasida bunday keng qamrovli islohotlar o'tkazilishining boshqa namunasini bilmaydi. Zero, qisqa davrda mamlakatimizda kadrlar tayyorlash tizimining mutlaqo yangi modeli shakllantirildi va uning amal

qilishi uchun normativ-huquqiy baza, tashkiliy-boshqaruv, amaliy-uslubiy shart-sharoitlar yaratildi. Bunga mamlakatimiz rahbariyatining doimiy g'amxo'rligi, kadrlar tayyorlash tizimini rivojlantirishda davlat va jamiyatning faolligi tufayli erishildi.

O'zbekistonning buyuk istiqboli, avvalo, davlat va jamiyatning ulg'ayib kelayotgan yosh avlodga ko'rsatayotgan g'amxo'rligida namoyon bo'lmoqda. Darhaqiqat, buyuk kelajagimizning zamini, ta'lim tizimida — kadrlar tayyorlashdagi ustuvorlikda, barpo etilayotgan maktab, akademik litsey, kasb-hunar kollejlari, oliy o'quv yurtlari, sport inshootlari, ularga mazmun jihatdan yangi tus berilishi va albatta, ertasiga ishonch bilan kamol topayotgan yoshlarimizdadir.

Prezidentimiz ta'kidlaganday, xalqaro hamjamiyat va taraqqiy topgan mamlakatlar qatoriga ko'tarilish uchun harakat qilayotgan jamiyat, birinchi navbatda, bugun unib-o'sib kelayotgan farzandlarining har tomonlama barkamol avlod bo'lib hayotga kirib borishini o'zi uchun eng ulug', kerak bo'lsa, eng muqaddas maqsad, deb biladi. Biz ana shu eng muqaddas maqsad yo'lida yurtimizda barkamol avlodni tarbiyalashning asosiy bo'g'ini hisoblangan ta'lim islohotlarini yanada jadallashtirishimiz kerak bo'ladi.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАРОИТИДА ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБЛАШУВИ

Н.З. Сайдалиева, доцент, ЖИДУ

Демократик тараққиёт янги имкониятлар очиб, халқимиз фуқаролик жамияти асосларини шакллантирмоқда. Фуқаролик жамияти инсоният орзу-умидларининг ифодаси бўлиб, бунда жамиятнинг ҳар бир аъзоси ижтимоий тараққиёт учун масъул шахс сифатида масъулият ва имтиёзлар соҳиби бўлиб, бошқарувнинг фаол иштирокчисига айланади. Яъни, бошқарув масъулиятлари асосан фуқаролар зиммасига тушади. Модомики, биз шундай жамият қурмоқчи эканмиз, ёшлар интеллектуал салоҳиятини ошириб, улар фаолиятини фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга сафарбар этиш зарурий вазифадир. Бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланиб, ёшлар маънавий-ахлоқий кифоасини юксалтириб, уларга билим ва тажриба ўргатиш ҳисобига ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш муҳимдир. Бунинг учун аجدодларимиз маънавий меросидан фойдаланиб, илм-фаннинг тарихий ва замонавий ютуқларини уйғунлаштириб, миллий тараққиётимизнинг концептуал йўналишларини ишлаб чиқиш зарурдир. Мамлакатимиз Президенти

И.Каримов таъкидлаганларидек: “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб кўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади”.¹ Демак, бундай тарихий-илмий салоҳиятга эга бўлган халқ ўз фарзандларини ҳам ана шундай маънавий-маърифий ҳамда ахлоқий анъаналарга содиқ равишда тарбиялашга ҳам ҳақлидир. “Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса – 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил этади.

Ўз-ўзидан аёнки, аҳолиимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборингизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт”.² Юртбошимиз таъкидлаганларидек, жамоатчилик эътиборини ёшлар муаммоларига жалб этиш билан бир қаторда, келажакда миллий тараққиётимизни таъминловчи куч бўлган бугунги ёшлар интеллектуал салоҳиятини ошириш ҳам муҳим вазифадир. Маълумки, жамият аъзолари, жумладан ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишнинг ҳуқуқий қафолати сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосий ўрин тутади. Конституциянинг 41-моддасида: “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул таълим олиш давлат томонидан қафолатланади”, дейилиши; 42-моддада: “Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи қафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига гамхўрлик қилади”,³ – дейилиши жамиятнинг интеллектуал салоҳияти давлат назоратида бўлиши билан бир қаторда давлат томонидан бундай салоҳиятни ошириш рағбатлантирилиб бораётганлигидан далолатдир. Жамият интеллектуал салоҳиятини оширишда давлатимиз томонидан ёшларга алоҳида эътибор қаратилиши, уларнинг ҳар томонлама баркамоллигини таъминлаш, тарихий-илмий меросимизни ўргатиш билан бир қаторда, илм-фаннинг замонавий ютуқларини, жумладан етакчи давлатларда

¹ Каримов И. Юксак маънавият – сиғилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 30 – 31.

² Каримов И. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантириш йулида. – Т.: Ўзбекистон, 2008. 16-жилд. – Б. 163-164.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – Б. 9-10.

ушбу соҳада кўлга киритилаётган мувафакиятлардан хабардор қилиш давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлиги ҳамда ушбу жиҳатлар Асосий Қонунимизда акс этиши ижобий ҳолдир.

Маълумки, қомусий насларда: “Интеллект (лот. *Intellectus* – билиш, тушуниш, идрок қилиш) – инсоннинг ақлий қобилияти; ҳаётни, атроф муҳитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқиш-ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш қобилияти; турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилонаниш тутиш, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқати”, дейилса, “Интеллектуал мулк – ижодий ақлий фаолият маҳсули”, сифатида талқин этилади.¹ Демак, интеллект – билиш ҳамда ақлий идрок этиш қобилияти. Интеллектуал мулк эса мана шундай қобилиятга эга бўлган шахс, гуруҳ ҳамда жамият мулкидир. Интеллектуал салоҳият эса ақлий қобилият, билим ҳамда илм-фан ютуқларидан самарали фойдалана олаётган шахс, гуруҳ ёки жамият деб қарасак тўғри бўлади. “Интеллектуал салоҳият – кенг маънода жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ривожланишига хизмат қилувчи, ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ижтимоий гуруҳлар, уларнинг билим даражаси, ақлий қобилияти, тўпланган илмий билимлар, кашфиётлар, уларни ишлаб чиқаришга ва ижтимоий ҳаётга етказиш воситалари ҳамда имкониятларини белгиловчи маънавий, маърифий ва моддий куч-қувватдир”.² Демак, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини вужудга келтирувчи омиллар ҳам борки, улар зиёилар ҳамда уларнинг билим даражаси, илмий билим ва кашфиётлар, жамиятда амал қилувчи таълим тизими, жамиятнинг илмий-тадқиқот имкониятлари ҳамда илмий нашрлар фаолиятидир. Ушбу жиҳатлар жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини белгилаш билан бир қаторда, уни шакллантиради, тарғиб қилади ҳамда бу борада жамоатчиликнинг илмий тафаккурини бошқариб боради.

Маълумки, ёшларда интеллектуал салоҳиятни шакллантириб ривожлантиришда таълим муассасарининг ўрни бекиёсдир. Бугунги кунда мамлакатимизда 6565 мактабгача таълим муассасаси, 9748 мактаб, жумладан 171 бошланғич мактаб, 9577 умумий ўрта таълим мактаби бўлиб, уларда таълим 7 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, туркман, қozoқ ва қирғиз тилларида) олиб борилмоқда. Мавжуд 882 касб-ҳунар коллежлари таълим тизимида 230 дан ортиқ ихтисослик қайд этилган. Республикаимизда 65 олий ўқув юртлари бўлиб, жумладан

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Том 4. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2002. – Б. 179.

² Ёркулов Ҳ.О. Утиш даври давлат сиёсатида интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиши учун ёзилган дисс. Автореферати. –Т., 2007 – Б. 14.

19 университет фаолият кўрсатмоқда.¹ Шунингдек, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг филиали (1995 й), Westminster International University in Tashkent (WIUT. 2002 й), М.В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг (2006 й), Губкин номидаги нефть ва газ Россия давлат университетининг (2007 й) филиаллари ва Сингапур менежмент тараққиёти институтлари (2007 й) фаолият кўрсатиб келмоқда. 2009 йил 29 апрель куни Ўзбекистон Президентининг “Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”² қарори чиқди ва мамлакатимиздаги олийгоҳлар сони 66 тага етди. Марказий Осиёда аналогич бўлмаган хорижий давлатлар олий ўқув юр்தларининг Ўзбекистонда фаолият кўрсатиши юртимизда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий барқарорлик, илм-фан, таълим тизимининг раvнақи ва истиқболлари эътирофидан далолатдир.

Биз нафакат мамлакатимиз миллий салоҳияти, таълим тизимининг моддий-техника базаси, балки тарихий тараққиёт жараёнида халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини намоён этиб келган бобоқалонларимиз билан ҳам ҳақли раvишда фахрланамиз. Булар: Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ибн Сино, Баҳоуддин Нақшбанд, Улугбек. Навоий каби сиймолар билан бир қаторда Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов ҳамда Т. Қори-Ниёзий, Ҳ. Абдуллаев, О. Содиқов, И. Мўминов, Я.Ғуломов, Т. Саримсоқов, М. Хайруллаев, О. Файзуллаев, Қ.Хоназаров ва ўнлаб олимлардир.

Мамлакатимиз ёшларининг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда 1997 йилнинг 29 августида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” муҳим ўрин тутади. Ушбу асосларда мамлакатимизда таълим тизими сифат жиҳатдан юксала бориб ёшларимизнинг билим ва кўникмалари халқаро стандартлар даражасига чиқа бошлади. Натижада таълим-тарбия тизимининг раvнақига таъсир этувчи омилларнинг уйғун ривожланиши мамлакат ёшларининг интеллектуал салоҳиятини ёрқин намоён қилишига кенг имконият яратди: мўйноқлик А. Сенатуллаев 2000 йили физика фани бўйича ўтказилган биринчи халқаро олимпиадада бир йўла учта олтин медалга, ангрелик Ф. Қорабоев халқаро ёш математиклар олимпиадасида олтин медалга эга бўлишди. Ҳазораспик Д.Матрасуловнинг номзодлик диссертацияси илмий тавсия ва ҳулосаларининг юқорилиги боис Олий аттестация комиссияси

¹ Таълим тизимига оид факт ва рақамлар Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясидан олинди. Қарағ: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Том 12. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2006. – Б. 369 – 383.

² Қаримов И., Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида // Халқ сўзи. – Т.: 2009 йил 29 апрель.

экспертлари томонидан тўғридан-тўғри докторлик диссертациясига тенглаштирилиб, муаллифга фан доктори даражасини беришди. Икtidорли олим У. Розиков йигирма тўрт ёшида фан номзоди бўлишидан ташқари, Япония ва Германияда нуфузли илмий кенгашлар аъзолигига сайланди. Ёш кашфиётчи М.Каримов ҳаво билан ҳаракатланадиган двигателни ихтиро қилиб "Келажак овози" танловининг мукофотиغا сазовор бўлди. Бу ихтирога Германияда қизиқиш пайдо бўлди. 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясига бакалавр йўналишида 9 нафар, магистратура йўналишида 10 нафар талаба совриндор бўлди. Уларнинг аксарияти илм-фан йўналишида янги илмий фикрлар ва ихтиролари билан бу стипендияга сазовор бўлдилар. Мусиқа оламида нуфузли ҳисобланган Лондондаги Қироллик академияси ҳамда Британиядаги етакчи халқаро мусиқа мактабларидан бири бўлган "Pursell Scholl of Music" да таҳсил олаётган ака-ука Нурон ва Науфал Муқимийлар халқаро доираларда муваффақиятларни қўлга киритишиб олқишларга сазовор бўлмоқдалар.

Бир неча йиллардан буён "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган танлов мамлакатимиз ёшларининг турли йўналишида истеъдод ва қобилиятини қўллаб қувватлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Биргина 2010 йилда 15 ёшдан – 25 ёшгача бўлган қарийиб 60 минг нафарга яқин йигит-қиз танловда иштирок этиб, 800 га яқини яқунловчи босқичда беллашдилар.

Айни вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимида ўтказилаётган ислохотларнинг устувор жиҳати бор. У қомил инсонни шакллантиришга, уларда юксак фазилатларни тарбиялашга қаратилганидир. Президентимиз таъкидлаганларидек: "Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси"¹дир. Дарҳақиқат, таълим ва тарбия қучли бўлган, демакки ёшлар интеллектуал салоҳиятига эътибор қаратилаётган жамиятда гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва бошқа зарарли одатларга ўрин қолмайди, соғлом турмуш тарзи қўникмалари шаклланиб қадрият даражасига кўтарилади.

Ёшлар интеллектуал салоҳиятининг асоси бўлган маънавий-ахлоқий ривожланиш билан бир қаторда жисмонан барқамол бўлиб вояга етишишлари учун спортга эътибор қучайтирилмоқда. Зеро, жисмонан барқамол авлодгина интеллектуал салоҳиятли бўла олади. Ҳозирги кунда олис қишлоқларда ҳам энг замонавий, халқаро андозалардаги спорт мажмуалари барпо этилаётганлиги, қишлоқ

¹ Каримов И. Юксак маънавият – елгилмас қуч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 62.

ёшларининг ҳам халқаро мусобақаларда фаол иштироки жамиятда ёшлар жисмоний салоҳиятига эътибор берилаётганлигидан далолатдир. Ёшлар ҳар тарафлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун олис кишлокларда ҳам тенг шарт-шароитлар яратилмоқда. Давлатимизнинг бундай савий-ҳаракатлари ёшлар шижоати, ғалабага интилишлари, ватанпарварлик хусусиятларининг юксалаётганлиги улар эришган халқаро ютуқларда ўз аксини топмоқда. Масалан, Пекин олимпиадасининг кумуш медал совриндори дзюдочи А. Тангрисев 2008 йилнинг энг яхши спортчиси деб топилди. Кураш бўйича ёшлар ўртасидаги 5-жаҳон чемпионатининг бронза медали совриндори манғитлик У. Матёкубова, муз устида нафис учиш бўйича Осиё чемпиони А. Гимазетдинова ва юзлаб бошқа ёшлар Ўзбекистон номини ва нуфузини жаҳонга намойиш этмоқдалар. 2008 йилда ўтган халқаро мусобақаларда муваффақиятли катнашган 423 нафар ёш спортчимиз 17 олтин, 15 кумуш ва 15 бронза медалини қўлга киритган.

Юқорида таъкидланган жиҳатлар жисмоний ва ақлий қобилият бир-бирини такозо этишини билдириб, ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти бевосита уларнинг жисмоний баркамоллигига боғлиқ эканлигини кўрсатадики, фуқаролик жамияти асослари шаклланаётган бугунги кунда бу ўта муҳимдир. Зеро, фуқаролик жамияти ривожини бугунги ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИДЕОЛОГИЧЕСКОГО ИММУНИТЕТА ПРОТИВ ТОТАЛИТАРНЫХ ИДЕОЛОГИЙ

Г. Усманов, доцент ТГПУ

Серьезную угрозу для нашего общества, идущего по пути демократизации, построения правового государства и формирования гражданского общества, представляют тоталитарные (от лат *totus* – весь, целый, полный)) идеологии.

Наиболее благодатную почву для указанных идеологий создают тоталитарные режимы, для которых характерен идеологический монизм, т.е. безраздельное господство одной официальной идеологии, пронизывающей все сферы человеческой жизни (так, в нацистской Германии был даже издан специальный закон, предусматривавший единую для всех немцев идеологию). Однако, пользуясь возможностями, открываемыми идеологическим плюрализмом, они могут оказывать определенное воздействие и на демократическое общество.

Тоталитарные идеологии не предназначены для выражения реальных интересов и чаяний народа, их основное назначение – служить инструментом манипуляции массами. Поэтому они апеллируют не столько к разуму, сколько к эмоциям людей, стремясь принудить их поверить в истинность предлагаемой идеологической доктрины, в справедливость ее догм и лозунгов.

Отличительные признаки тоталитарных идеологий – претензия на монопольное обладание истиной, ориентация на насильственное воплощение в жизнь своих идей и наличие образа врага, вездесущего, коварного и беспощадного, без уничтожения которого невозможно достижение провозглашаемых целей. При этом провалы и неудачи в преобразовании общества на декларируемых идеологических и политических принципах связываются главным образом с его кознями и злодеяниями.

Независимый Узбекистан принципиально порвал с советским тоталитарным прошлым и ввел конституционный запрет на установление какой-либо идеологии в качестве государственной.

О стремлении покончить с идеологическим диктатом эпохи тоталитаризма свидетельствует следующий постулат политический философии Президента И.А. Каримова: «С идеей можно бороться, спорить только идеей, с мыслью – только мыслью, с невежеством – только просвещением». Из этого основополагающего положения следует, что для нейтрализации тоталитарной идеологии любого рода недостаточно ввести соответствующие нормативно-правовые ограничения. В условиях всепроникающих информационных потоков необходимо одержать над ними интеллектуальную победу, взять над ними верх именно на идеологическом поле.

Формирование идеологического иммунитета к тоталитарным идеологиям, невосприимчивости к ним должно вестись сразу по нескольким направлениям.

Во-первых, следует наглядно и предметно, используя огромный фактический материал и свидетельства очевидцев, показать к каким плачевным результатам приводили страны и народы попытки построить жизнь общества по канонам той или иной тоталитарной идеологии (большевизм в СССР, маоизм в Китае, чучхе в Северной Корее, фашизм, нацизм, милитаризм в Италии, Германии, Японии, Чили, религиозный фундаментализм в Иране, Судане, Афганистане, Чечне).

Во-вторых, важно последовательно разоблачать иррациональные, псевдонаучные принципы, на которых обычно основаны тоталитарные идеологии (в частности, намерения облагодетельствовать, сделать счастливым человека, лишив его индивидуальности и превратив в функциональную единицу, «винтик» государственной машины).

В-третьих, раскрыть полную бесперспективность попыток овладеть абсолютной истиной, разоблачать тех, кто свою точку зрения выдает за единственно правильную. С этим сегодня никто не согласится даже в области наиболее достоверных знаний, относящихся к естественным наукам, не говоря уже о столь сложных и динамично изменяющихся сферах, как общество и человек.

В идейном противоборстве с тоталитарными идеологиями нужно строго придерживаться принципов научности, доказательности, последовательности, системности, индивидуального подхода, гибкости и разнообразия форм и методов идеологической работы и др.

Чтобы предотвратить распространение подобных идеологий (в том числе фундаментализма, экстремизма, терроризма), необходимо раскрыть их антигуманную и антидемократическую сущность, разоблачить истинные цели, показать, что они противоречат основам религии и нравственным устоям общества, историческим традициям и обычаям народа, направлены против свободы и независимости нашей Родины и т.п. Но самое важное для предупреждения нежелательных отклонений в сознании и поведении наших соотечественников, особенно представителей молодого поколения — воспитание всесторонне развитого, образованного и гуманного человека, подлинного патриота и гражданина своей страны.

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ – ХАВФСИЗЛИКНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСИ

Э.Тилаев, тарих фанлари номзоди

Мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири бу ғоявий тарбияни кучайтиришдан иборатдир. Бу борада кишиларимизда ёт ва зарарли ғояларга қарши курашиш учун мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарур. Албатта, мафкуравий иммунитетни шакллантириш кишилар онгига бир хил ғояни зўр бериб тикиштириш эмас, балки одамларда оқ-қорани ажратиш, зарарли ғояларга қарши ҳушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир. 1999 йил февраль, 2004 йилнинг мартидаги Бухоро ва Тошкент шаҳрида содир этилган террористик воқеалардан тўғри хулоса қилиш муҳим. Ҳар бир давлат, жамиятнинг қудрати унинг ички хавфсизлиги ва барқарорлигига таянади. Яъни жамият, миллат ўз ғоясида мустаҳкам турса, иккиланмаса, ҳар қандай душман қўллаши мумкин бўлган мафкуравий таҳдидларидан қўрқмаса, бундай миллатни енгиш мумкин эмас. Аксинча, жамият ичида ғоявий парокандалик, бўлинишлар бўлса, (бунга тарихда миноллар кўп) душманларга, уларнинг ёт мафкураларига йўл

очиб беради. Бундай миллатни енгил, мустамлака қилиш осон кечади (бунга ҳам тарихда мисоллар кўп). Бу ҳақда А. Орипов «Туркистоннинг болалари» шеърисида:

Туркистоннинг болалари, мақтовимга қулоқ тутманг,

Ғина қилсам чиданг, аммо гапларини ҳеч унутманг.

Ўт кетсин у қора қунга – бировларга қўз бўлдингиз,

Шарқу Ғарбнинг ўртасида оёқ ости йўл бўлдингиз, деган эди.

Шундай экан, барқарорлик ва хавфсизлик – жамиятнинг онглилигига, аниқланган тўғри тушунча ва билимларга фаол амал қилишига, фикрий, ғоявий бирлигига, булар эса хавфсизлик маърифатига таянади.

Мамлакатимизнинг хавфсизлиги, барқарор тараққиёти ҳеч бир ўзбекистонликни бефарқ қолдирмаслиги керак. Чунки улар ўз, ягона Ватанининг тарихи қандай машаққатли, азобли асрларни ўтказиб, мустакилликка эришганлигини яхши биладилар. Шундай экан, Ватан – Ўзбекистоннинг посбони ҳам миллатидан, динидан, туғилган жойидан, касбу ёнидан катъи назар унинг ўзбекистонлик бўлишидир. Демак, мамлакатимизнинг хавфсизлиги учун энг биринчи қафолат – ўзбекистонликларнинг миллий истиқлол ғояси атрофидаги жиқлигидир. Шу тариқа миллий ғоя бизни ўтмишимиз, ҳозирги ҳаётимиз ва келажақимиз билан боғлаб туради. Шу сабабли Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол ғоясига асосланган иммунитет – Ватан хавфсизлиги даражасининг муҳим кўрсаткичларидан бирига айланади.

Миллий истиқлол ғояси халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, қўшма ҳаёт таянар экан, ана шу ғояларга қарши қарагилган хатти-ҳаракатлар ташқи ва ички таҳдидларни олдини олади. Ташқи таҳдидлар – Ўзбекистоннинг давлат чегарасидан ташқаридан кириб келувчи, ички таҳдидлар эса Ўзбекистон давлати мамлакатнинг ичидан чиқаётган таҳдидлардир. Биз кўп асрлар ана шу ички таҳдидлар туфайли мустамлакаликда яшаб келдик.

Ички таҳдидлар – ўз Ватанига, ватандошига, ватандошларига зарар етказишга қаратилган ғоя, фикр, хатти-ҳаракатлардир. Носоғлом маҳаллийчилик, ёнидагиларни менсимаслик, ватандошларнинг ҳаққига хиёнат қилиш, «маънавий эмиграция» (бахтини ўз ватанидан эмас, ўзга жойларда кидириш), одамларни бой-камбағалга бўлиб муомала қилиш, порахўрлик, коррупция, қўполлик, ашаддий миллатчилик, меркантилизм, ортиқча мол-дунёга ҳирс қўйиш, бефарқлик, лоқайдлик, ўзлигини англамаслик ва бошқа иллатлар билвосита ички таҳдидлар вазифасини бажаради. Улар қанча кенг тарқалса, ўзбекистонликларнинг ғоявий бирлигига шунча кўп зарар етказади, пароканда қилади, ҳамжихатлик бўлмайди. Ғоявий бирлиги мўрт миллатнинг давлат хавфсизлиги ҳам мўрт бўлади.

Барча замон ва маконларда маънавияти кучли, ишонч ва эътиқоди мустаҳкам миллат бир жону бир тап бўлиб, муаммоларни тез ва соз ечган, психикада бўлган. Мафкуравий бирлиги ичидан ёки ташқаридан бузилган миллатлар эса, мағлуб бўлиб, мустамлакага айланган. Бунинг тарихий мисолини Билга хоконнинг турк халкига бундан 1266 йил олдин тошга битилган мурожаатида ҳам кўрамиз. Бу битик мафкурасизлиkning аянчли оқибатларини тасвирлайди. Билга хокон турк элининг адашуви натижасида унинг бошига канчалар фалокат ёғилганини куйиниб айтади. «Табғач халки сўзи ширин, нафис ипаклари билан алдаб, йирок халки шундай яқинлаштирар экан. Яқин бўлгандан сўнг ёвуз илмини у ерда кўрсатар экан... Ширин сўзига, нафис ипаклигига алданиб, кўп турк халки, ўлдинг. Эй, турк халки, ўлдинг...»

Ушбу тарихий мисол «мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар» эканлигини кўрсатиб туради.

Гўдак дунёга келганида иссиқдан, совуқдан, ташки механик таъсирлардан ўзини хавфсиз қилиш, саклаш, ҳимоя қилишни билмайди. Ўзини ўзи ҳимоя қилишнинг шартли рефлекслари аста-секин, улғайиш давомида пайдо бўлади. Натижада балоғатга етгач, ўсириш ўзини ўзи ҳимоя қилишнинг барча кўникмаларига эга бўлади.

Одамнинг маънавиятига таҳдид соладиган хавфлар ва улардан ўзини оқли ҳимоя қилиш кўникмалари таълим-тарбия, ота-оналар ўғитлари, яхшилик ва ёмонликларни кўриши ва билиши жараёнида шакллана боради. Болага илк ёшидан бошлаб нима яхши, нима ёмон, уларга қандай муносабат билдириш керак, деган саволларга асосланган боғча, мактаб тарбияси, ундан кейин ижтимоий тарбия йўлга қўйилсагина ҳар бир миллат соғлом, ишончли, мустаҳкам иммунитетга эга бўлади. Иммунитет эса ўз навбатида одамни тўғри йўлдан «озиш»дан, турли йўللارга адашиб, кейин пушаймон бўлишлардан, бахтсизликдан, миллатни эса — парокандаликлардан, парчаланишлардан, синфий, маҳаллий ёки бошқа бўлинишлардан асраб туради. Демак, мафкуравий иммунитет — давлат ва миллатнинг маънавий бирлиги, маънавий соғломлигини ҳимоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам Президент Ислам Каримов «Фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур»лиги ҳақидаги фикрини алоҳида таъкидлаганлар.

Мафкуравий иммунитет миллий мустақиллиkning афзалликларига бўлган ишончга қурилади. Бу ишонч эса ишонтириш, тушунтириш натижасида ҳосил бўлади. Масалан, Ўзбекистон — дунёвий давлат. Дунёвий давлат фаолиятининг асосий тамойиллари, афзалликлари

уларни диний давлат билан таққослагандагина кенг ва тулиқ тушунчаларни беради. Бу дунёвий миллий-демократик тузумнинг моҳияти ва афзалликларини англаб етишга олиб келади. Тараккиётнинг «Ўзбек модели» ривожланишининг умумий қонуниятларини, ҳамда бошқа давлатларда юз бераётган жараёнлар, ҳодисаларни киёслаш, англаб етишга имкон беради.

Демак, мафкуравий иммунитетни шакллантириш-муайян мафкуравий вазиятда инсоннинг ўзи, халқи, Ватани манфаатлари бирлигидан келиб чиқиб, ёт ғояларга қарши тура олиш малакаларидир.

МАФКУРАВІЙ ЖАРЁНЛАР ВА МАЪНАВІЙ ТАҲДИДЛАРНИНГ ТАРИХІЙ ЎЗГАРУВЧАН ХАРАКТЕРИ

М.Юлдашева, ҚДПИ

Башарият тарихидаги барча босқинлар, аксарият урушлар бузғунчи мафкуралар асосида бўлгани, кейинги беш минг йил мобайнида одамзот ўн беш мингдан зиёд катта-кичик урушларни бошидан кечиргани ҳаммага маълум¹. Урушларни олиб бориш, босқинчиликни моддий ва маънавий тайёрлаш, рақибни ҳарбий қуроллар ва жанг олиб бориш тактикаси асосида, руҳий таъсир кўрсатиш воситалари ёрдамида тор-мор қилишнинг назарий асослари ҳам яратилган. Тажовузкорликни ёқлайдиган, босқинларни, одамлар ва бутун бошли халқларнинг қирғин қилишни оқлайдиган мафкуралар ҳам бўлган.

Бошқача айтганда, бунёдкор инсон ва жамият камолотига хизмат қиладиган ғоялар сингари уларга нисбатан таҳдидлар, бузғунчи ғоя ва мафкуралар ҳам тарихан ривожланиб, уларнинг сиёсий мақсадлари таркиб топмоқда. Яъни, “муайян ғояни илгари сурувчи, тарғибот ва ташвиқотнинг турли усул, воситалари орқали одамлар онги, руҳиятига таъсир этувчи кишилар уюмаси, ташкилот ёки муассасалари”² шаклланимоқда.

Ҳозирги даврда умуминсоний қадриятлар, халқаро ҳуқуқ нормалари, демократия тамойилларининг ижобий таъсири бир томонда, глобаллашув жараёнининг салбий таъсири иккинчи томонда ривожланиб бораётганлиги аниқ сезилиб бормоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, “...глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий қучлар

¹ Миллий истиқлол ғояси, асосий қонуноча ва тамойиллар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2000. – Б. 53.

² Қарағи: Маънавият асосий тушунчалар изохли лугати. // Қ.Назаров таҳрири остида. Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – Б. 293.

ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар”¹.

Маълумки, Ўзбекистонда содир этилган кўпуровчилик ҳаракатлари орқасида катта кучлар бор. Шубҳасиз, уларнинг мақсади, халқимизнинг тинчлигини бузиш, қўрқитиш, юрагига ваҳима солиш, юритаётган сиёсатимизга ишончини сўндириш, амалга ошираётган улкан ишларга зарба беришдан иборат.

Шу нуктаи назардан қараганда, “миллатимизга ёт ғоя ва мафкураларнинг кишилар онига, рухиятига таъсири “назарийлашаётгани” ҳамда “прагматиклашаётгани” билан характерланади. Чунки, ўтиш даврининг табиий қийинчиликлари, мафкуравий иммунитет барқарор бўлмаган вазиятларда ташқаридан инсон онгини, қалбини эгаллаб олишга уринишнинг муқобил “назарий асослари”, “методологик воситалари” кучайиши табиий. Бу хилма-хил назариялар ўзига хос воситалар орқали кишилар онига, рухига таъсир қилишга ҳаракат қилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, “мафкуравий кураш полигонлари – назариялар ва ғоялар кураши полигонига айланмоқда”².

Ҳозирги даврда ўзига хос ғоявий йўналишда ривожланиб, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий соҳаларда таъсир кучини ўстириш мақсадида амалга оширилаётган “демократияни олға силжитиш” деб ном олган яна бир мафкуравий таҳдид ҳам бузғунчи ғоялар тизимининг асосий элементларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Бундай ўзига хос демократик экспансия ўз навбатида, яна бир бузғунчи ғоя – ахлоқсизликнинг тарғиботи билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлмоқда. Янги ҳаёт асослари барпо этилаётган бизнинг юртимизда бу масала алоҳида аҳамиятга эга. Чунки собиқ тузум барбод бўлиши оқибатида вужудга келган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, моҳиятини маънавий ва ахлоқий тубанлик ташқил этган “оммавий маданият” миллий маданиятимизга жиддий хавф солмоқда.

“Табиийки, “оммавий маданият” деган никоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: Маънавият, 2008. – Б. 113.

² Отамуратов С., Мамашокиров С., Холбеков А., Лафасов М. Марсикий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. – Т: UOD DUNYO SI, 2001. – Б. 18.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмақда”¹.

“Миллий истиқлол ғояси” дарслиги муаллифлари талабалар тушунадиган даражада содда мисоллар билан ушбу жараёни ёритиб берганлар: “Шундай ғоялар борки, улар очик чехра билан эшигимизни тақиллатиб кириб келади. Шундай ғоялар ҳам борки, улар “ўғри” каби туйнук кидиради. Эшик қоқиб келаётган ғоялар миллий маънавиятни бойитишга, ривожлантиришга хизмат қилади. Бу умуминсоний эзгу ғоялардир”².

Албатта, миллий маънавиятлар ўзаро таъсир жараёнида ривожланади. Ҳар қандай халқ маънавияти ривожига назар ташланса, унинг бошқа халқлар удум ва анъаналарини қанчалик ўзлаштириб ва ривожлантириб борганлигини кўриш мумкин.

Умуман олганда, глобллашув туфайли пайдо бўлган қулайликлар қаразли мақсадларни кўзлаган кучлар учун таъсирчан восита сифатида чиқмоқда. Бундай воситалардан улар иқтисодий салоҳият, техника ва технология соҳасидаги илғорликдан сўнг, маънавий соҳада ҳам устунликни қўлга киритиш ҳамда ўз фалсафаси, ижтимоий тараққиёт меъёр ва мезонларини сунъий равишда “жаҳон стандарти” даражасига кўтариш йўлида кенг фойдаланмоқда.

Албатта, бундай йўл тутишдан мафкуравий, сиёсий соҳаларда гегемонлик илинжида бўлган айрим кучлар манфаатдор эмас. Шунинг учун улар маънавиятни пасайтириш, маънавий таназзулга олиб борадиган усуллардан фойдаланишни кўзлайдилар. Бугунги кунда ғоявий рақибларимиз томонидан ахлоқсизликни – “шахс эркинлиги”, беҳаёликни – “демократия тантанаси” деб, тарғиб этмоқдалар. Ўзлигини, маънавияти ва миллий гурурини саклаб қолишга бўлган табiiй интилишлар эса эскиликка қайтиш, озодликни бўғиш, демократия тақчиллиги сифатида талқин қилинади.

Истиқлол йилларида тобора кенг кўлам касб этиб бораётган маънавий хуружларга ўзига хос жавоб тариқасида Президентимиз И.А.Каримов томонидан тараққиётнинг “Ўзбек модели” назарияси доирасида “юксак маънавият” концепцияси яратилди. Қадимдан мавжуд бу тушунчанинг мазмуни янада бойитилди, маънавиятнинг роли, ўрни ва аҳамияти янгича баҳоланди.

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: Маънавият, 2008. – Б. 116-117.

² Миллий истиқлол ғояси. – Т: Академия, 2005. – Б. 84.

Моддий, иқтисодий, илмий-техник салоҳиятнинг зарурлиги инкор этилмагани ҳолда, келажак пойдевори — маънавият, деб белгиланди. Маънавият ҳақидаги бундай илмий-иҷодий изланишларнинг мантикий ҳосиласи сифатида “Юксак маънавият — енгилмас куч” асари яратилди. Маънавиятни асраш, бойитиш, келажак авлодларга уни янада покиза ва безарар етказиш ҳозирги авлоднинг, айниқса ёшларнинг муқаддас бурчи эканлиги асосланди.

Асарда глобаллашув жараёнлари таъсири оқибатида юзага келаятган мафкуравий таҳдидлар билан бир қаторда, маънавиятимизга салбий таъсир кўрсатадиган ички омиллар ҳақида ҳам чуқур фалсафий фикр-мулоҳазалар мавжуд. Зеро, ташки таъсирларга барҳам бериш учун аввало, миллий заминимиздаги иллатларнинг олдини олиш бирламчи аҳамиятга эга. Хусусан, Президентимиз Н.Каримов: “Биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай ҳалос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим. Мен бу ўга муҳим вазифа кенг жамоатчилигимизнинг, айниқса, зиёлиларимиз, олим ва адибларимиз, санъат ва маданият аҳли, ўзини маънавият соҳасига бағишлаган барча инсонларнинг доимий диққат марказида бўлишини истардим”¹, — деб ёзади.

Шунингдек, Президентимиз бундай салбий хусусиятларнинг энг хунук кўринишлари бўлмиш ҳасад ва сотқинлик тўғрисида тўхталиб, ҳасад туйғуси бошқаларни кўролмаслик, уларнинг ютуғидан куйиниш, ичкоралик оқибатида пайдо бўлишини таъкидлаб, сотқинлик ҳақида шундай ёзади: “Шахсан ўзим бу иллатдан жирканаман. Шу иллатга чалинган одамни кўрарга кўзим йўқ. Бу — сотқинликдир. Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликдан кўраман. Эзгулик ва ҳақиқатга садоқати бўлмаган, уларга ишонмаган одам кўрқинчлидир”².

Дарҳақиқат, тарихга назар ташлаганда, халқимизнинг мустамлақа ҳолига тушиб қолишига сабаб бўлган иллатлардан бири ҳам сотқинлик экани маълум бўлади. Ушбу салбий ҳодисага нисбатан маънавий тарбия усуллари ёрдамида қарши кураш бугунги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаятган воқеа-ҳодисаларга шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамларга ҳос бўлган лоқайдлик ва бепарволикнинг маънавий зарари ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар эътиборга молик. Зеро, “азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душмanning кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг

¹ Каримов Н. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т: Маънавият. 2008 — Б. 120.

² Уша асар. — Б. 122.

учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради¹.

Санаб ўтилган иллатларга қарши курашда, уларнинг олдини олишда Президентимиз томонидан аҳиллик, ирода, ҳалоллик каби инсоний фазилатларнинг ўрни ва аҳамияти ҳам атрофлича таҳлил қилинган. Шунингдек, маънавий жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги қирраларини мукаммал очиб бериш, ўқувчилар, талабалар, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бориш каби масалалар бу борадаги энг долзарб вазифа сифатида таъкидланган.

Хулоса қилиб айтганда, мураккаб мафкуравий жараёнларни, ҳар турли таҳдидларни илмий-амалий жихатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш учун уларнинг устувор йўналишларини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғояларнинг моҳиятини очиб бериш, фукароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш каби алоҳида аҳамиятга эга вазифаларни самарали бажариш объектив заруриятдир.

БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

А. Норбоев, ТДПУ

Ўтган асрнинг 90-йилларигача бўлган даврда тинчлик ва барқарорлик деганда турли кўринишдаги урушлар, мажоралар, қуроли тўқнашувларсиз жараёнлар тушуниларди. Бугунги кунда бу сўзлар янада кенгрок ва теранрок маънони англата бошлади. Чунки, инсоният ҳаётига табиат ҳодисаларининг, шунингдек ер силкинишлари, сурилишлари, қор кўчкилари, цунами, сел ва сув тошқинлари, вулконлар отилиши, фаслларнинг қорли ва изғиринли кунлари, қурғоқчилик, юқумли касалликларнинг тарқалиши, экологик ҳолатнинг кескин ёмонлашуви ва бошқа шу қабилар катта хавф туғдира бошлади.

Бундай ҳодисалар сони XX асрга келиб янада ортиди. Унга янги техноген ва экологик тусдаги авариялар, ҳалокатлар ҳамда улар билан боғлиқ бошқа вазиятлар келиб қўшилди. Айниқса, ўтган асрда мисли кўрилмаган илмий-техника тараққиётининг ютуқлари бир томондан инсоният нимага қодир эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан, унинг ўзи қандай хавфлар исканжасида қолганлигини исботлаб берди.

¹ Қаришмов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: Маънавият, 2008. – Б. 124.

Биргина иккинчи жаҳон уруши тугаши арафасида АҚШ томонидан ҳаракатга келтирилган икки атом бомбаси тирик организм учун канчалик хавфли эканлигини англатди. Бироқ, ўша даврдаги мафкуравий ҳаёт — ўзига хос “рақобат”, яъни куролланиш ва унинг турларини кўпайтиришни талаб этар эди.

Оқибатда кашф этилган атом, кўзланган мақсадлар учун эмас, балки кўпроқ, давлатларнинг бир-бирига нисбатан устунликка эришиш йўлида ўзига хос бир воситага айланди. Шу мақсадларда, 1945-1989 йилларда 1820 та ядро бомбаси синовлари ўтказилди ва шундан 483 таси атмосферада портлатилди.¹ Шу сабабли бу даврни тарих саҳифасида инсониятнинг бир-бирига қарини қўйилган энг кескин даври, деб баҳолаш мумкин.

Бугунги кунда, сиёсий вазият кескин ўзгарди. Совуқ уруш сиёсати юмшади. Бироқ, у давр ўзидан оғир мерос қолдирди.

Ҳозирги кунда дунёнинг 30 та мамлакатада 450 га яқин атом электр ишлаб чиқариш блоклари фаолият кўрсатмоқда.² 1954-йилдан бери дунёдаги ҳамма атом электр станцияларида 300 дан ортиқ авария қайд этилган.³ Бу шунини кўрсатадики, тинчлик йўлида ишлатилаётган бу каби объектлар ҳамон ўзи билан радиактив хавфни сақлаб турибди.

Шунингдек, уран казиб олиш, уни бойитиш, радиактив чиқиндиларни сақлаш, уларни ташиш каби кўплаб омиллар ҳам атроф-муҳитни радиактив ифлослантираётгани маълум. Мамлакатимиз раҳбари И.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида бу борада тўхталар экан, Республикамизда бу хавфни олдини олиш учун ўзига хос тадбирлар амалга ошириш лозимлигини кўрсатиб ўтган эди. Чунки, радиактив ифлосланиш инсоният ҳаётига хавф солаётган энг зарарли омиллардан биридир. Ҳолбуки, унинг олдини олиш дунё миқёсида ечимини кутаётган масалалардан бирига айланди.

Бундан ташқари, ўтган асрда инсоният кимё соҳасида ҳам мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритди. Дунё миқёсида 6 млн. атрофида турли кимёвий моддалар ишлаб чиқилишига эришилди. Шулардан 500 дан ортиғи кучли таъсир этувчи захарли моддалар ҳисобланади ва улар хўжалиkning турли соҳаларида қўлланиб келинмоқда. Бу моддаларни ишлаб чиқиш, сақлаш, ташиш, ишлатиш билан боғлиқ жараёнларда юз бераётган авариялар ҳамда портлашлар инсоният ҳаётига, давлатлар иктисодиётига катта салбий таъсир этмоқда.

¹ G. Yormatov, Q. Yuldoshev, A. Yamrayev. Hayot faoliyati xavfsizligi. —T. 2009 y. 300- bet.

² Ўша жой, 300-бет.

³ Ўша жой, 301-бет.

Бу каби техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан ташқари юз бераётган табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар ҳам жуда катта миқдорда иқтисодий зарарлар келтириши билан бирга ўн минглаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлаётганлиги маълум. Чунки, у техноген ва экологик тусдаги фавқулодда ҳодисаларни кўпайиб боришига ҳам сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз-ўзидан иқтисодий зарарлар миқдорини ўсиб боришига олиб келмоқда. Масалан, 1960 йилларда фавқулодда вазиятлар натижасида келтирилган иқтисодий зарарлар миқдори 1 млрд. АҚШ доллари миқдори ташкил қилган бўлса, у 1970 йиллар 4,7 млрд. 1991-1994 йилларда 59 млрд. долларни ташкил этган.¹

XX асрнинг энг даҳшатли ҳодисаси ҳисобланган 2004 йилнинг декабрида Ҳинд океанида юз берган Осиё цунамиси 272 минг кишининг нобуд бўлишига сабаб бўлди. 2008 йилнинг майида Хитойда юз берган ер сийқиниши 62 минг кишини, 2005 йил АҚШ да юз берган “Катрина” тўфони 1133 кишини нобуд қилди. Бу тўфон 300 млрд. АҚШ доллари миқдорида иқтисодий зарар келтирди.² Биргина, 2011 йилнинг 11 мартида Япониядан унча узок бўлмаган сув остида юз берган ер сийқиниши катта куч билан ёпирилган цунамини вужудга келтирди. Мамлакат ҳам zilзиладан, ҳамда цунамидан катта талофат кўрди. Zilзила ва цунами эса атом электр ишлаб чиқариш станцияларини соз ҳолатдан чиқариб юборди. Япониядаги бу ҳодиса яқин икки йил давомида юз берган энг катта фавқулодда вазият, деб баҳоланмоқда. Айнан шу цунами Америка китъасининг Тинч океани билан чегарадош бўлган мамлакатлари ҳудудига ҳам етиб борди ва иқтисодий зарарлар келтирди. Бундай далилларни кўплаб келтириш мумкин. Бирок далиллар, фавқулодда ҳодисалар келтириб чиқараётган иқтисодий зарарлар миқдорини тўла, аниқ ҳисоб қилишнинг имконияти йўқ эканлигидан далолат беради. Лекин, фавқулодда вазиятлардан азият чекаётган халқ ҳамда келтирилган иқтисодий зарарлар миқдори кўпроқ фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларга қарши курашиш тизимлари шакллантирилмаган мамлакатлар ҳисобига тушаётганлиги маълум. Шу боисдан ҳам ривожланган мамлакатларда махсус давлат органлари ташкил этилди. Ҳатто, бугунги кунда халқаро миқёсдаги ташкилотлар ҳам фаолияти йўналишини ўзгартира бошлади.

Масалан, бундай халқаро ташкилотлар жумласига БМТ ҳузуридаги қатор ташкилотлар, шунингдек, Табиий офатларга қарши кураш минтақавий ташкилотлари, бир пайтлар ҳарбий мақсадларда ташкил этилган НАТО каби ҳарбий блоклар фаолиятини кўриш мумкин.

¹ Кол. ав. “Безопасность жизнедеятельности”, –Т.2009 г. С. 157.

² Кол. автор “Аварийно – спасательные работы”. 2008 г. С. 5

Хўш, мамлакатимизда қандай тусдаги фавқулодда вазиятлар ҳавфи мавжуд? Уларни олдини олиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

Мамлакатимиз 5–9 баллик сейсмик ҳудудда жойлашган бўлиб, ер силкиниши ҳавфи ҳамيشа мавжуд. Зилзилалар табиий офатлар орасида энг хавфлиси ҳисобланади. Чунки, ер силкиниши бошқа табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларни келтириб чиқариш характерига эга. Шу билан бирга, унинг қачон ва қандай кучланиши билан юз бериши яширин. Ҳолбуки, ер силкинишлари мавжуд бўлган ҳудудларда кўплаб хавфли иншоотларнинг барпо этилганлиги сир эмас. Зилзилалар иккинчи турдаги фавқулодда ҳодисаларни келтириб чиқариш характерига эга бўлганлиги боис, минтақада сув босиш ҳавфи ҳамيشа сақланиб қолмоқда. Чунки, бу ҳудудда жуда катта сув миқдорини ўзига сақлаб турган 315 яқин табиий кўллар, шу билан бирга кўплаб сув омборлари мавжуд.

Шунингдек, мамлакатимиз ва минтақа давлатларида жуда катта ҳавф солаётган Орол денгизининг қуриши ва у билан боғлиқ бўлган экологик тусда фавқулодда ҳодисалар ҳавфи ҳам мавжуд. Бу тусдаги фавқулодда вазият турли касалликларни, ернинг ҳосилсизланишини, чанг ва туз кўтарилиши ҳолатини, қурғоқчиликни келтириб чиқариши мумкин.

Бундан ташқари минтақа давлатлари ва мамлакатимизда радиактив ифлосланиш, ер сурилишлари, қор кўчкилари, техник авария ва ҳаёқатлар, портлаш, ёнгин, турли қурилишдаги геологик ва эпизоотик ҳодисалар юз бериши ҳавфи ҳам мавжуд.

Мустақиллик йилларида бундай ҳавфларнинг олдини олиш, аҳолининг тинч ва осудалигини сақлаш, ишлаб чиқариш объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда жуда катта ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу ишларни шартли равишда бир неча жараёнларга бўлиш мумкин. Булар – фавқулодда вазиятларга қарши қуралиш тизимларини шакллантириш, унинг моддий-техник ҳамда бу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий базани яратиш, аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш жараёнларидан иборат.

Масалан, мамлакатимизда 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил топган бўлса, 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг шакллантирилди. ФВДТ таркибига 38 та вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти киритилди. Тизим таркибига қирувчи вазирлик, идорлар, қўмиталарнинг ҳар бирига ўз фаолияти функцияларидан келиб чиққан ҳолда муайян вазифалар юклатилди. ФВДТ таркибидаги барча

ташкilotлар фаолиятини фавқулодда вазиятлар ҳамда тинчлик даврида мувофиқлаштириб туриш Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги зиммасига юклатилди. Ўтган киска давр ичида бу вазирлик ва тизим минглаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Уларга мураккаб вазиятларда ёрдам қўлини чўза олди.

Бундан ташқари юртимизда фавқулодда вазиятлар борасида аҳолининг тинчлик ва осудалигини сақлаш, улар юз берганда оқибатларини бартараф этиш, уларни маблағ билан таъминлаш ва бошқа ҳолатлардаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун ҳукукий асослар ҳам яратилди. 1999 йилнинг 20 августидagi “Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофазалаш тўғрисида”ги, шу санада қабул қилинган “Гидротехник иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида”ги, 2001 йилнинг 31 августидagi “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги, шу санада қабул қилинган “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисида” ҳамда кейинги йилларда қабул қилинган ўнлаб қонунлар шулар жумласига қиради.

Шу билан бирга Ўзбекистон бу борада халқаро ташкilotлар ҳамда хориж давлатлари билан ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда. Бу алоқалар мавжуд хавфларни олдини олишда, ўқув-машқ жараёнларининг ўтказилишида, тажриба алмашилишида, янги техникаларнинг намоиш этилишида, илмий изланишларнинг натижалари кўринишида амалга ошиб келмоқда. Бу каби қатор фаолият турлари юртимизда тинчлик ва осудаликни сақлашда муҳим омиллар бўлиб келмоқда.

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Г.Машарипова, доцент, ТДПУ

“Маънавий таҳдид деганда, – ўринли изоҳ бериб ўтади Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов, – аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан рухий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион ҳуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман”¹.

Президентимиз топиб айтганидек, “кимдир Раҳмон измида юрса, кимдир шайтон измида юради”, ҳар кимнинг гуноҳи ҳам, савоби ҳам ўзига. Аммо бостириб келаётган хавфни кўриб туриб, кўрмасликка олиш, ҳозир-ю ҳузури, ўзимнинг ишим битса бўлди-да, ўзга билан

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008, 13-14-бетлар.

нима ишим бор, деган кайфият бизга тўғри келмайди. Қолаверса, гап биздан кейин шу юртнинг чироғини ёкиб ўтирадиган болажонларимиз тақдири устида кетаяпти.

Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, бугунги кунда яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ва зиддиятлар фақат салтанатлар, халқлар ва шахслар ўртасида эмас, балки ҳар биримизнинг қалбимизда, онгимизда кечмоқда². Яъни бу муаммолар фақат ёш авлодгагина тааллуқли эмас. Душман очик-ойдин ўзини кўрсатмайди: сиз махсус кабел орқали берилиб кино кўриб ўтирибсиз ёки интернет орқали муайян сайтлардаги маълумотлар билан танишяпсиз, кўчада турли рекламалар диққатингизни тортяпти, эҳтиёт бўлинг, сизни керакли йўналишда “тарбия” қилишяпти, ўз карашларини турли воситалар билан онгингизга сингдиришяпти. Шундай, “улар кўпинча турли никоблар, жозибали шиор ва гоёлар пардаси остида иш кўради”. Биз эса сал гафлатга берилсак, онгимиздаги ўзгаришларни ўзимиз ҳам пайқамай қоламиз. Гўёки ҳеч ким бизга тажовуз ҳам қилгани йўқ, мажбур ҳам қилгани йўқ, биз ўз ихтиёримиз билан “мустақил” равишда шу “хулоса”га келдик. Бу ерда таъсир ўтказишнинг шундай маккорона усуллари қўлланмоқдаки, унча-мунча одам гафлатда қолиши ҳеч гап эмас. Аслида иймонли, эътиборли инсон бундай макру хийлаларни жуда осон билиб олса бўлади – улар барчаси инсонлар онгининг энг тубига жойлашган биологик (хайвоний) инстинктларни кўзгашига қаратилган, бундай фильмларда энг эзгу ниятлар ҳам қўлда автомат билан амалга оширилади, энг ижобий қаҳрамонлар ҳам шахватга берилади, оддий ҳазиллар ҳам ўзини ҳурмат қилган инсон учун ҳақоратли ҳолатлар шаклида ёки ҳаёсиз ибораларда ифодаланади.

“Ўнда қилиб айтадиган бўлсак, – хулоса қилади муҳтарам Президент, – бундай мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, ўйлайманки, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунадн”¹.

Инсонга фақат атрофдаги воқелик ҳақида, одобу ахлоқ қоидалари ҳақида билим беришнинг ўзи унинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун етарли бўлмайди. Унда ирода қудрати, масъулият туйғусини шакллантириш, кўнглида атроф-табиатга, меҳнатга, касбга, илмга, ўзга инсонларга меҳр уйғотиш, дилида улуғ мақсадлар туғилишига эришиш лозим.

“Бизнинг улуғ аجدодларимиз, – деб ёзади Ўзбекистон Республикаси Президенти, – ўз даврида қомил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий

² Каримов И. Маънавий юксалиш йулида. - Т., 2008. 40-41-бет.

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т., Маънавият. 2008, 14-бет.

мезонлар мажмуини, замонавий тил билан айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли деб биламан”².

Маълумки, дунёдаги барча мамлакатларда оммавий ахборот воситалари етакчи ўрин тутади. Газета ва журналлар, радио ва телевидение воситалари ҳар бир давлатда омма билан ҳокимият ўртасида ўзига хос алоқа воситаси, ошкоралик кўзгуси, ҳақиқат жарчиси бўлиб хизмат килади. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида етакчи роль ўйнаганлиги учун ҳам уларга тўртинчи ҳокимият тусини бериш оммалашган. Давлат бошқарув органилари демократиянинг муҳим таянчи бўлганлиги учун ҳам оммавий ахборот воситалари билан маслаҳатлашшга, таклифларини эътиборга олишга мажбурдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида «оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди», дейилган. Кўриниб турибдики, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини кўрсатиш, улар халққа садокат билан хизмат қилиши алоҳида таъкидланади. Телевидениенинг бугунги кундаги долзарб вазифаларидан бири бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларида ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли гоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиқ беришдан иборатдир. Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф – одатларимизни асраб – авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга мухаббат, истиқлолга садокат туйғуларини сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Агарда фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асослари мустаҳкамланса, улар ўз фикрига эга бўлади ва турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олади.

Телевидениенинг таъсир кучи унда бериладиган материалларнинг характерига боғлиқ бўлади. Шу нуқтан назардан қараганда, берилаётган материалларнинг тезкорлигига, таҳлилий даражасига алоҳида эътибор берилади. Телевидение кўрсатувларида материаллар, айни пайтда қандай аудиторияга мўлжаллангани билан ҳам ажралиб туради ҳамда истеъмолчининг ёши, жинси, билим даражаси, дунёқарashi, миллий, диний мансублиги каби омилларини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, одамларга ҳам ақлан асосланган (рационал), ҳам эмоционал (ҳиссиёт уйғотувчи)

² Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008, 14-бет.

маълумотлар тез таъсир қилади. Бунда аудитория хусусияти назарда тутилгани керак. Масалан, ўқимини, тушунган одамлар аудиторияси фактларга таянган, асосли маълумотларни тез қабул қилиб, унга ишонса, кичик ёшлар, маълумот даражаси пастроқ шахслар кўпроқ юракка яқин, эмоционал маълумотга ўч бўлади. Бундайлар ҳатто улардан айрим негатив ҳис-туйғуларни кўзгатувчи маълумотларга нисбатан ҳам фаолроқ бўлади.

Оммавий ахборот воситалари – энг асосий, қудратли ва таъсирчан тарғибот қуроли ҳисобланади. Чунки оммавий ахборот воситалари омманинг ўзига ҳос тарбиячиси, муҳим тадбирларнинг ташкилотчиси, долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қилади. Айнан оммавий ахборот воситалари орқали миллий кадриятларимиз ва умуминсоний кадриятлар, миллий ғоя ва демократик тамойиллар тарғиб-ташвиқ қилинади. Оммавий ахборот воситалари донмо демократия ва сўз эркинлигининг ўзига ҳос ўлчови, кўрсаткичи бўлиб келган. Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари демократик тараққиётни рағбатлантиради ва мустаҳкамлайди.

Ҳаётийлик – бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига қўйилаётган асосий талаб. Берилаётган ахборотларнинг асосан ютуқларни кўрсатиш, мақтовлардан иборат бўлиши тарғиботга қанчалик фойдали ёки зарарли эканини чамалаб кўриш лозим. Ҳаёт бор экан, муаммолар, камчиликлар, нуқсонлар бўлавериши табиий. Бу – исбот талаб қилмайдиган аксиома. Шундай экан, муаммоларнинг мавжудлигига фожиа сифатида эмас, одатдаги нарса деб қарашига ўрганиш керак. Уларнинг борлигини кўриб, ўзини кўрмаганликка олиш билан фақат зарар келтириши мумкин. Демак, муаммоларни ўз вақтида тан олиш, уларни ҳал қилишга киришиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, тарғиботнинг негизида факатгина ғояга ишонч эмас, ғояни тарғиб қилаётган инсонга ишонч ҳам ётади. Шу боис, макташ тарғиботнинг ягона ва ҳатто энг тўғри усули ҳам эмас. Демак, мафкурани ҳаётини факат макташ, уни бенуқсон тасвирлаш орқали тарғиб қилиш мумкин эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш муаммоси юзага калкиб чиқмоқда. Уларни мустақил ижтимоий кучга, сиёсий тизимнинг тўлақонли бўғинига ва жамоатчилик фикрини шакллантирувчи таъсирчан воситага айлантириш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг эркин ва мустақил фаолият юритишлари учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган, журналистларни тайёрлаш масаласига давлат даражасида эътибор берилмоқда, журналист-кадрларни ўзимизда тайёрлаш билан қаноатланмай, бу соҳа мутахассисларининг хорижда таълим олишларидан маблағ аялмай.

Кўриниб турибдики, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши учун кулай муҳит яратилган.

Ғарбда оммавий ахборот воситаларига кўпол бўлса ҳам жамият манфаатларини “кўрикловчи кўппак”, деб нисбат берадилар. Етук демократик давлатларда улар жамиятнинг “кўзлари”, “кулоклари” вазифасини бажарадилар. Огоҳлантирувчи тизим сифатида улар жамиятдаги иллатлардан хабар берувчи, муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, уларнинг турли ечимларини таклиф қилувчи қудратли кучга айланган.

Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг плюрализм тамойили асосига қурилши демократиянинг тараққиётига хизмат қилади. Бунинг учун қарама-қарши нуктаи назарлардан иборат бўлган дастурларни яратиш, чиқишларда муқобил фикрлар тўқнашувига эришиш лозим. Шундагина оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш ва рағбатлантиришга қодир бўлади. Кўпгина мамлакатларда оммавий ахборот воситаларининг ислоҳоти “ғоялар бозори”да ҳали айтилмаган янги фикрларни узатишга қарағилади. Лекин ўринли бир савол туғилади: бу “бозор” ҳар қандай ғоялар учун ҳам очик бўлиши керакми? Йўқ, албатта. Экстремистик нуктаи назарлар, ғайринисоний табиатга эга фикрлар ва қўпоровчиликка чакирувчи ғояларга бу “бозор”да ўрин йўқ. Лекин жамиятимиз раҳнақига хизмат қилувчи, бунёдкорлик табиатига эга, ҳаётимизни фаровонроқ қилишга йўналтирилган янги ғоялар, таклиф ва тавсиялар бу “бозор”да бемалол рақобат қила олишлари керак.

Биз демократияни қандай тушунсак, оммавий ахборот воситаларига ҳам шундай вазифаларни юклаймиз. Биз демократияни мустақиллик, эркинлик ва масъулият деб тушунар эканмиз, оммавий ахборот воситаларидан ҳам мустақиллик, эркинлик ва масъулиятни кутамиз. Демак, журналистлар бу тушунчаларини англаши, уларга эҳтиёж сезиши, уларни кадрлаши, улардан фойдалана билиши ва улар учун қуралиши зарур.

Оммавий ахборот воситалари орқали миллий ғоя ва мафкурани сингдиришнинг яна бир муҳим жиҳати мавжуд. Бу жиҳат – ахборот террорига, мафкуравий таҳдидларга муносиб жавоб бериш, маънавий-мафкуравий жиҳатдан халқимизни тобе этишга интилишларнинг пайини кесиш ва Ўзбекистон фуқароларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш билан боғлиқ. Оммавий ахборот воситаларининг таъсир кучини кўрсатадиган шундай бир гап бор: “Ҳар қандай пуч ғоя, уйдирма ҳафтасига уч мартадан тўрт йил давомида такрорланса – “ҳақиқат” тайёр бўлади, одамлар унга чиппа-чин ишонадилар”.

Охириги пайтларда информацион хуружларнинг тез-тез уюштирилаётгани аслида урушга муносабатнинг ўзгарганлигидан,

куролнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Бу курол – ахборотдир. Бундай курол ёрдамида олиб бориладиган информацион урушларда инсоннинг онги ва қалби нишонга олинади. Гарчи у дайди ўқ сингари инсонни жисмонан йўқ қила олмаса-да, унинг кўпоровчилик кучи, келтирадиган талофотлари ҳар қандай оммавий қирғин қуролиникидан кам эмас. Чунки бу курол ёрдамида онгга берилган зарбалар кишини адаштиради, уни ўз манфаатларига зид ҳаракат қилишга ундайди ва демак, инсонни бошқариш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради. Аслида ахборот мақсадга эришишнинг энг арзон воситаси ҳам саналади. Ҳақиқатан ҳам, информацион ҳуружлар уюштириш учун у қадар кўп меҳнат, у қадар кўп ҳаракат, у қадар кўп ҳаражат талаб этилмайди. Гарчи бундай мафкуравий экспансия отишмалар ва қон тўкишларни келтириб чиқармаса-да, миллий ўзликни англашни заифлаштириш эвазига таназзулга олиб келади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бундай информацион кўпоровчиликдан мақсад – мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйик ўтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилишдан иборат. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласидаги баъзи фикрлар ҳам бугунги ҳуружларнинг мақсадини ойдинлаштиради. Ушбу рисолада айтилишича, геополитик мақсадлар – давлатнинг ўзга ҳудудларда ўз мавқеи ва таъсирини кучайтиришга қаратилган сиёсатдир. Очиги, бу таъриф айрим оммавий ахборот воситаларининг фаолияти нимага йўналтирилганлигини фош этиб қўймоқда.

Баъзи оммавий ахборот воситалари ўзлари билмаган ҳолда терроризмнинг бузғунчилик, кўпоровчилик таъсирини янада оширишга “хизмат” қилиб кўядилар. Уларнинг террор оқибатлари ҳақидаги ваҳимали ахборотлари инсонлардаги қўрқувни, даҳшатни, ҳимоясизлик ҳиссини янада кучайтириб юборади. Бу каби ахборотларга қарши аксилтарғиботни уюштириш зарурати туғилади.

Аксилтарғибот «ғояга қарши ғоя билан курашиш» тамойилига мос равишда олиб борилиши керак. Бунда давлатимиз сиёсатига қарши кучларнинг ғоявий ҳужумларини қайтариш талаб этилади. Хусусан:

- хорижий журналистларнинг ҳукумат сиёсатини бузиб талкин қилувчи чиқишларига;
- диний ақидапарастларнинг танлаган йўлимизга қарши мафкуравий кўпоровчилик ҳаракатларига;
- ривожланган давлатларнинг ўз мафкураси ҳукмронлигини ўрнатиш йўлидаги уринишларига;
- ахборот хилма-хиллиги шароитидаги информацион тажовузларга;

— одамлар онгида сақланиб қолган коммунистик мафкуранинг асоратларига қарши фаол курашиш зарур.

Аксилтарғиботни ташкил этишда тезкорлик, қатъиятлилиқ, хужумкорлик, мурасасизлик талаб қилинади. Бу борада тайёрланган материаллар далиллар билан исбогланган, ҳаққоний, оммабоп ва барча учун тушунарли бўлиши шарт. Аксилтарғибот олдини олувчи ва фош этувчи шаклларда амалга оширилади. Олдини олувчи йўналиш асосан тарбиявий характерга эга бўлади. Бунда:

— фуқароларнинг позицияларини шакллантиришда ғоявий ракиблардан ўзиб кетиш;

— инсонларни бегона ғояларнинг нотўғрилигини фош этишга ва уларнинг далилларини рад этишга ўргатиш;

— пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйикларга нисбатан ҳушёрликни ошириш;

— ёт мафкуравий таъсирларга қарши иммунитетни шакллантириш асосий мақсад қилиб қўйилади.

Аксилтарғиботнинг фош этувчи йўналишида:

— ғоявий душманлар томонидан эълон қилинган фикрлар ва баҳоларни рад этиш;

— «мафкуравий уруш» олиб бораётган тараф ташвиқотининг ёлғон ва сохта моҳиятини очиб бериш;

— мафкуравий босим кўрсатувчи гуруҳ етакчиларини обрўсизлантириш;

— ракибларнинг руҳини сусайтириш орқали уларнинг ҳаракатларини кучсизлантириш асосий мақсад қилиб қўйилади.

Аксилтарғиботнинг ҳар иккала кўриниши ўзаро боғлиқликда олиб борилади. Инсоннинг онги ва қалби учун шиддатли кураш кетаётган ҳозирги пайтда аксилтарғибот билан махсус шуғулланиш зарурлиги шак-шубҳасиздир.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

И. Тошматов, доцент, ЎзДЖТУ

Президентимиз Ислам Каримовнинг назарий қарашларига, миллий қадриятларимизни, тарихий ва маданий меросимизни тиклаш борасидаги амалий фаолиятларига таянишимиз, уни ўзимиз учун дастуруламал қилиб олишимиз мақсадга мувофиқ. Юртбошимиз «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларида, маънавият ҳам борлиқ, табиат, жамият каби узлуксиз ҳаракатдаги жараён эканлигини, инсон фикри, тафаккури, ҳис-туйғуси тиним

билмаганидек, уларнинг маҳсули бўлиши маънавияг ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлишини уқдириб: «Маънавият авваламбор одамни рухан покланишга, калбан улғайишга қорлайдиган, инсон ички дунёсини, продасини бакувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган куч¹» деб таърифлаган эдилар. Бу таърифда инсон фаолиятининг барча маънавий қирралари камраб олинган бўлиб, биз бундан бўён маънавият ҳақида сўз юритганимизда унга методологик асос сифатида таянамиз.

Кейинги пайтларда маънавиятга оид эълон қилинаётган мақолаларда, ўтказилаётган анжуманларда «Маънавият» тушунчасига таъриф бериш, унинг жамият, инсон ва миллат тараққиётидаги ўрнига қатъи эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таникли файласуф А.Жалолов «Мустақиллик масъулияти» асарида «Маънавият – инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг ажралмас таркибий қисми, онги, ақл-заковатининг маҳсули»², – деб таърифлаган. «Ҳаёт фалсафаси ва фалсафа ҳаёти» мақоласида бу таърифни янада кенгайтириб, мукамалроқ тарзда қуйидагича таърифлайди: «Маънавият – инсон фаолиятининг руҳий мазмун бўлиб, кишилар унинг воситасида ўзларини англайдилар, жамиятни, табиатни, уларнинг мавжудлиги ҳамда тараққиётни хусусиятларини ўрганадилар, қонунларини кашф этадилар ва уларга таяниб, ўз турмуш шароитлари, амалий фаолиятлари муаммоларини ҳал этадилар»¹. Президентимиз И.Каримов ўз фикрини давом эттириб, маънавиятсиз ҳаётни қоронғи бир хонага ўхшатади. Миллий истиқлол ғояси фикрни-фикрдан, ғояни-ғоядан, маърифатни-жаҳолатдан фарқини кўришга, эзгу фикр, ғоя ва амаллар билан бирга ёвуз, тажовузкор фикр, ғоялар борлигидан ҳам огоҳ этади. Миллий истиқлол ғояси инсонларни, халқ, миллатни эзгу фикр, ғоялар ва амаллар атрофида бирлаштиришга хизмат қилади. Уларда ёвуз ва тажовузкор ғоянинг ҳар қандай кўринишига нисбатан ғоявий иммунитетни мустаҳкамлайди. Эзгу, бунёдкор ғоялар билан яшашга, ўз фаолиятини эркин, фаровон ҳаётга йўналтиришга ҳаракат қилади.

Ёш авлодда нафакат ўз ҳаёти, оила аъзолари, Ватани ва миллати олдидаги, балки атроф-табиат, бутун қурраи замин ва жами башарият олдидаги масъулият туйғусини шакллантириш бугунги кун таълим-тарбия тизимининг энг муҳим масаласи бўлиб турипти.

Инсонга факат атроф-воқелик ҳақида, одобу ахлоқ қоидалари ҳақида билим беришнинг ўзи унинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун старли бўлмайди. Унда ирода қудрати, масъулият туйғусини шакллантириш, қўнғлида атроф-табиатга, меҳнатга, касбга, илмга, ўзга

¹ Туркистон газетаси, 1999 йил февраль.

² Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. Т.: Ўқитувчи, 1996, 29-бет.

¹ Мулоқот, 1997, № 5, 15-бет.

инсонларга меҳр уйғотиш, дилида улуг мақсадлар тугилишига эришиш лозим. Масалан, тан олиб айтиш керакки, Ватан ёки Адолат туйғуси ҳақида китобларда ёзилганларни ўқиб чиққан одам дарҳол Ватаннинг кадрига етадиган, ёки Адолатга хиёнат қилмайдиган бўлиб қолади, деб тасаввур қилиш ўта соддалик бўлур эди. Ҳар бир инсон Ватан, Миллат, Адолат тимсол-тушунчаларининг ўз руҳидаги пойдор маънавий кадриятларга айланиши учун ўзгалар ибратида синаши, бу йўлда риёзат чекиши, уларга нисбатан кўнглида меҳр уйғониши зарур. Бунга турли йўللар, турли воситалар билан, биринчи навбатда ёш авлод тарбиясига самимий (чин кўнгилдан) ва изчил ёндошув, тинимсиз изланишлар билан эришилади.

“Бизнинг улуг аجدодларимиз, — деб ёзади Президент, — ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тил билан айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли деб биламан”.

Шу гапга кичик бир мисол:

Маълумки, иймон-этикод маънавиятнинг умуртқа поғонаси ҳисобланади. Халқимизда бировни “иймонсиз” деб аташ энг оғир ҳақоратдир. Биз динимиз ислом деймиз, Қуръони каримда ёзилишича, Аллоҳ бани башарни ўзига ибодат қилиш учун яратган. Лекин кўпчилик исломий ибодатлар деганда, намоз, рўза, закот, ҳаж амалларини кўз олдига келтиради. Буюк тасаввуф пири Баҳоуддин Нақшбанд эса Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қуйидаги ҳадисини келтиради: “Ибодат ўн қисмдир, унинг ўндан тўққизи ҳалол ризқ топиш ҳаракати, қолган барча ибодатлар ўндан бирини ташкил этади.” Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолиқ Гиждувонийларнинг пири муршиди ҳисобланган шайх Юсуф Ҳамадонийнинг “Ҳаёт мезони” асарида Пайғамбаримизнинг яна бир ҳадислари келтирилади: “Мусулмон бўлмагунларингизча жаннатга кирмайсизлар, бир-бирларингизга самимий меҳр қўймагунларингизча мусулмон бўлмайсизлар”. Шу сабабли биз фарзандларимизга иймоннинг асосий шарти ҳалоллик, адолат ва инсонга, табиатга меҳр деб уқдиришимиз, нафакат уқдиришимиз, балки шу йўлда ўзимиз ибрат бўлишимиз шарт.

Президент китобида *“инсон маънавий оламининг юксатиши”* деганда нимани тушуниш керак, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб берилган: *“Оллоҳнинг ўли бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечирish”*. Аммо муаллиф яна таъкидлайдики, ушбу қондани тушуниш ва эътироф этишнинг ўзи кифоя эмас, балки айни шу эътиқодга амал қилиб яшаш — *“одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон”*дир.

“Такрор айтишига тўғри келади – ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур”. Президентнинг ҳушёрликни йўқотмаслик, бепарво бўлмаслик хусусидаги уқдиришларини тўғри тушунадиган бўлсак, бу дегани ёш авлодга тўғри таълим бериш билан бирга, ҳар бир айтган сўзимизга аввало ўзимиз риоя қилишимиз керак бўлади. Масалан, “илм ол” дедикми, ўзимиз умр бўйи илмимизни ошириб, пухталаб боришдан тўхтамаслигимиз керак; “халол ва адолатли бўл” дедикми, ўзимиз фарзандларимизни халол лукма билан боқаётганимизга, ўз фойдамизни кўзлаб бировга зулм бўладиган хатти-ҳаракатдан сакланишга қатъий уринмоғимиз лозим бўлади. Ана шундагина болаларимиз келажагидан хотиржам бўлишимиз мумкин.

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР: МИССИОНЕРЛИК ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА

Б.Жалолов, ТДПУ

«Таҳдид» тушунчаси кенг қамровли бўлиб, бир объектнинг бошқа бир объект манфаатларига хизмат қилдирилишининг усул ва воситалар йиғиндисидир. Таҳдид энг умумий тарзда жисмоний ва маънавий турларга бўлинади. Мазкур мақолада маънавий таҳдидлар борасида фикр юритилади.

Маънавий таҳдидлар инсон маънавий оламига қаратилган бўлиб, уни издан чиқаришни, асрлар давомида шакллантирилган маънавий меросни йўқ қилишни, у орқали эса инсонларда фикр қарамлигини пайдо қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. «Энг дахшатлиси – фикр қарамлиги, тафаккур куллиги»¹, деганда Президент Ислом Каримов минг бор ҳақ эди.

Инсоният тарихи доимий курашлардан иборатдир. XXI асрда бу кураш онг соҳасига кўчгани ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли ҳам «бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга»².

«Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир»³.

¹ Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 6 б.

² Каримов И. юксак маънавият – ситилмас куч. — Т.: Маънавият, 2009. – 113 б.

³ Уша асар, 36-бет.

инсонларга меҳр уйғотиш, дилида улуг мақсадлар туғилишига эришиш лозим. Масалан, тан олиб айтиш керакки, Ватан ёки Адолат туйғуси ҳақида китобларда ёзилганларни ўқиб чиққан одам дарҳол Ватанининг кадрига етадиган, ёки Адолатга хиёнат қилмайдиган бўлиб қолади, деб тасаввур қилиш ўта соддалик бўлур эди. Ҳар бир инсон Ватан, Миллат, Адолат тимсол-тушунчаларининг ўз руҳидаги пойдор маънавий кадриятларга айланиши учун ўзгалар ибратида синаши, бу йўлда риёзат чекиши, уларга нисбатан кўнглида меҳр уйғониши зарур. Бунга турли йўллар, турли воситалар билан, биринчи навбатда ёш авлод тарбиясига самимий (чин кўнгилдан) ва изчил ёндошув, тинимсиз изланишлар билан эришилади.

“Бизнинг улуг аجدодларимиз, — деб ёзади Президент, — ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тил билан айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли деб биламан”.

Шу гапга кичик бир мисол:

Маълумки, иймон-эътиқод маънавиятнинг умуртка погонаси ҳисобланади. Халқимизда бировни “иймонсиз” деб аташ энг оғир ҳақоратдир. Биз динимиз ислом деймиз, Куръони каримда ёзилишича, Аллоҳ бани башарни ўзига ибодат қилиш учун яратган. Лекин кўпчилик исломий ибодатлар деганда, намоз, рўза, закот, ҳаж амалларини кўз олдига келтиради. Буюк тасаввуф пири Баҳоуддин Нақшбанд эса Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қуйидаги ҳадисини келтиради: “Ибодат ўн қисмдир, унинг ўндан тўққизи ҳалол ризқ топиш ҳаракати, қолган барча ибодатлар ўндан бирини ташкил этади.” Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолик Ғиждувонийларнинг пири муршиди ҳисобланган шайх Юсуф Ҳамадонийнинг “Ҳаёт мезони” асарида Пайғамбаримизнинг яна бир ҳадислари келтирилади: “Мусулмон бўлмагунларингизча жаннатга қирмайсизлар, бир-бирларингизга самимий меҳр қўймагунларингизча мусулмон бўлмайсизлар”. Шу сабабли биз фарзандларимизга иймоннинг асосий шарти ҳалоллик, адолат ва инсонга, табиатга меҳр деб ўқдиришимиз, нафақат ўқдиришимиз, балки шу йўлда ўзимиз ибрат бўлишимиз шарт.

Президент китобида *“инсон маънавий оламининг юксатиши”* деганда нимани тушуниш керак, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб берилган: *“Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш”*. Аммо муаллиф яна таъкидлайдики, ушбу қондани тушуниш ва эътироф этишнинг ўзи кифоя эмас, балки айти шу эътиқодга амал қилиб яшаш — *“одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон”*дир.

“Такрор айтишига тўғри келади – ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур”. Президентнинг ҳушёрликни йўқотмаслик, бепарво бўлмаслик хусусидаги уқдиришларини тўғри тушунадиган бўлсак, бу дегани ёш авлодга тўғри таълим бериш билан бирга, ҳар бир айтган сўзимизга аввало ўзимиз роя қилишимиз керак бўлади. Масалан, “илм ол” дедикми, ўзимиз умр бўйи илминимизни ошириб, нухталаб боришдан тўхтамаслигимиз керак; “ҳалол ва адолатли бўл” дедикми, ўзимиз фарзандларимизни ҳалол лўқма билан боқайтганимизга, ўз фойдамизни кўзлаб бировга зулм бўладиган хатти-ҳаракатдан сакланишга қатъий уринмоғимиз лозим бўлади. Ана шундагина болаларимиз келажагидан хотиржам бўлишимиз мумкин.

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР: МИССИОНЕРЛИК ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА

Б.Жалолов, ТДПУ

«Таҳдид» тушунчаси кенг қамровли бўлиб, бир объектнинг бошқа бир объект манфаатларига хизмат қилдирилишининг усул ва воситалар йиғиндисидир. Таҳдид энг умумий тарзда жисмоний ва маънавий турларга бўлинади. Мазкур мақолада маънавий таҳдидлар борасида фикр юритилади.

Маънавий таҳдидлар инсон маънавий оламига қаратилган бўлиб, уни издан чиқаришни, асрлар давомида шакллантирилган маънавий меросни йўқ қилишни, у орқали эса инсонларда фикр қарамлигини пайдо қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. «Энг даҳшатлиси – фикр қарамлиги, тафаккур куллиги»¹, деганда Президент Ислон Қаримов минг бор ҳақ эди.

Инсоният тарихи доимий курашлардан иборатдир. ХХI асрда бу кураш онг соҳасига кўчгани ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли ҳам «бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга»².

«Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қондалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир»³.

¹ Қаримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатини – миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 6 б.

² Қаримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009. – 113 б.

³ Ушш асар, 36-бет.

Шу сабабдан диний эътиқодга қарши қаратилган маънавий жиноятлар авж олмоқда. Фикримизни дадиллар билан асослашга ҳаракат қиламиз.

«Мусулмонлар Аллоҳнинг 100 та исми борлигини айтишади, лекин инсон улардан 99 тасинигина била олади. Фақатгина туя Аллоҳнинг 100-исмини билади. Албатта бу афсона. Шундай бўлса-да, туя билган Аллоҳнинг 100-исмини мусулмонлар ҳам билишини истаймиз. Бу исм – *JESUS*».¹ Бу гапни тасдиқловчи биронта ҳам оят ёки ҳадис мавжуд эмас: у китоб муаллифининг шахсий уйдирмаларидан биридир. Ислом динида Аллоҳнинг 99 исми – асма-ул-хусна борлиги очик айтилади. Хаёл килинганидек, 100-исм инсонлар учун маълум килинганда ҳам у одамлар илоҳ деб ўйлаган Аллоҳнинг элчисининг исми эмас. Бу китоб муаллифи ўз сўзида «фақатгина туя Аллоҳнинг 100-исмини билади», деб даъво қилади. Эътибор берилса, одам эмас, туя. Демак, ўзини муаллиф қилиб кўрсатаётган «одам» туя-да! Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчидан, миллиардлаб инсонлар эътиқодига тош отиш учун туядек забонсиз махлук панасига ўтиш – энг тубан одамнинг иши.

«Бу исм – *JESUS*». *JESUS* ким ўзи? Фараз килинганидек, милоднинг 1-33 йилларида яшаган пайғамбарми?

JESUS бани Исроил кавмига юборилган охирги пайғамбар исмининг инглиз тилидаги талаффузидир. Нима, у пайғамбар инглиз тилида гапирганмики, унга инглизча ном берилса? Бу исмни славян ва грек тиллари «Иисус»², латин тилларида эса «Жесус»³ дедилар. Бу расулни Ислом динида «Ийсо»⁴ деб ҳурматладилар. Унинг яҳудий эканлигини эътиборга олган ҳолда, «Иешуа»⁵ аниқроқ талаффуз деб биламан.

Муаллиф фикрининг хавфлилиги шу билан изоҳланадики, аввал у ўзи ўйлаб топган «100-исм»ни мусулмонлар орасига киритади (Бу фикр асоссиздир. Чунки барча мусулмон уламолари бир овоздан Асма-ул-хусна – Аллоҳнинг инсониятга билдирган гўзал исмлари 99 та эканлигини тан оладилар). Сўнгги исм «Исо» деб исломни христианлик домига тортади: худди христианлик каби Исо образи илоҳийлаштирилиб, сиғиналади.

«...Шарқ ёки Ғарб мамлакатлари бўладими, олис Африка ёки Осиё китъаси бўладими – жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга қарши қандайдир таҳдид пайдо бўладиган бўлса, ўзининг бутунги куни ва эртанги истиқболини ўйлаб яшайдиган ҳар бир онгли инсон, ҳар бир

¹ Greeson Kevin. Camel training manual. –Bangalore, India, 2004 6.51

² Славян халқлари Янги аҳди бошқа кўпгина халқлар қатори грек тилидан таржима қилганлар. Шунинг учун шахс номи деярли бир хил Иисусхт

³ Ғарбий Европа халқлари Евангелиени унинг латинча таржимаси Нулганатдан ўз она тилларига уғиришган. Шунинг учун шахс номи деярли бир хил Jesus

⁴ Арабча шакли عيسى

⁵ Инглиз тилида бу сўз Joshua тарзида ишлатилади.

халқ таълимига туғиши табиий, албатта. Бу ҳақда гапирганда, фақат битта миллат ёки халқ ҳақида фикр юритиш масалани ўта тор тушуниш бўлур эди»¹. Шу билан ҳам ҳар қандай таҳдиди ўз вақтида олдини олган ва ундаги тегишли хулосаларни чиқарган мақсадга мувофиқдир.

МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМ ХУРУЖЛАРИГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

М.Мусоев, ЎзДЖТУ

Дарҳақиқат, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари бугунги кунга келиб, дунё миқёсида диний ақидапарастлик, фундаментализм, экстремизм, терроризм, гинёхвандлик сингари глобал муаммолардан бирига айланиб бораётганлиги патижасида, ҳозирда дунёдаги жуда кўплаб мамлакатларда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларига қарши курашниш долзарб вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Зеро, шу ўринда, Президентимиз И.Каримов: "...мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, ўйлайманки, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади² – дея таъкидлаган эди.

Шу ўринда миссионерлик ҳақида сўз юритганда миссионер аввало, бирор диний гуруҳ ҳамда диний ташкилот томонидан бошқа динга эътикод қилувчи фуқароларини ўз динига жалб этиш ва ўтказиш учун юборилган шахс тушунчасини англатса, миссионерлик эса ўз навбатида бир диний гуруҳ орқали инсонларни ишонч ва эътиқодини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар мажмуасини ифодалайди. Миссионерлик фаолияти жараёнида миссионер ўзининг диний қарашларини ўз юртидаги ёки хорижий юртлардаги, бошқа динга эътикод қилувчи халқлар орасида кенг ёйиш ҳамда тарқатиш борасидаги черков ташкилотлари томонидан бевосита йўналтирилган махсус топшириқ ва вазифаларни амалга оширишни англатади.

Шунингдек, миссионерлик билан бир қаторда унинг таркибий қисми ҳисобланмиш прозелитизм ҳақида сўз юритганда, у ўз моҳиятига кўра, тўғридан-тўғри бирон бир динга эътикод қилувчи фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга қаратилган ҳаракатлар мажмуасини билдиради.

¹ Каримов И. Юксак маънавият – сиғилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008. -13 б.

² Каримов И. Юксак маънавият – сиғилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б-14.

Бугунги кундаги замонавий манбаларда прозелитизм сўзига нисбатан куйидагича изоҳлар берилган бўлиб, прозелитизм юнонча “proselitizm” сўзидан олинган бўлиб, “уз эътиқодидан воз кечиб, бошқа диний эътиқодни қабул қилган мусофир”, яҳудий тилида “гейр”, “гейрим” яъни “юртма-юрт юрмок”, “бошпана топмок”, “чет эллик”, “саёхатчи”, “келгинди”, латин тилида “proselitos” — “бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтиш”, Россиялик тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган фикрларга кўра, “proselitos” сўзи “прозелит” шаклида “бирор янги динни қабул қилган одам”, “янги маслакдош”, “бирор нарсга садоқат билан киришган одам” -деган тушунчаларни англатади.

Шунингдек, мутахассислар хулосаларига кўра, христианликда прозелитизм христианлик динига зид равишда турли восита ва усуллар орқали бир конфессиядан бошқа бир конфессияга одамларни оғдириб олиш каби салбий оқибатларни келтириб чиқариши оқибатида, христианликдаги Католик ва Православ йўналиши вакиллари ўртасида чрковлараро ва динлараро ўзаро бирдамликка раҳна солувчи, маҳаллий аҳоли вакиллари диний кадриятларнинг бузилишига, мамлакатлар ва жамиятлар миқёсидаги салбий омил вазифасини ўтаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари билан фаол шугулланаётган “Иего ва гувоҳлари”, “Мунитлар”, “Сайенталогия”, “Тўлик инжил христианлари”, “Исо Масихи”, “Мормонлар” каби секталар томонидан ноқонуний равишда ўзга мамлакатлардаги фаолият жараёнида, маҳаллий аҳоли орасидаги ҳамжиҳатликка путур етказиши, динлараро низоларни авж олиши, мамлакат тинчлигига раҳна солиши, мамлакат фуқаролари орасида ғалаёнларни келтириб чиқариш, давлатлар миқёсида барқарорликни издан чиқариш каби ҳолатлар миссионерларнинг мақсад гоёси замирида фақат сиёсий масала турганлигини ойдинлаштиради.

Бугунги кунда дунё миқёсидаги тараққиётга эришган давлатларнинг истиқболли режалари замирига назар ташлайдиган бўлсак, мазкур давлатлар томонидан белгиланган ҳудудларда ўзларининг манфаат ва мақсадлари йўлида дунё тараққиётининг энг кучли қуроллари сифатида эътироф этилаётган фан, техника, индустриализация қаторида миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларидан кенг кўламда фойдаланишмоқда.

Шу ўринда, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларини амалга ошираётган тоталитар секталар томонидан олиб борилаётган диний тарғиботлар тўғрисида АҚШнинг Калифорния университети психологи, профессор Маргарет Зингер томонидан илгари сурилган фикрга кўра, мазкур ҳаракат “намоёндалари” ўтказётган диний ибодатларнинг жозибадорлиги шундаки, улар диний тарғибот ва ибодатларни ўта

соддалаштирилган тарзда маҳаллий аҳоли вакиллариининг кадриятлари, ҳаётий тамойилларга мос равишда, умумийлик ва ҳаётий қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида иш, омад, эъгиروفни таклиф қилиш ғояларини илгари суришини таъкидлаб ўтган.

Шунингдек, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракати “намояндалари” глобаллашув жараёнининг ривожланиши оқибатида турли хил маънавий хуружлар ёт оқимлар таъсири орқали ўзларининг мафкуравий ғояларини дунёнинг исгалган ҳудудларини забт этишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини такидлаш лозим.

Ҳозирги кунда дунё микёсидаги табиқли миссионерлар қаторида эътироф этилаётган евангелист Билли Грахим ўзининг миссионерлик фаолиятини олиб бориш жараёнида, асосан, ОАВ воситалари; радио, телевидение соҳаларидан кенг фойдаланган ҳолда, ўзга мамлакатларда содир бўлаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий вазиятлардан фойдаланиб, уни ўзгартиш мақсадида, ривожланган ғарб давлатларидаги “оммавий маданият”, “демократик эркинликларни жорий этиш”, “юқори турмуш тарзи”, “урф-одатлари ва маданиятини тарғиб этиш” каби усуллардан кенг фойдаланишга асосий урғу бераётганлиги аниқланган¹.

Маълумки, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари замирида бугунги кунга келиб, дунё микёсида инсонларнинг онги, қалби ва руҳиятини эгаллаш ва уни бошқаришга интилиши натижасида инсон шахси даражасидаги салбий оқибатларни келиб чиқиши, яъни шахсият ва интеллектуал таназзул, бошқаларнинг иродасига кўр-кўрона бўйсунуш, индивидуалликнинг йўқолиши ва унинг ўзга мазмун билан тўлдирилиши, тараққиётдан тўхташ, моддий йўқотишлар, инсонларнинг ҳаёти, маънавий дунёқараши ва соғлигига нисбатан салбий ҳолатларни келиб чиқишига замин яратишига асосий урғу қаратишаётганлигини таъкидлаш ўринли.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дунёдаги расмий динлар ва конфессиялар ўртасида келиб чиқаётган зиддиятларнинг асосий омили миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари натижасида содир бўлаётганлиги айрим давлатлардаги маданий-маънавий муносабатларга, инсонларнинг диний эътиқодига нисбатан шубҳа уйғотиш, динлараро ва миллатлараро низоларни келтириб чиқаришга замин яратмоқда.

Бугунги кунда, дунё микёсида миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари билан фаол шуғулланаётган тоталитар секталар ўз фаолиятлари жараёнида асосий эътиборни ёшлар орасида тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Зеро, ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётида ёшлар мамлакатнинг келажаги ҳисобланади, шу сабабли

¹ WORLD BOOK.-13-1994. USA. Chikago. B-620-621.

жамият ҳаётида ёшларнинг фаол ижтимоий кучга айланиб бораётганлиги, бу эса ўз навбатида уларни турли маънавий – мафкуравий хуружлар, ёт оқимлар таъсир ва таъйинларининг бош манбаига айланишига олиб келади.

Хулоса ўрнида шунинг таъкидлаш жоизки, инсон қалби ва онгини эгаллашга ҳаракат қилаётган ёт оқимлар таъсиридаги мафкуравий хуружлар, ўз навбатида буюк маънавиятимиз, маданиятимиз, тарихий кадриятларимизга миллий ва диний эътиқодларимизга раҳна солишга интилаётган миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари сўнгги вақтларда мамлакат хавфсизлиги ва жамият барқарорлигини издан чиқаришга интилаётганлигини англаш лозим.

Шундай экан, мамлакат барқарорлиги ва жамият хавфсизлигига нисбатан раҳна солишга интилаётган ҳар қандай маънавий таҳдид ва мафкуравий хуружлар, инсон қалби ва онгини эгаллашга ҳаракат қилаётган ёт оқимлар таъсиридан огоҳ бўлиш, мафкуравий тарбия воситаси орқали мамлакат келажаги ҳисобланмиш ёшларда кучли мафкуравий иммунитетни шакллантириш, диний экстремизм, ақидапарастлик ва умуман ёт оқим ва ғояларга қарши мафкуравий қуроллантириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

МИССИОНЕРЛИКНИНГ ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАҲДИДИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Б.Турдиев, Г.Машарипова, ТДПУ

Миссионерлик миллий бирлик ва жамият барқарорлигига таҳдид солар экан, унга қарши кураш, олдини олишга қаратилган ишларни тизимли ташкил этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Тарих илк миссионерларнинг ҳеч қандай мол-мулкка эга бўлмай, кишлоқма-кишлоқ, шаҳарма-шаҳар юриб, одамларга «хушхабар»ни етказишга ҳаракат қилганликларидан гувоҳлик беради. Илк миссионерлар асосан ўша даврларда ҳам анчагина ноёб касб ҳисобланган ва юқори кадрланган табиблик фаолияти билан шуғулланиб, инсонларни даволаш билан бир каторда динни тарғиб қилганлар. Бу ўз даври учун энг самарали усуллардан бири эди, зеро, айнан табиблар кўпчилик инсонларнинг христианликни қабул қилишларига сабаб бўлишган. Исо Масихнинг кўпчилик издошлари, унинг ўзи даволаган инсонлар бўлгани ҳам миссионерларнинг ушбу усулга алоҳида аҳамият беришларига замин яратган бўлса ажаб эмас.

Бундан ташқари, хайрия ёрдамларини кўрсатиш амалиётидан ҳам фойдаланилган. «Санта Клаус» атамасининг келиб чиқиши болаларга

хайрия ёрдамларини улашгани билан шуҳрат қозонган жуда бой ва айни пайтда, ўта сахий инсон бўлган авлиё Николай номи билан боғлиқлиги ҳам шундай ҳулоса чиқариш имконини беради.

Шундай бўлса-да, миссионерларнинг қўлларида катта имконият ва қулай воситалар ҳали йўқ. Аммо ўтган юз йиллар давомида миссионерлик йирик бир тармоққа айланиб улгурди¹.

Замонавий миссионерлар турли соҳаларда узвий бирликда, тизимли ва тадрижий иш олиб борилгандагина кишилар онги ва қалбини эгаллаш мумкинлигини яхши тушунишади. Зеро, ҳар бир соҳа кишилар онгига таъсир ўтказишнинг ўзига ҳос ва бетакрор усулларига эга. Айни пайтда, тизимли иш олиб борилганда бу усуллар ва ўзига ҳосликлар бир-бирини тўлдиради ҳамда инсонни бутун ҳаёти давомида мунтазам таъсир остида сақлаш имконини беради.

Инсоннинг ҳаётда ким бўлиб етишиши ижтимоий қарашлар ва қадриятларни сингдириш, мустаҳкамлашга хизмат қиладиган таълим-тарбия тизимига боғлиқ. Зеро, муайян билимлар таълим жараёнининг ўзида бевосита ва тўғридан-тўғри, илмий асосда ва тизимли тарзди ўзлаштирилади.

Миссионерлар давлатимиз сиёсатиға ҳос инсонпарварлик тамойилларига ҳам мослашишға ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг ибодатға келувчиларнинг ахборотларига таяниб, ишончли далиллар ёндашуви асосида, янги ўқув йили арафасида мухтож оилаларнинг 1-синфға борадиган болаларига дафтар, қалам ва бошқа ўқув қуроллари моллари, «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига эса, унга қўшимча тарзда болалар кийим-бошлари ва ўйинчоклар совға қилишға уринаётганини ҳам мисол қилса бўлади.

Миссионерлар тил ва компьютер ўргатиш марказлари, ҳатто мактаб ёшигача бўлган болалар учун шу йўналишдаги ихтисослашган болалар боғчалари очиш орқали ҳам ёшлар орасида тегишли тарғиботни ташкил этишға ҳаракат қилмоқдалар. Аҳоли ўртасида ўз фаолиятлари ҳақида ижобий таъсир тасаввурни шакллантириш миссионерликни амалға ошириш учун никоб бўлиб хизмат қилади.

Муайян қарашлар ва қадриятларни яшин тезлигида оммалаштириш, тарқата олиш имкониятиға эгаллиги туфайли радио ва телевидение кишилар онги ва қалбига таъсир ўтказишнинг тезкор ва катта шиддат билан кечишига замин яратмоқда. Радио ва телевидение имкониятларидан фойдаланишға интилиш эса миссионерлар фаолиятининг ҳудудий жиҳатдан жуда кенг қамров касб этишиға олиб келди. Шу билан бирга, аниқ белгиланган мақсадларға эришиш йўлида

¹ Очилдисев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йуллари (юз саволға – юз жавоб). – Т., Тошкент Ислам университети нашрият-матбаа бирлашмаси, 2009, 91-92-бетлар.

ҳар томонлама ва пухта ишланган режа асосида иш олиб бориш аҳолининг турли қатламларига доимий асосда эътиқодий босим ва таъйиқ ўтказишга йўл очмоқда.

Миссионерлик руҳи билан суғорилган радио ва теледастурлар мазмунини ўрганиш уларнинг эътиқодий таъсир йўналтирилган мамлакатлар аҳолисининг хоҳиш-истаклари, мавжуд муаммолари, жиддий ўрганилган ҳолда ташкил этилаётганини кўрсатади.

Театр, ракс, кўшиқ, мусиқа санъати каби бир қатор санъат турларини ўзида мужассамлаштирган санъат тури сифатида кино эътиқодий тажовузорликни амалга оширишда ўзига хос ўрин эгаллайди. Кўпчилик учун тушунарли экани кинoning оммавий ғоявий таъсир ўтказиш имконияти кенглигини белгилаб беради.

Кино инсон онги ва хулқига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос услублари ва имкониятларига эгалигини кишиларнинг машҳур кино қаҳрамонларга тақлид қилишларида, уларнинг хатти-ҳаракатлари, кишиқлари ва ҳатто, кийинишларини такрорлашга интилишларида кўришимиз мумкин. Кино қаҳрамонлар айтган ва машҳур бўлиб кетган сўзлар, иборалар ва гапларни ҳам кинoning кишилар хулқига таъсирини кўрсатувчи ҳаётний мисоллар сифатида қараш мумкин.

Маълумотларга кўра, масалан, 2006 йилда миссионерлик ғоялари билан суғорилган 118 та кинофильм ишлаб чиқарилган бўлиб, улар Голливудда яратилган барча фильмларнинг 41 фоизини ташкил этади.

Жамият таракқий этиб борган сари миссионерлик ҳам унга мос равишда замонавий фан-техника ва технологиялардан усталик билан фойдаланган ҳолда, ўз услуб ва воситаларини такомиллаштириб бормоқда.

Бугунги кунда Интернет оммавий ахборот ва коммуникация тизимининг энг тез ривожланиб бораётган бўғини ҳисобланади. Ҳозирди интернетдан нафақат компьютер тармоғи, балки космик алоқа йўлдошлари, радиосигнал, кабел телевидениеси, телефон, уяли алоқа орқали ҳам фойдаланиш мумкин¹.

Айнан мана шу ҳолат интернетнинг ғоявий кураш ва тарғибот, жумладан, эътиқодий тарғибот ва тажовузни амалга оширишнинг асосий майдонларидан бирига айланишига замин яратмоқда.

Миссионерликнинг олдини олишга қаратилган ишлар тизимли олиб борилаётган бир пайтда, уларнинг ўз фаолиятини вилоят ва туман марказларидан узоқроқ жойларда амалга оширишга ва асосий объект сифатида, маҳаллий миллатлар вакиллари яшайдиган ҳудудларни танлашга ҳаракат қилишлари кузатилмоқда.

¹ Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга – юз жавоб) – Т.: Ислам университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009, 103-104-бетлар.

Ёзги таътил даврида болаларни дам олиш жойларига қисқа муддатга олиб чиқиш, камида икки маҳал овқат бериладиган кундузги дам олиш лагерлари ташкил этиш ҳам миссионерларнинг фаол фойдаланадиган усулларида ҳисобланади.

Мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий вазият, олиб борилаётган кучли ва тизимли ижтимоий муҳофаза сиёсати, миллий ғоя концепциясининг ишлаб чиқилганлиги ва унга асосланган ҳолда олиб борилаётган мафкуравий тарбиямизнинг ўз эътиқодида мустаҳкамлиги миссионерлик ҳаракатлари йўлида жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш зарур.

ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИММУНИТЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ОНГ ВА МИЛЛИЙ БИРДАМЛИК

Э.Калканов, ТИМИ, Н., Қолканов, Б.Джамиев, ТДПУ

Мустақилликни мустаҳкамлашда энг асосий омиллардан бири – ўз эркини қўлга киритган мамлакат халқи ва миллатида миллий онг, миллий бирдамлик туйғусини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир. Мустақил давлатнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлган халқда етук миллий онг бўлмаса, қўлга киритилган мустақиллик мустаҳкам бўлмайди.

Миллий онг – бу ижтимоий онгнинг миллий кўриниши бўлиб, миллий маънавий маданиятнинг таркибий қисми, унинг ўзагидир. Миллий онг миллий ижтимоий турмушнинг инъикосидир. Миллий онг миллат манфаати билан, миллат ўтмиши, бугуни ва истиқболи билан, миллат ҳаёти ва тараққиёти билан боғлиқ бўлган тасаввурлар, қарашлар, ғоялар, назариялар, идеаллар мажмуасидир. Миллий онгнинг шаклланиши мураккаб жараён. У миллий маданиятнинг заминидоғина шаклланиши, ривожланиши мумкин. Миллий маданияти ривожланмаган, миллий бирлик, миллий ҳамкорлик туйғулари заиф бўлган халқларда юксак миллий онг бўлиши амри маҳолдир.

Мустақил Ўзбекистонда соғлом мухитни янада барқарорлаштириш, одамлар ўртасида барча муносабатларни адолат ва инсонпарварлик заминидоғина ривожлантиришнинг асосий йўлларида бири-миллий онгни ривожлантириш ва камол топтиришдир.

Етук миллий онгнинг шаклланиши ва ривожланиши мустақил тараққиётимиз учун катта аҳамиятга эга. Гарчи миллий онг бир миллатга мансуб бўлган ҳар бир фуқароннинг ўз Ватани тарихи, аجدодлар қолдирган мерос, назарий билимлар ва амалий тажрибалари умуминсоний кадриятлар билан боғлиқ равишда чуқур ўрганиши ва

Ўзи, мамлакат имкониятлари ва миллий манфаатларини ўзи халқига оид тасаввурлари, тушунчалари ва билимларидан фойдаланиш ҳам, лекин истиклол ва истикбол йўлида хизмат килиши учун миллатларга ҳам адолатли муносабатни, уларнинг моддий ва маданий манфаатларини ҳурмат килишни ҳам ўзида ифодалашни

Миллий онг паст бўлган киши ҳақиқий ватанпарвар бўлолмайди. Анпарвар бўлмоқ учун киши, аввало, ўз халқи тарихи ва чуқур англамоғи, ўз фаолиятини мамлакат ва миллат билан боғламоғи керак. Миллий онг-бу стук маънавият натижасидир. Миллий онгнинг моҳияти ва даражаси ният таракқиётининг даражаси билан боғлиқдир. Миллий маданият тарқалии маданият заминида шаклланиши билан бир қаторда, миллий маданиятга ҳам бевосита таъсир этади. Миллий маданияти бошқа маданиятлар таъсирида қолиб кетган, ўз Ватанининг қикболига бефарқ қарайдиган кишиларда миллий онг ҳам Хар бир миллатнинг вакили фақат стук миллий онг Ватанининг мустақиллиги ва келажакдаги таракқиёти илик намуналарини кўрсата олади.

Миллий онг бир миллатга мансуб бўлган, барча кишиларга хос бўлган фазилатларни ҳам ўз ичига олади. Миллий онг миллий бирдамликнинг ҳам ифодасидир. Миллий онг – бу бизнинг гавдиримиз бирлигини, бир халқ бир миллат фарзандлари англашимиздир. Фақат шу асосдагина бир миллат орасида бирдамлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, умумий манфаъатида бирлик шаклланади. Маҳаллийчилик, гуруҳбозлик миллий онгидан, кишилар ўзларини бир этник гуруҳга мансуб сезиб, англаб етмаганлигидан келиб чиқади.

Экан мустақилликка эришиб, ўз тарккиёт йўлини танлаб
 олишти шароитда миллий бирлик ва бирдамликни
 бавариш, ёшларни шу руҳда тарбиялаш, уларда бир бутун
 шакллантириш учун маҳаллийчиликка қарши кураш олиб
 бора ҳамиятига эгадир. Ёшлар қайси вилоятдан бўлишидан
 қатъий бир миллиятнинг вакили эканини ҳис қилиши,
 Ўзбекистон жаҳондаги ривожланган давлатлардан бирига
 айланганлигини чуқур англаб етмоклари керак. Миллий
 бир кишиларнинг қалбида чуқур томир отмаса, иймон ва
 эътиқод бўлмаса, миллиятнинг истиқболи порлок бўлмайди.

маданиятнинг бирлик ва ҳамкорликка, миллат ва
она англашга, миллий тил ва маданиятни кадрлашга,

миллий одоб-ахлоқ ва бошқа маънавий хислатларни сақлашга хизмат қилувчи томонлари миллий онгнинг негизини ташкил этади.

«Агар миллий онг тўхтовсиз юксала бормаса, мустақилликнинг маънавий замини мустаҳкам бўлмайди. Миллий онг мустақилликка йўналиш беради, халқни яктан, якдил қилади».¹

Миллий руҳимиздаги миллий туйғуларимиз мажмуи миллий тасаввурларимиз, кайфиятларимизда оддий онг сифатида ифодаланади. Агар миллий мансублик ва унинг барча томонлари кишилар тасаввурда илмий асосланган бўлса, уни биз миллий ўз-ўзини англаш деб тушунамиз. Миллий маданият миллий онгга нисбатан мазмун жиҳатидан кенгдир. Миллий маданияти ривожланмаган, миллий бирлик, бирдамлик, ҳамдардлик туйғулари заиф бўлган халқларда миллий онг ҳам етарли ривожланган бўлиши мумкин эмас. Собик Иттифок тузуми ҳукмронлиги даврида бирдамлик ғоялари билан суғорилган миллий онг ўсиши йўлида турли тўсиқлар қўйилган эди. Миллий онг юксалиши миллатчилик, деб қоралаб келинди. Миллий маданиятлар тараққиётига тўсқинлик қилиш ҳам миллий онгни заифлаштиришга интилишдан бошқа нарса эмас эди.

Миллий маданиятнинг миллий бирлик ва бирдамликка, миллий манфаатларни англашга, миллат тарихини ҳолисона ёритишга, миллий тил ва маданиятни кадрлашга, миллий ахлоқ ва одоб бошқа маънавий ҳолларни сақлашга хизмат қилувчи томонлар миллий онгнинг негизини ташкил этади.

Миллий бирлик бўлмаса, миллий истиклол бўлмайди. миллий онгга ва миллий бирликка эса истиклол орқали эришилади. Истиклолсиз миллий бирлик ҳам, етук миллий онг ҳам бўлмайди. Истиклол миллий бирликка олиб боради, миллий онг эса уш таъминлайди. «Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади».²

Айни пайтда, миллий туйғу миллий-маънавий ҳаётнинг ҳам нозик элементидир. Миллий туйғулар эса миллий ифтихор, миллий характер, яъни миллий психологиясининг белгиларидан бири. У ўз миллатининг тарихини, ҳозирги аҳволи, миллий руҳияти ва характерини тушунишнинг эмоционал шаклда ифодаланишидир.

Бироқ, ҳис-туйғулар, эмоцияларгина миллатларнинг туб манфаатларини бевосита ифода қилмайди. Шунинг учун ҳам миллий туйғу миллий онгдан фарқ қилади.

¹ Тулепов Ж., Юсупов К., Гафуров З. Истиклол ва тараққиёт мафқураси. Мақсад ва йўналишлар. Т.: Ўзбекистон. 1993. 36-бет.

² Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон. 1992. 77-бет.

Миллий туйғуларнинг заиф бўлиб қолиши миллатларнинг кадр-кимматига бўлган эътиборсизликнинг кучайишига олиб келади. Бундан хулоса килиб айтиш мумкинки, миллий ҳис-туйғуларни ҳам ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва ахлоқий омилларга суяниб, миллий мафкура асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Миллий ифтихор ҳам миллий ўз-ўзини англашнинг кўринишидир. Миллий ўз-ўзини англашнинг ривожланиши миллий ифтихор, миллий ҳис-туйғуларда ҳам намоён бўлади.

Миллий ҳис-туйғуларга ноҳўя ёндошиш, уни назар-писанд қилмаслик оқибатида улар миллатчилик туйғуларига айланиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ҳам мустақиллигимиз душманлари ҳозир миллий туйғу масалаларига кўпроқ эътибор бераётганликлари тасодифий эмас.

Миллий ҳис-туйғу ватанпарварлик билан ҳам боғлиқдир. Миллий туйғуда ўз миллати тарихини, ҳозирги аҳволини, миллий психологияси ва характерини тушуниш эмоционал шаклда мужассамлашгандир. Миллий туйғулар эмоциялар сифатида меҳнаткашларнинг туб манфаатларини бевосита ифода қилмайди. Миллий туйғуларнинг миллий онгдан фарқи ҳам шундадир. Шунинг учун миллий туйғуларга асир бўлиб қолиш қанчалик хавфли бўлса, аynи замонда уларни эътибордан четда қолдириш ҳам жуда катта хатодир. Ижтимоий-иктисодий сиёсат ва ахлоқий омилларга суяниб, миллий туйғуларни умуминсоний манфаатлар асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Гоявий-тарбиявий ишлар кенг кўламда амалга оширилаётган ҳозирги шароитда миллий ҳис-туйғулар ўзаро ҳамфикрликда, халқлар ва уларнинг айрим намоёндалари ўртасида дўстликнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, умумбашарий онг миллатлар, элатларнинг миллий онгини, миллий ўз-ўзини англашини инкор этмайди, балки уларни ривожлантиришни тақазо этади. Шунинг учун ҳам ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, Ватаннинг жонкуярларини тарбиялаш мумкин эмас.

Хуллас, миллий онг, миллий бирдамлик туйғуси миллий ватанпарварликни тарбиялашнинг асосий омилларидан биридир. Миллий ватанпарварлик эътиқоди етук миллий онг ва миллий бирдамлик заминида юзага келади ва ривожланади.

Фарзанд тутилган кундан бошлаб, оила муҳитида яшайди, оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар таъсири остида бола ахлоқи шаклланади, энг муҳими у оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади ва ўзлаштириб боради.

Халқимиз тарихига назар ташласак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, росуғйлик, ор-номус, шарм-хаё, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат ва бошқа шу каби юксак инсоний фазилатлар, энг аввалло оилада шаклланган.

«Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари, ўзларининг охиратини обод этувчи қарзлари бор, – деган эдилар. Президентимиз И. Каримов, – дину динотли хонадон оксоқолларидан сўрасангиз, уларни лўнда қилиб санаб беради: яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш, илмли, касб-ҳунарли қилиш, уйли-жойли қилиш. Бутун ана шундай олижаноб анъаналар қайтадан мустаҳкам қарор топиши ва ривожланиши учун истиқлол шарофати туфайли энг қулай муҳит яратилди».¹

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- ватанпарварлик қабиларга катта эътибор бериш таълим-тарбия соҳасида, хусусан ахлоқий тарбияни такомиллаштириш йўлида жуда муҳим ва зарур эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Бутунги кунда халқимиз ўз олдида қўйган буюк мақсадларга, эзгу ниятларга эришиш, жамиятимизнинг янгиланиш, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболли амалга ошираётган ислохотлар, режаларнинг самараси тақдирини авваламбор, замон талабига жавоб бера оладиган юқори малакали, оғли мутахассислар тайёрлаш, тарбиялаш муаммоси билан боғлиқдир. Шу боис юртимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамларидаюқ буюк маънавиятимизни, тиклаш ва янада юксалтириш, аجدодларимиз маънавий меросини ўрганиш ҳамда уларнинг ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва уни замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта эътибор берилмоқда.

¹ Каримов И.А. Баркамол ақлол Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997, 4-бет.

Имом ал-Бухорий бутун умр давомида тинмай изланди, ўз билимларини бойитиб бориши билан бир вақтда, эгаллаган билимларини шогирдларига, илм толибларига, шунингдек келажақ авлодга қолдириш мақсадида, бир қатор рисоалар ёзди.

Мусулмонлар диний идораси кутубхонасида алломанинг «Ал Жомий ас-Саҳиҳ», «Ат-Тарих ал-Кабир», «Ат-тарих ас-Сағир» («Кичик тарих»), «Ал-Қироату халфал Имом», «Рафъул йадани фис-Салоти» («Намозда икки қўлни қўтариш» каби асарларнинг қадимий нусхалари мавжуддир.

Имом ал-Бухорийнинг «Ат-тарих ал Авсат» («Ўрта тарих»), «Ат-Тафсир ал-кабир» («Катта тафсир»), «Ал-Жомеъ ал-Кабир» («Катта тўплам»), «Китобул-Ҳиба» каби катта ва кичик ҳажмлардаги бир қатор китоблар ёзганлиги тарих китобларидан маълум.

Маълумотларга қараганда, ал-Бухорийнинг ўз замонасида «йиғган мевалари» устозларининг қўлигидир. Бирон-бир муҳаддис ўз даврида ҳам ундан илгари ёки кейинги даврларда ҳам бу муҳаддисчалик қўп устоз қўрмаган. Аллома ўз устозлари ҳақида гапириб: «Мен ҳадисларни бир минг саксон муҳаддисдан ёзиб олдим», деб ёзган экан.¹

Ал-Бухорий асарлари ахлоқий пок инсонларни тарбиялаш учун хизмат қилиши билан бир вақтда, ул зотнинг ўзи ҳам ахлоқан етук инсон бўлгани ҳақида қўп ривоятлар мавжуд. Бу эса ал-Бухорий ҳаётининг ўзи бир ибрат ва ахлоқий баркамоллик тимсоли сифатида намоён бўлишига далилдир.

Ал-Бухорий қанчалик илм жамлашга эришган бўлсалар, ўшанчалик ҳалолдан мол-дунё тўплашга ҳам мушарраф бўлдилар, деб эслайди шогирдларидан бири Аҳмад ибн Ҳафс ва ўлимлари олдидан айтган сўзларини бундоқ ривоят қилади: «Жамланган молу дунёмда бирор шубҳали дирҳам аралашганини билмайман»².

Ал-Бухорийнинг асарлари нафақат диний ибодат масаласи, балки одоб-ахлоқ, юксак инсоний фазилатларни тарғиб қилади. Жумладан, «Ал-Жомий ас-Саҳиҳ» асарида илмнинг фазилати, одоб-ахлоқ, кийиниш, таом ейиш, одамлар билан муомала қилиш масалалари кенг ёритилган.

Бу ҳадислар тўпламида шунингдек, инсонни ахлоқан пок бўлишга ундовчи инсоний фазилатлардан меҳр-оқибат, саҳийлик, очик кўнгиллилик, ота-онага эътибор, катталарга ҳурмат, кичикларга ва қариндошларга ғамхўрлик, факир-бечораларга мурувват, Ватанга муҳаббат, меҳнат ва касб-ҳунарни улуғлаш, ҳалоллик, поклик, ўзаро дўстлик, тинч-тотув яшаш каби ҳислатлар юқори баҳоланади,

¹ Мамадалиев С. Имом Бухорий таърифи. Т., 1984. Б. 11.

² Абдурахмонов А. Ахлоқий тарбия ва миллий кадриятларимиз. // Шарк Юлдузи, 2009, 3-сон. 164-167-бетлар.

шунингдек ўқувчига тушунарли бўлиши учун содда ва раво тарзда баён этилади.

Ҳадисларда билим-инсоннинг маънавий камолоти мезони, ахлокий поклиги, тафаккур доираси, дунёқараши кенглигининг ифодоловчи омил деб ҳисобланади. Бу борада ҳадисда шундай ёзилган: «Кимки, илм истаб қадам қўйса, Оллоҳ таоло унга жаннат йўлини осон қилгайдир», «Илмга илм олмок билан эришилгайдир».

Инсоният ҳозирги кундаги барча ютуқларига, албатта, ўз меҳнати ва билимлари ҳамда изланишлари туфайли эришади. Меҳнат қилиш ҳам илм ўрганиш ҳам таълим-тарбия оқибатида ҳосил бўлади.

Ал-Бухорийнинг асарларида ахлоқ-одоб масалаларидан ташқари, ҳозирда давримизнинг, асримизнинг жаҳон миқёсидаги умумбашарий муаммолари бўлмиш тинчликни сақлаш, экология, инсон саломатлиги соҳаларига оид бир қатор ижобий фикрлар, талаблар, насиҳатлар ўрин олган ҳадислар мавжуд. Жумладан, «Мусулмоннинг сўкмоғи – бузуклик, урушмоғи кофирликдир». «Душман билан бўлса ҳам, тўқнашув орзу қилмангизлар». «Еб-ичавсеринглар, фақат исроф қилманглар», «Ҳақ таоло ўзи пок, покликни яхши кўради, Ўзи тоза тозаликни яхши кўради, Ўзи очикқўл, очикқулликни яхши кўради. Эшикларнинг олдини покиза тутинглар!» ва бошқалар.

Агар шу каби эзгуликка, яхшиликка чакирувчи ҳадисларни ёшларнинг онгига сингдирилса ва улар келгусида бу насиҳатларга амал қилишса эди, юкоридаги номлари тилга олинган умумжаҳон муаммоларини ҳал этишда, биров бўлса-да, ижобий натижаларга эришган бўлар эдик.

Ўрта Осиёнинг қадимий тарихи ва маданияти, бунда яшаб ўтган Шарқ мутафаккирлари ва файласуфларининг жаҳон маданиятининг тараққиётига қўшган ғоят катта ҳиссалари ҳам бу ерда яшаётган одамлар турмушининг барча томонларига сезиларли даражада таъсир кўрсатган. Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлоднинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган ва шакллантирмокда.

Х.Сирожиддинов, тадқиқотчи

Ҳар қандай янгилашни инсон тафаккуридан бошланади ва у жамият миқёсида ўз таъсир кучини ошириб қудратли кучга айланиб боради. Инсон тараққиёти ва эришилган ютуқлар бунинг айна ҳақиқат эканлигидан далолат беради. Хусусан, ижтимоий тараққиёт, фалсафа, тарих, санъат, маданият тарихини ўрганар эканмиз, шундай манзаранинг гувоҳи бўламизки, қасрда тафаккур эркин бўлса ўша жойда тараққиёт, истикбол бўлган. Аксинча, қасрда тафаккур, онг тазйикда, мутеликда бўлса шу жойда ижтимоий тараққиёт тапазулга юз тутган.

Мустақиллик йилларида халқимиз тафаккур оламида, дунёқарашида туб ўзгаришларга эришиб боришмоқда. Президент И.Каримов жамият аъзоларининг тафаккури шаклланиб бориши тўғрисида гапирар экан, кўйидаги фикрларни билдириб ўтган. «Маълумки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз»¹. Бугунги кўпчилик кишилар, шу жумладан ёшларимиз тамомилан ўзгача рух, кайфият ва интилиш билан яшашмоқда. Аммо, атрофимизда юз бераётган турли хил, баъзан кўз илгамас маънавий ва мафкуравий таҳдидлар юз бермоқдаки, бу ўз навбатида ўсиб келаётган ёш авлодда мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва уни ривожлантириб бориш, ушбу жараёнларга мос келадиган фикр қарамлиги, тафаккур қўллигидан холи, янгича фикрловчи баркамол авлодни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб келмоқда.

Зеро, ўз тафаккурига эга бўлмаган ёшлар ҳаётда ҳеч нарсага эриша олмайди, турли гоъ, фикрлар таъсирига берилувчан бўлади. Яхшино ёмоннинг фарқига боришмайди, бахт, саодат, виждон нима эканлигини билмайди. Бундай ёшларда на Ватан, на эл-юрт, на қадр-қиммат, на шон-шараф, на ор-номус бўлади. Бундайлар маълум чой-чақа учун, фақат бутун учун ота-опақасидан, ватанидан воз кечишга, эл-юртидан айрилишга ҳам тайёр. Уларда на эътиқод, на гурур, на инсонийлик, на одамийлик хислатлари бўлади. Иқтисодий, сиёсий қарамлик маълум бир вақт билан ўзгариши, алмашишини мумкин, аммо фикр қарамлиги, тафаккур қўллиги ўта хавфлидир. У бутун жамиятда, давлат тараққиётида, кишилар орасидаги муносабатда турли низо келтириб чиқарувчи бўлиши мумкин. Ундан халқ, миллат, жамият азоб чекади.

¹ Каримов И. Юксак маънавият – энг имас куч -Т.: Маънавият, 2008. 7- б

Тафаккурлаш тарзи паст бўлган бундай кишилар билан озод ва обод Ватан куриб бўлмайди. Демак, айтиш мумкинки, тўғри ишонч-эътиқод тўғри фикр ва тафаккур орқали шаклланади.

Шу сабабли ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун курашнинг намоён бўлиши ҳар қачонгидан шиддатли тус олаётгани яққол кўзга ташланмоқда. Булар: дунё мафкуравий манзарасининг ўзгариб бориши; геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатнинг уйғунлашиб бориши; мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ва шу кабилардир. Бу жараённинг мавжудлиги ўсиб келаётган ёш авлод дунёкарашни шакллантириш; ижтимоий тараккиётимизга таҳдид солаётган турли ғоявий-сиёсий хуружларга қарши самарали курашиш ҳамда бу масалаларни бугунги кун талаблари даражасида ҳал этишда муҳим ўрин тутувчи миллий мафкурани янада ривожлантириб, уни ёшлар онгига сингдириш ва ишонч-эътиқод асосига айлантириш каби ўта долзарб вазифалар юртимизда амалга оширилаётган маънавий-мафкуравий ишларни миллий тараккиёт тамойиллари ва манфаатлари асосида олиб боришни талаб этмоқда.

Бугунги воқелик, атроф-муҳитда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга янгича қараш, уларни бутун мураккабликлари билан тубдан янгича идрок этиш, янгича сиёсий, иқтисодий, маънавий мезонларда баҳолашни талаб этмоқда. Шу боис янги жамият бэрпо этиш жараёнида инсонга ва жамиятга, бутун борлиққа муносабатни ўзгартириш, ижтимоий онгни янгилаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Юртбошимиз таърифи билан айтганда, тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйикдан, кулликдан кутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди. Тараккиёт тақдирини маънавий жихатдан етук одамлар ҳал қилади ва бундай инсонларни вояга етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

Табиийки, замон талабларига жавоб бера оладиган баркамол ёшларни тарбиялаш маълум шарт-шароитлар билан, хусусан, ёшларнинг тафаккур даражаси ва маънавий қиёфаси мезонига боғлиқ. Бунда бой маънавиятимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, жаҳон маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг илмий, маданий мероси чуқурлиги англаб олинганлиги, ёшларни ўз ўтмишига, миллий, диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, ўз миллатининг ўзга миллатлар олдидаги қадр-қимматидан, обрў-эътиборидан фахрланиш, миллат манфаатини ҳимоя қилишдаги масъулиятни ҳис этиш ва келажакка ишонч мустақиллик тафаккури тизимида халқнинг миллий-руҳий тикланишини таъмин этувчи муҳим омилларидир.

XXI асрни ахборот асри, тезкор ахборот технологиялари асри деб аташ тобора расм бўлмоқда. Чунки асримизда инсон эшитаётган, кўраётган барча-барча нарсалар унинг истакларини, дидини ўзгартиришга, фикрига таъсир қилишга йўналтирилган. Тан олиш керак, томоша қилинаётган сериаллардан тортиб болакайларга айтиб бериладиган эртақча, борингки, ўқиётган китобларимиз ҳам қандайдир мафкуравий юкка эга – уларда муайян ғоялар тарғиб қилинади. Мана шундай вазиятда ҳар инсон ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган мустаҳкам иродасига эга бўлмаса бундай тазйикларга бардош беролмайди.

Олдимизга қўйган буюк мақсадлар сари етаклайдиган йўл – яратувчанлик, ижодкорлик йўли, ҳур фикрлаш ва эркинликка асосланган инсонийлик йўлидир. Бу йўлда инсон ўзининг барча имкониятларини намоён этгандагина унинг кадр-қиммати, асл моҳияти намоён бўлади. Шундай экан ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда, уларда мустақиллик тафаккурини шакллантиришда халқимизнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларини ишлаб чиқиб амалиётга жорий этиш ғоявий тарбия борасидаги муҳим вазифалари сирасига киради.

Оммавий ахборот воситалари орқали миллий ғояни сингдиришнинг яна бир муҳим жиҳати мавжуд. Бу жиҳат – ахборот террорига, мафкуравий таҳдидларга муносиб жавоб бериш, маънавий-мафкуравий жиҳатдан халқимизни тобе этишга интилишларнинг пайини кесиш ва Ўзбекистон фуқароларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш билан боғлиқ.

Охирги пайтлардаги воқеалар ривожини инфор­мацион хуружларнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Бу қурол – замонавий ахборот воситаларидир. Бундай қурол ёрдамида олиб бориладиган инфор­мацион урушларда инсоннинг онги ва қалби нишонга олиб, онга берилган зарбалар кишиларни ўз йўлидан адаштиради, уларни ўз манфаатларига зид ҳаракат қилишга ундайди ва демак, инсонни бошқариш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради. Президентимиз таъбири билан айтганда, бундай инфор­мацион кўп­рувчи­ликдан мақсад – мамлакатимиз аҳоли­сига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйик ўтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилишдан иборат.

Шу боис биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топ­тиришимиз, ёшларимизнинг ўзида жамият

тараккиёти, барқарорлиги ва хавфсизлиги учун кучли масъулият хиссини шакллантириб бормоғимиз лозим.

Ёшларда меҳнатга иштиёқ уйғотиш, тиришчок ва сергайрат шахсни тарбиялаш, ўз устида кунт билан ишлашга ўргатиш, ўзига ишончни қарор топтириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, миллий гурури юксак масъулият ва бурч хиссига эга, интизомли, демократияни ҳаёт тарзига айлантирган, келажаги ўз қўлида эканига ишонган мустақил шахсни тарбиялашга аҳамият бериш зарур. Ёшлар ғояни ҳаётдан узилиб қолган, бегона ва мавҳум нарсга сифатида тушунамаслиги керак. Миллий ғояни оддий ва юракка яқин ғоялар орқали сингдириш, яъни миллий ғоянинг инсон онгидан ўрин олиши билан қаноатланмай, балки унинг қалбига жо қилиш зарур. Бу соҳада, албатта, амалга оширилаётган ишлар ўзининг самарасини бериши, шубҳасиз.

Ўсиб келаётган авлод бугунги эзгулик йўлидаги бунёдкорлик ишларининг давомчиси бўлиб қолиши шубҳасиздир. Шундай экан, бугунги маънавиятимиз қирралари келажак авлодимиз шуурида янада муҳим шаклланиши ва юксалиши йўлида барчамиз масъулдирмиз.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СОҲАСИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАРДА АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

У.Мусаев, ТДПУ

Ўзбекистоннинг ўз миллий мустақиллигига эришиши ва бугунги кунда Республикамизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар ўз аҳамиятига кўра тарихий воқеалардир. Мустақиллик туфайли барча соҳаларда миллий эҳтиёж ва манфаатлардан келиб чиққан ҳолда бир қатор ислохотлар ўтказилди. Жумладан таълим-тарбия соҳасида ҳам. Чунки “тарбия биз учун Абдулла Авлоний таъкидлаганидек: “Ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир”.

Бу борада “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам фикрлар билдирилган.

Унда истиклол вазифаларини илгари сурини ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирган бўлиб, у ҳар томонлама қамол топган жамиятда турмушга мослашган, жамият, давлат ва онла олдидан ўз жавобгарлигини ҳис этаётган янги авлодни тарбиялаш назарда тутилади.

Таълим-тарбия соҳасидаги янгилашниларда аجدодларимиз меросини билиш бугунги кун учун жуда долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида бундай деган эди. “Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илм-маърифат, билим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минерология, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир”.¹

Аждодларимиз меросини ўрганиш халқимиз босиб ўтган тарихий йўлни буюк зотларни, уларнинг жасорати, қахрамонликларини билиб олиш орқали миллий ҳис-туйғу, ғурур ва ифтихоримиз ортади. Жамиятимиз келажаги ёш авлоднинг юксак даражадаги таълим-тарбиясига боғлиқ. Ёш авлодни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Шунинг учун ҳам бу масалага жиддий эътибор берилмоқда. Бу мақсадни амалга ошириш учун таълим-тарбия соҳасидаги ислохот бугунги энг долзарб масала, эртанги кунимиз тақдирини ҳал қилучи муаммодир.

“Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга эзгу-ниятларимизга эришишимиз жамият янгиланиш ҳаётининг тараққиёти ва истиқболи йўлида амалга оширилаётган ислохотларимиз режаларимизнинг самараси тақдири буларнинг барчаси аввалом бор замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз”² – дейди Президент И.Каримов.

Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарти халқнинг бой илмий мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида, замонавий маданият иқтисодиёт фан-техника ва технологияларининг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантиришдир.

Таълим-тарбия ҳақида фикр юритганда бу масалага қандай ёндашишимиз керак, деган савол туғилади. Бу саволга шундай жавоб берамиз. Биринчидан, инсонда инсонийлик фазилатлари инсонпарварлик, ватанпарварликни; иккинчидан билимдон, ўқимишли, борлиқни аниқ кўра оладиган хусусиятларини тарбиялашни мақсад қилиб олмоғимиз керак; учинчидан таълим-тарбия ҳақидаги фалсафий педагогик, психологик назарияларни амалиётга йўналтириш зарур. Нима сабабдан ёш авлодни тарбиялашда халқимизнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарию урф-одатларига маънавий-маърифий

¹ Каримов И. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Т. Маънавият 2008 й, 30-бет

² Каримов И. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. Ўзбекистон, 1997, 5-бет

кадриятларни чуқур ўрганишни таҳлил этиш ва унинг моҳиятини англаб этиш зарурияти талаб даражасига кўтарилмаган?

Шарқ фалсафаси. Ўрта Осиё мутафаккирларида инсон таълим-тарбияси одоб-ахлоки ҳақида кўп қимматли маслаҳатлар фикрлар берилади. Улар марказида одамийлик раҳм-шафқат мурувват, диёнат каби фазилатлар уйғунлашиб кетган. Шарқоиа анъаналаримизга кўра, ёшлар катталарга салом бериши, уларга самимий муносабатда бўлиши биринчи бўлиб уларни ўтказиб юбориши лозим, деб ҳисобланган.

Ҳаётимизда ўтадиган ҳар бир маросим кексалар маслаҳати билан ўтган. Аждодларимиз тажрибалари, йўл-йўриклари, маслаҳатлари тарбия учун бойлик ҳисобланган. Катталар маслаҳатини бажармаслик катта хато ҳисобланган, уларнинг розилигисиз ёшлар бирон ишга қўл урмаганлар. Катталарга тик бокмаслик, уларнинг сўзини икки қилмаслик, ёшлар онгига сингдириб борилган. Бу ҳолат миллий тарбиянинг замини ҳисобланган ва ёшлар тарбиясида ижобий роль ўйнаган. Шундай анъаналаримиз бўлишига қарамай баъзи ҳолларда катталарни беҳурмат қилиш, уларни ҳўрлаш, қаровсиз қолдириш сингари худбин ҳолатларни учратиб турамиз. Бундай ҳолнинг учраши ўзбек халқи шаънига, кадриятларига доғ ҳисобланади.

Ёш авлодни билимли, салоҳиятли қилиб тарбиялашда маърифий кадриятларимиздаги бой илмий меросдан фойдаланиш ижобий натижалар беришига ишонамиз. Буюк мутафаккирларимиз ижодий мероси, таълим-тарбияга доир қарашларида қомил инсонни тарбиялашга доир йўналиш (концепция) шакллантирилган.

Ҳозирги даврда таълим-тарбия соҳасида мутафаккирларимизнинг илмий меросини ўрганиш ва уни таълим-тарбия амалиётига киритиш замон талаби ҳисобланади. Уларда инсоннинг қамолга етиши ва инсоний муносабатларнинг таркиб топишида илм-фаннинг аҳамияти алоҳида уқтирилади. Масалан, Ал-Ҳоразмий илмий билимни ўрганувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришга эътибор беришлари кераклигини уқтиради, Ал-Фаробий эса инсоннинг қамолга етишида муҳим бўлган услубларни ёритиб берган. Инсон ҳақиқий қамолга етиши учун аввало илмий билимларга эга бўлиши зарурлигини уқтиради. Бунинг учун инсон ақлий ҳислатларни эгаллаши лозим бўлиб, тарбиячи эса шогирдида ана шу фазилатларни ривожлантиришга ёрдам беради. Фаробий инсон фаҳм-фаросати, фикрлаш, мулоҳаза юритиш қобилиятини тўғри йўлга қўйиш орқали ақлий ва ахлоқий қамолотга етади, табиат ва жамият қонунларини тўғри билиб олади, деб таълим беради.

Фаробий таълим-тарбияга таъриф бериб “таълим” деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш, “тарбия” эса назарий фазилатни, маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган

хулқ меъёрларини ва амалий малакаларини ўргатишдир деган. Хулқ-атворга сўз билан эмас, балки амалда эришиш мумкинлигини тушунтирган Абу Райҳон Беруний эса инсонни табиатнинг гултожи деб қарар экан, ҳар бир инсон ақл-заковатли, юксак-ахлокли, билим маърифатли бўлиши лозим дейди. Унинг ҳамма асарларида инсон камолоти, тафаккурининг ривожланиши соғлом ва жисмонан бақувват бўлишига боғликлиги таъкидланади. Берунийнинг ақлий тарбия ҳақидаги қарашлари унинг илм олиш, билиш жараёни ҳақидаги фикрларида ўз ифодасини топади.

Беруний илмий билимларни эгаллаш жараёнида ўқувчиларни зериктирмаслик учун янги мавзуларни қизиқарли, асосли кўргазмали баён этишни тавсия этади. Жамиятимизда ҳозирги кунда ёшларимиз, орасидаги иллатларнинг келиб чиқаётганлиги ҳаммага маълум. Бугунги кунда ёшлар тарбиясига салбий таъсир этадиган ҳодисаларнинг ижтимоий илдизи сабабини топиш ва чора кўриш кун тартибидagi вазифамиздир. Беруний жамият раънақи маърифатнинг ривожланишига боғлиқ, деган ғояни илгари суради. Буюк аллома Ибн Сино ҳам камолотга эришишнинг мезони илм-фанни эгаллашдир деб билган. Унинг фикрича, билимли киши мард, оқил, жасур, кўркмас ҳисобланади. Унинг таълимдаги тамойилларида кўрсатилишича таълим енгилдан оғирга қараб бориши, олиб бориладиган машғулотлар болалар ёшига мос бўлиши, жамоа бўлиб ўқитиш, билим беришда ёшлар майли, қизиқиши, қобилиятини ҳисобга олиш, ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш керак. Бу талаблар ҳозирги даврдаги таълим тамойилларига мос келиши қимматлидир. Унинг таълим-тарбияга доир таълимотида ёшларни ҳақиқий билим билан қуроллантириш, мустақил мантикий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга, олган билимларни амалиётга тадбиқ эта олиш қобилиятини таркиб топтириш сингари ғоялар илгари сурилади. Юқорида келтирилган фикрлар шуни кўрсатиб турибдики, ёшларнинг таълим тарбиясида мутафаккирларимизнинг илмий меросидаги ғоялар, услублар ёшларнинг билимли ўтқир зехни, мустақил фикрлайдиган қобилиятларини ривожлантиришга тарихий манба ҳисобланади. Ёшларимизнинг баркамоллиги, билимдон бўлишининг муҳим асоси дунёвий қадриятлардан халқимизнинг мумтоз, ҳам замонавий қадриятларидан баҳраманд бўлиш орқали маънавий ва маърифий жиҳатдан тарбияси кучли ижодий кучга эга бўлишдир.

Буюк алломаларимиз томонидан яратилган илмий меросда турли табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий қарашлар, инсон, унинг ахлоқи, ҳақидаги, унинг илм, ҳунар, унга эришмоқ йўллари ҳақидаги қимматбаҳо ғоялари ҳикмат ҳазиналаридан баҳраманд бўлиш, ёшларни ҳар жиҳатдан камолот сари бошлайди.

Шу нуктаи назардан келиб чиқкан ҳолда айтишимиз мумкинки, инсоннинг айниқса, ёшларнинг маънавий-маърифий тарбиясида баркамол илмий дунёқарашининг чуқур мазмунга эга бўлишда илмий меросимиз муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Демак, илмий меросимизни ўрганишимиз зарур. Бу борада кейинги йилларда Низомий номидаги ТДПУ ҳам олиб борилаётган ишларни эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур илм даргоҳида ажлодларимиз меросини ўрганиш, уни таълим-тарбия соҳасига тадбиқ этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, археологик экспедиция ташкил килинди. Темурийлар тарихи давлат музейида, Ўзбекистон халқлари тарихи давлат музейида тадқиқот ишлари олиб борилди. Бир қатор илмий-амалий конференциялар ўтказилди, музей ташкил килинди, тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРАРО МУЛОКОТ ВА УНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ

И.Матқаримов, ТДПУ

Глобаллашув жараёнида цивилизациялараро мулокот ўсиб бораётган бир шароитда ёшлар маънавиятини юксалтиришда замонавийлик билан тарихийликнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш яъни техника, технология, ахборот коммуникациялари ютуқлари асосида ёшлар тафаккурини бойитишнинг ажлодлар маънавий мероси неъматларидан ўзаро алоқадорликда фойдаланиш кўникмаларини уларда ҳосил қилиш зарур. Таассуфки, бугун ёшларимизнинг аксарияти глобаллашув туфайли Европа ва хорижий маънавий-маданий оқимлар таъсирига кўпроқ иштиёкманд бўлиб, миллий маънавиятимизнинг ҳаётбахш юксак ахлоқийликка асосланган тамойилларига ихлосмандлиги суст кечмоқда. Инсон кадри, масъулияти, ахлокига беписандлик уларнинг баъзи бирларининг кийиниши, феъл-атвори, юрши-туришида яққол кўзга ташланиб қолмоқда.

Ўзгаришларга қанчалик қаршилиқ кўрсатилмасин, улар барибир ҳаётимизга кириб келаверади. Айниқса, глобаллашув жараёнидан ўзининг гаразли мақсадлари йўлида фойдаланувчи кучлар бор экан, бу ўзгаришлардаги салбий жиҳатлар ҳам кучайиб боради. Бинобарин, глобаллашув жараёнининг асосий субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари манфаатларига хизмат қиладиган бундай салб-ҳаракатлардан қўзланган мақсад миллий манфаат ва кадриятларга таянган анъанавий тафаккур тарзига зарба бериб, бутун дунёда ғарбона андозаларга асосланган, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ҳамда маданий жиҳатдан

ягона тамаддун ҳукмронлигини ўрнатишидан иборат. Бундай саъй-ҳаракатларнинг хатарли жихати шундаки, унинг бошқа тамаддунлар, халқлар ва давлатлар учун қандай оқибатлар келтириб чиқариши, масалан, яқиндагина мустақилликка эришган мамлакатларнинг миллий манфаатлари, анъана ва қадриятларига қай тарзда таъсир этиши мумкинлиги глобал ҳукмронликка интилаётган кучларни у қадар ташвишлантирмайди¹.

Ана шундай глобал таъсирлар халқаро телекоммуникациялар, интернет тизими орқали ёшларимиз маънавиятига салбий таъсир этаётганлиги бугунги кунда исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

«Шу кунгача «Эркин ахборот оқими» борасидаги гаплар, – деб ёзади «Туркистон» газетаси муҳбири Н.Абдуллаева, – кўпчиликни ўзига мафтун этарди.

Бу оқим маданиятимизга, қадриятларимизга маънавиятимизга қаттиқ таъсир ўтказганини энди кўраяпмиз. Яқин кунларгача бизнинг телеканаллар Лотин Америкаси ёки Ғарб телесериаллари билан лик тўла эди. Сериаллардаги, рекламадаги ҳар бир кадр телетомошабинга ахборот етказди. Уни қандай қабул қилишни эса томошабинга буюра олмайсиз. Яқинда Россия каналларининг бирида марокашликлар ҳаёти билан боғлиқ сериал берилган эди, сериал қаҳрамони Жади каби пешонадан чандиб рўмол ўраш ва катта зирак тақиш мода бўлди. Ўзингиз ўйланг 5 йил олдин ким ўйлаганди, ўзбек қизлари қорнини очиб юради деб?

Интернетдан ўрин олган кўп сонли парнографик сайтлар олдида эса бу ахборот ҳали ҳолва!»¹.

Глобаллашув ўзининг таъсирини барча соҳаларда ўтказмокда. Бу ўзгаришлар саломлашишдан тортиб, соч турмаклашгача, кийинишдан тортиб ўзини тутишгача бўлган соҳаларда кўзга ташланмокда.

Глобаллашув жараёнида миллий анъана ва маросимларда, кийиниш, хулқ-атворда юз бораётган ўзгаришларни баҳолаш мураккаб жараён. Берилаётган баҳоларнинг тўғри ёки нотўғри эканини вақт кўрсатади. Ушбу ҳодисани миллий маънавиятимиз, ёшларимиз дунёқараши, маданиятига маънавий-руҳий оламига таҳдид солмаслиги учун, ана шу маънавиятимиз негизи бўлган таянч қадриятларни аниқлаб олишимиз ва уларни факат муҳофаза қилиш эмас, бойитиш, ривожлантириш тўғрисида қайғуришимиз керак.

Инсоният тарихи – ХХI асрга қадам қўйди. ХХ аср тарих бисотидан ўрин олди. Мантиқан инсоният ўтмишдан тегишли сабоқлар чиқариши ва ХХI асрда тарих варақларига хижолатлик билан битиладиган воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлишига йўл қўймаслиги керак эди. Қашшоқлик,

¹ Умаров Б. «Ғарб тамаддуни: инкироз аломатлари». «Тафаккур» журнали, 2/2007 йил, 16-бет.

¹ Абдуллаева Н. «Интернет «Жиддий ўйинчоқми?»». «Туркистон» газетаси 2006 йил 15 май № 21 (14933).

экологик муаммолар, заҳиралар тақчиллиги, оммавий касалликлар, диний ақидапарастлик ва терроризм XX асрдан XXI асрга мерос бўлиб ўтди. Устига-устак, айрим кучларнинг уринишлари натижаси ўлароқ, хавф-хатарлар рўйхати янгилари ҳисобига янада кенгайди. Демографик инқироз, демократия экспорти, маънавий қашшоқлашув, ахборот урушлари, ғарбона турмуш тарзини тикиштириш каби хавф-хатарлар шундоқ ҳам безовта дунёнинг ташвишларини кўпайтирди. Одамзоднинг мавжуд иллатларга қарши кураши, қайсидир жиҳатдан афсоналарда тасвирланадиган кўп бошли аждар билан олишувни эслатади. Аждарнинг битта боши танасидан жудо қилиниши заҳоти, шу жойдан икки-учта бош ўсиб чиқиши бу махлук билан курашиш нақадар машаққатли эканини кўрсатади.

Глобаллашувнинг салбий оқибатларига албатта ўз вақтида кураш олиб бориш лозим. Ёшларда дунёдаги мафкуравий манзарани ва глобаллашув жараёнларини теран англаш ва бу борада зарур кўникмалар ҳосил қилиб бормоқ лозим. Бунинг учун биз юқорида баён этганимиздек, ислом экстремизми ва ақидапарастлигига кескин кураш олиб бормоқ учун сиёсий, ҳуқуқий, маънавий билимларимизни чуқурлаштиришимиз лозим. Диний экстремизм ва ақидапарастликнинг келтириб чиқараётган сабабларини ўрганмоқ керак.

1) *Биринчи сабаби* – мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик, буюк давлатчилик шовинизми.

2) *Иккинчи сабаб* – *Халқаро муносабатларда* мусулмонларга қарши зўравонлик, мусулмон давлатларининг Ғарб мамлакатларидан кучайиб кетмаслигига эришиш нияти, «парчалаб ташла ва ҳукмронлик қил» деган кўп синалган сиёсатни давом эттириш.

3) *Учинчи сабаб* – иқтисодий камситишлар, калондимоғлик. Бошқа маданият, бошқа цивилизациянинг, хусусан, кўп асрлик илдишларига эга Шарқ фалсафасининг бир қисми бўлган ислом цивилизациясининг фазилатларини, умуман, исломнинг ўзини яхши билмаслик, тушунмаслик ҳоллари каби сабабларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ғарчи бутун дунё мамлакатлари ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик жаҳон ҳамжамияти тараққиётининг табиий ва зарурий шарти ҳисобланса-да, айрим мулоҳазалар ва хатти-ҳаракатларда ҳамон империяча фикрлаш таъсирини, давлатлар суверенитетини емириш истагини илғаш қийин эмас.

Глобаллашув жараёнларини таҳлил қилган олимлар бу жараёнларда давлатнинг ролини турлича баҳолайдилар. Айрим назарияларда глобаллашув жараёнида давлатнинг роли тобора пасайиб бориши уқтирилса, бошқаларида унинг ўрни ва аҳамияти ўзгармайди, деб таъкидланади. Яна бир гуруҳ олимлар эса глобаллашув шароитида

давлат билан давлатлараро ташкилотлар ўртасида сиёсий ҳокимият қайта тақсимланиб, давлат уларга ўз суверенитетининг бир қисmini беради¹, деган фаразларни илари сурмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан эътироф этилганидек, «Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатдан қайтариш, кимгадир қарам қилиш мақсадида четдан туриб ички ишларимизга аралашини, турли нисоблар остида бизга қарши тазйиқ ва зўравонлик ўтказиш сиёсатини мутлақо қабул қилмаймиз»².

Таассуф билан тан олиш керак, диний ақидапарастлик ва терроризм, «демократияни олға силжитиш»га уринишлар, ахборот хуружлари, ғарбона турмуш тарзини тиқиштириш, маънавий қашшоқлаштириш ҳаракатлари, буюк давлатчилик тафаккури ва империяча фикрлаш хуружлари давлатимиз суверенитетига жиддий хавф туғдирмоқда. Ҳа, гегемония дунё қаби кўҳна. Бироқ бутунги кунда ҳудудларни ҳарбий куч билан забт этиш ўрнига жаҳонда етакчилик қилишнинг ноанъанавий усуллари, анча замонавийлаштирилган, бирмунча маданияштирилган усуллари кенг урф бўлмоқда. Дунёга ҳукмронлик қилишнинг энг осон ва қисқа йўлларини излаётган кучлар тинчликни олий неъмат деб биладиган, саҳий замини табиий бойликларга тўла, халқи соддадил ва меҳнатқаш Ўзбекистонни ўз таъсир доирасига олишга интилаётганлигини пайқамаслик мумкин эмас. Шунинг учун ҳам мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Давлатлар суверенитетини кемирувчи хавф-хатарларга юзаки қараш, уларни таҳдид манбаи сифатида эътироф этмаслик инсоният бошига яна қўплаб қулфатлар солиши муқаррар. Шу боис, бутунги кунда суверенитетимизга таҳдид солаётган бундай ҳодисаларнинг мафкуравий пойдеворини ҳосил қилувчи вайронкор ғояларни фож этиш бирламчи вазифага айланади.

Ҳозирги воқеликда миллий истиқлол ғояси ва ёт мафкуралар орасидаги муносабатлар мафкуравий қураш, мафкуравий қарши туриш, психологик уруш шаклларида кечмоқда. Ёт мафкуралар мафкуравий қурашларнинг минг йиллик услубларини, шунингдек, замонавийлаштирилган услублари: ахборот майдонини эгаллаб олиш; мафкуравий диверсия, сиёсий индоктринация, мафкуравий инфилтрация, дезориентация, мафкуравий кўпуровчилик ҳаракатларини қўллаш орқали халқимизда Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишончсизлик уйғотишга, давлат сиёсатини

¹ Удовик С.Л. Глобализация: семиотические подходы. – М., «Ваклер», 2002, с. 389.

² Каримов И. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. //Халқ сузи, 2005 йил, 8 декабрь.

обрўсизлантиришга, одамларнинг ўзини Ватан, миллат ҳимоясидан четга тортишга, лоқайдликка эришишга интиладилар. Бунда улар бирор хусусий фактни умумлаштириш (экстраполяция), ёлғонни ҳақиқатга ўхшатиб тасвирлаш, кичик муаммодан катта ёлғон ясаш, бир нарсани такрорлайвериш, туйғуни ақлдан устун қўйиш, тингловчининг шахсий манфаатни биринчи ўринга қўйиб, (унга дўст бўлиб кўриниш) «ҳасратлашиш», ҳукуматларни халқларга ёмон кўрсатиш, миллат душманларига раҳмдиллик, ҳамфикрлик туйғуларини уйғотиш, масалан одамларга таниш, кадрдон маълумотларни ишлатиб, (фалон жойда фалон воқеа бўлди), дёб ростга ёлғонни улаб юбориш услубларидан мафкуравий курашда фойдаланяпти.

Ҳар қандай жамият бундай маккор таҳдидларни енгиши учун ўзида огоҳлик, мафкуравий хавфсизлик, тўқислик, жанговарлик, сафарбарлик, умуммиллий бирлик каби ижтимоий сифатларга эга бўлиши керак. Бунинг учун миллий истиқлол мафкурасининг ёт мафкураларга қарши кураш услублари, жумладан, бузғунчи ғоялар моҳиятини фош қилишга қаратилган тарғибот, мафкуравий мониторинг ва таҳдидлар моҳиятини халқимиз онги ва қалбига стгазиш, жаҳолатга қарши маърифат тарқатиш услубларидан доимо ва ҳамма жойда фойдаланиш тақозо қилинади.

III БОБ

ТАЛАБАНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИ ВА УНГА ЭРИШИШ ЙЎЛЛАРИ

ТАЛАБА ЁШЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИ ВА УНГА ЭРИШИШ ЙЎЛЛАРИ

проф.Э.Х.Бобомуродов, У.Иманова,
Г.Хуррамова, ТерДУ

Ўзбекистоннинг эртанги порлоқ келажаги қандай бўлиши талабаларнинг юксак маънавият руҳида тарбиялашда маънавий мерос имкониятларидан фойдаланишга, маънавий-мафкуравий дунёкарашига, ижтимоий, сиёсий, демократик жараёнлардаги фаоллигига боғлиқ бўлади.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: “Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”¹.

Талаба ёшлар маънавиятини тарбиялашда маънавий мероснинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Маънавий янгиланиш дастурининг асосий қисмини ўзбек халқи томонидан барпо этилган буюк тарихий маънавий меросни сақлаш ва нашр қилдириш ташкил этади. Бу соҳада мустақиллик йилларида катта ишлар қилинмоқда. Маънавият турли халқ вакиллари, тақдирларини яқинлаштириб келган ва шундай бўлиб қолади.

Бизнинг маънавий меросимиз асрлар давомида улуг инсонлар тафаккуридан яралган, уни на ўлчаб на ҳисобига етиб бўлади.

Аждодларимизнинг миллий руҳияти ва маънавиятини мерос қилиб олган талаба ёшларимиз бу соҳада ҳам фаоллиги ва мустақиллиги билан ажралиб турибди.

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият 2008, 29-30 бетлар

Бу муҳим вазифани амалга ошириш учун жамият аъзоларининг, айниқса, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 млн 360 минг нафари ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 млн 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил этадиган ёшларнинг куч-қайратини сафарбар этиш талаб қилинади¹. Бундай масъулиятли вазифани бажара олиш учун Ўзбекистонда қулай имкониятлар яратилган. 2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб номланиши ёшлар муаммоларини янада долзарблаштиради.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган фикрлар шундаки, мустақиллик шароитида мамлакатимизда вужудга келган иқтисодий, сиёсий ва маънавий-мафкуравий муҳитнинг соғломлашуви ҳозирнинг ўзида ёшлар ҳаётининг турли соҳаларида ижтимоий мақсад ва имкониятларни ўзгартиришга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Талабалар ҳаёти муаммолари, уларнинг ижтимоий ҳаётга кириб келиши фақат педагоглар ва психологларни қизиқтириб қолмай, балки файласуфларни, социологларни, демографларни ҳам қизиқтириб келганлигига ишончимиз қатъийдир. Инсоншунос олимлар эса талабаларни юксак миллий маънавиятини тарбиялаш маънавий меросимизни имкониятлари муаммоларини тадқиқ этиш жараёнида тараккиёт йўлларининг ўзгариши, Жамиятдаги миллий анъаналарнинг ҳалоллик, адолат, гуманизм-инсонпарварлик каби умуминсоний қадриятларнинг қарор топиши муаммоларига эътиборни қаратадилар.

Хуллас, жамиятда талаба ёшларнинг қиёфасини ўрганиш маънавий-ахлоқий янгиланишида ёшларнинг ижтимоий руҳиятини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бориб, биз шундай хулосага келдик:

Биринчидан, миллий истиқлол ғояси ўзбек халқи учун маънавий янгиланишнинг бош омилли ҳисобланади, демакки, жамиятнинг маънавий-ахлоқий ҳаётида юз бераётган жараёнлар ижтимоий психологияга ва ижтимоий онгга фаол таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, мустақил Ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий янгиланиш ва унга эришиш йўллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: миллий ва умуминсоний қадриятларга амал қилиш, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ҳар бир талаба шахсининг ўз маънавий имкониятларини эркин ифода этиш, ватанпарварлик ва инсонпарварлик.

Учинчидан, жамиятнинг маънавий янгиланиш асосида миллий истиқлол мафкурасида ўзининг ёркин ифодасини топган янги ғоя ва тамойиллар аҳолининг, айниқса, талаба ёшларнинг ижтимоий руҳияти ва ижтимоий онгига ўрнашиб шаклланиб борапти.

¹ Каримов И. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йулини қатъият билан давом эттиришдир // Ўзбекистон овози. 2007 йил. 8 декабрь.

Бугун миллий истиклол мафкураси республика аҳолиси, биринчи навбатда, ёшларнинг ижтимоий руҳияти ва ижтимоий онгига канчалик даражада тез кириб борса, Ўзбекистонимизнинг ижтимоий, маънавий тикланиши ва тараққиёти йўлидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий масалаларнинг ечимини шу қадар тез топган бўламиз.

ТАЛАБА ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА

**Б.Сафаров, Л.Алибоева, ТерДУ,
Н.Хидирова, Термиз АТ ва МХ КХК**

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар, аниқроғи, 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Маълумки, ёшлар жамиятни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий янгилашнинг муҳим субъектларидандир. Улар ҳаётда рўй бераётган жараёнларга ўз таъсирини ўтказадилар ва тараққиётни ҳаракатга келтиришда муҳим роль ўйнайдилар. Мамлакатимизнинг келажаги қандай бўлиши талаба ёшларнинг мафкуравий иммунитетининг тарбиясига боғлиқ.

Президентимиз И.Каримов ҳаққоний таъкидлаганларидек, айнан ёш авлод маданиятимиз ва маънавиятимизни, тараққиётнинг интеллектуал кадриятларини келажак жамият аъзоларининг онгига етказди. Талаба ёшларнинг бундай масъулиятли вазифани бажариши учун уларнинг эркин ривожланишига, ижодий, бунёдкорлик фаолиятига қулай имкониятлар яратиб берилган.

Бундан келиб чиқадиган фикрлар шуки, талаба ёшлар шахсини тарбиялашда мафкуравий иммунитетни шакллантириш энг долзарб вазифалардан биридир. Мафкуравий иммунитет-шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий-назарий қарашлар ва кадриятлар тизимидан иборатдир.

Иммунитет шаклларига кўра: табиий, сунъий, дипломатик, мафкуравий иммунитетларга бўлинади. Мафкуравий иммунитет деганда кишиларнинг ёт зарарли мафкураларга, экстремистик-террористик ҳаракатларга берилмаслиги, мамлакатимиз, халқимиз душманларига нисбатан ғоявий муросасизлик ҳамда юксак даражадаги мафкуравий-сиёсий хушёрликни шакллантириш тушунилади. Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов “Фидокор” газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида: “Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам, фарзандларимиз юрагида

она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур”, – деган эдилар.

Айни пайтда мафкуравий иммунитет халкимизнинг орзу-интилишлари, мақсадларига ёт, зарарли мафкураларни билиб олиш, уларнинг қўпоровчилик ҳаракатларини пайқаб олиб, тезликда, талофатлар кўрмасдан фош этиш, ғоявий жангда мафкуравий душманни мағлубиятга учратиш маҳоратидир. Образли қилиб айтганда мафкуравий иммунитет мамлакатимиз талаба ёшларининг шундай бир фазилати бўлиши керакки, муҳолифларимиз, халқимиз, мамлакатимиз душманларининг ҳар қандай захарли ўқлари унга тегиб парчаланиб кетиши лозим.

Мафкуравий иммунитет жамиятимиз ҳаётининг энг нозик жиҳатларидан, фуқароларимизнинг айниқса талаба ёшларимиз ҳис-туйғуларидан, мақсад ва интилишларидан, маънавий-маърифий ва рухий-ахлоқий даражасидан келиб чиқади. Агар мафкура инсонийлик шаъни билан бевосита боғлиқ бўлса, инсоннинг ҳиссиётидан келиб чиқсагина, у инсонни, инсонларни бошқариш қобилиятига эга бўлади ва кишиларни мамлакатимизда буюк Ўзбекистонни барпо этиш йўлига сафарбар эга олади.

Ҳозирги пайтда мафкуравий иммунитет мамлакатимиз фуқароларининг жумладан, спортчи талаба ёшларининг шахсини тарбиялашнинг муҳим ахлоқий меъёри, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзига баҳо беришнинг, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтаётган даврнинг маънавияти, сиёсий маданиятининг таркибий қисми бўлиб бораётир. Ўзбекистон ёшлари ижтимоий воқелигимизнинг бутун тартиби билан камол топмокда. Бунда таълим-тарбиянинг, маънавий-маърифий, мафкуравий тарбиянинг бутун тизими билан аҳолининг, аввало ёшларнинг, талаба ва ўқувчилар дунёкараши, эътиқодини шакллантириш асосий вазифа бўлиб қоляпти. Эътиқодли, иймонли шахсни эса ҳар қандай айёрлик, тўкиб чиқарилган сохта, турли никобдаги ғоялар билан йўлдан чалғитиб бўлмайди.

Хуллас, мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда мафкуравий профилактиканинг роли чексиздир, касални даволашдан кўра олдини олиш муҳим ва аҳамиятлидир. Миллий истиклол ғоясини ёшлар қалби ва онгига сингдиришда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим ва тарбиянинг узвийлигига алоҳида эътибор бериш, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш бу соҳада улғувор вазифаларимизни амалга оширишда муҳим ўрин эгаллайди, деган фикрга келдик.

М.Лафасов, проф.,
Г.Лафасова, тадқиқотчи, ТДПУ

XXI аср инсоният тарихига цивилизациялараро мулоқот асри, техника технология ва ахборот коммуникациялар тизими мисли кўринмаган даражада такомиллашиб борувчи аср сифатида кириб келди.

Айни пайтда дунёдаги ҳодиса ва жараёнларнинг глобаллашув тенденцияси мамлакатлар, халқлар ўртасидаги цивилизациялараро ўзаро таъсирнинг янада кучайишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги вақтда инсоният тарихини цивилизациявий жараёнлар, уларнинг турли кўринишлари ва босқичлари сифатида қараш илмда етакчи ўринни эгаллайди.

Биринчидан, унинг фан тарихида 250 йилдан бери давом этиб келаётган жиддий анъаналари мавжуд;

Иккинчидан, давризмизнинг барча мураккабликларини асосий жиҳатларига кўра цивилизациявийлик ёндашув билан хийла кенг тушунтириш мумкин;¹

Учинчидан, тафаккуримизга, дунёқарашимизга йиллар давомида сингдирилган тараққиётнинг формацон босқичдан иборат эканлиги ҳақидаги марксча-ленинча догманинг ижтимоий-гноссологик жиҳатдан асоссизлигини очиб бериш учун ҳам тараққиёт жараёнига цивилизацияли ёндашув муҳим ўрин тутadi.

Шуни алоҳида қайд этмоқчимизки биз цивилизация тарихига мухтасар тўхталишни эмас, балки, ёшлар маънавиятининг шаклланишида глобаллашув жараёни билан боғлиқ ҳолда цивилизациялараро алоқа таъсирини таҳлил қилишни мақсад қилиб қўйганмиз.

«Цивилизация» атамаси латинча “civilis” сўзидан олинган бўлиб, шаҳар, шаҳар жамоаси, фуқаро, давлат, фуқаровийлик, давлатчиликка онд жуда кўп маъноларни билдиради.

У ёки бу мамлакат ёхуд миллат муайян бир даврда ўзининг цивилизациясига (маданиятига) ёки унинг мавжуд хилларидан бирига мансублиги, ёки бўлмаса яқинлиги билан характерланади. Ҳозирги замоннинг таникли мутафаккири, америкалик С.Хантингтон «Цивилизацияларнинг тўқнашуви?» – деган асарида шундай кўрсатади: «Цивилизацияни кишилар умумийлигининг энг кенг даражаси, маданий бирлиكنинг энг юқори мақоми тарзида таърифлаймиз. Цивилизация объектив тартибда тил, тарих, дин, урф-одатлар, институтлар ҳамда

¹ Жураев Н. Алпозов Ш. «Ижтимоий асослари». Т.: «Maarifat Madadkori», 2003, 128-бет.

кишилар ўз-ўзини англашнинг умумий белгилари мавжудлиги билан характерланади. Ўз-ўзини англашнинг турли даражалари бор.

Масалан, Рим аҳолиси ўзини италиялик, католик, христиан, европалик, Ғарб дунёси кишиси сифатида кўрсатиши мумкин. Цивилизация – бу инсон муносабатда бўладиган бирликнинг энг кенг даражасидадир».¹

Демак, инсоният тамаддунидаги ҳар қандай ўзгариш янгиланишлар инсоний муносабатлар тизимида кечади. Бу ўзгаришлар ҳоҳ ижобий, ҳоҳ салбий бўлсин, энг аввало кишилар, миллатлар, халқлараро мулоқот тизимида шаклланади.

Маънавий соҳада цивилизациявий ҳаётнинг қарор топиши энг радикал тарзда бўлиб, инсон руҳиятида мантикий тафаккурини, унда эса сифат жиҳатдан янги дунёқарашни келтириб чиқаради. Бу жараён дунё мамлакатлари тараккиёт эволюцияси, унга таъсир қиладиган технологик жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий, мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви билан узвий алоқадорликда кечади. «Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти, унга ҳамкадам бўлиб яшаш ва ишлаш керак. Бунинг учун эса аввало, интеллект ақл-заковат керак».²

Интеллект ақл-заковатнинг кучи муайян шахснинг билими, иқтидори, глобаллашув жараёнида цивилизациялараро таъсирнинг моҳиятини англай олишда кўринади.

Ана шу боис ёшларимизнинг мустақил фикри ва дунёқараш шаклланишига кўмаклашиш, ҳаётда ўз позицияси ва ёндашувини белгилаб олишга ёрдамлашиш, уларни онгли ва билимли қилиб тарбиялаш, ён атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмаслик, дахлдорлик туйғуси билан яшашга ўргатиш бугунги кундаги энг муҳим вазифа бўлиб қоляпти.

Шак-шубҳасиз биз яшаётган даврнинг ўзига ҳос хусусиятларидан бири, ахборот оқимларининг чексиз кўпайиши бўлди. Узок даврлардан буён инсониятга замон ва макон омилларини чеклаб ўтиб, ахборот ташувчи қоғоз воситалар, икки асрлик тарихга эга радио ва XX асрнинг энг катта кашфиётларидан бири бўлган ва энг кўп аудиторияни ўзига жалб қилган телевидение сафига 1960 йилларнинг бошларида компьютерлар кириб кела бошлади. Аксарият тадқиқотчилар ва кенг жамоатчилик томонидан «информационализм (informationalism)» деб

¹ Хангингтон С. "Столкновение цивилизаций". "Политические исследования". 1-часть, 1994, С. 33-34

² "Янгиланиш ва барқарор тараккиёт йўлидан изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир". Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2007 йилда иқтисодий Ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. "Ўзбекистон овози" газетаси 13 февраль, 2007 йил, 19 (27.664)-сон.

номланган бу феномен кенг камровли глобализм (globalism) феноменининг таркибий қисмларидан бирига айланиб қолди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, дунёда иктисодий глобаллашув жараёнидан ҳам, маънавий глобаллашув жараёнидан ҳам четда турган бирорта мамлакат йўқ. Ҳаттоки Африка ва Жанубий Америка қангалзорларида яшаётган қабилалар ҳам бу жараёндан оғина қолмаяпти.

Айни пайтда, глобаллашув жараёни турли мамлакатларга турлича таъсир ўтказмоқда. Баъзи мамлакатларга у иктисодий соҳада ҳам, маънавий соҳада ҳам катта фойда келтирса, бошқаларига унчалик фойда келтирмапти, учинчиларига эса, кўпроқ зарар келтирмоқда. Ана шу бонс айниқса, маънавий соҳада глобаллашув жараёни келтирадиган қулайлик ва имкониятлардан кўпроқ фойдаланиш учун уни чуқур ўрганиш, фойдали ва зарарли жиҳатларини атрафлича таҳлил қилиш зарур. Глобаллашувни тўла ва чуқур ўрганмай туриб, унинг имкониятларидан фойдаланиш ҳам, зарарли оқибатларидан сакланиш ҳам мумкин эмас. У бугунги кунда ҳар бир мамлакат, умуман инсоният учун биринчи даражали муаммога, ҳаёт-мамонт масаласига айланди.

Масаланинг моҳиятини чуқурроқ талқин этиш учун аввало глобал ходисалар моҳиятини ёритиш зарур. Ана шу мақсадда глобализм тушунчасининг таърифи унинг мазмун моҳиятини очиб беришга уринган илмий-назарий ёндошув ва қарашларга бир оз тўхталиш лозим.

Рус олими М.Иешковнинг фикрича, глобализм феномени эволюция жараёнида кишилиқ жамиятига хос бўлган, ҳар хил қомпонентларнинг бирикиш жараёни бўлиб, инсониятнинг дифференциация жараёнига тесқаридир.¹

Глобализм тушунчасига К.Зегберс берган шарҳга кўра, ўзига хос ривожланиш йўлининг торайиши (ёки умуман йўқолиши), умумий йўлдан оғишнинг иложи бўлмаслиги ҳукумат ёки жамият томонидан онгли равишда маълум, ўзига хос таракқиёт йўлини танлаш имкониятини қисқариши² демасқидир.

Ушбу таърифда глобализм жараёнининг кўпроқ маданий жиҳатига ургу берилганлиги сезилади.

Глобаллашув жараёнида дунёда ахборот-коммуникация технологиялари ва айниқса, интернет кишилар кундалиқ ҳаётининг муҳим ва ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Глобал тармок шиддат билан ривожланиб, имкониятлари тобора кенгаймоқда. Масалага ана шу нуқтан назардан ёндошадиган бўлсак, рус олими В.Михеевнинг

¹ Иешков М. "Глобализация: Сущность и внешняя фаза, перспективы" "Proet Contra" Т.: 4, №4, осень 1999 С-144.

² Кляус Зегберс "Снивая лоскутное одеяло..." (Шанс и риск глобализации в России) "Proet Contra" том 1 № 4 Осень 1999. стр-65.

глобализмга берган таърифни илмий асосланган ва ҳақиқатга яқин таърифдир.

Глобализм шароитида, — деб ёзади В. Михеев — дунё мамлакатлари ва минтақаларининг ўзаро иқтисодий-сиёсий боғликлиги мислсиз ривожланади ва дунёда ягона ҳукукий майдон, иқтисодий ва сиёсий бошқарув масаласини кун тартибига қўйиш мумкин бўлиб қолади. Дунёда иқтисодий, сиёсий, илмий, ҳарбий, мафкуравий соҳаларда ўта қудратли ресурсларга эга давлатлар глобаллашув жараёнининг ижодкорлари сифатида талқин қилинмоқда. Шакл-шубҳасиз, глобаллашув жараёнида локализм шароитларида шаклланган «суверенитет», «аралашмаслик», «ўзига ҳослигини ҳурмат қилиш» каби қадриятлар тан олинмаслиги ҳолати кучайиб бориши ёки умуман тан олинмаслиги кузатилади¹.

Бунинг учун глобаллашув шароитларида катта ресурсларга эга ҳар бир маданият, цивилизация ўзини қутқаришнинг ягона шарти сифатида бошқа маданиятларни ҳам ўзлаштиришга интилади.

Юқоридаги қарашлар таҳлилидан келиб чикиб, глобализм тушунчасига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Глобализм — инсоният тарихий ривожланиш цивилизациясининг зарурий натижаси бўлиб, илмий-техникавий инқилоблар, фан ривожланишидаги буюк бурилишлар натижаси ўларок юзага келган цивилизациялараро мулоқотлар, планетар ҳодисалар муштараклиги асосида дунё халқлари менталитети маънавий олами руҳият ва интилишларига тез таъсир этувчи ахборот коммуникациялар, мафкуравий таъсирларнинг умумий алоқадорлик ҳодисасидир.

Глобаллашув ҳақиқатда инсоннинг нафақат моддий ҳаёт тарзига, шу билан бирга маънавияти, руҳий оламига ҳам сезиларли таъсир ўтказмоқда. Ҳар куни виртуал маконда бир неча миллиондан зиёд ахборот ресурсларининг пайдо бўлиши, унинг ҳосили ҳар дақиқа сайин ўсиб бораётганидан далолат беради. Глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг инсоният маданиятига тўғдираётган хавф-хатарлари тўғрисида сўз юритишга тўғри келади. Бу ноҳуш ғайрининсоний ҳолатлар муайян кучларнинг глобал тармоқнинг ахборотларни сифатли ва тез узатиш ҳамда тарқатиш бўйича имкониятлардан фойдаланиш орқали жамоатчилик фикрини тўғри йўлдан буриш, ўзлари тарғиб этаётган нопок гоя ва манфаатлар томон йўналтириш учун уларга ахборот етказиш борасида олиб бораётган ҳаракатлари билан боғлиқдир. Сўзсиз, бундай таъсирга интернет

¹ Михеев В. "Логика глобализаций и интересы России". "Pro et Contra" 4, то. 4 Осень, 1999. С. 49.

аудиториясининг энг фаол, энг кўп қисми тафаккури етилиб, дунёкараши пухта шаклланиб улгурмаган ёшлар берилувчидир.

Таассуфки, ана шундай жиддий муаммони мукаммал ва тизимли ўрганишга етарли эътибор берилмаяпти. Глобаллашувнинг миллий маънавиятимиз, анъана ва маросимларимиз, ёшларимиз тарбиясига ўтказаяётган таъсирини ўрганишга эса ҳали киришилганича йўқ. Бу соҳадаги ҳулосалар «Сериаллар ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир ўтказмоқда», «Уятсиз эпизодларни телевиденида кўрсатмаслик керак», деган умумий гапдан нарига ўтмаяпти. Ғарб мамлакатлари телевидениесигина эмас, атрофимиздаги баъзи мамлакатлар телевидениесида ҳам кўрсатилаётган ёки Ғарбдан трансляция қилинаётган дастурларга солиштирадик, телевидениемиздаги ўта беҳаё деб аталаётган кўрсатувлар жуда беозор ва рисоладаги кўринади. Бу ҳолат ўта беҳаё дейилаётган кўрсатувларнинг янги тўлқинини кутишимиз кераклигини англатади. Маънавий глобаллашув хориждан фақатгина ўшандай беҳаё томошаларнинг кириб келишини билдирадими? Бу саволга жавоб топишимиз учун маънавият соҳасидаги глобаллашувнинг тарихига ва моҳиятига назар ташлашимиз лозим¹.

Глобаллашув турли минтақадаги мамлакатларнинг ўзаро таъсири кучайиши жараёни экан, унда иқтисодий ва маънавий таъсир кўпинча биргаликда кечиши кузатилади. Фақатгина айрим ҳолларда улар нисбатан мустақил тарзда кечади. Глобаллашув тарихига қарасак, қадим замонларда ҳам иқтисодий ва маънавий таъсирлар ёнма-ён кечганлигини кузатамиз. Масалан, ўрта асрларда юртимиз Буюк Ипак йўлининг марказида бўлганлиги сабабли ҳам Ғарбнинг, ҳам Шарқнинг таъсирида бўлган. Ғарбдан Шарққа бораётган, Шарқдан Ғарбга борган савдогарлар ҳам юртимиз орқали ўтган.

Савдо моллари билан бирга Ғарб ва Шарқнинг урф-одатлари, анъана ва маросимлари ҳам ўлкамизга кириб кела бошлаган. Глобаллашув тенденцияси ана шу тарзда юзага келган.

Глобал муаммоларнинг келиб чиқиши, мавжудлиги ва ҳал этилиши зарурияти инсоният жамиятининг янги цивилизациявий сифат ўзгаришини тақозо этмоқда. Бу жараённинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун унинг жадаллилик ҳолати кўлами ва микёсига эътибор бериш зарур. Зеро, ўнлаб ва ҳатто юзлаб йиллар давомида ўзгармасдек бўлиб кўринган ижтимоий муносабатлар ғоят қисқа вақтда тубдан ўзгармоқда. Бу ҳол кишилар ижтимоий ҳаёти қатламларининг барча бўғинларида кишилар турмуш тарзида баралла кўринмоқда. Кўламига кўра, бу жараён бирон минтақани четлаб ўтмаган.

¹ Шамсиева И. "Ёш авлод маънавий ривожига интернетнинг таъсири ва ахборот психологик ҳалфизлиқ муаммоси". "Ижтимоий фикр-ишсон ҳуқуқлари" журнали №1, 2007. 172-бет

Муҳими шундаки, глобал ходисалар муайян жамиятлардаги кишилар ва айниқса, ёшлар маънавиятига сезиларли таъсир ўтказмоқда. Бугунги кунда маънавий соҳада бошқа давлатларга кўпроқ таъсир ўтказаятган давлатлар маънавиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг маънавияти таъсир ўтказилаётганларникидан бойроқ эмас. Масалан, Ғарб давлатлари маънавий соҳада ҳам Шарққа ҳозир кўпроқ таъсир ўтказмоқда. Уларнинг юриш-туришидан тортиб қийинчиликча Шарққа кириб келмоқда. Лекин, бундан Ғарб давлатлари маънавий соҳада Шарқдан бойроқ деган хулоса қилиб чиқмаслиги керак. Хуш унда сабаб нима?

Маънавий жиҳатдан Ғарбдан қолишмайдиган Шарқ нима учун кўпроқ таъсир ўтказиладиган минтақага айланиб қолди. Таҳлиллار шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий таъсир ўтказиш учун иқтисодий жиҳатдан бой бўлиш керак. Бироқ, маънавий таъсир ўтказиш учун маънавий бойлиқнинг ўзи қифоя қилмас экан. Масалан, дунёда энг қадимги тамаддунлар ўлкаси бўлган Ироқ кейинги ярим аср давомида, глобаллашув жараёнида узок мамлакатлар у ёқда турсин, ён-атрофдаги мамлакатларга ҳам сезиларли таъсир ўтказа олмади. Маънавий глобаллашув жараёниларини ўрганар эканмиз, маънавий таъсир ўтказишнинг муҳим шарти маънавий фаоллик деган хулосага келдик¹.

Мамлакат бой-маданий тарихга эга бўлса-ю, ҳозирги авлод ўша маънавий бойлик ва анъаналарни ўзлаштирмаган бўлса, у мамлакат маънавий таъсир субъекти бўла олмади ва объектлигича қолади.

Демак, глобаллашув жараёнида цивилизациялараро мулоқот ўсиб бораётган бир шароитда ёшлар маънавиятини юксалтиришда замонавийлик билан тарихийликнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш яъни техника, технология, ахборот коммуникациялари ютуқлари асосида ёшлар тафаккурини бойитишнинг аждодлар маънавий мероси неъматларидан ўзаро алоқадорликда фойдаланиш кўникмаларини уларда ҳосил қилиш зарур. Таассуфки, бугун ёшларимизнинг аксарияти глобаллашув туфайли Европа ва хорижий маънавий-маданий оқимлар таъсирига кўпроқ иштиёқманд бўлиб, миллий маънавиятимизнинг ҳаётбахш юксак ахлоқийликка асосланган тамойилларига ихлосмандлиги суст кечмоқда. Инсон кадри, масъулияти, ахлоқига беписандлик уларнинг баъзи бирларнинг қийиниши, феъл-атвори, юриш-туришида яққол кўзга ташланиб қолмоқда.

¹ Бекматов А. "Глобаллашув, миллий анъаналар ва ёшлар тарбияси. Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш – Ватан тинчлиги ва ҳавфсизлигини мустаҳкамлашнининг муҳим омилли" мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т. 2004. 67-68-бетлар.

ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА МАЪНАВИЯТ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Х.Очилов, ДЖҚА талқикотчиси

Дунёнинг ҳозирги ривожланиш жараёнида ҳар бир жамиятни модернизациялаш ҳаракати кечмоқда. Чунки *модернизация* – бу янгилаш бўлиб, унга кўра, жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан янги йўналишлар асосида янги дискурс олади.¹

Жамиятни *ижтимоий янгилаш* – бу ижтимоий сиёсатни янги ғоялар, ёндошувлар ва фикрлар билан бойитиб, уни ижтимоий ҳаётга татбиқ қилишдир. *Иқтисодий янгилаш* ишлаб чиқариш муносабатлари ва технологияларини замонавийлаштириш, *сиёсий янгилаш* сиёсий онг ва сиёсий институтлар фаолиятини такомиллаштириш, маданий янгилаш эса жамият маънавий ҳаётига янги рух беришдан иборат.² Ўзбекистонда ҳам бу жараён изчил давом эттирилмоқда.³

Жамиятни модернизациялаш жараёнида маънавият соҳасидаги сиёсатнинг асосий тамойилларини аниқ белгилаб олиш муҳимдир. Бу тамойилларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:⁴

Жамиятни модернизациялаш жараёнида маънавият соҳасидаги сиёсатнинг асосий принциплари



¹ Новая философская энциклопедия. Том 2. – М.: Мысль. 2001. – С. 203.

² Там же. – с. 205.

³ Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2011.

⁴ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008. – Б. 76-111.

Ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда бу моделга изчил амал қилиб келинмоқда. Унинг самараси миллий ва хорижлик экспертлар томонидан такрор-такрор эътироф этилмоқда. Негаки, жамиятни модернизациялаш жараёнида эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда фуқароларнинг онги, ахлоқи ва дунёқараши жамият талаблари ва эҳтиёжларига мос равишда шакллантирилади. Бу шакллантириш маънавий фазилатларни одамлар онига сингдириш ва уларнинг онини иллатлардан муҳофаза қилиш тарзида кечади.

Маънавий меросни чуқур ўрганиш жамиятни модернизациялаш жараёнидаги муҳим принциплардан биридир. Мазур масалада Ўзбекистонда муайян ютуқларга эришилган бўлсада, лекин ҳали қилинадиган ишлар кўп. Мисол учун, биргина Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти хазинасида 80 мингга яқин қўлёзма асар ўз тадқиқотчисини кутиб тургани маълум. Маънавий мерос инсон ва жамиятни билим, ахлоқ ва юксак дунёқараш билан қуроллантиради.

Миллий онг ва тафаккурни ривожлантириш ҳам муҳим принциплардан ҳисобланади. Бунда миллий ғоя воситасида миллий қараш, билим ва фикрлаш қобилияти ўстирилади. Миллий онг ва тафаккур маҳдудликка эга бўлмайди, аксинча, унда миллий ва умуминсоний ғоялар уйғун таркиб топади.

Жамиятда модернизациялаш жараёнида авлодлар ўртасида ворисийликни сақлаш муҳим принциплардандир. Унда бугунги авлод аجدодларнинг ҳаётий тажрибаси, анъаналари, одатлари ва турмуш кечириш маданиятини ўзлаштиради. Қачонки авлодлар ўртасида ворисийлик бўлмаса, жамиятда маънавий мувозанат бузилади.

Фуқаролик масъулиятини ошириш жамиятни модернизациялашнинг асосий принципларидан ҳисобланади. Бунда фуқаролар ўзи, ўзгалар, жамият ва давлат ҳаёти, ривож учун маънавий масъулият сезади, ўзининг фаолияти ўзгалар учун зарурият эканлигини англайди. Фуқаролик масъулиятига эга шахс мустаҳкам ҳаётий позицияни ўзлаштиради.

Жамиятни модернизациялаш жараёнида дунёвий ва диний маданиятни уйғун ўзлаштириш муҳим принциплардан биридир. Бунда дунёвий маданият шахсни, жамиятни замонавий билим, ҳунар ва технология билан қуроллантиради, диний маданият эса шахсни, жамиятни турли ғоялар, бунёдкорлик иделлари ва ҳаётни кадрлаш меъёрлари билан юксалтиради.

Диккат қилинса, Президент И.Каримов томонидан жамиятни модернизациялаш жараёнида маънавият соҳасидаги сиёсатнинг асосий принциплари аниқ белгилаб берилган.

Таъкидлаш лозимки, бу моделга асосан Ўзбекистонда модернизация жараёни изчил кечмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жамиятни модернизациялаш жараёнида маънавий соҳасидаги сиёсатнинг принциплари жамият эҳтиёжига мос равишда такомиллашиб боради.

Шундай қилиб жамиятни модернизациялаш жараёнида маънавий соҳасидаги сиёсатнинг асосий тамойилларини аниқ белгилаб олиш муҳимдир. Бу масалада таъкидланганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, жамиятни модернизациялаш жараёнида маънавий соҳасидаги сиёсат принциплари ғоявий-мафкуравий хусусиятга эга бўлиб, у миллий, демократик ва либерал қадриятларга асосланади.

Иккинчидан, бу масалада биз иқтисодий ривожланиш, ижтимоий муносабатлар, жамият ҳаёти ва сиёсий тизимнинг маънавий омилларга эга бўлиши парадигмаси мақсадга мувофиқ, – деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, мазкур жараёнда маънавий соҳасидаги сиёсат тамойилларида ғоявийлик, йўналтирувчанлик ва тарбияловчилик хусусиятлари устувор бўлмоғи керак.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ЮКСАК МАЪНАВИЯТ САРИ ОДИМИ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШ МЕЗОНИДИР

Ғ.Қудратов, Н.Абдиқаюмова, М.Рўзиева, ТерДУ

XXI аср – интеллектуал қадриятлар устуворлик қиладиган аср эканлиги ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шунинг эътиборига олган ҳолда, 2010 йил Президентимиз И.Каримов томонидан мамлакатимизда “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши бежизга эмас. Ёшлар жамиятнинг ижтимоий таркибида нисбатан мустақил тузилма бўлиб, умуман ижтимоий тизимга ҳос қонуниятлар унда муқаррар аксини топади.

Шу нуқтага назардан қараганда, биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқроқ айтадиган бўлсак, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб бораётган “таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда” деб

таъкидлайди И.Каримов, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган нуткида¹.

Шу бонс ёшлар ижтимоий гуруҳларининг ҳаёт фаолияти хусусиятларининг тадқиқи уларнинг ахволини, ролини ва фаолият турларини жамият динамизми, ўз навбатида ёшларга ва уларнинг маънавиятига кўп жиҳатдан таъсир кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда белгилайдиган ижтимоий-иқтисодий ҳолатга доимо мос келиши даркор.

“Мамлакатимизда 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”, деб эълон қилиниши барчамизнинг эътиборимизга қандай улкан масъулият юклати, бу борада тайёрланаётган умумдавлат Дастурини ҳаётга татбиқ этиш биздан канча куч ва маблағларни сафарбар этишни талаб қилиши ҳақида бугун гапириб ўтиришнинг, уйлайманки, зарурати бўлмаса керак”, – деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари.²

Фалсафий ёндашув ёшларнинг турли гуруҳлари ижтимоий мансублик, меҳнат характери, ёши, кизикишлари ва ҳ.к. билан боғлиқ бўлган ўз психологик хусусиятларига эга эканликларини ҳисобга олишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси чинакам мустақилликни қўлга киритгач, ўз ҳаётининг барча соҳаларини сифат жиҳатдан янгилаш, дунёвий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бормокда-ки, мамлакат Конституцияси ўзининг ҳуқуқий базаси, миллий истиклол мафкураси эса ахлоқий-ғоявий асоси бўлиб қолди. «Истиклол биз учун таракқиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди, – деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти И.Каримов. – Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва кадриятларимизга, умумэтироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб кўришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик»³

Жамиятимизнинг маънавий янгиланиши инсон турмуш тарзида ҳам, психологиясида ҳам чинакам глобал ўзгаришлар қилди. Янгича фикрлашга, ёшларнинг янгича психологик киёфасини шакллантиришга йул очилди. Бу ҳол умумий таракқиётнинг ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишнинг жуда муҳим шарти бўлган ёшларнинг умумий малакасини ошириш масаласини ҳал қилишда кўп жиҳатдан кўмаклашади.⁴ Бирок

¹ Каримов И. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган таътанали марҳумдаги маърузаси. XXI ASR газетаси. 2009 йил 10 декабрдаги сон.

² Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз таракқиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетасининг 2011 йил 22 январдаги №16 сон.

³ Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 105-бет.

⁴ Каримов И. Бит келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамоқ. 7-том. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 381-бет.

бу жараён ўз-ўзидан содир бўлмайди. Жамият қандай ёшлар қай тарзда шаклланаётганига ҳеч қачон бефарқ бўлмаган. Ўзбекистон Президенти И.Каримов сиёсатида жамиятнинг юксак маънавиятга ҳамда маърифатли инсонни шакллантиришга таяниши алоҳида ўрин тутди. Учинчи минг йилликнинг биринчи навбатдаги вазифаси – янги авлодни шакллантириш масаласини ҳал қилишда ёшлар онгида мустаҳкам маънавий тушунчаларни, гуманистик ва демократик қадриятларни мустаҳкамлашга, тарихий илдишларни билишга, миллий анъаналарни тиклашга улкан роль ажратилган. И.Каримов адолатли равишда таъкидлаганидек: «Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга қим келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ»¹

Буларнинг бари ёшларнинг потенциал имкониятларини ва қобилиятини фаоллаштиришни талаб қилади. Ушбу глобал муаммонинг ечимини шахснинг ўзини ўзи такомиллаштиришни ижтимоий манфаатлар билан ҳар бир кишини ҳар томонлама ривожлантиришни давлатнинг ижтимоий тараққиёти эҳтиёжлари билан, бозор иқтисодиёти талабларини гуманистик маънавиятни ўстириш билан қовуштиришнинг янги шакл ва усуллари излаб топишдир. Шу боисдан ижтимоий психологиянинг фалсафий-методологик муаммоларига, шу жумладан ёшлар психологиясига қизиқиш борлигини аниқладик. Психологик қонуниятларнинг амал қилишини, ижтимоий, миллий, ёш психологиясининг хусусиятларини догматизм ва сиёсий конъюктурадан холи тушуниш жамиятнинг янгиланиши моҳиятини монандроқ тушуниш, жамиятимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг долзарб муаммоларини аниқроқ тасаввур этиш имконини беради.

Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз бизни инсонийлик руҳи билан суғорилган, бозор муносабатларига асосланган фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни фақат илғор маънавиятнинг мустаҳкам пойдевори негизда қуриш мумкинлиги тўғрисидаги ҳулосага олиб келди. Дарҳақиқат, маънавият миллатнинг, жамиятнинг ўтмиши, бугуни ва албатта, келажагига дахлдор соҳа. У инсонни ақлий, руҳий, ахлоқий англаб эъзозлашга йўллайди. Маънавиятнинг чексиз имкониятлари туфайли инсон ақл-заковати, вужуди, руҳи, салоҳияти олижаноб фазилатларда барқарорлашади.

Президентимиз И.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек: “Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва

¹ Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –381-бет.

унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрни туришини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”.¹

Жамият маънавий соҳасидаги ўзгаришлар ва ислохотлар жараёни унинг бошқа соҳаларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Халқимиз ишониб яшашга, келажакка умид билан боқишга одатланган. Маънавий-мафкуравий муносабатлар ана шу умид ва ишончларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Демократия қай тарзда фаолият олиб бориши кераклигини белгиловчи конституциявий қондалар ва расм-русумлар доираси билан чегараланмайди. Демократик жамият ҳукумати ижтимоий тузилишнинг турли идоралари сиёсий партиялар, ташкилотлари ва уюшмалари билан бир элементдир. Бундай хилма-хиллик плюрализм деб аталади ва демократик жамиятда талай уюшган гуруҳлар ва идораларнинг фаолияти, қонунийлиги ёки нуфузи, унинг ҳукуматга қарам бўлмаслиги назарда тутилади.

Қонун олдида барчанинг тенглиги, ҳар қандай адолатпарвар, инсонпарвар ва демократик жамиятнинг асосини ташкил этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, фуқаролик жамиятини бутунги Ўзбекистон ёшларининг юксак маънавияти негизида кўриш мумкин. Ёшларнинг маънавий етуклиги асосида минтакавий можаролар ва фуқаролар урушлари, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизм ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жинойтчиликнинг бошқа кўринишлари, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик иллатларининг барҳам топиши, экологик муаммоларнинг ҳал этилиши, умуминсонийлик ҳамда миллий хавфсизлик таъминланишига эришишнинг мустахкам замини яратилган бўлади.

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 29-30.

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ИШТИРОКИ

З.Бобомуродова, Н.Мустафоева, Ф.Чўтбоева, ТерДУ

Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигини Конституция билан мустаҳкамлаб, жамият ҳаётининг барча соҳаларини, шу жумладан иқтисодий ва сиёсий тизимларни ислоҳ қилиш, миллий давлатчиликни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш йўлидан изчил одимламоқда. Кенг кўламда ислоҳ қилиш йўлини таълашнинг туб ўзгаришлар ва жамиятни янгилашнинг ўзига хослиги давлат тузилишининг ўзига хос концепциясини ишлаб чиқишда, республика аҳолисининг миллий-тарихий тажрибасини, турмуш укладини, фикрлаш тарзини, анъаналари, маросимлари ҳамда урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ва сиёсий ўзгартиришларни амалга ошириш шакл ва методларида кўзга ташланади.

Республикада туб сиёсий ва ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш учун ёш авлодга муносабат масаласини қайта кўриб чиқиш талаб этилади, чунки янги иқтисодий муносабатларни жорий этиш жараёни жиддий зиддиятларга дуч келади. Янги иқтисодий онгнинг соҳибни, сўзсиз, ёшлар бўлиши лозим¹. Шу боис давлат мамлакат ва халқ тақдири учун асосий масъулиятни ўз зиммасига олиб, жамият олдига қўйидаги аниқ мақсадларни қўйди:

– ёшларни ижтимоий муносабатларнинг ранг-баранг шакллариغا ўтишга психологик ва маънавий жиҳатдан тайёрлаш, уни ўзгариб бораётган шароитга қийналмай мослашишига кўмаклашиш;

– интеллектуал салоҳиятни илдам ривожлантириш ҳамда унинг ёш авлод томонидан фаолиятининг исталган соҳасида эркин руёбга чиқарилиши учун шароит яратиш;

– инсоннинг эркин ривожланиши ҳамда янги типдаги шахс қарор топиши учун моддий ва маънавий макон яратиб берувчи синалган механизмлар воситасида ёшларни ҳуқуқий ҳимоялашни кафолатлаш.

Мустақиллик янги демократик кадриятлар фаол шаклланадиган, ҳуқуқий давлатга ва фуқаролик жамиятига мувофик келадиган инсон, унинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари асосий бойлик бўлиб қоладиган янги замонавий сиёсий, ҳўжалик ва ижтимоий тузилмалар қарор топадиган қулай замин бўлди.

Бозор муносабатларига ўтилиши билан эскича қолипда фикрлашлар барбод бўлди, кишиларнинг, шу жумладан ёшларнинг дунёқараши ва психологияси ўзгара бошлади, шу муносабат билан

¹ Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 186-188-бетлар.

ҳозирги пайтда ёшлар психологиясининг шаклланиш муаммоларини тадқиқ қилиш жуда долзарб бўлиб қолмоқда.

“Мақсадларимизга эришиш, янги, демократик жамиятни қуриш, ислохотларнинг тақдири... ёшларимиз қандай маданий ва профессионал савияга эришганлигига, қандай идеалларга эътиқод қилишига, маънавий жиҳатдан қанчалик бойишига боғлиқ. Шу боис миллий тикланиш ғоясини амалга оширишга қодир Янги авлодни тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан биридир”, – деганди И.Каримов¹.

Ёш авлод ижтимоий онгини илмий таҳлил қилиш учун доимо жамиятнинг алоҳида, мустақил ижтимоий-демографик гуруҳини ташкил қиладиган ёшларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш талаб этилади. Тарихий таракқиёт авлодлар алмашинуви орқали амалга оширилиши ҳамда мураккаб диалектик жараёндан иборатлиги маълум².

Ҳар қандай мамлакатда ҳам ҳар қандай авлод техникада, технологияда, ишлаб чиқаришда, фаровонлик даражасида, маънавий маданиятда олға силжишга қулай шароитда бўлавермайди. Бироқ ёш авлод мерос қилиб оладиган ишлаб чиқариш муносабатлари қучларининг ўсишига ва ўзи ҳам ҳеч бўлмаса ушбу тузум доирасида такомиллашадиган бўлса, янги авлод ишлаб чиқаришни, техникани, технологияни, фанни, таълимни, маданиятни ривожлантириш масалаларини ўзи муваффақиятли ҳал этган бўларди. Бунда аслида, инсон муаммоси, унинг эҳтиёжларини қондириш, қобилиятини намойиш этиш, жисмоний, маданий ва интеллектуал жиҳатдан қамол топиш, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фаол иштирок этиш учун шароит яратиш муаммоси глобал нуқтан назардан диққат марказида туради. Турли ижтимоий-иқтисодий тузумларнинг тарихий устуворликлари кўп жиҳатдан уларда айнан шу масалалар қанчалик муваффақият билан ҳал этилаётгани билан белгиланади.

XXI аср – интеллектуал кадриятлар устуворлик қиладиган аср эканлиги ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шунинг эътиборга олган ҳолда, 2010 йил ҳурматли Президентимиз И.Каримов томонидан мамлакатимизда “Барқамол авлод йили” деб эълон қилиниши бежизга эмас. Ёшлар жамиятнинг ижтимоий таркибида нисбатан мустақил гузилма бўлиб, умуман ижтимоий тизимга хос қонуниятлар унда муқаррар аксини топади.

Шу нуқтан назардан қараганда, биз танлаган таракқиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқроқ айтадиган бўлсак, келажагимизнинг мустақам пойдевориға айланиб бораётган “таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва

¹ Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 361-бет.

² Каранг: Туленов Ж.Т. Диалектика таърифи. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. –201-205-бетлар; Конкин М.Н. Становления мыслящего духа. М.: Высшая школа, 2002. – С. 45-70.

амалга оширганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда” деб таъкидлайди мухтарам Президентимиз И.Каримов, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган нуткида¹.

Шу боис ёшлар ижтимоий гуруҳларининг ҳаёт фаолияти хусусиятларининг тадқиқи уларнинг аҳволини, ролини ва фаолият турларини жамият динамизми, ўз навбатида ёшларга ва уларнинг маънавиятига кўп жиҳатдан таъсир кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда белгилайдиган ижтимоий-иқтисодий ҳолатга доимо мос келиши даркор.

Мамлакатимизда 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”, деб эълон қилиниши барчамизнинг зиммамизга қандай улкан масъулият юклаши, бу борада тайёрланаётган умумдавлат Дастурини ҳаётга татбиқ этиш биздан қанча куч ва маблағларни сафарбар этишни талаб қилиши ҳақида бугун гапириб ўтиришнинг, ўйлайманки, зарурати бўлмаса керак, деб таъкидлаган эди Президентимиз².

XX асрнинг сўнгги ўн беш йили ва XXI асрнинг бошида ҳаётга кириб келган кишиларнинг ёш авлодига тарих жамиятни тубдан янгилаш, тараққиёт ва ҳодисаларни янгича гушуниш, эскича фикрлаш схемаси ва қилипларидан чекинниш масалаларини ҳал этишда илгорлик билан иштирок этиш вазифасини юклади. “Одамларимизнинг тафаккури ва ҳаётга муносабати ўзгармоқда. Ўтмиш қилипларидан воз кечган жамиятимиз аъзолари ҳаётдаги ўз ўрнини янгича тасаввур этмоқда, ўз кучига ишончи ортиб бормоқда”³, – деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов. Шунинг учун «бошқарув тизимининг асосий, ҳал қилувчи жойларида замонавий фикр юритадиган, ўз халқи, ўз Ватани манфаатларига ғоят-садоқатли, юқори малакали кадрлар ишлаши керак»⁴.

Алоҳида, мустақил ижтимоий-демографик гуруҳ бўлган ёшлар муаммоларини тадқиқ этишнинг асосий методологик принциплари-конкрет-тарихий ёндашув. Ёшларга жамиятнинг таркибий қисми ва ўзига хос гуруҳи сифатида қараш керак. Айни маҳалда “киши психологиясини ва унинг хусусиятларини билмасдан туриб интеграция ҳамда ижтимоий қурилишни амалга ошириб бўлмайди”⁵. Унинг

¹ Каримов И. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган таътанали маросимдаги маъруза. XXI ASR газетаси. 2009 йил 10 декабрдаги сони.

² Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксаттириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

³ Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 375-бет.

⁴ Уша жойда. – 387-бет.

⁵ Гаджиев А.М. Алфавит сознания. – Т.: Изд-во медицинской литературы. 1999. – С.87.

шаклланиши ва ҳолатини шу жамият доирасида, унинг ички хусусиятларидан келиб чикиб таҳлил қилиш даркор.

Хуллас, ёшлар ижтимоий маънода ҳам кучли, ҳам заиф жиҳатларни ўзида диалектик тарзда қовуштиргани учун уларга, бир томондан, ижтимоий фаоллик, юкори даражада таъсирчанлик ва янгиликни ҳис этиш, идеалга бўлган эҳтиёж, оламни ижодий қайта қуришга ташналик, мурасасизлик, эҳтирослилиқ ва қизиққонлик ҳос бўлса, иккинчи томондан, сабрсизлик, бемулоҳаза танқид қилувчилик ҳамда нигилизм, барча нарсани инкор этиш жиҳатлари кўзга ташланади. Бу ҳол ёшларнинг шаклланиб келаётган турмуш тарзи жуда мураккаб ҳодиса эканлигини исботлайди. Уни нисбатан оддий схематизмга оид, деб бўлмайди, бу — объектив ва субъектив хусусиятга эга қўшлаб омиллар боғлиқ бўлган жонли жараёндир.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШДА НОДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ф.Мусаев ф.ф. д. ЎЗМУ

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши демократик институтлардан энг муҳими бўлган нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда тутган ўрнига боғлиқдир. Нодавлат ва жамоат ташкилотлари фуқаролар ижтимоий-сиёсий, маданий фаоллигининг кўрсаткичи ва индикатори сифатида жамият ҳаётида кечаётган демократик жараёнларнинг кўламини ифода этади. Президент Ислон Қаримов таъкидлаганидек нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескиш қучайтириш фуқаролик жамиятни шакллантиришнинг устувор йўналишларидан биридир. Бу йўналиш, аввало, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини қамайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўткази боришни такази этади. Бунинг учун, авваламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалиқ юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим. Демак нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги фаоллигини қўллаб-қувватлаш муҳим вазифадир.

Илмий адабиётларда нодавлат ва жамоат ташкилотлари турлича талқин қилинади. Айрим тадқиқотчилар нодавлат ва жамоат ташкилотларини нотижорат ташкилотлари ёки "учинчи сектор" деб ҳам атайдилар. Яъни, нодавлат ва жамоат ташкилотлари ишлаб чиқариш, тижорат, тадбиркорлик билан шуғулланмайдиган, аксинча, энг кам

таъминланган, химоясиз, давлат назоратидан четда қолган ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёж ва талабларини улар хоҳлагандек қондиришга, хизмат кўрсатишнинг энг сифатли кўрсаткичларига эришишга интиладиган, аксарият ҳолларда исёнкор руҳдаги талабалар, ночор ахволга тушиб қолган ишчилар, ёлғиз қолган қариялар, бемор, уйсиз, қаровсиз қолган болалар, ҳуқуқи топталган камчил миллатларнинг сўнгги умиди бўлиб хизмат қиладиган уюшмалардир. Улар умумбашарий кадриятлар, илғор урф-одатлар, жамиятдаги тотувлик фуқаролараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг ташаббускорларидир. Кўриниб турибдики, бу талкин тарафдорлари нодавлат ва жамоат ташкилотларига хайрияга оид, маърифий вазифаларни бажарувчи фуқаролик институтлари сифатида қарайдилар. Айримлар нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий функциялари ранг-баранг, улар фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга, уларнинг давлат ва жамият ишларини бошқариш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади, деб кўрсатадилар. Яна бир гуруҳ тадқиқотчилар эса нодавлат ва жамоат ташкилотлари халқаро алоқаларни ҳам бажаришини таъкидлайдилар. Бу асоссиз эмас.

Нодавлат, нотижорат ва жамоат ташкилотларининг ўзига хос хусусиятлари, уларни таснифлаш масалалари махсус тадқиқотни талаб этади. Масалан, Ўзбекистон тадбиркор аёллар уюшмаси нодавлат ташкилот ҳисобланади, лекин ўз аъзолари, субъектлари орқали тадбиркорлик билан шуғулланади. Аёлларга бизнестан сабоқ бериш, чет тилларни ўргатиш уларнинг компьютер саводхонлигини ошириш каби ишларни ҳам маълум бир ҳақ эвазига амалга оширади. Демак у хайрия ташкилоти эмас. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нодавлат ва жамоат ташкилотлари соф хайрия ташкилоти бўлиши керакми ёки ўзининг эҳтиёжларини қоплаши, муайян бир ҳақ эвазига ишлаши уларга хос хусусиятми? Агар пуллик хизмат кўрсатса (улар шундай ҳуқуққа эга), улар жамоат ташкилотлари эмас, балки тегишли ижтимоий вазифани бажарадиган, хизмат кўрсатадиган муассасага айланади. Бу каби саволлар нодавлат, нотижорат ва жамоат ташкилотларини махсус ўрганишни тоқазо қилади. Шунинг учун бу борада баҳс очиб ўтирмай Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат бирлашмалари тўғрисида" (1991 йил) ва "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги (1999 йил) қонунларида берилган таърифлардан келиб чиқиш билан чеклансак. 2005 йил 18 майда қатор нодавлат ташкилотларининг ташаббуси билан Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ташкил этилди. Ўз сафига икки юзга яқин ННТни бирлаштирган бу ассоциация мамлакатимиздаги нодавлат ва жамоат ташкилотларига илмий-услубий, амалий ёрдам кўрсатиб келяпти. Энг

мухими шундаки, ассоциация Ёш етакчилар форумини уюштириб иктидорли, ташаббускор ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги интилишларини қўллаб-қувватламоқда.

"Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ давлат бундай ташкилотларнинг ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлашни ўз зиммасига олади. Давлат уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, ижтимоий ҳаётда иштирок этиши учун ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ижтимоий фойдали айрим алоҳида дастурларига давлат ёрдам кўрсатиши ҳам мумкин. Қонунга биноан, давлат органлари ва улардаги мансабдор шахсларнинг нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашишига, шунингдек нодавлат-нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва улардаги мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди. ННТ халқаро алоқалар ўрнатиши, чет мамлакатлардаги шундай ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши ҳам мумкин. Бу улар фаолиятини ранг баранглаштиради, Ўзбекистоннинг халқаро маданий-гуманитар алоқалари кенгайишига ёрдам беради. Демак, давлатимиз бундай ташкилотларнинг ташаббуслар билан чиқиши ва кенг қўламли фаолият юритиши учун амалда зарур ҳуқуқий имкониятлар яратиб берапти.

Илгор чет давлатлар ҳаётида нодавлат-нотижорат ташкилотлар муҳим ўрин тутди. Масалан, АКШда 1 миллион 140 минг ННТ рўйхатга олинган. Бу дунё миқёсидаги энг катта кўрсаткичдир. Америка Қўшма Штатларида нодавлат нотижорат ташкилотлари тузила бошлаган илк даврданоқ фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш дастурларига эътибор қаратилган. Шу тариқа уммонорти давлатида ННТ фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий муҳофаза борасидаги вазифаларни ҳукуматдан босқичма-босқич ўз зиммасига олди. Айни пайтда ҳам АКШдаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари бу икки йўналишда мавқеи баланд бўлиб, улар етакчи ўрин тутди.

Буюк Британияда 2000–2001 йилларда 250 мингдан зиёд ННТ фаолият юритган. Ривожланиш хусусиятлари кўп масалаларда АҚШга мувофиқ келадиган Буюк Британияда ҳам нодавлат-нотижорат ташкилотлари биринчи навбатда, худди Америка Қўшма Штатларидаги каби, ижтимоий ҳимоя дастурлари ва фуқаролик ҳуқуқлари борасидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратди. Пировардида, ҳукумат бу борада амалий ҳаракат дастурларини уларга ишониб топширди.

Францияда нодавлат-нотижорат ташкилотлари иқтисодий ислохотлар жараёнида фаол иштирок этгани кузатилди. Мамлакат иккинчи жаҳон урушини катта йўқотишлар билан якунлади —

иктисодиёт бутунлай издан чиққан, ишсизлик қашшоқлик даражаси ошиб кетган эди. Ана шундай мураккаб даврда нодавлат-нотижорат ташкилотлари мамлакатда қашшоқликни тугатиш, иктисодиётни ислоҳ қилиш бўйича ташаббус дастурлари билан чиқди ва ҳукуматга катта амалий ёрдам кўрсатди.

Ўша йиллари 65 мингдан зиёд ННТ фаолият юритган Германияда ҳам мазкур муассасалар Франциядаги каби иктисодий тараққиёт дастурларида фаол қатнашди. Кўпгина мутахассислар Германиянинг ҳозирги даражага етишига нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳам улкан ҳисса қўшганини таъкидлашади. Дунёнинг илғор демократик давлатларидан бири сифатида эътироф этиладиган Швецияда ҳам нодавлат-нотижорат ташкилотлари иктисодий-сиёсий жараёнлар ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки билан ажралиб туради. Бу Скандинавия мамлакатида улар инсон ҳуқуқлари, хусусан, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлашга қаратилган кўплаб ижтимоий дастурларни амалга оширди. Ана шу ҳаракатлар самараси ўларок Швеция айни пайтда дунёдаги оммавий ахборот воситалари эркинлиги нисбатан яхши таъминланган санокли давлатлардан бири саналади.

Аслида аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари очиш бу ташкилотларнинг асосий мақсад-вазифаларига кирмайди. Шунга карамай, дунё миқёсида ҳам, юртимизда ҳам "учинчи сектор"да банд аҳоли сони ошиб бораётгани кузатилмоқда.

Жон Хопкинс номидаги институт таҳлилларига қараганда, АҚШда нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятида банд аҳоли сони 10 миллиондан ошади (бу иш билан банд бўлган катламнинг 6,9 фоизи демакдир). Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятида кўнгилли равишда иш олиб борганлар сони эса 93 миллиондан ошади. Кўриниб турибдики, "учинчи сектор" фуқароларни иш билан таъмин этиш борасида ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

Хўш, нодавлат ва жамоат ташкилотлари халқ ҳокимиятчилигини ривожлантиришда қандай аҳамиятли вазифаларни бажаради? Бугун мамлакатимиздаги бундай фуқаролик институтлар имкониятларидан фойдаланиш керакли даражада йулга қўйилганми? Бу борадаги муаммолар нималардан иборат?

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини ўрганиш уларнинг халқ ҳокимиятчилиги тўлақонли ишлашини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини қуйидаги йўналишларда қарашга ундайди:

- бозор иктисодиёти механизмларини жорий этиш ва эркин фаолият олиб боришни қўллаб-қувватлаш;
- ҳукумат идораларини, уларнинг қонунларга амал қилишини, фуқароларнинг ҳуқуқларини жойига қўйишини назорат қилиш;

- аҳолига маданий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш;
- миллий-маданий меросни ўрганиш ва тарғиб қилиш;
- иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва бу борада давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш;

- мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш, уларга ижодий кучларни сафарбар этиш;

- маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш институтлари билан бирга оммавий-маданий тadbирлар уюштириш;

- баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган миллий дастурларни амалга оширишда қатнашиш ва ҳоказо.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга бефарқ бўла олмайди. Айниқса, бозор иқтисодиёти барча институтлар каби уларнинг ҳам эркин фаолият юритиш жараёнларида фаол қатнашишини талаб этади. Яъни, бозор иқтисодиёти механизмларини жорий этиш ва эркин фаолиятни қўллаб-қувватлаш улар қиладиган ишнинг асоси ҳисобланади. Чунки, айнан эркин фаолият юритишга асосланган бозор иқтисодиёти нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ҳақиқий фуқаролар институтлари сифатида ислохотларда қатнашишга имкон беради.

Фуқаролик жамиятининг характерли хусусияти шундаки, унда иқтисодиёт товарлар ва хизматларни айирибошлаш ҳамда фаолият алмашуви жараёни бўлиб, алоҳида-алоҳида индивидлар ижтимоий жамоаларга бирлашадилар. Бунда, биринчи навбатда, индивидлар муносабатлар субъекти ҳисобланади. Иккинчидан, индивидлар бирлашган ижтимоий гуруҳларнинг роли яққол сезилиб туради. Ижтимоий меҳнат тақсимооти тизимида манфаат эгалари турли ўрин ва мавқега, турли мулк шакллари ва маданиятга эга бўлсалар-да, барибир муштарак манфаатларни ифода этадилар. Бу фуқаролик жамиятининг ижтимоий таркибини ташкил этади. Бу ижтимоий таркиб фуқаролик жамияти қонуниятларига кўра, муносабатлар субъектини эркин фаолият кўрсатишга ўз-ўзини бошқариш механизмларидан фойдаланишга ундайди. Бундай механизмларсиз ижтимоий таркибда маъмурий бошқарув, бюрократия, коррупция каби салбий ҳоллар юзага келади. Шунинг учун индивидларнинг ҳар хил бирлашмалари касба уюшмалари, тadbиркорлар иттифоклари, истеъмолчилар жамиятлари ҳуллас, нодавлат ва жамоат ташкилотлари (Шартнома асосида) ўзаро алоқа ўрнатадилар ва шу тариқа муайян даражада фуқаролик жамиятининг уйғун ривожланишини таъминлаб турадилар. Албатта, бу алоқалар сиёсий куч бўлмиш давлат доирасидан ташқарида рўй беради. Давлат бу ерда замин вазифасини ўтайди, ҳолос.

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятининг характерли жиҳати ўз-ўзини бошқаришдир. Демак ўз-ўзини бошқариш механизмлари фуқаролик жамиятининг шаклланиш шарти сифатида, аввало, давлат ва жамият ишларини бошқаришда тўла намоён бўлиши шарт.

Президент Ислом Каримов мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш муаммоларига тўхталганда, бошқарув тизимига бориб тақаладиган эскича қараш илдизлари иқтисодий ва демократик ислохотлар йўлида катта тўсиқ бўлиб турганини таъкидлайди. Хусусан, "Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли" асарида бундай дейди: "... биз кўп ҳолларда эски маъмурий -буйруқбозлик ва тақсимлаш тизимининг ҳамон давом этиб келаётган, ўта яшовчан қоллипларидан воз кеча олмаяпмиз. ...Масалан, корхоналар томонидан ихтиёрий равишда ташкил этиладиган уюшма бошқаруви ўзини таъсис этган корхоналар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ёки бўшатади. Ваҳоланки, қонунга кўра, уюшма бошқаруви ўзини таъсис этган корхоналар назорати остида бўлмоғи лозим. Бу соҳадаги яна бир муаммо – турли бошқарув тузилмалари ва бўғинларининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетгани билан боғлиқ"¹.

Бозор иқтисодиёти қонуниятларига зид бўлган бундай ҳолларни бартараф этиш учун Президент Ислом Каримов давлат ролини кескин чеклаш, давлатнинг бошқарув тузилмалари ва уларнинг вазифаларини қисқартириш, давлат бошқарув органларини сақлаб туришга кетадиган харажатларни камайтириш, давлат вазифалари ва ваколатлари тобора кўпроқ, жамоат ва нодавлат ташкилотларига, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига ўтиши кераклигини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда давлат органларида бошқарувга кетадиган сарф-харажат ва лавозимлар қисқартирилди. Бу ислохот нодавлат ва жамоат ташкилотларининг кўпайишига, уларнинг янада фаол ишлашига олиб келади, албатта. Нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳукумат идораларининг Қонунларга амал қилишини, фуқароларнинг ҳуқуқларини жойига қўйишини назорат қилиш функциясини ҳам бажаради. Жамият ва давлат ишларини бошқаришда маъмурий буйруқбозлик коррупция, порахўрлик протекционизм каби иллатларнинг юзага келмаслиги ва илдиз отмаслиги учун фуқаролар институтларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги зарур. Бу иллатларни Президент Ислом Каримов кўп тилга олади. Унинг таъкидашича, ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиладиган тизим бўлиб

¹ Каримов.И. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 1-том. Т.: Ўзбекистан, 2003. 364-305-бетлар.

колаверади. Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бутун дунёда қонунбузарликка, берилган ваколат ва вазифаларнинг суистеъмол қилинишига, коррупцияга қарши, аynи вақтда, барча ўзбошимчалик ва волюнтаристик қарорлар қабул қилишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбир, деб тан олинади. Илмий адабиётларда жамият ва фуқаролар институтларининг давлат ҳокимияти устидан назорат ўрнатиши фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг шarti сифатида қайд этилса-да, бу мавзу махсус тадқиқ қилинмаган. Ушбу фаолият қандай амалга оширилади, унинг турли институтларга хос белгилари нималардан иборат, қандай механизмлар, усуллар назоратни самарали қилади, деган саволларга жавоб деярли йўқ. Аслида бундай назорат кўп жиҳатдан фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги, маданияти ва фаоллиги қай даражада эканлигига боғлиқ. Бу борадаги қолоқлик айрим мансабдор шахсларда ҳокимият берган ваколатларни суистеъмол қилиш, улардан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш истагини авж олдиради. Одамзодга хос энг кучли ҳаяжонлар уйғотувчи туйғулар ҳокимиятдан завқланиш, ҳокимиятга қанқоқлик, ҳеч нарса билан ҳисоблашмай ҳокимиятни эгаллашга интилиш ва уни нима қилиб бўлса ҳам саклаб қолиш, янада кучайтириш ҳиссиётларидир. Фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги, маданияти ва фаоллиги етарли даражада бўлмаса, мансабдор шахсда ана шу ҳиссиётлар тобора устун келаверади.

Демак, фуқароларнинг бу фазилатлари бошқарувдаги салбий ҳолатлар юзага келишига, уларнинг авж олиб, вайронкор омилга айланишига имкон бермайди. Бинобарин, фуқаролик институтларининг бошқарувда иштирок этиши, давлат институтлари фаолиятини назорат қилиши жамиятнинг демократия томоёнликларга мувофиқ ривожланишини таъминлайди.

Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни, — дейди Президент Ислам Каримов "Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида" асарида, — кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиш, ўзлари қандай бошқарилаётгани ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлашига ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидаги ўз масъулиятларини ҳис қиладилар".¹

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари ижтимоий-маданий ҳаётда иштирок этиб, маҳаллий ҳокимиятнинг бу йўналишдаги тадбирларига,

қабул киладиган қарорларига, амалий ҳаётига бой маъно-мазмун, муайян бир мақсадга, фуқароларнинг аниқ маданий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилганлик бахш этадилар. Шу тариқа улар ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш даражасини, сифатини ошириш функциясини бажарадилар.

ИДЕЙНОЕ ВОСПИТАНИЕ КАК ДВИЖУЩАЯ СИЛА В ФОРМИРОВАНИИ МИРОВОЗЗРЕНИЯ МОЛОДЕЖИ

А.А.Усманова, доцент, УМЭД

Одним из важных направлений в формировании мировоззрения является идейное воспитание. Это есть процесс, во-первых, внедрения в сердце и сознание человека философских, политических, правовых, эстетических, нравственных, художественных, религиозных, профессиональных понятий, взглядов и навыков. Во-вторых, объяснение ему противоречий между добром и злом, добродетелью и жестокостью, созидательностью и разрушительностью. В-третьих, последовательное внедрение в сознание молодого человека определенных принципов и компонентов идеологии.

На самом деле, всякое воспитание, по своей цели и сути, имеет идейное содержание. В здоровом обществе процесс воспитания в семье, детском саду, махалле, школе, колледже, лицее, университете или академии, на производстве должен направляться на совершенствование духовного мира человека, на обогащение его знаний, на формирование качеств, необходимых для расцвета общества, в котором он живет. Целью здорового идейного воспитания является формирование у каждого члена общества, социального слоя или группы преданности к добродетельным идеям, сознания и чувства ответственности за реализацию благородных целей, формирование идеологического иммунитета к чуждым и вредным идеям. А это создает возможность появлению новых ценных идей, дающих толчок развитию общества, превращению их в фактор обогащения образа мышления и созидательной деятельности каждого гражданина. Именно поэтому, идеология национальной независимости выражает перспективные интересы людей, проживающих в Узбекистане, отражает их самые здоровые мечты и стремления. Эффект идейного воспитания проявляется в новом мировоззрении, высоком убеждении, твердой вере, в ответственности перед Родиной и народом, патриотизме, самоотверженности, самоутверждении, самореализации и других подобных качествах. Основу такого мировоззрения составляет система

убеждений и принципов, формирующихся под воздействием идей. Мировоззрение выражается в совокупности знаний и представлений, приведенных в определенный порядок, в систему. Оно призывает личность к занятию своего места в обществе, к определенным действиям исходя из своих целей и ценностей.

С первых лет независимости в сознании молодёжи формируется любовь к Родине, национальным ценностям и традициям, благосклонность к родителям, семье и махалле, стремление к овладению профессиями и знаниями, бережное отношение к достигнутым успехам. Вопросы воспитания образованных, творчески настроенных, креативно мыслящих, умеющих достойно конкурировать на рынке труда молодых специалистов занимают приоритетное направление в деле воспитания, обучения и просвещения молодого поколения. Как отметил И.Каримов, «Подготовка квалифицированных, обладающих современными знаниями, своевременно мыслящих кадров – это ключ в решении многих наших проблем: и общественно-политических, и экономических»¹. И, в этой связи, основным условием для достижения намеченных высоких рубежей, отвечающих требованиям времени, преодолевая сложные, нелегкие испытания, являются целенаправленные, последовательные действия по воспитанию именно всесторонне развитого молодого поколения.

Учреждения обучения и воспитания в нашей стране являются важными организационными каналами для внедрения в сердца и сознания молодежи стратегии развития Узбекистана, целей и намерений народа, основных понятий и принципов идеологии национальной независимости. Кроме того, национальные ценности, накопленные в течение веков и передаваемые от поколения к поколению – это бесценное наследие. Сюда входят и обычаи, обряды, праздники. Они могут быть использованы для внедрения в сознание людей как основных идей идеологии национальной идеологии. Особенно большое значение имеют такие праздники и обряды, как Навруз, дни Независимости, Учителей и наставников, Памяти и почестей. Когда формируется идейное воспитание как одна из основ мировоззрения мобилизуются интересы, потребности и устремления для поиска нового сознания, мышления направленного на создание свободного и благоустроенного общества, в котором движущей силой становятся молодые люди. Одним из ярких тому примеров стало объявление Президентом нашей страны 2010 года «Годом гармонично развитого поколения». Это дало мощный импульс для открытия широких возможностей и условий формирования в стране физически и морально

¹ Каримов И.А. За безопасность и мир надо бороться. Т.10. –Т.: «Ўзбекистон», 2002. – С.219.

здоровых молодых людей, успешно осваивающих современные знания и достижения научно-технического прогресса, новых технологий, обеспечения защиты их прав и интересов.

Объявленный двумя годами ранее 2008 год – «Годом молодежи», превратился в настоящее общенациональное движение республики, объединившее всё многомиллионное население страны для одной главной идеи – придать силу современному становлению и развитию молодого поколения, которой суждено сыграть решающую роль в будущем Узбекистана.

Благодаря Году молодежи появилась целая плеяда новых имен одаренных и талантливых юношей и девушек, которые с достоинством вносят свой вклад в развитие нашего общества. Они смогли занять новые высоты в науке, производстве, сельском хозяйстве, спорте, культуре. Молодежь поверила в возможности реализации своего потенциала, силы и способностей. Многих представителей нового поколения Узбекистана узнало мировое сообщество.

Объявленный Президентом И.Каримовым 2011 год – «Годом малого бизнеса и частного предпринимательства», открыл широкие возможности для молодежи нашей страны достойно применить свои профессиональные знания и опыт в предпринимательской деятельности, государственном секторе. Появились десятки тысяч новых рабочих мест, были созданы и создаются благоприятные условия для трудовой деятельности на местах. Для каждого юноши и девушки, устремленного к целенаправленному использованию своего интеллектуального и физического потенциала предоставляется выбор стать высококвалифицированной рабочей силой, грамотным специалистом, способным взять на себя ответственность за дальнейшее процветание страны. Было бы ошибочно отнести такого рода государственные акции к разовым мероприятиям. Ведь с первых лет независимости Узбекистан определил заботу о подрастающем поколении в качестве одного из приоритетных направлений государственной политики. В государственных программах «Год семьи», «Год женщин», «Год здорового поколения», «Год матери и ребенка», «Год социальной защиты» и др., десятках законодательных документах центральное место заняли именно вопросы идейного воспитания молодого поколения, его современного мировоззрения способного осуществить намеченные цели и задачи для дальнейшего повышения благосостояния нашего народа.

ИСЛОМДА ИРҚИЙ ТЕНГЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК МАСАЛАЛАРИ

М.Айтбоев, УрДУ, тадқиқотчи

Ислом дини неча-печа асрлар мобайнида одамларни, жамият аъзоларини улуг мақсадлар йўлида бирлаштиришга, ҳамжиҳат бўлишга, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашга, эзгу мақсадлар йўлида қўлни қўлга беришга, ўзаро низолар, қонли тўқнашувларга, миллий, ирқий ҳамда диний камситишларга йўл қўймасликка, умумий уйғимиз – қурраи заминда дўст-биродар, аҳил-ҳамкор бўлиб яшашга, умуминсоний маданият, маънавият ва маърифат бойликларидан, жаҳон цивилизацияси ютуқларидан ўзаро баҳраманд бўлишга даъват этиб келмоқда.

Халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, маънавиятнинг ахлоқий ва маърифий камолотида етакчи ўрин тутадиган, ҳалоллик ва поклик, иймон ва эътиқод, меҳнатсеварлик ва ватанпарварлик, эзгулик ва саховат, бағрикенглик ва меҳр-оқибат каби эзгу масалаларнинг бирортаси ҳам ислом динида эътибордан четда қолган эмас.

Одамлар ўртасида уларнинг рангларида қатъи назар ҳақиқий тенгликни қарор топтириш ва ушбу тенгликнинг асоси Қуръони Каримнинг Хужурот сураси, 13-оятида: “Албатта, сизларнинг ҳурматлироғингиз тақвадорроғингиздир”,¹ деганидан, Пайғамбар алайҳиссалом ўзларининг барҳаёт таълимотини: “Инсонлар Одамдан, Одам эса тупроқдандир. Арабнинг ажамга, оқнинг қорага тақводан ўзга ҳеч бир устуниги йўқдир”, дея эълон этиш учун вадо ҳажида турган пайтидан кейин майдонга чиққанлар. Ҳажда башарият унсурларининг барчаси, оқу қора бир тепаликда бир хил кийимда, оқ қорани айирмасдан ёки бир-биридан юқори бўлмасдан учрашганларида амалга ошади. Балки биз бундан-да юксакроқ ҳолни кўрамизки, Расулуллоҳ (с.а.в.) Макка фатҳи куни Билол Ҳабашийнинг Каъбанинг устига чиқиб азон айтишига, ҳақ калимани эълон этишига амир этдилар. Ваҳоланки, Каъба жоҳилиятда арабларнинг муқаддас ҳарамиди, Исломда эса муаззам кибла эди. Қандай қилиб, унга Билол каби қора қул чиқади?... Қандай қилиб, уни қадамлари билан босади? Албатта, бунингдек ёки бунга яқинроқ нарсани янги ҳазораларда тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин Ислом ҳазораси буни ўн тўрт аср олдин амалга оширди. Билолнинг Каъба сатҳига кўтарилиши инсоннинг ҳар нарсадан мукаррам эканлигини эълон этишдан ўзга нарса эмас. Албатта инсон бу мукаррамликка юз чиройи ва оқлиги учун эмас илми, ақли, ахлоқи ва иймони учун мустаҳик бўлди. Ирк ирқка, ранг рангга устун бўлмаган ҳазора оқил ва

¹ “Қуръони карим”. Ўзбекча изоҳли таржима. Алиуддин Мансур. – Т.: Чўлпон. 1992 й. 392-бет.

мукаррам инсон яратган, у билан онгли, мукаррам инсоният бахт – саодатли бўладиган ҳазорадир¹.

Демак, Ислом ҳазораси ок билан қора ўртасида унсурий айирмани билмаган. Унда оқлар яшамайдиган, коралар учун махсус жамият бўлмаган. Ислом ҳазораси инсоний бўлиб, у одамларнинг ҳаммасига ҳақ ва эзгулик кўзи билан қарайди. Исломда ирқий тенгликни мустаҳкамловчи ва таъминловчи асосий инсоний фазилат бу бағрикенгликдир. Ирқлар ўртасида бағрикенгликнинг шаклланганлиги улар ўртасида тенглик, биродарлик, ҳамжиҳатлик ва ҳурматни мустаҳкамлаган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, инсоният тарихида фақат Ислом дини ёйилгандан кейин «бошқа дин вакиллари билан қандай қилиб тинч-тотув яшаш мумкин?» деган савол ўртага ташланган. Ислом дини турли динга эътиқод ва амал қилувчилар билан биргаликда, бир жамиятда яшашлари мумкинлиги ҳақидаги инсонпарвар гоёни илгари сурган.

Аллоҳ таоло томонидан ато этилган иймон етмишдан ортиқ бўлақлардан иборат бўлиб, у барча фазилатларга эга бўлмиш ва барча разолатлардан узоқ бўлишга ундовчи омилдир. Имоннинг бир бўлаги бўлган ҳаё бутунлигича фақат яхшилик келтирувчи фазилат эканлиги барчамизга маълум. Сабр эса, ҳаёдан кўра улуғроқ ва фазилатлироқдир. Чунки Расулulloҳ (с.а.в.): “Сабр иймоннинг ярмидир”, деганлар.² Қуръони каримнинг юзга яқин оятларида сабр ҳақида сўз юритилган.

Аллоҳ таоло сабрга буюрар экан: “Чиройли сабр билан сабр қилинг!”³, деб марҳамат қилади Қуръони каримнинг Маориж сураси, 5-оятда. Ўзининг доимо сабр қилувчилар билан бирга эканини маълум қилиб, Қуръони каримнинг Бақара сураси, 153-оятда: “Эй, иймон келтирганлар! Сабр ва намоз билан (Мендан) ёрдам сурангизлар! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир”, дейди.⁴ Оли Имрон сурасининг 146-оятда эса: “Аллоҳ сабр қилувчиларни севади”,⁵ деб марҳамат қилади. Аллоҳ таоло Ўзи севган бандаларига, катта мукофотларни беради. Бу ҳақда Қуръони каримнинг Инсон сураси, 12-оятда шундай марҳамат қилинади: “Сабрлари сабабли (Аллоҳ) уларни жаннат ва (эгиларига) ипак (либослар) билан мукофотлайди”⁶. Қуръони каримнинг Фурқон сураси. 75-76-оятларида эса: “Айнан ўшалар сабр қилганлари сабабли (жаннатдаги) юксак даражалар билан мукофотланурлар ва у жойда (фаришталар томонидан) салом ва

¹ “Ислом Ҳазораси.” Аҳмад Муҳаммад. –Т.: Моварауннаҳр. 2004 й. 35-36-бетлар

² Ислом маърифати. –Т.: Тошкент ислом университети. 2005 й. 39-бет

³ “Қуръони карим”. Ўзбекча изоҳли таржима. Алоуддин Мансур. –Т.: Чўлпон., 1992. 458-бет.

⁴ Ўша манба. 19-бет.

⁵ Ўша манба. 48-бет.

⁶ Ўша манба. 477-бет.

омонлик билан қарши олинурлар. Улар ўша жойда мангу қолурлар. У энг гузал кароргоҳ ва энг гузал даргоҳдир”, дейилади¹.

Сабр-бардошли бўлиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилатлардан биридир. Аجدодларимиз тилларида жаранглаб халқ орасида кенг тарқалган “Сабр таги сарик олтин” каби мақоллар ҳам сўзимизнинг далилидир. Аجدодларимиз ўз фарзандларини сабрли қилиб тарбиялашга катта эътибор берганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.) сабрни уч турга бўлиб, ибодатда сабрли бўлиш, гуноҳдан сакланиш, мусибат ва машаққатларга сабрли бўлишга буюрганлар. Инсон сабр қувватини ана шу ишларга сарфласа, унга кифоя қилади. Ҳеч қачон сабр косам тўлди, демайди.

Ислом дини мазкур масалада фақат ақида масаласидаги багрикенглик билан кифояланиб қолмади. Балки, ҳаётнинг барча соҳаларида ҳам турли дин вакиллари бир жамиятда, биргаликда яшашлари учун керак бўлган қонун-қоидаларини яратди.

Турли дин вакиллари бирга яшашлари, бир-бирларига кўнгил кўйишлари, бир-бирларини меҳмон қилишларини ҳисобга олиб, мусулмонларга бошқа диндаги аёллар билан турмуш қуриш ва улар сўйган ҳалол ҳайвонлар гўштини тановул қилишни мақсадга мувофиқ деб билган.

Исломда бир жамиятда яшовчи бошқа дин вакиллари учун шахсий эркинлик, ҳурфикрлилик, ақида мустақиллиги, жон, мол, обрў ва бошқаларнинг дахлсизлиги тўлиқ кафолатланади. Жамият аъзолари юклатилган мажбуриятларга масъул ҳам бўлади.

Шунингдек, Ислом дини мусулмон давлатга бошқа дин вакилларининг ибодатхоналарини ҳимоя қилиш, уларнинг диний-ақидавий масалаларига аралашмаслик ҳамда уларга жабр қилмасликни, уларни мусулмонлар билан тенг кўришни ва барча инсоний ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилишни зарур деб билади.

ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Н.Содиқова, ТТЕСИ

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Оғир иқтисодий, ижтимоий, сиёсий қийинчиликларни енгиб ўтиб, таракқиёт йўлига кирган мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, унга ривожланган мамлакатларнинг илғор технологияларини жорий қилиш, миллий кадриятларимизни сингдирган ҳолда таълимни

¹. Уша манба. 261-бет.

ташкил этиш, бу жараёни пухта ва самарали амалга ошириш ишлари бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада 1997 йил тарихий ҳужжат Республикамизда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Унинг асосий мақсади мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш, қонинсон ва етук малакали мутахассислар тайёрлашдир. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг асосий таркибий қисмларини шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш ташкил этади. Маъмур қонун ва дастурни руёбга чиқариш таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни, яъни халқ таълими тараққиётнинг қоидаларини қайта кўриб чиқишни ва уни ўз вақтида ҳал қилишни тақозо этмоқда. Чунки, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ХХІ асрда яшайдиган, ижод қиладиган, Ватан ва юрт мустақиллигини мустаҳкамловчи, инсонларнинг манфаатини, уларнинг билими, кўникма ва малакасини шакллантиришга алоҳида аҳамият берилган замонавий ахборот технологиялар, таълимни компьютерлаштириш ва компьютерлаш тармоқлари тизимида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашнинг ривожланишига эътибор қаратилган. Зеро, миллий дастурда эътироф этилганидек, таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот воситаларнинг таълим соҳасидаги вазибаларини белгилаш” малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим муаммоларидандир. Демак, янги аср информацион технологиялар асри бўлди. Янги аср халқаро, иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон миқёсидаги интеллектуал салоҳият, ақл-заковатнинг бирлашув асри.

Бугунги кунда биз янги технологияларга сарфланаётган маблағлар қай даражада ўзини оқлашини, уларни таълим сифатини ошириш, ахборотлар ва телекоммуникацияли технологиялар ҳамда таълимни ривожлантиришга таъсири қандай бўлишини тасаввур қила олишимиз шарт. Кўп ҳолларда “Таълимнинг компьютер технология”лари ибораси “ахборот технология”лари ибораси билан алмаштириб юборилади. Бу ўринда асосий анъанавий педагогик технологиялардан фарқи, компьютер тармоқларига уланган, дастурлаштирилган, халқаро алоқаларни ҳам таъминлашга қодир тизим назарда тутилмоқда. Бу ҳолат сўнгги йилларда жамият ҳаётида компьютерларнинг аҳамияти, халқ хужалигининг барча тармоқларида турли хил ахборотларга нисбатан эҳтиёжнинг ортиб бориши билан изоҳланади.

Ахборот технологияларни таълим жараёнига сингдиришнинг афзалликларини эътироф этишимиз керак: Биринчидан, таълим жараёнида компьютерлар ва телекоммуникация воситаларининг қўлланиши талабаларнинг улар билан бемалол ишлай олишлари

педагогик жараёндаги энг муҳим камчиликлардан бири ҳисобланган субъективизмни чеклайди. Масалан, агар талабанинг жавоби ёки бевосита узолаштиришни баҳолаш ўқитувчининг талаба шахсига муносабати таъсирида кечган бўлса, машиналар воситасида бериладиган маълумотлар объектив характерга эга бўлади.

Иккинчидан, компьютер орқали болага етказилаётган маълумотни зарурат бўлса, қайта-қайта чакириш ва такрорлаш имконияти ҳам бор.

Учинчидан, ҳар бир профессор-ўқитувчининг ўзига хос дарсни тушунтириш услуби дидактик услуби мавжуд. Компьютер орқали ёки масофали алоқа воситалардан фойдаланиш улар ичидаги самарасиз услубиятларга барҳам беради.

Тўртинчидан, янгича ахборотларни узатиш технологияларни тизим билан ўзида ифода этиб, унда схемалар, расмлар, жадваллар, график ва диаграммаларга кенг ўрин берилди. Бу нарса ёшларда образли хотирани анча жонлантириб, эслаб қолиш қобилиятини кучайтириши мумкин.

Бешинчидан, ушбу ахборот воситаларидаги маълумотларни кичик ҳажмли дискетларга ёзиб олиш, керак жойда улардан фойдаланиш мумкин. Бу ҳам вақтни, ҳам маблағни тежайди, иқтисодий жиҳатдан юзлаб тиражларда чоп этилаётган китоблардан арзон тушади. Энг муҳими, манфаатдор аудитория хоҳлаган маълумотини бир хил сифат ва тизимда олиши мумкин бўлади. Ниҳоят, улар ахборот асри деб эътироф этилаётган янги асрда яшаб ижод қилувчи ёшларнинг онгини ўстирадиган, улардаги техник воситалардан чўчиш ҳиссини йўқотади. Хуллас, таълим муассасаларининг бу нарсага сарфланган маблағлари беҳуда кетмаслиги эҳтимолдан холи эмас.

Агар биз ҳар бир ёш қалбида Ватанга муҳаббат, касбга садоқат, пок иймон ва одамгарчиликни тарбиялай олесак, улар халқаро ахборот тизимлари орқали бизнинг фикрлаш тарзимиз, урф-одатларимиз, миллий кадриятларимизга зид бўлган маълумотларни танқидсиз қабул қилмайдиган, юртимиз истиқболига хизмат этадиганларинигина саралаб олиш қобилиятига эга бўладилар. Бунинг учун биз ёшларимизда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек мафкуравий иммунитетни тарбиялашимиз керак.

Бугун ўқитишнинг тежамкорлиги ва оқилоналиги ўқитувчи, техника ва технология, таълим иқтисодиёти, ўқитишни компьютерлаштириш ва шунга ўхшашлар ҳақида тез-тез гапиришмоқда. Адабиётларда "Янги тартиб-қоида", "Янгилик", "Инновация" тушунчаларининг маънавий мазмунини аниқлашнинг турлича талқинлари мавжуд.

Янги тартиб қоида моддий маънода ижобий илғор янгиликни, бу тушунчани қабул қиладиган ва ундан фойдаланадиган ташкилий

система учун янги бўлган гоё фаолият ёки моддий объектни англатади. “Янги тартиб қоида”, “Инновацион жараён” атамалари айнан ўхшаш бир хил маънога эга. Инновациялар таълимнинг бошлангандан буён, янгилик киритиш, мавжуд таълим ўзгартириш, такомиллаштириш ва яхшилаш сифатига у билан ёнма-ён келмокда. Янгилик – бу техник, технологик ихтиро ва ютуқлардан амалий фойдаланишдир. У педагогик категория сифатида таълимга янгилик киритишни англатади. Янгилик кўпинча янги методлар, усуллар, воситалар, янги концепциялар, янги ўқув дастурлари, тарбия усуллари ва бошқаларни киритиш ҳамда қўлланишга хосдир.

Янги техник воситалар янги технологиялар таълимда янги тартиб қоидаларга киритиш учун энг муҳим компонентлардан биридир. Бирок уларни қандай қилиб тадбиқ этиш ва амалда фойдаланишни билиш аслида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бунинг учун махсус тайёргарлик, катта куч ва кўп вақт сарфлаш лозим, яъни таълимда инновацион жараёнларига тадбиқ этилиш билан, ўқитувчининг роли пасаяди эмас, балки ўқув тарбия жараёнининг босқичлари яна ҳам ортади. Бу эса педагогикадан ўз илмини янгидан, танқидий таҳлил этишини талаб этади. Чунки янги тартиб-қоидалардан фойдаландими ёки ахборот манбаи сифатида келиб кетадими, бу нарса айни ўқитувчига боғлиқ. Ўқитувчи ўқув технологиясининг бевосита тартиб қоидаларга жиддий тайёрланган, йўл-йўриқ олган, мосланган, руҳланган ва мойил бўлиши лозим.

Педагогнинг ижодий потенциали унинг ижодкорлик шахсиятини шакллантиришга интилишида, педагогик одобнинг намоён бўлиши, қобилият, тасаввурни рағбатлантириш, юмор ҳиссини ривожлантириш, қизиқарли, қўйилмаган саволларни қўйиш ўқувчи, ўқитувчи талабаларни савол беришга жалб қилиш ва ҳ.к. орқали амалга оширилиши мумкин.

Педагогик жараёнда ўзининг янги гоёларини ишлаб чиқиш, қобилиятини доимо ривожлантириш ва такомиллаштириш ўқитувчининг иқтидорига боғлиқ. Педагогик ижодиёт ўз моҳиятига кўра одамнинг янги билимлари ҳосил қилиш ва такомиллаштириш буйича ижодий ишининг касбий-махсус ифодасидир. Педагогик изланиш ўқитишда доимо маълум йуналишдаги субъектга нисбатан аниқлаштирилган бўлади. Педагогик изланиш натижалари янгиликнинг асосий намоён бўлиш шакллари кундалик ўқув-тарбиявий муаммоларни ностандарт ечимлари, педагогик таъсир усуллари методик ва назарий ишлаб чиқиш, ихтиро этиш, такомиллаштириш якунлари ва улардан самарали фойдаланиш усуллардан иборат бўлади. Янги педагогик технологияда ўқувчиларнинг билимларни ўз вақтида назорат қилиш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Бунда ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш натижаларига қараб давлат таълим стандартларининг қандай бажарилаётганлигини текшириб борилади ва вазифалар белгиланади. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш натижасида ўқувчи талабаларда билимлар янада кенгаяди. Таълим соҳасидаги яхши натижалар ёшлар тарбиясига ҳам таъсир кўрсатади. Уларда кўтаринки рух, ўз кучига бўлган ишонч ва кизиқишлар пайдо бўлади.

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ў.Юсупов, доц. ТДПУ

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши катта аҳамиятга эга бўлган тарихий ҳодиса ҳисобланиб, у халқимизга ўз тақдирини ўзи белгилаш тараққиёт йўлини танлаб олиш ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш имкониятларини яратиб берди. Ўзбекистоннинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши ақл-идрокли куч ғайратли маънавий жиҳатдан етук бўлган ёшларга боғлиқдир. Юксак маънавиятга эришган Ўзбекистоннинг келажағидир. Шунинг учун ҳам Президент И.Каримов Ватан, миллат, мустақиллик манфаатларини барча нарсадан устун қўядиган юксак билимли, маърифатли, соғлом, ҳар томонлама етук бўлган ёшларни вояга етказиш энг биринчи галдаги вазифалардан бири эканлигини доимо таъкидлаб келмоқда.

Мустақиллик шарофати билан Президент томонидан миллий-маънавий тикланиш концепцияни ишлаб чиқилди ва ушбу концепцияда ёшлар камолотида аجدодларимиз томонидан асрлар мобайнида шакллантирилган маънавий мероснинг ўрни ва аҳамияти катта эканлиги ҳар томонлама асослаб берилган.

Жаҳон илм-фани тараққиётига миллий маънавиятимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган буюк алломаларимиз томонидан қолдирилган маънавий меросимиз ҳар бир жамият аъзосининг дунёқарашини, айниқса, ёшларнинг дунёқарашини юксалтиришга катта ҳисса қўшиб, уларнинг ижтимоий жиҳатдан фаолашиб боришларига хизмат қилади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ баркамол шахсларни тарбиялаб вояга етказиш мамлакатимиз олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айланган эди.

Ўзбекистон келажагида катта роль ўйнайдиган ҳар томонлама етук баркамол шахсларни вояга етказишнинг имкониятлари хилма-хил бўлиб, улар орасида маънавий меросимизнинг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида бойитиб келинган маънавий меросда таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат ҳақида билдирилган фикрлар ёш авлод тарбиясида доимо катта аҳамиятга эга бўлиб келган.

Бугунги кунда бундай маънавий меросимиз илм-фан соҳасида эришилган ютуқлар билан бойитиб борилса, янги инновацион усуллардан фойдаланилса, кўплаб ижобий натижалар келтириб чиқаради. Инсон баркамоллигининг етуқлигининг асосий заминларидан бири доимо маънавият бўлиб келган, шунинг учун ҳам аждодларимиз жамият маънавайи ҳаётини юксалтиришга доимо катта эътибор бериб келганлар.

Юксак маънавиятли шахслар ўз олдларида турган масъулиятни ҳис қилиб, ижтимоий жиҳатдан фаоллашиб борадилар ва жамиятда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёнида фаол қатнашадилар, Маънавияти паст бўлган ёшлар жамиятда ўз ўринларини топа олмайди ва унинг оқибатлари жамият ҳаётининг барча соҳаларида кўплаб салбий натижаларни келтириб чиқаради.

Масъулиятли давр ҳисобланган бугунги кун маънавий жиҳатдан баркамол бўлган ёшларни вояга етказишни замон талабига айлантирди.

Жамият ҳаётининг барча соҳалари сингари маънавий-маърифий соҳаларда ҳам қатор ислохотлар амалга оширилиб бугунги кунда улар ўз натижаларини келтириб чиқармоқда.

Ёшлар тарбиясида маънавий меросимиздан ўринли фойдалана олишлиги ёшлар камолотининг муҳим замини бўлиб хизмат қилмоқда. Маънавий меросимизнинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни ҳақида гапириб Президент И.Каримов қуйидаги фикрларни билдириб ўтади:

“Турмуш ва таффақкур тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган мана шундай азалий тушунчалар минтақамизда яшаб келган алломалар, мутафаккир зотларнинг қолдирган бебаҳо меросида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган¹”. Ҳар томонлама етук баркамол авлодни вояга етказиш хизмат қиладиган омиллар асрлар мобайнида аждодларимиз томонидан шакллантириб бойитиб келинган ва уларнинг тарбия жараёнида тутган ўрни амалда асослаб бериб келинган.

Мамлакатимиз қарамлик ҳолатига тушиб қолганда аждодларимизнинг бой маънавий меросига ноўрин муносабатда бўлинди ва улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишга бўлган эътибор пасайиб кетди. Таълим-тарбия жараёнида аждодларимиз маънавий меросидан фойдаланмаслик ўзини кўплаб салбий оқибатларини келтириб чиқарди.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши миллий маънавий меросимизни тиклаш ва улардан таълим-тарбия жараёнида

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент “Маънавият” 2008 й. 9-бет

кенгрок фойдаланиш имкониятларини яратиб берди. Аждодларимиз маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни каттадир, бундан мерос бугунги кун ёшларининг маънавий-ахлоқий тарбиясида қудратли манбаа бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок миллий маънавий меросни тиклаш, авайлаб-асраш энг долзарб вазифалардан бир бўлиб қолганлигининг сабаби ҳам шундадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, ҳар қайси жамият, ҳар қайси давлат биринчи навбатда юксак маънавиятли ва маданиятли инсонлари билан қучлидир.

Аждодларимиз маънавий мероси негизида вояга етиб келаётган ёшлар давлатимизнинг қудратли салоҳият манбаидир.

Миллий-маънавий тикланишга катта эътибор берилаётган бугунги кунда келажагимиз бўлган бугунги кун ёшларининг зиммасига катта масъулият юклатилмоқда. Ҳозирги даврнинг энг асосий вазифаларидан бири ёшларни Ўзбекистон келажаги учун хизмат қиладиган фидойи инсонлар сифатида тарбиялаб боришдир. Мана шундай жараёнда аждодларимиз томонидан тўпланиб келинган бой ҳаётий тажрибаларнинг, маънавий мероснинг аҳамияти каттадир.

Маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда ёшларни камолотга етказиб боришда аждодларимиз маънавий меросининг роли катта эканлиги кундан-кунга сезилиб бормоқда.

Аждодларимиз маънавий меросида инсон камолотига катта таъсир кўрсатадиган фазилатларга катта эътибор бериб келинган.

Жамият маънавий ҳаётига қарши қаратилган таҳдидлар ёвуз мақсадларга йўналтирилиган бўлиб, унинг ёшлар тарбиясига кўрсатадиган салбий таъсири ҳақида Президент И.Каримов қуйидаги фикрларни билдириб ўтади. "Энг ёмони, бундай хуружларнинг шировард оқибати одамнинг ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилганда намоён бўлмоқда"¹.

Аждодларимиз доимо маънавий жиҳатдан баркамол кишиларни тарбиялаб вояга етказишга катта эътибор бериб келганлар ва шу билан бирга эзгу мақсадларни кўзлаб яшаганлар.

Давлатимизнинг келажаги ҳал бўлаётган бугунги кунда ҳар бир инсон ўзлигини англашида масъулиятни ҳис қилишда маънавий меросимизнинг аҳамияти каттадир.

Мустақиллик йилларида инсон тарбиясига катта таъсир кўрсатувчи маънавий меросни авайлаб-асрашга, уни янада бойитишга катта эътибор бериб келинмоқда.

¹ Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. 13-бет.

Х.Қодирова, ТДПУ

Маълумки, мамлакат истиклолга эришгач, унинг олдида янги тарихий шароитда янгича давлатчиликни қарор топтириш эҳтиёжи кўндаланг туради. Яқин ўтмишдаги зўравонликка таянган, инсон эрки ва янаш ҳуқуқлари чегараланган сиёсий зулмдан эркин, демократик жамиятга, шахслар ва гуруҳларнинг эркин фаолият кўрсатишлари томон, тоталитар тузумдан эркин фуқаролик тузумига ўтиш шароитида ўз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий тараққиёт йўлини белгилаб олиш зарур эди. Мазкур шароитда айримлар бу ерда демократик жараёнлар, уни ҳаётга татбиқ этишнинг шарқона тамойиллари тўғрисида сўз юритсалар, бошқалар учун Туркия, Франция, Олмония ва бошқа мамлакатлар тараққиёт йўлининг, демократиянинг ибратли, ўрганишга арзийдиган тажрибалари старли. Аммо Ўзбекистон Президенти И.Каримов бундай карашларга ўз фикрларини билдириб, ҳар бир миллатнинг ўз миллий эҳтиёжидан, миллий руҳиятидан келиб чиқиб, масалага одилана ёндошиш зарурлигини кўрсатиб берди.

Ўзбекистон мустақил бўлгандан бери миллий давлатчилик тикланди, мустақилликни мустаҳкамлаш ва халқаро майдонда обрў-эътибор қозониш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Бу ўтган йиллар янги ҳаётнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий пойдеворини қуриш, халқнинг оғирини енгил қилиш, эркин ва фаровон турмуш қуриш мақсадида жадал қадамлар қўйиш даври бўлди. Бу йиллар юртда тинчлик ва осойишталик, ижтимоий тотувлик, миллатлараро аҳилликни ўзаро меҳр-окибатни қадрлаш ва эъзозлаш даври бўлди. Ўтган йиллар танланган йўл тўғри эканлигини, ислохотларнинг асосий тамойиллари тўғри белгилаб олинганлигини, янгиланиш ва тараққиётнинг Ўзбекистон модели ўзини тўла-тўқис оқлаганлигини, уни муваффақиятли ҳаётга татбиқ этилаётганини яққол исботламоқда.

Маънавий қадриятларни тиклаш миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб қараш керак. Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилиб келган. Ҳаётини эҳтиёж бўлган халқ қадриятлари ҳозир ҳам кишилар, хусусан ёшларни ўз Ватанига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Маънавий ва маърифий бойлик хусусида илму фан тараққиёти бошида турган буюк аждодларимиз, сермахсул алломаларимиз кўп яхши фикрларни баён этганларки, инсонда мавжуд бўлган бебаҳо жавоҳир бўлмиш ақл-заковат табиат ва жамиятнинг сиру-асрорларини билиш ва юқори чўққиларини эгаллаш имконини беради. Маълумки, инсоний фазилят фақат еб-ичиш, табиий эҳтиёжларни кондириш, зурриёт қолдиришгина эмас, балки меҳнат қилиб ақл-фаросат ва тафаккурли бўлиш, маънавият ва маданият соҳиб бўлиш ҳамдир.

Маънавияти бой халқгина буюк маданиятни ярата олиш мумкин. Маънавиятнинг моҳияти, ижтимоий ва биологик заминлари масаласини туғри тушунмасдан туриб, маданий-маънавий тараққиётни англаш ва тушуниб етиш қийин.

Дарҳақиқат, тарихимиз кўҳна, халқимизнинг маънавий-маърифий таянчи бўлган аждодларимиз қолдирган бой маданий-маърифий мерос улкан бир хазинаки, ундан оқилона фойдаланиш лозим.

Жамиятда яшайтган барча соғлом кишилар ўз тафаккур салоҳиятига эга. Бу инсоннинг барча мавжуд жонзотлардан афзаллигини, кенг амалий имкониятларга эгаллигини кўрсатувчи сифатий белгидир. Аммо инсонга хос ақлий тафаккур шакллари, улар билан белгиланган фаолият ҳар доим ҳам маънавият мезонларига тўла мос келавермайди. Ахлоқий тубанлик, жирканч ишлар, ёвузлик, умумий қирғинлар, жамият манфаатига зид ҳаракатлар ҳам инсон тафаккури асосида пайдо бўлади, унинг онгига сингади, фаолиятига йўналиш беради, аммо у маънавият бўла олмайди, маънавият даражасига кўтарила олмайди. Чунки бу ва шунга ўхшаш фаолиятлар жамият тараққиёти эҳтиёжлари ва талабларига жавоб бера олмайди. Шарк мусулмон фалсафасида айтилишича, нафсига эрк берган киши азоб-укубат ва кулфатларга гирифторм бўлади. Барча разилликлар, зўравонликлар, шафқатсизликлар, макру хийлалар, оқибатсизликлар нафс туфайлидир, нафс бандаси бўлиб қолишнинг оқибатидир. Нафсга эрк берган, мол-дунё топишга ружу қўйган, бошқалар ташвиши билан куйиб ёнмайдиганлар одамийликдан чиқади. Эл-юрт эътиборидан қолади.

Инсонни маънавий, ахлоқий жиҳатдан ҳалоллик, покизалик, бировларнинг ҳаққига хиёнат қилмасликлар безайди. Хожа Аҳмад Яссавий айтганларидек «Ҳақ йўлига кириб бўлмас пок бўлмасдан». Буюк Шарк алломалари ҳалол билан ҳаромни фарқлашни ўз меҳнати эвазига тирикчилик қилишни, ҳалол еб-ичиб, покиза яшашни тарғиб этганлар, ўзлари эса шахсан намуна кўрсатганлар. Айттайлик, Аҳмад Яссавий деҳқончилик ва Шайх Абулҳасан дурадгорлик билан шуғулланганлар, Шайх Иброҳим Озорий ғишт терувчи бўлган, Шайх Баннан ҳаммолик қилган, Баҳовуддин Нақшбанд кимҳобга гул

нақшлаган, унинг шогирди Саид Кулол кулолчилик қилган ва паҳса урган. Курганимиздек, қўлидан иш келадиган ҳар бир олиму фузало, суфию шайх фойдали меҳнат билан шуғулланган.

Бинобарин, инсонни инсон қиладиган фазилят еб-ичиш, зурриёт қолдириш, табиий эҳтиёжларни қондиришгина эмас, балки меҳнат қилиш, ақл-идрок ва тафқкурга эга бўлиш, фикрлай олиш, маданият соҳиби бўлиш, илму маърифатли, иймон-эътиқодли бўлишдадир.

Инсоният тарихидаги қайси бир жамиятни олмайлик, у маънавий имкониятларимизни, кишилар онгида маънавий, маърифий, ахлокий қадриятларни ривожлантирмай ва зимдан мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини, ижтимоий порлоқ келажагини тасаввур эта олмаган.

Жамият ва маънавият тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб жамият маънавиятсиз бўлмайди, маънавият эса жамиятдан ташқарида, ундан холи юзага келмайди ва ривожланмайди. Кишилар маънавий камолотнинг даражаларига муайян жамоага бирлашишлари ва меҳнат қилишлари орқали эриша оладилар. Ҳар бир инсон ўзини ўз халқининг зарраси деб сезса, у ҳақда ўйласа ва қайғурса меҳнат қилиб, фаолият кўрсатсагина маънавият билан учрашади ва туташади.

Ҳар бир халқнинг келажаги аввало унинг ўзига, маънавий кудратига, миллий онгининг ижодий кучига боғлиқ. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги керак, чунки маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келган. Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратнинг, диний дунёқараш билан комусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.

Маданият, маънавият ва маърифат жамият тараққиётининг муайян тарихий босқичда унинг эҳтиёжлари туфайли юзага келган. Жамиятнинг моддий турмуши, мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маърифий ривожини шароитлари кишиларнинг дунёқарашини, ақлу идроки, ахлоқу одоби, эътиқодига таъсири шубҳасиздир. Маънавият ва маърифатнинг юксалиши жамият тараққиётида нақадар ҳал қилувчи аҳамият касб этиши айниқса тарихнинг бурилиш давларида кўзга ташланади. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач миллий онгини юксалтириш, миллий ўзлигини англаш, жамият маънавий

ҳаётини соғломлаштириш ва ўстириш маърифий-тарбиявий ишларни истиқлол муаммолари билан боғлаш сингари катор вазифаларни ҳал қилишга киришди.

Мустақиллик шароитида жамият маънавий камолоти маданий-маърифий мафкуравий жараёнларнинг узвий негизи бирлигида амалга ошади. Жамият тараккиёти конкрет ҳаётини режалари, олдиндан белгилаб олинган муайян мақсадларга асосланган фаолият натижасидир. Бу жараёнда аввало халқни бирлаштириш, сафарбар этиш, уларда ўзликни англаш ва миллий гуруҳ каби фазилатларни шакллантириш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, «ўзликни англаш деганда мен тарихий хотирани тиклаш, насл-насабимиз ким эканини, кимларнинг вориси эканлигимизни англаб етишни шундан келиб чиқиб, ўзимизга ҳос ва мос жамият барпо этишни тушунаман»¹.

Бугун Ўзбекистонда янги жамият қуриш бир томондан халқимиз учун мукаддас бўлган кадриятларга ва улкан тарихий меросга таянган бўлса, иккинчи томондан, умумэтироф этилган демократик тамойил ва меъёрларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилмоқда. Бунга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, умуминсоний кадриятларни ижодий ўрганиб, ўз заминимизга тадбиқ этиш лозим. Шу билан бирга миллий ўзига ҳослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-этиқод билан яшаш каби ҳаётини тамойилларимизни ҳам сақлаб юксалтириб боришимиз зарур.²

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕХНАТ БОЗОРИ ВА ТАЪЛИМ СИФАТИНИНГ ЎЗАРО УЙГУНЛИГИ

Ў.Шакарров, ТДПУ, тадқиқотчи

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига тўла риоя этган ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириб, жамиятнинг маънавий янгиланишини ҳамда жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти қурмоқда.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шарт-шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳуқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи

¹ Каримов И. Асарлар. Т.7. - Т.: Ўзбекистон, 2001. Б.132-154.

² Каримов И. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз//Туркистон газетаси. 1999. 2-февраль.

кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятларга таяниб, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизimini шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим белгисидир.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этиш эҳтиёжини юзага келтирди ва бу борада қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Эндиликда меҳнат бозорини шакллантиришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунар таълимини қайта ташкил этишга киришилди.

Зотан, Президентимиз таъкидлаганларидек, юртимизнинг келажаги – юқори малакали ишчи кучи ва Ватанимиз тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиздир. Ушбу талабга жавоб бера оладиган, юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлайдиган ўқув муассасаларида таълим сифатини меҳнат бозори талаблари асосида янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш тизимини демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофиқлаштириш, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базасини кучайтириш, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ва меҳнат бозори эҳтиёжлари талабларини тўлиқ ҳисобга олиб ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ҳамда меҳнат бозорининг ўзгарувчан шароитларини назардан қочирмасдан таълимни ташкил этиш бугунги кунда муҳим ҳисобланади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида "...битирувчиларни ишга жойлаштириш. Бу масала, кўп жиҳатдан, уларни тайёрлаш сифати ва меҳнат бозорини қанчалик чуқур ўрганишимизга боғлиқ эканини унутмаслик зарур"¹ дея таъкидлаганларининг ўзиёқ меҳнат бозори ва таълим сифатининг қанчалик даражада бир-бирига ўзаро боғлиқ эканлигини белгилайди.

Шундай экан, Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида меҳнат бозорининг кенгайишини ҳисобга олган ҳолда таълим ва таълим сифатига бўлган эътиборни ўзгартириш ва мамлакатимизда меҳнат бозорининг ўзгарувчанлигини инобатга олиб, таълим тизимини янада тараққий эттириш лозим.

¹ Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Халқ сўзи. 2011 йил 21 январь.

A.Yadgarov, O'zMU magistranti

Hozirgi kunda mamlakatimiz bor kuch-qudratini demokratik huquqiy davlat, fuqarolik jamiyati qurishga yo'naltirgan. Respublikamizda qabul qilingan o'ziga xos islohot modeli orqali milliy manfaatlarimizni amalga oshirish vazifasi qo'yiladi. "Bugun O'zbekistonimiz bosib o'tgan mustaqil taraqqiyot yo'lini xolisona baholar ekanmiz, o'tgan davr mobaynida biz erishgan, dunyo jamoatchiligi tan olgan olamshumul yutuq va marralar, avvalambor izchil rivojlanayotgan iqtisodiyotimiz va uning barqaror o'sish sur'atlari, aholi farovonligining yildan yilga oshib, jahon hamjamiyatida mamlakatimiz obro'-e'tiborining tobora yuksalib borayotganligi – bularning barchasi Konstitutsiyamizning asosiga qo'yilgan, chuqur va puxta o'ylangan maqsad, printsip va normalarning hayotbaxsh samarasi desak hech qanday mubolag'a bo'lmaydi"¹. Shuning uchun "Ma'naviyat sohasidagi ishlarimizni: ... pirovard maqsadi, – deydi I.Karimov, – imon-e'tiqodi butun, irodasi baquvvat erkin fuqaro ma'naviyatini shakllantirishdir. Ya'ni mustaqil dunyoqarashga ega, ajdodlarimizning bebaho merosi va zamonaviy tafakkuriga tayanib yashaydigan barkamol shaxs – komil insonni tarbiyalashdan iborat"².

Ma'naviyat jamiyat taraqqiyoti, millat kamoloti va shaxs barqarorligini belgilab beruvchi asosiy mezonlardan biri hisoblanadi, chunki ma'naviyat rivojlangandagina jamiyatda iqtisodiy va ijtimoiy – siyosiy barqarorlik vujudga keladi hamda mamlakat va millat taraqqiy etadi. Bu o'z navbatida shaxsning barkamol rivojlanishi uchun zarur bo'lgan zamin bo'lib xizmat qiladi. "Ma'naviyat – insonni ruhan poklanish, qalban ulg'ayishga chorlaydigan, odamning chki dunyosi, irodasini baquvvat, iymon-e'tiqodini butun qiladigan, vijdonini uyg'otadigan beqiyos kuch"³. Buni chuqur his qilgan va o'z qalbidan o'tkazgan Prezidentimiz Islom Karimov mamlakatimiz o'z mustaqilligini qo'lga kiritgandan keyin ona zaminimizda demokratik jamiyatni qurishning nazariy kontseptsiyasini ishlab chiqar ekan, iqtisodiy va ijtimoiy-siyosiy hayotni qayta qurishni milliy- ma'naviy tiklanish bilan uyg'un xolatda bo'lishi kerakligini ham ilmiy asoslab berdi. U o'zining hajmi jihatdan kichik bo'lsa ham, ammo mamlakatimizda yangi jamiyat qurishning ilmiy – nazariy asoslarini aks ettirishi jihatdan mukammal,

¹ Karimov I. Mamlakatimizni modernizatsiya qilish yo'lini izchil davom ettirish – taraqqiyotimizning muhim omilidir // Prezident I.A Karimovning O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganning 18 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqi. Ishonch. 2010 yil 8 dekabr.

² Karimov I. Ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot – pirovard maqsadimiz. 8-jild. – T.: O'zbekiston, 2000. – D. 25.

³ Karimov I. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. –T.: Ma'naviyat, 2008. –B.19.

fundamental dastur bo'lgan «O'zbekistonning o'z istiqloli va taraqqiyoti yo'li» nomli asarida mustaqillikdan keyin O'zbekistonni rivojlantirishning ma'naviyat sohasidagi strategik vazifalarini ham belgilab berdi va «Jahon miqyosida globallashuv va raqobat tobora kuchayib borayotgan bugungi zamonda biz dunyoda yuz berayotgan tub o'zgarishlar jarayonida egallab turgan o'rnimizni xolisona va tanqidiy baholashimiz, tobora oshib borayotgan hayot talablariga javob berishimiz, kechayotgan davr bilan hamqadam bo'lishimiz shart¹» ekanligini ta'kidlab o'tgan.

Ushbu vazifalardan kelib chiqib, yurtimizda ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyotiga asoslangan huquqiy demokratik davlat qurish, inson, uning manfaatlari, huquq va erkinliklari eng oliy qadriyat hisoblanadigan fuqarolik jamiyatini shakllantirishda axloqiy qadriyatlarning ma'naviy tizimdagi o'rnini o'rganish, ularning o'zaro aloqasini ijtimoiy-madaniy jihatdan tadqiq etish bo'yicha bir qancha ishlar amalga oshirildi. Axloqiy qadriyatlarni ma'naviy qadriyatlar asosida o'rganish bo'yicha izlanishlar olib borildi.

Milliy mustaqillik ma'naviyatimiz asosini tashkil etuvchi «qadriyatlar», «milliy iftixor», «milliy g'urur», «milliy g'oya», «milliy mafkura» singari tushunchalarning ijtimoiy-siyosiy va kundalik hayotimizdagi ahamiyatini qayta tikladi. Bu muhim tushunchalarning mohiyatini ilmiy-nazariy jihatdan o'rganishda Prezident I.Karimov asarlari katta nazariy-metodologik ahamiyatga egadir: «Xalqimiz sarchashmalarining ko'zlari qaytadan ochilganligi, – deb yozadi I.A.Karimov, – jahon madaniyati yutuqlariga zo'r hissa qo'shgan buyuk ajdodlarimizning madaniy va ma'naviy merosi teranligi va chuqurligi anglab olinganligi, har bir avlodning o'z o'tinishiga, olijanob milliy va diniy an'analariga hurmat bilan qarash, ularni asrab-avaylash ruhida tarbiyalanayotganligi, ayni chog'da, hozirgi zamon jahon tsivilizatsiyasi va ma'naviyati qadriyatlarini o'zlashtirish va ularga oshno bo'lish zarurligi ravshan anglab yetilganligi – mana shularning hammasi hayotbaxsh bir zamindirki, bizning yangilanish va xalqimizning milliy o'zligini anglashini oshirish, aholini siyosiy yetukligi va faolligini kuchaytirish borasidagi siyosatimiz mana shu zaminga tayanadi»¹.

«Qadriyat» falsafiy tushunchadir. U ob'ektiv olamni bilish va idrok etishning diniy, falsafiy, ilmiy, siyosiy, badiiy-estetik, axloqiy va boshqa shakllaridan farqlanadigan alohida ko'rinishidir.

Qadriyatlar insoniyatning ma'naviy taraqqiyoti yo'lida erishgan muhim yutug'i sifatida vujudga keldi. U olamdagi narsalar, hodisa va jarayonlar mohiyatini inson va jamiyat manfaatlari nuqtai nazaridan bilish, idrok etish yo'lidagi muhim qadam, mohiyatni bilishga yangicha yondashishni nazarda tutadi. Sobiq sovet tuzumida uzoq yillar hukm surgan kommunistik mafkura

¹ Karimov I. Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasi // www.gov.uz.

¹ Karimov I. Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir. 3-Jild. - T.: O'zbekiston, 1996. –B.274-275.

tomonidan sinfiy qadriyatlarning umuminsoniy, umumbashariy qadriyatlar sifatida targ'ib va talqin etilishi tarixan o'zini oqlamadi, qadriyatlar mohiyatini ilmiy-falsafiy jihatdan o'rganish va targ'ib etishga imkon bermadi. Sharqda, xususan, Markaziy Osiyoda ma'naviy qadriyatlarga nisbatan diniy qadriyatlar ko'proq qadrlanar, qadriyat tushunchasiga diniy-ilohiy mazmun berilgan, diniy bilim oliy qadriyat hisoblangan. Markaziy Osiyolik taniqli olimlar o'z ilmiy-falsafiy asarlarini diniy qadriyatlar doirasida yaratgan. Ularning oldida hech qachon «Qadriyat nima?» degan muammo ko'ndalang bo'lib turmagan, chunki Qur'oni Karimda bu muammo hal etilgan, deb hisoblaganlar. Darhaqiqat, islom dini va uning g'oyalari qadriyatli ong rivojida juda muhim rol o'ynagan. Diniy nuqtai nazardan oliy qadriyat – ilohiy kalom, ya'ni Qur'on, shariat hukmlari va Muhammad payg'ambarning sunnatlari hisoblangan. Davrlar o'tishi bilan inson va jamiyat hayotining barcha sohaları diniy qadriyat nuqtai nazaridan talqin etila boshlagan, ilohiyotda qadriyat tushunchasi tabarruklik, muqaddaslik tamg'asi qo'yila boshlagan. Binobarin, har bir musulmon nazarida qadriyat tushunchasining mazmuni, mohiyati va mavjudligi ilohiy hikmat, mo'jizadan boshqa narsa emas, deb e'tirof etilgan.

Jamiyatimiz rivojlanishining hozirgi bosqichida qadriyatlarni yangicha qadrlashga, milliy va umuminsoniy qadriyatlarni avaylab-asrashga alohida e'tibor berilayotganligi bejiz emas.

«Mustaqillikka crishganimizdan keyin xalqimizning o'z yurti, tili, madaniyati, qadriyatlari tarixini bilishga, o'zligini anglashga qiziqishi ortib bormoqda»¹. Insoniyat ko'p asrlar davomida nimaniki ko'z qorachig'iday asrab kelgan bo'lsa, demak, uning ahamiyati va qadr-qimmatı bor. Ana shu oddiy, ko'pchilik uchun ma'lum va tushunarli bo'lgan haqiqatdan quyidagi xulosaga kelamiz: insoniyat tomonidan yaratilgan qadriyatlarni e'zozlamay, avaylab-asramay turib, ularga tayanmay turib, jamiyatimiz kechirayotgan qiyinchiliklarni bartaraf etib bo'lmaydi.

Ma'naviy qadriyatlarning jamiyat hayotidagi o'rni va rolini tadqiq etish amaliy ahamiyatga ega bo'lib, avvalo, jamiyatni insonparvarlashtirishga, xalqlar, millatlar, davlatlar o'rtasidagi ziddiyatlarni oqilona bartaraf etishga, jahon afkor ommasini tashvishlantirayotgan mintaqaviy mojarolar, urush va tinchlik, ekologik tanglik, yuqumli kasalliklar, qashshoqlik va h.k. muammolarni hal etishga xizmat qiladi.

Binobarin, umumbashariy qadriyatlar (hamkorlik, do'stlik, tinchlik, qardoshlik, diniy bag'rikenglik va h.k) o'zining tub mohiyatiga ko'ra, kishilar, sotsial guruhlar, davlatlar, millatlar va xalqlar o'rtasidagi g'oyaviy-siyosiy va etnik ıxtılotlarni bartaraf etishga qaratilgandır. Qadriyat inson hayot faoliyatining istisosiz barcha sohalariga ta'sir qiladi. Bu tushuncha

¹ Karimov I. Biz kelajagimizni o'z qo'limiz bilan quramiz. 7-jild -T.: O'zbekiston, 1999. –B.132.

narsa va hodisalarning insoniy ahamiyatini o'zida yaqqol aks ettiradi: shaxs va jamiyatning har tomonlama takomil-lashuvi, ijtimoiy-siyosiy hayotning barqarorlashuvi yo'lida xizmat qiladi. Qadriyat insoniyatning olamni bilishi va o'zlashtirishida, o'zligini anglashida, hayot ma'nosini tushunishida muhim vosita bo'lib xizmat qilib keldi.

Qadriyat tushunchasi madaniyat, tsivilizatsiya tushunchalari bilan uzviy bog'liqdir. Ular o'rtasida umumiylik va o'ziga xoslik mavjudligini ta'kidlash joizdir.

Qadriyatning mohiyati va tabiatini, uning strukturi-rasi va funktsiyalarini o'rganuvchi maxsus fan aksiologiya («aksio» – qadriyat, «logos» – fan) nomi bilan ataladi. Aksiologiya qadriyatlar to'g'risidagi fan degan ma'noni anglatadi. Aksiologiya fanining eng muhim tushunchalari «qadr», «qadriyat», «qadrlash», «qadriyatli yondashish» kabilar bo'lib, ular bir birlari bilan uzviy bog'liqdir.

Mustaqillik yillarida Islom Karimov tashabbusi bilan milliy qadriyatlarimizni tiklash, tariximizni chuqurroq o'rganish, undan saboq olishga alohida e'tibor berilishi bejiz emas edi. Chunki mustaqillikning qadrgimmatini teran his etish uchun, avvalo, tarixni bilmoq, xalqimiz boshiga tushgan sinovlarni, mustamlakachilik asoratlarini, xo'rliklarini yurakdan his etmoq, ozodlik uchun kurash yo'lidagi ulug' ajdodlarimiz jasoratidan voqif bo'lmoq zarur. Zero, "Tarixni bilmay turib, mafkuraning falsafiy negizlarini anglab bo'lmaydi. Chunki mafkuraning falsafiy asoslari o'z davrida tarixiy haqiqat tufayli tug'ilgan".

Oldimizga qo'ygan oliyjanob maqsad-muddaolarimizga yetish, eski mafkuraviy asoratlardan batamom xalos bo'lish, g'oyaviy bo'shliq paydo bo'lishiga yo'l ko'ymaslik begona va yot g'oyalarning xurujidan himoyalaniish, bunday tajovuzlarga qarshi tura oladigan har tomonlama barkamol insonlarni voyaga yetkazish zarurati xalqimiz va jamiyatimiz manfaatlariga mos yangi mafkurani shakllantirishni taqozo etmoqda. Bu jarayonda esa qadriyatlar muhim ahamiyatga ega.

ЖАМИЯТДА ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАР ТАВСИФИ

М.Шодмонкулова, ДЖҚА, тадқиқотчи

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсади инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг энг устувор йўналиши этиб белгиланишига олиб келди. Жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш негизини ҳам инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари устуворлиги ташкил этади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш учун, аввало, мамлакатда демократия устуворлигига эришиш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш лозим. Фуқароларнинг қонуни олдидан тенглиги, қонуннинг устуворлиги, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолини ҳавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этишдир. Қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди¹. Ушбу фикрлар бевосита ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим тамойили ва бош мезони ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва тараққиёт сиёсатининг стратегик мақсади юртимизда истикомат қилувчи барча инсонлар учун муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги кафолатланадиган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш, аввало негизда моддий жиҳатдан таъминланган, ахлоқий жиҳатдан мустаҳкам оила бўлган адолатли жамиятни шакллантиришдир². Шу маънода ижтимоий адолат мустақил ва барқарор тараққиёт йўлини танлаган ва бу йўлда аниқ тажрибалар тўплаган Ўзбекистоннинг бундан кейинги ривожланишининг ҳам зарур шarti бўлиб қолмоқда.

Албатта, демократик жамият қуриш жараёни мураккаб кечиши аён. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "тепадан туриб, махсус фармон ёки декрет билан жамиятда адолат ва демократияни ўрнатиб бўлмайди." Муҳими, бозор муносабатлари шаклланиши шароитида кишиларнинг ўз қобилиятларини намоён қилишлари ва унинг натижаларидан тўла баҳраманд бўлишларига тўсиклик қилувчи қонунсизликлар ва бюрократик иллатларни бартараф этиш учун амалда ишлар қилишимиз зарур.

Бугунги кунда асосий демократик тамойилларни рад этадиган бирон-бир давлат ер юзидан топилмаса керак. Дарҳақиқат, халқнинг демократияга таяниши ижтимоий эҳтиёж сифатида намоён бўлади, у шунчаки орзу-умид эмас. Халқнинг демократияни англаши эса унинг танлаган мақсадига содиқлигини ва шу билан бирга донолигини англатади. Демократик жамият – бу ёлғиз ўз мақсадларини кўзловчи шахсларгина эмас, балки одил қонунларга интилувчи халқ оммасининг фаолияти учун ҳам макондир. Одамлар ўзлари эришган эркинликни йўқотишни истамайдилар. Улар демократия томон ҳаракатга ишонч

¹ Каримов И. Бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш – иқтисодий ислохотлар йўлининг негизи. Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б.47.

² Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 58-бет.

хосил қилишлари керак. Шу маънода демократияни ҳис этиш – нафақат ижтимоий-сиёсий, балки ижтимоий-руҳий жараён ҳамдир. Бошқача айтганда инсонлар ўз ихтиёри, ҳақ-ҳуқуқлари ва масъулиятига таянган ҳолда ижтимоий ҳаётда иштирок этишни хоҳлайдилар.

Ҳозирда деярли барча мустақил давлатлар ўз олдиларига демократик жамият куриш мақсадини қўйганлар. Аммо ҳамма гап бу ишда амалий ҳаракатни амалга оширишда. Демократиянинг барча даврлар ва халқлар учун умумий бўлган асослари, жиҳатларни тан олган ҳолда унинг миллий моделларини фарқлаш зарур. Эндиликда биз илғор мамлакатлар тажрибасидан замонавий демократияни жорий этиш тажрибаси ва қўникмаларини ижодий танқидий ўрганишимиз зарур: Айнан танқидин ўрганишгина қуруқ тақлид қилиш пировардида сохта карашларга алданиб қолишнинг олдини олади.

Демократик жараён ҳақида гап кетар экан, демократлашув шароитлари тўғрисидаги масала ҳам қўндаланг бўлади. Лекин ижтимоий фанлар вакиллари ўртасида бу масалада узоқ йиллардан бери баҳс давом этиб келмоқда. Зеро, демократиянинг универсал омиллари кўпчиликни қизиқтириши табиий. Шулар ичидан демократлашувнинг иқтисодий омили ажратиб кўрсатилади. Дарҳақиқат, ўз вақтида демократия ва иқтисодий фаровонлик узвий боғлиқ жараёнлар сифатида талқин қилинган. Аммо кейинчалик демократлашув ёлғиз ижтимоий-иқтисодий омилга боғлиқ эмаслиги, балки у асосан демократик ғояларнинг тарқалганлик даражасига боғлиқлиги ҳақидаги фикрлар кенг тарқалди.

Нима бўлганда ҳам, шуни ишонч билан таъкидлаш мумкинки, демократлашувнинг муҳим шартларидан бири – бу жамиятда ижтимоий адолат қоидаларининг қарор топишидир. Мутахассислар орасида барқарорлик деганда демократик тузилмаларнинг тез ўзгарувчан ижтимоий жараёнларга нисбатан акс-таъсир кўрсата олиш қобилияти тушунилади. Бунда барқарорлик демократиянинг вазифаси деб қаралади, у кишиларни фуқаролик жамияти институтлари воситасида давлатни бошқаришдаги иштирокини ҳам ўз ичига қамраб олиши зарур.

Ўз ўрнида айтиб ўтиш зарурки, «барқарорлик» тушунчаси кўплаб ёндашувларни ўзига жамлаган. Уларни қуйидаги кўринишда умумлаштириб келтириш мумкин: а) жамиятда ноқонуний зўрлик ва қуч ишлатиш таҳдидининг бўлмаслиги; б) бирмунча узоқ вақт давомида бир ҳукуматнинг амал қилиши, унинг ўзгарувчан шароитларга самарали тарзда мослашувчанлиги; в) конституцион тартибнинг барқарор мавжудлиги; г) легитим ҳокимиятнинг барқарор мавжудлиги; д) сиёсий тизимда тузилмавий ўзгаришларни бошқариш имкониятининг мавжудлиги; д) сиёсий қучларнинг мувозанати ва б.

Фикримизча. бу демократлашув жараёнини бошдан кечираётган жамиятларга хос умумий меъёрлардир. Аммо умумийлик доимо хусусийликдан таркиб топади. Бизнинг мамлакатимизда барқарор тараққиёт, унинг асосий омиллари ва шартлари Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида асосли тарзда келтирилган. Президент И. Каримов мамлакатимиз барқарор тараққиётини маълум бир шартлар билан боғлиқ ҳолда таҳлил этади. Булар: а) маънавий кадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши; б) давлатчиликни шакллантириш ва мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш; в) демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш; г) бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши; д) кучли ижтимоий сиёсат ва аҳоли ижтимоий фаоллигининг ортиши¹.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий-сиёсий барқарорлик демократик тартиб билан бирга узвийликни, давомийликни ҳам талаб этади. Шундай қилиб, ўтиш даврида демократияни таъминлаш бошқарув тизимини, фуқаролик тартибини, бошқарувнинг қонунийлиги ва ишончлилигини ифодаловчи ижтимоий-сиёсий барқарорлик шароитидагина амалга оширилиши мумкин.

Демократик жараёнлар тарихи шундан гувоҳлик берадики, уни ўзгартиришдаги энг осон йўл – тақлид, энг ишончлиси – ўрганиш ва энг аччиғи – тажрибадир. Омманинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш ва барпо этишда демократия маданияти муҳим ўрин тутadi. Ўз шахсий манфаатидан келиб чиқиб, ўз ҳуқуқларидан фойдалана олувчи, ўз тақдири учун масъулиятни қўлга ола билиш билан бирга ўзи ва бошқалар учун эркинликни амалга оширишнинг ижтимоий ва сиёсий воситаларини ўрганиш ҳам зарур. Демократия иложи борица кўпроқ одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий, қолаверса, умумий маданияти билан уларнинг жамият ҳаётидаги кенг иштироки билан боғлиқ. Зеро, сиёсий маданиятсизлик жамият ва давлат ишларига бефарқликка олиб келадики, бу демократия учун ҳаюкатли бўлган ижтимоий ҳодисадир.

Сиёсатда бўлгани каби иқтисодиётда ҳам демократия бирдай кадрланади. Зеро, ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот ва истеъмол муносабатларида одамлар эркинликка, тенг имкониятларга бўлган иштилошларни демократия ва ижтимоий адолат қоидалари ёрдамидагина мувофиқлаштира оладилар. Буни яна шу маънода ҳам англаш керакки, фуқароларнинг иқтисодий эркинлигини чегаралаган ҳолда, уларни сиёсий эркинлик билан таъминлаб бўлмайди. Албатта,

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6. Т.: Ўзбекистон, 1998, 125-190-бетлар.

халқнинг турмуш даражасини ошириш катта аҳамиятга эга. Зеро, демократияга эришишда инсонларнинг турмуши яхши бўлиши, маълумотли бўлишлари, ҳалол даромад топа олишлари, ижтимоий таъминотга боғланиб қолмасликлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳозирги даврга келиб, Ўзбекистонда демократик жараёнларда маълум бир тажрибалар тупландики, буни эътиборда тутиш зарур. Аввало шу аниқ бўлдики, демократияга етарли салоҳиятга эга бўлган халқларгина тараққий этиб боришлари мумкин, Бунда «демократия балогати» қондаси муҳимдир. Демократия мустаҳкам оёққа туриши жараёнида уни парваришлас, озор бермай, сабр-тоқат билан такомиллаштириш зарур. Унга нисбатан турли даврларда ва шароитларда тазйиқ ўтказилиши демократияни мажруҳ қилиб қўйиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Қолаверса, «демократия дилеммаси» қондаси ҳам ибратлидир. Демократиянинг бир томондан эркинликни, иккинчи томондан тартиб-интизомни назорат қилиш уйғунлаштира олиш салоҳияти ҳисобга олиниши зарур. Шу маънода ижтимоий-сиёсий тартибсизликларга олиб келувчи ёввойи демократия мақбул эмас. Шу жиҳатдан ҳам барча мамлакатлар учун демократиянинг ягона универсал моделининг бўлиши-бу ақлга сиғмайдиган ҳолдир. Зеро, ҳар бир халқ, миллат, этник бирлик ўз миллий қадриятларига, тақрорланмас урф-одатларига ҳамда давлатчилик анъаналарига эгадирки, бу табиий равишда ўша ҳудуддаги демократик тараққиёт ривожига муҳим ўрин тутди.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГУРУҲЛАР ВА УЛАРНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ИШТИРОКИ МАСАЛАСИ

Ш.Отакулов, ТДПУ

Жамият демократлашуви дегани — бутун халқнинг, турли ижтимоий гуруҳлар, индивидларнинг давлат бошқарувида, яъни сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида, уларни жорий этиш, жамият назоратининг ўрнатиш ишларида сиёсий иштирокини мавжудлиги деганидир. Жамият демократияси шуни кўп жиҳатдан мавжуд сиёсий тартиботга, унинг табиатига, классификацион хусусиятларига, сиёсий тизим хусусиятларига қанчалик мос эканлигига боғлиқдир.

Тоталитар ёки авторитар сиёсий тартиботлардан демократик сиёсий тартиботга ўтиш доврида эски сиёсий тизим асоратлари билан улғаяётган демократизм принциплари ўртасида зиддиятлар вужудга келиши табиий. Чунки янги сиёсий тартибот ва янги замонавий сиёсий тизим бирданига эскилик билан янгилик ўртасидаги қурашсиз қарор топа олмайди. Бу ҳақиқатни сиёсий тартиботлар эволюцияси ва

классификацияси масаласи бўйича йирик сиёсатшунослар ҳам этироф этишади. Масалан, таникли инглиз сиёсатшуноси А. Пшевореский барча авторитар сиёсий тартиботлар мустақил жамоат ташкилотларидан худди вабодан қўрққандек қўрқадилар, уларни қўрарга қўзи йўқдир¹ дейди. Бунинг боиси – жамоат ташкилотлари ўз моҳиятига қўра сиёсий тартиботга муқобил ижтимоий лойиҳаларни таклиф қилишлиги натижасида, фуқаролар учун ижтимоий сиёсий тараққиёт учун зарур бўлган муқобилликнинг шаклланишидир. Ижтимоий тараққиётда муқобиллик ҳар қандай авторитаризм ва тоталитаризмнинг ўзига хос кушандасидир. Ижтимоий гуруҳлар социалогик назарияга қўра, сиёсий тартибот давлат ва халқ ўртасида ўзаро ҳамкорлик, фаолиятлар уйғунлигига эргашгандагина самара беради. Ушбу методологик парадигма мамлакатимизнинг айрим жамиятшунос олимлари томонидан ҳам эътироф этилади. Масалан, таникли файласуф олимларимиздан Ф.Мусаев “Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳукукий асослари” номли рисоласида бу хусусда миллий демократик институтлар орқалигина фуқаролар ўз аниқ мақсадларига эриша оладилар, ўз ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга муваффақ бўладилар² деган хулосага келади.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш жамиятда қонун устуворлиги, қонун олдида барчанинг тенглиги ҳукум сурувчи ижтимоий маконни барпо этиш фуқароларнинг мақсадлари ва эҳтиёжларини ўзига хос интеграллаштирувчи ижтимоий-сиёсий гуруҳлари орқали мумкин бўлади. Ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ўз навбатида манфаатлар асосида қарор топади. Инсон манфаатлари ижтимоий тараққиёт манбаидир агар манфаатдорлик бўлмаса, инсон ижтимоий ўзгаришлардан манфаатдор бўлмаса, жамиятда энг “демократик” қонунлар қабул қилинмасин, ижтимоий ўзгаришларга қаратилган фаоллик бўлмайди.

Ижтимоий фаоллик, ижтимоий шерикчилик, ўзаро ҳамкорлик институти орқали мумкин бўлади. Ижтимоий шерикчилик муносабатларисиз фуқаролик жамиятини тасаввур қилиш қийин. Ушбу муҳим талаб 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қабул қилинган мамлакатимизда демократик ислохотларнинг янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш коцепциясида ҳам алоҳида таъкидланди ва ушбу қонун амалга оширилаётган ислохотларимизнинг очик ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, фуқаролик жамияти институтларининг

¹ Пшеворский А. Демократия и рынок. –М., 2000

² Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий –ҳукукий асослари. 2007

ролини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этишлиги уқтирилади¹. Ижтимоий шерикчилик шундай сиёсий институтки, у муайян ўзгаришларга сабаб бўлувчи манфаатларни ўзаро бирлаштиради, ижтимоий гуруҳларни шаклланишига, давлат институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини қарор топишига олиб келади. Ижтимоий шерикчилик муайян ғоя, маслак, ижтимоий курашга асосланади. Агар муайян бирлаштирувчи ғоя, манфаат бўлмаса ижтимоий гуруҳ, унинг фаол кўриниши-ижтимоий шерикчилик юзага келмайди. Ижтимоий шерикчилик ижтимоий “манфаатли ҳамкорлик” институтини шаклланишига сабаб бўлади. Бундай фикр кейинги пайтда қатор мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилади.

Албатта, “ижтимоий” ёки “жамоат” ҳамкорлигига асосланган ижтимоий гуруҳ муайян мақсадларнинг давомийлигига ҳам асосланади. Ушбу классификацион хусусият, айниқса жамият квазигуруҳлари мисолида аниқ кўзга ташланади. Жамият квазигуруҳи деб муайян мақсадлар, вақтинчалик бўлган эҳтиёжларни қондиришга асосланган ижтимоий жиҳатдан турлича бўлган тасодифий гуруҳларга айтилади.² Квазигуруҳларга футбол “фанатлари” ёхуд ижтимоий аҳамиятга молик қарорларга нисбатан ўз муносабатини билдириш учун бирлашган ижтимоий “тўда”, “оломон” киради.

Жамият сиёсий тартибига муайян таъсир ўтказишга қодир бўлган ижтимоий гуруҳларга, хусусан квазигуруҳларни ўзаро типлаштириш, квалификациян хусусиятларини сиёсий фан нуқтаи назаридан аниқлашга илк бор АҚШ олимларидан Г.Алмонд, Р. Далтон ва Ж.Пауэлл киришган.

Квалификациян талаблар нуқтаи назаридан ижтимоий гуруҳлар муайян ижтимоий хатти-ҳаракатларга сабаб бўлувчи фаолият асосида шаклланади. Масалан юзаки караганда ижтимоий гуруҳ гўёки жамият сиёсий тартиботига бевосита таъсир кўрсата олмайдиган муайян муддатдан сўнг тарқаб кетадиган кишиларнинг вақтинчалик бирлигига ўхшайди. Бироқ масалага жиддийроқ қарайдиган бўлсак, асло ундай эмаслиги муайян ижтимоий аҳамиятга молик хатти-ҳаракат, фаолият жамият сиёсий тартиботига бевосита бўлмасада, лоақал билвосита таъсир кўрсатиши, унинг ижтимоий обрўини тукишга сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, бу квазигуруҳлар шаклланишидаги дастлабки тасодифий ижтимоий гуруҳнинг қарор топишида аниқроқ кўзга ташланади.

¹ Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: Ўзбекистон, 2010.-56 б.

² Каранг. Ўзбекистонда маънавийт соҳасидаги ислохотлар: ривожланиш босқичлари, эришилган натижалар ва истиснолар. Т.: Академия, 2010.-129-б.

Ижтимоий ҳодисаларни контент таҳлил услуби нуктаи назаридан ёндашилганда, уч кишидан иборат ижтимоий гуруҳ ушбу мисолда гарчи манфаатлари яқдилликка эга бўлмаган бўлса-да, ўзига хос квазигуруҳ, яъни тасодифий ижтимоий гуруҳни ташкил қилишади, муайян даражада сиёсий тартиботга ўзига хос муносабатини шакллантиришади. Трамвайга орқа эшикдан чиққан йўловчи ушбу мисолда сиёсий тартиботга нисбатан ижтимоий норозиликни ифода этади. Ушбу мисол жамият сиёсий тартиботига нисбатан фуқароларда доимо потенциал муносабатнинг мавжудлигини ёрқин шаклда кўрсатади. Агар масалага жиддий, яъни илмий-таҳлилий нуктаи назаридан ёндашадиган бўлсак, ижтимоий гуруҳларнинг квалификацияни хусусиятлари жиҳатидан улар Г.Алмонд, Р. Долтон ва Ж.Пауэллар таклиф этган уч таснифий ижтимоий гуруҳни: тартибланмаган, институционал ва ассоциатив ижтимоий гуруҳларни ташкил этади.

Тартибланмаган ёки уюлмаган, ижтимоий гуруҳлар асосан жамиятда адолатсиз ижтимоий-сиёсий қарорлар ёки жараснларга нисбатан кучли ҳис-туйғулар шаклланганда пайдо бўладилар. Улар қандай тез пайдо бўлсалар, шунчалик тез тарқалиб кетадилар ҳам. Бунинг сабаби уларда умумий мавзу, умумий масала ҳали турғунликка эриша олмайди.

Институционал ижтимоий гуруҳлар одатда яхши ташкил этган, муайян мафкурага, қураш дастурига ва мақсадга эга бўлган ижтимоий гуруҳлар бўлиб улар сиёсий партиялар, турли бизнес тузилмалар, қурулми кучлар, диний ташкилотлар шаклида фаолият кўрсатадилар ва давлат бошқарув органларига ва сиёсий тартиботга бевосита ёки сайлов ҳукукида таъсир кўрсатадилар.

Юқорида тилга олинган ижтимоий шериклик муносабатларигина жамият осойишталиги ва барқарор ривожланишини таъминлаши мумкин. Ижтимоий шериклик бир томондан давлат институтлари, сиёсий тартибот барқарор фаолияти учун шарт-шароитлар яратса, иккинчи томондан эса жамият демократиялашувига, нодавлат ташкилотлар эркин фаолият юритишига ёки бошқача ифодаланишда мустақиллигига йўл очади.

Институционал гуруҳлар сони ва шакли жамият демократлашувига сиёсий тартиботнинг ҳам шунга монанд либераллашувига боғлиқ. Авторитар ёки тоталитар сиёсий тартиботларда институционал ижтимоий гуруҳларнинг пайдо бўлишига йўл қўйилмайди, жамиятда қатъий цензура ўрнатилади, мафкуравий яққа ҳокимлик ҳукм суради. Сиёсий тартиботларни классификация қилинганда шу боис бундай авторитар сиёсий шаклларга ҳам эътибор берилади. Зеро, авторитар сиёсий тартиботлар юқорида таъкидланганидек, жамиятда мустақил ёки расмий ҳокимиятга муқобил

сиёсий қарорлар қабул қилинишига жон-жаҳди билан қаршилик қилади, улар жамоат ташкилотлар ижтимоий назоратидан худди вабодан кўркқандек кўркадилар. Фуқаролик жамиятининг умуминсоний талабларидан бири фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ижтимоий институтларининг нафақат мавжудлиги, балки бутун жамиятга доир сиёсий қарорлар қабул қилишга ҳуқуқларининг таъминланганидир. Ўрни келганда шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда демократик сиёсий тартибни шакллантириш давлат бошқарувини янада демократлаштириш борасида улкан қадамлар қўйилди. Бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисmini Республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантиришга қаратилган изчил сиёсат бунинг далилидир. Айниқса, икки палатали миллий парламентни ташкил этиш бўйича 2007 йил 27 январида ўтказилган референдум ва шу асосда “Референдум ҳукмлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислох қилишнинг асосий мақсадларини белгилаб берди ва сиёсий тартиботни ҳам шунга монанд ҳолда тобора демократиялашуви тенденциясини юзага келтирди.

Давлат ҳокимияти органлари умумэътироф этилган ҳуқуқий нормалар асосида шакллантириши мамлакат сиёсий тартиботининг тобора либераллашуви ва демократиялашувини тезлаштирди. Масалан, мамлакат президенти лавозимида, қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни институционал гуруҳ – сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодларни эса – сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли органлари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принциплар қандай бўлиши исботидир. Сиёсий тартиботни тобора демократиялашувини яна бир ифодаси – депутатликка номзодларнинг давлат ҳокимияти ижро органлари томонидан кўрсатилиши амалиёти бекор қилиниши, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлида принциплар ўзгаришлардан бири бўлди.

Ижтимоий гуруҳларнинг яна бир муҳим кўриниши – ассоциатив гуруҳлардир. Ассоциатив гуруҳлар одатда жамиятнинг муайян қатламлари, табақалари ёки профессионал соҳалари манфаатларини ифода этиш учун юзага келади. Буларга асосан қасаба уюшмалари, тадбиркорлик гуруҳлари, диний ёки этник – миллий уюшмалар қиради. Улар жамият сиёсий бошқарув соҳасига оид сиёсий қарорлар қабул қилинишида ўз вакиллари орқали иштирок этадилар. Ўзбекистонда бу борада катта ўзгаришлар амалга оширилди. Турли соҳалар бўйича

касаба уюшмалари, ёшлар ижтимоий ҳаракати, юзга яқин миллий-маданий марказлар, 16 та диний конфессиянинг фаолият кўрсатаётганлиги фикримизнинг далилидир. Айниқса, фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинаккам мустақамлигини таъминлаш, ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий – ҳуқуқий, моддий – техникавий жиҳатдан қўллаб – қувватлашни кучайтиришга қаратилган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши яна бир исботдир. Бугунги кунда, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидлашича, жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиё нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. 2014 йилгача бу кўрсаткич янада ўсиши кутилади. Ассоциатив ижтимоий гуруҳлар сирасига фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллаларини кўрсатиш мумкин. Бугун улар сони 10 мингдан ошди (2011 йил).

Ассоциатив ижтимоий гуруҳларга “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний” жамғармалари, “Ижод” фонди, нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларини киритиш мумкин. Жамиятимизнинг турли ижтимоий қатламлари, ижтимоий бирлашмалари, ижтимоий ҳаракатимиз ва уюшмалар вакиллик демократияси принципларининг талаблари асосида маҳаллий ва марказий давлат бошқарув органлари фаолиятида сиёсий иштирок этишлари учун барча ҳуқуқий асослар мавжуд. Фуқаролик жамияти нодавлат ташкилотлар нуфузининг давлат ва жамият бошқарувида ортиб бориши билан характерланади. Том маънода фуқаролик жамияти – давлат бошқарувига муқобил, умуммиллий манфаатлар асосида фаолият юритувчи жамиятдир. Бироқ ҳаёт диалектикаси шундаки, умуммиллий манфаатларига уйғунлашган ҳолда фаолият юритиш – идеал ҳолатдир. Аслида шахс ва жамият, давлат ва жамият ўртасида доимо муайян зиддиятлар мавжуд бўлади. Акс ҳолда давлат ва жамиятда бирон бир ўзгариш, кенг маънода эса юксалиш юзага келмайди.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий гуруҳлар эмин-эркин, ҳеч қандай давлат аралашувисиз ўз фаолиятини ташкиллаштирадilar. Бироқ бу дегани – давлат фуқаролик жамиятидан ташқари ёки ундан мустақил фаолият юритади, дегани эмас. Давлат фақат жамият негизида, у билан ўзаро муносабат орқали мавжуд бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг бир гуруҳ олимлари ушбу масалада аниқ ва тиниқ фикрни олға суришади. Улар “Фуқаролик жамияти” тушунчасини кенг ва тор маънода ишлатиш ўринли эканлигини тақлиф қилишади¹.

Кенг маънода олганда, “Фуқаролик жамияти” – давлат ва унинг тузилмалари томонидан жамиятнинг эгаллаб олинмаган қисми, бошқача айтганда, давлатнинг қўли етмаган қисмидир. Жамият давлатга нисбатан автоном, бевосита унга қарам бўлмаган қатлам сифатида ривожланади. Шунингдек, фуқаролик жамияти кенг маънода демократик қадриятлари муҳитидагина эмас, балки авторитар режимида ҳам яшай олади. Лекин, тоталитаризмнинг пайдо бўлиши билан фуқаролик жамияти сиёсий ҳокимият томонидан бутунлай “ютиб” юборилади².

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни ўзаро боғловчи ришта ижтимоий шериклик ва ижтимоий ҳамкорликдир. Бу фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат учун христоматик қоидадир. Агар жоиз бўлса, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат, образли ифодаланганда, бир танганинг икки томонидир, улар бир-бирисиз мавжуд бўлмайди.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ДЕМОКРАТИК БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ВА БАҒРИКЕНГЛИК ОМИЛЛАРИНИНГ ЎРНИ

М.Хажиева, УрДУ

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида халқимиз руҳиятида мавжуд бўлган толерантлик туйғулари муаммоларнинг олдини олиш имконини берди. Шу билан бирга бу туйғу нафакат ички тушунмовчиликлар, муаммолар, шунинг билан бирга терроризм, экстремизмга қарши курашда ҳам халқимизнинг ҳамжихатлигини таъминламоқда. Яъни бозор муносабатлари шароитига мослашиш турмуш шароитида кийинроқ бўлган аҳоли қатламларини қўшимча ижтимоий ёрдам бериш, мамлакатнинг ҳар бир меҳнатга лаёқатли фуқароси ўз ижобий қучларини намоён этиши, мустақил равишда ўзи ва оиласи учун яхши ҳаётни таъминлаши учун шароитлар яратилишига катта эътибор қаратилди. Ўтиш даврининг дастлабки йилларида айрим кийинчиликлар қайд қилинишига қарамасдан халқимиздаги сабр-матонат, иродавий толерантлик ҳис-туйғулари

¹ Ўзбекистонда сиёсий ислохотлар: стратегияси ва эришилган натижалар – Т.: Академия, 2010. 112–113-бетлар.

² Ушш манба, 112-бет.

уларни енгишга олиб келди. Шу асосда ҳукумат томонидан амалга оширилган шароитга мос ижтимоий ва иқтисодий сиёсатни юргизиш йўллари аҳолини тушқунлик шароитида рўй бериши мумкин бўлган ларзалардан ҳимоя қила олди.

Мамлакатимиздаги барча ислохотлар марказида инсонларнинг эҳтиёж ва манфаатлари ётар экан, уларни кондиритиш амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий савий-ҳаракатлар салоҳиятига, ислохотларнинг ҳаётийлиги ва ижобий натижаларига боғлиқ. Шунинг эътиборига олиш зарурки, бозор муносабатлари бу инсофсизлик, виждонсизлик, бировни кўра олмаслик, бахиллик дегани эмас, балки эркин бозор муносабатида инсоф, диёнат, виждон, бировга ёрдам бериш, бағрикенглик каби тушунчалар доирасида амал қилиниб келинса, унинг оқибатида фаровонлик, ривожланиш, тенглик, бирдамлик вужудга келади.

Бу борада Президентимиз “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да таъкидлашча, “биз ўз олдимизга қўйган узок муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги савий-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтани назаридан ҳолисона баҳо беришимиз табиийдир.”¹

Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида бозор муносабатларига ўтишнинг энг самарали йўли танланди ва амалиётга татбиқ этилиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган беқарорликнинг олди олинди. Айниқса бозорнинг кучли босими остида юзага келиши мумкин бўлган миллатлараро зиддиятлар, шунинг билан бирга миллатимизнинг ичдан парчаланиши каби салбий жараёнларнинг олди олиниши мамлакатимизда барқарорликни таъминлаш имконини берди.

Аммо бозор муносабатларига ўтиш шундай мураккаб жараёнки, бир томондан, у мамлакат аҳолисининг эҳтиёжларини ошириб боради, иккинчи томондан эса уни тўла таъминлаш имконини ҳам чеклайди. Чунки эҳтиёжнинг чексизлиги уни тўла таъминлаш имконини бермайди. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида эса эҳтиёж ҳар қачонгига қараганда ҳам кескин ўсиб кетади. Бозорнинг бешафқатлиги аҳолида эртанги кун учун ҳам моддий имкониятларни мустаҳкамлаш руҳиятини кучайтириб юборади. Бу эса жамиятдаги моддий

¹ Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т: Ўзбекистон, 2010. –Б.3.

неъматларга эга бўлишда табақаланиш жараёнининг сақланиб қолинишига олиб келади.

Бозор муносабатлари шаклланиши жараёнида ижтимоий табақалар ўртасида унинг моҳиятини ва юзага келтирадиган муаммаларини тўлароқ англашлари учун зарур бўлган имкониятлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Агар ижтимоий табақалар ўртасида бозор муносабатларини ривожланиш қонуниятларини тушуниш унинг таракқиёти даражасида бўладиган бўлса, жамиятда ҳамжиҳатлик ҳам ривожланиб боради.

Шунинг учун ҳам турли гуруҳлар ўртасида бирдамликни сақлаб қолишнинг имкониятларини излаб топиш олимлар олдида турган долзарб вазифа бўлиб қолаверади. Жумладан, бундай шароитда жамиятда ҳамжиҳатликни таъминлаш ҳақида инглиз социологи А.Р. Редклифф-Браун куйидагиларни кўрсатиб беради:

1. Жамият мавжуд бўлиши ва яшаши учун унинг аъзолари ўртасида минимал бирдамлик бўлиши зарур. Ижтимоий ҳодисаларнинг функцияси ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги бирликни, ҳамжиҳатликни яратиш, уни тутиб туриш ва шунга хизмат қилишдан иборат.

2. Жамият элементлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг минимал даражасигача бирлиги ва мувофиқлиги сақланиши зарур.

3. Жамиятнинг ҳар қандай типи инсон фаолиятининг турли кўринишлари ва таркибий жиҳатларини намоён қилади, уларнинг мувофиқлигини сақлаб туради¹.

Аммо уларни амалга ошириш кўп жиҳатдан хоҳишга қараганда кўпроқ мамлакатнинг имконияти, мавжуд шарт-шароит, аҳолида асрлар давомида шаклланиб келган менталитетнинг ўзига хослиги, ресурслар ва аҳолининг жойлашуви, полиетник ҳолати, улар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиш хусусиятлари каби омилларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Агар ана шу омиллар ўртасида мувозанат мавжуд бўлса, жамиятда кескин табақаланишининг олдини олиш ва зиддиятларнинг келиб чиқиш эҳтимолини чеклаш мумкин бўлади. Лекин улар қанчалик мувозанатда бўлмасин, бозор муносабатлари аҳоли онги ва руҳиятида моддий бойликларга қандай бўлмасин кўпроқ эга бўлишга бўлган интилишни кучайтириши оқибатида турли йўналишларда зиддиятлар учун ҳар доим замин сақланиб қолаверади.

Бундай салбий ҳолатнинг олдини олишда бозор муносабатлари шароитида бойлар онгида меҳр-мурувват, раҳм-шафқат, ёрдам туйғуларини, камбағаллар онгида эса ҳалол меҳнат билан бойликка эга бўлаётган ватандошларига нисбатан бағрикенглик руҳиятини

¹ Карант: Структурно-функциональный подход -М.: Наука, 1987. -С. 21.

шакллантиришга эришиш кутилган натижа беради. Бир сўз билан айтганда, миллий онгда толерантликни шакллантиришга эришиш бозор муносабатлари шароитида юзага келадиган табақаланишни сабр, тоқат, юксак маънавият, матонат, уларга нисбатан кўра билмасликни эмас, яратувчиликни асосий мезон сифатида қараб бу йўлда фидойилик кўрсатишга йўналтириш жамиятда юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларнинг олдини олишга ёрдам беради. Зеро онг ва руҳиятда толерантлик кучли бўлса, жамиятда барқарорлик ҳам мустаҳкам бўлади. Президентимиз таъкидлаганидек, "...одамнинг руҳий дунёсини менсимаслик, уни иккиламчи ўринга қўйиш охир-оқибатда жамият ҳаётида инқирозга олиб келиши муқаррар эканини тарих кўп маротаба исботлаган"¹. Демак, миллий онгда ҳам толерантлик туйғуларини шакллантиришга эришиш бозор муносабатлари шароитида юзага келадиган муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиш ва мамлакатда барқарор тараққиётга эришиш имконини беради.

ЁШЛАР ОНГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

С.Машарифов УрДУ

XX аср глобаллашув жараёнида иқтисодиётни либераллаштириш, сиёсатни демократлаштириш билан бир каторда маънавиятни шакллантириш ва юксалтириш, ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасини умум инсоний тамойиллар билан уйғунлаштириш долзарб муоммолардан биридир. Айниқса бу борада глобаллашув жараёнини инобатга олиш ва бизнинг келажакимиз ҳисобланган ёшларни умум инсоний тамойиллар асосида тарбиялаш муҳимдир. Ёшларнинг маънавий онгини юксалтиришда, умум инсоний кадриятларни шакллантиришда ёшларнинг кизиқиш доиралари ва ёўналишларига алоҳида эътибор бериш керак. Ёшларнинг маънавиятини юксалтиришда, умум инсоний кадриятларни танитишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш яхши натижа беради.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг "Юксак маънавият енгилмас куч" асарида Оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги рўли ҳақида қуйидагиларни келтириб ўтган.² "Ҳозирги пайтда ҳаётимизни электрон ахборот воситалари, хусусан, телевидения ва радиосиз умуман тасавур этиб бўлмайди. Бугунги кунда улар бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳада,

¹ Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т: Маънавият, 2008. -Б. 67.

² Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч.-Т: Маънавият, 2008.- Б.134.

шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий-эстетик озиқ берадиган ва хордик чиқарадиган макон вазифасини бажармоқда, десак муболаға бўлмайди” деб таъкидлаб ўтади.

Бу борада Оммавий ахборот воситалари ёшларнинг онгига кириб борувчи бир йўл ва восита сифатида қўллаш мумкин бўладими? Оммавий ахборот воситалари ёрдамида ёшлар қизиқишидан келиб чиққан ҳолда уларнинг фикрлаш доирасига ва онгига таъсири каттадир.

Мамлакатимизда Оммавий ахборот воситаларини ташкил қилиш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш ва фаолият принципларини кенгайтириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримовнинг Олий мажлис қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир” номли маърузасида оммавий ахборот воситалари ҳақида “Ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий-ижтимоий ҳаётида амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди, деган тушунча жамиятчилигимиз ўртасида тобора кучайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда”, деган эди.¹

Кейинги даврларда ҳам Оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш ва оммавий ахборот воситаларини жамият ҳаётидаги рўлини ошириш юзасидан, Президентимиз И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги “Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” концепциясининг 3-йўналишида Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги янги тақлифлар киритилади².

Амалга оширилган ислохотлар ва ривожланишлар натижасида Оммавий ахборот воситалари фаолиятида чуқур ўзгаришлар бўлиши табиий. Оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини эркин тарзда олиб боради. Оммавий ахборот воситалари бундай воситалар қаторига газета, журнал, телевидения, радио ва кейинги даврларда энг катта ахборот базасига эга бўлган интернет тармоғини санаб ўтишимиз лозим.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. Академия. –Т.: 2005- Б.234

² И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: Ўзбекистон 2010-Б.28

Оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини умуминсоний тамойиллар асосида олиб бориши, ёшлар онгига таъсир қилувчи куч сифатида ёшларнинг маънавий юксалишига хизмат кўрсатиши лозим. Республикамизда 2002 йилда оммавий ахборот воситаларига нисбатан цензуранинг ман қилиниши билан уларнинг фзолияти эркинлиги қонун билан белгилаб қўйилди.¹

Оммавий ахборот воситаларида тарқатилаётган маълумотларнинг ёшлар онгига таъсирини инобатга олиш, Ўзбекистоннинг ўз ўзбек модели асосида, умуминсоний кадриятларни ҳурмат қилган ҳолда амалга оширилиши керак.

Оммавий ахборот воситалари нафақат ахборот тарқатиш, дам олиш воситаси, балки таъкидлаганимиздек ёшларнинг онгида умуминсоний кадриятларни шакллантирувчи восита ҳам бўлмоғи лозим. Оммавий ахборот воситалари ёшлар онгини ёт гоёлардан асрашда маънавий қурол, қалқон вазифасини бажариши, ёшларнинг онгини ривожлантириши ва маънавийлик руҳи билан сугориши лозим. Ёш авлод оммавий ахборот воситаларида берилаётган айрим маълумотлар таъсирига тушиб қолишидан асрашга, биз катта авлод масъулмиз. Ёшлар бизнинг келажагимиз экан уларни Ғарб маънавияти таъсирига тушишидан асраш ўз миллий тарихимизни миллий анъаналаримизни, умуминсоний кадриятларни оммавий ахборот воситалари орқали ёшлар онгига киритишимиз лозим. Биз ёшларнинг қизиқувчанлик хусусиятларини ва изланувчанлигини қўллаб-қуватлаган ҳолда уларга аждодлар меъросини ўрганишда ёрдам беришимиз зарур.

Бу вазифаларни бажаришда оммавий ахборот воситаларининг иш фаолиятини ислоҳ қилиш керак. Оммавий ахборот воситаларининг ёшлар маънавий ҳаётига таъсирини ошириш ҳам муҳим вазифалардан биридир.

Шундай экан, биринчи навбатда берилаётган маълумотлар, ёшлар онгига қандай таъсир қилаётганини ўрганиш ва салбий тарафларини бартараф қилиш лозим.

Агар биз шундай иш олиб борадиган бўлсак, оммавий ахборот воситалари умуминсоний кадриятларни асрашда, маънавиятни юксалтиришда асосий куч бўлиб хизмат қилади.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ юлиш йўлида. "Академия" Т.: 2005- Б.238

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ю.Раҳимбоева, ТДПУ, магистрант

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги ҳар томонлама баркамол салоҳиятли авлодни тарбиялашга боғлиқ. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш асосий мақсад қилиб олинди.

Ана шундай долзарб вазифани амалга оширишда ўзбек халқининг миллий-маърифий қадриятларини ўрганиш ва ундан баркамол авлодни тарбиялаш учун фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро баркамол инсонни шакллантирмасдан туриб жамиятни ҳозирги давр талаби даражасида ривожлантириб бўлмайди.

«Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади»¹, – дея таъкидлайди Президент И.Каримов. Чунки, ҳар бир халқ ёки миллатнинг тарихи, ўзигагина хос бўлган хусусиятлари, урф-одатлари, байрамлари, умуман олганда ҳаётий қадриятлари мавжуд. Шундай экан, халқимизнинг асрлардан асрларга ўтиб келаётган маънавий мероси, осори-атиқалари, тарихий ёдгорликлари, муқаддас қадамжолари тарихини ўрганиш, уларга нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотиш ва хусусан кичик мактаб ёшидаги болалар тарбиясида ватанимиз тарихи ва келажагига нисбатан фахр ҳисси кўникмасини шакллантириш зарур.

Ҳозирги даврда миллий тикланиш мафкураси шаклланаётган жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит соғломлашаётган миллий қадриятлар, инсон ҳуқуқи, эрки тикланаётган, ижодий куч-қуввати намоён бўлаётган бир шароитда баркамол инсон деганда ўзида ижтимоий, сиёсий маънавий-ахлоқий хислатлар мажмуини мужассамлаштирган жамиятда ўзлигини ва ўз қобилиятини ҳар томонлама намоён эта оладиган, маърифатли, диний ва дунёвий билимларни мукамал эгаллаган ақлан етук, ахлоқан пок, жисмонан соғлом ҳаёт гузалликларини ҳис эта оладиган эркин ижодкор шахс тушунилади.

Президентимиз И.Каримов Олий Мажлисининг биринчи чакirik XIV сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек “жамият маънавиятини

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008. -29 б.

янада юксалтириш – ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги ишлар фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бирини ташкил этади». Бу бежиз эмас. Чунки ҳозирги кунда амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарадорлигини аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини билан бевосита боғлиқдир. Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, мана йигирма йилдирки, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди. Бунда мустақил ўзбек халқининг бой маданиятини, бебаҳо миллий-фалсафий ва маънавий меросини, мазмунли тарихининг тикланиши учун зарур бўлган барча имкониятлар яратиб берилмоқда.

Халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори ўсиб, маънавий дунёси кундан-кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг маънавий асосини янада мустаҳкамлашга имконият яратиб бермоқда. Лекин бундан маънавият соҳасида ҳеч қандай муаммо йўқ, деган хулосани чиқариб бўлмайди. Бугунги кунда эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Келажакда ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндошадиган, аynи замонда шахсий манфаатларни мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз лозимлигини юртбошимиз ўз нутқларида бир неча бор таъкидлаб ўтганлар.

Зеро, ҳозирги кунда ёшларни мустақил ижодий фикрлашга ўргатиш, улар онгида мустақил фикр юритиш имкониятларини шакллантириш муаммоси республикамизнинг таълим тизими олдида турган долзарб масалаларидан биридир. Ушбу муаммонинг долзарблиги тўғрисидаги омил мамлакатимиз Президенти И.А. Каримовнинг ёшлар муаммосига бағишланган ҳар бир чиқишида интервью ва фундаментал асарлари ғоясида ўз ифодасини топган бўлиб, Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутқида ҳам кенг жамоатчиликнинг диққат эътиборини ушбу мавзуга қаратган ҳолда шундай фикрларни муҳокамага ташлаган эдилар: “Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган қилиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса берилган таълим самарасиз бўлади. Албатта, билим керак, аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир”. Зеро, Ўзбекистоннинг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”дан ҳамда “Таълим тўғрисида”ги қонундан кўзлаган асосий мақсади жамиятда мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришдан иборатдир.

Кичик мактаб ёшидаги шахсни шакллантиришга объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатади. Айниқса мазкур жараён фаолият негизида оптимал тарзда амалга ошиб боради. Ўқув фаолиятининг тузилиши таркиби мураккаб кўринишга эга бўлиб, шахсдан тугма лаёқат ва имкониятларни руёбга чиқаришга олиб келади.

Шундай экан, кичик мактаб ёшидаги болаларни тарбиялашда миллий-маънавий кадриятларнинг ўрни бекиёс. Чунки, дунё миқёсида ҳозирги ижтимоий-сиёсий ҳаёт кишилиқ жамияти тараққиётининг айна босқичи сифатида шундай ўзига хос хусусиятга эгаки унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият ақл-идрок, фикрлаш, янги техника ва технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ёшларни ўзлигини асраш, мустақил ижодий фикрлашга ўргатиш туфайлигина келгусида ўз олдиларида вужудга келиши кутиладиган муаммоларни ижодий равишда ҳал қилишлари орқали халқ хўжалигининг ривожланишига республикамизнинг илғор технологияли жаҳон давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашига ҳисса қўшишларига эришиш мумкин.

МУНОСИБ ҲАЁТ МЎЛЖАЛИ ВА ТАЪЛИМ КАДРИЯТЛАРИ

Ҳ.Бекмуродов, ТДМИ

Онг ва тафаккур ўзгаришлари маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларини ислоҳ этиш эртанги кун мазмунини нечоғли бойитиш, ўзгартириш режаларига бевосита боғлиқдир. Жамиятни позитив ўзгартириш жараёнлари эса шахснинг ўз-ўзини ўзгартириш тадбирларидан бошланади. Индивидуал мақсадлар, режаларнинг нечоғли ижтимоий мазмун касб этиши эса жамият сиёсий, маънавий фаоллик даражасини ифодалайди. Шу боисдан ҳам бугунги ёшлар мақсадлари, орзу-мақсадларининг жамиятнинг умумий мақсадлари билан нечоғли уйғуллашганлиги масаласини махсус илмий ўрганиш долзарб муаммолардан саналади. Ижтимоий мўлжал омилининг бугунги ёшлар маънавиятидаги ўрни ва ролига бағишлаб 2009-2010 йилларда ўтказилган “Ёшлар ва уларнинг ижтимоий қарашлари” мавзусидаги социологик сўров натижалари эътиборга лойиқдир. Мазкур тадқиқот республикамизнинг Фарғона ҳамда Жиззах вилоятлари умумий ўрта ҳамда ўрта махсус касб-хунар муассасаларида ўтказилди. Тадқиқот доирасига 1200 талаба ва ўқувчи жалб этилди.

Тадқиқот натижалари бугунги ёшларнинг ижтимоий ҳаёт ўзгаришларига бефарқ эмасликлари, бунёдкорона фаолиятларга ёшларнинг дахлдорлик туйғуси юқори даражада эканлигини кўрсатди.

Ёшлар ўзлари танлаган касб ҳамда билим соҳаларида таълим олаётганликларидан фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этишлари, келажакда пухта эгаллашни режалантираётган касбий йўналишларга садоқатда эканликлари, таълим йўналишларини онгли равишда танлаганликларини изҳор этдилар. Ёшларнинг аксарият кўпчилиги «Сиз ушбу таълим муассасасига ўз хоҳишингиз билан кирганмисиз?» деган саволга «Ўзимнинг қизиқишим орқали» (71%) ҳамда «ота-онамнинг маслаҳати билан» (24%) деган жавоб вариантларини белгиладилар. Мазкур саволга жавоблар ҳаққонийлигини ўрганиш мақсадида берилган «Сизнинг ушбу таълим муассасасида ўқишингиздан мақсад нима?» деган саволга 56% ёшлар «яхши мутахассис бўлиш» деб жавоб бердилар. 43% ўқувчи-талабалар эса «яхши лавозимларда ишлаш учун» деб жавоб бердилар.

Шунингдек, ёшлар ўзлари танлаган касбий йўналишларни ҳаётий бахт тушунчаси билан уйғун тасаввур этишларини ҳам намоён этдилар. «Сиз бахт деганда нимани тасаввур қиласиз?» деган саволга ҳам «одамларга керакли бўлиб яшаш» – (41%), «яхши мутахассис бўлиш» – (32%), «ўқишни давом эттириш» – (12%) сингари позитив жавоб вариантларини белгиладилар. Ёшлар мазкур саволнинг тайёр жавоб вариантлари бўлган «уйланиш, турмушга чиқиш» – (6%), «даромадли ишга жойлашиш» – (3%), «бой-бадавлат яшаш» – (8%) сингари жавобларни нисбатан кам қайд этдилар, шу боисдан мазкур масалаларни муҳим деб ҳисобламайдилар. Табиийки, талаба-ўқувчилар мазкур ҳаётий жиҳатларни кейинги босқичда деб билиб, даставвал ўзларини ҳаётга ҳар томонлама тайёрлаш заруратини муҳим деб билишлари эътиборга лойиқдир.

Ҳозирги ёшларда муносиб ҳаёт мўлжали омилининг катта ёшдаги аҳоли вакиллари фикр-қарашларидан бирмунча фарқли жиҳатлари намоён бўлмоқда, хусусан, бундай ўзига хослик уларнинг ҳаётга прагматик ёндашувларида ҳам ўз ифодасини топади. Хусусан, анкета мазмунидан ўрин олган «Сиз қуйидаги хусусиятлардан қайси бири инсонга кўпроқ фойдали деб ҳисоблайсиз» деган саволга сўровга жалб этилган ёшлар «билимдонлик» – (71%), «чаққонлик» – (56%), «ишбилармонлик» – (52%), «ўз кучи билан бирор нарсага эришиш» – (34%), «ғайратчанлик» – (32%), деб жавоб қайтардилар. Ёшларнинг ижтимоий мўлжали мазмунида маънавий жиҳатларнинг ўрни ҳам устувор бўлиб позитив моҳият устувордир. Ёшларнинг аксарият қисми ҳаётда муваффақиятларга «тўғри сўзлик» – (30%), «одоблилик» – (39%), «инсофлилик» – (33%) муҳим роль ўйнашини қайд этдилар.

Максадга эришиш йўли «сурбет бўлиш», «ёлғончилик», «одобсизлик», «инсофсизлик» хислатларини керакли деб, бирорта ҳам талаба-ўқувчи ҳисобламаслиги шубҳасиз, ижобий ҳол бўлиб, бугунги ёшлар маънавияти зарарли таъсирлардан ҳоли эканлигини кўрсатади.

Шу ўринда 2004 йили Россияда чиқувчи «Труд» газетасида эълон қилинган Калининград вилоятидаги мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган социологик сўров натижаларини мамлакатимиз ўқувчиларининг ижтимоий ҳаётга бўлган ёндошувлари билан қиёслашни жоиз, деб ҳисоблаймиз. Мақолада қайд этилишига кўра, Россиялик ўқувчиларнинг деярли 40 фоизи (сўров 1800 мактаб ўқувчиси ўртасида ўтказилган) раҳмдиллик, виждонлилик, одоб, сабр, ҳалоллик сингари фазилатларни бугунги замона учун кўмак берувчи омиллар эмас, балки салбий ҳолатлар деб баҳолайдилар. Аксарият россиялик ўқувчилар учун сурбет ва ҳаёсиз шахс образини ифодаловчи «Дикий ангел» (Ёввойи фаришта) фильмидаги Милагрес ҳамда ўта салбий қиёфага эга бўлган фоҳиша Наталья Орсейрони ўзлари учун ибратли образлар, деб биладилар ва уларга таклид қилишга интиладилар. («Труд», «Гарри Поттер против Ивана-Царевича», 2004 йил 28 август сони).

Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳолат Ўзбекистонлик ўқувчилар учун тамоман ёт ҳолат эканлиги қаноатланарли ҳолдир. Мамлакатимиз ёшлари ўз бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш масаласига ҳам жиддий ёндашадилар. «Талаба ва ўқувчилар устувор машғуллик шакллари сифатида кутубхонага бориб ишлаш» – (25%), «хорижий тил ўрганиш» – (14%), «спорт билан шуғулланиш» – (21%), «туғаракларга (муסיқа, ракс, шахмат ва бошқа) бориш» – (12%) сингари фаолиятларни қайд этдилар.

Ёшларнинг муносиб ҳаёт мўлжаллари, келажақда қайси жойда муқим яшашга доир фикрларини ўрганиш ҳам муҳим ижтимоий аҳамиятга эгадир. «Келажақда ўзингиз мўлжал қилган яшаш жойингизни қаерда деб биласиз?» деган саволга мутлақ кўпчилик ўқувчи-талабалар ўз бахтларини «киндик қонлари тўкилган жойда топишларини билдирдилар» - (55%), «республика марказида яшаш фикрига эгалар» - (15%) иборат. Аммо, талаба ва ўқувчиларнинг ҳар учтадан бири (32%) бу ҳақда ўйлаб кўрмаганлар ва келажақда қаерда яшаб фаолият юритишларини аниқ тасаввур этмасликларини билдирдилар.

Талаба ва ўқувчиларнинг диний эътиқоди масаласи ҳам бугунги кунда муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг асосий сабаби дин омилининг халқаро кўламларда сиёсий моҳият касб этиб бораётганлиги, мазкур жараённинг тобора кенгрок ижтимоийлашаётганлиги билан изоҳланади. Социологик сўров

натижаларидаги ўзига хос жиҳат шундан иборат бўлдики, мамлакатимиз ёшлари диний эътиқод масаласида либерал нуқтаи назарларга эга эканликларини билдирдилар. Талаба ва ўқувчиларнинг 90 фоизи «амалда намоён қилмасамда қалбимдан «худога ишонаман», – деган жавобни қайд этдилар. Ўқувчи ва талабаларнинг фақат 4 фоизи бевосита, амалда ибодат қилишларини билдириб, «баъзан-баъзан номоз ўқийман», деб жавоб бердилар. Сўровга жалб этилган 6 фоизи «диний эътиқод ҳар бир кишининг ўз иши деб биламан», деб ҳисоблайдилар.

Тез ўзгараётган давр мазмунини турли хил ташқи таъсир оқибатида эволюцион тарзда ўзгариб бормоқда. Шу боисдан ҳам бугунги ёшлар маънавиятига турли мафкуравий институтларнинг ғоявий-сиёсий таъсирини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу жараён ёшлар томонидан хорижий оммавий ахборот воситалари, хусусан, радио эшиттиришларига бўлган муносабатлари орқали ойдинлаштирилади. Сўров натижаларига кўра, 40 фоиздан кўпроқ ўқувчи ва талабалар хорижий радио станциялардан «Би-би-си», 12 фоиз ўқувчи ва талаба-«Озодлик», 10 фоиз талаба эса «Америка овози»ни мунтазам равишда эшитиб борадилар. Бундай ҳолат хориждан ёшлар онига сингдириб келинаётган хабар ва маълумотлар мазмунини чуқур ўрганиш, улардан берилаётган ватанимиз манфаатларига зид келувчи ахборотларга қарши тадбирлар, баҳс-мунозаралар, ахборот соатларини доимий равишда ўтказиб бориш масаласини кун тартибига қўяди.

Ўқувчилар ҳамда коллеж талабаларининг истиқболдаги индивидуал таракқиётга эришиш борасида режалаштирган орзулари ҳақида сўров мобайнида билдирган фикрлари таҳлили ёшларимизда муносиб ҳаёт ҳақидаги мўлжаллари мазмунининг давлат ва жамиятнинг стратегик йўли билан уйғунлиги, моҳият эътиборига кўра позитив хусусиятга эга эканлигини кўрсатади.

Хуллас, муносиб ҳаёт мўлжали ҳодисасини тизимли тадқиқ этиш бугунги ёшларнинг ҳаётга бўлган муносабатлари, фуқаро сифатидаги фаоллик даражаси, маънавий киёфаси, шахс сифатида ўз-ўзини англаш кўламларини ўрганиш ҳамда тарбиявий жараёнларни жамиятнинг устувор йўналишлари билан мувофиқлаштириш имкониятини оширади.

Э.Шермонов,

Миллий ғоя ва мафкура

илмий-амалий маркази тадқиқотчиси

Ҳозирги пайтда ёшларимизда ватан туйғусини камол топтириш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Инсон ўз юртини қандай бўлса шундайлигича севиши, унинг ривожини учун бор имкониятларини ишга солиши лозим.

Ватанпарварлик кишиларда асосан уч босқичда намоён бўлади:

- 1) Билиш – Ватанга хос қадриятларни эгаллаш;
- 2) Эътиқод – мазкур қадриятлар туғрисида олган билимларини эътиқодга айлантириш;
- 3) Ҳаракат – бу эътиқодни амалий ишлар орқали намоён этиш.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади. Албатта, жаҳон – кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гузал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган... Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз киёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин. Бу ҳақда гапирар эканмиз, айтиш вақтида муҳим бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзини, энг аввало, Ўзбекистон фуқароси деб, шундан кейингина муайян бир ҳудуд вакили, айтишлик, хоразмлик, самарқандлик ёки Фарғона водийси фарзанди деб ҳис қилиши лозим. Табиийки, бу ҳолат ҳар биримиз мансуб бўлган «муъжаз Ватан»нинг, туғилиб ўсган шаҳар ёки қишлоқнинг қадри ва аҳамиятини асло камайтирмайди. Бироқ шуни эсда тутиш керакки, ҳаддан ташқари бўрттириб юборилган маҳаллий ватанпарварлик миллатнинг, халқнинг жипслашувига ҳалакит беради. Биз Ватан туйғусини мана шундай яхлит ҳолда, яъни дунёда ягона ўзбек миллати бор, хоразмлик, фарғоналик, сурхондарёлик ўртасида ҳеч қандай миллий фарқ йўқ, уларнинг барчаси ўзбек халқининг фарзанди деб англашимиз, ёш авлодимизни айнан шу руҳда тарбиялашимиз зарур"¹.

¹ Каримов И. Юксак мамлакат – енгилмас куч. Т., Маънавият, 2008.

Ўзбекистонда мустақиллик ғоялари аввало миллатнинг ҳақиқий жонкуярлари, дахлдорлари калбида пайдо бўлди ва ана шу ғояларни амалга оширишдек буюк хизмат ҳам бевосита ана шу авлод зиммасига тушди. Президент Ислом Каримов Ватани озод қилиш ташаббускори ва уни бевосита амалга оширган буюк воқеа муаллифи сифатида тарихга кирди. Юртбошимизнинг 1995 йил 23 февралда Республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги "Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари" деб аталган маърузасида масъулият, дахлдорлик ва ташаббускорликнинг мислсиз уйғунлиги намоён бўлди. "Бугун бизнинг олдимизда, – деган эди Президент ўз маърузасида, – шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига тadbик этмоғимиз керак"². Давлатимиз раҳбари ўша пайтда олға сурган ғоялар бутун ҳақиқатга айланди, халқнинг турмушига, ҳаёт тарзига сингиб кетди. Мустақил Ўзбекистон бугун жаҳон ҳамжамиятининг муносиб аъзосига айланди ва ўз таъсир доирасини ва обрўсини тобора ошириб бормокда.

Дахлдорликка даъват қилиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, халқ тақдирига алоқадор муҳим қарорлар қабул қилишда бевосита халқнинг фикрига таяниш Юртбошимиз асарларида кўп учрайди. Хусусан, "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобидаги илмий, мафкуравий хулосалар аввало ёшларнинг фаол гражданлик позицияларда бўлишини таъминлашга қаратилгандир.

"Фуқароларнинг маданий савияси кишиларнинг мустақил фикр юритиш билан бевосита bog'лиқ", – деган эди Ислом Каримов. Мустақил фикр юритиш шакллари мамлакат манфаатидан келиб чиқиши лозим. Ваҳоланки, сиёсий-ижтимоий ва маданий-эстетик савияни юксалтириш Туронзаминда ҳеч маҳал иккинчи даражали иш бўлган эмас. Фуқаронинг мамлакат ҳаётидаги роли, унинг огоҳ ва ҳушёрлиги ҳам муҳим рол ўйнаган. Бу ижтимоий зарурат Мир Алишер Навоийнинг "Агар огоҳсен сен – шоҳсен сен..." деган сатрларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик ҳукукий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш дахлдор инсонларни тарбиялаш вазифасини устувор қилиб қўймоқда. Бу эса ёшлар дунёқарашини миллий ғоя тамойиллари асосида шакллантиришни тақозо этмокда. Чунки мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпрогини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади ва бу ёшлар жамиятимизнинг истиқболи сифатида муҳим ижтимоий қатлам ҳисобланади. Бугунги ёшлар демократик жамият шароитида эркин яшамокда ва тарбия олмокда.

Демак, уларнинг маънавий дунёқараши ҳам янги жамият эҳтиёжларига мос равишда шакллантирилиши керак.

Жаҳонда кечаётган глобаллашув шароитида ёшлар онгига мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар шароитида жамиятимизда демократик кадриятларнинг таркиб топиши ёшлар дунёқарашини миллий ғоя асосида шакллантирилиши ҳаёт-мамот масаласига айланди.

"Жамиятда мустақил фикрловчи, ҳурфикр, талабчан, дидли, маънавияти юксак одамлар қанча кўп бўлса, оммавий маданиятнинг бозори шунча касод бўлади. Ақлли, талабчан, фахм-фаросатли одамлар ўзлари исғеъмол қиладиган, киядиган, эшитадиган, кўрадиган, ўқийдиган нарсаларга юксак талаб кўядилар". Тошқин бўлиб босиб келаётган "оммавий маданият"нинг таркибида, асосан менталитетимизга мос келмайдиган, маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатадиган нарсалар кам эмас. Улар саёз бўлгани учун билиб олиш, эгаллаш ёшлардан унчалик катта куч ва салоҳият талаб этмайди.

Хориждан келаётган ахборотларга ўчлик ва унга ҳақиқат деб ишониш мустабид тузум даврида четдан бирорта ҳам ҳолис ахборотнинг ичкарига киритилмагани туфайли пайдо бўлган салбий бир "анъана"дир. Ана ўша пайтларда четдан кириб келган ҳар қандай ахборот коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган жамият учун гуё бомба эди. Уни эшитганларга нисбатан жазо чоралари қўлланиларди. Бироқ, ҳозир тақиқланмаган, лекин хориж ахборотларига кизиқиш ва уларни ягона ҳақиқат деб қабул қилиш давом этаётир. АҚШнинг таниқли олими Бжезинский собиқ шўро тузумининг инкирози ҳақида: "Совет иттифоқини жинси шим ва поп мусиқа таназзулга олиб келди", деб ёзган эди. Чунки Ғарб маданияти ёшларни "яшаб қол, дунё ўтқинчи" деган ақида асосида тарбиялашни назарда тутди. Ортиқча шавқ-завқ, саёз мусиқа, енгил-елпи кийинишлар ёшлар диққатини ҳаётнинг асосий муаммоларидан чалғитади ва огоҳлигига, ҳушёрлигига путур етказди. "Оммавий маданият"нинг асл мақсадини тушунмаган баъзи ёшлар эса бу ўлжага ташланади ва кадриятларини секин-аста унута боради.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида ёшлар ўз мустақил фикрига эга бўлиши лозим. Долзарб ҳаётий масала ҳамда муаммолар ечими ҳақида индивиднинг ўз фикри, мулоҳазаси мавжудлиги, улар ўртасида соғлом баҳс-мунозарани келтириб чиқаради. Баҳсларда эса ҳақиқат аниқ бўлади. Ана шу жараёнда ёшлар дунёқараши чархланади ва жадал шаклланади.

МУНДАРИЖА

1 БОБ. МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҒОЯВИЙ МАНБАЛАРИ

Лудомания таҳдидига қарши кураш – ижтимоий педагогик зарурат сифатида. М.Қуронов.....	3
Ёшларда ғоявий иммунитетни шакллантиришнинг долзарб муаммолари. Н.Қ.Жўраев.....	9
Ворисийлик ва маънавият уйғунлиги. М.Бекмуродов.....	14
Ахлоқийлик – маънавий иммунитет ўзаги. М.Қаҳҳорова.....	23
Маънавий-ахлоқий иммунитетни шакллантириш манбалари. М.Имомназаров.....	35
Инсоний фазилатлар – тараққиёт гарови. М.Зарипов.....	42
Маънавий таҳдидларни мониторинг қилиб боришнинг ижтимоий аҳамияти. Ш.Тўраев.....	48
Маънавият, шахс, тарих. И.Холиқов.....	56
Миллий истиклол ғояларини фуқаролар онгига маънавий-маърифий кадриятлар орқали сингдириш. Э.Султанова.....	60
Комил инсонни вояга етказишда ғоявий тарбия омилларининг аҳамияти. М.Собинова.....	64
Толерантность как гарант общенациональной безопасности и стабильности. Л.М.Арутюнова.....	68
Аждодлар ибрати ва унинг комил инсон тарбиясидаги роли. Н.Султонов.....	73
Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашиш. Ш.Шакирова.....	76
Микромуҳит маънавий-ахлоқий иммунитетни шакллантиришнинг манбаси сифатида. Ш.Алиева.....	80
Шарқ алломалари қарашларида сиёсий етакчилик ходисасининг ўрганилиши. Н.Қолканов.....	83
Демократик ислохотларнинг янги босқичи. Б.Джамиев.....	85
“Авесто” маънавий-ахлоқий манба сифатида. Н.Мадаминова.....	87
Маънавий-ахлоқий иммунитетни шакллантиришнинг асосий омиллари. О.Мухаммадиева.....	90
Ахлоқий мафкуравий иммунитетни шакллантиришда хотин-қизлар фаоллиги хусусида. Н.Нишоновна.....	93
Баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг роли. Р.Халилова.....	96
Маънавий-ахлоқий иммунитетни ривожлантиришда янги авлод кадрларининг ўрни. Р.Халимметова.....	104

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ўзбек зиёлиларининг аҳволи. А.Эгамбердиев.....	112
Роль политических партий в процессах демократизации общественного управления. Э.Юсупова.....	116
Умумбашарий глобал муаммолар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари. Х.Жуманиёзов, Г.Машарипова.....	121
Ҳозирги даврда минтақа халқлари ҳаёти ва кишиларнинг маънавий-ахлоқий қарашлари шаклланишида ислом динининг ўрни ва аҳамияти. Т.Хужанова.....	126
Олий ўқув юртларида баркамол авлодни тарбиялашда “Оила ҳукуқи” фанининг аҳамияти. Н.Акаева.....	129
Истиқлол йилларида миллий истиқлол ғояси эволюцияси. Ф.Усарова.....	132
Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт уйғунлиги. М.Ҳамдамова.....	135
Ғоявий тарбияни ташкил этишда жаҳидлар маънавий меросининг ўрни. К.Номозова.....	139
Рациональная мысль, истина науки, иррациональная идея, истины бытия и метафора речи. У. Керимов.....	143

II БОБ. МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИММУНИТЕТГА ҚАРШИ ТАҲДИДЛАР, УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

О нравственных принципах ученого. К.Туленова, Э.Расулев.....	148
Комиллик тушунчаси ва унинг моҳияти. Ҳ.Қодирова, Б.Алимбаева.....	151
Ёшлар тарбиясида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги. И.Йўлдошев.....	153
Мафкуравий таҳдидларга қарши курашда маънавий тарбиянинг ўрни. Д.Бобожопова.....	157
Талаба ёшлар фазилатлари туркуми ҳақида. З. Азимова.....	162
Ёшларнинг маънавий камолоти ва жамият ҳаётига таъсири. А.Мўминова.....	165
Истеъдодли ёшларни тарбиялашда таълимнинг роли. Ҳ.Қодирова, А.Махмудова.....	167
Ахлоқий муҳитга салбий таъсир этаётган омиллар. А.Мансуров, Л.Таджиназарова, У.Шакаров.....	171
Устойчивое развитие Республики Узбекистан в рамках мирового сообщества как достижение независимости. И.С.Машурян.....	173
Национальное самосознание как фактор духовно-образовательного	

процесса. Л.М.Арутюнова.....	176
Высоко развитая молодежь как фактор стабильности духовного иммунитета в построснии гражданского общества. М.Матназарова	180
Фукаролик масъулиятини шакллантиришда маънавиятнинг тутган ўрни. М.Шоҳайдарова.....	184
Мулоқат орқали мафкуравий таъсир курсатиш. Ш.Ибрагимова.....	187
Маънавий таҳдидларнинг олдини олишда оила, маҳалла ва таълим масканларининг ўрни. М.Хужапова.....	190
Маънавий таҳдид ва унга қарши курашда миллий қадриятларнинг ўрни. Д.Мадаминаова.....	193
Гоявий тарбияни кучайтириш омиллари. Г.Айхаджаева.....	199
Таълим соҳаси олдида турган вазифалар. Т.Юсупов.....	201
Barkamol avlod – jamiyat taraqqiyotining yetakchi kuchi. G.Isroilova.....	204
Фукаролик жамияти шароитида ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг долзарблашуви. Н.Сайдалиева.....	210
Некоторые аспекты формирования идеологического иммунитета против тоталитарных идеологий. Г.Усманов.....	215
Мафкуравий иммунитет -хавфсизликнинг маънавий асоси. Э.Тилаев..✓	217
Мафкуравий жарёнлар ва маънавий таҳдидларнинг тарихий ўзгарувчан характери. М.Юлдашева.....	220
Барқарорликни таъминлашнинг муҳим омиллари. А.Норбоев.....	224
Маънавий таҳдидларнинг олдини олишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни. Г.Машарипова.....	228
Табиатни муҳофаза қилишнинг маънавий асослари. И.Тошматов.....	234
Маънавий таҳдидлар: миссионерлик фаолияти мисолида. Б.Жалолов.....	237
Миссионерлик ва прозелитизм хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш. М.Мусаев.....	239
Миссионерликнинг жамият барқарорлигига таҳдиди ва унинг олдини олиш. Б.Турдиев, Г.Машарипова.....	242
Ёшлар маънавий-ахлоқий иммунитетини шакллантиришда миллий онг ва миллий бирдамлик туйғуси асосий омил эканлиги. Э.Калканов, Н.Қолканов, Б.Джамиев.....	245
Ал-Бухорийнинг маънавий-ахлоқий гоялари. У.Бобоезов.....	249
Ёшларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари. Х.Сирожиiddинов.....	252
Таълим тарбия соҳасидаги янгиланишларда аجدодларимиз меросининг аҳамияти. У.Мусаев.....	255
Глобаллашув жараёнида цивилизациялараро мулоқот ва унинг ёшлар маънавиятига таъсири. И.Маткаримов.....	259

III БОБ. ТАЛАБАНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИ ВА УНГА ЭРИШИШ ЙЎЛЛАРИ

Талаба ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси ва унга эришиш йўллари. Э.Бобомуродов, У.Иманова, Г.Хуррамова.....	264
Талаба ёшлар шахсини тарбиялашда мафкуравий иммунитетни шакллантириш масалалари хусусида. Б.Сафаров, Л.Алибоева, Н.Хидирова.....	266
Глобаллашув шароитида ёшлар маънавияти. М.Лафасов, Г.Лафасова.....	268
Жамиятни модернизациялаш жараёнида маънавий соҳасидаги сиёсатнинг асосий тамойиллари Х.Очилов.....	274
Ўзбекистон ёшларининг юксак маънавий сари одими – жамият тараққиётининг бош мезонидир. Ғ.Қудратов, Н.Абдиқаюмова, М.Рўзиева.....	276
Ёшларнинг маънавий янгиланиш жараёнларидаги иштироки. З.Бобомуродова, И.Мустафоева, Ф.Чўтбоева.....	280
Ҳукукий давлат куришда нодавлат ва жамоат ташкилотларининг аҳамияти. Ф.Мусаев.....	283
Идейное воспитание как движущая сила в формировании мировоззрения молодежи. А.Усманова.....	290
Исломда ирқий тенглик ва бағрикенглик масалалари. М.Айтбоев.....	293
Ўқитиш жараёнида ахборот ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш. Н.Содиқова.....	295
Баркамол авлод тарбиясида маънавий меросимизнинг тутган ўрни. Ў.Юсупов.....	299
Жамият тараққиёти ва маънавият. Х.Қодирова.....	302
Ўзбекистонда меҳнат бозори ва таълим сифатининг ўзаро уйғулиги. Ў.Шакарров.....	305
<u>Qadriyatlar va ma'naviy tizim</u> . A.Yadgarov.....	307
Жамиятда демократик жараёнлар тавсифи. М.Шодмонқулова.....	310
Ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ва уларнинг давлат бошқарувида иштироки масаласи. Ш.Отақулов.....	314
Фуқаролик жамиятини шакллантиришда демократик бозор муносабатлари ва бағрикенглик омилларининг ўрни. М.Хажиева.....	320
Ёшлар онгини шакллантиришда Оммавий ахборот воситаларининг ўрни. С.Машарифов.....	323
Кичик мактаб ёшидаги болалар тарбиясида миллий маънавий қадриятларнинг тутган ўрни. Ю.Рахимбоева.....	326
Муносиб ҳаёт мўлжали ва таълим қадриятлари. Х.Бекмуродов.....	328
Дахлдорлик – маънавий фазилат. Э.Шермонов.....	332

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИММУНИТЕТ: ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ

Илмий-амалий конференция материаллари

**Мухаррир:
Акрам Дехқон**

**Техник муҳаррир:
Мадина Абдуллаева**

**Мусахҳих:
Файзулла Азизов**

Теришга 2011 йил 15 ноябрда топширилди.
Босишга 2011 йил 28 декабрда рухсат этилди.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. "Times New Roman" гарнитурасида
офсет босма усулида офсет қоғозига босилди.
21,25 шарт. б.т. 17 ҳисоб. нашр. т.
Адади 2500 дона. 201-сон буюртма.

"Мухаррир" нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.
1000060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.